Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АНРУз

Наманганский государственный университет

E-mail:Khoshimovn@inbox.ru

***Аннотация:** Фармакодинамические параметры соединений СЦ- GSC-14 исследовали в условиях *invivo* с помощью тестов АЧТВ и тромбинового времени. Результаты экспериментов показали, что на фоне предварительного введения соединений СЦ- GSC-14 подопытным крысам в дозе 2,5- мг/мл наблюдали, удлинение времени свертывания крови до  $33 \pm 3$  сек, а в присутствии соединений в концентрации 5- мг/мл составляла  $47 \pm 3$  сек соответственно. Полученные результаты свидетельствуют о необходимости дальнейшего изучения механизмов влияния соединения СЦ-GSC-14 на функциональную активность тромбоцитов.*

***Ключевые слова:** антикоагулянты крови, плазма человека, антитромбин, сульфатированного полисахарид.*

УДК 616.8;577.2.04;612.8

### **INVIVO ШАРОИТЛАРИДА СЦ- GSC-14 БИРИКМАСИНИНГ ФАРМАКОДИНАМИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎРГАНИШ.**

Хошимов Нозимжон Нумонжонович, Насиров Қобил Эркинович, Мухитдинов Бахтиёр  
Икрамович, Азизов Вайдулла Гаффорович

ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти,

ЎзРФА акад О.С.Содиқов номидаги биоорганик кимё институти

Наманган давлат университети

E-mail:Khoshimovn@inbox.ru

***Аннотация:** СЦ- GSC-14 бирикмасининг ҚФТВ ва тромбин вақтларини аниқлаш тести ёрдамида фармакодинамик параметрларига таъсирини ўргандик. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, СЦ- GSC-14 бирикмасини 2,5- мг/мл концентрацияда экспериментал каламушларга олдиндан юбориб, сўнгра қон ивиш вақтини  $33 \pm 3$  секундга узайгани аниқланди ва 5- мг/мл концентрацияда юборилганда  $47 \pm 3$  секундни ташкил этди. Олинган натижалар СЦ- GSC-14 бирикмасининг тромбоцитлар функционал фаоллигига таъсир механизмини ўрганишни давом эттириш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради.*

***Калит сўзлар:** қон антикоагулянтлари, одам плазмаси, антитромбин, сульфатланган полисахарид.*

UDK 616.8;577.2.04;612.8

**RESEARCH OF PHARMACODYNAMIC PARAMETERS OF COMPOUNDS SC-GSC-14 UNDER IN VIVO CONDITIONS.**

Khoshimov Nozimjon Numonjonovich, Nasirov Kabil Erkinovich, Muhitdinov Bakhtiyor Ikramovich, Azizov Vaydulla Gafforovich

Institute of Biophysics and Biochemistry at NUUz.  
Institute of Bioorganic Chemistry acad. A.S. SadykovASRUz  
Namangan State University  
E-mail: Khoshimovn@inbox.ru

***Abstract:** The pharmacodynamic parameters of the CC-GSC-14 compounds were studied in vivo using the APTT and thrombin time tests. The results of the experiments showed that, against the background of the preliminary administration of CC-GSC-14 compounds to experimental rats at a dose of 2.5 mg/ml, an increase in blood coagulation time was observed to 33+3 sec, and in the presence of compounds at a concentration of 5 mg/ml it was 47+3 sec respectively. The obtained results indicate the need for further study of the mechanisms of the effect of the CC-GSC-14 compound on the functional activity of platelets.*

***Keywords:** blood anticoagulants, human plasma, antithrombin, sulfated polysaccharide.*

УДК 616.8;577.2.04;612.8

**ИССЛЕДОВАНИЯ ФАРМАКОДИНАМИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ СОЕДИНЕНИЯ СЦ-GSC-14 В УСЛОВИЯХ INVIVO.**

Хошимов Нозимжон Нумонжонович, Насиров Кабил Эркинович, Мухитдинов Бахтиёр Икромович, Азизов Вайдулла Гаффорович

Институт биофизики и биохимии при НУУз.  
Институт биоорганической химии им. акад. А.С. Садыкова АНРУз  
Наманганский государственный университет  
E-mail:Khoshimovn@inbox.ru

**Актуальность.**

Бурное развитие биотехнологий приводит к быстрому совершенствованию подходов к доказательству биоаналогичности. Общая тенденция развития регуляторных систем развитых стран направлена на постепенное уменьшение объёма клинических исследований биоаналогов при условии доказательства биоаналогичности с использованием высокочувствительных методов доклинических исследований. В связи с этим предполагается дальнейшее развитие изложенных в данных Правилах подходов по пути использования последних достижений науки и техники при проведении сравнительных доклинических исследований. При должном обосновании, доказательство отсутствия значимых различий биологических свойств с использованием высокочувствительных методов может позволить сократить объёмы клинических испытаний биоаналогов[1].Тромбоз - это прижизненная закупорка кровеносного сосуда (артерии или вены) свернувшейся кровью. Среди многих причин, способствующих возникновению тромбоза сосудов, важное значение имеет повышение свертывающих свойств крови. Тромбоз - результат повышенного образования тромбина как чрезмерной реакции системы гемостаза на повреждение сосудистой стенки или любой другой патологический процесс в организме [2, 3,4].Механизм действия сульфатированных

полисахаридов отличается от механизма действия гепарина. Сульфатированные полисахариды напрямую ингибируют тромбин без участия плазменных ингибиторов сериновых протеиназ по сравнению с гепарином. Прямого ингибирования фактора Ха обнаружено не было; SP ингибируют внутренний путь коагуляции в низких дозах, а в высоких дозах - путь внешней коагуляции. Выявлено, что сульфатированные полисахариды не обладают острой токсичностью, но обладают широким терапевтическим действием. Однако антикоагулянтная активность природных и синтетических сульфатированных полисахаридов, полученных на основе целлюлозы, декстранов и пуллуланов [5, 6, 7], ниже, чем у гепарина.

**Целью работы** являлось исследование фармакодинамические параметры соединения СС- GSC-14 в условиях *in vivo*.

### **Материал и методы**

Объектом исследования служили лабораторные животные и плазма крови человека, кролика, крыс. В работе использовали беспородные белые крысы, весом 200 г, содержащиеся на рационе вивария, по 5-6 крыс в клетке, при влажности 70-80%, температуре 24-26°C в свободном доступе к воде и пище, а также кролики, весом 2-2,5 кг и мыши. Животных делили на контрольную и опытные группы. В исследованиях использовали только здоровых животных, с физиологически нормальными показателями, примерно одного возраста и массы тела. Перед началом опытов животных подвергали клиническому осмотру и наблюдению в течение 2-3 дней. Контрольным животным вводили внутривенно физиологический раствор, опытной группе вводили различные соединения, гепарин, сульфат протамина в различных дозах 10-50 мкг/мл. Для исследования коагуляционной активности препаратов использовали цитратную плазму крови, взятую из хвостовой вены крыс, заготовленной на цитрате натрия 3,5%, в соотношении 1:9. Плазма для исследования использовалась без тромбоцитов. Кровь помещали в пластиковую пробирку, содержащую 3,8% цитрат натрия в соотношении 9:1, для предотвращения свертывания крови. Богатую тромбоцитами плазму получали путем центрифугирования при 200 g 10 мин. Оставшуюся цитратную кровь в дальнейшем центрифугировали при 1500 g 10 мин для получения бедной тромбоцитами плазмы. Влияние препаратов на свертываемость крови определяли по методу генерации тромбина (фосфолипидный тест), характеризующий генерацию тромбина по внешнему и внутреннему пути. В коагуляционных тестах использовались препараты в дозе 10-50 мкг/мл. В качестве контроля использовался тромбин (1 ед.). Протромбиновая активность проверялась по методу Квика с тромбопластом (Квик). Для определения влияния препаратов на тромбообразование оценивалось по их влиянию на известные тесты гемостаза (АЧТВ, протромбиновое время, РФМК и др.). В качестве контроля использовался тромбин (1 ед.). Для выделения тромбоцитов в кровь добавляли 3,8% цитрата натрия в соотношении 1:9. Тромбоциты выделяли методом центрифугирования при 1150 об./мин, в течение 15 мин., для осаждения эритроцитов. Плазму, обогащенную тромбоцитами, повторно центрифугировали в течение 10 мин. при 3 тыс. об./мин. Осадок тромбоцитов суспендировали в 5 мл среды, содержащей 150 мМ NaCl, 2,7 мМ KCl, 0,37 мМ NaH<sub>2</sub>PO<sub>4</sub>, 1 мМ MgCl<sub>2</sub>, 1 мМ CaCl<sub>2</sub>, 5 мМ глюкозу, 10 мМ HEPES-NaOH, pH 6,55, 50 ед/мл гепарина, 0,35% сывороточного альбумина и 0,15 мг/мл апиразы. Все операции проводили в пластиковой посуде при комнатной температуре.

Статистическую значимость различий между контрольными и опытными значениями определяли для ряда данных, используя парный t-тест, где контрольные и опытные значения взяты вместе, и непарный t-тест, если они взяты отдельно. Значение  $P < 0,05$  указывало на статистически значимые различия. Полученные результаты статистически обработаны на Origin7.5(OriginLabCorporation, США).

### **Результаты и их обсуждение**

Фармакодинамические параметры соединения СЦ- GSC-14 исследовали в условиях *in vivo* с помощью тестов АЧТВ и тромбинового времени. СЦ- GSC-14 растворенного в физиологическом растворе вводили кроликам подкожно в дозах от 5 до 50 мг/кг. Затем через каждые 5, 15, 30, 60, 120, 180, 240, 300 мин после введения кровь отбирали, собирая капли из надреза вен в пластиковую пробирку с 0,11 М раствором цитрата натрия в соотношении 9:1. Свертываемость крови плазмы кроликов оценивали в тесте АЧТВ на антигетромбиновую активность. В качестве препарата для сравнения использовали гепарин. Полученную через 5 мин после введения СЦ- GSC-14 кровь исследовали на плазмокоагуляцию, при этом наблюдали достоверное удлинение АЧТВ и тромбинового времени в сравнение с контролем. В пробах, полученных через 5-500 мин после введения СЦ- GSC-14 наблюдали показатели АЧТВ и тромбиновое время близкие к действию гепарина (табл. 1).

После подкожного введения кроликам гепарина в дозе 200 ЕД (0,1 мл+2,4 мл 0,9% NaCl), а затем, изъятую кровь через каждые 5, 15, 30, 60, 120, 180, 240, 300 мин, исследовали на тромбиновое время, наблюдали постепенное удлинение времени тромбообразования до 180 мин, а затем укорачивание, приближенное к норме (26 сек).

Подкожное введение кроликам соединения СЦ-GSC-14 в присутствии 50 мг/мл, также через 15 минут вызывало удлинение, на  $43 \pm 3$  сек и в течение 10 часов удлиняло время тромбообразования до  $197 \pm 3$  сек., затем постепенно снижалось до  $35 \pm 3$  сек.

Полученные результаты показывают, что соединение СЦ-GSC-14 подобно гепарину в более низких концентрациях эффективно удлиняет АЧТВ-тест.

Соединения СЦ-GSC-14 в концентрациях (5-50 мкг/мл) дозозависимо удлиняют время тромбообразования относительно контроля, приводя к ослаблению образования фибринового сгустка, что может свидетельствовать об ингибировании активности одного из факторов XII, XI, IX, VIII.

**Таблица 1. Токсичность соединения СЦ- GSC-14 при подкожном введении кроликам**

МСП	дозы мг/мл	Время после введения, мин						
		5	10	30	60	120	240	480
контроль		26+2	28+2	255+2	29+2	27+2	26+2	27+2
гепарин	200 ЕД	38+2	120+4	157+2	175+2	185+2	133+2	32+2
GSC-14	50	43+3	67+3	135+3	178+3	197+3	96+3	27+3

В другом эксперименте внутривенного введения кроликам соединения СЦ- GSC-14, дозе 50 мг/мл, через 15 минут вызывало резкое удлинение время тромбообразования.

После внутривенного введения кроликам гепарина в дозе 200 ЕД (0,1 мл+2,4 мл 0,9% NaCl), а за тем, изъятую кровь через каждые 5, 15, 30, 60, 120, 180, 240, 300 мин, исследовали на тромбиновое время, наблюдали резкое удлинение времени тромбообразования до 60 мин, а затем течение 3-4 часов монотонное укорачивание и приближенное к норме (26 сек). (таблица 2).

Внутривенногвведение кроликам соединения СЦ-GSC-14 в присутствии 50 мг/мл, через 15 минут вызывало удлинение тромбообразования, на  $243 \pm 3$  сек и в течение от 10 часов удлиняло время тромбообразования до  $197 \pm 3$  сек., затем постепенно снижалось до  $35 \pm 3$  сек.

**Таблица 2. Токсичностьсоединение СЦ- GSC-14 при внутривеннном введении кроликам**

МСЦ	дозы мг/мл	Время после введения, мин						
		5	10	30	60	120	240	480
контроль		26+2	28+2	25+2	29+2	27+2	26+2	27+2
гепарин	200 ЕД	138+2	120+4	107+2	85+2	65+2	33+2	32+2
GSC-14	50	243±3	167±3	135±3	127±3	124±3	96±3	97±3

В следующих экспериментах *in vivo*, в условиях тромбопластинемии, исследовали плазму крови через 30 и 60 минут на АЧТВ тест после внутривенного введения 10 мг/кг на массу тела подопытным крысам тромбопластина (терапевтических величин), на фоне предварительного введения гепарина, а также СЦ- GSC-14

При этом выявлено, что внутривенное введение подопытным крысам тромбопластина на фоне предварительного введения изотонического раствора натрия, АЧТВ резко уменьшается в сравнение с контролем.

В условиях экспериментальной тромбопластинемии на фоне предварительного введения гепарина (1мг/кг) наблюдали удлинение времени свертывания крови до  $44 \pm 3$  сек. в зависимости от контроля.

Результаты экспериментов показали, что на фоне предварительного введения СЦ- GSC-14 подопытным крысам в дозе 2,5- мг/мл наблюдали, удлинение времени свертывания крови до  $33 \pm 3$  сек, а в присутствии соединений в концентрации 5- мг/мл составляла  $47 \pm 3$  сек соответственно.

Полученные результаты еще раз доказывают схожесть действий исследованных соединений антикоагулянтному действию гепарина. Снижение антикогулянтных свойств наблюдали в плазме крови после внутривенного введения подопытным кроликам гепарина, СЦ- GSC-14 на фоне предварительного введения сульфат протамина в дозе 10 мг/мл, через 30 и 60 мин.

Выявлено, что внутривенное введение подопытным крысам гепарина 200 ед. на фоне предварительного введения протамина сульфата, не приводил к уменьшению показаний АЧТВ в сравнение с контролем.

При внутривенном введении подопытным крысам СЦ- GSC-14 в дозе 50мг/мл, на фоне предварительного введения протамина сульфата, также не наблюдали уменьшение показаний АЧТВ-теста в сравнение с контролем.

При исследовании влияния СЦ- GSC-14 на число тромбоцитов обнаружено, что внутривенное введение влияния СЦ- GSC-14 в дозе 50 мг/кг, не наблюдалось понижение количества тромбоцитов и не выходили за рамки физиологических норм.

Полученные результаты свидетельствуют о необходимости дальнейшего изучения механизмов влияния соединения СЦ-GSC-14 на функциональную активность тромбоцитов.

Acknowledgement: Работа выполнена при финансовой поддержке Программы прикладных исследований Министерство инновационных развития РУз (на из проекта



2017092060 - «Разработка гепаринподобного антикоагулянта на основе сульфатированных полисахаридов») Конфликт интересов не заявляется.

**Список использованной литературы:**

1. Иванов Р., Секарёва Г., Кравцова О., Кудлай Д., Лукьянов С., Тихонова И., Дёмин А., Максумова Л., Никитина И., Обухов А., Зайцев Д., Степанов А., Носырева М., Самсонов М. Правила проведения исследований биоаналоговых лекарственных средств (биоаналогов). Фармакокинетика и Фармакодинамика. 2014;(1):21-36.
2. Sinauridze E.I., Panteleev M.A., Ataullakhanov F.I. Anticoagulant therapy: basic principles, classic approaches and recent developments. Blood Coagul Fibrinolysis 2012; 23 (6): 482–93.
3. Папаян Л.П. Нормальный гемостаз // Гематология. Национальное руководство по гематологии. / Под ред. проф. О.А. Рукавицина. – М: ГЭОТАР – Медиа, 2015. – С. 90-100.
4. Monroe D.M. What does it take to make the perfect clot? / D.M. Monroe, M. Hoffman // Arterioscler. Thromb. Vasc. Biol. – 2006. – Vol. 26. – P. 41-48.
5. Ganetsky V. Hadley D., Thomas T. Role of Novel and Emerging Oral Anticoagulants for Secondary Prevention of Acute Coronary Syndromes. Pharmacotherapy. 346. 2014. 590-604. DOI: 10.1002/phar.1375.
6. Limdi M.A., Crowley M.R., Beasley T.M., Limdi N.A., Allon M. Influence of kidney function on risk of hemorrhage among patients taking warfarin: a cohort study. Am J Kidney Dis. 61(2): 2013. 354–357. doi: 10.1053/j.ajkd.2012.09.012.
7. Roskell N. Samuel M., Noack H., Monz B. Major bleeding in patients with atrial fibrillation receiving vitamin K antagonists: a systematic review of randomized and observational studies. Europace. -156. 2013. 787-797. doi: 10.1093/europace/eut001.

**УДК 631.417.3**

**ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРНИНГ ГУМУСЛИ ВА ЭНЕРГЕТИК ҲОЛАТИГА  
СУРУНКАЛИ ЎҒИТЛАШНИНГ ТАЪСИРИ**

Юлдашев Фулом Фарғона давлат университети  
Рахимов Аббор Наманган давлат университети

***Аннотация:** Шўрхоқларда ва сугориладиган ўтлоқи саз тупроқларда кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ҳар хил шароитда ва маданийлашганлиги хилма-хил бўлган ҳолатларда гумус ва унинг потенциал энергиясига алоҳида баҳо берилган. Ҳар хил агроген таъсиридаги тупроқларда гумус ҳосил бўлиши жадаллиги, деградацияланиши ҳамда уларга боғлиқ кечадиган потенциал энергия миқдорлари тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:** Гумус, гумусли ҳолат, энергия, кислоталар, гуруҳли таркиб, деградация, сугориш, маданийлашганлик, шўрхоқ.*

**ВЛИЯНИЕ ДЛИТЕЛЬНОГО ВНЕСЕНИЕ УДОБРЕНИЙ НА ГУМУСНОЕ И  
ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ГИДРОМОРФНЫХ ПОЧВ**

***Аннотация:** По результатам многолетнего исследования приведены результаты содержания гумуса и потенциальной энергии луговых-сазовых почв сформированных на разных условиях окультуренности. Исследованы особенности гумусного и энергетического состояния при разной интенсивности агрогенных воздействий.*

**Ключевые слова:** Гумус, гумусное состояние, кислоты, энергия, групповой состав, деградация, орошение, окультуренность, солончак.

## INFLUENCE OF LONG-TERM FERTILIZER APPLICATION ON HUMUS AND ENERGY STATE OF HYDROMORPHIC SOILS

**Annotation:** According to the results of a long-term study, the results of the humus content and potential energy of meadow-saz soils formed under different conditions of cultivation are presented. The features of the humus and energy state have been investigated at different intensities of agrogenic influences.

**Key words:** Humus, humus state, acids, energy, group composition, degradation, irrigation, cultivation, solonchak.

**Кириш.** Гумус кислоталарининг энг пишиқ ва кўп энергия сифимига эга бўлган вакиллари албатта гумин кислоталари (ГК) ва фульвокислоталар (ФК) ҳисобланади. Юқори даражада конденсирланган структурали ГК, уларнинг гетерополяр ва комплекс-гетерополяр тузлари ёки металлугматлари биодеградацияга нисбатан жуда турғун бўлади [1]. Изотопли таҳлилларга кўра уларнинг минерализацияси юзлаб, минглаб йиллар билан ҳисобланади [2]. Шу боис гумус-аккумулятив қатламда гумин кислоталарининг умумий миқдори гумусга нисбатан ҳар хил тупроқларда ва қатламларда хилма-хил бўлади, аксарият сергумусли тупроқларда 10-40-50 % атрофида тебранади. Бу миқдор албатта тупроқларнинг генезисига, экологик ҳолатига [3,1] боғлиқ. Гумус тўғрисидаги кўп йиллик тадқиқотларда, айниқса суғориладиган гидроморф тупроқларда ҳар хил экологик шароитда ГК ва ФК ларнинг ўзгаришини баҳолашда ҳар хил даражада гумификацияланишида уларнинг гуруҳли таркиби муҳим ва долзарб ҳисобланади. Шундай қилиб, гумус миқдори, унинг гуруҳли таркиби, энергетик ҳолатларини, трансформациясини агроген таъсирлар натижасидаги ўзгаришларини аниқлашга қаратилган ишларни долзарблик даражаси юқорилашиб боради.

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Эскидан суғориладиган ўртача шўрланган, хлорид-сульфатли шўрланиш типига эга бўлган ўтлоқи саз тупроқларида ва шўрхоқларнинг гумусли ва энергетик ҳолатида аниқликлар киритиш учун Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Фарғона тажриба станцияси (Кува тумани) тупроқлари танланди.

Тажриба станцияси тўрт томонидан чуқурлиги 1,5 метр ва ундан юқори бўлган очиқ зовурлар билан ажратилган [4]. Суғориладиган майдонларда ҳар йили қиш ойларида шўр ювиш ишлари ўтказилади. Ёўза - беда алмашлаб экиш тизими ташкил этилган бўлиб, кўп йиллик “Монокультура” номли тажриба 1949 йилдан бошлаб қуйидаги: 1) монокультура (ёўза) – ўғитланмайди; 2) монокультура + азотли, фосфорли, калийли (NPK) ўғитлар билан ўғитланади; 3) монокультура + NPK + 10 т/га органик ўғитли вариантларида кузатув ишлари олиб борилади.

Вариант бўлаклари, яъни ўлчами (18 x 100) 1800 м<sup>2</sup> [5] ни ташкил қилади. Шўрхоқли даҳадан ва монокультурали тажриба вариантларидан 2018 йил эрта баҳорда ва кузда тупроқ кесмалари олиниб, уларнинг генетик горизонтларига мувофиқ равишда тупроқ ҳамда ўсимликларидан ва сизот сувларидан намуналар олинди ва кимёвий таҳлиллар ўтказилди. Таҳлиллар умумқабул қилинган усулларда амалга оширилди.

Гумус ва гумус қатламининг қўриқ-шўрхоқларда ва суғориладиган ерларда шаклланиши улардаги гумус миқдорини қайси катталикларда тебранишини белгилайди. Бу ҳолат ушбу тупроқларда гумус қатламнинг кичиклиги, миқдорининг камлиги ва тупроқни маданийлашганлиги ортиши билан аста-секинлик билан узок даврда ортиши билан анализ натижалари орқали ўз исботини топди.

Гумус миқдорини қўриқ ерда, монокультура-ўғитсиз, монокультура + NPK вариантларда нисбатан баланд кўрсаткичлари вариацияси (жадвал 1) ҳам тасодифий эмас. Монокультура - ўғитланмаган вариантдан бошлаб гумусни ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги вариацияси камайиб боради, сабаб шудгорлаш, суғориш ва ўғитлаш билан ва бошқалар билан боғлиқ кечади.

Тупроқларни маданийлашганлик даражаси ортиши билан хусусан узок вақт суғоришлар, минерал ва органик ўғитлар таъсирида ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида, айниқса ҳайдов қатламда гумус вариацияси кескин, яъни бошқа вариантларга нисбатан ҳайдов қатламида деярли 9 баробарга пасайиши кузатилади.

Шу билан бирга қўриқ ва монокультура-ўғитсиз, монокультура +NPK вариантларни ҳайдов ости қатламларида ҳамда 4А кесмада гумус вариациясининг ўзаро яқинлиги, яъни 2,33-5,06 % атрофида тебраниши кузатилади.

жадвал -1

**Гумуснинг тупроқ профилидаги вариацияси ва тузлар билан корреляцияси (n-11)**

Кесма т/р	Чуқурлиги, см	M	$\delta \pm$	m	P	V, %	r -зарарли	r-зарарсиз
<b>Шўрхоқ-қўриқ</b>								
1-А	3-40	0,65	6,45	2,63	4,05	9,93	0,5	0,5
	40-70	0,31	1,15	4,71	1,52	3,72	0,6	-0,6
<b>Монокультура-ўғитсиз</b>								
2-А	0-28	1,02	0,11	4,63	4,47	10,95	0,10	йўқ
	28-45	0,78	0,02	9,42	1,20	2,96	-1,0	0,74
<b>Монокультура + NPK</b>								
3А	0-28	1,091	0,10	4,35	3,90	9,55	0,54	0,24
	28-45	0,89	2,08	8,43	0,95	2,33	-0,9	0,7
<b>Монокультура + NPK + 10 т/га органик ўғит</b>								
4 А	0-28	1,330	1,63	6,6	0,50	1,22	0	0,13
	28-45	1,301	6,53	2,69	2,06	5,06	0,4	0,43

M-ўрта арифметик қиймат

m - ўртача хатолик

$\delta$  -ўртача квадратик четланиш

p - аниқлик кўрсаткичи

v - вариация коэффиценти

r - корреляция коэффиценти

Бу ҳолатнда, ҳайдов қатламларидаги кўрсаткичлар нисбатан кичик тебранади, бу эса ушбу тупроқларни бир типчага кириши билан изоҳланади. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўрганилган тупроқларда зарарли тузларнинг умумий миқдорлари билан гумус миқдори ўртасида кореляцион боғланиш мавжуд бўлиб, бу қўриқ шўрхоқларда ва монокультура +NPK вариантларда +0,5; +0,54 ни ташкил қилади, 4А кесманинг ҳайдов қатламида бу боғланиш сезилмайди, бунга сабаб гумус миқдорини нисбатан юқорилиги ва зарарлиги тузлари бошқа вариантларга нисбатан кескин камлиги ҳисобланади. Умумий ҳолатда зарарсиз тузларнинг умумий миқдори билан гумус ўртасидаги кореляцион боғланишларда катта фарқ сезилмайди.

Ушбу тупроқлардаги гумус ўзгаришини нисбатан аниқроқ кўрсаткичларини ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида ялпи (т/га) миқдорлари кўрсатади. Чунки бунда тупроқни ушбу генетик қатламларидаги ҳажм массаси эътиборга олинади (жадвал -2).

жадвал-2

**Гумус захирасининг ўзгариши**

Кесма т/р	Гумус			Шўрхоқларга нисбатан, %			Монокультура- ўғитсизга нисбатан, %		
	т/га			0-20 см	0-50 см	0-100 см	0-20 см	0-50 см	0-100 см
	0-20 см	0-50 см	0-100 см						
<b>Шўрхоқ- қўриқхона</b>									
1 <sup>А</sup>	18,85	42,20	65,50	100	100	100	65,47	68,61	84,64
<b>Монокультура-ўғитсиз</b>									
2 <sup>А</sup>	28,79	61,51	77,39	152,73	145,76	118,15	100	100	100
<b>Монокультура +NPK</b>									
3 <sup>А</sup>	29,46	67,66	90,78	156,29	160,03	138,60	102,33	109,99	117,30
<b>Монокультура +NPK+10 т/га органик-ўғит</b>									
4 <sup>А</sup>	34,65	83,75	109,93	183,82	198,46	167,83	120,35	136,16	142,05

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, шўрхоқларда 0-20 см қатламда ялпи гумус миқдори 18,85 т/га бўлса 0-50 см қатламда эса 42,2 т/га, 0-100 см қатламда 65,50 т/га ни ташкил қилади. Бу миқдорни ушбу қатламларда монокультура-ўғитсиз, (2А) вариант билан солиштирилганда унга, 2А га нисбатан 65,47-84,60 % ни ташкил қилади, яъни кескин кам эканлиги кўриш қийин эмас, яъни шўрхоқларга нисбатан (2А) вариантда гумус 182,0-152,3 % миқдорда, ўзлаштириш жараёнида, антропоген омил таъсирида ошган.

Энди ўғитланган, яъни 3А вариантда гумус ўзгаришига эътибор берсак унда ҳамма қатламларда монокультура- ўғитсиз вариантдан гумус кўп, лекин монокультура + NPK + 10 т/га органик ўғитли вариантдан камлиги яққол кўринади. Бу ҳолат юқорида қайд этилганидек узоқ вақт NPK ва органик ўғитни тупроққа таъсири натижасида содир бўлган. 2А кесма жойлашган вариантга нисбатан бу вариантда, яъни 4А да гумус аккумуляцияси ҳар учала қатламда монокультура ўғитсизга нисбатан 120,4-142,1% атрофида ифодаланган.

Тупроқ таркибидаги гумус энергияси эса ўз навбатида уни, яъни тупроқни гумусли ҳолати, гумин ва фульвокислоталарини нисбатлари ва бошқалар орқали тупроқни сифат кўрсаткичи бўлган унумдорлигига таъсир қилади. Бу борада узоқ вақт, яъни 1957-дан 2018 йилгача бўлган оралиқдаги гумусни нисбий мувозанати ва энергияси ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак бу 3-жадвалда кўрсатилган. Жадвал маълумотларига кўра йиллар кесимида вариантларни маданийлашганлиги ортиши билан гумусни потенциал энергияси ортиб боради.

**Ҳайдов қатламларида гумус ва энергия ўзгариши**

Тажриба вариантлари	Гумус миқдори, % энергия млн.ккал/га			1957-1972 й	1987-2018 й.	1972-2018 й.
	1957 <sup>x</sup>	1972 <sup>xx</sup>	2018			
Монокультура-ўғитланмаган	1,206 24460,5	0,986 19998,4	1,020 20688,0	-0,220 -4462,1	-0,186 -3772,6	+0,034 +356,5
Монокультура + NPK	1,252 25393.6	1,076 21823.9	1,091 22128.1	-0,179 -3630.5	-0,161 -3265.5	+0,015 +304.2
Монокультура + NPK + 10 т/га органик ўғит	1,293 26225.1	1,113 22574.3	1,330 26975.6	-0,180 -3650.8	+0,037 +750.4	+0,217 +4401.3

х) П.Я.Ближина маълумотлари, гумус миқдори

xx) Д.Д.Умарова маълумотлари, гумус миқдори

xxx) Биринчи қаторлар гумус, иккинчи қаторлар энергия.

Жумладан гумус энергияси 1957 йилда 24460,5 дан 26225,1 млн.ккал/га бўлган тақдирда, 1972 йилда бу кўрсаткич 19998,4-22574,3 ни, 2018 йилда эса 20688,0 -26975,5 ни ташкил қилган. Шу билан бирга 1957 дан 1972 йиллардаги гумус фарқига кўра тупроқдаги гумусни потенциал энергияси камайган. Кейинчалик бу ҳолатда, яъни гумусни потенциал энергиясини камайишида стабилланиш кузатилади, 1972-2018 йилги фарқларга кўра оз бўлсада гумусни ва унинг потенциал энергиясини кўтарилиши кузатилади.

**Хулоса**

Кўриқ-шўрхоқлар ва суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларининг ўзига хос экстремал иқлимий, яъни чўл шароитида шаклланиши уларда хусусий морфологик белгилар шаклланишига олиб келади. Гумус типни ўзгаришида гуматлиликни ортиб бориши, яъни  $C_{гк}:C_{фк}$  нисбатини ортиши кузатилади. Шу билан бирга ушбу табиий иқлим шароитида гумус ҳосил бўлишига таъсир этувчи дастлабки субстратларни таркиби хусусан уларни биокимёвий таркиби, биогеокимёвий хусусиятлари таъсир қилади.

Шундай қилиб бу борада фикримизни яқунлайдиган бўлсак тупроқдаги гумус миқдори уни потенциал энергия параметрлари энергия ташувчиларнинг миқдори билан аниқланади. Бу ҳолат ўз навбатида тупроқни қатор хосса ва хусусиятларини белгилайди.

**Адабиётлар**

1. Звягинцев Д.Г. Шаповалов А.А., Пуцкин Ю.Г., Степанов А.А., Лысак Л.В., Буланкина М.А. Устойчивость гуминовых кислот к микробной деструкции. // Вестник Московского университета. Серия 17, Почвоведение 2004. № 2. с 44-47
2. Орлов Д.С. Химия почв. М. Изд-во МГУ 1992.400 с.
3. Кононова М.М. Органическое вещество и плодородие почвы // Почвоведение 1984. № 8 с. 6-20.
4. Федоров Б., Малахов В., Федорова Е. Засоленные земли Ферганы и их мелиорация. СредАз.НИХИ, Объединен. изд. Среднеазиатского отделения Ташкент 1934.
5. Маматхонов М., Ўразматов Н. Изучение сравнительной эффективности хлопковых севооборотов с различной структурой посевных площадей и монокультурой хлопчатника. Научный отчет Кува 1976, 1977 гг. с. 31.

**ИШЕМИЯДА АВТООКСИДЛАНИШ ВА ЛИПИДЛАРНИНГ ПЕРЕКИСЛИ  
ОКСИДАНИШИДА МИТОХОНДРИЯНИНГ НАФАС ОЛИШИ ВА ОКСИДАНИШЛИ  
ФОСФОРЛАНИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ГЛАБРАНИН БИЛАН  
КОРРЕКЦИЯЛАШ**

<sup>1</sup>Ахмедова Саидахон Эргаш қизи, <sup>2</sup>Мирзакулов Собитжон Олтинович, <sup>3</sup>Абдуллаева  
Гулбахор Толибжоновна, <sup>4</sup>Раимова Гулсанам Садриддин қизи

[saidaxon.axmedova@gmail.com](mailto:saidaxon.axmedova@gmail.com)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ЎзМУ ҳузуридаги  
Биофизика ва биокимё институти

(<sup>1</sup>таянч докторант, <sup>2</sup> PhD, доцент в.б., <sup>3</sup>б.ф.н., катта илмий ходим, <sup>4</sup>магистр)

*Аннотация:* Жигардан ажратиб олинган митохондрияларни тана ҳарорати (36,7<sup>0</sup>С) шароитида инкубация қилиниши жараёнида, липидларнинг перекисли оксидланишида митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланига глабранинни иштирокидаги ўзгаришларни аниқлашдан иборат.

*Калит сўзлар:* Жигар, митохондрия, ишемия, автооксидланиш, липидларнинг перекисли оксидланиши, глабранин.

**КОРРЕКЦИЯ ИЗМЕНЕНИЙ МИТОХОНДРИАЛЬНОГО ДЫХАНИЯ И  
ОКИСЛИТЕЛЬНОГО ФОСФОРИЛИРОВАНИЯ ГЛАБРАНИНОМ ПРИ  
АВТООКИСЛЕНИИ И ПЕРЕКИСНОМ ОКИСЛЕНИИ ЛИПИДОВ ПРИ ИШЕМИИ**

<sup>1</sup>Ахмедова Саидахон Эргаш қизи, <sup>2</sup>Мирзакулов Собитжон Олтинович, <sup>3</sup>Абдуллаева  
Гулбахор Толибжоновна, <sup>4</sup>Раимова Гулсанам Садриддин қизи

[saidaxon.axmedova@gmail.com](mailto:saidaxon.axmedova@gmail.com)

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Институт биофизики и  
биохимии при НУУз

(<sup>1</sup> базовый докторант, <sup>2</sup> PhD, и.о.доцент, <sup>3</sup>б.ф.н., старший научный сотрудник, <sup>4</sup>магистр)

*Аннотация:* В процессе инкубации выделенных из печени митохондрий при температуре тела (36,7<sup>0</sup>С) обнаружение изменений дыхания митохондрий при перекисном окислении липидов и участия глабранина в окислительном фосфорилировании.

*Ключевые слова:* печень, митохондрии, ишемия, аутоокисление, перекисное окисление липидов, глабранин.

**CORRECTION OF CHANGES IN MITOCHONDRIAL RESPIRATION AND OXIDATIVE  
PHOSPHORYLATION WITH GLABRANIN IN AUTOIMMUNE ISCHEMIA AND  
PEROXIDATION OF LIPIDS**

<sup>1</sup>Axmedova Saidaxon Ergash qizi, <sup>2</sup>Mirzakulov Sobitjon Oltinovich,

<sup>3</sup>Abdullaeva Gulbaxor Tolibjonovna, <sup>4</sup>Raimova Gulsanam Sadriddin qizi

[saidaxon.axmedova@gmail.com](mailto:saidaxon.axmedova@gmail.com)

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, Institute of Biophysics and  
Biochemistry at NUUz

(<sup>1</sup> basic doctoral student, <sup>2</sup> PhD, acting assistant professor, <sup>3</sup>d.b.s., senior researcher, <sup>4</sup>master)

**Abstract:** *In the process of incubation of mitochondria isolated from the liver at body temperature (36.7°C), the detection of changes in the respiration of mitochondria in the peroxidation of lipids and the participation of glabranin in oxidative phosphorylation.*

**Key words:** *Liver, mitochondria, ischemia, autooxidation, peroxidation of lipids, glabranin.*

Митохондрия одам ва ҳайвон ҳужайраларининг фақатгина норма шароитидагина эмас, балки турли хил патологик ҳолатларда ҳам асосий вазифаларни бажарадиган ҳужайра ичидаги органеллаларнинг энг муҳими ҳисобланади. Кўпчилик патологик жараёнларнинг ривожланиши, шу жумладан, аноксия, ишемия, геморрагик шок ва шу кабилар митохондрияларнинг нормал фаолиятини бузилиши ва митохондрия функцияларининг йўқолиши билан кузатилади. Хар хил патологик таъсиротларга митохондрия бирламчи нишон бўлишини кўрсатувчи кўплаб экспериментал натижалар олинган [1; 2; 3; 4].

Митохондрия супероксиданион, водород пероксида, азот оксиди, пероксинитрит ва шунга ўхшаш редокс-потенциални катта қудратга эга бўлган бошқарувчиларни ишлаб чиқаради, ҳужайранинг редокс-потенциалини бошқаришда фаол иштирок этади ва ўз навбатида протолизни, транскрипцияни фаоллашувини, мДНК даги ўзгаришни, ҳужайрадаги алмашинувни ва ҳужайра дифференцировкасини назорат қилади [5].

Жигар жарохати патогенезининг кўп омиллиги, унинг химояси хар хил даража ва структураларда амалга ошириш кераклигини талаб қилади, шу сабабли 40 турдан ортиқ фармакологик фаолликка эга бўлган флаваноидлар орасидан янги самарали гепатопротекторларни, шу жумладан антиоксидант таъсир кўрсатувчи моддаларни излаб топиш истиқболлини аниқлайди [6; 7; 8; 9]. Ана шундай антиоксидант таъсир кўрсатувчи флаваноидлардан бири глабранин ҳисобланади [10; 11]. Аммо унинг антиоксидантлик таъсири кверцетиндан пастроқ.

Аммо, шу вақтгача ажратиб олинган митохондрияларни ишемия шароитида липидларнинг перекисли оксидланишида митохондрияларнинг нафас олиши ва оксидланишли фосфорланишига глабранинни таъсири бир-бирларига қийслаб ўрганилган эмас.

**Материаллар ва тадқиқот усуллари.** Каламуш жигаридан митохондрияларни дифференциал центрифуга усули билан [12], айрим ўзгартиришлар орқали [13] 0,25 М сахароза, 10 мМ трис-НС1-буфер, рН 7,4, 2 мМ ЭДТАдан фойдаланиб ажратиб олинди. Кейин ажратиб олинган митохондрияларни ЭДТА сиз ажратиш муҳитида икки марта ювиб тозаланди.

Ажратиб олинган митохондрияларни 15 дақиқа давомида 36,7°C хароратда перекисли оксидланишда глабранин билан инкубация қилинди. Митохондрия суспензияси доимий равишда аралаштирилиб турилди. Орадан 3, 6, 9 ва 15 дақиқаларда малон диальдегид, нафас олиш ва оксидланишли фосфорланишлардаги ўзгаришлар аниқланди.


Липидларнинг перекисли оксидланиши жараёнини аскорбатга боғлиқ тезлиги Ю.А.Владимиров ва А.И.Арчаковларнинг [14] микроусули билан тиобарбитир кислота орқали аниқланди.

Жигар митохондрияларини нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиши учун ячейкаларга қуйидаги таркибли инкубация муҳити: 250 мМ сахароза, 10 мМ трис-НС1, рН 7.4 ва 5 мМ КН<sub>2</sub>РО<sub>4</sub> қўшилди. Бош мия митохондриялари нафас олиши ва оксидланишли

фосфорланиши учун - сахароза- 250 мМ, КСl - 12мМ, КН<sub>2</sub>Р0<sub>4</sub> - 5мМ, трис-НСl-буфер - 5мМ (рН 7,4) инкубация мухитидан фойдаланилди. Флавоноидларни *in vitro* шароитида жигар митохондрияларга таъсирини текшириш учун мақсадга қараб танланган субстратлар, ҳамда митохондриялар қўшилди. Оксидланиш субстрати сифатида 10 мМ глутамат олинди. Полярографик ячеякадаги аралашма кислородга сезгир айланувчи платинали электрод билан жадал равишда аралаштирилиб турилди. Инкубация мухитидан кислород сарфланишини қайд этиш жараёни ячеякага митохондрия суспензиясини (0,05-0,06мл) киритиш йули билан бошланди.

Митохондрияларнинг нафас олиш ва фосфорланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш Чанс-Вильямс усули бўйича ўтказилди [Chance B., Williams G.L., 1956]. Бунда 10 мМ глутамат билан нафас олиш тезлигининг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди: V<sub>2</sub> – оксидланиш субстратини оксидланиш ҳолати, V<sub>3</sub> – АДФ қўшилгандан кейинги фаол фосфорланувчи ҳолат, V<sub>4</sub> - ячеякадаги АДФ ни сарфланиб бўлгандан сўнги ҳолат: Чанс бўйича нафас кўрсаткичи (НК<sub>ч</sub>-V<sub>3</sub>/V<sub>4</sub>нисбати), АДФ/О коэффиценти аниқланди. Митохондрияларнинг барча метаболик ҳолатларда нафас олиш тезлиги 1 мг оқсилга нисбатан нанограмм атом кислород/дақиқада ифодаланди. Митохондриядаги оқсил миқдори аниқланди [15].

Глабранин ЎЗР ФА ўсимлик моддалари кимёси институти профессорлари З.А. Хушбақтова ва В.В.Сыров томонидан берилган (1-расм).



**1-расм. Биологик манбаи: Glycyrrhiza lepidota, Gl. glabra, Gl.uralensis.**

Формуласи: C<sub>20</sub>H<sub>20</sub>O<sub>4</sub>. Молекула оғирлиги: 324.3704. Синонимлар: (S)-2,3-дигидро-5,7-дигидрокси-8-(3-метил-2-бутенил)-2-фенил-4Н-1-бензопиран-4-он; (2S)-5,7- дигидрокси -8-(3- метилбут -2-енил)-2-фенил-хроман-4-он; Глабранин; 5,7- дигидро -8-(3-метил-бут-2-енил)-2-фенил-1-бензопиран-4-он.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Ишемияда митохондриялардаги липидларнинг перекисли оксидланишида малон диальдегидга глабранинни таъсири тўғрисида олинган натижалар 1-жадвалда берилган.

**1-жадвал**

**Ишемияда митохондрияда липидларнинг перекисли оксидланишида малон диальдегидни ҳосил бўлишига глабранинни таъсири (M±m, n = 10-12)**

Вақт, дақиқа	Липидларнинг перекисли оксидланиш реакция тезлиги, нМ малон диальдегиди/мг дақиқа оксил.			
	Назорат	%	Глабранин	%
0	0,060±0,01	100	0,060±0,01	100
3	0,075±0,02	124,9	0,067±0,01	111,5
6	0,085±0,04	142,0	0,075±0,02	124,9
9	0,0100±0,06	166,4	0,087±0,06	145,6
15	0,110±0,08**	183,3	0,096±0,08**	160,5



Липидларнинг перекисли оксидланишида митохондрияларни 3, 6, 9 ва 15 дақиқалар давомида инкубация қилинганида малон диальдегиднинг хосил бўлиши 24,9; 42,0; 66,4 ва 83,3% ларга кўпайди. Митохондрияларга глабранинни қўшиб ўлчанда эса малон диальдегиднинг миқдори 11,5; 24,9; 45,6 ва 60,5% ларга кўпайди. Демак, ишемия шароитида глабранин митохондрияларда липидларнинг перекисли оксидланиши сезиларли даражада пасайтиради.

Ишемияда липидларнинг перекисли оксидланишини глутаматни хар хил метаболик ҳолатларда оксидланишига глабранин таъсирида олинган натижалар 2 расмда берилган.

Ишемияда глабранин митохондрияларда глутаматни  $V_2$  ва  $V_4$  ҳолатларда оксидланишини назоратга нисбатан пасайтиради,  $V_{3(AДФ)}$  даги фосфорланишли оксидланишни эса бирозгина оширади, натижада Чанс бўйича нафас кўрсаткичи ва АДФ/О коэффициентини назоратдаги кўрсаткичларга яқинлаштиради. Агар, тажрибанинг 3, 6 ва 9 дақиқаларида глабранинсиз глутаматни  $V_2$  ҳолатдаги оксидланиши 19,0; 28,6 ва 59,8% ларга ошса, глабранин билан – 8,0; 14,5 ва 29,7% ларгагина оширади. Глутаматни фосфорланишли оксидланишида ( $V_{3(AДФ)}$  ҳолатда) бошқачароқ манзара кузатилади. Орадан 3 дақиқа ўтганда глабранин бор ёки йўқлигидан қатъий назар  $V_{3(AДФ)}$  ҳолатдаги оксидланиш ҳеч қандай ўзгариш кузатибмайди. Глабранинни мембранани стабиллаши 9 дақиқадан бошланади. Агар, фосфорланишли оксидланиш глабранинсиз 19,8% га пасайтирса, глабранин билан 12,6% га пасайтиради. Глутаматни  $V_4$  ҳолатдаги оксидланиши ишемия шароитида ошишини глабранин пасайтиради. Агар,  $V_4$  ҳолатдаги оксидланиш тажрибанинг 3, 6 ва 9 дақиқаларида глабранинсиз 23,4; 55,7 ва 95,2 % ларга ошса, глабранин билан 12,0; 35,9 ва 46,7 % ларга ошади. Глутаматни митохондрияда фосфорланишли оксидланишини пасайтириб,  $V_4$  ҳолатдаги оксидланишини сезиларли даражада ошириши оксидланишли фосфорланиш самарадорлигини – Чанс бўйича нафас кўрсаткичи ва АДФ/О коэффициентини ишемияда пасайишини сезиларли даражада секинлаштиради. Агар, глабранинсиз Чанс бўйича нафас кўрсаткичи назоратга нисбатан 19,8; 36,3 ва 60,4% ларга, АДФ/О коэффициентини 13,2; 40,4 ва 60,4% ларга камайса, глабранин билан Чанс бўйича нафас кўрсаткичи 11,8; 28,8 ва 40,6% ларга, АДФ/О коэффициентини эса 3,4; 16,8 ва 32,3 5 ларгагина пасайди.

**Ишемияда липидларнинг перекисли оксидланишини глутаматни хар хил метаболик холатларда оксидланишига таъсирини глабранин билан коррекциялаш  
(M ± m; n = 10-12)**

Кўрсат- гичлар	Вақт, дақиқа	Нафас олиш тезлиги, нанограмм атом кислород/мин мг ОКСИЛ			
		Назорат	%	Глабранин	%
V <sub>2</sub>	0	31,8±3,7	100	31,8±3,7	100
	3	37,8±3,9	119,0	34,3±4,3	108,0
	6	40,9±4,7*	128,6	36,4±4,9	114,5
	9	50,8±6,2**	159,8	42,5±5,6	129,7
V <sub>3</sub> (АДФ)	0	92,5±7,4	100	92,5±7,4	100
	3	92,1±4,5***	99,6	92,5±8,8	100,0
	6	80,8±5,2****	93,9	89,5±8,8	96,7
	9	74,2±4,6****	80,2	80,9±8,8	87,4
V <sub>4</sub>	0	29,5±4,0	100	29,5±4,0	100
	3	36,4±3,8*	123,4	33,4±4,7	112,0
	6	45,9±3,8***	155,7	40,1±5,4	135,9
	9	59,6±3,8****	195,2	43,3±5,9	146,7
НК <sub>ц</sub>	0	3,13±0,09	100	3,13±0,09	100
	3	2,53±0,05***	80,8	2,76±0,12	88,2
	6	1,88±0,04****	63,7	2,23±0,13	71,2
	9	1,24±0,04****	39,6	1,86±0,15	59,4
АДФ/О	0	2,86±0,07	100	2,86±0,07	100
	3	2,48±0,07****	86,8	2,76±0,09	96,6
	6	1,70±0,06****	59,6	2,38±0,07	83,2
	9	1,42±0,04****	39,7	1,90±0,11	66,7

Олинган натижаларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келиш мумкин. Глабранинни митохондрияга қўшиб липидларнинг перекисли оксидланишида инкубация қилинганида митохондрияларда малон диалдегид ҳосил бўлишини митохондрияларда глутаматни V<sub>2</sub> ва V<sub>4</sub> холатларда оксидланишини назоратга нисбатан пасайтиради, V<sub>3(АДФ)</sub> даги фосфорланишли оксидланишни эса бирозгина оширади, натижада Чанс бўйича нафас кўрсатгичи ва АДФ/О коэффиценти назоратдаги кўрсатгичларга яқинлаштиради.

**Адабиётлар рўйхати**

- Wallace D.C. A mitochondrial paradigm for degenerative diseases and ageing.//Novartis Found Symp. 2001. V. 235. P. 247-263; discussion 263-266.
- Szewczyk A., Wojtczak L. Mitochondria as a pharmacological target. //Pharmacol Rev. 2002. V.54. P.101-127.
- Di L.F., Canton M., Menabo R., Kaludercic N., Bernardi P. Mitochondria and cardioprotection. Heart Fail. Rev. - 2007. - V. 12. - P. 249-260.
- Szeto H.H. Mitochondria-targeted cytoprotective peptides for ischemia-reperfusion injury.// Antioxid Redox Signal. - 2008. - V. 10. - P. 601-619.
- Зоров Д.Б., Исаев Н.К. и др. Митохондрия как многоликий Янус.// Биохимия. 2007. Т.72. вып. 10. С.1371-1384.
- Шульпекова Ю.О. Препараты растительного происхождения в лечении заболеваний печени. // Рус.мед. журн.- 2006.- Т. 14, №4.- С.337-342.

7. Das S.K., Vasudevan D.M. Protective effects of Silymarin, a milk thistle (*Silibiummarianum*) derivative on ethanol-induced oxidative stress in liver. // Indian J. Biochem. Biophys. 2006. - Vol.43, N.5. - P.306-311.
8. Rapavi E. et al. Effects of citrus flavonoids on redox homeostasis of toxin-injured liver in rat. //Acta. Biol. Hung. 2006. - Vol.57, N.4. - P.415-422.
9. Сергеева Е.О. Влияние флавоноидов на механизмы развития окислительного стресса при токсических поражениях печени: дис.. канд.фармац.наук: 14.00.25.- Пятигорск, 2007.- 160 С.
10. Sreejayan N., Rao M.N.A. Free radical scavenging activity curcuminoids. Drug Res46, 1996, 169-171.
11. Madan M.P., Raghavan G., Ajay Kumar singh, Palpu P.Free radical scavenging potential of *Sussareacostus*. Acta Pharm55, 2005, 297-301.
12. Schneider W.C., Hogeboom G.N. Cytochemical studies of mammalian tissues the isolation of cell components by differential centrifugation. // Cancer. Res. - 1951. - V. 19. - P. 1-22.
13. Алматов К.Т., Юсупова У.Р., Абдуллаев Г.Р. ва б. Организмининг нафас олиши ва энергия хосил қилишини аниқлаш.Тошкент. - 2013. - Б. 103.
14. Владимиров Ю.А., Арчаков А.И. Перекисное окисление липидов в биологических мембранах // Москва: Наука, 1972, 252 с.
15. Lowry O.H., Rosebrough N.J., Farr A.L., Randall R.L. Protein measurements with the Folin phenol reagent. // J. Biol. Chem., 1951, V. 193, P. 265-275.

### **ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ЎРИК-ШАФТОЛИ ШИРАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯСИ.**

Илҳомжон Комилович Рустамов, биология фанлари номзоди, катта ўқитувчи, Наманган давлат университетини биотехнология кафедраси.

**Аннотация:** Тадқиқотлар давомида Фарғона водийси шароитида илк бор *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz. Шираларининг биологияси ва экологияси ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганилди. Мазкур ҳашаротларнинг ривожланиши, миқдор динамикаси, иккиламчи ўтсимон ўсимликларга кўчиши, озикланиши ва бошқа ҳаётий хусусиятларига доир кўп ҳажмли маълумотлар биринчи марта эълон қилинди. Ўрганилган турларга нисбатан данак мевали дарахтларнинг айрим навларининг толерантлиги биринчи марта аниқланди.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz., Ширалар, толерант, ўрик, шафтоли. ўрик - қамиш шираси, шафтоли тана ширси. шафтоли барг шираси.

### **ЭКОЛОГИЯ АБРИКОСОВО-ПЕРСИКОВЫХ ТЛЕЙ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ**

Илҳомжон Комилович Рустамов, кандидат биологических наук, старший преподаватель кафедры биотехнологии биотехнологического факультета, Наманганский государственный университет.

**Аннотация:** Впервые всесторонне и полно исследована биология и экология тлей *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz. В условиях Ферганской долины. Обнародованы всеобъемлющие сведения, касающиеся развития, динамики численности, миграции на вторичные кормовые растения, питания и других жизненных

особенностей этих видов. Установлено толерантность отдельных сортов косточковых плодовых по отношению к изученным видам тлей.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz., тли, толерантность, абрикосово-тростниковая тля, штамбовая персиковая тля, листовая персиковая тля.

## ECOLOGY OF APRICOT AND PEACH APHIDS IN FERGHANA VALLEY

Ilkhomjon Komilovich Rustamov, doctor of philosophy, senior lecturer of the department of biotechnology, faculty of biotechnology, Namangan state University.

**Annotation:** In results which spending research the first in condition of Ferghana valley all sides and full had studied biology and ecology of *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz aphids. The first publication all-volume information consuming development, dynamic quantity, migration on the second grassy, nourishment and other especially of life this insects. The first had appeared the tolerante different sorts of the bones bear fruits in relation to study species aphids.

**Keyword:** Ferghana valley, *Hyalopterus pruni* Geoffr., *Pterochloroides persicae* Cholod., *Myzus persicae* Sulz., aphids, tolerante.

Ҳозирги пайтда шираларни ўрганишда фаунистик тадқиқотлар устунлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, ҳар қандай ширани, айниқса, хўжалик иқтисодий аҳамиятга эга бўлган турни, ҳар тарафлама ва тўлиқ ўрганиш, биринчи навбатда, унинг биология ва экологиясини тадқиқ этиш, ўстирилаётган ўсимликларни ундан - ҳимоя қилиш йўллари ишлаб чиқишга асос бўла олади.

Бу ҳилдаги турларни қайд этилган аснода ўрганилишининг аҳамиятини эколог тадқиқотчилар ҳам кўрсатиб ўтишган [5;9]. Бизнинг ҳудудимизда айтилган ишларнинг мазмуни шираларни тадқиқ этишнинг стратегик йўналишларидан келиб чиқади ва уларга ҳамо-ҳангдир [7].

Фарғона водийси шароитида, *Hyalopterus pruni* Geoffr. (ўрик қамиш шираси), *Pterochloroides persicae* Cholod. (шафтоли тана шираси), *Myzus persicae* Sulz. (шафтоли барг шираси) нинг биологик ва экологик хусусиятларини ҳар тарафлама ва тўлиқ тадқиқ этиш асосида данакли мева дарахтларга ва техник экинларга (тамаки) уларнинг таъсирини камайтириш йўллари ишлаб чиқиш.

Мазкур ҳашаротларнинг тараққиёти, ривожланиш динамикаси, иккиламчи ўтсимон ўсимликларга кўчиши, озиқланиши ва бошқа ҳаётий хусусиятларига оид кенг қамровли маълумотлар биринчи марта эълон қилинди. Тадқиқ этилган турларнинг морфометрик ўлчамлари асосида илк бор уларнинг озуқа ўсимликлар ва тупроқ - иқлим шароитлари таъсирида ўзгаришлари таҳлил этилди. Биринчи марта данакли мева дарахтларнинг айрим навларини ўрганилган шира турларига нисбатан толерантлиги (чидамлилиги) аниқланди ("оқ ўрик" навини ўрик -қамиш ширасига, шафтолининг "луччак" навини шафтоли барг ширасига нисбатан ва ҳоказо). Илк бор баъзи бирламчи озуқа ўсимликларни шира турларининг ҳаётий цикллари нисбий таъсири ўрганилди.

Фарғона водийсининг иқлими қуруқ, кескин континентал. Шарқий Фарғонанинг текисликларида бошқа минтақаларга нисбатан ёнғингарчилик миқдори кўпроқ. Ўртача

йиллик ҳарорат (денгиз сатҳидан 350-1500 м баландликларда) 8,2 °C дан 14,3 °C гача ўзгариб туради. Январнинг ўртача ҳароратлари 3 °C бўлади [1;2]. Ёгингарчиликнинг максимал миқдори 1 суткада Фарғонада 67 мм, Наманганда 57 мм, Андижонда 61 мм гача етиши мумкин [3]. Фарғона водийси тўрт геоморфологик минтақага (марказий, адир, тоғ олди ва баланд тоғли) бўлинишига қарамасдан, унда тупроқ-иқлим шароитларига кўра Кўқон, Фарғона, Чуст - Поп, Андижон, Наманган, Хўжанд ва Ўш минтақалари ажратилади. [4;6].

Водийнинг турли тупроқ - иқлим шароитлари зарарли ҳашаротлар фаунасига ўзига хос таъсирини ўтказди. Айниқса, мевали дарахтларда тарқалган *Pterochloroides persicae*, *Myzus persicae*, *Hyalopterus pruni* шира турлари муҳитнинг бевосита таъсири доирасида бўлади.

Тадқиқ этилаётган шираларга биотик омилларнинг таъсирини ҳудудлараро фарқи ўрганилди. Эрта баҳорда ўрик-шафтоли шираларини ва 2-3-авлодларини кокцинеллид кўнғизлари томонидан қирилиши тоғ олди ҳудудларида (Чуст) Марказий текислик минтақаларига нисбатан (Фарғона) юқорилиги кузатилди. Бундай ҳолатни юзага келиши йиртқич кокцинеллидаларнинг фаолияти билан боғлиқ. Қишловдан чиққан хонқизи кўнғизлари энтомофаглигини шу атрофдаги мевали боғлардаги дастлабки зараркунандаларни қиришдан бошлайди [10].

Марказий текислик ҳудудларида ўрик-шафтоли шираларининг кушандаси аллотромбиум канасининг миқдор зичлиги тоғ ва тоғ олди минтақаларига нисбатан баланд бўлганлигидан, текисликларда зараркунандалар миқдорининг камайиши сезиларли бўлади.

Ширалар яшаётган ҳудудларнинг омилларини ўзига хослигини куйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин.

Марказий ва Шимолий текисликлардаги сувга яқин ўсувчи қамишларда ўрик - қамиш шираси баргларнинг орқа томонларида катта колонияларни кўплаб ҳосил қилади. Тоғ ва тоғ ён бағирларидаги қамишзорлада бу шира ўсимлик баргларини остида деярли озикланмайди. У ёш баргларнинг фақат устки томонида колониялар ҳосил қилади. Тоғли ҳудудларда ўсувчи қамишларнинг поя ва барглари (айниқса, баргларининг пастки томони) турли маъданларга тўйинган сувлар таъсирида қаттиклашиб қолганлигидан, шираларнинг озикланишини қийинлаштиради ёки умуман баргнинг пастки қисмида яшашга имконият бермайди.

Булардан ташқари, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги (Ғова) қамиш ўсимлигидаги *Hyalopterus pruni* колонияларида учровчи бинафша рангдаги шира турларининг миқдори Марказий текислик ҳудудлардагига нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Жумладан, бинафша рангдаги шираларни оддий рангдаги шираларга нисбати тоғ олди ҳудудларида 2:1, баъзан 3: 1 ; текисликларда эса 1:2, айрим ҳолларда 1 :1 нисбатни ташкил этади. [11].

Тоғ олди ҳудудларида ўсувчи ўрик дарахтларини марказий текисликлардаги шу навли ўрикларга нисбатан шираларга чидамлироқ бўлиши маълум бўлди. Чунончи, ўрикнинг “Қантдак” навларини *Hyalopterus pruni* га бўлган муносабати аниқланди [8]. Фарғонадаги кузатув пунктидаги ўрик баргларида шира миқдори 20 - 25 донага етганда (битта баргда), барг четлари ичкари томон қайрила бошлайди. Айни ҳолат Ғова пунктидаги ўрик боғларида шира миқдори 30-32 донага етганда рўй беради. Қуруқ иқлим шароитида (Марказий текислик минтақаси) ўрик барглари таркибидаги

углеводлар сўриб олинганда, уларнинг зарарланиши осонлашади. Тоғ олди минтақасидаги атмосфера намлиги ўрик барглариининг қисман суюқликни йуқотганларида ҳам баргларни деформацияланишидан сақлаб туради. Шафтоли ва бодом дарахтларининг *Muzus persicae* шираси томонидан зарарланиш хусусиятлари турли ҳудудларда фарқланади. Бу фарқлар, айниқса, шафтолининг маҳаллий навларига яққол билинади. Марказий текисликларда шафтоли ва бодом дарахтларининг ширалар билан зарарланиши барглариининг кучли деформацияланиши кўпроқ ўрта ва юқори ярусларда кузатилса, тоғ олди ҳудудларида ўсувчи дарахтларда деформациялашган барглариининг асосий қисми пастки ва ўрта, кам ҳолатларда юқори ярусларга тўғри келади. Тоғ олди ҳудудларда зараркунанданинг йирик колонияларини ҳосил қилишига дарахтларнинг пастки ярусларида имконият кўпроқ бўлади. Турли данакли мева дарахтларда *Hyalopterus pruni* ва *Muzus persicae* шираларини ҳисобга олиш даврида колонияларда қанотли тирик туғувчи шираларнинг қанотсиз шираларга нисбатан озчиликни ташкил этишини тоғ ва тоғ олди ҳудудларга хос эканлиги кузатилади. Қанотли шираларнинг текисликларда юқори фозиларни ташкил этиши аниқланди.

Бундан ташқари, данакли мева дарахтларнинг шираларига экологик омилларнинг таъсирлари уларнинг бошқа қатор хусусиятларида ҳам билинади. Тадқиқотлар олиб борилган минтақаларда шафтоли барг шираси қишлоб чиққан тухумлардан март ойи давомида пайдо бўлади. Асосчиларнинг личинкалари Фарғона водийсининг марказий текисликларида март ойининг биринчи ярмида (13.03. 2014, 11.03.2016, Фарғона тумани), шимолий текислик минтақасида шу ойнинг ўрталарида (15.03.2014, 17. 03.2016, Чуст тумани ), тоғ ва тоғ олди минтақаларида мартнинг иккинчи ярмида тухумлардан чиқади. Қиш илиқ келган йиллари асосчилар март ойининг биринчи ярмида ривожланишни бошлайди (6.03.2015, Фарғона., 7.03.2015, Чуст; 11.03.2015, Ғова). Келтирилган маълумотлардан маълум бўляптики, шафтоли барг ширасининг асосчилари тоғ ва тоғ олди ҳудуд минтақаларида текисликларга нисбатан кеч (4-7 кун) тухумлардан чиқади; бу мазкур минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларидаги ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Ўрик -қамиш ширасининг қишлобдан чиққан тухумларидан асосчилар личинкаларининг чиқишида ҳам ўхшаш ҳолат кузатилади. Ўрикда дастлабки личинкаларнинг пайдо бўлиши ҳар хил ҳудудларда 4-10 кунга фарқланади. (9.03.2015 Фарғона ; 15.03.2015, Чуст; 19.03.2015 Ғова; 14.03.2016 Фарғона; 18.03.2016 Чуст; 21.03. 2016 Ғова).

Шафтоли тана ширасининг қишлобдан чиқиши учун юқори оптимал ҳароратларни талаб этилиши тадқиқотларимизда қайд этилди. Водийнинг турли ҳудудларида бу турнинг дастлабки вакиллари шафтолида қуйидаги муддатларда қайд этилди: 16.04.2014, 15.03.2015, 17.03.2016 - Чуст; 24.04.2014, 10.03.2015, 18.03.2016 Фарғона. Баҳорнинг охири ёзнинг бошланишига келиб, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ширалар ҳаётига салбий таъсир этади. Данакли мева дарахтлар ёзда уларга озика ўсимлиги сифатида хизмат қила олмайди. Натижада шираларда депрессия ҳолатлари бошланади. *Hyalopterus pruni* ва *Muzus persicae* ширалари бундай шароитда ўрик ва шафтолидан ўтсимон ўсимликларга учиб ўтади. Ўрик боғларида *Hyalopterus pruni* ширасининг диапаузаси марказий текислик ҳудудларда 2014 йилда 83 кун, 2015 йилда 92 кун, 2016 йилда 78 кун давом этди. Шимолий текисликларда бу хилдаги ўрик -қамиш ширасининг диапаузаси юқорида қайд этилган йилларда 60, 72, 66 кунларни ташкил этди.

*Pterochloroides persicae* шираси депрессия даврида шафтолида буткул йўқолиб кетмасдан унинг маълум миқдордаги индивидлари ёз давомида сақланиб қолади. Бу турнинг ёзги депрессия даври марказий текислик минтақасида июнь (8 дона шира, Фарғона, 2014 йил.), шимолий текисликларда июль (27 дона шира, Чуст, 2015 йил.) ойларига тўғри келади. Депрессиядан омон қолган ширалар ҳисобига кузги популяциялар шаклланади.

Шафтоли барг ширасининг қанотли тирик туғувчи урғочи индивидлари тадқиқотлар давомида апрель ойининг охири майнинг биринчи ярмида қайд этилди. Текислик минтақаларида май ойининг биринчи ўн кунлигида (5.05.2014, 9.05.2016, Фарғона), тоғ олди минтақасида шу ойнинг иккинчи ўн кунлигида (12.05.2014, Ғова) кўчманчилар кузатилади. 2015 йилда турли ҳудудларда бу ширанинг қанотли индивидлари апрель ойининг учинчи ўн кунлигида ривожланиди. Ўтсимон ўсимликларда кўчманчилар дастлаб тоғ олди минтақасида (16.05.2016, Ғова), кейинчалик марказий ва шимолий текисликларда кузатилади (19.05.2016, тоғда, Фарғона ; 22.05.2016, тамакида, Чуст). Шафтоли барг ширасининг кўчманчиларини ўтсимон ўсимликларга эрта ёки кеч кўчиши об-ҳаво шароити, асосан, ҳаводаги намлик миқдорига, жумладан, ёгингарчиликка боғлиқ. Май ойининг ўрталарида тоғ ва тоғ олди минтақаларида ҳавонинг марказий текисликларга нисбатан нисбий намлигининг мўътадиллиги шираларнинг кўчишига ўз таъсирини кўрсатади. Ўрик - шафтоли шираларининг йил давомида берадиган авлодларининг миқдорини турли ҳудудларда ҳар хил бўлиши минтақаларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, *Hyalopterus pruni* марказий текислик минтақаларида (Фарғона) ўрикда 10- 12, шафтолида 11, бодомда 7-9, ғайнолида 7 (1995- 2016) авлод берадиган бўлса, тоғ олди ҳудудларида (Ғова) у ўрикда 9 та, шафтолида 10, бодомда 8-9, ғайнолида 6-7 (2015- 2016) авлод ҳосил қилади. *Pterochloroides persicae* ширасининг водийнинг марказий текисликларида шафтолининг вегетацияси давомида 11-12-13- авлоди ривожланади (2014- 2016), шимолий текислик минтақасида у 10-12 (2014-2016) генерация ҳосил қилади.

Мазкур ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унда ўрик- шафтоли шираларининг биология ва экологияси кенг қамровли ва ҳар тарафлама тадқиқ этилганлиги туфайли улардан маданий ўсимликларни ҳимоя қилишнинг экологик асосларини шакллантириш имконияти туғилади. Қайд этилган турларнинг ўзгарувчанлиги ва бошқа ҳаётий хусусиятларига оид ўтказилган тадқиқотлар, юқорида кўрсатилган ишлар қаторида афидологик изланишларнинг ривожланишига кўшилган ўзига хос ҳисса бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Акрамов З.М. Жемчужина Средней Азии. М.: Географиздат, 1960. 175 с
2. Баратов П.П. Ўзбекистон табиий географияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 191 бет.
3. Балашов Е.Н., Житомирская О.М., Семенова О.А. Климатическое описание республик Средней Азии. П.: Гидрометеоздат. - 1960. 220 с.
4. Бороздин Р.Г., Кузнецов В.В. Основные вопросы районирования садоводства и виноградарства в Узбекистане//Тр. НИИ садоводства и виноградарства им. Р.Р.Шредера. Т.25. Ташкент. 1960. - с.61-65.
5. Дажо Р. Основы экологии. М.: Прогресс, 1975. 415 с.

6. Корженевский Н.А. Ферганская долина/Природа.- 1953. №5.-с.73- 81. Корженевский Н.А. Природа Средней Азии. Ташкент, 1960. 212 с.
7. Мухамедиев А. А., Ахмедов М.Х. О биологии некоторых видов тлей косточково-плодовых растений с юго-востока Средней Азии // Узб.биол.журн. 1982. №5. - с. 47-50.
8. Мухамедиев А. А., Рустамов И.К., Каража Ю. К экологии тли *Hyalopterus pruni* Geoftr. Экологические особенности биологического разнообразия в Республике Таджикистан и сопредельных территориях. Материалы международ.науч.конф.- 1998. Худжанд. с.156.
9. Одум Ю. Основы экологии. М.: Мир, 1975. - 740 с.
10. Rustamov I.K., Karaja Yu, Mukhamediyev A. A., Fergana vadisi ortamindaki kayisi ve seftali afitlerin ekologi.//XV Ulusal biyoloji kongresi "Uluslararası katinimli"-2000 Ankara-16 b.
11. Рустамов И.К. Ўрик шафтоли шираларининг яшаш тарзини ўрганилиштига оид айрим маълумотлар. // Фарғона давлат университети илмий хабарлари.-№1-2.-1997.-157-158-б.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА *HYPERICUM* L. ТУРКУМИ ТУРЛАРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРҚАЛИШИ**

Мустафаев Илёр Мураддуллаевич - ЎзР ФА Ботаника институти Микология ва альгология лабораторияси катта илмий ходими, PhD.

Ортиқов Ислон Зиёдулла ўғли - Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ ҳўжалиги фитопатологияси кафедраси ассистенти

Ислониддин Зоиржон Шорифжон ўғли - ЎзР ФА Ботаника институти Микология ва альгология лабораторияси кичик илмий ходими.

Тешабоева Шахноза Араббоевна - ЎзР ФА Ботаника институти Микология ва альгология лабораторияси кичик илмий ходими.

Икромов Сирожиддин Абдувоҳид ўғли - Наманган давлат университети Биология кафедраси ўқитувчиси.

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон ҳудудида *Hypericum* туркуми турларида касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғлар бўйича маълумотлар келтирилган. Микология гербарий коллекциясидаги (TASM) намуналарни ўрганиш, шу жумладан *Нурота* қўриқхонаси, *Бойсун тумани*, *Шимолий Туркистон ботаник-географик райони* ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда *Hypericum* туркуми турларида замбуруғларнинг 5 туркумга (*Leveillula*, *Erysiphe*, *Septoria*, *Ascochyta*, *Puccinia*), мансуб 5 та патоген турлари (*Leveillula guttiferarum* Golovin, *Erysiphe hyperici* (Wallr.) S. Blumer, *Septoria hyperici* Roberge ex Desm., *Ascochyta hyperici* Lash, *Puccinia medio-asiaticae* Ulanish.) учраши қайд этилди. Мазкур патоген замбуруғлар далачойда ун-шудринг, септориоз, аскохитоз ва занг касалликларини келтириб чиқаради.

**Таянч сўзлар:** *Hypericum*, ун-шудринг, септориоз, аскохитоз, занг, Ўзбекистон

### **ГРИБНЫЕ БОЛЕЗНИ ВИДОВ РОДА *HYPERICUM* L. В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ РАСПРОСТРАНЕНИЯ**

Мустафаев Илёр Мураддуллаевич - старший научный сотрудник лаборатории Микологии и альгологии Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан, PhD.



Ортиқов Ислом Зиёдулла угли - ассистент кафедрой защиты растений и сельскохозяйственной фитопатологии ТашГАУ, Андижанского филиала.

Исломиддинов Зоиржон Шорифжон угли - младший научный сотрудник, лаборатории Микологии и альгологии Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан.  
Тешабоева Шахноза Араббоевна - младший научный сотрудник лаборатории Микологии и альгологии Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан.

Икромов Сирожиддин Абдувохид угли - Преподаватель кафедры биологии Наманганского государственного университета.

**Аннотация:** В статье приводятся данные о патогенных грибах, вызывающих болезни на видах рода *Hypericum* в Узбекистане. В результате изучения образцов Микологической коллекции (TASM), а также в результате исследования в Нуратинском заповеднике, Бойсунском и Северо-Туркестанском ботанико-географическом районах на видах рода *Hypericum* было выявлено 5 видов патогенных грибов (*Leveillula guttiferarum* Golovin, *Erysiphe hyperici* (Wallr.) S. Blumer, *Septoria hyperici* Roberge ex Desm., *Ascochyta hyperici* Lash, *Puccinia medio-asiaticae* Uljanish.) относящихся к 5 родам (*Leveillula*, *Erysiphe*, *Septoria*, *Ascochyta*). Данные патогены вызывают грибные болезни как мучнистая роса, септориоз, аскохитоз, ржавчина на видах *Hypericum*.

**Ключевые слова:** *Hypericum*, мучнистая роса, септориоз, аскохитоз, ржавчина, Узбекистан

## FUNGAL DISEASES OF SPECIES OF THE GENUS *HYPERICUM* L. IN UZBEKISTAN AND THEIR DISTRIBUTION

I.M. Mustafaev, I.Z. Ortiqov, Z.Sh. Islomiddinov, Sh.A. Teshaboeva S.A. Ikromov

**Abstract:** The article provides data on pathogenic fungi that cause diseases on species of the genus *Hypericum* in Uzbekistan. As a result of studying samples of the Mycological collection (TASM), as well as a result of research in the Nurata nature reserve, Boysun and North Turkestan botanical and geographical areas on species of the genus *Hypericum* were found 5 species of pathogenic fungi (*Leveillula guttiferarum* Golovin, *Erysiphe hyperici* (Wallr.) S. Blumer, *Septoria hyperici* Roberge ex Desm., *Ascochyta hyperici* Lash, *Puccinia medio-asiaticae* Uljanish.) belonging to 5 genera (*Leveillula*, *Erysiphe*, *Septoria*, *Ascochyta*). These pathogens cause fungal diseases like powdery mildew, leaf spots, ascochitosis, and rust on the species of *Hypericum*.

**Keywords:** *Hypericum*, Powdery mildew, Leaf spots, Ascochitosis, Uzbekistan.

**Кириш.** Далачой – *Hypericum* L. туркуми *Hypericaceae* - далачойдошлар оиласига мансуб бўлиб, унга кўп йиллик, бўйи 30-50 см га егадиган ўт ўсимликлар киради. Ўзбекистонда 3 та: *Hypericum perforatum* L., *Hypericum scabrum* L. *Hypericum elongatum* L. турлари тарқалган [1]. Улардан *Hypericum perforatum* ва *Hypericum scabrum* турлари доривор ўсимлик сифатида кенг фойдаланилади.

Доривор далачойнинг таркиби: ер устки қисмида 10-12% ошловчи моддалар, 0.1-0.4 % антрасент унумлари, флавоноидлар, эфир мойлари ва С витамини бор. Ўсимликдан фарацевтика саноатида ажратиб олинадиган доривор препаратлар буруштирувчи, антисептик ва яра тошмаларини тез битирувчи таъсирга эга. Тиббиётда меъда-ичак, оғиз бўшлиғи ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Доривор далачойдан

тайёрланадиган дори воситалари асосан ўсимликнинг гули, барги ва поясидан тайёрланади [2].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда доривор ўсимликларни етиштириш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини ташкил этиш, шунингдек ҳудудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, ўсимликларда учрайдиган замбуруғ касалликларини кенг қўламда ўрганиш ва таҳлил қилиш, ем-хашак, асалчил, шунингдек, табиий доривор ўсимликлар захираларини муҳофаза қилишда, улардан сифатли ва юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга.

**Материал ва методлар.** Мазкур мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Микология гербарий коллекциясидаги шунингдек, 2010-2020 йиллар давомида республикамизни турли ҳудудларида олиб борилган микологик тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналари манба бўлиб хизмат қилди. Доривор далачой туркуми турларида касаллик қўзғатувчи патоген замбуруғларни тур таркибини аниқлашда микологияга оид аниқлагичлар ва монографиялардан фойдаланилди [3,4,5,6,7].

Аниқланган патоген замбуруғларнинг замонавий номенклатураси [www.mycobank.org/quicksearch.asp](http://www.mycobank.org/quicksearch.asp) [8], хўжайин ўсимликларнинг номлари эса The Plant List [www.theplantlist.org](http://www.theplantlist.org) асосида берилди [9].

**Асосий қисм.** Микология гербарий коллекциясидаги намуналарни тафтиш қилиш, шу жумладан Нурота кўриқхонаси, Бойсун тумани, Шимолий Туркистон ботаник-географик райони ҳудудларида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон ҳудудида доривор далачой туркумига мансуб ўсимликларда жами 5 туркумга (*Leveillula*, *Erysiphe*, *Septoria*, *Ascochyta*, *Puccinia*), мансуб 5 та патоген замбуруғ турлари (*Leveillula guttiferarum* Golovin, *Erysiphe hyperici* (Wallr.) S. Blumer, *Septoria hyperici* Roberge ex Desm., *Ascochyta hyperici* Lash, *Puccinia medio-asiaticae* Uljanish.) учраши қайд этилди. Мазкур патоген замбуруғлар далачойда ун-шудринг, септориоз, аскохитоз ва занг касалликларини келтириб чиқаради. Қуйида далачой турларида тарқалган мазкур касалликлар ва уларни қўзғатувчилари тўғрисида маълумотлар келтирилди.

**Ун-шудринг касаллиги.** Далачойда ун-шудринг касаллигини 2 та тур *Leveillula guttiferarum* ва *Erysiphe hyperici* келтириб чиқариши аниқланган. Ушбу касаллик доривор далачойнинг асосан поя ва барглари, қисман гул бандларини зарарлайди. *Erysiphe hyperici* ривожланиши асосан баҳорда қайд этилди. *Leveillula guttiferarum* тури асосан ёзда ривожланиб ўсимликни поя ва барглари юзасида бироз қалин, замбуруғнинг мицелийсидан иборат бўлган оқ ғуборлар ҳосил қилади. Мазкур ғуборларда касалликни кенг тарқалишида муҳим бўлган бирламчи конидия ва конидия бандлари вужудга келади. Иккиламчи инфекция жинссиз кўпайиш жараёнида ҳосил бўлган конидиялар бутун вегетация давомида шамол ёрдамида тарқалади.

Ун-шудринг замбуруғлари ўсимликларни аскоспоралари ёки конидиялари билан зарарлаши мумкин. Аммо улар ўсув даврида далада баргдан баргга ёки ўсимликдан ўсимликка асосан конидиялари билан тарқалади [10]. Вегетациянинг сўнгида ғуборлар сиртида қора нуқталар шаклида аскокарпалар яъни замбуруғнинг қишлоғчи мева таналари шаклланади. Бу аскокарпалар келгуси йилда касалликни ривожланишида хизмат қилади ва инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади. Ун шудринг билан зарарланган

барглар вақтидан илгари тўкилиб кетади. Таъкидлаш жоизки, бу касаллик ўсимликни доривор хом ашё сифатида ишлатиш учун яроқсиз ҳолга келтиради.

**Erysiphe hyperici** – *Hypericum perforatum* да Жануби Ғарбий Тиёншон, Чотқол тизмаси, Оқсоқ ота ҳудудида [3], *Hypericum perforatum* да Нурота қўриқхонаси, Қарисой, 03.05.2012 йил [11].

**Leveillula guttiferarum** – *Hypericum scabrum* да, Бўстонлиқ тумани Жануби Ғарбий Тиёншон, Каржантау, Чимён, 1983 йил [3], Нурота қўриқхонаси, Тикчасой, 27.07.2016, Андиген қишлоғи тепасида, 25.07.2015 йил [11].

**Септориоз касаллиги.** Маълумки, ўсимликларда септориоз касаллигини *Septoria* Sacc. туркумига мансуб замбуруғлар келтириб чиқаради. Улар асосан ўсимликларнинг барглари зарарлантиради. Доривор далачой ўсимлигининг септориоз касаллигини *Septoria hyperici* тури қўзғатади. Зарарланган барглarda майнинг охири июн ойларида юмалоқ ёки бурчаксимон тўқ қизғиш деярли қора хошияли, ўртаси бироз очиқ рангли доғлар пайдо бўлиб, доғнинг марказий қисмида пикнидалар ҳосил бўлади. Доғ тўқималари вақти билан ёрилади ва тўкилиб кетади. Инфекция тўкилган барглarda пикнидалар ҳолида сақланади. Далачойнинг септориоз касаллиги Ўзбекистонда дастлаб *Hypericum scabrum* да Тошкент вилояти, Паркент туманининг Шоввасой, Сохтагансой ҳудудларида, Охангарон тумани юқори Каттасойда аниқланган [5].

**Septoria hyperici** – *Hypericum perforatum* да Қашқадарё вилояти Қарши тумани, Бешкент қишлоғи атрофи, 24.06.1995 й., 12.09.1997 й. [12], Нурота қўриқхонаси, Қарисой, 15.07.2010 й., Ҳаётбоши тоғининг шимолий ёнбағри, 30.05.2015 йил [11].

**Аскохитоз касаллиги.** Доривор далачойда аскохитозни *Ascochyta hyperici* тури келтириб чиқаради. Бунда ўсимлик барглари юзасида турли шаклдаги жигарранг доғлар ҳосил бўлади. Маълум бир муддатдан кейин доғлар катталашиб баргнинг катта қисмини ёки бутунлай эгаллайди. Зарарланган барглар қуриб қолади. Касаллик пояларни ҳам зарарлайди. Кучли зарарланган ўсимлик бутунлай қуриydi.

*Ascochyta hyperici* – *Hypericum elongatum* да Тошкент вилояти Охангарон тумани, Абиязсой, 26.05.1954 й., Бўстонлиқ тумани, Майдонтол дараси, 09.08.1955 й., Юқори кенсой, 21.07.1954 й., Каттасойда 28.05.1954 й., Майдантолда 09.08.1955 й., Паркент тумани, Чотқол қўриқхонаси, 03.07.1954 й., *Hypericum perforatum* да Охангарон тумани, Абиязсой, 02.10.1954 й., Зомин миллий табиат боғи, “Зомин дала ҳовли” си атрофи, 31.05.2019 й., “Шаршара” атрофи, 12.07.2019 й., *Hypericum scabrum* да Бўстонлиқ тумани, Товоқбулоқ доवони, Майдантол дараси, 29.07.1955 й. [5], Яккабоғ райони, Сумсар дараси, 10.07.1995 й., Китоб давлат геология қўриқхонаси, 24.06.1996 й. [12].

**Занг касаллиги.** Бу касалликни Pucciniales тартибига мансуб замбуруғлар келтириб чиқаради. Улар ўсимликларнинг барги, пояси, гул ва меваларини зарарлайди. Занг касаллигининг ўзига хос белгиларидан бири ўсимликнинг зарарланган тўқималарида эпидермисни ёриб чиқувчи қўнғир, сариқ - қизғиш тусдаги ёстиқчасимон қўринишдаги турли доғларнинг ҳосил бўлишидир.

Далачойда занг касаллигини *Puccinia medio-asiaticae* тури келтириб чиқаради. Бу касаллик далачойнинг пояси, барг ва гул бандларини зарарлайди. Ўсимликнинг зарарланган қисмларида эпидермисни ёриб чиқувчи, қўнғир доғлар пайдо бўлади. Зарарланган барглар эрта тўкилиб кетади. Поянинг зарарланган қисмидан юқориси бутунлай қуриydi. Занг касаллиги *Hypericum elongatum* да Паркент тумани, Чотқол қўриқхонаси, 1950 й. *Hypericum perforatum* да Сўқоқ қишлоғи атрофи, 05.07.1954 й.,

*Hypericum scabrum* да Шимолий Туркистон тизмаси, собиқ Гуралаш ҳозирги Зомин давлат қўриқхонаси, Қуёнсой, 24.06.1947 й., Кўлсой ҳудуди, 27.06.1956 й., Ҳисор тизмаси, 17.06.1948 й., Самарқанд вилояти, Омонқўтан қишлоғи атрофи, 12.06.1956 й. [6], Ҳисор тизмаси, Тўпаланг дараси, 1986 й. [13], Чирокчи тумани, Чияли қишлоғи [12], 16.06.1994 йил. Уйчи тумани, Қизилровот қишлоғи, чойхонаси аирофида, 11.05.2000 й. [14].

Бу касаллик Нурога ва Зомин қўриқхоналари ҳамда Зомин миллий табиат боғининг далачой ўсадидан барча ҳудудларида тарқалган.

**Хулоса.** Далачой турларининг юқорида келтирилган замбуруғ касалликлари билан зарарланиши натижасида ўсимликнинг асосан барги ва пояси, қисман гуллари касалланиши қайд қилинди. Бу ҳолат далачой ўсимлигининг биомассасини камайишига, улардан фармацевтика ва халқ табobatiда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолишига олиб келади. Шу сабабли, далачойни доривор ўсимлик сифатида териш ва уни плантацияларда етиштиришда мазкур замбуруғ касалликларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Далачойни етиштириш, ундан сифатли ва юқори биомасса олишда уларда учрайдиган замбуруғ касалликларини ўрганиш, уларни биологияси, тарқалиши, касаллик ўчоқлари, манбаларини аниқлаш ҳамда бу касалликларга қарши самарали биологик кураш чораларини ишлаб чиқиш зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. А.И. Введенский Флора Узбекистана, том IV. – Ташкент: Издательство академии наук Узбекской ССР, 1969, – 185 с
2. O'. Ahmedov, A. Qayimov, A.Abzalov, M.Yulchiyeva, S.Azimboyev. Dorivor o'simliklarni yetishtirish texnologiyasi fanidan amaliy mashg'ulotlari. – Toshkent: "Iqtisod - Moliya", 2018. – 170 b.
3. Флора грибов Узбекистана. Т. I. Мучнисторосяные грибы – Ташкент: Фан, 1983. – 364 с.
4. Рахимова Е.В., Нам Г.А., Ермекова Б.Д. Краткий иллюстрированный Определитель Мучнисто росяных грибов Казахстана и приграничных территорий. – Новосибирск: Наука, 2014. – 127 с.
5. Киргизбаева Х.М., Сағдуллаева М.Ш., Рамазанова С.С., Гулямова М.Г., Кучми Н.П., Азимходжаева М.Н., Салиева Я.С. Флора грибов Узбекистана Т. VIII. Пикнидальные грибы. - Ташкент: Фан, 1997, – 190 с.
6. Рамазанова С.С., Файзиева Ф.Х., Сағдуллаева М.Ш., Киргизбаева Х.М., Гапоненко Н.И. Флора грибов Узбекистана. Т. III., Ржавчинные грибы. - Ташкент: Фан, 1986. – 229 с.
7. Рахимова Е.В., Нам Г.А., Ермекова Б.Д., Абиев С.А., Джетигенова У.К., Есенгулова Б.Ж. Ключ для определения ржавчинных грибов Казахстана // Turczaninowia. 2015, 18 (3): 5–65 с.
8. <http://www.mycobank.org/quicksearch.aspx>
9. <http://www.theplantlist.org/tpl/search?q>
10. Ҳасанов Б.А. Микология – Тошкент. 2019. - 512 б.
11. Мустафаев И.М. Микромитеты сосудистых растений Нуратинского заповедника. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. - Ташкент, 2018. –20 с.
12. Нуралиев Х.Х. Микромитеты сосудистых растений Кашкадарьинской области. Автореф. дис. ... канд. биол. наук. - Ташкент, 1998. –18 с.
13. Солиева Я.С. Микромитеты сосудистых растений Сурхандарьинской области. Автореф. дис. канд. биол. наук. - Ташкент, 1989.– 21 с.

14. Гаффоров Ю.Ш. Микробиоты сосудистых растений Наманганской области: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. - Ташкент, 2005. – 21 с

#### Сведения об авторах

1. Мустафаев Илёр Мураддуллаевич, (PhD), с.н.с. Лаборатории Микологии и альгологии, Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан [elyor-mustafaev@inbox.ru](mailto:elyor-mustafaev@inbox.ru)
2. Ортиқов Ислом, ассистент кафедры защиты растений Андижанского филиала ТашГАУ, [Islombek.ortiqov93@mail.ru](mailto:Islombek.ortiqov93@mail.ru)
3. Исломиддинов Зоиржон Шорифжон ўғли, м.н.с., Лаборатории Микологии и альгологии, Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан [Zoirjon0991@bk.ru](mailto:Zoirjon0991@bk.ru)
4. Тешабоева Шахноза Араббоевна, м.н.с., Лаборатории Микологии и альгологии, Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан
5. Икромов Сирожиддин Абдувоҳид ўғли - Наманган давлат университети Биология кафедраси ўқитувчиси [sirojiddin.2020.ikromov@mail.ru](mailto:sirojiddin.2020.ikromov@mail.ru)

#### Author's personal details

1. Mustafaev Ilyor, PhD, Laboratory of Mycology and algology, Institute of Botany, Academy science of Republic of Uzbekistan, [elyor-mustafaev@inbox.ru](mailto:elyor-mustafaev@inbox.ru)
2. Ortiqov Islom, Andijan Branch of Tashkent state Agrarian University, Andijan, Uzbekistan [Islombek.ortiqov93@mail.ru](mailto:Islombek.ortiqov93@mail.ru)
3. Islomiddinov Zoirjon, researcher, Laboratory of Mycology and algology, Institute of Botany, Academy science of Republic of Uzbekistan, [Zoirjon0991@bk.ru](mailto:Zoirjon0991@bk.ru)
4. Teshaboeva Shakhnoza, researcher, Laboratory of Mycology and algology, Institute of Botany, Academy science of Republic of Uzbekistan, [teshaboeva83@inbox.ru](mailto:teshaboeva83@inbox.ru)
5. Ikromov Sirozhiddin, Lecturer at the Department of Biology, Namangan State University, [sirojiddin.2020.ikromov@mail.ru](mailto:sirojiddin.2020.ikromov@mail.ru)

#### ЎСИМЛИКЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ДНК-БАРКОДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тураев Озод Суннаталиевич, Норбеков Журабек Қўшбоқович, Мамедова Феруза  
Фахриддиновна, Нормаматов Илёс Сулаймонович, Холмурадова Мафтуна  
Махмуджановна, Кушанов Фахриддин Нейматуллаевич  
Геномика ва биоинформатика маркази

**Аннотация:** Ушбу таҳлилий мақолада, ўсимликлар систематикаси, экология, эволюцион биология, табиатни муҳофаза қилиш, ўсимликлар селекцияси ҳамда селекционерларнинг халқаро миқёсда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлаш ва уни ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган, тур идентификациясида юқори аниқликка эга ДНК баркодлаш технологияси ҳақида тушунча берилган. Бундан ташқари, Ўсимликларда ДНК-баркодлашнинг бошланиши яъни, қисқача тарихи, ДНК-баркодлаш технологиясининг келгуси истиқболи ҳамда глобал ДНК баркод кутубхонасини барпо этиш борасидаги фикр мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** геномика, таксономия, ДНК маркерлари, ДНК-баркод, генетик паспорт, ПЗР, идентификация.

## ПРИМЕНЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ДНК ШТРИХКОДИРОВАНИЯ В ИДЕНТИФИКАЦИИ РАСТЕНИЙ

Тураев Озод Суннаталиевич, Норбеков Журабек Кушбокович, Мамедова Феруза Фахриддиновна, Нормаматов Илёс Сулаймонович, Холмурадова Мафтуна Махмуджановна, Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич  
Центр Геномики и биоинформатики

*Аннотация:* В данной статье представлен обзор технологии по идентификации растений с высокой точностью, ДНК-штрихкодирования, которая широко используется в систематике растений, экологии, эволюционной биологии, охране природы, селекции растений, утверждении и защите авторских прав селекционеров на международном уровне. В статье также описываются практическое применение метода ДНК штрихкодирования, ограничения и факторы, которые следует учитывать. Кроме того, дается короткая история начала ДНК-штрихкодирования растений, будущая перспектива технологии ДНК- штрихкодирования и создания глобальной библиотеки ДНК штрихкодов.

*Ключевые слова:* геномика, таксономия, ДНК маркеры, ДНК-баркод, генетик паспорт, ПЦР, идентификация.

## APPLICATION OF DNA BARCODING TECHNOLOGY IN PLANT IDENTIFICATION

Turaev Ozod Sunnatalievich, Norbekov Jurabek Kushbokovich, Mamedova Feruza Fakhriddinovna, Normamatov Ilyos Sulaymonovich, Kholmuradova Maftuna Makhmudjanovna, Kushanov Fakhriddin Ne'matullaevich  
Center of Genomics and Bioinformatics

*Annotation:* In this review, we reported about DNA-barcoding technology for plant identification with high accuracy, which is widely used in plant systematics, ecology, evolutionary biology, nature conservation, plant breeding, approval and protection breeders' copyright at the international level. DNA barcoding has been proposed as a new technology for molecular identification of eukaryotic species using the sequences of a short standard DNA fragment. In addition, a brief information is given about history of DNA barcoding, the future perspectives of DNA barcoding technology and the creation of a global barcode DNA library.

*Key words:* genomics, taxonomy, DNA-markers, DNA-barcode, genetic passport, PCR, identification.

**Кириш.** ДНК-баркодалаш (генетик паспорт яратиш) биринчи марта 2003 йилда Паул Херберт бошчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан чоп этилган “ДНК баркодалар орқали биологик идентификация” номли мақоладан сўнг илмий жамоатчилик эътиборига тушди. Мақолада улар, турларнинг янги тизимини идентификация қилиш ва кашф этишда геномнинг стандартлашган худуди қисқа ДНК фрагментларидан фойдаланишни таклиф этишди. ДНК-баркодалар - назарий жиҳатдан сайёрадаги барча ўсимлик турларини осонлик билан ажратиш ва ҳарактерлаш имконини берувчи, дастлаб бу вазифани енгиллаштириш учун ишлаб чиқилган ДНК нинг 400 дан 800 тагача жуфт асос оралигидаги стандартлашган қисқа кетма-кетликларидир [1].

ДНК-баркодалари молекуляр генетика, секвенирлаш технологиялари ва биоинформатика имкониятларини бирлаштириш орқали илгари маълум бўлган,

тавсифланган ва номланган ўсимлик турларини молекуляр жиҳатдан фарқлаш ва улар ҳақида маълумот олиш учун янада тез ва юқори аниқликни тақдим этди. Ушбу восита, ўсимликлар оламида ҳали номланиши керак бўлган минглаб ўсимлик турларини кашф қилишни тезлаштиришга имкон беради [2]. Ҳар қандай ўсимлик систематиги, ўсимликлар эколог, эволюцион биолог, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис ёки амалий тиббиёт мутахассиси учун асосий вазифа ўсимликларнинг тез, такрорий ва ишончли равишда тўғри идентификациясини аниқлаш ҳисобланади.

Ўсимликшунослиқда ДНК-баркодлаш технологияси уларнинг турини аниқлашда ишлатилса, селекцион жараёнларда эса янги навларни молекуляр даражада идентификация қилиш, муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда тасдиқлаш ва уни ҳимоя қилишда қўлланилади.

**Ўсимликларда ДНК-баркодлашнинг бошланиши.** ДНК-баркодлари асримизнинг дастлабки йилларида турларни идентификация қилиш учун ДНК нинг универсал қопловчи сегментлари сифатида дастлаб дизайн қилиниб, сўнг ҳайвонларда қўлланилган [3]. Аксинча, ўсимликлар учун стандарт ДНК-баркоди тезликда муваффақиятга эришмади ва бир неча йил давомида ботаниклар томонидан қабул қилинмади [4]. Митохондрия, плазмада ва ядро геномидаги ген ҳудудларининг кенг тавсифланишидан сўнг [5, 6], тўртта асосий ген ҳудудлари (*rbcL*, *matK*, *trnH-psbA*, *ITS*) ўсимликлар учун стандарт ДНК-баркодлари сифатида қабул қилинди [7] (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўсимликларда ДНК-баркодлашнинг стандарт ген ҳудудлари**

№	Стандарт ген ҳудудлари	Праймер жуфтликлар	Праймер секвенси (кетма-кетлиги)	Манба
1	RbcL	<i>rbcLa_F</i> <i>rbcLa_R</i>	ATGTCACCACAAACAGAGACTAAAGC CTTCTGCTACAAATAAGAATCGATCT	Kress [7]
2	matK	Kim_3F Kim_1R	CGTACAGTACTTTTGTGTTTACGAG ACCCAGTCCATCTGGAAATCTTG GTT	Kim, unpublishe
3	trnH-psbA	<i>psbA3</i> <i>trnH05</i>	CGCGCATGGTGGATTACAAATCC GTTATGCATGAACGTAATGCTC	Lahaye [8] Chase [5]
4	ITS	ITS-leu1 ITS4	GTCCACTGAACSTTATCATTTAG TCCTCCGCTTATTGATATGC	Hebert [3]

ДНК-баркодларидан асосан “Ҳаёт дарахти” турларини аниқлашда кенг фойдаланилган [8]. ДНК-баркодлаш ўсимликлар ҳаёт циклининг барча босқичларида (мева, уруғ, ниҳол, етилиши, ҳосил бериш ва стерил, яъни ҳосилсиз даврлари), шунингдек, зарарланган намуналарда ва ҳайвонларнинг ахлат намуналари ва ичак таркибида уларнинг турлар ташҳиси имкониятларини кенгайтириш орқали идентификациялашнинг универсал маъносига айланди. Шунингдек, ДНК-баркоди ёрдамида генетик хилма-хилликларни ўлчаш орқали ўсимликлар шажарасидаги турлар кетма-кетлигини миқдорий баҳолашнинг имкони мавжуд. ДНК-баркодлаш биологик хилма-хилликларни аниқлаш воситаси сифатида, фан учун мутлақо янги бўлган турларни айниқса, мавхум турларни аниқлашга ёрдам беради [9]. ДНК-баркодлаш таксономиянинг амалий фойдаланувчилари учун ўсимликларнинг одатий, агрессив ва йўқолиб бораётган турлари ҳамда ботаника маҳсулотлари жумладан, доривор ўсимлик маҳсулотлари ва пархез қўшимчаларининг ҳақиқий ва софлигини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, ДНК-баркодлари экологик, эволюцион ва

табиатни муҳофаза қилиш масалалари жумладан, ўсимлик қўмиталарида турларни белгилаш ва номлашни назорат қилувчи экологик қондаларга йўналтирилган [10].



**1-расм.** Ўсимликларда ДНК-баркодлашни амалга ошириш босқичлари.

1 - ўсимлик турларидан намуналар олиш, 2 - ўсимлик тўқимасидан ДНК ажратиш, 3 - ДНК секвенирлаш ва маълумотлар таҳлили, 4 - ўсимлик ДНК-баркоди, 5 - ўсимликлар ДНК-баркод кутубхонаси, 6 – турларнинг келиб чиқишини аниқлаш, 7 - филогения жамоати, 8 - экологик экспертиза.

Ўсимлик ДНК-баркодларини яратиш ва уни қўллаш жараёни икки асосий босқични талаб этади: 1) маълум турнинг ДНК-баркодлари кутубхонасини барпо этиш ва 2) номаълум намунанинг ДНК-баркод секвенци ДНК-баркод кутубхонасига мос келиши (1-расм). Систематиклар учун биринчи қадам, ҳар бир тур бўйича ДНК-баркод кутубхонасида стандарт намуна бўлиб хизмат қилувчи бир ёки бир нечта индивидларни танлашни талаб этади. Тўқималар гербарийда жойлашган намуналардан ёки тўғридан-тўғри ўсиб турган, мос равишда номланган даладаги намуналардан олиниши мумкин. Географик ҳудуд, таксономик гуруҳ ёки мақсадли тўпламларни (масалан, доривор ўсимликлар, қурилиш материали сифатидаги дарахтлар ва бошқалар) ўз ичига олган ёки тадқиқотдаги организмлар учун ДНК-баркод кутубхонаси тугаллангандан сўнг, аниқланмаган намуналар учун ишлаб чиқилган ДНК-баркодлари мос келувчи баъзи алгоритмлардан фойдаланиб маълум ДНК-баркодлари билан таққосланади. 2003 йилда локусга асосланган ДНК-баркодлаш бошланганидан буён ривожланиб, геномга асосланган тадқиқотларгача етиб келинди [11]. ДНК-баркодлаш ва геномика соҳаси олдиндан билиш мумкин бўлмаган саволларга янги жавобларни тақдим этувчи кенг қўламли генетик маълумотларга эришишга алоҳида эгибор қаратади. ДНК баркодлари тирикликнинг барча турларини фарқлаш учун бир ёки бир нечта ген ҳудудлари маълумотларидан фойдаланишни мақсад қилган бўлса, геномика эса аксинча, кам сонли турларнинг функцияси ва ўзаро таъсирини кўплаб генлар орқали тушунтиришга урунади. Бир кун келиб, эҳтимол яқин келажакда, генетик спектрнинг бу учлари услубий ва амалий дастурларда бирлашиши кутилмоқда [12].

Сўнги ўн йилликда, ўсимлик ДНК баркодларини қўллаш, айниқса экология, эволюция ва табиатни асраш соҳаларида сезиларли даражада тезлашди.

**ДНК-баркодлаш технологиясининг келгуси истиқболи.** Ўн йиллар олдин, ДНК-баркодлари ботаника соҳасига кириб келиш давридан бошлаб, уларни кўплаб турдаги ўсимлик текширувлари тадқиқотларида қўлланилди. Ўсимликлар систематиклари учун



Ўсимлик турларини идентификация қилишда ҳамон универсал қабул қилинган ДНК-баркодлашнинг мавжуд эмаслигига асосий сабаблардан бири бу уларнинг бисотида кўплаб таксономик гуруҳлардаги турларни тўлалигича фарқлайдиган ягона маркернинг йўқлигидир. Экологлар аксинча, улар одатда ДНК-баркоди ноёб локуслари орқали идентификация қилинган ўсимликларнинг бир нечта шажарасидан иборат системаларда ишлайди, шу боис улар, ўзларининг асосий тадқиқот саволларига жавоб бериш учун ДНК-баркодларининг янги ва ноёб шакллари топишга кўпроқ интиладилар. Келажакка назар ташласак, ўсимликларда ДНК-баркодлаш икки асосий йўл орқали ривожланишини тахмин қилиш мумкин: 1) универсал фойдаланиш учун янада кенг қамровли глобал ўсимлик ДНК-баркодлари кутубхонасини яратиш ҳамда 2) янги ДНК-маркерларини ишлаб чиқиш ва янги авлод секвенирлаш технологияларини қўллаш.

**Глобал ДНК баркод кутубхонасини барпо этиш.** Панаманинг Барро Колорадо оролидаги 50 гектар ўрмоннинг 296 турдаги дарахтлари учун ўсимлик ДНК баркодларидан фойдаланиб илк жамоат филогенияси барпо этилган [10], узоқ вақт мобайнида бутун дунё бўйлаб ўрмонларнинг мониторингини олиб боришда фаолият олиб бораётган ҳар бир экологнинг фикри ўзгарди. Қисқа вақт ичида, ер шарининг маълум ҳудудларидаги дарахтлар неотропиклардан [13, 4] то Африка [14] ва Осиёгача [15, 16] ДНК баркодланди.

Глобал ўсимлик ДНК баркод кутубхонасини шакллантириш келгуси ўн йилликнинг энг қийин вазифаларидан биридир. Ушбу ўрмонларни мониторинг қилиш ҳудудларидаги ўсимликлар ДНК баркод кутубхонасини яратиш учун бой манба бўлиб хизмат қилади, чунки улар одатда идентификацияланган, ёрлиқланган коллекциялар ва индивидуал маркерланган дарахтлардан иборат бўлади. Ўсимликлар ДНК кутубхонасини ривожлантириш учун қуйидаги иккита қўшимча йўналишлар мавжуд: 1) наслга асосланган ва 2) флористик. Индивидуал систематиклар ҳам стандарт маркерлардан фойдаланган ҳолда [17, 18] эволюцион муносабатларни тушуниш учун молекуляр филогенетик тадқиқотларининг бир қисми сифатида специфик ўсимлик гуруҳлари учун ДНК баркодларини ишлаб чиқишади. Гарчи, ушбу “ДНК баркодлар”нинг кўпчилиги расмий “Ген Банк”ларга қабул қилинмасада, уларнинг барчаси стандарт ДНК баркод маркерларини тўлдирувчи секвенслар (ДНК кетма-кетликлари) кутубхонасига қўшилади. Сўнги пайтларда бутун минтақавий флоралар учун ДНК баркодларни яратиш тадқиқотларига катта эътибор қаратилмоқда. Канададаги ўсимликларни идентификация қилиш учун барпо этилган ДНК баркод кутубхонаси соҳадаги ажойиб ходисалардан бири бўлди [19]. Браукманн ва ҳамкасблари Канадада маълум бўлган 5108 тур ўсимликларнинг 96 фоизи учун ДНК баркодларини муваффақиятли ишлаб чиқишди. Улар фойдаланган учта маркер (*rbcL*, *matK*, ва *ITS2*) барча ўсимлик турларини муваффақияти қоплаб, ҳар бир ўсимликда ўзаро фарқланган. Натижалар шуни кўрсатдики, ушбу маркерлар бутун минтақадаги ўсимлик турларини аниқлашда юқори даражада муваффақиятли бўлган. Энг юқори флористик хилма-хилликка эга бўлган ҳудудлардаги ўсимлик турларини ўзаро фарқлаш имконини берган. Флористик ДНК баркод кутубхоналарини яратиш бўйича бошқа тадқиқотлар одатда давлат ёки минтақавий даражада ва биринчи навбатда мўътадил ҳудудларда олиб борилмоқда.

Глобал ДНК баркод кутубхонасини тўлдиришда энг катта тўсиқ бу секвенирлаш ва лаборатория ҳаражатларини қоплаш учун молиялаштириш манбаларини аниқлашдир, бу кўпинча давлат молиялаштириш агентликлари томонидан амалга оширилади. Бутун

дунёдаги барча ўсимлик турлари учун ДНК баркодларнинг универсал кутубхонасини барпо этиш ҳамон олис келажақда қолмоқда, бироқ, бир нарса аниқки, ҳар иккала асосий ва амалий тадқиқотлар сайёраимиз флорасини чуқурроқ ўрганишда улкан фойда келтиради.

### **Хулоса**

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, шуларни такидлаш жоизки, ДНК баркодлаш технологияси сайёрадаги барча ўсимлик турларини осонлик билан ажратиш ва ҳарактерлаш имконини берувчи, ўсимликлар систематикаси, экология, эволюцион биология, табиатни муҳофаза қилиш, ўсимликлар селекцияси ҳамда селекционерларнинг халқаро миқёсда муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлаш ва уни ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган, энг ишончли восита ҳисобланади.

Ўсимликлар учун ягона глобал ДНК баркод кутубхонасини барпо этиш ҳамда уни янги ва ишончли маълумотлар билан бойитиб бориш, сайёрадаги барча ўсимликларни осонлик билан идентификация қилиш имконини беради.

### **Адабиётлар**

1. Hebert PDN, Cywinska A, Ball SL, deWaard JR. Biological identifications through DNA barcodes // *Proceedings of the Royal Society B: Biological Sciences* 2003. - 270: 313-321.
2. Cowan RS, Chase MW, Kress WJ, Savolainen V. 2006. 300,000 species to identify: problems, progress, and prospects in DNA barcoding of land plants. *Taxon* 55: 611–616.
3. Hebert PDN, Stoeckle MY, Zemplak TS, Francis CM. 2004a. Identification of birds through DNA barcodes. *PLoS Biology* 2: e312.
4. Kress WJ. 2011. DNA barcoding and systematic monographs. In: Stuessy T, Lack W, eds. *Monographic plant systematics: Fundamental assessment of plant biodiversity*. Berlin: Regnum Vegetabile 153. A.R. G. Gantner Verlag K.G. 49–71.
5. Chase MW, Salamin N, Wilkinson M, Dunwell JM, Kesanakurthi RP, Haider N, Savolainen V. 2005. Land plants and DNA barcodes: Short-term and long-term goals. *Philosophical Transactions of the Royal Society B Biological Sciences* 360: 1889–1895.
6. Kress WJ, Wurdack KJ, Zimmer EA, Weigt LA, Janzen DH. 2005. Use of DNA barcodes to identify flowering plants. *Proceedings of the National Academy of Sciences USA* 102: 8369–8374.
7. CBOL Plant Working Group. 2009. A DNA barcode for land plants. *Proceedings of the National Academy of Sciences USA* 106: 12794–12797. 11. China Plant BOL Group, 2011; 12. Li et al., 2015.
8. Kress WJ, Erickson DL eds. 2012. *DNA barcodes: Methods and protocols*. New York: Humana Press, Springer Science & Publishing Media, LLC. 468.
9. Hebert PDN, Penton EH, Burns JM, Janzen DH, Hallwachs W. 2004b. Ten species in one: DNA barcoding reveals cryptic species in the neotropical skipper butterfly *Astraptes fulgerator*. *Proceedings of the National Academy of Sciences USA* 101: 14812–14817.
10. Kress WJ, Erickson DL, Jones FA, Swenson NG, Perez R, Sanjurjo O, Bermingham E. 2009. Plant DNA barcodes and a community phylogeny of a tropical forest dynamics plot in Panama. *Proceedings of the National Academy of Sciences USA* 106: 18621–18626.
11. Feng Wu, Mei Li, Baowen Liao, Xin Shi and Yong Xu. DNA Barcoding Analysis and Phylogenetic Relation of Mangroves in Guangdong Province, China. *Forests* 2019, 10, 56; doi:10.3390/f10010056

12. Coissac E, Hollingsworth PM, Lavergne S, Taberlet P. 2016. From barcodes to genomes: extending the concept of DNA barcoding. *Molecular Ecology* 25: 1423–1428.
13. Gonzalez MA, Baraloto C, Engel J, Mori SA, Petronelli P, Riera B, Roger A, Thebaud C, Chave J. 2009. Identification of Amazonian trees with DNA barcodes. *PLoS ONE* 4: e7483. doi: 10.1371/journal.pone.0007483.
14. Parmentier I, Duminil J, Kuzmina M, Philippe M, Thomas DW, Kenfack D, Chuyong GB, Cruaud C, Hardy OJ. 2013. How effective are DNA barcodes in the identification of African rainforest trees? *PLoS ONE* 8: e54921.
15. Pei N-C, Lian J-Y, Erickson DL, Swenson NG, Kress WJ, Ye W-H, Ge X-J. 2011. Exploring tree-habitat associations in a Chinese subtropical forest plot using a molecular phylogeny generated from DNA Barcode loci. *PLoS ONE* 6: e21273.
16. Huang X-C, Ci X-Q, Conran JG, Li J. 2015. Application of DNA barcodes in Asian tropical trees: A case study from Xishuangbanna Nature Reserve, Southwest China. *PLoS ONE* 10: e0129295.22.
17. Chen S, Yao H, Han J, Liu C, Song J, Shi L, Zhu Y, Ma X, Gao T, Pang X, Luo K, Li Y, Li X, Jia X, Lin Y, Leon C. 2010. Validation of the ITS2 region as a novel DNA barcode for identifying medicinal plant species. *PLoS ONE* 5: e8613.,
18. Wang D-Y, Wang Q, Wang Y-L, Xiang X-G, Huang L-Q, Jin X-J. 2017. Evaluation of DNA barcodes in *Codonopsis* (Campanulaceae) and in some large angiosperm plant genera. *PLoS ONE* 12: e0170286.
19. Braukmann TWA, Kuzmina ML, Sills J, Zakharov EV, Hebert PDN. 2017. Testing the efficacy of DNA barcodes for identifying the vascular plants of Canada. *PLoS ONE* 12(1): e0169515. doi:10.1371/journal.pone. 0169515.

УДК 575.218:582.796:577.212.3:633.511

### **ЎСИМЛИК ГУЛ ҲАЖМИНИНГ МОЛЕКУЛЯР РЕГУЛЯЦИЯСИДА MED25 ВА BZR1 ГЕНЛАРИНИНГ РОЛИ**

Муҳаммадова Доно Ахмад қизи<sup>1</sup>

Ахадова Марғуба Мирзо қизи<sup>1</sup>

Рўзибоев Ҳайдарали Собиржонович<sup>1,3</sup>

Эргашев Маъруфжон Махамматжанович<sup>2</sup>

Шапулатов Умиджон Муҳаммедович<sup>1,2,3</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Миллий Университети, Биология факультети

<sup>2</sup>Гулистон давлат университети, Биология кафедраси

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал  
биологияси институти

tel: (+998)909051164

e-mail: [umidjon.shapulatov@gmail.com](mailto:umidjon.shapulatov@gmail.com)

**Аннотация** Ўсимлик репродуктив органларининг морфологик хусусиятлари бир қанча молекуляр йўллар билан бошқарилади. MED25 ва BZR1 генлари бир биридан мустасно равишда ўсимлик гул қисмларининг ҳажмини бошқаришда иштирок этади. Тадқиқотимизда арабидопсис (*Arabidopsis thaliana*) модел ўсимлигининг мутант линияларидан фойдаланилди. Намуналарда Col-0, med25, bzr1-1D ва қўш мутант med25/bzr1-1D учун гулнинг ўртача ўлчамлари мос равишда 5,1 мм<sup>2</sup>, 7,6 мм<sup>2</sup>, 9,4 мм<sup>2</sup> ва 11,1 мм<sup>2</sup> ни ташкил этди. Мазкур

генларнинг функциясини бошқариш орқали келгусида қишлоқ хўжалиги экинларининг гул ҳажми ва ҳосилдорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

**Калит сўзлар:** Арабидопсис, MED25, BZR1, гул ҳажми, мутант линия

## РОЛЬ ГЕНОВ MED25 И BZR1 В МОЛЕКУЛЯРНОЙ РЕГУЛЯЦИИ РАЗМЕРА ЦВЕТОВ РАСТЕНИЙ

Муҳаммадова Доно Ахмад қизи<sup>1</sup>

Ахадова Марғуба Мирзо қизи<sup>1</sup>

Рузибоев Ҳайдарали Собиржонович<sup>1,2</sup>

Эргашев Маъруфжон Махамматжанович<sup>2</sup>

Шапулатов Умиджон Мухаммедович<sup>1,2,3</sup>

<sup>1</sup>Национальный Университет Узбекистана

<sup>2</sup>Гулистанский государственный университет

<sup>3</sup>Институт генетики и экспериментальной биологии растений Академии наук Республики Узбекистан

tel: (+998)909051164

e-mail: [umidjon.shapulatov@gmail.com](mailto:umidjon.shapulatov@gmail.com)

**Аннотация** Изучали морфологические особенности репродуктивных органов на примере мутантных линии модельного растения арабидопсис (*Arabidopsis thaliana*). Показано в контроле размера цветка независимо друг от друга участвуют гены MED25 и BZR1. Размеры цветков Col-0, med25, bzh1-1D и двойного мутанта med25/bzh1-1D составляли 5,1 мм<sup>2</sup>, 7,6 мм<sup>2</sup>, 9,4 мм<sup>2</sup> и 11,1 мм<sup>2</sup> соответственно.

В будущем возможно будет показать увеличение размера цветков и урожайности сельскохозяйственных культур за счет контроля функции генов BZR1 и MED25.

**Ключевые слова:** Арабидопсис, MED25, BZR1, размера цветов, мутантная линия.

## THE ROLE OF MED25 AND BZR1 GENES IN MOLECULAR REGULATION OF PLANT FLOWER SIZE

Mukhammadova Dono<sup>1</sup>

Axadova Marguba<sup>1</sup>

Ruziboev Haydarali<sup>1,2</sup>

Ergashev Marufjon<sup>2</sup>

Shapulatov Umidjon<sup>1,2,3</sup>

tel: (+998)909051164

<sup>1</sup>National University of Uzbekistan

<sup>2</sup>Gulistan state University

<sup>3</sup>Institute of Genetics and Plant Experimental Biology of the Academy of Sciences

e-mail: [umidjon.shapulatov@gmail.com](mailto:umidjon.shapulatov@gmail.com)

**Annotation** The morphological traits of plant reproductive organs are regulated by a number of molecular pathways. The MED25 and BZR1 genes are involved independently of each other in controlling the size of plant flower. In our study, the mutant lines of the arabidopsis (*Arabidopsis thaliana*) model plant were used. The flower sizes for Col-0, med25, bzh1-1D and double mutant med25/bzh1-1D were 5.1 mm<sup>2</sup>, 7.6 mm<sup>2</sup>, 9.4 mm<sup>2</sup>, and 11.1 mm<sup>2</sup>, respectively. In future, it will be shown to increase the flower size and productivity of agricultural crops by controlling the function of BZR1 and MED25 genes.

**Key words:** *Arabidopsis, MED25, BZR1, flower size, mutant line*

Гулларнинг ҳажми турдош ўсимлик турлари ва ҳатто бир тур ичида ҳам ўзгаради. Турли хил биотик ва абиотик омиллар таъсирида ўсимлик гул ҳажми ҳамда гулнинг репродуктив хусусиятлари ўзгариши мумкин. Ўсимликларнинг репродуктив органларида кузатиладиган бундай белгилар махсус генлар томонидан бошқарилади [1]. Бу генларнинг кўпчилиги транскрипция жараёнида иштирок этади.

Медиатор комплексининг дум қисмидаги суббирликлардан бири MED25 (медиатор комплексининг 25-кичик бирлиги) гени бўлиб, ўсимликнинг кўплаб морфофизиологик хусусиятларида иштирок этади [3]. Ушбу ген функцияси одатда PHYTOCHROME B (PHYB) иштирокидаги молекуляр йўлларда гуллаш вақтини стимуллаб туради [4]. Бундан ташқари, MED25 нафақат гуллаш вақтини CONSTANS (CO) гени билан бирга (бу ген гуллаш вақти PHYB гени билан рақобатлашади), балки мустақил равишда бошқариши ҳам мумкин [5]. MED25 функцияси тўлиқ йўқотилган мутант линияси аввал гул органларининг катталашганлиги билан характерланар эди [2]. Аксинча, MED25 оверекспрессия линиясида эса кичикроқ ҳажми ва бироз олдинроқ гуллашни кўрсатди. Бу шунинг англатадики, MED25 ўсимликларда хужайралар ўсишини чеклашда иштирок этади, натижада органлар ҳажми кичраяди. Шунингдек, MED8 ва MED14 генлари органогенезда хужайралар ўсишида иштирок этиши кўрсатиб ўтилган [6]. Худди шундай, *bzr1-1D* (BZR1 гени функциясининг ортиши) мутант линиясида айрим органлар ҳажмининг ёввойи линияга нисбатан йириклиги қайд этилган, аммо гул ҳажмининг йириклашиши молекуляр-генетик даражада тавфифланмаган.

Ушбу ишнинг асосий мақсади ўсимлик гул ҳажмининг бошқарилишида MED25 ва BZR1 генларининг роли ва уларнинг ушбу молекуляр йўлда мустақил ёки бир бирига боғлиқлигини ўрганишдир. Бунда MED25 ва BZR1 генларининг алоҳида шаклдаги мутант линиялари ва ҳар иккала геннинг қўш мутантлари таққослаб ўрганилди.


**Жадвал-1. Тадқиқотда фойдаланилган Арабидопсис генотиплари**

№	Арабидопсис линиялари	Фойдаланган адабиёт
1	Col-0 (ёввойи генотипи)	-
2	<i>med25</i> (MED25 генининг T-ДНК ёрдамида нокаут қилинган мутанти)	[2]
3	<i>bzr1-1D</i> (BZR1 гени функцияси орттирилган мутант)	[7]
4	<i>med25 / bzr1-1D</i> (қўш ген мутанти)	ушбу тадқиқотда

Тақиқотимизда гомозигота ҳолдаги *med25* (T-ДНК ёрдамида MED25 генининг нокаутга учратилган) ва *bzr1-1D* (битти аминокислотанинг ўзгариши ҳисобига BZR1 генининг кучайиши) мутант линиялари чапиштирилди. F<sub>2</sub> авлодда ўсимликлардан геном ДНКси СТАВ усули ёрдамида ажратиб олинди ва махсус праймерлар жуфтлиги ёрдамида Полимераза Занжир реакцияси (ПЗР) ўтказилди. BZR1 генидаги мутацияни аниқлашда F-gggaatctatcgctaagcaat ва R-tctcttgggaaggcagcagta, MED25 генидаги мутацияни аниқлашда F-tggaactggtccaacagaac, R-tgattggctttctccatc ва Salk LBb1.3- attttgccgatttcggaac праймер жуфтликлари ишлатилди. ПЗР амплификация маҳсулотлари 1xTAE буферда 2,5% агарозали гелда электрофорез қилиб таҳлил қилинди.

Бунда ҳар иккала ген мутацияси учун гомозигота ўсимликлари аниқлаб олинди. *med25/bzr1-1D* қўш ген мутант линияси кейинги тадқиқотларда фойдаланилди. Танлаб олинган Арабидопсис линиялари 12 соат ёруғлик ва 12 соат қоронғу, 22 С ҳароратда ўстирилди. Ҳар бир линия ўсимликларидан 20 тадан гул намуналари йиғиб олинди ва ёруғлик микроскопи остида расмга олинди. Гул ҳажми ушбу расмлар асосида Image J дастуридан фойдаланиб ҳисоблаб чиқилди.

**Расм-1. Арабидопсис гул ҳажмининг бошқарилишида MED25 ва BZR1 генларининг иштироки.** (А) Арабидопсиснинг ёввойи Col-0 линияси, *med25*, *bzr1-1D* ва *med25/bzr1-1D* мутант линияларининг гул расми. (Б) Гул ҳажмининг арабидопсис линияларидаги кўрсаткичи (мм).



Public policy on youth includes specific measures for the development of potential. Especially human resources are the most important factor in innovation development. Training, professional development and retraining of personnel for innovative activities is also an important process reflecting a unified system. Therefore, today it is increasingly important to ensure the innovative development of our country, to develop and introduce new, more effective means and methods of education in the conditions of developing innovative economy, to expand the interaction of educational and scientific institutions with production. Among other areas, the organization of clusters at different levels in the educational system, the creation of Educational, Scientific and production associations are one of the pressing issues.

The most important tasks of human resource support and development for innovation economy are as follows:

it is also important to consistently transform the economic and social security of scientists and the reputation of scientific activity, the real sector of scientific personnel and economy and create favorable conditions for their rejuvenation, attraction and unification of young specialists to the scientific and innovative sphere;

intellect minimization of local migration, rapid development of science and new technologies in the regions of the country is also an important process.

One of the main tasks of the innovative development of Uzbekistan is to create suitable conditions for the formation of innovative abilities among young people. Innovative thinking requires innovation, the development of a suitable attitude to an unknown situation, a quick response in such conditions. In this context-from the point of view,...at present, social renewal, its theoretical and practical issues are becoming the subject of research, as the desire for innovation in the world, the satisfaction of improving needs through the introduction of new ones, the creation of various service spheres is constantly evolving. This, in turn, led to the formation of the idea of innovative thinking.

The main innovative competences inherent in young people are: the desire and willingness to receive continuous education, the ability to work on oneself constantly, the ability to force and retrain self-regular education, professionalism, the desire for new things, the ability to think critically, creativity and business, the formation of the ability to work independently and in a team, the willingness to work. Certain organizational and pedagogical conditions can also be created on the scale of the University in order to formulate the innovative abilities of young people. To do this, it will first be necessary to take into account external and (or) internal conditions. Such organizational and pedagogical conditions are a set of objective opportunities that ensure a successful solution to the tasks of raising innovative thinking. Therefore, it is important to study the problems of innovative education in the higher education system, to identify external conditions (reform the educational process with the aim of creating an innovative environment, changing the innovation background, filling its content with spiritual values) and to raise internal conditions (growth) to the "level of creative freedom" of the individual, to harmonize spiritual and practical experience, In this case, the process of creative and scientific research, self-knowledge, self-awareness is carried out, the value of innovative activity.

In the study, we will show the innovation-oriented environment of the university as one of the main conditions for the formation of innovation skills of students. The innovation

environment of the university covers the spiritual and material environment, which carries out a wide range of activities on the creation, development and use of innovations. The theoretical basis of the innovation-oriented environment of this educational institution is the following: openness (view to life; progressive theories, concepts and ideas; stability in the relations of the individual and society); consistency; rapid development of professional, social and personal needs; consistent cooperation both within and outside the school; effective organization of activities that provide an innovative system with self-development and self-management; continuous education; corporate nature of the pedagogical community; accounting for traditional and innovative synthesis, etc.

An important feature of the innovation environment is also associated with the fact that each student-the creative potential of young people and the factors that are aimed at the development of innovative thinking - is a synthesis of life, upbringing, self-education and self-education. Such an environment is a complex form of development and implementation of the main prints of innovative pedagogy, it is the only educational space of an educational institution that allows in the future to coordinate the efforts of specialists in the field of quality knowledge of interested objects.

An important indicator of the innovative learning environment is that it must first be of personal and social importance for the younger generation. The personal meaning of the innovative educational environment "all the necessary forces" is to create conditions especially suitable for the development of the creative potential of young people and on this basis to lay the groundwork for professional training and career.

The social meaning of the innovative educational environment is the training of a competitive specialist. Based on the approach to activity, we believe that the success of young people in the formation of innovative thinking depends on their participation in important forms of innovative activity aimed at professional development. For this purpose, the university effectively operates innovative thinking and raising organizations. These include the Center for youth initiatives (pedagogical and volunteer groups), the Council of young scientists and students, technical design laboratories, studios and workshops, discussion clubs and others. These associations contribute to the formation of innovative thinking. Along with this, "on the psychological ground of innovative thinking lies the voluntary association of images, meanings and judgments, the semantic impact of each other, as a result of which, within the framework of the rules of language and thought, the formation of new images and imaginations".

It brings students-young people who have mastered creative self-management techniques in the society to the level of academics. For example, the meetings of the controversial clubs are invited by qualified professors and teachers, scientists who solve the pressing issues of education, as well as pedagogical staff with the ability to think innovatively, creating innovative models of the pedagogical process involved in general or additional educational institutions. The forms of such meetings of the circle are as follows: oral, educational sessions devoted to covering the ideas of creating magazines, business games, social and pedagogical projects, educational conferences on education and its modernization in modern conditions, problematic lectures and conversations, projects presented by students to improve the teaching practice shular are in the sentence. Participation in such clubs attracts the attention of students and young scientists to sharp problems in the field of Science and education, increases their professional skills, stimulates their need for self-education, teaches public speaking, teaches to protect their position in a rational and thoughtful way.

An important condition for the development of innovative thinking of students and young people is their participation in research work. Because such scientific research allows them to constantly get out of the problematic situation, to see the contradictions in the objects under study, to feel the problems. Also in them develop thinking, imagination, curiosity, creative activity, the need for in-depth study of professional literature, the ability to manifest oneself.

One of the priority forms of research activity of university students and young scientists is characterized by participation in various projects in which these socio-pedagogical and innovative projects are developed and implemented. The relevance of such projects is that, firstly, it offers non-standard solutions; secondly, it encourages the direction of the acquired knowledge to practice, always taking into account the specific needs; thirdly, it increases the cognitive, social activity of the younger generation; fourthly, the development of innovative abilities in young people; from the fifth, it increases the innovation activity of young people, form holistic ideas about the content and dimensions of the innovation cycle.

Projects organized at different levels on the basis of Student-Youth Innovation forms, methods and tools of professional activity; acquisition of personal achievements, ready for self-organization, cooperation, communication; increase the need for self-knowledge. An important result of the laboratory activity will help students to win in various competitions of the Republic.

The activity of centers supporting youth initiatives in the formation of innovative and social activity of students occupies a special place. Because students-young people are engaged in research work in these centers (preparation of projects, conferences, competitions, performances, etc.); participation of students in youth pedagogical movements (work in clubs at the place of residence, assistance to public associations); socio-pedagogical activity (work with disabled children, orphans.); the organization of health companies (work in children's health camps) and others are in the sentence.

In conclusion, the integration of the research and educational components serves to formulate the competences of the student-youth innovation thinking. In order to promote the innovative activity of students and young people, the university annually conducts a competition: the competition of the best scientific works of students, the competition of innovative projects, the "innovation entrepreneurship of young people" are among the Science Olympiads of the University and others. Thus, the innovation-oriented environment of the university is the most important conditions for the formation of innovative competences of students, because they allow each student to enter into a relationship through the creation, implementation and reflection of innovations, to recognize themselves as a creative person before the public.

#### **References:**

1. Кубаева Ш.Т. Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳли). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2019. –Б.17.
2. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2009.
3. Farhodjonovna F. N. Spiritual education of young in the context of globalization //Мир науки и образования. – 2017. – №. 1 (9).

4. Farhodzhonova N.F. The influence of ideological processes on the national idea in the conditions of globalization //The World of Science and Education. – 2016. – №. 2. – С. 6.
5. Ergashev I., Farxodjonova N. Integration of national culture in the process of globalization //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 477-479.
6. Farxodjonqizi F. N., Dilshodjonugli N. S. Innovative processes and trends in the educational process in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 621-626.

### **ФАНЛАРАРО ЁНДАШУВНИНГ РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ**

Жалалова Гулбаҳор Одилжановна,  
Ўзбекистон Миллий университети етакчи илмий ходими,  
фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация.* Мақолада замонавий рақамли иқтисодиётда гуманитар фанлардаги трансформациялар таҳлил этилган. Муаллиф фикрига кўра, XX – охири XXI асрнинг бошларига келиб, гуманитар фан соҳаларида ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланила бошланди. Бу амалиёт янгидан-янги инновацион тадқиқотларга кенг йўл очиб берди, фанда фанлараро ёндашув парадигмаси ривожланди.

*Калит сўзлар:* билим, фан, рақамли иқтисодиёт, рақамли гуманитар фанлар, рақамли технологиялар, фанлараро ёндашув, тафаккур, интеграция.

### **РОЛЬ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Жалалова Гулбаҳор Одилжановна,  
Национальный университет Узбекистан, ведущий научный сотрудник, доктор  
философии (PhD)

*Аннотация.* В статье анализируются трансформации в науке в условиях современной цифровой экономики. По мнению автора, в конце XX и с начала XXI века в сфере гуманитарных наук информационно-коммуникационные технологии начали широко применяться. Данная практика открыла широкий путь новым исследованиям, а в науке начал развиваться междисциплинарный подход.

*Ключевые слова:* знание, наука, цифровая экономика, цифровые гуманитарные науки, цифровые технологии, междисциплинарный подход, сознание, интеграция.

### **THE ROLE OF INTER-DISCIPLINARY APPROACH IN DEVELOPMENT OF DIGITAL SOCIAL SCIENCES**

Jalalova Gulahor Odiljonovna,  
National University Uzbekistan, leading researcher,  
Doctor of Philosophy (PhD)

*The article analyses the transformation processes in social sciences in contemporary digital economy. According to the author, by late XX century and early XXI century, use of information communication technologies in social sciences has become widespread. This application opened the door for new innovative research in the field and development of interdisciplinary approach paradigm.*

**Keywords:** *knowledge, science, digital economy, digital social sciences, digital technologies, interdisciplinary approach, consciousness, integration.*

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир соҳасида тизимли, кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўзгаришлар асосида жамиятимизда ижтимоий трансформациялар содир бўлмоқда. Яъни, жамиятимиз мураккаб тизим сифатида янги тизимга ўтиб бормоқда. жараёнда жамиятимиз яъни ижтимоий тизимнинг ҳар бир элементида, жумладан фан, таълим, ҳуқуқ, иқтисод, маданият, санъат, тафаккурда трансформациялар содир бўлади.

Жамиятимизда содир бўлаётган трансформация жараёнлари конструктив ва деструктив бўлиши мумкин. Ижтимоий трансформация конструктив бўлганда, жамиятда ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Ижтимоий тизим элементлари ўртасидаги ижобий қайта ўзаро алоқадорлик ортади. Деструктив трансформация жараёнида эса ижтимоий тизимда салбий ўзгаришлар юзага келади ва ривожланиш кузатилмайдди. Ижтимоий тизимдаги трансформацияларни конструктив бўлишида давлат бошқарув органларининг роли жуда ҳам каттадир. Президент Ш.Мирзиёевнинг 25 январ 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномаси [1] жамиятимизда содир бўлаётган трансформация жараёнларининг йўналишларини янада конструктив қилишга қаратилди. Мурожаатномада замонавий ривожланиш моделларидан бири бўлган рақамли иқтисодиётга ўтиш зарурияти бу ўзгаришларнинг йўналишлари, моҳияти, мақсад ва вазибалари очиқ берилди.

Маълумки, рақамли иқтисодиёт – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот коммуникацион технологияларини кенг жорий этишига асосланган иқтисодиётдир. Рақамли иқтисодиёт биринчидан, ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади [2, 7-8].

Бундай жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан фан тизимида ҳам трансформациялар содир бўлади. Савол туғилади? Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланар экан, фан, жумладан гуманитар фанларнинг келажаги қандай бўлади? Гуманитар фанларга рақамли технологиялар қандай таъсир этади? Рақамли иқтисодиёт даврида гуманитар фанларнинг методологиясида қандай ўзгаришлар содир бўлади каби эпистемологияга оид муаммолар вужудга келади.

Рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши гуманитар фанларда катта ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Гуманитар фанларнинг тадқиқ этувчи объектини, ахборот маконини миқдоран ва сифатий жиҳатдан кенгайтди. Бу технологиялар гуманитар фан соҳасидаги илмий тадқиқотларда, ҳалқаро илмий коммуникацияларда, матнларни талқин этишда, ижтимоий-маданий феноменларни қайта тиклаш (уч ўлчамли визуализация қилишда) кенг қўлланилади. Демак, гуманитар фанларнинг тадқиқот манбалари, методлари, ахборот оқимлари, қўллайдиган воситалари ўзгара бошлайди. Шунингдек, рақамли технологиялар гуманитар фанларнинг структурасига ҳам таъсир этиб, трансформацияланишни келтириб чиқаради. Бу трансформация рақамли-гуманитарфанлар ривожланишида ҳам намоён бўлмоқда [3, 5-8].

Рақамли-гуманитар фанларнинг предмети, таърифи ҳақида ҳали ягона фикрга келинмаган. Аммо шунга қарамасдан «рақамли гуманитар фанлар» бу билимларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва интеграция қилишда ахборот технологияларидан восита сифатида фойдаланувчи гуманитар фан соҳаларидир. Рақамли гуманитар фанлар» нинг шаклланиши бу гуманитар фанларнинг инқирози эмас, балки мазкур фан чегараларининг кенгайишидир. Хулоса қилиш мумкинки, рақамли гуманитар фанлар рақамли ва ахборот коммуникацион технологияларни гуманитар фан соҳаларида кенг қўллашни ўзида мужассам этади.

Рақамли гуманитар фанлар қандай шаклланди? XX – охири XXI асрнинг бошларига келиб, гуманитар фан соҳаларига илмий сиёсат, ахборот коммуникациялари, фанлараро ёндашув, ҳамда билимларни ишлаб чиқишда ахборот коммуникация технологияларидан восита сифатида фойдаланиш тажрибалари кириб кела бошлади. Бу амалиёт янгидан-янги инновацион тадқиқотларга кенг йўл очиб бериши, гуманитар фанлардаги фанлараро ёндашув парадигмасининг ривожланиши ва илмий билимлардаги трансформациялар билан характерланади. Илмий билимлардаги трансформация натижасида фанда структуравий ўзгаришлар содир бўлади. Турли фан соҳалариаро ва фанлараро ўзаро боғланишлар ривожланади. Фандаги трансформацияланишни трансдисциплинар фанлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай трансдисциплинар соҳалардан бири “рақамли гуманитар фанлардир”. “Рақамли гуманитар фанлар”да илмий натижалар анъанавий фанларнинг методлари (тарих, [фалсафа](#), [лингвистика](#), адабиёт, санъат, [археология](#), мусиқа ва ҳ.к.) ва компьютер, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли материалларга айлантирилади. Натижада компьютер воситалари ва рақамли технологиялар гуманитар фанларнинг янги йўналишда янада ривожланишига олиб келмоқда. Гуманитар фанларга рақамли технологияларнинг кириб келиши нималар беради? Рақамли технологияларнинг гуманитар фанларда кенг қўлланилиши улкан миқдордаги маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш самарадорлиги, сифатини орттиришига олиб келмоқда. Масалан, тарихий бебаҳо маданий бойликларнинг рақамли намуналари яратилиши, уларни сақлаш ва келгуси авлодга етказиш сифатини оширади. Шунингдек, мазкур фанлараро ёндашувга асосланган йўналиш асосида олинган натижалар гуманитар соҳалардаги мавжуд муаммоларни янги методлардан фойдаланиш ва ўзгача ёндашиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда бу йўналишдан мутахассислар маданиятшунослик архитектура, театр, таълимда рақамли ўйинлар билан ўқитишда кенг фойдаланмоқдалар. АҚШда 2005 йилда гуманитар соҳадаги 6% илмий тадқиқотлар тармоқли структуралар ва рақамли технологиялар воситасида амалга оширилган [8, 91-98]. Демак, илмий таҳлил кўрсататдики, гуманитар фанларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиши биринчидан, уларнинг янги ахборот манбаига эга бўлишига; иккинчидан, маълум бир фан соҳасининг методологик талабларини қондирадиган ахборотларни таҳлил қилиш; учинчидан, таҳлил натижасида олинган ахборотларни нашр қилишнинг кенг имкониятига эга бўлишига олиб келмоқда [5]. Шунингдек, гуманитар фанларда компьютер методларининг фойдаланиши жуда катта миқдордаги ахборотларни осон усул билан қайта ишлаш, таҳрир қилиш, структурага солиш имконини беради; рақамли технологиялар билан гуманитар фанларнинг яқинлашувини таъминлайди.

Рақамли гуманитар фанларнинг энг ажралиб турувчи хусусияти улардан олинган илмий натижаларнинг ҳаммининг баҳраманд бўлиши учун очиқлиги, яъни Интернетда жойлаштирилишидир.

Мазкур йўналишнинг келиб чиқишини британиялик олима Сьюзен Хокей 1949 йилда италян роҳиб Роберто Бусанинг компьютер технологияларидан биринчи бор теология, лингвистика ва тарих чегарасида фойдаланганлиги билан боғлайди. 1950 йилларда Европа академик доираларида компьютер имкониятларидан луғатларни тузишда кенг фойдаланила бошланган.

Бугунги кунда рақамли тарих, рақамли филология, рақамли лингвистика, рақамли археология, электрон филология, электрон тарих ва бошқа илмий соҳалар шаклланимоқда. Мазкур фан соҳасини ривожлантириш мақсадида бугунги кунда марказлар, альянслар, даврий конференциялар, тематик журналлар фаолият олиб бормоқда. Германия, Нидерландия, Швейцария, Италия, Франция, Австрия, Ирландия, Буюк Британия мазкур соҳани ривожланишида пешқадамлик қилмоқдалар. Шунингдек, жуда кўп ва Европа давлатларида [6], Россияда [9] рақамли гуманитар йўналиш соҳасида магистрлар ҳам тайёрланмоқда. Россияда ҳам рақамли гуманитар фанлар ривожланишига замин яратилмоқда. Масалан, Томск университети фалсафа факультети дастурларига “Гуманитарная информатика” ўқув курси киритилган [10]. Бугунги кунда Россияда 2016 йилдан буён Рақамли гуманитар тадқиқотлар Маркази ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Бу Марказ жамоаси филолог, тарихчи, файласуф, компьютер, коммуникация, медиа, дизайн соҳасидаги мутахассислардан ташкил топган [11].

Рақамли гуманитар фанларнинг мазмуни, муаммолари, истиқболлари ўз ифодасини топган дастлабки нашрлардан бири 2010 йилда Францияда эълон қилинган Манифест («Манифест Digital Humanities») ҳисобланади. Манифестда таъкидланганидек, рақамли технологиялар барча гуманитар фанлар учун аҳамиятлидир [7]. Шу сабабли барча гуманитар соҳа талабаларининг ўқув дастурларида рақамли гуманитар фанларга оид курслар киритилиши лозим. Аммо рақамли гуманитар фанларнинг ривожланишида иккинчи жиҳатни ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Яъни, технологияларга урғу бериб, аналитик услуб ва воситаларни иккинчи даражага қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Рақамли гуманитар фанларнинг олий таълимни қамраб олиш тенденцияси кузатишмоқда. Рақамли гуманитар фанларнинг олий таълимда ўқитилиши ёшларимизда танқидий тафаккур, креативликни оширади. Янги ахборот платформаларини шакллантиради, фанлараро ҳамкорлик асосидаги фанлараро ёндашув ва ижодкорликни кучайтиради [4, 4].

Таъкидлаш жоизки, рақамли гуманитар фанларнинг ривожланиши гуманитар фанларнинг инқирози бўлмай, фан тизимидаги фанлараро ёндашувнинг ривожланишидир. Натижада илмий ҳужжатлар мазкур фанлар доирасида “динамик илмий натижага” айланади. Яъни у нафақат матнни балки ўзида мультимедиа, маълумотларни ва динамик муҳитни бирлаштира олади. Шунинг учун Манифестда рақамли гуманитар фанлар курсларини барча гуманитар ва ижтимоий фан, шунингдек, адабиёт, санъат мутахассисликларига киритиш, олий таълимда алоҳида рақамли гуманитаристика йўналишини ривожлантириш таклифи илгари сурилмоқда.

Шунингдек, рақамли гуманитар фанлар нафақат рақамли коммуникация воситаларининг шакллари, маданиятни балки янги коммуникация шакллари ҳам ўрганади ва таклиф этади [9, 234].



Демак, замонавий фан мураккаб тизимга айланиб бормоқда. Фан тизимидаги мураккаблик ундаги фанлараро ёндашув жараёнларида намоён бўлмоқда [12, 185]. Рақамли-гуманитар фанларнинг бутунги кундаги шаклланиши фанлараро ёндашувнинг бир кўриниши бўлиб, мазкур фанларнинг асосий методологияси фанлараро ёндашув хисобланади.

Юқоридаги таҳлидан хулоса қилиш мумкинки, замонавий фан тизимида методологик фанлараро ёндашув ривожланмоқда. Бу жараён табиий ва гуманитар фанлардаги воситаларнинг бирлашуви эмас, балки умумий методология асосида ривожланишнинг вужудга келаётганлигидир. Бундай вазиятда республикамиз олий таълим босқичларида ёшларимизга билим беришда нималарга эътибор қаратишимиз зарур? Биринчидан, республикамизда фанлараро ёндашув методологиясини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни янада ривожлантириш, Республикамиз олий ўқув юртларидаги барча йўналишларга “Фанлараро ёндашув методологияси”, “Рақамли гуманитар фанлар” курсларини киритиш зарур.

Мазкур курсларнинг киритилиши “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси” да белгиланган вазифаларни бажарилишида, демак инсон капиталини республикамиздаги ривожланишига хизмат қилади. Бу Концепцияда таълим муассасалари томонидан мутахассисликлар бўйича меҳнат бозори маркетинги ўтказиш асосида ўқув юртлари томонидан мутахассислар тайёрлашни иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши билан боғлаб олиб бориш вазифаси белгиланган. Шунинг учун олий таълим тизимида рақамли гуманитар йўналишда мутахассисларни тайёрлаш, ўқув дастурларини тайёрлаш масаласини кўриб чиқиш ҳам давр талабидир. Бу борада Ўзбекистон Миллий университети қошидаги ОТ-Ф1-95 “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” мавзусидаги давлат илмий-тадқиқот лойиҳаси фаолият олиб бормоқда. Аммо Ўзбекистонда рақамли иқтисод ривожланар экан, малакали, замонавий билимларни эгаллаган кадрларга эҳтиёж ортиб бораверади. Шунинг учун республикамизда фанлараро ёндашувга асосланган Марказлар, лабораторияларни ташкил этиш ниҳоятда долзарб масаладир. Бундай муассасаларнинг ташкил этилиши, рақамли гуманитар фанларнинг ҳам ривожланишига замин яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2020). [Online]. URL <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>. (мурожаат вақти.12.04.2020 йил).
2. Gulyamov S., Ayupov R., Abdullaev O., Baltabaeva G. Raqamli iqtisodiytda blokcheyn texnologiyalar. - Tashkent: Iqtisod-Moliy, 2019. - 447 б.
3. Можаяева Г. Методологические основания цифровой гуманитаристики // Digital Humanities: гуманитарные науки в цифровую эпоху. – Томск: Томский университет, 2016. - 120 б.
4. Presner T.S. Johanson C. The Promise of Digital Humanities. -C.4 [Online].URL:<http://humanitiesblast.com/Promise%20of%20Digital%20Humanities.pdf>. (Мурожаат этилган сана 12.06.2020 й).
5. Таллер М. Дискуссии вокруг Digital Humanities. [Online].URL: <http://kleio.asu.ru/2012>. (Мурожаат этилган сана 10.06.2020 й).

6. Степень магистра в области цифровых и общественных гуманитарных наук. [Online].URL: <https://www.masterstudies.ru>. (Мурожаат этилган сана: 20.06.2020 й).
7. Манифест Digital Humanities // [https://tc\[Online\].URL: p.hypotheses.org/501](https://tc[Online].URL: p.hypotheses.org/501). (Мурожаат этилган сана: 21.06.2020 й).
8. Журавлева Е.Ю. Современные модели развития гуманитарных наук в цифровой среде // Вопросы философии, 2011. №5, С.91-98.
9. Вендель Пьез. Какие-то цифровые гуманитарные науки // Цифровые гуманитарные науки: хрестоматия / под ред. М. Террас, Д. Найхан, Э.Ванхутта, И.Кижнер. – Пер. с англ. – Красноярск: Сибирский федеральный университет, 2017. – 352 с.
10. Голенок М.П. Digital humanities: проблемное поле и перспективы развития // Научное обозрение: электрон журнал. 2018. №1, [file:///C:/Users/Bahor/Downloads/digital-humanities-problemnoe-pole-i-perspektiv-razvitiya%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/Bahor/Downloads/digital-humanities-problemnoe-pole-i-perspektiv-razvitiya%20(1).pdf). (Мурожаат вақти: 18.06.2020)
11. Центр цифровых гуманитарных исследований факультета гуманитарных наук НИУ ВШЭ. URL: <https://hum.hse.ru/digital/news/204495037.html> (Мурожаат вақти: 26.10.2017)
12. Gaffarova G.G. Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. 2019. №1(5), -Pp.185-190. <https://uzjournals.edu.uz/namdu> (Мурожаат вақти: 26.08.2020)

#### **АЛИШЕР НАВОИЙ ЮКСАК ЭҲТИРОМ КЎРСАТГАН МАШОЙИХ УЛУҒИ**

Исақова Замирахон Рухитдиновна  
фалсафа фанлари номзоди, доцент  
Наманган давлат университети

*Аннотация:* Мақолада Алишер Навоий юксак эҳтиром кўрсатган машойих улуғи Увайс Қаранийнинг ибратли ҳаёт йўли манбалар асосида фалсафий-ирфоний таҳлил этилган.

*Калит сўзлар:* Алишер Навоий, “Насойим ул-муҳаббат”, Увайс Қараний, тобеъин, увайсийлик, хирқа, муҳаббат, Сиффин жанги, диний эътиқод, Балиқликўл, мажмуа, маънавий мерос, ўзликни англаш.

#### **ВЕЛИКИЙ СУФИЙ, КОТОРЫЙ АЛИШЕР НАВАИ ПОКАЗАЛ ВЫСОКОЕ ПОЧТЕННОЕ УВАЖЕНИЕ**

Исакова Замирахон Рухитдиновна  
кандидат философских наук, доцент  
Наманганский государственный университет

*Аннотация:* В статье философско-гносеологически анализируются по источникам образцовый жизненный путь великого суфия Увайс Карани, который Алишер Навои показал высокое почтенное уважение.

*Ключевые слова:* Алишер Навои, “Насайим ул-муҳаббат”, Увайс Карани, табиин, увайсийя, хирқа, любовь, Сиффинская битва, религиозная вера, Баликликўл, комплекс, духовное наследие, самосознание

#### **THE GREAT SUFIUS, WHICH ALISHER NAVAI SHOW HIGH RESPECTED RESPECT**

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna  
Candidate of Philosophy, Associate Professor

Namangan State University

*Annotation: The philosophical and epistemological article analyzes the sources on the exemplary life path of the great Sufi Uwais Karani, which Alisher Navoi showed high respect for.*

*Keywords: Alisher Navoi, "Nasayim ul-Muhabbat", Uwais Karani, tabiin, uwaisiyya, hirka, love, Battle of Siffin, religious faith, Baliklikul, complex, spiritual heritage, self-awareness*

*Бирав (Увайс Қараний – З.И.)нинг васфиким, онинг вассофи Хожайи коинот (Муҳаммад с.а.в. – З.И.) бўлғай ва нафаси нафаси раҳмон бўлғай, васф қилмоқ бағоят беодоблиқ бўлғай.*

*Мир Алишер Навоий*

Тазкира ва маноқибларда “Яман юлдузи” [1.27.] деб улуғланган Сухайл ибн Омир Увайс Қараний (қ.с.) милодий 594 йилда Яман вилоятига қарашли Музор (баъзи манбаларда “Мудор” деб қайд этилган – З.И.) қабиласи Қаран уруғи сарбони Мурод ибн Амир оиласида туғилган. Қаран – Яман вилояти Тоиф кентига қарашли, Мудор қабиласи уруғларидан бирининг номи бўлиб, одатда улуғ зотларнинг исмига улар туғилиб ўсган жойлари қўшиб айтилган.

Увайс Қараний (қ.с.)нинг отаси Омир яманлик бўлиб, Музор қабиласининг Қарн уруғига мансуб бўлган. Увайс гўдаклигида отаси вафот этган. Увайс ёлғиз онаси қарамоғида қолган. Увайс Қараний умр бўйи (қ.с.) зоҳидона ҳаёт кечирган, хиватни ёқтирган, туябоқарлик қилган ва онасининг хизматида бўлган. Бу ҳақда бошқа манбаларда ҳам зикр этилган [2.958; 230-258.].

Увайс Қараний (қ.с.) жоҳилия даврида яшаган, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётлик даврларига етишган ҳолда у Зот (с.а.в.) билан кўришга олмай, исломга ғойибона иймон келтирган [3.238.]. Увайс Қараний (қ.с.) Муҳаммад (с.а.в.)ни кўрмаган, Муҳаммад (с.а.в.) ҳам уни зоҳир кўзи билан кўрмаган. Мен у (бу ерда Пайғамбаримиз (с.а.в.) назарда тутиляпти – З.И.)ни дунёвий кўзим билан кўрмадим, аммо шариатини, яъни ҳолатини тушундим. Уни маъқуллаш диндир” [4.4.].

Мурод қабиласи билан Қурайш қабиласи бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, Увайс Қараний (қ.с.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан унчалик узоқ бўлмаган жойда яшаган бўлсалар ҳам, уларга кўришиш насиб этмаган. Бунинг икки сабаби бор:

а) она ризоси. Увайс Қараний (қ.с.) қари ва бемор онасининг парвариши билан машғул бўлгани учун онасини ташлаб кетишга ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни зиёрат қилишга шароити бўлмаган. Аллоҳ ҳабиби (с.а.в.)га бўлган муҳаббати кучлилигини сезган онаси Увайс Қараний (қ.с.)га бир марта Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни зиёрат қилишга ва у зот (с.а.в.)ни кўриб, ўша заҳоти уйга қайтишига рухсат беради. Увайс Қараний (қ.с.) Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг уйларига бориб у зот (с.а.в.)ни уйларида топа олмай, яна ортига қайтиб кетган.

б) ҳол [5.79.] ғалабаси. Увайс Қараний (қ.с.)нинг Аллоҳ ишқида завқу шавқи шу даражада тўлиб-тошганки, илоҳий жазба-завқ ҳолатида ҳар бир ҳодисада Аллоҳ қудратини ва ҳар бир нарсада Аллоҳ жамолини кўрган.

Увайс Қараний (қ.с.) Муҳаммад (с.а.в.)нинг марҳаматига сазовор бўлган тобеъинлардандир. Муҳаммад (с.а.в.) у зотни “хайр ут-тобеъин” (тобеъинларнинг яхшиси) деб мақтаганлар [6.30.].

Пайғамбар (с.а.в.) муборак юзини Яман тарафга қаратиб, дер эдилар: “Раҳмон нафасларидан бири Яман тарафдан келур. Увайс Қараний эҳсону иффат ва тавсифда тобеъинларнинг яхшисидир [7.27.]. Алишер Навоий бу ҳолатни шундай тасвирлаган: “Тоҳ-гоҳ Хожаи олам (с.а.в.) муборак юзин Яман сори қилиб дер эрдиким, [Мен Худонинг нафасини Яман томонидан туймоқдаман]” [8.9.].

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” китоби аввалида Султон Увайс Қараний илк сўфий сифатида юксак эҳтиром билан тилга олган: “Шайх Увайс Қараний қ.р. [Оллоҳнинг Пайғамбари айтган: “Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобеъинларнинг яхшисидир”] [9.9.]. Увайс Қараний (қ.с.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ғойибона меҳрига мушарраф бўлган: “Увайс эҳсону иффат ва тавсифда тобеъинларнинг яхшисидир” [10.4.].

Шайх Калободий Увайс Қаранийни “суфий” деб зикр этган: “Суфий кишиларким – саҳобалардан кейин уларнинг илмлари ҳақида сўзлаганлар, тўпланадиган жойларидан таъбир қилганлар, хоҳ сўз бўлсин, хоҳ амал бўлсин, аҳволларини васф қилганлар” [11.22.].

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам жундан тўқилган кийим кийганлар. Увайс Қараний (қ.с.) ҳам Аллоҳнинг Расулидан ибрат олиб, ҳамиша жундан тўқилган ва ямоқ солинган мураккаб [12.418.] кийиб юрган [13.46.].

Пайғамбаримиз Расулulloҳ (с.а.в.)ни кўрмаган, лекин саҳобаи киромларнинг илм, адаб ва дин йўлидаги барча эзгу ишларига издошлиқ қилганлар тобеъинлардир [14.255.]. Бу зотларнинг ҳаёти тақво, ибодат ва солиҳ амаллар билан безатилган [15.7.]. Мадина аҳли Саъид ибн Мусаййаб [16.176.] ни, Куфа аҳли Увайс Қаранийни, Басра аҳли Ҳасан Басрий [17.309.] ни энг афзал ва энг машҳур тобеъин деб билишган.

Увайс Қараний “тобеъинлар улуғи” сифатида эътироф этилгани ҳолда, ундан ҳадис ривоят қилинмаган. Фақат Ҳазрати Умар (р.а.) ва Ҳазрати Али (р.а.)дан қилинган ривоятлар Абдурахмон ибн Абу Лайло, Башир ибн Амр, Имом Муслим китобларида келтирилган.

Аллоҳ (с.т.) қудсий ҳадисда деди: “Дўстларим (авлиёлар – З.И.) қуббам остидадирлар, уларни Мендан ўзга билмагай!” [18.27.]. Увайс Қараний ёлғизлик ва хилватнишиниқда умргузаронлик қилган ҳолда Аллоҳ (с.т.) ва Муҳаммад (с.а.в.)га муҳаббатини барчадан сир тутган, унинг валий зот эканини ҳеч ким, ҳатто, яқинлари ҳам билишмаган.

Увайс Қаранийнинг қўшнилари дедилар:

– Увайсни девона хаёл қилдик. Унинг қандай тирикчилик қилишидан хабаримиз йўқ. Ҳар доим рўза тутгани учун унинг бирон жойда таом еганини кўрмадик. Бигта пўстини бор эди, унинг ямоқ солинмаган жойи қолмаган эди. Бомдод намозидан аввал уйдан чиқар ва хуфтондан сўнг уйга қайтар эди. Туш вақтида онасига егулик олиб келган вақтида ёш болалар унга тош отиб, йўлини тўсар эдилар. Увайс уларни эркалаб, олиб келган таомидан берар ва дер эди:

– Оёқларим заифдир. Кичикроқ тош отинг, оёғимга тегиб, жароҳат қилмасин, токи қон чиқиб, намоздан қолмайин. Намоздан қолиб, оёғим ғамини емай, намозим ғамини қилайин [19.332.].

Расулulloҳ (с.а.в.) Уҳуд тоғидаги жангда тишларидан биридан ажраганлар (бошқа манбаларга кўра олдинги пастки жағларидаги бир тишларига тош тегиб синиб кетган – З.И.). Бундан воқиф бўлган Увайс Муҳаммад (с.а.в.)га бўлган юксак эҳтироми юзасидан, у зотга душманлар етказган ситамни ўзида синаш мақсадида аввал бир тишини, сўнгра

шубҳага ўрин қолмаслиги учун барча тишларини суғуриб ташлаган. Бу ҳолатни Алишер Навоий шундай баён қилган: “Ухуд урушида Пайғамбар (с.а.в.)нинг муборак тиши шаҳид бўлгонин эшитиб, мутобаат учун ўттиз икки тишин ушогти. Ҳар биринки, ушотур эрди, дер эрдик, шояд бу тиш эмас эрди экин. Яна бирини ушотур эрди. То мундоқ қилиб, барча тишларин ушогти” [20.9].

Увайс Қараний (қ.с.) онасининг дуоси билан шундай улуғ мақомга эришганки, Ибн Абу Шайбат, Ҳаким ҳамда Байҳақийдан ривоят қилинишича, унинг шарофати билан “Рабиъа” ва “Музор” қабиласи қўйларининг юнглари сони қадар умматлар Аллоҳнинг шафоатига нойил бўлган [21.83; 26].

Увайс Қараний (қ.с.) онаси вафотига қадар садоқат ва итоатда бардавом бўлди. Онаси вафот этгач, фарзандлик бурчини адо этди. Онасини ўз қўли билан қабрга қўйди. Онасининг ҳаққига дуода бўлди. Онаси вафотидан сўнг бир мунча вақт ўтгач, Увайс Қараний (қ.с.) ҳаж қилиш учун Маккага келган [22.82].

Аллоҳ йўлига кирган ва тариқатда пири бўлмаган солиқни пайғамбар ёки машойихдан бирининг руҳи тарбия қилади ва бу ришта увайсийликдир. “Бир қавмлар бўладики, уларни “увайсийлар” дейлади. Уларни ёнларга олиб парвариш қилиш учун пирга ҳожат бўлмайди.. Бу улуғ муомаладир. Бу мақомга етиш кимларга насиб қилар эди! Бу улуғ давлатдир. Аллоҳ кимни хоҳласа, бу давлатни унга Ўзи ато қилар, неъматлантирар” [23.18а].

Увайс Қаранийни “Увайс” дейилишининг сабаби шуки, у ҳеч бир ҳожат ва воситасиз Пайғамбар (с.а.в.) руҳидан тарбия топган. Улар зоҳирда бир-бирларини кўрмадилар, аммо ботиндан файзу футуҳ топдилар. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган олий мақомдир. Бунинг далили Аллоҳнинг муборак сўзи билан тасдиқланади: Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берар. Аллоҳ улуғ фаза соҳибидир [24.727].

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар:

– Қиёмат кунин Аллоҳ етмиш фариштани Увайс суратида яратур. Бунинг сабаби шуки, фаришталар у зотни ўртага олиб, жаннатга киритурлар, ҳеч ким у зотдан хабардор бўлмагай. Фақат Аллоҳ хоҳлаган кимсаларгина таний оладилар. Зотан, Увайс Ҳақ ризоси учун халқдан қочди, ибодат қилди. Шу сабабдан охиратда ҳам бошқалар кўзидан пинҳон бўлур [25.27].

Нақлдорки, Ҳазрат Рисолат (с.а.в.) оламдин ўтарда, асҳоб (р.т.а.) сўрубдурларким, сизнинг мураққаъ кимга ҳаволадур? Дебдурларки, Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, манинг умматимни дуо қилсун! Ҳазратдин сўнгра Форук ва Муртазо (р.т.а.) Кўфага бориб, Яман элидин сўруб, Қаранда Увайсни топдиларким, тева кутуб юрур эрди. Мураққаъни топшуруб, уммат учун дуо истидъо қилдилар [26.9].

Икки буюк саҳобий Ҳазрати Увайс билан суҳбатлашиб, муборак омонат – “Хирқай шариф”ни унга топширишади ва ҳақларига дуо қилишини сўрашади. Увайс ҳам уларнинг Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али эканини билиб, жуда севинади ва ҳақларига дуо қилади. Ҳазрати Умар кўрсатган эҳтиром туфайли Увайс Қаранда овоза бўлиб кетган [27.79]. Увайснинг овозаси Қарандан Ямангача тарқалган. Одамлар тўп-тўп бўлиб унинг зиёратига кела бошлаган.

Ҳаран ибн Ҳаййон [28.34.] (р.а.) деди:

– Увайс ҳақидаги ҳикоятларни эшитиб, уни кўришга ошиқдим. Уни кўп қидирдим. Излаб Кўфага бордим. Фрог дарёсида таҳорат қилаётган одамни кўриб, Увайс ҳақида

эшитганларимдан нишона топдим. Ёнига келдим. Салом-алиқдан сўнг унинг этагини тавоф қилишни сўрадим. Увайс рози бўлмади.

Ҳаран ибн Ҳаййон Увайснинг заиф ҳолига куйиб йиғлади ва деди:

– Нечуксиз?

Увайс ҳам йиғлади ва деди:

– Эй Ҳаран ибн Ҳаййон, менга ким йўл кўрсатди?

Ҳаран ибн Ҳаййон деди:

– Эй Увайс, сиз мени кўрмай ва эшитмай, менинг ва отамнинг исмини қаердан билдингиз?

Увайс Қараний деди:

– Ҳақ субҳанаҳу ва таоло хабар берди. Ҳеч нарса унинг илми ва хабаридан ташқари эмас. Менинг руҳим сенинг руҳингни таниди. Мўминлар руҳи шундайки, агар кўришмасалар ҳам уларнинг руҳлари бир-бирларини танийдилар [29.441-442.].

Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: “Руҳлар тартибли кўшинлар кабидирлар. (Руҳлар оламида) бир-бирлари билан танишганлар бу дунёда дўстлашадилар; бир-бирига бегона бўлганлар эса ўзаро ихтилофга тушадилар”. Бундан англашиладики, руҳнинг ҳам нафси бор, худди тана каби танаси ҳам бор. Аллоҳнинг инояти билан мўмин ва солиҳ кишилар бир-бирларини танимасалар ҳам, аввал учрашмаган бўлсалар ҳам, уларнинг руҳлари бир-бирини танийди ва бир-бирини севади. Масофа қанчалик узоқ бўлмасин, мўминлар бир-бирларининг руҳини танийди ва бир-бири билан тиллашади.

Увайс Қараний (қ.с.) 37/657 йилда Сиффин жанги [30.212.]да шаҳид қилинган ва Суриянинг Раққа кенти Софа қишлоғида дафн этилган (2013 йилда суриялик радикал ислом тарафдорлари томонидан мазкур қабр вайрон қилинган – З.И.). “Тазкират ул-авлиё” да бу ҳақда шундай зикр этилган: “Вайсал Қараний ҳазратлари Ҳазрати Али ва Ҳазрати Муовия ўртасидаги жангда Муртазо (Ҳазрати Али) карамаллоҳу ваҳжа лашқарида эканлигида уни шаҳид қилдилар” [31.14.]. Тазкираи Муҳаммад Боқир” да зикр этилишича, Увайс Қараний (қ.с.) Сиффин жангида амир ал-мўъминин Али (р.а.) тарафида жанг қилиб, шаҳид қилинган [32.17а.].

Хужвирий дейди: “Қаранда Увайс Қараний машҳур бўлди. У ватанини ташлаб, Куфага йўл олди. Ҳаран ибн Ҳаййон билан кўришди. Бошқа ҳеч ким кўрмади. Увайс Қараний Али (р.а.) тарафида жанг қилди ва Сиффин жангида шаҳид бўлди” [33.84.]. Ибн Жузайй дейди: “Увайс Сиффин жангида Али ибн Абу Толиб [34.25.] (р.а.) билан бирга бўлиб, шу ерда шаҳид бўлган. Шу маълумот, ин шаа Аллоҳ энг тўғрисиدير” [35.105.].

Ибн Батута “Дамашқдаги баъзи зиёратгоҳлар ва мазорлар зикри” да қуйидагича ҳикоя қилган: “Жабон ва Кичик дарвоза орасидаги қабристон бўлиб, унда Абу Суфённинг қизи, Мўминлар онаси Умму Ҳабиба (р.а.), у зотнинг укаси, Мўминлар амири Муовиянинг, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муаззинлари Билол (р.а.), Увайс ал-Қараний (р.а.) ва Каъб ал-Ахбор (р.а.)нинг қабрлари бор. Мен (Ибн Батута – З.И.) Куртубийнинг “Саҳиҳи Муслим”га ёзган шарҳи Китоб ал-Муфаҳҳим”да кўрдимки, Увайс ал-Қараний (р.а.) Мадинадан Шомга қараб бир гуруҳ саҳобаларга ҳамроҳ бўлиб йўлга чиқади ва на бирор иморат ва на сув бўлган бир саҳрода вафот этади. Саҳобалар нима қилишни билмай хайрон қоладилар. Карвондан тушиб қарасалар, ўша ерда хушбўй сув ва кафанлик турибди. Бундан ажабланиб, Увайсни ювадилар. Кафанлаб, жаноза намозини ўқийдилар ва дафн қиладилар. Анча йўл босганларида, ичларидан бир киши “Унинг қабрини

қандай қилиб бирон белгисиз ташлаб кетамиз?” дейди. Шунда ҳалиги жойга қайтиб келадилар, бироқ қабрдан асар ҳам топа олмайдилар” [36.106.].

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида келтирилишича, ҳижрий-қамарий 37 чи йил сафар ойининг 18 чисида Ҳазрат Али (а.с.) ва Муовия қўшинлари орасида бўлиб ўтган Сиффин урушида Увайс Қараний Ҳазрат Али (а.с.)нинг ёронлари қаторида эди ва ушбу урушда шаҳодатга етди [37.24.].

Онинг (Увайс Қараний – З.И.) ҳолотини тамом битгиса, яна бир бошқа китоб битгимак керак [38.9.]. Увайс Қараний нафақат араблар, шунингдек, туркий халқлар ўртасида ҳам машҳур бўлгани кўплаб адабиёт ва илм аҳлининг Увайс Қараний шахси билан боғлаб ёзилган ғазал, достон, муҳаммас, маснавий ва тарихий ва манокъбий асарларда акс этган. Жумладан, Абдулҳақ Дехлавий “Ашаъат ал-ламаъот” асарида “Увайс Қаранийнинг афзалият ва яхшилиги Аллоҳ (с.т.) олдида савобнинг кўплиги биландир... Авлиёларнинг зикри бўлган пайтда Аллоҳнинг раҳмати ёғилади” деб, Имом Суютий “Жамъ ул-жавомеъ” асарида “Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: Увайс Қаранийнинг онаси бор, у онасига ҳамиша яхшилик қилади ва агар Худога дуо қилса, албатта, Худо унинг дуосини ижобат қилади” деб, Ибн Асокир “Тарих” асарида “Увайс “муҳазрамлар”дан эди. Ҳадис истилоҳига кўра, “муҳазрам” жоҳилия даврини кўрган, Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларига етишгани ҳолда, у зот билан кўриша олмай, ғойибона иймон келтирган кишидир. Бу зот ҳамиша одамлардан пинҳон бўлиб юрди ва охир умрида кофирлар билан бўлган жангда ўлдирилиб, шаҳид бўлди” деб, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Тазкират ул-авлиёи туркий” асарида “Увайснинг иши тажаррид эрди, яъни Худодин ўзгадин кўнгул узмак. Пайғамбар (с.а.в.) дедиларки, Қиёмат етмиш минг фариштани Увайс суратида халқ қилур, то улар орасида Аросатга борур. Увайс Қараний бу дунёда қубби нуроний, яъни осмон остида Ҳақ таолога ибодат қилур ва ўзини халқдин йироқ тутар эрди. Охиратда ҳам ғайрнинг кўзидин маҳфуз қолур” деб, Хожа Муҳаммад Порсо “Қудсийя” асарида “Увайс Қараний (қ.с.)нинг руҳониятига таважжуҳ асарининг зоҳирий ва ботиний алоқалардан тамоман холи ва мутлақ узилишига сабаб бўлди” деб, Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида “Расулulloҳ (с.а.в.) Яман тарафга юзларини буриб, дер эдилар: “Яман томондан раҳмат шабадалари эсмоқда. Эҳсон ва эзгуликда тобеинларнинг энг яхшиси Увайс Қаранийдир” деб, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожаи Коинот (с.а.в.) буюрубдурким, “тонгла қиёмат куни Ҳақ (с.т.) етмиш минг фаришта Увайс сурати била яратқой. То ул аларнинг орасида аросотга кириб, беҳиштга борғай. То ҳеч ким маълум қилмағай. Тенгридин ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёда барча халқ кўзидин ёшурун Тенгри таолоға қуллуқ қилур эрди. Қиёматда доғи Тенгри таоло ани барча номаҳрам кўзидин маҳфуз тутқай” деб, Муҳаммад Боқир “Тазкираи Муҳаммад Боқир” асарида “Бир қавмлар бўладики, уларни “увайсийлар” дейилади. Уларни ёнларга олиб парвариш қилиш учун пирга хожат бўлмайди... Бу улуғ муомаладир. Бу мақомга етиш кимларга насиб қиларди! Бу улуғ давлатдир. Аллоҳ кимни хоҳласа, бу давлатни унга Ўзи ато қилар, неъматлантирар” деб, Али Акбар Ҳусайний Урдистоний “Мажмуа ул-авлиё” асарида “Тобийнлар яхшиси, орифлар қаймоғи, дину миллат шамъининг офтоби Суҳайл Яманий – Увайс Қараний тасаввуф машойихларининг улуғларидандир” деб юксак эҳтиром билан зикр этганлар.

Увайс Қаранийнинг дард-изтироблари, руҳий кечинмалари бадий ифодаланган. Мавлоно Жалолиддин Румий ёзади:

*Дедиким: “Менга уфурди гулбаҳор”,*

Чун Муҳаммадга Яман ёқдин ифор.  
Айтмиш эрдиким: “Яман ёқдин сабо,  
Менга келтирди ажаб атри Худо.  
Вайсдин Роминга келмиш жон ҳиди,  
Ул Увайсдин менга Ҳақ-Яздон ҳиди”.  
Келмиш эрди ҳид Қаран ёқдин ажаб,  
Бахш этиб Аҳмадга бир завқу тараб.  
Ул Увайс эрди, чун фоний эрди ул,  
Ерда, лекин осмоний эрди ул [39.442.].

Сабоҳий “Вайс ул-Қароний” номли назмий ҳикоятда ёзади:  
Бизим ким шайхимиз Вайсул Қарандур,  
Гунешдан равшану фахри эрандир.  
Увайснинг Ҳақ билур қадринки моҳи,  
Унга маълумдур расми ва роҳи.  
Бўлурсан Вайс каби аҳли тажрид,  
Бўласан Ҳақ ёнинда аҳли тавҳид [40.37-38.].  
Жаҳон отин Увайсий ёзади:  
Умидим тўла раҳматингдин, илоҳ,  
Ки ҳамном – Вайсул Қарандур менго [41.21.].

Ҳадисда “Солиҳлар сўзи эслаган, сўзлаган жойларга раҳмат инар ва фазлу марҳамат ёғилар” дейилган. Увайс Қаранийнинг диёримизда шу қадар катта обрў-эътиборга эга бўлиши, зиёратгоҳлари муқаддас қадамжой сифатида эъзозланиши, бу зот ҳақида тўқилган маноқиблар ва ривоятлар халқ хотирасида абадий муҳрланганининг сабаби шундаки, дастлаб ислом ровийлари ислом оламида машҳур саҳобалар, тобеъинлар, жумладан, Увайс Қараний (р.а.)нинг дин йўлидаги қаҳрамонликларини ҳикоя қилиш билан маҳаллий диний эътиқодларга қарши курашда кенг фойдаланишган. Бу эса ислом дини вужудга келгунга қадар мавжуд бўлган муқаддас жойлар ўрнида мусулмон авлиёлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар пайдо бўлишига замин яратган. Азиз-авлиёларга эътиқод исломдан аввалги диний эътиқод – аждодлар руҳини муқаддаслаштириш ҳамда янги дин – исломнинг ўзаро синтези сифатида намоён бўлган. Зиёратгоҳлар асрлар оша маҳаллий аҳоли “қадами узилмайдиган” маскан бўлган. Ана шундай зиёратгоҳлардан бири Чортоқ туманидаги Балиқликўл бўлиб, у “илоҳий муҳаббатнинг жаҳон ойинасида акс этган жамоли” бўлган Увайс Қараний номи билан боғлиқдир. Бу ерда Увайс Қараний (қ.с.)нинг рамзий пойқадами мавжуд [42.1.].

Улуғ алломалар, мутафаккирлар, азиз-авлиёлар тарихини ўрганиш соҳасида ҳукумат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлар, ислоҳотлар, қабул қилинган Фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти ёш авлодни соғлом эътиқод, Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига фахр-ифтихор ва ҳурмат-эҳтиром туйғуларини ривожлантиришга қаратилган. Аждодлар маънавий мероси бебаҳо бойлик ва тенгсиз хазинадир. Унинг замирида аждодларнинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олийжаноб инсоний фазилатлари мужассамдир. Маърифатли жамиятнинг пойдевори буюк аждодлар қолдирган тафаккур сарчашмалари, маънавий мероси асосида қурилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Маънавиятимизни юксалтирмоқчи бўлсак, ёшларни ота-боболаримизнинг асл меросидан баҳраманд этиб улғайтиришимиз, халқимизга етказишимиз керак” [43.1-2.]. Ўтмиш аждодлар маънавий мероси нафақат



халқимиз босиб ўтган тарихини ўрганишга, шунингдек, Ватанни севишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, ўзликни англашга ундайди.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Фаридиддун Агтор. Тазкират ул-авлиё (Валийлар китоби) / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 2013. 27-бет.
2. Baldick J. Uways al-Karanī // Encyclopaedia of Islam. Vol. 10. Leiden, 2000. P. 958; Zakharia K. Uways al-Qarani, Visages d'une Legende // Arabica, V. 46, Fasc. 2. P. 230-258.
3. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. 238-бет.
4. Мустафо Нажотий Бурсали. Увайс Қараний. – Т.: Истиқлол, 2007. 4-бет.
5. Ҳол – вазият, Аллоҳнинг инояти, қалбнинг порлаши, илоҳий раҳмат ва баракотнинг ёғилиши, хис-туйғу, эҳтирос, шавқ, зухур, важд, хузур, маънавий-руҳий камолот / Саййид Жаъфар Сажжодий Фарҳанги мусталаҳоти урафо (луғат) . – Техрон: 1941. 79-бет.
6. Муҳаммад Дорошукӯҳ Ҳанафий. Сафинат ул-авлиё. Ҳиндистон. Конипур, Наволи кишвар матбааси, 1884. 30-бет.
7. Фаридуддин Агтор. Тазкират ул-авлиё. 27-бет.
8. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамоийим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳ. С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. 9-бет.
9. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 9-бет.
10. Мустафо Нажотий Бурсали. Увайс Қараний. – Т.: Истиқлол, 2007. 4-бет.
11. Шайх Калободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. 22-бет.
12. Мураққаъ – ямалган, қуралган дарвешлар киядиган қуроқ тўн, жанда, суфийларнинг устки кийими. / Навоий асарлари луғати / Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. –Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 418-бет.
13. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-қулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – М.: Единство, 2004. 46-бет.
14. Тобейин – издош, Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни кўрмаган, саҳобаларга эргашганлар (11/632-181/797) даври. Абу Ҳанифа (ваф. 767 й.), Мужоҳид ибн Жабр (ваф. 721 й.), Қатода ибн Дуама ал-Давсий (ваф. 735 й.), Саид ибн Мусайяб, Амир аш-Шаабий, Иброҳим ан-Наҳайй, Увайс ал-Қараний, Ҳасан ал-Басрий, Амр ибн Динор, Икристи ал-Барбарий машҳур тобейинлар бўлишган. Ислом. Энциклопедия. 255-бет.
15. Абдурахмон Рафъат Пошо. Тобейинлар ҳаёти. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Бобомурод Эрали, Баҳодир Карим. – Т.: Шарқ, 2018. 7-бет.
16. Саъид ибн Мусайяб – тобейинларнинг улуғи, муждаҳид, Мадинанинг илк етти фақиҳидан бири, ижмоъ (Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматидан бўлган барча мужтаҳидларнинг у зот (с.а.в.)нинг асридан кейинги даврларда бирор шаръий ишга яқдиллик билан иттифоқ қилишлари) орқали мунозарали масалаларни ўрганиш

- тартибини белгилаб беришган. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. 176-бет.
17. Абу Саид ибн Абил Ҳасш Ясор Ҳасан Басрий (642-728) – тобейин, басралик илк мутасаввифлардан, исломдаги илк воизлардан бири, илоҳиёт олими, адолатли қози бўлган. Ислом. Энциклопедия. 309-бет.
18. Фаридиддун Агтор. Тазкират ул-авлиё. 27-бет.
19. Abdulkerim Kus,eyri. Kus,eyri. risalesi / Hazirlayan Suleyman Uludag. – Istanbul.: Dergah Yayinlari. 2016. S- 332.
20. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 9-бет.
21. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Кашф аль-махжуб. 83-бет; Фаридиддун Агтор. Тазкират ул-авлиё. 26-бет.
22. Рағиб Исфаҳоний. Ҳият ул-авлиё. 2-жилд. 82-бет.
23. Тазкираи Муҳаммад Боқир / Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. инв. № 1846. 18а-бет.
24. Қуръони карим. Ҳадид сураси, 21-оят. 704-бет. Жумъа сураси, 4-оят. 727-бет.
25. Фаридиддун Агтор. Тазкират ул-авлиё. 27-бет.
26. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 9-бет.
27. Рағиб Исфаҳоний. Ҳият ул-авлиё. 2-жилд. 79-бет.
28. Ҳаран ибн Ҳайюн (ваф. 656 й.) – басралик, тобейинлардан. Исломнинг фаол тарғиботчиларидан бири, ислом йўлида жанг қилган. Фаридуддин Агтор. Тазкират ул-авлиё. 34-бет.
29. Abdulkerim Kus,eyri. Kus,eyri. risalesi. S. 441-442.
30. Сиффин жанги – Юқори Месопотамияда, Фрот дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Сиффин мавзесида халифа Али (р.а.) кўшини биланн Шом (Сурия) ҳокими Муовия кўшини ўртасида содир бўлган жанг (657 й. ёзи). Тўқнашувга 656 йилда учинчи халифа Усмон (р.а.) ўлдирилиши муносабати биланн Али (р.а.) ва Муовия тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршиликлар сабаб бўлган. Ислом. Энциклопедия. 212-бет.
31. Фаридиддин Агтор. Тазкират ул-авлиё. 14-бет.
32. Тазкираи Муҳаммад Боқир / Ўзбекистон Республикаси ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. инв. № 1846. 17а-бет.
33. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Кашф аль-махжуб. 84-бет.
34. Али ибн Абу Толиб (тахм. 600-661.21.1 Кўфа) – “хулафои рошидин”, яъни “чорёрлар” деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси, Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари. Муҳаммад (с.а.в.)нинг барча юришларида иштирок этган, кўркмас ва содиқ жангчи, ўта тақводор инсон, моҳир нотик, “Ҳайдар”, “Шоҳи мардон” деб улуғланган. Ислом. Энциклопедия. 25-бет.
35. Ибн Баттута. Саёҳатнома (Тухфат ун-нуззор фи ғаройиб ул-амсор ва ажойиб ул-асфор) / Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. – Т.: Шарқ, 2012. 105-бет.
36. Ибн Баттута. Саёҳатнома. 106-бет.
37. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. 24-бет.
38. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. 9-бет.
39. Мавлоно Жалолиддин Румий. Пайғамбар (с.а.в.)нинг “Яман ёқдан димоғимга Раҳмоннинг ҳиди уфурди” дегани. Тўртинчи китоб / Мавлоно Жалолиддин Румий.

Маснавийи маънавий / Форсийдан Жамол Камол таржимаси. I-6 китоб. – Тошкент-Техрон.: Фан – ал-Худо, 2002-2004. 442-бет.

40. Сабоий. Увайснома (Кўлёзма XV аср). Америка Қўшма Штатлари. Мичиган университети кутубхонаси. Инв. № 309. 37-38-бетлар.

41. Увайсий. Девон. Нашрга тайёрловчилар А.Қаюмов ва Э.Иброҳимова. Масъул муҳаррир С.Азимжонова. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1959. 21-бет.

42. 2017 йил 7 июлда “Султон Увайс Қараний” мақбараси ва унга туташ зиёратгоҳни ободонлаштириш ишлари ҳукумат миқёсида кўрилиб, Султон Увайс Қараний (қ.с.) мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича қурилиш бошланди. Султон Увайс Қараний (қ.с.) мақбараси қайта қурилди, масжид, кутубхона, сайёҳлар учун меҳмонхона, Биби Наима мақбараси, кушхона, ошхона, хиёбон бунёд этилди / Ўзбекистон овози. 2017 йил 8 июль. 1-бет.

43. Янги авлод тадбиркорларининг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 28 февраль – 1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида сўзланган нутқ. Наманган ҳақиқати газетаси. 2019 йил 2 март. 1-2-бетлар.

### **ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРНИ НАМОЁН БЎЛИШЛАРИ**

Ахмедова Маърифат Абдуллаевна-

Урганч давлат университети, «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси» факультети ўқитувчиси, Phd, тел:+998973632271, e-mail: [ravshonbek.saurov@gmail.com](mailto:ravshonbek.saurov@gmail.com)

*Аннотация:* Ушбу мақолада, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Бурҳониддин Маргиноний каби Шарқ мутафаккирларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, фикҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид қимматли фикр ва хулосалар келтирилган.

*Калит сўзлар:* Меҳр-мурувват, кучли зеҳин, хотира ва ёдлаш, мулкий ва молиявий муносабатлар, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари, жамиятшунос, ҳуқуқшунос, тарихшунос, диншунос, шарият.

### **ПРОЯВЛЕНИЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ИДЕЙ ВО ВЗГЛЯДАХ ВОСТОЧНЫХ МЫСЛИТЕЛЕЙ**

Ахмедова Маарифат Абдуллаевна-

Преподаватель, Phd факультета «Теория построения демократического общества в Узбекистане», Ургенчский государственный университет, тел: +998973632271, e-mail: [ravshonbek.saurov@gmail.com](mailto:ravshonbek.saurov@gmail.com)

*Аннотация:* В статье говорится о жизни и деятельности таких мыслителей Востока как Имам Бухарий, Ат-Термизий, Бурҳаниддин Маргиноний. А также, приводятся мысли и заключения по исламскому праву(фикх), исламским обрядам, нравственности, образованию и воспитанию и истории данного периода и этнографии.

*Ключевые слова:* Милосердие, сильный разум, память и заучивать наизусть, собственнические и финансовые отношения, преступление и наказание, гражданские права, социолог, юрист, историограф, религиовед, шарият.

## THE MANIFESTATION OF HUMANISTIC IDEAS IN THE VIEWS OF ORIENTAL THINKERS

Akhmedova Ma'rifat Abdullaevna- Teacher, PhD

Urgench State University, "Theory of building a democratic society in Uzbekistan", tel: 998973632271, e-mail: ravshonbek.saurov@gmail.com

***Annotation:** This article highlights opinions about life and creative works of Oriental thinkers, such as Imam-Bukhari, At-Termizi, Burhoniddin Marginoniy and others. Moreover, ideas and conclusions are given on the topics of (Islamic law) fikh, islamic traditions, aesthetics, education-training and the history and ethnography of that period.*

***Key words:** Kindness, powerful intellect, memory and memorizing, property and financial relations, crime and punishment, citizenship rights, sociologist, lawyer, historian, religious learners, shariya.*

Бугунги кунда, жаҳоннинг баъзи бир ривожланган мамлакатлари томонидан неофашизм, айримчилиқ, диний экстремизм, демократик экспансия сингари террористик ғоялар илгари сурилмоқда. Улар ўзларининг бузғинчи ғоялари билан инсонлар онги ва тафаккурини чалғитишга, уларни эзгу мақсадларидан қайтаришга, ўз юрти, Ватани тараққиётга раҳна солиши учун турли хил хийла ва найрангларни ўйлаб топмоқдалар. Бундай бузғунчи хатти-ҳаракатларнинг инсонлар онгини захарлашини олдини олишда, аввало Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари асарларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий, диний, тарбиявий аҳамиятига эътиборни қаратиш лозим. Зеро, ота-боболаримиз асрлар давомида ўқиб амал қилиб келаётган муқаддас динимиздан ўзларининг разил ниятларида фойдаланишларига йўл қўймаслиқ керак. Бу борада биринчи президентимиз, Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида қуйидагича таъриф берган: “Маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон-муқаддас динимиздир. Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келинаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилиқ, меҳр шавқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.” (1.36)

Дарҳақиқат, ўзининг кўп минг йиллик давлатчилик тарихи маданияти, урф-одат ва анъанасига эга бўлган ушбу диёрда ҳам диний, ҳам дунёвий таълим чуқур ўрганилган. Бинобарин, IX-XII асрларда ҳам минтақа ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида диннинг ўзига хос ўрни бўлган. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мустақил дунёқарашини шакллантириш ва уларни турли ёт ғоялардан сақлашнинг муҳим субъектив омил бўлган буюк мутафаккирларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг ғоявий-фалсафий хусусиятларини тадқиқ этиш ва

тарғиб қилиш бутунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун «биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»(2).

Жумладан, буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топишига қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, “муҳаддислар султони” деган шухратга эга бўлган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини хурмат-эҳтиром билан тилга оламиз.

Имом Бухорий жами 600 минг ҳадисларни тўплаганлар. Шулардан 100 минг “саҳиҳ” ҳадисларни ва 200 минг “ғайрий саҳиҳ” ҳадисларни ёддан билганлар. Ҳадис илми бобида у кишига тенг келадигани бўлмаган. Имом Бухорий хориждан юртига қайтгач, ҳадис илмини тарғиб қилишга киришади.

Имом Бухорийдан улкан ва бой илмий мерос қолган. У ёзган асарларнинг сони йилгирмадан ортиқдир. Бухорий устозларининг сони 90 киши атрофида бўлган. Айни замонда ўзлари ҳам “Минглаб шогирдлар етиштирганлар. Муслим ибн Ҳажжож, Исо ат-Термизий, Ан-Насорий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Фаробий, Абу Бакир ибн Хузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир”(3.5).

Алломанинг “Ал-адаб ал-Муфрад”, “Ат-Тарих ас-Сақир”, “Ат-Тарих ал-Кабийр”, “Китоб ал-Илал”, “Асоми ус-Саҳоба”, “Китоб ал-Куна” ва бошқа асарлари орасида шох асар ҳисобланмиш “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) асари тўрт жилдан иборат бўлиб, ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадислар тўпламлари орасида энг ишонарлиси ва мукаммалидир. Унда Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан ташқари фикҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид қимматли фикр ва хулосалар ҳам бор. Бу тўпламга олимнинг бутун умри давомида тўплаган 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг “саҳиҳ” ҳадислар кирган. Ушбу нодир асарнинг ёзилганлигига таҳминан 1200 йил бўлди. Ўз навбатида ушбу асар ўша даврдан то шу кунга қадар у ислом таълимотида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи ўринда турувчи муқаддас китоб, қимматли манба асари ҳисобланади(4.262).

Бинобарин имом Бухорий қолдириб кетган бой маънавий мерос авлодларимизни бундан кейин ҳам улуғ инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашдек олийжаноб мақсад йўлида хизмат қилаверади.

Илм йўли машаққат ва риёзатни талаб этади. Бунга қатъияти ва бардоши етмаган киши юксак илм чўққисини забт эта олмайди. Улуғ ватандошимиз Абу Исо Термизийнинг ҳаёт йўли ва қолдирган илмий мероси билан танишганда ислом оламида тан олинган улуғ олти муҳаддисдан бири дея тан олиниши бежиз эмаслигига амин бўламиз. Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий (824-894) ислом дунёсида ном қозонган буюк муҳаддис олимлардан биридир. У Термиз шаҳри яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шеробод тумани) қишлоғида таваллуд топган. Ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоқ бўлган ат-Термизий Термиз, Самарқанд, Марв ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида яшаб, ижод қилган, муҳаддис олимларнинг асарларини зўр қизиқиш ва ҳавас билан ўрганган, буюк ҳадисшунос алломалар билан учрашади, улар билан ижодий бахс-мунозараларда қатнашади. (5.263) Айниқса, алломанинг “Сунани Термизий” асари асрлар оша ўз кадр-қимматини йўқотган эмас. Бутунги кунда ҳам бу асарнинг поклик,

одоб-ахлоқ, ёш авлодни маънавий камолликка етаклашда ўзига хос ўрни ва хизмати алоҳида аҳамият касб этади.

Бинобарин, улуғ муҳаддис олим ат-Термизийдан катта илмий-маънавий мерос қолган. Олимнинг ўндан ортиқ асари бор: “Ал Жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамойил ан-набавийа” (“Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари”) ва бошқалар, шулар жумласидандир. Имом Термизийнинг тўплаган ҳадис китобида покланиш ва дунё илмларини мукамал ўрганишга тарғиб-ташвиқ этадиган ҳадислар ҳам мавжуд. Ўтган улломоларимиз: “Оз ўрганиб, уни амал қилиш умрингга кифоя қилсин”, деганлар. Биз ёшларга у зотнинг илм ва ҳадис бобидаги ғайрат ва шижоат, қобилият ва истеъдодлари юксак намунадир. Чунки Имом Термизий ёшлик пайтидан ҳадис илмига меҳр қўйиб, уларни тўплашга алоҳида эътибор қаратади ва бу борада учраган қийинчиликларни енгиб ўтади. Ўзлари ўқиган ёки бирорта ровийдан эшитган ҳадиснинг асли ва иснодини диққат ва огоҳлик билан аниқлаб, қайта-қайта текшириб, тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан кейин уларни алоҳида қоғозларга қайд этиб боради. Ўзига шубҳали бўлиб кўринган ҳадисларни эса алоҳида қоғозларга битиб, саҳиҳ ва шубҳали ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан, заиф, ғариб каби сифат ва турларга ажратади. Имом Термизий (раҳимахуллоҳ) вақтдан унумли фойдаланиш, зеҳни фойдали ишларга сарфлаш орқали келажак авлодга фойдали ва умрбоқий асар қолдиришда катта жонбозлик кўрсатди.

Ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, “Ал-жомий” бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, пайғамбар алайҳиссаломга доир олтига ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда “Ал-жомий алкабир” (“Катта тўплам”), “Ал-жомий ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Жомий ат-Термизий” (“Термизий тўлами”), “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”) номи билан ҳам аталиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манбалардан ҳисобланади. Ат-Термизийнинг машҳур таълифларидан яна бири “Аш-шамойил ан-набавийа” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) бўлиб, баъзи манбаларда “Аш-шамойил фи шамойил ан-набий саллолоҳу алайҳи васаллам” номи билан ҳам келтирилган. Номидан ҳам кўришиб турибдики, бу асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у кишининг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп муҳаддислар шуғулланганлар ва бу ҳилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг афзаллиги шундаки, у ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб ҳолига келтирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётига доир муҳим манба сифатида “Аш-шамойил аннабавийа” қадимдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келди. Араб тилида ёзилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Шу билан бир қаторда ушбу асарнинг тили равон, услуби ғоятда оддийлигини ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлидир. Асарнинг форс ва турк тилларига таржима қилиниши ҳам унга бўлган қизқишнинг катталигидан далолат беради. “Аш-шамойил ан-набавийа”нинг биринчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суврат (ташқи қиёфа)ларига, иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёларию ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган. Юргимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний ва Маҳмуд Замахшарий каби дунё илм аҳлини лол қолдирган забардаст алломалар бўла туриб,

уларнинг бой илмий меросини ўрганмасдан четдан турли йўллар орқали кириб келаётган ёт ғоя ва қарашлар таъсирига берилишни ақл бовар қилмайди. Олдинги замонларда устозлар илм олишни истаган кишини олти ой синовдан ўтказмасдан шогирдликка олмаган экан. Чунки шу вақт ичида шогирднинг барча хато ва айблари аниқ бўлиб қолар экан. Шогирд олгандан кейин ҳам устози илмини тўлиқ эгаллаш учун унинг хузурида беш-ўн йиллар қолиб кетар экан. Бинобарин, ат-Термизий жуда кўп шогирдларига меҳр-мурувват кўрсатиб устозлик ҳам қилганлар. У киши мисли йўқ даражада кучли зеҳин эгаси, хотира ва ёдлаш қобилияти кучли бир инсон бўлган.

Имом ат-Термизий 894 йилда 70 ёшида Термизда вафот этган. Буюк олим, муҳаддис илмининг билимдонларидан бири бўлган имом ат-Термизий илмий илмий мероси билан бундан кейин ҳам халқимизнинг маънавиятини бойитиш йўлида хизмат қилаверади.

Асли 1123 йилда 23 сентябрда Марғилонда таваллуд топган Бурхониддин Марғионий илмий баркамолликка Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларидаги илм даргоҳларида мусулмон ҳуқуқи ханафий мазҳабининг буюк назарийчиси ва амалиётчиси бўлиб етишган. Жумладан, Марғионий мусулмон олами фани эришган барча билимларни эгаллаган, улуғ алломалардан сабоқлар олган, суний шариятининг тўрт асосий мазҳаблари асосчилари ва уларнинг шогирдлари асарларини қўл билан мутолаа қилган. Олим ўз устозларига ҳурмати ва миннатдорчилигини намоён этиб 40 тадан зиёд уламоларга бағишланган “Шайхлар ҳақида китоб” ни ёзди. Марғионий “Фикҳ” йўналиши бўйича “Бидаятул Мубтадий”, “Кифаятул мунтаҳий”, “Нашрул мазҳаб” , “Китабул мазид”, “Маносикул ҳаж”, “Мазид фи фуруъул ханафий”, “Китабул тажнис вал мазид” каби китоблар таълиф этди. Бурхониддин Марғионий 13 йил давомида ёзган энг машҳур асари “Бидаятул мубтадий”нинг бошида: “Ёшлигимда барча масалаларни ўзида қамраб олган фикҳий тўпламни қўлга киритишни орзу қилардим. Бир сафар Ироқда бўлганимда, “Мухтасарул Қудурий” (Абулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий) фикҳига бағишланган ноёб асарга эга бўлдим. Илгари мен ўша даврнинг машҳур олими Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Жомеъус сағир” фикҳий китобига қизиқиб қолгандим. Кейин мен бу икки асарни бирлаштириб “Бидаятул мубтадий” деб номланган асарни яратмоқчи бўлдим”. Имом бу китобга шарҳ ёзиб, 8 та жилддан иборат “Кифоятул мунтаҳий”ни ёзиб тугатди. Кейинчалик, Самарқандда 1178 йилда 57 та китобдан ташкил топган ва бўлимларга ажратилган 4 жилдли “Ҳидоя” асарини яратди. Бу эса алломага фикҳ илми бўйича тенгсиз асарлар ёзиб қолдиришига имконият яратди. Ўрта аср Шарқининг буюк фақиҳи “Ҳидоя”сининг ҳар бир китобини ислом қонунчилигининг маълум бир соҳаси тавсифига бағишлаган. Олим, маълум бир ҳуқуқий меъёрни қўллаб-қувватлайдиган манбаа сифатида Пайғамбар алайҳиссалом, саҳобалар ва бошқа фақиҳларнинг, жумладан мавроуннахрлик сафдошларидан далиллар келтиради. Алломанинг тенги йўқ ҳисобланмиш асари “Ҳидоя фи фуруъал фикҳ” (“Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма”) асаридир. Ушбу асарни олим 1178 йилда Самарқандда ёзган. Бурхониддин Марғионийнинг “Ҳидоя” китоби тўрт жилддан иборат ва 56 бобни ташкил этади. Бу асар ўзига ҳос шариат кодекси бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ислом дунёси қонуншунослари учун асосий қўлланма сифатида хизмат қилади. Унда шариат масалаларида муаллифнинг фикр-хулосалари билан бир қаторда ханафийлар мазҳабининг барча имомлари, шунингдек, бошқа мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам ўрин олган.

Шундай қилиб, “Ҳидоя” китоби ибодат (намоз, рўза, закот, ҳаж), никоҳ, оилавий муносабатлар ва ажрим, ҳадлар, савдо-содиқ каби масалаларга бағишланган. Асарда ҳуқуқбузарликка, далиллар билан ишлаш, суд-ҳуқуқ тизими, жиноят турларига, гувоҳлар ва сохта гувоҳларнинг шаҳодатига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, асар пул муносабатлари, боғдорчилик, деҳқончилик, ерга эгалик қилиш, мерос мулклари билан боғлиқ муаммоларни қамраб олади. “Ҳидоя”, бошқа фикҳий манбалардан мантиқий ва мавзулар бўйича тартиблангани билан фарқ қилади. Асарда мулкий ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари, суд ва процессуал масалалари кенг ўрин олган.(6.258)

Бу ноёб ҳуқуқий қонунлар аجدодимиз Имом Марғинович вафот этганидан кейин ҳам минг йил давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Унинг иши олимлар томонидан чуқур ўрганилган ва кўплаб маротаба шарҳлар ёзилган, чунки унда жуда муҳим ва долзарб муайян ҳаётий масалалар ҳал этилган бўлиб, ҳозиргача амалий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Ўз навбатида “Ҳидоя” китоби жамиятшунос, ҳуқуқшунос, тарихшунос, диншунос ҳамда шарият масалалари билан шуғулланувчи барча китобхонлар учун бебаҳо манбадир. Бу асар ҳозирда Ўрта Осиё, Россия, Кавказ мусулмонлари орасида ҳам кенг тарқалган ва ислом мадрасаларида фикҳ илми бўйича асосий ўқув қўлланма бўлиб келмоқда. Бурҳониддин Марғиновичнинг бу асари, асосан, юртимизда, кейинроқ эса Шарқ ва Ғарбда кенг тарқалган. Форс, инглиз, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб, Ислом фикҳи бўйича кўплаб китобларнинг вужудга келишида манба бўлиб хизмат қилди.

Мазкур асарнинг қўлда ёзилган нусхалари ҳозирги пайтда жаҳоннинг кўплаб илмий фондларида сақланмоқда. Бу асар ўша давр ҳуқуқшунослиги ва бой тарихга эга бўлган илмий меросимизни ўрганиш учун маълумотнома вазифасини ўтайди.

Бурҳонуддин Марғиновичнинг ҳаёти ва ижодига Ўзбекистонда алоҳида эътибор қаратилган. Унинг асарлари, улар ичида кўтарилган масалаларнинг аҳамияти ва мавзуларини юристлар, шарқшунослар, тарихчилар, филологлар ва ёзувчилар ўрганмоқдалар. 2000 йилда олимнинг ватани Риштон шаҳрида 910 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Унда хорижий давлатларнинг илмий доира вакиллари иштирок этдилар. Ушбу тадбирда “Бурҳониддин Марғинович ва унинг жаҳон илм-фани ва маданиятидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта аср Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий, дунёвий ва диний, маънавий соҳаларда олиб борган изланишлари ҳамда таълимотлари, ёзиб қолдирган бой адабий меросларининг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Чунинчи, уларнинг асарларида энг аввало инсонпарварлик, меҳр-оқибат, адолатли давлат бошқаруви, ислом маданиятининг равнақи ғоялари илгари сурилган. Ўз навбатида ушбу ғояларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. Иккинчи нашр.-Т.: “Маънавият” 2010, 36-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883).



2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд. Ал-Жоми ас-саҳиҳ. Т.: 1991, 5-бет.
3. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 262-бет.
4. Ўша асар.263-бет.
5. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 258-бет.

## ҚАДИМГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Саидова Камола Усканбаевна

Ўзбекистон Миллий университети таянч-докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф қадимги фалсафий қарашларга муурожаат қилиш орқали «оила» ва «оилавий муносабатлар» тушунчаларини маъноларини таҳлил қилишга уринган. Қайд этилганидек, дастлабки уринишлар қадимги файласуфлар Сократ, Платон ва Аристотель орасида мавжуд бўлган. Уларнинг фалсафий қарашларида ижтимоий-сиёсий ва маданий муҳитда оилавий муносабатлар ҳақидаги гоялар аста-секин таҳлил қилинган. Натижада, тадқиқотлар оиланинг ривожланишини тушунишда алоҳида жиҳатларни ўрнатишга, шунингдек оила ва давлат муносабатларини тушунишга янада таъсир кўрсатишга имкон берди.

**Калит сўзлар:** оила, оилавий муносабатлар, антик фалсафа, Сократ, Платон, Аристотель, давлат, жамият, кадрият.

## ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В АНТИЧНОЙ ФИЛОСОФСКОЙ МЫСЛИ

Саидова Камола Усканбаевна

докторант-соискатель Национальный университет Узбекистана,

**Аннотация.** В статье автором предпринята попытка проведения анализа значений «семьи» и «семейных отношений» через обращение к античной философской мысли. Отмечается, что первые попытки обнаруживаются уже у философов Античности, коими являются Сократ, Платон и Аристотель. В их философских взглядах постепенно анализируются представления о семейных отношениях в социально-политической и культурной обстановке. В результате проведённое исследование позволило установить особые аспекты в понимании развития семьи, а также показать дальнейшее влияние на осмысление семьи и государственных взаимоотношений.

**Ключевые слова:** семья, семейные отношения, античная философия, Сократ, Платон, Аристотель, государство, общество, ценности.

## THE VALUE OF FAMILY RELATIONS IN ANCIENT PHILOSOPHICAL THOUGHT

**Annotation.** In the article, the author attempts to analyze the meaning of “family” and “family relations” through an appeal to ancient philosophical thought. It is noted that the first attempts are found already among the philosophers of Antiquity, which are Socrates, Plato and Aristotle. In their philosophical views, ideas about family relations in a socio-political and cultural setting are gradually being analyzed. As a result, the study made it possible to establish special aspects in understanding the

*development of the family, as well as to show further influence on the understanding of the family and state relations.*

*Key words: family, family relations, ancient philosophy, Socrates, Plato, Aristotle, state, society, values.*

Социально-философские размышления мыслителей о человеческих взаимоотношениях, сопряжённые с естественным развитием человеческого рода и фундаментальных потребностях социума, - были изначально связаны с глубоким осмыслением семейных отношений. Б.Б. Хубиев полагает, что «противоречивость сущности семьи и противоположность её внутреннего строения доказаны всем ходом исторического развития, что нашло отражение в социально-философском наследии изучения этого феномена» [7, с.31], в соответствии с чем, именно проблема семьи рассматривалась в различных аспектах, что позволяет исследователям находить особые критерии.

Отметим, что изначально, получившими всемирную известность, были античные мыслители, в чьих философских взглядах прослеживается мысль о важности семейной жизни людей в обществе. Античная философская мысль, являясь фактически основополагающей формой концептуального мышления, пытается раскрывать особенности актуальных социокультурных проблем, где немаловажным значением обладают именно семейные отношения. В связи с данным положением, обращая поиск в отношении понимания «семьи» и «семейных отношений», никоим образом нельзя обойти вниманием идеи античных мыслителей.

Необходимо обратить наш взор на то, что для древнегреческих семей было свойственно не большое количество детей. Это было связано с тем, что родители впоследствии не хотели разделять своё имущество между наследниками. Задолго до самого Сократа, известный поэт Гесиод (VIII-VII века до н.э.), считавшийся у последователей наставником жизни, давал всем желающим определённое пожелание:

*Единородным да будет твой сын. Тогда сохранится  
В целости отческий дом и умножится всяким богатством.*

*Пусть он умрёт стариком — и опять одну лишь оставит [6, с.48].*

Одним из выдающихся античных философов был Сократ (470/469-399 гг. до н.э.). Однако, несмотря на свои мыслительные способности, «такой человек, как Сократ, вряд ли мог быть идеальным семьянином. Он обладал совершенно другими качествами и достоинствами, не в его духе было бы — отдавать всего себя семье, дому. Да и смотрел он на семейную жизнь с присущей ему иронией» [6, с. 143]. Это связано с тем, что если «кто-то просил у него совета, жениться или не жениться, философ отвечал: «Делай, что хочешь, — всё равно раскаешься». Характерно, что сам он, женился на скандально знаменитой Ксантиппе довольно поздно, даже по греческим меркам — когда ему было уже под пятьдесят. Обычно мужчины вступали в брак примерно в тридцатилетнем возрасте. Может быть, Сократ и вовсе не хотел жениться, но, в конце концов сделал, так сказать, уступку общественному мнению. На закоренелых холостяков смотрели косо» [6, с.143], в связи с чем, ему пришлось обзавестись отягощёнными семейными узами.

Нам важно обратить внимание на то, «что касается мужчины, то самым подходящим временем для вступления в брак считалось именно достижение тридцатилетия. Понятно, что при таких условиях семья строилась на заведомо неравных

основах. Муж был уже в полнее взрослым, самостоятельным человеком, а жена — совсем юной, не имеющей ещё ровно никакого жизненного опыта» [6, с.145], что и ставило семейные отношения в довольно трудные жизненные условия.

Сократ также рассуждал в том аспекте, что «кто не чтит родителей, тот может потерять друзей. Отсюда прочитывается, что в иерархии ценностей, признаваемой Сократом, друзья стоят на более высоком месте, чем семья» [6, 149]. Таким образом, «для Сократа истинной семьей являлись не домашние, а друзья и ученики. С ними он и проводит всё время...» [6, с.149], в то время как его супруга должна была занимать домашним хозяйством.

Вслед за Сократом, особое внимание «семье» уделено и Платоном. В своём труде под названием «Законы», философ обращает свой взор на истоки справедливого государственного устройства, которые, собственно, находятся именно в семейных отношениях, с актуализацией на воспитание подрастающих личностей. Однако при этом Платон полагал, что только государство способно и должно осуществлять воспитание детей. И при этом, «поскольку ребёнок не знает, кто его родители, он должен называть отцом каждого мужчину, который по возрасту мог бы быть ему отцом; это также относится к матери, брату, сестре» [3, с.150]. В данном отношении можно выделить мнение А.Н.Чанышева, который, исследуя мысль Платона, отмечает, что в данном аспекте классика античной философии «не следует понимать буквально. В государстве Платона запрещены неупорядоченные половые отношения, напротив, отношения полов там строго регламентированы» [8, с.275].

В.Ф. Асмус констатирует, что «в учении Платона о государстве постулат общности жён и детей — не курьез, он играет чрезвычайно важную роль. Для Платона осуществление этого постулата означает достижение высшей формы единства в государстве» [2, с.183]. Таким образом, можно предположить, что единение детей и жён у Платона стоит на одной площадке с единением частной собственности, а также подчинением личных интересов общественным и т.п., что в корне обладает принципиальным значением. А исходя из положения того, что «каждый заключённый брак должен нести пользу для государства», то, собственно, брак должен быть под управлением правителей-философов.

Однако согласно Платону, даже «экономическое и социальное различие между вступающими в брак — положительное явление, поскольку именно такие браки могут сглаживать имущественное неравенство» [5, с.5]. Но при этом основную угрозу существования идеального государства Платон усмотрел именно в функционировании традиционного института семьи, в соответствии с чем, в его государстве полностью упразднена отдельная семья и частная собственность.

В проекте идеального государства (или города) Платона всё население подразделяется на четыре сословия: философы, правители, воины (охранники) и работники (мужчины и женщины). При этом «в совершенном Городе должно быть совершенное образование и воспитание. Низший класс не нуждается в особенном образовании, ибо искусствам и ремеслам научаются в практическом освоении. Для сословия охранников Платон считает необходимым быть образованными в гимнастике и музыке для укрепления в их душе того элемента, который питает выносливость и мужество. Для этого сословия Платон предлагает общность имущества. Общность мужей и жён, а значит и детей, дополнялась запретом на любую форму собственности. Задача

низшего класса — умножать богатство, заботиться о материальных нуждах общества. Мужчины и женщины сословия стражников подлежали одинаковому образованию и им предназначались одинаковые жилища. Дети должны были воспитываться в подходящих для этого местах и заведениях, вдали от родителей. Такая дерзкая концепция воспитания имела единственной целью построить город-семью, где все любили бы друг друга, как матери, отцы, дети, братья, сестры, родственники. Так Платон мыслил избавить общество от эгоизма и навсегда победить «моё» и «твоеё». Все обязаны были говорить «наше». Частная собственность должна была уступить место общественной» [4, с.127]. И, как мы можем видеть, ценность самого человека определяется его особым служением городу-государству. И в целом интересы общества или всего государства доминируют над интересами отдельного человека, поэтому индивид должен ему подчиняться.

Анализируя философскую мысль Платона, можно отметить, что в его разработке идея об идеальном обществе и семье были скорее утопическими, но, тем не менее «это не было так фантастично или невозможно, как могло бы, естественно, нам показаться. Многие из его предложений, включая те, которые мы должны были бы считать совершенно неосуществимыми на практике, были фактически реализованы в Спарте» [3, с.158]. И, кроме того, нельзя не признать и того, что идеи Платона о гендерном равенстве в воспитании детей, а также о государственной деятельности, на сегодняшний день актуальны во многих странах и регионах.

Вслед за Платоном, Аристотель также оставил серьёзное творческое наследие. Он осуществлял существенное обобщение социально-политического опыта, однако значительная часть его трудов была безвозвратно утрачена. В отношении осмысления семейных отношений Аристотеля можно отметить, что многие идеи философа заслуживают пристального внимания в связи с разработкой им социально-этических и психолого-педагогических концепций. Именно Аристотель впервые ввёл в науку системно-эмпирический метод исследования общественных явлений, с представлением общего взгляда на семью в качестве социального образования. Более того, учитывая контрастность рассуждений с методами анализа, именно Аристотеля мы можем считать одним из передовых теоретиков в отношении семьи.

Аристотель в своих трудах развивал теорию о патриархальной семье, которая, по его мнению, способна отвечать природе человека, являясь исходной ячейкой самого общества. Собственно, взгляды Аристотеля на функции семейных отношений в основном изложены в его труде «Политика», где ему принадлежит уникальная теория о воспитании «свободнорождённых граждан». При этом основой развития самого человека, согласно его мнению, являются природные задатки личности, а также разум с приобретёнными навыками.

Аристотелевский труд «Никомахова этика» содержит интересные рассуждения о взаимоотношениях в семье: «...родители любят детей как часть самих себя, ... а дети любят родителей, будучи частью от них... Родители любят свои порождения сразу же, а дети родителей – по прошествии известного времени, когда они начнут соображать или чувствовать. Отсюда ... ясно, почему матери сильнее питают дружбу к детям, нежели отцы» [1, с.237]. Аристотель определяет семью как общение, естественным путём возникшее для удовлетворения повседневных надобностей. Первым результатом социальной жизни Аристотель считал образование семьи: муж и жена, родители и дети. Потребность во взаимном обмене привела к общению семей и появлению селений.

Несколько семей образуют селение, а общество, состоящее из нескольких селений – это вполне завершённое государство. Государство создаётся не ради того, чтобы жить сообща, а жить, преимущественно, счастливо. В отличие от своего учителя Платона, Аристотель считал семью первичное государства.

Кроме того, «мужу и жене дружба, по-видимому, дана от природы, ибо от природы человек склонен образовывать, скорее, пары, а не государства – настолько же, насколько семья первичное и необходимее государства. Но если у животных взаимоотношения существуют лишь постольку, поскольку они вместе рожают детей, то люди живут вместе не только ради рождения детей, но и ради других надобностей жизни. Действительно, дела с самого начала распределены между супругами так, что у мужа одни дела, а у жены другие; таким образом, муж и жена поддерживают друг друга, внося свою долю участия в общее дело» [1, с.238-239]. Следовательно, согласно Аристотелю государство возникает только тогда, когда создаётся общение ради благой жизни между семьями и родами, ради совершенной и достаточной для жизни самой себя. При этом совершенство гражданина обуславливается качествами общества, которому он принадлежит. Кто желает создать совершенных людей, тот должен создать и совершенных граждан, а кто хочет создать совершенных граждан, должен в итоге создать и совершенное государство. В результате, согласно Аристотелю, в основе общественного устройства лежит именно семья, а элементами семьи должны выступать, собственно: муж с женой, отцы и дети, а также хозяин со своими рабами.

На протяжении своей жизни Сократ, Платон и Аристотель постоянно пересматривали свои идеи. Они были патриотами своей Отчизны, желали счастья своему народу. В их трудах отразилась историческая эпоха и сложившиеся социально-политические и культурные обстоятельства. При этом патриархальная теория семьи, созданная в эпоху античности, была господствующей в более поздние эпохи.

Происходящие трансформации в различных областях социокультурной жизни, и особенно в сфере семейных отношений, накладывались на более глубокие и длительные перемены, истоки которых восходят ещё к античной цивилизации. Их более явственное отражение произошло на рубеже перехода от европейского Средневековья к эпохе Нового времени, великого исторического перехода от традиционного к современному обществу.

Для нас важно отметить, что во все времена, и начиная именно с Античности, стабильные семейные отношения считались мощным социально-политическим стабилизирующим критерием. Многие политические деятели, пытаясь консолидировать социум под неусыпным своим руководством, постоянно взывали к особым семейным ценностям, сравнивая государство с одной большой семьей.

#### **Список использованной литературы:**

1. Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Том 4. - М.: Мысль, 1983. – 832 с.
2. Асмус В.Ф. Античная философия / 3-е изд. – М.: Высшая школа, 2005. – 400 с.
3. Рассел Б. История западной философии и её связи с политическими и социальными условиями от античности до наших дней. – М.: Высшая школа, 2006.- 1806 с.
4. Реале Дж., Антисери Д. Западная философия от истоков до наших дней. I. Античность. – СПб.: ТОО ТК «Петрополис», 1997. – 336 с.
5. Семья: история и современность. Хрестоматия / сост., коммент., и вступ. сл. Г.И. Климантовой. – М.: Изд-во РГСУ, 2005. – 615 с.

6. Суриков И.Е. Сократ. — М.: Молодая гвардия, 2011. — 365 с.
7. Хубиев Б.Б. Семья как социально-ценностная общность форм бытия человека: дис. ... д-ра философ.н. — Пятигорск, 2009. — С.31.
8. Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии. — М.: Высшая школа, 1981. — 374 с.

### **ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИНГ ҲАРБИЙ ХОДИМЛАР ПРОФЕССИОГРАММАСИДАГИ ЎРНИ**

Ҳакимбой Саидов – Урганч давлат университети, Тарих факультети ўқитувчиси

*Резюме:* Мақолада ватанпарварлик ва унинг ҳарбий ходимлар профессиограммасида намоён бўлиш хусусиятлари ёритилади. Унда ватанпарварлик ҳарбий ходимлар ижтимоий борлигининг ўзаги, атрибути, деган фикр билдирилади.

*Калит сўзлар:* ватанпарварлик, ҳарбий ходимлар, ҳарбий ватанпарварлик, қасамёд, қонун, жасорат, ҳимоя қилиш, ҳарбий хизмат, ҳарбий қасам, фидоийлик, альтеруизм.

### **ВОЕННЫЙ ПЕРСОНАЛ ПАТРИОТИЗМА МЕСТО В ПРОФЕССИОГРАММЕ**

Ҳакимбой Саидов - преподаватель исторического факультета Ургенчского государственного университета

*Резюме:* В статье раскрываются особенности патриотизма в профессиограмме военных кадров. В ней патриотизм рассматривается как ядро социального бытия военнослужащих.

*ключевые слова:* патриотизм, военные кадры, военный патриотизм, присяга, закон, отвага, защита, военная служба, военная присяга, альтруизм, самоотверженность.

### **MILITARY PERSONNEL OF PATRIOTISM PLACE IN PROFESSIOGRAM**

Hakimboy Saidov is a teacher at Urgench State University, Faculty of History

*Rezume:* The article reveals the features of patriolism in the professiogram of military personnel. In it, patriotism is considered as the core of the social life of the military.

*Key words:* patriotism, military personnel, military patriorism, oath, law, atvaga, defense, military service, military oath, altruism, selflessness.

Ватанпарварлик эл-юрт, халқ, миллат шаъни ва манфаатлари учун яшашни ифодаловчи ички, маънавий туйғудир. Академик Э.Юсупов ёзганидек, “ватанпарварлик-ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқдир. Ватанпарварлик ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.[1] Олим таъкидлаганидек: “ватанга бўлган муносабат маънавий даражасига кўтарилиб, инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш бериш-ватанпарварликдир.[2] Бундай таъриф ва таснифларни яна келтириш мумкин.

Ватанпарварликнинг касб-кор билан боғланиб келиши ҳарбий ходимлар профессиограммасида яққол намоён бўлади. Оддий фуқароларда у умуммаънавий

хислатнинг бир кўриниши, ихтиёрий тарзда инсон фаолиятида келадиган фазилат бўлса, ҳарбий ходимларда у касб-кор, асосий фаолиятнинг ўзаги, моҳияти сифатида келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларининг умумҳарбий низомидаги ҳарбий ходимлар профессиограммасига ватанпарварлик туйғуси билан боғлиқ қуйидаги мажбуриятлар киритилган:

-Ҳарбий қасамда содиқ қолишга, ўз халқига фидойиларга хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигининг матонат, маҳорат билан, ўз сўнги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга;

-ўз давлати конституциясига ва қонунларига қатъий риоя қилишга, ҳарбий низомларнинг талабларини бажаришга;

-Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизмат машаққатларига сабот билан чидашга;

-Ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз ҳуқуқи ва аскарий маҳоратини такомиллаштиришга;

-ўзига ишониб топширилган қурол- аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга доимий шайлиқда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга;

-ҳалол, интизомли, жасур бўлишга, ҳарбий мулкни асрашга, бурчни ижро этиш чоғида оқилона ташаббуслар кўрсатишга;

-Командирларга (бошлиқларга) сўзсиз бўйсунуш ва уларни жангда ҳимоя қилишга, ҳарбий қисм Жанговар Байроғини кўриқлашга;

-аскарий биродарликни эъозлашга, ўз ҳаётини аямасдан ўртоқларини хавф-хатардан қутқаришга, уларга сўз ва иш билан ёрдам беришга, ҳар бирининг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга, ўзига ва бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўполлик ва таҳқирлашларга йўл қўймасликка, уларни нолойиқ қилмишлардан тийиб қолишга;

-аскарий юриш-туриш одоби қоидаларига риоя қилишга ва ҳарбийча салом беришни бажаришга, ҳар доим русум бўйича, озода ва саранжом кийинишга мажбурдир.[3]

Ватанпарварликни ҳарбий соҳа, касб-кор билан боғлаб талқин қилиш “ҳарбий ватанпарварлик” деган иборани, категорияни илм-фанга олиб кирган. Ҳарбий ходимларга нисбатан “Ҳарбий ватанпарварлик” категориясини ишлатиш маъқул кўрилади. Шунинг учун “ватанпарварлик “ҳарбий ватанпарварлик” тушунчасидан кенг, у, ижтимоий моҳиятига кўра, бутун фуқароларга тааллуқли воқелик, ҳарбий ватанпарварлик эса ҳарбий ходимларга хос хислат сифатида қаралади. Лекин уларнинг иккаласи ҳам умумий негизга эга “ватан” деган тушунчани қалбига жо этиб, унинг манфаатларига, ҳимоясига ва обрўсини оширишга хизмат қилиш демақдир.

Ҳарбий қасамга содиқ қолиш ҳарбий хизматдаги ёки уни ўтаётган фуқарога нисбатан қўлланиладиган ибора. У маълум бир вақтда, тартибда ва шартда бажарилади. Ҳарбий қасамга содиқлик ана шу ҳарбий актнинг ниҳояси сифатида келади ва уни ҳарбий ходим ҳам, ҳарбий қасам ичган фуқаро ҳам баб-баробар бажаради.

Ҳарбий қасам-эътиқод рамзидир. Уни келтирган фуқаро, ходим ҳарбий хизмат талаб этадиган нормаларга қатъий риоя этишни ўз бўйнига олган ҳисобланади. Қасамни бузиш хоинлик, сотқинлик ҳисобланади. Қасам шахсни мудом сергак яшашга ундайди, ватан тақдирига тааллуқли хабар ва маълумотларни бегона, ёт, ёв томонга

тарқатмасликни бурч сифатида **унга** юклайди. Бу бурчни бузмаслик учун Ватан, ота-она, оила, бутун халқи номидан қасам ичади ва шу тариқа, ўз қалбидаги ватанпарварликни ифода этади. Қасам ичиш ва унга амал қилиш, уни бузмаслик ватанпарварликнинг олий кўринишидир.

Ватанпарварлик давлат, халқ томонидан қабул қилинган, жамият тараққиётини белгилаб берадиган, стратегик мақсад мужассам Конституцияни (Асосий Қонунини), унга асосланган қонуний тартибларни ҳимоя қилишида ҳам акс этади. Конституция ва унга асосланган қонулар шунчаки нормал нарса эмас, уларда жамиятнинг стратегик мақсади, келажак ҳақидаги тасаввурлар ва орзу тилаклар мужассамдир. Уларни ҳимоя қилиш Ватанни ҳимоя қилишга тенгдир.

Гоҳо ватанпарварликни ҳарбий жасорат, мардлик, рақибга қарши чиқиш, ижтимоий манфаатлар ва тартибларни ҳимоя қилиш тарзида талқин қилишади.[4] Бу талқинда ватанпарварликка қаттиқ кураш, жанг ҳосиласи сифатида қараш кўзга ташланади.

Альтруизм, фидоийлик, жонни фидо қилиб халқ, ватан, осойишталикни асраш ғурур уйғонувчи фазилат. Бундай фазилатни ватанпарварликнинг олий чўққиси дейиш мумкин. Бироқ ватанпарварлик узлуксиз изланишда, ватан ҳақидаги фикрларни ёйишда, ижодий изланишда, юрт равнақи учун машаққатли меҳнатда ҳам эканини унутиб бўлмайди. Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” ёки Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистон” ни шеърлари ана шундай туйғулар ифодасидир.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё  
Нечун Ватан дея еру осмонни  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

А.Орипов турли ватанлар тўғрисида тўхталар экан ҳар ким ўз ватанини севишига шубҳа уйғотмайди. Аммо у Ўзбекистон фарзанди сифатида жону таънини шу юрт, шу ўлка билан омукта эканини ғурур билан қайд этади:

Ватанлар, Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло![5]

Демак, ватанни бойликлари учун эмас, балки қалби, вужуди ва борлиғи она замин билан омукта, бир бўлгани учун севадилар. Ватанпарварлик-ана шундай севги!

Ҳарбий ходимларда ватанпарварлик ўз касб-корини, шу касб-корга оид билими ва тажрибасини тинмай ошириб бориши, аскарини маҳорат билан узвий боғлиқдир. Ватанпарварликда ички маънавий туйғу мужассам, аммо у ҳарбий ходимларда ҳарбий билим, аскарини маҳорат билан боғлиқ келади. Профессионализм, ҳарбий тактика, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш кўникмаси ватанпарварлик туйғусининг амалий томондан намоён бўлишидир.

Ҳарбий интизом, биродарлик, буйруқни сўзсиз бажариш, оддий фуқароникдан фарқ қилувчи одоб, юриш-туриш, ўзини тутиш эстетикаси кабилар ҳам бир томондан, ҳарбий низомлар талаби бўлса, иккинчи томондан, ватан шаъни, обрўсини, қудратини намоён қилиш усули ҳисобланади. Бутунги ҳарбий ходимни аскарини маҳорат ва ҳарбий эстетик дидсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ватанпарварлик, ҳарбий ходимлар ҳаёт тарзида,



айрим олган хислат,фазилат сифатида эмас, балки уларнинг бутун ижтимоий борлиги тарзида келади. Шунинг ватанпарварлик улар ижтимоий борлигининг ажралмас айрим бурчидир.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Юсупов Э. Инсон камолатининг маънавий асослари.-Тошкент: Университети,1998. 148, б.
2. Юсупов Э. Инсон камолатининг маънавий асослари.-Тошкент: Университети,1998. 149, б.
3. Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларинингумумий ҳарбий низомлари.- Тошкент;Шарқ, 2007.12-13. б.
4. Иқромов Ш.Т.,Қобилов Ш.Р. Мустақиллик, барқарорлик ва ҳавфсизликни тامينлаш осон кечган эмас.-Тошкент: ЎзР ИИБ Академияси,2013.44-45. б.
5. Орипов А.Йиллар армони: Шерлар ва дostonлар,- Тошкент: Адаб ва санъат нашри.,1987.

#### **ЖАМИЯТНИ ИЛМИЙ БОШҚАРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

Юлдашев Серобжон Ўрмоналиевич  
Фарғона давлат университети ўқитувчиси,  
фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация.:* Мазкур мақолада жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларига инновацион ёндашув фалсафий таҳлил қилинган. Инновацион ёндашувлар ижтимоий-маданий технологияларнинг жамиятни юксалтириши омили эканлиги илмий ўрганилган.

*Калит сўзлар:* жамиятни илмий бошқариш, ижтимоий-маданий технологиялар, инновацион ёндашувлар, жамият, давлат, раҳбар кадрлар, бошқарув функциялари.

#### **СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ НАУЧНОГО УПРАВЛЕНИЯ ОБЩЕСТВОМ**

Юлдашев Серобжан Урмоналиевич  
Преподаватель Ферганского государственного университета,  
доктор философских наук (PhD)

*Аннотация.:* В статье дается философский анализ инновационного подхода к социокультурным технологиям научного управления обществом. Инновационные подходы изучаются с научной точки зрения, поскольку социокультурные технологии являются фактором подъема общества.

*Ключевые слова:* научное управление обществом, социокультурные технологии, инновационные подходы, общество, государство, лидерство, функции управления.

## SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES AND INNOVATIVE APPROACHES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY

Yuldashev Serobjon O'rmonalievich  
Lecturer at Fergana State University,  
Doctor of Philosophy (PhD)

*Annotation.: This article provides a philosophical analysis of the innovative approach to socio-cultural technologies of scientific management of society. Innovative approaches have been scientifically studied as socio-cultural technologies are a factor in the upliftment of society.*

**Keywords:** *scientific management of society, socio-cultural technologies, innovative approaches, society, state, leadership, management functions.*

Жаҳонда юз бераётган шиддатли ва глобал ўзгаришлар замонавий жамиятни илмий тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Замонавий жамиятни ижтимоий-маданий технологияларсиз шакллантириб бўлмайди. Ҳозирда жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологиялар етарли даражада тадқиқ этилмаган жараён ҳисобланади. Уларни фалсафий тадқиқ этиш ва ўзлаштириш ҳозирча фақат ахборот чегараси билан белгиланмоқда.

Бугун барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр, ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда[1.177]. Чунки, жамиятни илмий бошқаришнинг инновацион йўллари, унинг стратегик мақсадларини раҳбар кадрлар амалга оширади.

Жумладан, жамиятни илмий бошқаришнинг инновацион йўллари ҳақида Анри Файол номи билан боғлиқ илмий қарашларда кўришимиз мумкин. Олимнинг бу ғоялари ва ишланмаларини жамият бошқарувида кенг миқёсда татбиқ этила бошлайди. Унда Анри Файол алоҳида меҳнат элементларини эмас, балки ташкилотга яхлит тузилма сифатида қарайди ва ташкилотни рационал бошқариш тамойиллари, бошқарув функциялари, бошқарув тизими каби махсус тушунчаларни такомиллаштирган ҳолда меҳнат самарадорлигини оширишга эришади.

Жамиятда инсоний муносабатлар мактаби ҳам ривожлана бошлайди. Бу ёндашувнинг асоси ва бирламчи манбалари америкалик файласуф олим Элтон Мейоннинг «Хотгорн тажрибалари»га бориб тақалади. «Western Electric» компаниясида ўтказилган тажрибаларда, цех ишчиларига эътиборли бўлиш, уларнинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш натижасида меҳнат унумдорлигини оширишга эришилган. Бундай муносабат ишчилар томонидан рағбатлантирувчи омил сифатида қабул қилинган ва ижобий муносабатларни шакллантириш асосида меҳнат унумдорлиги ошганлиги кузатилган.[2.96.] Мазкур ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида бошқарув технологияси нақадар нозик ва кўпқирралигидан далолат беради. Бундай тадбирлар умумий технологик жараёнлардан фарқ қилган ҳолда ўзининг қутилмаган ва бетакрор жиҳатлари билан ажралиб туради, бошқарув маданиятининг доимий такомиллашиб ва мукаммаллашиб боришини талаб қилади.

Бошқарув маданиятига махсус жараён сифатида ёндашиш таълимотида эса жамият ҳаётига мураккаб ва динамик жиҳат сифатида қаралади ҳамда бошқарув ўзаро боғлиқ функцияларни бажаришнинг узлуксиз тизими сифатида тушунилади. Бундай функциялар қаторида: режалаштириш, ташкил этиш, топшириқлар бериш (маъмурий

бошқарув), мотивация, раҳбарлик, координация, назорат, тадқиқотлар, коммуникация, баҳолаш, қарор қабул қилиш, персонал танлаш, музокаралар олиб бориш ва ваколат бериш кабилар санаб ўтилади.

Тизимли ва вазиятли ёндашув орқали эса ташкилотда амалга ошаётган жараёнлар, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ҳамма иштирокчилар ўртасида сабабий алоқа мавжудлиги, ташқи муҳит ва вазият ижтимоий-маданий муносабатлар иштирокчи-субъектлар ҳуқуқидаги ҳал этувчи омил эканлигини тушуниш имконияти пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсонга бўлган муносабатни акс эттирувчи яна бир ёндашув – «инсон капитали» назарияси бўлиб, бунга мувофиқ корхонада ёки жамиятдаги инсон кучи капитал, яъни мулк сифатида, хусусан моддий қийматликлар тарзида идрок этилади. Ушбу назария доирасида корпоратив бошқарув маданиятига оид жараёнлар ва тасдиқлар тадбиркорларга тушунарли бўлган иқтисодий атамалар ҳамда ижтимоий-маданий категорияларда ўз аксини топади. Бу таълимотга биноан, инсон капитали одатда маблағ билан ўлчанади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бутундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак» [3.20]. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда асосий эътибор «Инсон манфаатлари – барчасидан муҳим» тамойили ва «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» ғояси ҳаётга татбиқ этилишига қаратилди. Халқ билан мулоқотни йўлга қўйиш орқали жамиятда ижтимоий-маданий технологиялар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда ҳимоя қилувчи янги тизим пайдо бўлди.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улғувор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада «Жамият – ислохотлар ташаббускори», деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу борада Сингапур инновацион сиёсатининг архитектори Филип Йо: «... Инновациялар – бу дабдаба эмас, балки заруратдир. Биз доимо экспортга йўналтирилган эдик, чунки бизда ички бозор деярли йўқдир. Бизда ҳеч қандай табиий ресурслар йўқ, шу сабабдан бизнинг бойлигимиз – бу инсон ақли»[3.], деб таъкидлагани бежиз эмас. Замонавий ёндашувлардан бири сифатида - инсон ресурсларини ривожлантириш концепцияси бўлиб, бунда ташкилот ёки жамият манфаати йўлида шахснинг ўз ташаббуси бўйича самарали меҳнат қилиши учун яратиладиган шароитлар марказий масала деб қаралади.

Жамиятда шахснинг ижтимоий-маданий мавқеи унда аниқланган эҳтиёжлари мажмуасига ҳар томонлама таъсир этади. Бунинг натижасида жамиятни илмий бошқаришга доир қарашлар, ёндашувларнинг шаклланиши ва уларни ҳаётда татбиқ этилиши самарадорликни таъминланади. Бу эса, илм-фан соҳасини ривожлантириш орқали жамиятнинг, хусусан аҳолининг ижтимоий-маданий турмуш тарзини ўзгартириш мумкинлиги ҳисобга олинган.

Юқорида қайд этилган асосий бошқарув концепциялари мазмуни, хусусан жамиятни илмий бошқаришда ўз даврига хос бўлган персонал ва корпоратив бошқарув ёндашувларини, услубларини ифодалайди. Ҳатто айни пайтда ҳам турли хил тараққиёт моделларида ижтимоий-маданий қарашларнинг замонавий ёндашувлари қўлланиб келинмоқда. Замонавий ижтимоий-маданий қарашлар ҳам имкон борича инсонни айнан

шу нуқтаи назарда тушунишга ва шахс камолотини унинг тафаккури, ички заҳираларини уйғотиш орқали эришишга интилади.

Ўзбекистонда жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларига янгича ёндашувлар тараққиётимизнинг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқлигини кўраемиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайди, «Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз маъсул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни маъсулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди» [5.235.]. Жамият ижтимоий-маданий тараққиётида инновацион ёндашувлар жамият аъзоларининг ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмаслигини ва камчиликларни бартараф қилиш учун фаол, маъсулиятли ва ақлли бўлиб ҳаракатда бўлишга ундайди. Ушбу парадигма файласуфлар томонидан аҳамиятга эга бўлган илмий ютуқларнинг эътироф этилиши бўлиб, у илмий жамоатчиликка қатор муаммоларни қўйиш ва уларни янгича ҳал этиш усул, восита модел ҳамда технологияларини ишлаб чиқади.

Жамият ижтимоий-маданий тараққиётига парадигматик қараш мамлакат тараққиётининг янги босқичида инновацион ёндашув сифатида мазкур соҳа вакиллари ҳамда тадқиқотчиларини қизиқтириб келмоқда. Натижада жамият учун бутун ҳақиқат деб олинган тушунчалар эртага шубҳа остига олинмоқда. Чунки, ҳар қандай ижтимоий ҳақиқат нисбийдир, яъни бу ўринда у тўлиқсиз ва ноаниқ бўлиб, ўзгариш ва ривожланиш имкониятига эгадир.

Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларни ишлаб чиқишда инновацион ёндашув шуни тақозо этадики, жамиятни барча соҳаларини ривожланишга мақсадли йўналтирилган ҳолда бевосита таъсир қилиш билан жамиятни методологик усул ва воситалар ёрдамида илмий бошқарилади. Жамиятни илмий бошқаришнинг мазмун-моҳияти эса жамият ижтимоий-маданий ривожланишининг асосий мақсадини, йўналишини белгилашдан иборат. Ижтимоий ҳаётда манфаатларни ўзаро мослаштириш ёки ўзаро келиштириш уни оддий йўл билан ҳал этиш анча мураккаб ҳисобланади. Жамиятда ижтимоий ҳодисаларни олдиндан билиш ва кенг мушоҳада этиш кишиларнинг орзу-истакларига эмас, балки жамият тараққиётининг ижтимоий-маданий қонуниятларини пухта билишга асосланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, реал воқеликнинг ҳал қилувчи йўналишларини фақат равшан тушуна оладиган тақдирдагина тўғри илмий жиҳатдан асосланган сиёсат юритиш мумкин[6.309.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантирди. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, «Электрон ҳукумат» ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб, жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларига инновацион ёндашувлар хусусият турғун ҳолати (жинси)га, шунингдек, ўзгарувчан даражаси (малака, кайфият)га таъсир қилиши мумкин. Бошқарув жараёнида

юқоридаги ҳолатларнинг аҳамиятини ижтимоий-маданий ўрганиш муҳим амалий натижани талаб этади. Чунки хусусиятларнинг ўзгариши объектларини маълум вазиятлар юзга келганда умумий иш қобилиятларини олдиндан айтиш имконини беради. Башорат қила олиш қобилияти раҳбар объектига (маслаҳат) айрим хусусиятларини ўзгартириш орқали таъсир ўтказиши мумкин бўлади.

Жамиятни илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларига инновацион ёндашувда режа ва стратегиялар ёрдамида объектларнинг ишларини фактлар асосида анализ қилиш, яратилаётган бошқарув технологияларининг «заиф» жойларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, объектлар ўртасидаги алоқаларни объектлар гуруҳи яратаётган лойиҳалар билан боғлаш енгиллашади. Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларга бундай инновацион ёндашувлар ижтимоий технологияларни лойиҳалаштириш учун керак бўлади.

Ижтимоий объектлар устидан мантикий ҳаракатларни ўтказиш, олиб бориш уларни технологиялаш жараёнига ўзини чеклашини киритади. Аммо бундай ёндашиш турли хил ижтимоий объектларга бошқача муносабатда бўлишни тақозо этади. Жамиятни илмий бошқаришда ижтимоий-маданий технологияларнинг инновацион ёндашуви ижтимоий объект (жараён ёки лойиҳа)га ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий шундай объект ҳисобланадики, қайси ўзининг ҳаётини фаолиятида субъект учун кўшимча қулайлик яратиш қобилиятидир.

Жамият бошқарувида инновацион бошқарув технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий қилиш, олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Жамият тараққиётида илмий бошқаришнинг ижтимоий-маданий технологияларини татбиқ қилишнинг инновацион ёндашувлари давлат ва жамиятни кўзланган стратегик мақсадларини амалга оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Тошкент.: Ўзбекистон. 2020. – Б 177.
2. Mayo E. The Human Problems of an Industrial Civilization. New York : Viking Press, 1960.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон. 2018.
4. <http://expert.ru/expert/2011/46/vorovstvo-prekrasnaya-strategiya>.
5. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.
6. Ж. Туленов Ҳаёт фалсафаси. Тошкент.Ўзбекистон. 1993.
7. Yuldashev, S. U. (2019). TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (11), 621-623.
8. Mamatov, M., Isomiddinov, A., & Yuldashev, S. (2019). Factors of Developing the Intellectual Abilities of the Youth. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 16(2), 311-313.
9. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.

10. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 18(1), 171-173.
11. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 187-192.
12. Kakhkharova, M. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЙ ОБЩЕСТВЕННОЙ СРЕДЫ. *Theoretical & Applied Science*, (10) 682-687.
13. Mirzarahimov, B. H. (2020). The Tasks Of Tourism In Aesthetic Education: The Harmony Of Historicity And Modernity. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 652-658.

10.00.00  
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES

АЛЛОМА ЗАМАХШАРИЙНИНГ  
ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Сулаймонова Нигора Аскаралиевна  
Алишер Навоий номли Тошкент давлат  
Ўзбек тили ва адабиёти университети  
доценти, филология фанлари номзоди  
2001 йилда бакалаврлар ўртасида  
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати  
2003 йилда магистрлар ўртасида  
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати

**Аннотация:** Мазкур мақолада хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари унинг “Навобигу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли икки дидактик асари воситасида ўрганилган. Ҳар икки асарда Маҳмуд Замахшарий насрий шаклда ҳикматли ва ибратомуз сўзлар кўринишида ўзининг турли жабҳаларга оид ахлоқий қарашларини батафсил баён этган.

Мазкур мақолада алломанинг турли йўналишлардаги панд-насихатлари таснифланиб, улардан дўстлик ва биродарликка оид фикрлари ҳамда кузатувлари, уларнинг инсон ҳаёти, турмуш тарзидаги аҳамияти каби мавзуларга доирлари саралаб олиниб, ҳаётий мисоллар ёрдамида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Маҳмуд Замахшарий, “Навобигу-л-калим” (“Нозик иборалар”), “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”), ахлоқий қараш, панд-насихат, ҳикматли сўз, ҳикматли сўзлар, дўстлик, биродарлик.

**Annotation:** In this article, the moral views of the Khorezm scholar Mahmud Zamakhshari are studied through his two didactic works, “Navobigu-l-kalim” (“Delicate Phrases”) and “Atvoqu-z-zahab” (“Golden necklaces”). In both works, Mahmud Zamakhshari elaborated his moral views on various aspects in the form of prose in the form of wise and instructive words.

In this article, the scholar’s teachings in various areas are classified, and his thoughts and observations on friendship and brotherhood, their importance in human life and lifestyle are selected and analyzed with the help of real-life examples.

**Keywords:** Mahmud Zamakhshari, “Navobigu-l-kalim” (“Delicate Phrases”), “Atvoqu-z-zahab” (“Golden necklaces”), moral attitude, advice, wise words, wise words, friendship, brotherhood .

**Аннотация:** В данной статье нравственные взгляды хорезмского ученого Махмуда Замахшари изучаются в двух его дидактических трудах: «Навобигу-л-калим» («Тонкие фразы») и «Атвоку-з-захаб» («Золотые ожерелья»). В обоих произведениях Махмуд Замахшари изложил свои нравственные взгляды на различные аспекты в форме прозы, мудрых и поучительных слов.

*В этой статье классифицируются учения ученого в различных областях, отбираются из них его мысли и наблюдения о дружбе и братстве, их важности в жизни человека, образе жизни и анализируются на примерах из реальной жизни.*

**Ключевые слова:** *Махмуд Замахшари, «Навобигу-л-калим» («Тонкие фразы»), «Атвокуз-захаб» («Золотые ожерелья»), нравственное отношение, совет, мудрые слова, дружба, братство.*

*Сенга ва суюкли дўстинга самимий насиҳат қиладиган,  
сени ва яқинларингни ҳимоя этадиган киши сенга дўстдир [4;126] .*

*Маҳмуд Замахшарий*

Буюк ватандошимиз, қомусий олим, хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросида инсоний фазилатлар ҳақидаги ибратли қарашлар замонлар оша ўз нуфузини сақлаб келмоқда. Айниқса, ахлоқий қарашлари туфайли Маҳмуд Замахшарий ҳаётлик давридаёқ бошқа бир қанча унвонлари қатори “Қаъбату-л-адаб”, яъни “Адаб аҳли учун бамисоли Қаъба” унвонига лойиқ деб топилган. Шунингдек, юртимизда “маънавий етуқлик тимсоли” сифатида қадр топган аллома ҳақида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қуйидаги фикрларни билдиради: “Ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукамал тарзда ишлаб чиққан, илм-фаннинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам шуҳрат қозонган Маҳмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаққатли сафарлар қилган, теран билими ва илмий салоҳияти билан бутун ислом оламини лол қолдирган бу зот, ҳеч шубҳасиз, халқимиз учун маънавий етуқлик тимсоли бўлиб қолаверди” [2;43].

Замахшарийнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари ҳали ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, дунё ҳамжамиятининг интеграциялашуви, глобаллашув шароитида нафақат алоҳида инсонлар, балки миллат ва элатлар, давлатлар, минтақалар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муаммоси бутунги тинчлик-фаровонлик, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида қадрланмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда ҳам “мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди” [3;137]. Бунинг асосий сабабларидан бири “кўплаб буюк аждоқларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум” [3;140]. Шу маънода хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашларини ўрганиш, таҳлил қилиш, кундалик ҳаётимизга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аллома Замахшарийнинг илмий меросига назар ташлар эканмиз, уни ташкил этувчи ҳар бир асар, у фаннинг қайси бир соҳасига мансуб бўлмасин, ахлоқ-одоб масалаларидан четда эмас. Сабаби Замахшарий ўз асарларининг муқаддима қисмида, албатта, турли йўналишдаги ахлоқий қарашларини баён этиб боради. Бироқ алломанинг бевосита дидактик асарлари ҳақида сўз кетганида, “Навобигу-л-калим” (“Нозик



иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асарларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларда инсоннинг салбий ва ижобий хислатлари ҳақида ибратомуз ҳикматлар ва фикр-мулоҳазалар баёни келтирилган. Ҳар икки асарда шахс камолотига дахлдор бўлган сатрларни учратиш мумкин. Айнан шу жиҳатлари билан бу асарлар нафақат ўз даврида маълум ва машҳур бўлган, балки бутунги кунда ҳам илмий-маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Алломанинг “Навобиғу-л-калим” асари ҳажм жиҳатидан кичик бўлсада, бу рисола нафақат ўз даврида, балки бутунги кунда ҳам ахлоқшуносликнинг ажойиб мактаби сифатида эътироф этилади. Чунки унда тарбия, маънавият ва баркамолликка оид ўғит ва панд-насиҳатлар тўпланган. Алломанинг мазкур асардаги ахлоқий қарашлари серқирра. Уларда Замахшарий инсоннинг гўзал фазилатларини улуғ неъмат деб билиб, кишиларга хулқ-одоб қоидаларини сингдириш ҳақида сўз юритади. Мазкур асардаги ахлоқий таълимот кўпроқ таққослаш воситасида баён этилади. Мутафаккир яхши фазилатлардан айнан намунали ахлоқ-одоб кишига кўрк бағишлашини, хуснига хусн, тароватига тароват кўшишини асар давомида қайта-қайта такрорлайди.

Ижобий хулққа эга, илми инсонлар ҳар бир халқнинг, миллатнинг кўркидир. Замахшарийнинг ҳикматли сўзлари, панду насиҳатларини таҳлил этар эканмиз, уларда тўғрилиқ, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, эзгулик, меҳр-оқибатлилик каби ижобий фазилатларнинг улуғланганини кўрамиз. У мазкур асари орқали одамларни яхши амалларга ундайди. Асарда илм ва илми бўлиш ҳақида ҳам бир қатор ибратли фикрлар келтирилган.

Мазкур мақоланинг яна бир асосий манбаси бу аллома мероси орасида тарбиявий мазмунга эга бўлган асарлар сирасидан ҳисобланган “Атвоқу-з-заҳаб” асаридир. Маҳмуд Замахшарий ушбу фалсафий-дидактик асарини Маккада яратган бўлиб, у дастлаб “ан-Насоиху-с-сиғар” (“Кичик насиҳатлар”) деб номланган. Асар саж усулида ёзилган юзта кичик мақоладан иборат. Унга шарҳ ёзган Мирзо Юсуфхон Аштиёнийнинг айтишича, “Замахшарий бу асарини Маккада Байтуллоҳни тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоф қилиб, ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб яқунлагач, Байтуллоҳни яна айланган ва шу тариқа юз марта айланганидан сўнг “Атвоқу-з-заҳаб” асарини ташкил этувчи юзта мақола ёзилган”.

Асар билан яқиндан танишар эканмиз, Замахшарийга мазкур асарни яратишда нафақат унинг тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, тарих каби соҳалар бўйича тўплаган билимлари, балки ўзидан аввал яшаб ижод этган олиму файласуфларнинг қарашлари, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб, улардан керакли хулосалар чиқара билганлиги, қолаверса, бой ҳаётий тажрибаси ҳам яқиндан ёрдам берганининг шохиди бўламиз.

“Атвоқу-з-заҳаб” асарининг ҳар бир мақоласида ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати ўз аксини топган. Олим уларда ўз даврининг золим подшолари, порахўр қози ва адолатсиз амалдорларини қаттиқ танқид остига олган. “Атвоқу-з-заҳаб” асарида келтирилган мақолаларнинг айримларида инсонда мавжуд яхши фазилатлар ва ёмон иллатларнинг аниқ таърифини учратиш мумкин.

Барча замонларда инсондаги гўзал фазилатлар қадрланиб, эъзозланиб келинган. Шунинг учун ҳам кўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган ижобий фазилатлар ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Инсоний фазилатлар деганда, биринчи навбатда, кечиримлилик қайд этилади. Чунки айрим кимсалар арзимас нарсаларни

йиллар давомида хотирасида сақлаб, ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам ташвишга солиб юради. Бу омил, айниқса, таълим муассасаларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим жараёнидаги муносабатлардаги кўнгилсизликлар, уларни унутмаган ҳолда кек сақлаб юриш тўғри тарбиявий ишларни йўлга қўйиш учун жиддий тўсқинлик қилади. Аслида бу муаммо кечагина юзага келган эмас. Шунинг учун ҳам алломаларимиз бу борада бир қатор фойдали тавсияларни бериб ўтганлар. Улар орасида, шубҳасиз, Маҳмуд Замахшарийнинг фикрлари алоҳида эътиборга молик. Замахшарий айтадики, *“Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоғи салобатлигию шафқатлисидир”* [1;49]. Зеро, кечиримли бўлиш ақлли кишиларга хос фазилатдир. Шунинг учун ҳам Замахшарий *“Ақл чақиригига ҳаракат ижроси билан жавоб берган киши закийларнинг закийидир”*, - дейди [4;105].

Маҳмуд Замахшарий томонидан тилга олинган ҳамда инсоний фазилат сифатида эътироф этилган хислатлардан бири – эҳтиёткорлик. Чунки, халқона тилда айтилганидек, *“Етти ўлчаб бир кесилса”*, аввало, мулоҳазалилик, режалилик, бирор ишни аввалдан ўйлаб қилиш англади. Бу сифат эса инсонларгагина хосдир. Шунинг учун ҳам Замахшарий *“Эҳтиёт бўлиб иш тут, ғолиб бўласан”*, – деган шиорга амал қилган ҳолда *“Эҳтиёт билан иш тутувчи ҳар бир одам тўғри йўлдан бурилмас”* лиғини таъкидлайди [4;99].

Замахшарий инсоний фазилатлар ичида инсофли бўлишликни алоҳида ажратиб кўрсатади. Аллома айтадики, *“Инсофли одам биродарининг ҳақини ейишни ёмон кўргани учун уни эгасига беради”* [4;95]. Шунингдек, хулқ инсоний фазилатлар ичида зийнат эканлигига ишора қилиб, *“Хулқи тўғри киши ҳодисаларнинг ичига юради, аҳмоқ эса ундан суғурилиб чиқади”*, – дейди [4;76].

Инсонларга хос фазилатлар ичида биринчи ва иккинчи даражали, муҳим ва унча муҳим бўлмаган вазифаларни таснифлаб, уларни бажарилишига муайян мантикий ёндашув асосида ақл, зийраклик ва мулоҳазалилик билан киришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳимлик барчага – мактаб ўқувчисига ҳам, олий таълим муассасаси талабасига ҳам, мутахассис ходимларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, ишнинг пировард натижада режадагидек яқунланиши айнан шу омилга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодда шу каби фазилатларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маҳмуд Замахшарий бу борада ҳам ибратли фикрларни баён этган. Чунончи, аллома айтадики, *“Ақл-идрок ва шариятга амал қилиб иш тутган банд асл ва иккинчи даражали мақсадду матлабларини жам қилиши муқаррардир”* [1;65]. *“Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охирада фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас”* [4;91].

Инсоният ҳаёти шундай яратилганки, унда ғалаба билан мағлубият доимо ёнма-ён юради. Халқимиз буни образли қилиб, *“Нур борки соя бор”* –деб айтади. Қийинчиликларга нисбатан бардошли, матонатли бўлиш эса инсонларга хос, яъни вақтинчалик кўнгилсизлик, мағлубиятлардан тушқунликка тушмасдан уларни мардонвор енгиб ўтиш яхши инсоний фазилатларнинг яна бир хислатларидан биридир. Замахшарий таъбири билан айтганда, *“Мардонвор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас”* [1;55].

Инсонларга хос яхши фазилатлар сирасига, шубҳасиз, ростгўйликни киритиш ўринли бўлади. Чунки жуда кўп кўнгилсизликларнинг асосида рост гапни айтиш жасоратининг етишмаслиги, ёлғончилик ётади. Бу ҳолатни Замахшарий табиат ходисасига қиёслаган ҳолда шундай таърифлайди: *“Момақалди роқли ёмғирнинг ёғиши*

*ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир*” [1;55]. Шунинг учун рост гапириш, берилган сўзнинг устидан чиқиш инсонларга болалик чоғидан сингдириб борилиши лозим. Шундагина баркамол авлод тарбиясининг иморатига яна битта мустаҳкам ғишт қўйган бўламиз. Шунинг учун ҳам Замахшарий томонидан инсонларга хос яхши фазилятлар ичида ваъдага вафо, бу борада ҳалол бўлишга чорловчи қатор даъватларни кўришимиз мумкин. Унинг *“Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”* [1;52].

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўз табиатига кўра барча кишилар бирдек комиллик аломатларига эга бўлавермайди. Одатда, жамоа ичида, жамиятда бошқалардан кўра ўқтамроқ, оқилроқ кишилар бўлади. Уларнинг вазифаси ўзларидаги доноликдан атрофдагиларни имкон қадар кўпроқ баҳраманд қилиш бўлса, атрофдагиларнинг вазифаси эса ундан (оқил кимсадан) кўпроқ сабоқ олиб, унга хос яхши фазилятларни ўзлаштириш, фаолиятларига татбиқ этишдан иборат. Замахшарийнинг бу борадаги фикрлари ҳам ибратлидир. Алломанинг айтишича, *“Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай зойиб бўлганида унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиладилар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортадилар”* [1;60]. Замахшарийнинг *“Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилятларидан бири ўз биродарининг айбларини беркитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш туттишидир”* [1;73], – деган сўзлари юқоридаги фикрнинг яна бир исботидир. Комилликка элтувчи йўлда амал қилинадиган қоидалар мажмуида *“Яхшига ёндошсанг – етарсан муродга”* дейилади. Замахшарий бу қоидадан шундай таърифлайди: *“Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар”* [1;73].

Инсон шундай яралганки, зийрак кишилар унинг хулқидаги, дунёқарашидаги, қисқа қилиб айтганда, феъл атворидagi жиҳатларни пайқаши мумкин. Айниқса, замонавий психология фанида бу омил махсус ўрганилиб, бир қанча илмий хулосалар чиқарилган. Замахшарийнинг инсонларга хос яхши фазилятлар ҳақидаги фикрлари шуниси билан аҳамиятлики, у инсонлар руҳиятини чуқур ўрганган ҳолда муайян фикрни баён этган. Шу жиҳати билан унинг қарашлари бутунги кунда ҳам ўзининг илмий-амалий нуфузини йўқотмаган ва баркамол авлод тарбиясида алломанинг илмий меросидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Замахшарий инсоннинг феъли аслига далолатлигига ишора қилиб шундай дейди: *“Карамли инсон зулмга рўбарў қилинса, тийилади. Шариф инсонга хорлик исталса, юз буради. Ҳилм ишларидан ўзига суянч ясаган виқор эгаси зулмдан хавфсирайди, ҳуркиб қочади, токи у панжа уриб ташланмасин, ўткир тирноқларини ботириб жароҳат етказмасин. Зулмдан бундай тийилиш ва юз ўгириш ота-боболари шариф бўлганлардан ўзгаларда кам учрайди. Асли тоза бўлмаган кишида хайр йўқ. Итнинг думи на эт бўлишга, на ёғ бўлишга ярайди”* [4;34].

Халқимизда аждодларимиз томонидан топиб айтилган ҳамда бутунги кунда ҳам зиёли юртдошларимиз томонидан эслатиб туриладиган бир ибора қўлланилади, яъни *“Ё аслинг каби кўрин ё кўринганингдек бўл”*. Бу қоида Замахшарий тилидан шундай таърифланган: *“Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва салим бўлур”* [1;52]. Алломанинг *“Мурувват бир сифатки, Оллоҳнинг розилигига лойиқ. Саховат бир табиатки, у ҳақда қанча гапирилса,*

шунча муносиб” [4;39] деган қарашлари юқоридаги фикрларни яна бир бор мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат, сиртию ботини бир хил одамларда улуғворлик, ўзига хос виқор сезилиб туради. Чунки улар одамлар қаршисида қандай бўлсалар, шундайликларича намоён бўладилар. Улар маънавий гўзал инсон намунаси сифатида тараннум этилади. Замахшарийда ҳам комилликнинг бу сифатига ўзига хос таъриф мавжуд: *“Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулуғ (чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгишларга шодлик бахш этар”* [1;53].

Замахшарийнинг комил кишига берган таърифида сахийликка ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аллома *“... сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўл”* ишини алоҳида таъкидлайди [1;68].

Тарихдан маълумки, қадимги аллома аждодларимиз билим истаб турли ўлкаларга саёҳат қилганлар. Бунинг учун имом Бухорий ва Маҳмуд Замахшарийларнинг ҳаётини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя. Бу саёҳатлар давомида улар нафақат илм ўрганганлар, балки ўзга юртлардаги одамларнинг ҳаёт тарзини, руҳиятини, дунёқарашдаги хусусиятларни, улар амал қиладиган ҳаётий қонуниятларни мақсадли тарзда ўрганганлар. Шунинг учун ҳам улар саёҳатни илм ўрганиш, оламни англаш воситаси сифатида қабул қилганлар. Маҳмуд Замахшарий бу хусусда шундай дейди: *“Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришдан авлодир (хайрлидир)”* [1;61]. Бу фикрнинг давоми, яъни саёҳат инсонларнинг комилликка эришиш омили сифатида Замахшарий шундай фикр билдиради: *“Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, инсон (ҳақиқий) роҳату фароғатга муяссар бўла олмас”* [1;72].

Комил инсонга хос фазилатлардан бири, шубҳасиз, одамларнинг дардига шерик бўла олиш билан белгиланади. Чунки одамнинг бошида яхши ва ёмон кунлар ёнма-ён юради. Яхши кунларида мададкор, шодлигини баҳам кўрувчига эҳтиёж унчалик сезилмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам яхши одам айнан қайғули, изтиробли кунларда яқинларининг дардига шерик бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиши, ташвишдан фориг бўлишларида ҳамдард бўлиши лозим. Замахшарий инсонлардаги бу сифатни *“Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур...”* [1;53] тарзида таърифлайди.

Табиатан шундай одамлар борки, улар хато, баъзан гуноҳ иш қилган бўлсалар ҳам, айбларига иқроп бўлмасдан, тавба қилмасдан, такаббурлик билан умр кечирадилар. Аслида уларни ички бир туйғу кемириб боради. Шунинг учун Замахшарий айтганидек, *“Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг боши деганидек (яъни, онадан тузилган кунни каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди”* [1;62].

Бу дунё ибрат макони, дейди донишмандлар. Фақат уни кўрмоқ, англамоқ даркор. Бунинг учун у мудроқ эмас, балки уйғоқ, зийрак бўлиши талаб этилади. Шу маънода комилликка интилувчи ҳар бир шахс атрофдаги ибратли ҳолатлар, вазиятлар, ҳаракатларни таҳлил қилиш, англаш, хулоса чиқариш ва уни ўз фаолиятига татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Бу борада Маҳмуд Замахшарийнинг *“Зийрак, фикр увадаларидан узоқ, ғариб ва назари тийрак қалбни уйқу элитмайди. Магар у доим уйғоқ, зикрда. Битта гизли, махфий нигоҳдан насиҳат излайди, топади. Сўнгсиз ва узоқ*

тикилган нигоҳдан ибрат олади. Осмонга тикилиб, гуж-гуж юлдузларни кўрар экан, ибратланади”, [4;28] – деган фикрлари ғоят таъсирлидир. Шундагина инсон комил шахс сифатида тан олиниши ва бу мураккаб дунёда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Буни Замахшарий шундай таърифлайди: *“Ишларда жиддийлик, енгни шимариш, фикрнинг пишиб, маромига етиши, ортиқча илтифот ва тилёғламаликни тарк қилиш, аниқ ва мустаҳкам билиш, муҳим нарсани илғаидаги тезлик ва алам етказувчи нарсалардан ҳимояланишда кенг қадам босиш – шундай майдонки, у майдонда юқоридаги сифатларнинг биттасига фарзанд бўлган киши (яъни мазкур сифатларнинг ҳар бирини “она” десак, шу оналардан биттасига фарзанд бўлган киши) бу майдонда чона олади”* [4;76].

Бутун дунёнинг тараққий этган мамлакатларида кузатилаётганидек, замонавий Ўзбекистонда ҳукуратимиз томонидан тадбиркорликка катта эътибор қаратиб келинмоқда. Аслида ҳам бу соҳа замоннинг зайли, бутунги куннинг иқтисодий-ижтимоий талаби сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам замонавий одамларнинг комилиги унинг тадбиркорлиги билан ҳам белгиланади. Бу борада Замахшарий айтади: *“Тадбиркорликда саъй-ҳаракат кўрсатиш тақдиру қисматларда золибликка олиб келиш демакдир”* [1;75]. Муҳими, Замахшарий уқтирганидек, ниятнинг яхшилиги, унинг ҳар бир одимининг пухта ўйланганлиги ва режалаштирилганлигидадир. Қолаверса, бу ҳаракатлар қанчалик эрта бошланса, бу жараёнда инсон ўзининг маънавий етуклигини намоён этса, шунчалик яхшидир. Зеро, Замахшарий таъкидлаганидек, *“Узоқ умри давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирган одам кейин одобга томон дастлабки қадам ташлаган кимса билан баробар эмас”* [1;74]. Шу боис алломанинг *“Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин ҳар қандай ишни комил ният-у, қаттиқ ихлос билан қилиш лозим”* лиги [1;51] ҳақидаги даъвати бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Маълумки, халқимизда Она ер тушунчаси муқаддас ҳисобланади. Зеро, инсон ернинг фарзанди. Ер унга ризқ беради, ҳаётини фаровон бўлиши учун ўз бағрини очади. Замахшарийнинг эътиборидан бу жиҳат ҳам четда қолмаган. Бу борада алломанинг *“Дехқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр-барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайдир”*, – деган фикрлари ғоят ибратлидир [1;64].

Замахшарий таърифлаган инсоний фазилатлар ичида тўғрилиқ, ҳақ йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишга ҳам муҳим сифат тариқасида қаралган. Алломанинг *“Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам(ҳайбатлироқ)дир”* [1;52], – деган фикри инсон томонидан танланадиган тўғри йўлни нақадар муҳимлигига бир ишора ҳисобланади. Бу фикрга қўшимча тарзда у *“Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бўҳтондир, сўзларию ишлари ўзларига мувофиқ”* лилигини алоҳида таъкидлайди [1;53]. Шунингдек, Замахшарийнинг адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги *“Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирозини ҳам сўндириб бўлмас”* [1;60], *“Адолат сувига тўлиб-тошган булоқ сайқалланган кўзгудан софроқ, сўзни мўлжалга урадиган балиғ (мукаммал, етук) тилдан ўткирроқдир”* [4;95] каби фикрлари унинг бу борадаги қарашлари нақадар асосли эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Замахшарий инсонларни комилик йўлида *“Адолат билан бирга бўлиб, зулмдан чекин”* ишга даъват этади [4;83].

Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг бир қанча мавзулар қаторида дўстлик ва биродарлик борасидаги қарашлари ҳам аҳамиятли. Масалан, аллома ўзининг “Атвоқу-з-заҳаб” номли асарининг 20-мақоласида биродарлик фазилатини шундай таърифлайди: *“Фақат саховат аҳлигина биродарликни мустаҳкамлайди. Улар билан хаста диллар тузалади, синган суяклар ямалади. Неъматлар узоқлашганда, улар шабада бўлиб, неъматларни сен томон ҳайдайди, чорлайди. Азобу уқубатлар тўп-тўп бўлиб ёпирилганда, уларни сендан узоққа қувади, ҳайдайди”* [4;39]. Аллома ўз фикрини давом эттирган ҳолда шундай дейди: *“Дўстлик ва биродарлик даъвосида бўлувчиларнинг тарозиси шундай нарсаки, у шиддатли, машаққатли бир ҳол бўлиб, ҳар қандай фароғату кенгликдан холидир”* [1;73]. Дарҳақиқат, донишмандларнинг фикрича, ота – хазина, ака-ука – таянч, дўст эса ҳар икковидир.

Аллома дўстлик ва биродарлик каби фазилатларни шунчаки таърифлаш билан чекланмайди, балки унга амал қилишга чорлаб, ўзига хос усулда тавсия беради, насиҳат қилади. Жумладан, *“То муҳаббат ҳалқалари мустаҳкам экан, дўстлик арқонини маҳкам тут. Бирор киши сенга нисбатан биродарона муносабатда собитқадам экан, сен ҳам унга нисбатан биродарлик риштасини маҳкам тутган ҳолда боравер. Ҳаққа бўйсунганни, ҳаққа дўстни дўст тут. Айниқса, у ҳақиқатга ёндошадиган ва адолат учун ёру дўстлари билан курашадиган бўлса, ундан ажрама. Лекин борди-ю унинг сўзларидан фақат ноҳақликка ёндошиш аломатлари сезилиб турса, у ҳолда ундай дўстлардан узоқлаш. Зеро ёмон улфат заҳри қотилдан ҳам ёмонроқдир”* [4;27].

Дўстлик ва биродарлик тушунчалари ҳадиси шарифларда ҳам улуғланган ва шарафланган. зеро, ундаги дўстни кечириб ва уни ғойибона дуо қилиш, ундан узр сўраш, унга нисбатан ёмон гумонда бўлмаслик, йўқлигида обрўсини сақлаш дўстга берилиши мумкин бўлган энг муносиб ҳадядир, каби ҳикматга ҳамоҳанг тарзда Замахшарийнинг *“Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам”* [1;50] деган фикри ибратлидир.

Замахшарий ўзининг дўстлик ва биродарлик ҳақидаги қарашларида бу сифат дўстнинг фақат яхши томонларини кадрлаш, ундан манфаатдор бўлишдангина иборат эмас, балки ундаги айрим салбий ҳолатларни яшириш, вақти келганда мурса қилиш лозимлигини таъкидлаб, қуйидаги фикрни айтади: *“Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутушидир”* [1;73]. Шунингдек, *“Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам”* [1;52].

Аллома дўстлик ҳақидаги фикрларини давом эттирган ҳолда *“Аниқки, қийналган биродарингга ёрдам қўлини чўздинг – бамисоли чанқоқдан ёрилган лабга сув тутдинг, бамисоли иссиқда қовжираётган майсазорга тошқин булоқ сувини очдинг. Бу хайрнинг (яъни сен қилишинг мумкин бўлган яхшиликнинг – Н.С.) энг аълоси ва шарафлисидир. Бу бардавом бўлишга, бир-бировга тавсия этишга лойиқ феълдир”* [4;29]. Бу фикрлари билан у дўстлик, биродарлик ҳақини адо этиш ҳар бир инсоннинг бурчи, имкон топиб унинг ҳожатини раво қилишга уринмоқ даркорлигига ишора қилади. Зеро, аллома айтганидек, *“Дўстларига энг ҳалим киши одамларнинг гаму ташвиш юкларига энг тоқатли кишидир”*[4;38]. Аслида кўнгли очик кимсаларгина чин дўстга сазовор бўла олади.

Айни пайтда аллома таъкидлайдики, дўстликка хиёнат ҳам инсоният тарихида учраган. Бу салбий ҳолатдан ҳеч ким ҳимояланмаганлигига ишора сифатида Замахшарий инсонларни зийракликка чорлайди. *“Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишига ҳаракат қил”* [1;50]. Дўстлик қанчалик забардаст туйғу, инсоний фазилат бўлмасин, унинг ҳам ўз кушандаси бўлади ва хиёнат Замахшарийнинг талқинида шундай иллат сифатида қораланади. Бежизга халқлар ўртасида *“Дўстлик қоядир, уни фақат хиёнат парчалай олади”*, – деган афоризм қадрланмайди. Қолаверса, оқил кишигина доно, олижаноб ва ростгўйга дўст бўлади, ёлғончи, хиёнаткор ва фосиқдан қочади.

Замахшарий ўз қарашларида уқтирадики, синалмаган инсонлар билан дўстлашиш хатардан холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун у *“Кимлиги, ҳолати номаълум бўлса, идишидан ботил тўкилса, у дўстдан кеч. Ёмонга яқинлик ҳалокатли заҳардан ҳам зарарлироқдир”* [4;27] эканлигига ишора қилади. Бу фикрнинг мантикий давоми сифатида аллома ўзининг *“Нозик иборалар”* асарида *“Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан”* [1;51], – деб насиҳат қилади. Бу фикрнинг ибратли эканлиги халқ афоризмларида ҳам ўз аксини топган. Унда айтилишича, ким сенга ёмонлик қилишингда ёрдам берадиган бўлса, у сенинг душманингдир.

Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг дўстлик борасидаги панду насиҳатлари орасида қуйидаги фикрни ҳам ўқиш мумкин *“Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва бир-бирингизга азизсиз, ваҳоланки бу бошингизга бирор бир хасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтдадир”* [1;53]. Алломанинг бу фикрларини Абу Али ибн Сино қарашлари билан давом эттириш мумкин: *“Агар дўстлик савдо-сотикқа ўхшаб, эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай, ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди экан!”*.

Замахшарийнинг дўстлик ва биродарлик ҳақидаги қарашларида дўст бўлмаган кишиларни ўз дўстлари сафига қўшишга интилиш, соғлом муҳит, муносабат ила эзгуликка чорлаш каби ғоялари ҳам ўрин олган. Унинг фикрича, *“Дўстларига энг ҳалим киши одамларнинг гаму ташвиш юқларига энг тоқатли кишидир. Балки душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлисидир. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб қўяди, озорларига елкасида кўтаради. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кекгинадан сақлаган, балки соғлом аҳду паймонни унга жойлаган”* [4;38]. Дарҳақиқат, инсон душманини дўстга айлантиришни истаб, қалбида душманликка жой қолдирмаслиги керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аллома Маҳмуд Замахшарийнинг дидактик аҳамият касб этувчи асарларини ўрганиш ва илмий истеъмолга киритиш, улардан баркамол шахс тарбияси учун зарур хулосалар чиқариш бутунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради.

#### **Адабиётлар:**

1. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992.
2. Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. К. 1. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 560 б.

3. Ан-На'им. Арабча-ўзбекча лугат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 960 б.
4. Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта осиелик машхур мутафаккир ва донишмандлар. Нашрга тайёрловчи М.Хайруллаев. К.1. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 72 б.
8. Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.
9. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Мухаррир, 2011.
10. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – 171 б.

**COMPARATIVE AND CONTRARY ANALYSIS  
OF THE COMMUNICATIVE ETIQUETTE MODEL PROCESS IMPLEMENTATION IN  
DIFFERENT LINGUISTIC CULTURES (In the Uzbek and English cultures)**

Saydullayeva Surayyo Serajiddinovna  
teacher of the department English language and literature,  
Navoi State Pedagogical Institute, Uzbekistan  
[s.serajiddinovna@mail.ru](mailto:s.serajiddinovna@mail.ru)

***Abstract.** This work carried out in line with the theory of communicative linguistics, taking into account the provisions of the theory of intercultural communication and the dynamics of changes in the norms of polite speech behavior associated with the processes of liberalization of the norms of communicative culture.*

***Keywords.** Communication, etiquette, politeness, initiation, speech act, pragmasemantic meanings of speech formulas, socio-culture, socio-pragmatics*

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ И КОНТРАСТНЫЙ АНАЛИЗ РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЦЕССА  
МОДЕЛИ КОММУНИКАТИВНОГО ЭТИКЕТА В РАЗНЫХ ЯЗЫКОВЫХ КУЛЬТУРАХ (в  
узбекской и английской культурах)**

Сайдуллаева Сурайё Серажиддиновна  
преподаватель кафедры английского языка и литературы,  
Навоийский государственный педагогический институт, Узбекистан  
[s.serajiddinovna@mail.ru](mailto:s.serajiddinovna@mail.ru)

***Аннотация.** Данная работа выполняется в русле теории коммуникативной лингвистики с учетом положений теории межкультурного общения и динамики изменения норм вежливого речевого поведения, связанных с процессами либерализации норм коммуникативной культуры.*

***Ключевые слова.** Коммуникация, этикет, вежливость, инициация, речевой акт, прагмасемантические значения речевых формул, социокультура, социопрагматика*



**ТУРЛИ ТИЛ МАДАНИЯТЛАРИДА КОММУНИКАТИВ ЭТИКЕТ МОДЕЛИ  
ЖАРАЁНИНИ ТАҚҚОСЛАШ ВА ҚАРАМА-ҚАРШИ ТАҲЛИЛИ (ўзбек ва инглиз  
маданиятларида)**

**Сайдуллаева Сурайё Серажиддиновна**

Ўқитувчи, Инглиз тили ва адабиёти кафедраси, Навоий давлат педагогика институти,  
Ўзбекистон

[s.serajiddinovna@mail.ru](mailto:s.serajiddinovna@mail.ru)

***Аннотация.** Ушбу иш коммуникатив тилшунослик назарияси асосида маданиятлараро алоқа назарияси қоидалари ва коммуникатив маданият нормаларини либераллаштириш жараёнлари билан боғлиқ мулоқим нутқ хатти-ҳаракатлари нормаларининг ўзгариши динамикасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.*

***Калит сўзлар:** Мулоқот, одоб-ахлоқ, хушмуомалалик, ташаббускорлик, нутқ ҳаракати, нутқ формулаларининг прагмасемантик маънолари, социал-маданият, социопрагматикалар*

## **INTRODUCTION**

"Comparative-contrast analysis of the implementation of the model of etiquette communicative situation in various linguistic cultures" presents the results of studying the communicative behavior of representatives of the Uzbek and English cultures in situations of initiation and finalization of etiquette communication according to the above parametric model, the dynamics of changes in the norms of polite speech behavior associated with the processes of liberalization of norms communicative culture. Speech etiquette is a set of strategies and steps polite behavior (verbal and accompanying gesture), with the help of which in each communicative situation partners establish their status and demonstrate their disposition to the interlocutor, their positive attitude towards communication. Analysis of phatic intentions and pragmatic meanings embedded in each replica contact-establishing dialogue, showed that the ritualization of greeting and farewell is highly informative, it helps to establish the framework of the interpersonal space of communication and initiate conditions for its continuation. The processes of initiation of communication are distinguished by a wide variety of forms and situational conditions for their choice Greetings are ritualized communicative situations, the purpose of which is to organize conditions for starting and / or continuing communication. The main pragmatic meaning is to express good wishes (wishes for good, peace, health, well-being, good luck at the time of the meeting, and for the future). Such a speech act is a manifestation of courtesy, benevolence and respect towards a meeting acquaintance, and sometimes to a stranger.

## **MATERIAL AND METHOD**

As the comparison of the methods of nominating and the methods of actualizing the ritualized situation "Greeting" in the Russian, English and Karachai Balkarian linguocultures has shown, the communicative act of greeting is presented as a short-term communicative action 'the accepted address in the form of a word, gesture, movement when meeting,' reflected in the lexemes *to greet, greeting, say hello, to greet, to welcome, to meet, salamlashyrga, salom berirge,* as well as 'actually the words of greeting, gestures, movements at this moment' (cf. *greeting, hello (obsolete), hello (obsolete), greeting, welcome, cheer, hail, salamlashyu, sapam beriu*) Note

that the set of gestures and movements accompanying greetings is typical for the three studied cultures. These are handshakes, hugs, pats, kisses, getting up, steps towards, differences are observed in the ritual of expressing politeness - manners and ways of them implementation. [1: 2008] In addition, even in Uzbek culture has its own "Greeting" such as "Assalomu alaykum", "Salom", "Xayrli kun", "Salomaleykum"- derived from Arabic: *السَّلَامُ عَلَيْكُمْ as-salamu 'alaykum* "peace be upon you" is a greeting rooted in Islam and used by Muslims of different nationalities, and is also used by Christian Arabs and Arab Jews. Equivalent to the word "hello" in English and «здравствуйте» in Russian languages. In response to this greeting, they traditionally respond with *السَّلَامُ وَعَلَيْكُمْ* (wa-alayikum s-salam, "peace be with you"). The meaning of the a form of greeting "Assalomu alaykum": "Peace to you, the mercy of Allah and His blessings".

Analysis of the realizations of the etiquette communicative situation of the initiation of communication and the pragmasemantic meanings of speech formulas identified in various linguistic cultures made it is possible to highlight a number of contrasting differences in the semantics of greeting formulas, the ritual of expressing politeness, and the degree of ritualization, which depend on the sociocultural indices of communicants (except for national, gender and age) and from the sociopragmatic conditions of communication (temporary and situational). Greetings within the Uzbek culture are characterized by a high degree of respect and courtesy towards another, it's believed that it, like all good, good deed, comes from God and is inspired by him, therefore the absence of a greeting or a solution therefor is considered ignorance, weakness, in Uzbek proverbs said that "Salom Xudoning qarzi, Salom bergandan Alik ol" that is "Greetings - from Allah, therefore, answer the greeting of the enemy with a greeting"- in response to this greeting, traditionally respond with *السَّلَامُ وَعَلَيْكُمْ* (wa-alayikum s-salam, "peace be with you").

Nowadays in Uzbek culture, greeting formulas are actively used, in which there is a pragmatic index of a person's professional status, which is embedded in the communicative tradition of Uzbek and English cultures. A significant number of greetings were identified to a person engaged in labor, for example:

- *Keb bolsun* ' - *Let it double or take more (to shepherd, herder)* in Karachiva-Bulgarian culture;
- *Barakasini bersin!*- *Let it double or take more (to shepherd, herder)* in Uzbek culture;
- *Enjoy your labor!* (to shepherd, herder) in English culture[2;109];

Significant etiquette differences are associated with the rituals of greeting travelers, people who work or eat Uzbek people say accordingly "Hormang - May your work be good and easy,, "Yoqimli ishtaha" - May your food be tasty. The most common form of response to a greeting in Uzbek speech etiquette is considered to be the phrase *Sog' bo'ling!* '(Come in health or be healthy)', which is applied to someone who came from some path. It should be emphasized that this form is applicable to both men and women.

The study showed a significant decrease in the ritual of expressing politeness and simplification of norms when choosing formulas for greeting and saying goodbye, primarily in English culture. The rules for taking into account the age, gender and professional status of communicants are increasingly violated. This is manifested in a trend towards a decrease in the spheres of use of formal methods of initiation and finalization of communication, which leads to the linguistic leveling of communicative-pragmatic differences based on the formal feature of communication. In modern English society, the choice of less formal communication formulas

only outwardly testifies to the social equality of partners, to the blurring of distance both on the status and social vectors.

Markers of the liberalization of communicative etiquette should be understood as a manifestation of the ideology of democracy based on respect for the personality of any person, this is another, indirect form of manifestation of politeness - demonstrative affability, regulated emotivity, it is not always correctly interpreted by representatives of other cultures, for example, Russian, which is characterized by spilline, naturalness, emotionality. In etiquette the norms of communicative behavior in the Uzbek language, there is a lesser degree of liberalization of the norms of communication, for example, today you can hear how a man and a woman greet each other with "Assolomu alaykum", but all the basic norms and rituals of greeting and saying goodbye etiquette remain unchanged.

#### **Another versions of showing politeness in Uzbek culture:**

*Xotin istehzo bilan dedi:*

– *Yig'labsiz-a? Hali ko'p yig'laysiz, singlim. Vaqtida biz ham qon-qon yig'laganmiz. Bodomgulning zardasi qaynab ketdi.*

– *Nega unaqa deysiz? Menga bunaqa deyishga nima haqqingiz bor? O'zingiz kim bo'lasiz?*

*Xotin unga o'qrayib qaradi.*

– *Haqqim bor uchun gapiryapman. Kim bo'lasan, dedingiz? Kimligimni aytaymi? Mirvalining sizdan oldingi o'ynashi bo'laman. Bo'yingizdagi shoda-shoda marvaridlar avval mening bo'ynimda edi. Mirvali omon bo'lsa, bu marvaridlar hali ko'p xotinlarning bo'ynini bezaydi. Siz, qarqalay, tekisgina ekansiz. Anchadan beri ishq o'yinida mastsiz. Mirvali hech bir ayol bilan biron yil bo'lmagan. Ko'rpa ko'taradigan paytingiz ham kelib qolar. Bu ishlar mening boshimdan o'tgan. Maslahatimga quloq soling. Keting bu uydan. Mirvali sharmanda qilib haydamay turib keting. U osonlikcha haydamaydi. Shipshiydam qilib haydaydi. Barmoqlaringizdagi uzuklarni, bo'yingizdagi marvaridlarni olib, keyin haydaydi. Obro'yingiz borida ketib oling, singlim.* [3; 135-136]

#### **Translation**

The woman said sarcastically:

"Have you cried?" You'll cry a lot, sister. We cried a lot at the time.

Bodomgul angried with that woman:

"Why do you say that?" What right do you have to tell me that? Who are you?

She stared and said:

"I'm talking because I have a right." Shall I tell you who I am? I was beloved person of Mirvali before you. That pearls on your neck were mine. If Mirvali alive and healthy, these pearls will still adorn the necks of many women. You haven't been drunk in a love game for a long time. Mirvali has not been with a woman for a year. It's time to dump and move on. I've been through this. Listen to my advice. Get out of this house. Mirvali doesn't let you go easily. He'll banish you like a squirrel. He takes the rings on your fingers, the pearls around your neck, and then banishes you away. Get out of here, sister.

#### **Analyzing**

Politeness is best expressed as the practical application of good manners or etiquette. It is a culturally defined phenomenon, and therefore what is considered polite in one culture can sometimes be quite rude or simply strange in another cultural context. The first hero whose name is Bodomgul, showed her bad behavior with the help of saying "Nega unaqa deysiz? Menga bunaqa deyishga nima haqqingiz bor? O'zingiz kim bo'lasiz?" "Why do you say that?" What right do you have to tell me that? Who are you?" without understanding the perlocutionary act, but the

next speaker answered to her with the politeness. There used positive politeness which seeks to establish a positive relationship between parties; respects a person's need to be liked and understood.

Techniques to Show Politeness

- a) Expressing uncertainty and ambiguity through hedging and indirectness.
- b) Polite lying.
- c) Use of euphemism (which make use of ambiguity as well as connotation).
- d) Preferring tag questions to direct statements, such as "You were at the store, weren't you?"
- e) modal tags request information of which the speaker is uncertain: "You didn't go to the store yet, did you?"
- f) affective tags indicate concern for the listener: "You haven't been here long, have you?"
- g) softeners reduce the force of what would be a brusque demand: "Hand me that thing, could you?"
- h) facilitative tags invite the addressee to comment on the request being made: "You can do that, can't you?"

Some studies have shown that women are more likely to use politeness formulas than men, though the exact differences are not clear [4]. Most current research has shown that gender differences in politeness use are complex; since there is a clear association between politeness norms and the stereotypical speech of middle class white women, at least in the UK and US. It is therefore unsurprising that women tend to be associated with politeness more and their linguistic behaviour judged in relation to these politeness norms.

### **Conclusion**

Research of communicative pragmatics of etiquette forms behavior confirms the position that cultures differ in the degree of severity of social control in relation to the norms of communication. This is expressed in the obligation to strictly comply with them or the tolerance of society to deviations from the rules.

### **References:**

1. ЧАУШЕВ Ахмат Сапарбиевич "КОММУНИКАТИВНО ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЧЕВОГО ЭТИКЕТА В РАЗЛИЧНЫХ ЛИНГВОКУЛЬТУРАХ (на материале карачаево балкарского, русского и английского языков)" – 2008, автореферат
2. Monika Bednarek and Wolfram Bublitz- "Enjoy! The (Phraseological) culture of having fun". Pages: 109–136, 2007
3. Said Axmad. "Jimjitlik" (Silence), 135-136 b, 2006.
4. H. P. Grice's Definition of Conversational Implicature
5. Wikipedia.com
6. Google.com

## ANTHROPOCENTRIC APPROACH OF ZOOMORPHEMES IN UZBEK AND ENGLISH PHRASEOLOGY

Khalibekova Omongul Kenjabayevna—teacher,  
Department of foreign languages and literature,  
Navoi state pedagogical institute

**Abstract:** *This article analyses zoomorphemes in non-related languages are essential to the phraseology and refer to the names of animals depicting human. Having shifted the interest of phraseological research toward man was a very important step as man is the creator of the phraseological picture of the world. We also discuss some idioms with zoonymic elements in phraseology which have either equivalent in Uzbek or in English. We also give an example of a number of phraseological units of the English language describing people which have no equivalents in Uzbek. Having been always interested both in the theory and in the practical application of phraseological units in the languages, we have decided to dedicate the current article to the modern approaches in the phraseological research.*

**Key words:** *Zoomorphism, onomastics, anthropocentric, phraseology, zoonym component, equivalent.*

## АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИЙ ПОДХОД ЗООМОРФЕМ В УЗБЕКСКОЙ И АНГЛИЙСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

Халибекова Омонгул Кенжабаевна - преподаватель  
кафедры иностранных языков и литературы,  
Навоийский государственный педагогический институт

**Аннотация:** *В данной статье анализируются зооморфемы в несвязанных языках, которые имеют важное значение во фразеологии и относятся к именам животных, изображающих человека. Смещение интереса фразеологических исследований к человеку было очень важным шагом, поскольку человек является создателем фразеологической картины мира. Мы также обсуждаем некоторые идиомы с зоонимическими элементами во фразеологии, которые имеют эквивалент на узбекском или английском языках. Также мы приводим пример ряда фразеологизмов английского языка, описывающих людей, не имеющих аналогов в узбекском языке. Всегда интересовавшиеся как теорией, так и практическим применением фразеологизмов в языках, мы решили посвятить данную статью современным подходам во фразеологическом исследовании.*

**Ключевые слова:** *зооморфизм, ономастика, антропоцентризм, фразеология, компонент зоонима, эквивалент.*

## O'ZBEK VA INGLIZ FRAZELOGIYALARIDA ZOOMORFLARNING ANTROPOTSENTRIK YONDOSHISHI

Xalibekova Omongul Kenjabayevna  
Chet tillar va adabiyot kafedrasini o'qituvchisi  
Navoiy davlat pedagogika instituti

**Annotatsiya:** *Ushbu maqola frazeologiyada muhim bo'lgan va odamlarni tasvirlaydigan hayvonlar nomlariga murojaat qilgan, o'zaro bog'liq bo'lmagan tillardagi zoomorfemalarni tahlil qiladi. Frazeologik tadqiqotlarning bosh maqsadi bo'lgan inson obraziga yo'naltirilishi juda muhim qadam*

*bo'lib, chunki inson dunyoning frazeologik rasmining yaratuvchisidir. Shuningdek, biz frazeologiyalarda zoonimik elementlar bilan o'zbek yoki ingliz tillarida ekvivalenti bo'lgan ba'zi bir iboralarni ko'rib chiqamiz. Shuningdek, ingliz tilidagi bir qator frazeologik birliklarga o'zbek tilida o'xshashlari bo'lmagan odamlarni tavsiflovchi misollarni keltiriladi. Frazeologik birliklarning tillarda nazariyasi va amaliy qo'llanilishi bilan doimo qiziqib, ushbu maqolani frazeologik tadqiqotlarda zamonaviy yondashuvlarni tadqiqiga bag'ishlanadi.*

*Tayanch so'zlar: zoomorfizm, onomastika, antropotsentrik, frazeologiya, zoonim komponent, ekvivalent.*

**Introduction.** Anthropocentric approach has become one of the leading principles in the linguistics at the beginning of the 21st century. According to this principle the man using the language owns it and is the integral part of the language. Animal component serves to highlight entities that play a role in people's daily life, and to establish and maintain an individuality in society. Phraseological units differ from other linguistic units in that they provide imagery, expressiveness and emotionality to speech. The zoo images in the composition of phraseological units is associated with the material, social or spiritual culture of the nation and the formation of its worldview, and therefore they acquire special significance due to the fact that they convey information about the national and cultural experience of that nation, its traditions and customs. In the corpus of expressive-evaluative vocabulary can be distinguished units, formed by metaphorical transfer based on the names of the animal - zoonym and serving for figurative characteristics of human. Zoomorphism in different languages describe the appearance, character and style of behavior, the professional activities of a person, his attitude to the opposite sex, family, children.

The most common names of animal species (domestic animals, wild animals, birds, insects, etc.) can be used as an evaluation characteristic of a person (cat, dog, donkey, cow, sheep, pig, rooster, etc). These zoomorphism represent positive and negative qualities of a person, it is therefore very important context the perception of a particular phraseological units and their correct use in speech.

Let us consider some examples of the contradictory relations of Uzbek and English to the same animal. English shows a person as individuality, personality, accentuating the positive qualities such as competitiveness, independence, denouncing fraud and dishonesty, Uzbek shows obedience, courage, impatience, stubbornness, experience. Such as a tiger is a dangerous opponent, a strong player in English, image of powerful man is given in Uzbek; a lone wolf — a person acting alone; a fox — selfish, dishonest businessman, a predator; The oldest domestic animal in almost all cultures it is the dog, that's why the comparison with the dog are the most numerous in both languages. Negative connotations bring ideas about the dog as a persecuted being, dependent from the person, sometimes living in the toughest conditions, designed for the protection of housing, hunting, etc. (lead a dog's life – to have been afflicted; treat like a dog – to be unkind to anyone; dressed up like a dog's dinner – dressed vulgar). At the same time, the British appreciated the loyalty, friendliness, endurance dog (die for one dog to be very loyal; funny dog – funny guy). Similarly, you can analyze features of zoomorphism "cat": has long being close to someone, the cat has earned the trust and love of man because of its softness, intelligence, prudence (as tame as a cat is quite tame; as wary as a cat – very careful), but, being wild animals by nature, cats are peculiar cunning, deceit (cat in the pan is a

traitor; cat shuts its eyes when stealing cream to close their eyes to their sins). As for Uzbek context, cat denote dubious, treacherous person. Phraseological component "horse" has mostly positive connotations, which is associated with the role of the horse farm hand, his diligence and endurance (strong as a horse, willing horse – slogger), but there are also values associated with other areas of the horse's life, with both positive and negative interpretation, for example, jump (ride the fore horse is to be in front; a dark horse – "dark horse", about a man whose inner quality is not known). Similarly, we can analyze other phraseological units with names of animals having the dual nature of values. Stubbornness" in two languages is compared to a donkey, but a donkey for the British in the semantic plan primarily represents the stupidity, stubbornness – again. For example:

**act the ass** – to fool around, **to be an ass for one's pains** – not to receive praise for their efforts; to stay in the cold, **make an ass of oneself** – to put yourself in a stupid position, to fool around, **all asses wag their ears** – fools inherent in the profound view, fools love to judge what you don't understand,

**an ass between two bundles of hay** (an ass between two bundles (or bottles) of hay (Buridan's ass)) – Buridan's ass (the person, not daring to make a choice) (French philosopher of the XIV century attributed to Buridan follows the story of the donkey who died of hunger because he did not dare to make a choice between two identical bundles of hay).

There are also zoomorphic images to denote exaggeration of anyone's influence, importance, unheard stories, stories, unreal temporary work: to have the wolf in the stomach to be hungry as a wolf; cock and bull story – an unbelievable story told to deceive someone; shoot (throw) the bull – to carry nonsense, to ramble; no room to swing a cat – no room to fall; enough to make a cat laugh – and the dead can laugh; very funny; shaggy-dog story – a long joke with an absurd ending.

From the analysis of phraseological units with names of animals it follows that the mind has no causal connection: in Uzbek: bad memory (товуқ мия); inattention (дунёни сув босса, ўрдакка не ғам), the error (бедавот от йўлда суринар), social situation (арслоннинг ўлиги сичқоннинг тириги) in English: the old age (old hen, you can't teach an old dog new tricks), damage mind (be loony (crazy), crazy as a loon (crazy, literally crazy as a Loon), to have rats), turkeycock (conceited man) – about a pompous man; Only negative qualities characterize the following names of animals in both compared languages: hog, pig – behave like a hog, as fat as a pig; snake – be lower than a snake's belly; wolf – as greedy as a wolf; goat – make a goat of one; monkey – as tricky as a monkey.

The most often used names of animals and birds taken on a symbolic value. A number of names of animals and birds, become symbols that are associated initially with the peculiarities of the various characteristics of a man. Considering the names they are divided into two groups.

The first group includes the symbols for the positive qualities of the person. In fact, British people can call a hare or lion to refer to these images to characterize something quickly can make a person. As for Uzbek people a hare symbolize cowardice, a lion characterize victory and strength. Associative-shaped base animals such as mule, horse, bull and bear are used to describe a strong man in both languages.

The second group consists of symbols associated with negative qualities. If an Englishman calls a person bear (bear), it builds associative-shaped association on grounds such as physical and/or mental clumsiness, rudeness. Calling man wolf (wolf), the Uzbeks refer to the corresponding stereotypical image, the main characteristic of which is cruelty. Associative-

shaped base of such an animal, as magpie (magpie) is used in English society to characterize talkative person.

The analysis of phraseological units with names of animals of phraseosemantic field "inner man" gives the opportunity to classify FE with animalistic component of the compared languages, to reveal cultural and national peculiarities of phraseological units and highlight invariant cognitive model.

When comparing both languages you may find similar features (e.g. as cunning (sly) as a fox — тулкидек айёр(sly as a fox); as hungry as a wolf — бўридек оч (as hungry as a wolf); as gentle as a lamb- қўйдаи ювош. Images of animals such as bear, bull, cow characterize a clumsy person in English, lamb and dove depict obedience in Uzbek. For example, lamb – as innocent as a lamb; dove – as harmless as a dove.

### **Methods and Materials.**

Studying nominations of a human with a zoonym component we used descriptive and analytical, comparative, linguistic and cultural methods.

The English PUs were selected from Oxford Dictionary of Idioms. and Cambridge International Dictionary of Idioms and Anglo-Russian phraseological dictionary by A.V. Kunin [1]. In Uzbek, with the help of the following dictionaries: O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati and O'zbek xalq maqollarining izohli lugati.

### **Results.**

**1.1** Some idioms describing a person coincide in both languages:

Old fox-қари тулки

When pigs fly-туяни думи ерга текканда

Cat and dog life-ит-мушук бўлиб яшамок

The eagle eye-қирғий кўз

Black sheep-отнинг қашқаси

Big fish-жўжахўроз

Mild as a dove-мусичадай беозор

As obstinate as a mule-эшақдай қайсар

Have snakes in one's boots-қўйнида илон сақламок.

**1.2.** English idioms describing a person with no equivalents in Uzbek

The majority idioms describing a person in the English language have no equivalents in Uzbek; an explanation has to be given instead. Let's have a look at some of these idioms:

greedy pig- someone who eats to much

scapegoat- someone who is blamed for something bad that happens even it is not his fault

bookworm- who likes reading very much

Bull of Bashan —healthy, strong man with a thunderous voice.[3]

A dog in the manger-someone who cannot have or does not need something, but does not want anyone else to have it.

dark horse-someone who is not well known

the lost sheep (lamb) – people who have lost the correct way of life.

Cat's paw-someone who is used by someone else to achieve something bad.

white crow – the man abruptly released anything from the people surrounding him, different, not like them.[3]



The analysis has shown that some English anthropocentric idioms are partial equivalents of the ones in the Uzbek language or have no equivalents at all. Sometimes a partial lexical and semantic coincidence takes place and sometimes a total absence of one.

Phraseological units with names of animals	Occurrence in languages	
	In English	In Uzbek
<b>Bird</b>	Bird of paradise, blithe as a bird, early bird, very bird likes its own nest, keep the bird in one's bosom, like a bird, old bird, wild old bird, a dolly bird	Қуш уясида кўрганини қилади, чумчуқдай чўқимоқ, чумчук сўйса хам кассоб сўйсин, мусичадай беозор
<b>Cat</b>	Baited cat may grow as fierce as a lion; cat's meow; cat with nine lives; fight like a wild cat; have more lives than a cat; like a cat that has had cream; as lithe as a cat; as tame as a cat; as wary as a cat; watch something as a cat watches a mouse	Сувга тушган мушукдай, сичкон мушук ўйнамоқ, ичини мушук тирнамоқ, бировнинг мушугини пишт демаслик,
<b>Dog</b>	Be like dog and shadow; die dog for one; every dog has its day; funny dog; happy dog; there is life in old dog yet; top dog; a dirty dog; a lame dog; dog in the manager; dog that fetches will carry; dumb dog; idle dog; lead a dog's life;	Итдай хор бўлмоқ, ит-мушук бўлмоқ, итдан бир суяк қарз бўлмоқ, бошига ит кунини солмоқ, итдай оч қолмоқ, кўк ит енгмас, кўп ит енгар, отнинг ўлими итнинг байрами
<b>Sheep</b>	A black sheep, follow like sheep, separate the sheep from the goats, a sheep among wolves, as a sheep among shearers	Кўйни бўрига топширмоқ, кўй огзидан чўп олмаслик, кўй терисини ёпинган бўри, сигир йили-тўқлик, кўй йили-тўқлик.
<b>Horse</b>	Strong as a horse; willing horse; work like a horse; ride the fore horse	Отдек бақувват, отдай бўлмоқ, отнинг қашқасидай, яхши от кейин чопар, аравани от тортар, кўланкасини ит тортар.

**Discussion.** Zoonyms may depict human being from different angles and record the images created by man. Due to this, phraseological units with zoonyms reflect following features of man. These features convey information about the national and cultural experience of that nation, its traditions and customs.

**Physical features:** as blind as a bat (кўршапақдек кўр), as bold as a lion (шердек жасур), as strong as an ox (буқадек бақувват).

**Appearance:** mutton dressed as lamb (эчки кўй бўлмас эшак-той), as fat as a pig (чўчкадай семиз).

**Psychological features:** as mute as a fish (кўйдек ювош), as obstinate as a mule (эшакдай қайсар), get somebodies goat (биронинг мушугини пишт демоқ), couch potato (иши йўқ ит суғорар)[4]

**Intellect or absence of intellect:** a black sheep (отнинг қашқаси), pig-headed (товуқ мия), as gentle as a lamb (мусичадек беозор).

**Ability or experience:** as sly as fox (тулкидек айёр), old bird (қари тулки), spring chicken (тухумдан чиққан жўжа)[5].

**Social status:** as poor as a church mouse (итдан бир суюк қарз).

**Conclusion.** Sources of national-specific features of phraseological units with names of animals can serve as differences of species, their lifestyles, working conditions, value system, historical conditions of language formation of a certain ethnic group, etc [6]. The emotional and expressive element of naming a human with a zoonym component, is expressed by negative and positive connotations, which allow finding the ideal concept of external and internal characteristics of a person in the dialectal linguistic picture of the world. National specific of phraseological units with names of animals is evident in different priorities of human activity, properties, nature, preferred, or condemn the personal qualities of men and women in different linguistic cultures, as well as that same animal, speaking different languages, can be attributed to various human qualities, or different animals may be "holders" of the same quality.

#### **Reference:**

1. Kunin, A. V. (1984). Anglo-russkiy frazeologicheskiy slovar [English-Russian phraseological dictionary]. Moskva: Russkiy yazyk.
2. Cambridge International Dictionary of Idioms. (1998). Cambridge: Cambridge University Press.
3. Oxford Dictionary of Idioms. (2004). 2nd ed. Oxford: Oxford University Press.
4. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. Sh. Rahmatullaev. 1978
5. O'zbek xalq maqollarining izohli lugati. Sh. Shomaqsudov. 1990.
6. Kunin A.V. The Course of phraseology of Modern English. Moscow. High School, 1986.

### **ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ГРАММАТИК КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ**

Имамова Зулайхо Тўхтаҳўжаевна

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

*Аннотация:* Грамматик кўникма ва малакалар босқичма-босқич шакллантирилгач, ўқувчилар ўрганилган тил материаллини нутқ вазиятларида эркин қўллаш малакаларини такомиллаштирадilar. Ушбу мақолада француз тилида грамматик кўникма ва малакаларнинг шакллантириш усуллари ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* грамматика, кўникма, малака, француз тили, методика, тил, нутқ.

### **ГРАММАТИЧЕСКИЕ НАВЫКИ И МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ ВО ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКЕ**

Имамова Зулайхо Тухтаҳўжаевна

Преподаватель кафедры иностранных языков

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

**Аннотация:** После того, как навыки и умения обучающегося будут сформулированы поэтапно, обучающиеся будут совершенствовать свои навыки свободного применения изученного языкового материала в речевых ситуациях. В данной статье освещаются методы формирования грамматических умений и навыков во французском языке.

**Ключевые слова:** грамматика, навыки, квалификация, французский язык, методология, язык, речь.

## GRAMMATIC SKILLS AND METHODS OF SKILL FORMATION IN FRENCH

Imamova Zulayxo Tuxtaxujaevna

Teacher of the Foreign Languages Department

Tashkent State Technical University named after Islam Karimov

**Annotation:** Grammar once the skills of the learner are formulated in stages, the learners will improve their skills of free application of the learned language material in speech situations. In this article, the methods of formation of grammatic skills and skills in the French language are highlighted.

**Keywords:** grammatics, skills, qualifications, French language, methodology, language, speech.

Грамматик материални махсус қоидаларни ўрганмасдан туриб ҳам ўргатиш мумкин. Грамматикага ўргатишдаги бу йўналиш имплицит ёндашув деб аталади. Грамматикага ўргатишни махсус қоидалар орқали ташкил қилиш эса эксплицит (французча «expliquer» фельдан) ёндашув дейилади. Шундай қилиб, грамматик материал бўйича қўникма ва малакаларни шакллантириш маълум ижобий ва салбий томонлари билан характерланадиган икки хил ёндашув, усул билан амалга оширилади.

Грамматик малакаларнинг шакллантиришнинг эксплицит ёндашуви икки усулда амалга оширилади:

- 1) дедуктив усул;
- 2) индуктив усул.

Чет тили грамматикасига ўргатишнинг энг оммалашган усули дедуктив (дедукция - кўрилган ва эшитилган ахборотлардан умумий хулосага келиш) усул бўлиб, таълим жараёнида қоидадан амалий хулосалар чиқариш маъносида ишлатилади. Дедуктив усулда грамматик малакаларни шакллантириш юқорида келтирилган босқичлардаги ишларни ташкил қилиш орқали уюштирилади. Масалан:

1-босқич. Ўқувчиларга дастлаб грамматик қоида тушунтирилади: Қуйидаги сифатлар мужской родда икки шаклга эга: Beau-bel, nouveau- nouvel, vieux- vieil, fou-foul, mou-mol. Охири унли ҳарф билан тутаган сифатлар ундош ҳарф билан бошланувчи отлар олдидан, охири ундош ҳарф билан тутаган сифатлар эса унли ҳарф билан, ёки h ҳарфи билан бошланувчи отлар олдидан ишлатилади.

2-босқич. Нуқталар ўрнига қоидага биноан юқорида берилган сифатлардан кераклисини қўйинг: un... enfant, un ... . édifice, un... plante , un... . livre, un... espoir, un visage ... .

3-босқич. Грамматик материални фаол ишлатилишига йўналтирилган француз тилидан она тилига, она тилидан француз тилига таржима машқи бажарилади.

4-босқич. Ўзлаштирилган грамматик материални нутқ вазиятларида қўллаш ташкил қилинади. Дедуктив усулнинг қуйидаги ижобий томонларини кўрсатиш мумкин:

1. Бу усулда ишлашда асосан онглилик тамойилига таянилади ва бу грамматик материални мустақкам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

2. Бу усулда ташкил қилинадиган ишлар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини босқичма-босқич ташкил қилиш имкониятини беради.

3. Бу усулдан ўқувчиларнинг уйда, ўқув лабораторияларда мустақил ишларини самарали ташкил қилиш мумкин.

Дедуктив усулнинг ўзига хос салбий томонлари ҳам мавжуд.

Бу усулда ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда тақдим қилинади ва бу нарса кўпинча ўқувчиларни ақлий фаолликка рағбатлантирмаслиги, уларни пассив тингловчиларга айлантириб қўйиши мумкин. Шунингдек, мавзу бўйича ташкил қилинадиган мулоқат табиий нутқ вазиятида содир бўлмаганлиги учун грамматик ва нутқ малакаларининг шаклланиш даражаси анча суст бўлади.

Эксплицит ёндошувнинг иккинчи шакли индуктив (*indiquer*) усул бўлиб, у эшитиш, ўқиш жараёнида дуч келинган грамматик қодисаларни таҳлил қилиб, она тили билан ва аввал ўрганилган грамматик материаллар билан қиёслаб, таққослаб, муайян грамматик қоидаларни интуитив фаҳмлашни, шу орқали тўғри хулосаларга келишни кўзда тутаяди.

Масалан, ўқувчилар матндан грамматик формаларни топадилар, контекст ёрдамида уни тушунишга уринадилар. Бундай ишни чет тилидаги матнни унинг она тилидаги таржимасига қиёслаш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Грамматик материални индуктив тушунишни ташкил қилиш оғзаки нутқдаги замонларни фарқлаш, отларнинг, сифатларнинг бирлик ва кўплик формаларини, родларини фарқлаш, сифат ва равиш даражаларини фарқлаш бўйича ташкил қилинадиган машқлар орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Индуктив усулда шакллантирилган грамматик кўникма ва малакалар дарсинг янги грамматик материални тушунтириш ва мустақкамлаш босқичида яна бир бор такрорланади. Шундан сўнг янги грамматик материални мустақкамлаш бўйича машқлар серияси бажарилади. Индуктив усулда бажариладиган машқ сериясини мисол келтирамиз:

1-топшириқ: Қуйидаги матнни ўқинг ва ажратиб кўрсатилган сифатлар матнда қандай отлқр олдидан ишлатилганлигига эътибор беринг ва уларни тушунтириб беринг: Elle s'arreta en apercevant le nouvel arrivant . Il passait devant un vieil arbre pour gagner une petite belle maison.

2-топшириқ: Мисоллар билан танишиб *beau-belle, nouveau-nouvelle, vieux-vielle* сифатларининг родларда ўзгариши нимага боғлиқлигини аниқланг: *belle maison-beau édifice, vieille femme – vieux sorain, nouvel arrivant–nouvelle maison.*

3-топшириқ: Нуқталар ўрнига мос қуйидаги келувчи сифатларни қўйинг ва сифатлар қандай отлқр олдидан ишлатилишига доир қоидали аниқланг : *beau-belle, nouv l-nouveau-nouvelle, fou-fol- fouille,*

*un... . hotel, une.... fête, une... . histoire*

*une... . maison, un ... . accident, un... . espoir*

*un...monument, un... camarade, un... . caractère*

Индуктив методнинг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

– ўрганишнинг энг самарадор усули – изланишга, фикрлашга, аввал ўрганилган грамматик материални хотирлашга йўналтиради;

– онглилик тамойилига тўлиқ риоя қилинади;

– грамматик материални беихтиёр эслаб қолишга ёрдам берадиган ақлий фаоллик шакллантирилади;

– ўқувчиларнинг ўқув машқларидан ҳар доим мустақил фойдаланиш, ўз хатоларини китобдан қараб тўғрилаш имкониятлари бор.

Ўқув дастурига кўра лексик минимум

а) курсларга;

б) дастур мавзуларига;

в) параграфларга;

г) машқларга;

д) лексиканинг қийинлигига қараб тақсимлашни тақозо этади. Бундай тақсимлаш тўғридан-тўғри бўлмай, балки ўқувчининг ёши, курси, дастур талаби, ўргатиладиган нутқ фаолиятининг тури, коммуникатив характери, ўқитиш босқичини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида лексик минимумини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Актив лексика – репродуктив лексика, яъни ўқувчилар томонидан нутқ фаолиятининг барча турларида ишлатиладиган сўзлар.

2. Пассив лексика – рецептив нутқда, яъни тинглаб тушунишда нутқ вазиятидан ва ўқишда контекстдан маъноси англанадиган сўзлар.

3. Потенциал лексика ёки пассив лексика. Пассив лексикага маъноси осонгина англанадиган байналмилал сўзлар, таниш негзлар асосида қўшимчалар орқали ясалган янги сўзлар киради. Одатда бундай лексикани ўргатишга кўп вақт сарф қилинмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Denisova L.G. The place of intensive methodology in the system of teaching a foreign language in high school. - Foreign languages at school, 1995, No. 4.
2. Komkov I.F. Methods of teaching a foreign language. - Mn., 1979.
3. Konsenseva A.V. Modern teaching methods // TetraSystems, 2005.
4. Leontiev A.A. Thought processes in learning a foreign language. - Foreign languages at school, 1975, No. 5.
5. Lozanov G. Fundamentals of suggestology. - In the book: Problems on suggestologist. Sofia, 1973.

## ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Назирова Озода Зоҳид қизи  
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси  
Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

**Аннотация:** Ўз моҳиятига кўра педагогик технология вақт тақсимомига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди. Ушбу мақолада янги педагогик технологиялар, замонавий методларнинг пайдо бўлиши кабилар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** технология, педагогик технология, замонавий методлар, педагогик маҳорат, педагогик дастур.

## ПОЯВЛЕНИЕ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ, СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДИК

Назирова Озода Зоҳид қизи  
Преподаватель кафедры иностранных языков  
Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

**Аннотация:** По своей сути педагогическая технология программируется в соответствии с распределением времени, задачи всех этапов и частей педагогического процесса, которые научно обоснованы и обеспечивают достижение ожидаемого результата, представляют собой четко определенную систему. В данной статье рассматриваются вопросы возникновения новых педагогических технологий, современных методик и др.

**Ключевые слова:** технология, педагогическая технология, современные методики, педагогическое мастерство, педагогическая программа.

## THE EMERGENCE OF NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES, MODERN TECHNIQUES

Nazirova Ozoda Zohid qizi  
Teacher of the Foreign Languages Department  
Tashkent State Technical University named after Islam Karimov

**Annotation:** In its essence, pedagogical technology is programmed in accordance with the distribution of time, the tasks of all stages and parts of the pedagogical process, which are scientifically based and ensure the achievement of the expected result, represent a clearly defined system. This article covers the emergence of new pedagogical technologies, modern techniques, etc.

**Keywords:** technology, pedagogical technology, modern techniques, pedagogical skill, pedagogical program.

«Технология» атамаси, термини 2 та сўздан иборат: «Техно» - қобилият, кўникма, малака, «логос» — таълим.

Технология таълим олиш қобилият, кўникма, малакаси дир.

Энциклопедияда «технология» сўзини, атамасини, терминини санъат, маҳорат деб талқин қилинади.

Технология - тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш метод, воситалари маъно-мазмунини ҳам беради.

Э.Боно технологияни билимларни қўллаш асосида фойдали нарсани ишлаб чиқиш, Технология вазифа (функция)си эса назарияни амалиётда қўллаш деб таърифлайди.

Бизнинг фикримизча методик технология бу йўл, усуллар, воситалар жамланмаси саналади, технология йўл, усуллардан ва воситалардан ташкил топади.

Ҳозир информацион технология - ахборот технология, Кейс технология, технологик таълим, инновацион таълим педагогик технология атама, терминлари метод. усуллари қўлланилмоқда, қўллаш зарурияти туғилмоқда, уларни қўллаш ҳам талаб килинмоқда. Улар таълим беришда ижобий натижалар ва бу усуллар орқали таълим бериш анчагина самара бермоқда. Ахборот (информацион) технологияси ахборот олиш, бериш технологиясидир.

Бу технология 2 хил йўл билан амалга ошади.

1. Анъанавий (традицион) усул. Тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзув орқали маълумот, ахборот олиш, бериш.

2. Автоматик усул. Инсон фаолиятини машина, механизмларга ўтказиш, машина механизмига бажартириш. Машина, механизмлар орқали ахборот, маълумот олиш, бериш[1].

Янкушевич технологик таълимни - кўрсатмалар йиғиндиси, тизими бўлиб, уни қўллаш орқали кам куч сарфлаб мутахассисни энг қисқа вақтда тайёрлаш деб тавсифлайди. Дарҳақиқат, бу усул билан таълим бериш ва таълим олиш вақтни тежаб, самарали билим олишга имкон беради.

«Инновация» сўзи логинча “in” - да, - га, “novus” - янги, янгилик (нововедения) сўздан олинган -яъни янгиликка кириш (войти в новое) маъноси, мазмунини билдиради.

Янгилик (Нововедение) - яна ривожланиш, ривожлантириш маъноси, мазмунини кўзда тутиб, ўзгариш, ўзгартириш киритиш маъноси, мазмунига якинроқ келади. Ўзгариш киритиш, қилишни инновацион механизми бўлиб ўзгариш қилиш, ўзгартириш жараёнида янгиликни қўллаш янгилик қилиш тушунилади.

Инновацион таълим (ўқитиш) - шундай ривожланиш жараёни бўлиб, чет тилидан таълим олишга қатъий кизиктириш, мустақил таълим олишни ривожлантиради, шахсни фаол ижодий тайёрлашга ёрдам беради.

Инновацион таълимда қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Ассоциатив усул (ассоциативный прием) - тил материалларини нутқ билан боғлашни кўзда тутди.

2. Матн мавзусини тузиш усули (прием составления тематической сетки текста)

3. Микро матнни чизги (схема)сини тузиш усули (прием составления схемы развертывания микротекста).

Педагогик технология - таълимни шакллантириш, мақбуллаштириш учун инсон ва техник ресурсларни ҳамда уларнинг узаро таъсирини эътиборга олган холда таълим, билимни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллашнинг тизимий услуби деб ҳам қаралмоқда. Умумлаштирилиб технология дейилганда, методлар, усуллар, йўллар ва уларни амалга ошириш воситалари йиғиндиси деб тушунилади[2].

Ҳозирги даврни чет тилидан таълим бериш, олиш замонавий ёндашуви - интерактив - коммуникатив методларни куллаш давридир деб талкин қилинмоқда ва улар қўлланилмоқда.

Замонавий ёндашув - интерактив - коммуникатив методларни қўллаш - тренинг, компьютер таълими, таълимда бахши, янгилик - инновацияни, компьютерни қўллаш, таҳлил қилиш, ролли ўйинлар, замонавий интерактив методларни қўллашни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда бунинг учун чет элларда ҳам янги методлар ишлаб чиқилмоқда ва биргаликда уларни амалга ошириш воситалари яъни, дарсликлар, ўқув методик воситалар тўпламлари - техник воситалар ишлаб чиқилиб нашр қилинмоқда. Уларга мисол қилиб замонавий методлар, интерактив методларни кўрсатиш мумкин.

Қуйидагиларни мисол қилсак бўлади:

1. Сугестопедия методи.
2. Тўлиқ(яҳлит)жавоб бериш орқали тил ўргатиш методи.
3. Гуруҳда, жамоада тилни ўргатиш методи.
4. Сокин йўл орқали тил ўргатиш методи.

Масофадан ўқитиш - узоқ масофадан туриб ўқиш, ўқитиш, таълим беришни кўзда тутди.

Унинг асосида бир мамлакат, шаҳар, институт, университетдан туриб бошқа мамлакат, шаҳар институти, университети, ё бўлмаса бирор бир малакали педагогдан бутун бир гуруҳни, бир талабани олдиндан келишилган ҳолда ёки талабани хоҳлаган пайтда ўқитиш мумкин.

Таълимнинг бу усули ҳам анчагина фойдали ҳисобланади. Биринчидан, бошқа мамлакатдаги малакали педагогдан таълим олса, иккинчи томонда таълим олувчи ҳам вақтдан, ҳам иқтисодий томондан анча ютади.

Масофадан ўқитиш орқали

- 1) иккинчи мутахассисликни олиш;
- 2) ногиронларни ўқитиш;
- 3) сиртқи таълим олувчилари;
- 4) дастур, дарслик буйича ўқитиш, таълим бериш мумкин.

Масофадан ўқитиш техник восита аппаратлардан фойдаланиб ўқитишга, таълим беришган асосланган.

Масофадан ўқитишнинг структураси қуйидагича:

1. Ўқитувчи - инструктор.
2. Коммуникация.
3. Ўқув материали.
4. Ўқув жиҳози воситалардан иборат.

Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, юртбошимиз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш ҳар бир таълим берувчининг энг муҳим вазифаси, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда балки бурчидир. Ушбу бурч ва вазифаларни бажариш ҳар бир педагогдан юксак билим, улкан маҳорат, замонавий илм-фаннинг ютуқларидан хабардор бўлиш, хорижий тилларни пухта эгаллаш, компьютер технологияларидан, интернетдан мақсадли фойдаланиш кўникмаларига ҳамда юқори малакага эга бўлишни талаб этмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг олдида



турган энг муҳим ва энг долзарб вазифалардан бири-бу ўқитишда инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва жаҳон стандартлари талабларига билимли, уддабурон, тадбиркор, ишининг кўзини биладиган ва рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, шу билан бирга комил инсон шакллантиришдан иборатдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Livingstone Card. Role play in language learning. 1988. p.78
2. Фаберман Б.С. Педагогическая технология. Проблемы её использование. Т. 2004. стр.90
3. Ergashev I., Farxodjonova N. Integration of national culture in the process of globalization //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 2. – С. 477-479.
4. Farxodjonqizi F. N., Dilshodjonugli N. S. Innovative processes and trends in the educational process in Uzbekistan //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 621-626.
5. Farxodjonova N. F. MODERNIZATION AND GLOBALIZATION AS HISTORICAL STAGES OF HUMAN INTEGRATION //Теория и практика современной науки. – 2018. – №. 3. – С. 16-19.
6. Numonjonov S. D. Innovative methods of professional training //ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). – 2020. – С. 747-750.

**“ОНА” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШИ**

Андижон давлат университети  
Назарова Наргиз

*Аннотация:* Ушбу мақолада “она” концептининг ўзбек тилидаги лингвомаданий ва семантик хусусиятлари таҳлил қилинди, умуминсоний ва хусусий жиҳатларига эътибор қаратилди.

*Калит сўзлар:* концепт категорияси, матн, парема, тушунча, концептуал тушунча, эмоционал баҳоловчи белги

**ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ СОБЫТИЕ КОНЦЕПТА " МАТЬ "**

Андижанский Государственный Университет  
Назарова Наргиз Мардановна

*Аннотация* В статье анализируются лингвистические и семантические особенности понятия «мать» в узбекском языке, обращая внимание на универсальный и частный аспекты.

*Ключевые слова:* категория концепта, текст, парема, концепт, эмоционально-оценочность

**THE LINGUISTIC EVENT OF THE CONCEPT "MOTHER"**

Andijan State University  
Nazarova Nargiz Mardanovna

*Annotation:* This article analyzes the linguistic and semantic features of the concept of “mother” in the Uzbek language, paying attention to the universal and particular aspects.

*Key words: concept category, text, parema, concept, concepteptual, emotional evaluation character*

Турли семантик концептларнинг матнда воқеланиш қўлами, алоҳида маданий концептлар доирасидаги қиёсий тадқиқи, тил семантик майдонидаги хусусиятларини ўрганиш ва тавсифлаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Концепт категорияси оламнинг лисоний манзараси бирлиги сифатида барча тиллар ва маданиятлар учун универсал ҳодисадир, айти пайтда унинг идрок этилиши, ўзига хос хусусиятларининг лисоний воқеланиши ва борлиқни категориялашдаги аҳамияти ҳар бир миллий тилда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Когнитив лингвистиканинг таянч тушунчаси концепт ҳисобланади. Тушунча ва концепт масаласи баҳслидир. Кўп ўринларда улар бир хил категория сифатида қўлланиши кузатишмоқда. Кузатишларимиз эса концепт категорияси тушунчага нисбатан кенгроқ доирани қамраб олишини кўрсатмоқда. Тушунча-предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги умумий ва хусусий белгиларини акс эттирадиган фикр, деб қаралса концепт – нафақат мавҳумий бўлган, балки аниқ-ассициатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларни қамраб олган ғоя саналади[1].

“Тушунчалар сўзлар орқали ифодаланади. Шунинг учун сўз ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан ташкил топган белги саналади ва бу белгининг ифодаланмиш томони тушунча ёки концепт саналади. Сўз объектив олам узвлари билан, яъни денотат билан концепт орқали боғланади[2].”

Тил бирликларининг умумий тушунчаларни ифодалаши инсоннинг олам концептуал қиёфасини англаши, баҳолаши ва ривожлантиришига ёрдам беради. “...тилни, хусусан, сўзларнинг маъноларини ўзлаштирган одам дунёни ўз она тили тақлиф қилган нуқтаи назар билан кўра бошлайди ва мос равишда дунё концептуализацияси билан бирлашади[3].” Концептлар инсон томонидан кузатилиши мумкин бўлган моддий ва хаёлий ҳодисаларнинг хилма-хиллигини бирлаштириб, уларни битта сарлавҳа остига олиб келади ва дунё қисмлари ҳақидаги билимларни умумлаштириб сақлашга имкон беради.

Бугунги кунда кўпчилик Р.Жекендоффнинг фикрига кўра, концептуал тизимнинг асосий таркибий қисмлари “нутқнинг семантик қисмлари”га яқин бўлган концепциялар – объект ва унинг бўлаклари, ҳаракат, фаолият, макон, вақт, белги каби инсон онгида шаклланган барча тушунчаларнинг умумийлиги, уларнинг тартибланган бирикмаси концептуал тизим деб аталади[4].

Муайян концепт доираси миллий менталитетнинг маданий, ахлоқий жиҳатларига асосланади ҳамда халқ ҳаёти ва турмуш тарзидаги психологик ва ментал ҳолатларни ҳам акс эттиради. Она концепти дунёнинг барча тилларида мавжуд бўлса-да, ҳар бир маданият кесимида мавжуд ижтимоий муҳит, маънавий-маърифий, диний тушунчалар асосида қўшимча семантик маъноларни ифодалаши табиий. Демак, концептнинг мазмуни икки семантик белги – барча тилларга тегишли универсалиялар ва муайян тил таълувчиларига хос бўлган семантик белгилар асосида шаклланади.

*ОНА 1. Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин. Кўп болали она. Бола йигламаса, она эмчак бермас. Мақол. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи. Мақол. тт Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди. Ойбек , Танланган асарлар[5].*

Ўзбек менталитетида она концепти ижтимоий турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий кўринишларни ифода этибгина қолмасдан, миллий қадриятлар, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, фидойилик каби тушунчаларни ҳам акс эттирувчи воқеълик сифатида қабул қилинади, бевосита оила тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, уй, фарзанд, тарбия, ота каби сўзлар билан вербаллашади. Она концептининг шаклланишида қўйидаги тушунчалар аҳамиятлидир: аёл, эрга тегиш, бола туғиш, фарзанд, бола парвариши, бола тарбияси, меҳрибон, фидойи, кечирувчан. Айрим ҳолларда эса салбий баҳоланиши ҳам учрайди: ўтай (бу нисбий тушунча бўлиб, ижобий фазилатли ўтай оналар ҳам учраб туради), бемеҳр, болага эътиборсиз, масъулиятсиз.

*У оналарга хос ички бир сезги билан шунча чақалоқ орасидан ўглининг овозини – баланд, азамат йигисини дарров ажратиб оларди. Димоғига оқ доқа тутиб олган ёшгина ҳамшира қиз чақалоқни кўтариб кирди. Муқаддам унинг қўлидан ўғилчасини олди, меҳр билан бағрига босди. (Ў.Хошимов “Баҳор қайтмайди”, 72-бет)*

Ўзбек оналари учун фарзанд меҳри, фарзанд дарди ҳамма нарсадан устун туради. Бу борада она ўзидан, соғлигидан, ҳаловатидан кечади. Ўткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги “Гилам пайпоқ” ҳикоясида бунинг ёрқин намунасини кўришимиз мумкин. Реал воқеага асосланган бу ҳикояда боласи учун жонини ҳам беришга тайёр оналар тимсоли содда, раво тилда баён қилинади.

*1. Хира чироқ милтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоронгилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди.*

*– Ўлиб қолади! Болагинам ўлиб қолади!*

*– Ваҳима қилманг, пошша, дардни берган Худо, давосиниям беради.*

*Бу Ҳожи бувининг овози эканини гира-шира идрок этдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим. Қизик, бирпасдан кейин аҳволим енгиллашди. Кўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди....Кейин ойимга қаради-ю, бирдан хитоб қилди.*

*– Вой пошша-а-а! Нима қилиб қўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!*

*Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарар эди.*

*– Оёгингиздан айрилибсиз-ку! – деди Ҳожи буви бошини чайқаб. – Шу аҳволда қандоқ келдингиз? (Ў.Хошимов “Дунёнинг ишлари”, 19-бет)*

*2. Чиққан қиз чигириқдан ташқари дейдилар. У қайтиб келган кундан бошлаб Анзират холанинг бошига тоғдай гам тушди. (Ў.Хошимов “Баҳор қайтмайди”, 84-бет)*

Албатта она концептида ҳам умумийликдан ташқари хусусийликка оид хусусиятлар намоён бўлиши, табиий. Она концепти борасида ҳар бир инсон ўз қарашлари ва тасаввурга эга бўлади. Алимардон шу ёзда онаси ўлганидан кейин ҳовлидан файз кетганини, ҳозир айниқса, чуқур ҳис қилди. (Ў.Хошимов “Баҳор қайтмайди”, 7 бет)

Муайян концептларнинг актуаллашувида паремиологик бирликлар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тили паремиологиясида она концепти иштирокидаги кўплаб мақол ва фразеологик бирикмалар мавжуд бўлиб, уларда, аксарият, оналик меҳри биринчи ўринга қўйилади. Она билан бола – гул билан лола. Она-бола топишар, ётга бало ёпишар. Онали етим - гул етим, отали етим - шум етим. Она меҳри – осмон бўйи. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада. Онасиз етим – шум етим.

Қўйидаги паремаларда эса салбий бўёқдорлик мавжуд бўлиб, биринчисида кўпинча дуч келинадиган ўтайлик (эрнинг болаларига нисбатан бемеҳрлик, шавқатсизлик), кейингиларида эса ўз боласига (қизига) нисбатан меъеридан ортиқча меҳрибонлик бола тарбиясида салбий оқибатга олиб келиши назарда тутилади. Онанинг

ўгай булса, отанг ўзингни эмас. Онаси мақтаганни эмас, янгаси мақтаганни ол! Онаси мақтаган қизни олма, янгаси мақтаган қиздан қолма!

Онасини кўриб қизини ол, қиргогини кўриб бўзини ол! паремасида эса аввало, онанинг ўзи тарбияланган бўлиши ва қиз бола тарбиясида она масъулияти етакчи омил эканлиги ўз ифодасини топган.

Халқимизда яна шундай мақол бор: “Отаси ахлоқнинг битта боласи ахлоқ, онаси ахлоқнинг ҳамма боласи ахлоқ” ёки бунинг аксича, “Отаси дононинг битта боласи доно, онаси дононинг ҳамма боласи доно. Бу мақолларни бежиз келтирмадик. Бу фикрларнинг табиий асоси борлигини генетик олим, Бутунжаҳон Фанлар академияси аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдурахмоновнинг қўйидаги сўзлари тасдиқлайди: “Ген бир хил, аммо “калит”лари онада сақланиб қолади. Шу сабаб “калит”лар (фанда бунинг микроРНКлар деймиз) кўпроқ онадан ўтади. Шунинг учун она қанчалик шуғулланса, билимли бўлса, бу болага ўтади. Болада иқтидор тезроқ кўз очади[6].

Ушбу таҳлиллардан кўринадик, ўзбек менталитетида она концептидаги бола тарбияси тушунчаси етакчи мавқега эга.

“Ўзбек фразеологик тизимида «она» ва «сут» компонентларининг бириктириши миллий-маданий колоритни кучайтиради: она сутини оқламоқ – она тарбияси ва ишончини оқламоқ; берган сутимга розиман – тарбиямни оқлаганинг учун сендан розиман; оқ сут берган (она) – кўкрак сутини бериб боққан она.”[7] Н.Насруллаева инглиз тилида бундай вариантлар учрамаганлигини таъкидлайди.

Мақолларнинг бир қисми эса онани улуғлаш, қадрлашга чақиради. Онагни кафтингда тутсанг, синглингни кифтингда тут! Онагни отанга бепардоз кўрсатма! Онагни отанга ёмонлама, дўстингни – душманингга!

Ҳадиси шарифларда ҳам она шахси юксак қадрланади:

Баҳз ибн Ҳаким отаси орқали бобосидан ривоят қилади: “Эй Аллоҳнинг Расули! Кимга яхшилик қилай?” дедим. “Онанга”, дедилар.

“Кимга яхшилик қилай?” дедим. “Онанга. дедилар.

“Кимга яхшилик қилай?” дедим. “Онанга”, дедилар.

“Кимга яхшилик қилай?” дедим. “Отанга. Сўнгра яқинларга ва яна яқинларга”, дедилар”[8].

Ижод аҳли борки, албатта, онани шарафловчи мисралар битиши ҳам бежиз эмас: Оналарнинг оёғи остидадир

*Равзаи жаннату жинон боғи.*

*Равза боғи висолин истар эсанг*

*Бўл онанинг оёғин туфроғи. (Алишер Навоий)*

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мана шу онани қадрлаш семантик майдони доирасида онадай қадрли, ягона, муқаддас нарса ва тушунчаларга нисбатан она сўзини сифатловчи сифатида қўллаш тилимизга хос хусусиятлардан бирига айланган: она халқ, она туuproқ, она ватан, она тили каби.

Аёлнинг она бўлмаслиги инсон учун энг жожеали қисмат саналади. Юксак истеъдод соҳиби бўлган Тоғай Муроднинг “Ойдинда юрган одамлар” қиссасида она бўла олмаган аёл қисмати рангин бўёқларда тасвирланган. “Қиссада Қоплон билан Оймому фарзанд илнжида тунни тонгга, кунни ойга, ойни йилга улаб яшайди. Қоплон хотинини Момоси, деса, Оймому эрини Бобоси, деб чақиради. Улар йўқ боланинг бобоси, йўқ боланинг момоси бўлиб,

йилларни йилларга улайди. Бир-бирига мўлтираб яшайди. Улар учрамаган доктор, улар кўринмаган табиб қолмайди. Аммо на доктордан, на табибдан наф кўради. Тоғай Муроднинг куйиб, ёниб, ўртаниб битган, баъзан фарёд уриб битган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини «Мўҳаббат қўшиғи», деб атагим келди.” (Саид Аҳмад)[9]

Кучолмагач гулу лоласин,  
Фақат Робби билар ноласин,  
Қизгонганда қўшни боласин,  
Тишлар тилин беҳол – бемажол,  
Хокисор дил, бефарзанд аёл[10].

Хулоса қилиб айтганда, концептлар орқали тил ташувчилари ўзларини ўраб турган дунё тўғрисидаги маълумотлар оқимини қабул қилади, структурага солади ва таснифлайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги “она” концептининг семантик белгилари лингвомаланий нуқтаи назардан талқин этилади ва бевосита оила, фарзанд тушунчалари билан билан вербаллашади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. –М: Школа —Языки русской культуры, 1997. с. 41
2. Нурмонов А. Танланган асарлар, 1-жилд, 28-бет
3. Шмелёв А.Д. Русская языковая модель мира.Материалы к словарью. Москва, 2002 г. 12-с.
4. Краткий словарь когнитивных терминов. Сост. Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. М., 1997
5. ЎТИЛ, 3 жилд, 125 бет
6. <https://saviya.uz>
7. Насруллаева Н. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши. Фил. фанлари доктори (dsc) дисс. автореферати, Т., – 2018 й., 27-бет
8. <http://uza.uz/> / Манба: “Ал-Адаб ал-Муфрад”, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
9. <http://kh-davron.uz/>
10. <https://ok.ru/xidoyat/topic/>

## THE IMPORTANCE OF TEACHING ENGLISH AT PRESCHOOL AGE

Ergasheva Gulnora Nematovna, an English teacher of Namangan regional in-service and retraining centre of public education staff [Tel:+998934040047](tel:+998934040047) email: [gulnoraergasheva13@gmail.com](mailto:gulnoraergasheva13@gmail.com)

***Annotation:** This article is devoted to the importance of teaching English at preschool age. Active learning means fully involving children in the learning process. To achieve this, we need to provide environments that appeal to all their senses, including visual, auditory, kinaesthetic and tactile. Appropriate learning activities will include things like chants, songs, rhymes, dances, games, videos, and arts and crafts. Early learning of a foreign language allows for a more comfortable entry of the child into the educational process of primary school, reduces stress, and has a beneficial effect on both the learning process and the development of the child's personality, increasing the productivity of his thinking. In the process of acquiring language knowledge, a preschooler must reach a new level of intellectual development. The most important goal of preschool education is the development of the child's personality, which involves the formation of needs and special interests, ingenuity and unconventional thinking, creative imagination and learning abilities.*

***Keywords:** modern, teaching, preschool institutions, games, age, communication*

At present more and more parents want their children to start learning a foreign language before they go to school. Currently, learning a foreign language at preschool age is becoming increasingly popular. In this regard, parents are motivated to teach their child from an early age. In addition, the memory of a small student is so voluminous that children can remember an incredible amount of information. However, their brain will not remember something just because "it is necessary". The child remembers bright, colorful, interesting things for himself. Teaching children of preschool age a foreign language, organized in the course of joint activities with an adult, provides a new content of this activity due to the novelty of foreign language means of communication for the child, which makes it possible to expand and enrich the zone of the child's immediate development in relation to his speech development. To teach children, you must like them. Only then can one help the child discover the joy of working, of friendship, and humanity.

The teacher must find his way to the heart of every child. Only then can he or she teaches children to love their families, their school, work and knowledge, and their homeland. Precisely this method--finding one's way to the heart of the child--was the foundation of the work Vasily Sukhomlinsky did in education. [1.p.1.] Psychologists note that every child is prone to drawing, modeling, carving, and designing. Common to all these activities is that they are aimed at creating a particular product — drawing, design, application. But each of these activities has its own characteristics, requires the mastery of special methods of action and has its own specific impact on the development of a child of preschool age.[2.p.177] Children do not know the desire for success, improvement, "modernization", they are interested in one thing-the game! Songs, numbers, competitions, funny contests, mysterious guests, puppet theater, outdoor games, coloring books-all this will help your child learn the basics of communication in English. The main principle of teaching English is to learn it as a native language, i.e. the child first listens, then tries to repeat, and then speaks! Mastering native speech is not an end in itself for a child, it is necessary for him to communicate and interact with other people. So in English lessons, children do not learn the language, but simply use what they have already heard in the

teacher's speech or on the disk, in order to be able to participate in the General game. "A competent and reasonable beginning plays a huge role in teaching a foreign language. A good start can be the key to further success, a bad one can cause irreparable harm. From distorted pronunciation, incorrect, slurred speech is as difficult to get rid of in the future, as from any bad habit." [3.p.96]. Issues related to teaching a foreign language to preschoolers are now the subject of wide discussion, since early childhood (from the age of 5) is considered by experts as the most favorable period for mastering a foreign language [4.p.20]. The problem of early learning a foreign language is the need to find reserves in the organization of training in order not to miss and take advantage of the sensitive period of learning a foreign language in preschool age.

The optimal age to start learning a foreign language is 5 years old. E. N. Protasova notes that by the age of 5, the system of the native language is already quite well mastered, and the child is already conscious of the new language [5.p.80]. At an early stage of learning, language should first of all be considered as a means of developing the child's personality, taking into account motives, interests and abilities. Through communication and activity in the language and through activity with the language, the child develops, is brought up, learns the world and himself, that is, masters all the spiritual wealth that the process of foreign language education can give the child. The process of teaching preschool children has a number of specific features: For a child, it is important that the language "brings" with it, so the content aspects of learning (what to talk about, what to listen to, what to do, including with the help of language) are a priority, while learning should affect the interests of preschoolers and meet their needs in communication and cognition. Classes should be a single storyline, guided by some event: real (holiday), fictional, game or fairy-tale. In fact, they are constantly included in the game, in the fairy tale, communication, they have to solve interesting behavioral, gaming, cognitive and other tasks, and the means of solving them is a foreign language. Preschool children may have personal psychological barriers due to unusual sounds of foreign language speech, strange words and phrases for children, random associations with their native speech. To achieve success in educational activities, it is possible to use a personal and humane approach to students, which involves the use of stimulating assessments, prizes, and attracting children's attention to success in educational activities [6.p.11-16]. The most prominent psychologists of our country, such as L. S. Vygotsky, A. N. Leontiev, A. A. Leontiev, D. B. Elkonin, V. S. Mukhina, believe that the organization of training should be based on the features, qualities and properties that are already mature features of the child's personality [7.p.26]. One of the most important techniques when teaching a foreign language is a game. Play is the leading activity for children aged 3-6. It should be the basis of the educational process, so the child will not just learn unfamiliar words and remember them. The largest game theorist D. B. Elkonin identifies four most important functions in the game for a child: a means of developing the motivational and need sphere; a means of cognition; a means of developing mental actions; a means of developing arbitrary behavior. Gaming activities have an impact on the development of attention, memory, thinking, imagination [8.p.360]. The factors that accompany the game, an interest, a feeling of satisfaction, joy, — facilitate learning. Games play an important role in a child's life. In your practice, you can widely use mobile, semi-mobile and quiet games when explaining and learning new educational material. Games can be used for various purposes: when introducing and consolidating knowledge of vocabulary and models of a foreign language, for the formation of oral speech skills; as a form of independent communication of children in a foreign language. The main task of teaching children English in kindergarten is to

develop conversation skills. Many teachers are inclined to believe that at this age it is not necessary to force children to read and write.

I believe that these actions can be partially introduced into the learning process, so that the learning process is not difficult enough for the kids. Lexical games should form the basis of any lesson. First, when entering new words in the lesson, you should use the principle of visualization. This means that children should not just say that a certain word is translated into English in this way, but try to create a certain image associated with this concept in the child. This can be done by using a variety of pictures or toys in the classroom. After you have entered the vocabulary of the class, the children must say it several times. This can be done using a variety of game techniques. For example, children can pass each other a ball and name a word, or you can arrange a competition for who will pronounce a particular word the loudest. This way you can check the correct pronunciation of words by children and correct it if necessary. It is worth remembering that teaching English to preschoolers is a complex process that will require an unusual approach to language teaching. Lexical games should be as simple and understandable as possible for children. This can be games such as "Who will show the picture first?", "What is it?", "What is missing?" And much more. The main thing is that during the lesson there is a moment of competition, thanks to which children will develop interest in the subject being studied. By making the game more complex in the learning process, we add here to the principles of gradualism, consistency, and accessibility in learning.

Music and songs should accompany each stage of the lesson. You can learn a greeting song with your children, as well as a chant that will help them calm down after a particular game. Children react very vividly to songs, love them, quickly remember and are able to use words and phrases of songs in other communication situations. A variety of songs and chants in English can be used to strengthen children's lexical skills. Most often, these songs have very light words and a simple motif, which makes it possible to process a particular lexical material. It is also worth remembering about the musical design of the lesson. In addition to these songs, you should pay special attention to the atmosphere of the lesson, which will create a joyful mood and interest in a foreign language for kids. At the same time, the new vocabulary that children repeat after the teacher is fixed in memory much better than by simple mechanical repetition. Using pictures and toys allows you to develop imaginative and associative memory, imagination and thinking. Audio and video materials contribute to better assimilation and consolidation of the material.

In accordance with the peculiarities of preschool children's development, it is advisable to use a "live" fairy-tale character during classes, who will speak to children (through the teacher's mouth) only in English. This can be a toy that depicts a character from an English-language fairy tale or a well-known cartoon character (for example, Winnie the Pooh, Mickey mouse, Teddy bear, star boy, Etc.) This toy will always wait for children, greet and say goodbye to them, learn new words and rhymes, play, i.e. participate in all stages of the lesson. Children will love this fairy-tale character and will look forward to meeting him. It is recommended to build classes by alternating different types of activities, i.e. language games should replace mobile ones; the study of rhymes and songs should be accompanied by movements if possible. For example, a song «Are you sleeping?» (communication situation "Let's play!"). Children dance around a child who is "sleeping" in the center of the circle. They have bells in their hands. The children sing:

Are you sleeping,



Are you sleeping, brother John, brother John?  
Children ring bells and "Wake up" a sleeping child:  
Morning bells are ringing,  
Morning bells are ringing,  
Ding, ding, dong,  
Ding, ding, dong

Today, there are many methods in which teaching a child English takes into account all psychological characteristics and contributes to its development. Bright colored cubes that stimulate fine motor skills and large posters that use the visual channel of information perception are successfully used. However, one of the most popular tools, both for teachers and parents, are cards for learning English. After all, they are so easy and simple to use for many entertaining games in English. During games with cards, the child's memory, imaginative thinking, and logic develop. In addition, telling about the habits of a particular animal depicted on the card, the child can jump, run, stamp his feet and clap his hands, thereby conducting a small exercise, which is necessary for the full development of children of any age. The teaching of English to preschool children is undoubtedly meaningful if it meets a natural development of a child and it is appropriate to his/her age.

I offer popular English games with cards, the rules of which can be changed according to the age of the child and the level of language proficiency, while getting new interesting games: "Pass it to me, please", "What is it?" "Show me, please" and other games. Given the fact that preschool children are dominated by visual and imaginative thinking, colorful pictures are suitable for such games. With their help, you can play and learn words in English, learning more about the world around you.

It is recommended to allocate no more than 15 minutes for one game with cards: this time is enough to support the motivation to learn English, repeat all the necessary words. The younger the children, the fewer cards should be in a row (for 3-4 years, six cards are enough). While teaching children, do not forget about their encouragement. Even a simple sticker received by the child for his efforts in the classroom will stimulate his work in the future.

Thus, familiarity with a foreign language at preschool age has a beneficial effect on the overall mental development of the child, on the development of his speech culture, and on expanding his horizons. English for kids requires a great imagination from the teacher and a non-standard approach to the organization of the educational process. It is necessary to supplement the lesson with a variety of cartoons in English, coloring books on the topic of the lesson and other unusual methodological techniques. A child of this age should perceive the lesson as a game, and not as training in the literal sense of the word. The child should be interested, only then can you fully realize all the goals of training. The methodological search should be aimed at finding ways to stimulate speech – thinking activity and activate the communicative and cognitive activity of preschool children, which contributes to their intellectual development.

In conclusion, we can say that, the method of conducting classes should be based on age and individual characteristics of the structure of children's linguistic abilities and be aimed at their development. Foreign language classes should be understood by the teacher as part of the overall development of the child's personality, related to his sensory, physical, and intellectual education. Teaching preschool children English should be carried out in an active form of play, using toys, learning funny songs, poems, rhymes, playing mini-stories, skits, fairy tales. It is

advisable to submit all the material in a dosed form, taking into account the age features of children. That is why games for preschoolers are the main tool for full-fledged mental, moral and physical development of the child, as well as its successful socialization.

#### References:

1. TO CHILDREN I GIVE MY HEART VASILY SUKHOMLINSKY (Translated from the Russian by Holly Smith) p.1.
2. Muxina V. S. Detskaya psixologiya. EKSMO-PRESS M., 2000.s-177.
3. Angliyskiy dlya malishey. Shishkova I. A., Verbovskaya M. Ye. Pod. red. N. A. Bonk, Uchebno-metodicheskiy komplekt dlya detey 4-6 let, 2004.-96s.
4. Negnevitskaya Ye.I. «Inostranniy yazyk dlya samix malenkix: vchera, segodnya, zavtra» «Inostranniy yazyk v shkole». №6 - M.:1987. - 20s.
5. Protasova, Ye. Yu. Obuchenie doshkolnikov inostrannomu yaziku. Programma «Little by little» [Tekst] / Ye. Yu. Protasova, N. M. Rodina. — M.: ID «Karapuz» — TTS «SFERA», 2009. — 80s.
6. Amonashvili Sh. A., Zagvyazinskiy V. N. Pariteti, prioriteti i aktsenti v teorii i praktike obrazovaniya. // Pedagogika. M., 2000, 2, s. 11-16.
7. Elkonin D.B. Vvedenie v detskuyu psixologiyu // Izbr. psixologicheskie trudi. M., 1989. S. 26.
8. Elkonin D.B. Psixologiya igri. M.: Vldos, 1999 g. - 360 s.

#### PARALINGVISTIKA VA NIGOHNING PARALINGVISTIKADAGI O'RNI.

Ergasheva Nargiza Numonjonovna  
FarPi "Tilarni o'rgatish" kafedrasida o'qituvchisi

*Annotatsiya:* Paralingvistika tilshinoslikning bir yo'nalishi bo'lib, u tilga yondosh masalalarni o'rganadi. Paralingvistik vositalar nutqni bezash hamda unga qo'shimcha ma'lumot yuklash uchun xizmat qiladi. Ushbu maqolada paralingvistik vositalarning bir qismi bo'lgan nigoh va uning ma'nolarini ochib berishga harakat qilindi.

*Kalit so'zlar:* paralingvistika, paralingvistik vositalar, aloqa, og'zaki bo'lmagan, imo-ishoralar, kinetik, fonetik, grafik, qarash, nigoh

#### ПАРАЛИНГВИСТИКА И РОЛЬ ВЗГЛЯДА В ПАРАЛИНГВИСТИКЕ.

Эргашева Наргиза Нумонжоновна  
ФарПИ преподаватель кафедры «Обучение языкам»

*Аннотация:* Паралингвистика - это раздел лингвистики, изучающий вопросы, связанные с языком. Паралингвистические инструменты используются для украшения речи и добавления к ней дополнительной информации. В этой статье мы попытались объяснить значение взгляда как часть паралингвистических инструментов.

*Ключевые слова:* паралингвистика, паралингвистические инструменты, коммуникация, невербальный, жесты, кинетический, фонетический, графический, взгляд.

#### PARALINGUISTICS – THE ROLE OF GAZE IN PARALINGUISTICS.

Ergasheva Nargiza Numonjonovna  
FerPI teacher of "Teaching languages" department

**Annotation:** *Paralinguistics is a branch of linguistics that studies language-related issues. Paralinguistic means are used to decorate speech and add additional information to it. This article is devoted to explain gaze and its meanings as a part of paralinguistic tools.*

**Key words:** *paralanguage, paralinguistic means, communication, non-verbal, gestures, kinetic, phonetic, graphic, gaze, sight, look.*

“Paralingvistika” lotincha (“para” – yondosh, “lingua” – til) soʻzlaridan olingan boʻlib, “tilga yondosh”, “til bilan birga qoʻllanuvchi” maʼnosini ifodalab, paralingvistika tilshunoslikning bir boʻlimi boʻlib, “tilga yondosh” degan maʼnoni anglatadi va tilshunoslikda bu termin ostida fikrni nolisoniy yoʻl bilan bayon qilish nazarda tutiladi. Shunga koʻra “noverbal”, “nolisoniy”, “ekstralingvistika” soʻzlari bu atamaga sinonim sifatida qoʻllaniladi. “Insonning har bir tabiiy fizik harakati kinetik noverbal vosita jumlasiga kirmasdan nutqning aloqa jarayoni bilan bogʻliq boʻlgan kishi harakati noverbal vosita sanaladi...” (G.V.Kolshanskiy.)<sup>1</sup>

Paralingvistika atamasi turli manbalarda bir-biriga yaqin, lekin bir-biridan farq qiluvchi taʼriflarga ega, misol uchun Cambridge lugʻatida paralingvistikaga quyidagi taʼrif berilgan:

Paralinguistik (sifat) - odamlarning oʻzlari ishlatgan soʻzlardan tashqari nimani anglatmoqchi boʻlganligini koʻrsatadigan usullar bilan bogʻliq, masalan, ovoz ohanglari yoki nafas bilan tovushlar chiqarish orqali:<sup>2</sup>

- ogʻzaki xabarning lingvistik va paralinguistik xususiyatlari
- nutqni koʻpincha ikkilantiruvchi belgilar va boshqa paralingvistik bezovtalik belgilari toʻxtatadi.

Yana bir boshqa manbaada esa quyidagicha taʼrif berilgan: Paralinguistika - bu soʻzlarni oʻz ichiga olmaydigan nutqiy aloqaning jihatlari. U odamlarning soʻzlariga diqqatni tortish yoki maʼno soyalarini qoʻshishi mumkin. Baʼzi taʼriflar buni soʻzlar boʻlmagan ogʻzaki muloqot deya cheklaydi.<sup>3</sup>

Misol: tana tili, imo-ishoralar, mimika, ohang va ovoz balandligi - bularning barchasi paralinguistik xususiyatlarga misoldir.

*Paralingvistika bu ovozli (va baʼzida ovozsiz) signallarni asosiy ogʻzaki xabar yoki nutqdan tashqari, shuningdek vokalika deb nomlanadigan fanni oʻrganadi. Shirli Vayts paralingvistikani “aytilgan narsaga emas, qanday qilib aytilgan narsaga katta eʼtibor beradi” deb tushuntiradi.*<sup>4</sup>

*Tilshunoslikka urgʻu, ovoz balandligi yoki pastligi, nutq tezligi, modulyatsiya va nutq ravonligi kiradi. Baʼzi tadqiqotchilar paralingvistika ostida vokal boʻlmagan baʼzi hodisalarni ham oʻz ichiga oladilar,*

<sup>1</sup> Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974.

<sup>2</sup>

<https://dictionary.cambridge.org/ru/%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D1%80%D1%8C/%D0%B0%D0%BD%D0%B3%D0%BB%D0%B8%D0%B9%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9/paralinguistics>

<sup>3</sup>

<https://www.teachingenglish.org.uk/article/paralinguistics#:~:text=Paralinguistics%20are%20the%20aspects%20of,communication%20that%20is%20not%20words.>

<sup>4</sup> Weitz, Shirley. "Nonverbal Communication." Oxford University Press, 1974, Oxford.

*misol uchun: mimika, ko'z harakati, qo'l imo-ishoralari va shunga o'xshash narsalar. "Paralingvistika chegaralari, - deydi Piter Metyuz, - (muqarrar ravishda) aniq emas."*<sup>5</sup>

Barchamizga ma'lumki, biron bir vaqtda muloqot odamlar aytadigan yoki yozadigan so'zlardan ko'proq narsani anglatishini bilamiz. Shuningdek, u ohang, kayfiyat, shaxsiyat, kuch va niyatlarni anglatuvchi jihatlarni o'z ichiga oladi.<sup>6</sup>

Bizning fikrimizcha paralingvistika, yuqoridagi fikrlarni jamlagan holda tilga yondosh bo'lgan barcha hodisalarni o'zida jamlab oladi. Bundan kelib chiqqan holda, paralingvistika – nutq jarayonida inson so'zlagan nutqiga qo'shimcha tashqi omillarning ta'siridir. Ya'ni hatti-harakatlar, mimik ekspressivlik, ovozdagi o'zgarishlar, nigoh orqali ifodalanadigan qo'shimcha ma'lumotlardir. Zamonaviy tilshunoslik paralingvistik vositalarni asosiy 3 guruhga bo'lib o'rganadi: kinetik, fonatsion va grafik. Bu guruhlar ham o'z borasida kichik guruhlarga bo'linadi.

Paralingvistikaning kinetik turiga – tana hatti-xarakatlari, jestlar va yuz ifodalari kiradi. Paralingvistik vositalarning fonatsion turiga to'xtaladigan bo'lsak, fonatsiya (yunonchadan – phone tovush, ovoz) – eshitish organlari orqali qabul qilinadigan, nutq tovushlarini shakllantiradigan fizik hodisadir; tovush ishlab chiqarishni ta'minlovchi nutq organlari harakatining yig'indisidir.<sup>7</sup> Paralingvistikaning fonatsion turiga quyidagilar kiradi: ovoz tembri, tempi, tezligi, balandligi, intonatsiya, pauza, nutqning kuychanligi, tovushning dialektik, sotsial artikulyatsion xususiyatlari va hokazolar. Paralingvistikaning yana bir turi grafik vositadir. Grafik vositalarga, yozma nutqda qo'llaniladigan tinish belgilari (nuqta, vergul, undov, so'roq belgilari ...), unli va undosh harflarni qaytarilishi, smayliklar, emodjilar (zamonaviy texnologiyalar rivojlangan hozirgi zamon yozma nutqining eng asosiy va tez – tez qo'llaniladigan, ma'no anglatuvchi belgilar) kiradi.

O'zbek tili tarkibidagi maxsus paralingvistik vositalarni boshqa tillardagi kabi kinetik, fonatsion va grafik vositalarga ajratib o'rganish mumkin. O'zbek tili tarkibi inkor, tasdiq, ko'rsatish, xayrlashuv, salomlashish, nafrat, g'azab, iltijo, mamnunlik, e'tiroz, do'q po'pisa qilish kabi ma'nolarni ifodalovchi, shu bilan birga fikr ifodalash jarayonida his tuyg'ularni bo'rttirib ko'rsatish uchun turli xil kinetik hamda fonatsion vositalardan foydalaniladi. Buni yuz, ko'z, qosh, og'iz ifodalari bilan yoki qo'l – oyoq bilan bajariladigan xatti – harakatlar bilan, bosh chayqash yoki bosh irg'ish, turli xil pozalar, shuningdek ovozdagi o'zgarish – tembr, temp, ritm, ton kabi hodisalar, hamda nigoh orqali ifodalash mumkin.

Ushbu maqolada paralingvistik vositalarning yozma nutqdagi ko'rinishi o'zbek atoqli yozuvchisi Toxir Malikning "Talvasa" asarida keltirilgan misollar orqali tavsiflangan bo'lib, asosiy e'tibor ko'z nigohi orqali ifodalanishi mumkin bo'lgan misollarga qaratilgan.

Inson nigohi naqadar kuchli ma'no tashuvchi bo'lib, u bir qarashda insonning ichida kechayotgan his-tuyg'ularini, qalbi tubidagi fikr-mulohazalarini aytilgan so'zlardan ham anniqroq ifodalashi mumkin.

Nigoh orqali savol, javob, nafrat, g'azab, iltijo, hayrat, o'ziga ishonch, norozilik, muhabbat, quvonch, ma'yuslik, najot, ilinj, havotir, kelishuv, ajablanish, mutelik, qo'rquv, qaxr,

<sup>5</sup> Matthews, Peter. "Concise Oxford Dictionary of Linguistics." Oxford University Press, 2007, Oxford.

<sup>6</sup> N.N.Ergasheva. "The role of paralinguistic means in education" EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 6 (11), 43-45

<sup>7</sup> Еникеев М.И. Общая и социальная психология – М.: Издательская группа Норма-Инфра. М, 1999

maqullash, hadik, hafalik, shodlik, ruxsat berish yoki olish, ta'qiq, buyruq kabi ma'nolarni ifodalash mumkin. Quyidagi misollar bilan yuqoridagi fikr tasdig'ini ko'rsatish mumkin:

**Nigoh orqali savolni ifodalash:**

Shu onda xonaga bashang kiyingan qotma yigit kirib keldi-da, eshilar - eshitilmas salom bergach, mulozimatni kutmayoq stol ustidagi pivoni ochib, ichdi. Mehmon uning harakatini zimdan kuzatdi. Beodobligidan achchiklansada, sir boy bermay, mezbonga qaradi. Mezbonga uning odati tanish bo'lgani uchun g'azablanmadi. (Tohir Malik "Talvasa" 6-bet)

Yuqoridagi misolda mehmonni mezbonga qarashi orqali "kirib kelgan yigit kim?" degan savolni sezish mumkin.

Quyida keltirilgan misollarda "savol nazari bilan qaradi", "savol nazarini qadadi", "savol nazari bilan tikildi" kabi ifodalar bilan nutq so'zlamagan holda inson nigohi orqali aks etishi mumkin bulgan "savol" misollarda keltirilgan:

1. — Ataganini? — Yigit bolaning otasidan nima undirilishini anglagan bo'lsa-da, bir uy sohibiga, bir mehmonga savol nazari bilan qaradi. (Tohir Malik "Talvasa" 8-bet)
2. Akulani yoniga chaqirib, unga yigirma yoshlar chamasidagi go'zal bir qizning suratini uzatdi. Akula suratga uzoq tikildi-da, «Kim bu?» deganday unga savol nazari bilan qaradi. (Tohir Malik "Talvasa" 196-bet)
3. Bo'ron daxlizni bosib o'tib, mehmonxonaga kiringach «U qaerda?» deganday savol nazari bilan qaradi. Hanifa o'ng tomondagi eshikni ochdi. (Tohir Malik "Talvasa" 259-bet)

Misollardan ko'rinib turganiday, xech qanday so'z ishlatmagan holda, vaziyatdan kelib chiqib insonlar bir-birini tushunishi, aynan qanday savol bilan murojaat etilganini anglab olishi mushkul emas.

**Nigoh orqali qahr-g'azabni ifodalash:**

Yana bir nigoh orqali yetkazilishi osson bo'lgan his-tuyg'u bu qaxr, g'azab, norozilik, achchiqlanishdir:

1. Qamariddin Asrorga: «Gullab qo'ydingmi?» deganday qahrli nigohini qadab: «Buning ota-onasi sog'inadigan xilidan emas. Ming yil ko'rmasa ham parvoyiga kelmaydi», deb ming'irlab qo'ydi. (Tohir Malik "Talvasa" 358-bet)
2. Uy eshigi qulflanmagan edi. Asror xomushlik chodiridan qutulolmagan holda uyga kirib keldi. Ovqatlanib o'giran otasi unga g'azab bilan qarab oldi-yu yuzini teskari burdi. «Keldingmi, bolam?» deb o'rnidan turmoqchi bo'lgan Munirani erining o'qrayib qarashi joyiga qaytardi. Asror zaif ovozda salom berib, xonasiga kirib ketdi. (Tohir Malik "Talvasa" 419-bet)

**Nigoh orqali hayratni ifodalash:**

Bo'ron shunday degach, xaridorga qaradi. Ota-bobosi to'g'risidagi haqiqatni eshitib, lol qolib o'tirgan Jasurning yaqinginada piri-pirayotgan ko'zlari katta-katta ochilib, kiprik ham qoqmay baqrayib qolgandi. (Tohir Malik "Talvasa" 66-bet)

Ushbu misolomizda qaxramonning piri-pirayotgan ko'zlarini katta-katta ochilishi, baqrayib qolishi hayratni ifodalaydi.

**Nigoh orqali muhabbatni ifodalash:**

Albatta mexr-muhabbatni ifodalashda so'zlardan ko'ra, kuchliroq va ishonchliroq vosita bu nigohdir, chunki so'zlar aldasada nigoh rostini so'zlovchi "sotqin"dir.

Asror «Bugun bizlar yetdik, bugun bizlar yetdik, ertaga o'zga», deb jo'r bo'la turib qizga muhabbatli nigohini qadadi-da, qo'shiqni davom ettirdi: (Tohir Malik "Talvasa" 16-bet)

**Nigoh orqali quvonchni ifodalash:**

Yuqorida aytganimizdek, nigoh his-tuyg'ularni ifodalaydigan kuchli vositadir. Shunday kuchli hislardan biri bu quvonchdir, quvonchli ko'zlarni yashirish yoki uni payqamaslik juda ham mushkildir.

Bu yangilikni eshitgach, Asrop armonini ham, ta'qib etayotgan tashvishlarini ham unutdi. Ko'zlarida shodlik uchqunlari yondi:

— Zo'r! Qoyilman sizga! — dedi Asror faxr bilan. (Tohir Malik "Talvasa" 168-bet)

#### **Nigoh orqali nafratni ifodalash:**

Yana bir berkitish qiyin bo'lgan hislardan biri nafratdir. Nafrat hissi bir qancha sabalradan kelib chiqishi mumkin, quyidagi misol bilan buni sabablardan birini tahlil qilishimiz mumkin:

Direktor shunday degach, iziga qayta boshladi. Zalga g'olib odamning yurishi bilan kirib kelgan Qorieva endi unga ergashishni ham, joyida mag'lub odam sharmandaligi bilan qolaverishini ham bilmay bir zum qotib turdi. Rejissyorga nafrat bilan qaradi. Rejissyor: «Qalaysiz, opajon!» deganday jilmayib qo'ygisi keldi. Lekin bu jilmayishi tutayotgan olovga moy kabi sepilib, alanga olishini tushunib, nigohini olib qochdi. Qorieva: «Hali qarab tur!» deb unga zahrini sochdi-da, tez-tez yurib, zaldan chiqib ketdi. (Tohir Malik "Talvasa" 19-bet)

Ushbu misolda mag'lubiyat, Qorievada nafrat hissini uyg'otgani ayon.

#### **Nigoh orqali qo'rquvni ifodalash:**

Inson bir so'z ham aytmasdan bir nimadan yoki biron kimdan qurqayotganini uning ko'zlari aytib turadi, bu hisni payqash uchun kuchli psixolog bo'lish shart emas. Buni ko'zni olib qochish yoki tik qaray olmaslik, nigohdagi o'zgarish aks etishi mumkin:

1. — Siz... Dulfuzaga nima uchun yaxshilik qilmoqchisiz? — Shunday deb so'rashga so'radi-yu Qamariddinning tikilishiga dosh berolmay nigohini yerga qadadi. (Tohir Malik "Talvasa" 87-bet)

Qo'rquvini sotib qo'ymasligi maqsadida, yerga qarab ko'zlarini muloqotchisidan olib qochgani misolda tasvirlangan.

2. — Senga berayotgan ovqati shumini? — deb so'radi. Shavkat tepkidan uchib tushib, hamon burchakda bukchayib yotgan Kalamushga qo'rqibgina qarab qo'ydi-yu, javob bermadi. (Tohir Malik "Talvasa" 145-bet)

3. — Sizni kutib turgan edim, — dedi Hanifa unga tik qarashga botina olmay. Odatda eridan biron narsa so'rashdan avval «Yana urishib bersalar-a!» degan hadikda shu holga tushardi. (Tohir Malik "Talvasa" 158-bet)

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, inson hech bir so'z aytmasidan turib, ko'z qarashlari, nigohi orqali butun informatsiyani yetkazishi mumkin. Shuningdek, vaziyatdan kelib chiqqan holda opponentlar aynan shu paytdagi ko'z qarash nimani anglatayotganini tushunib yetadi. Bunga insonlarni bir-birini qay darajada tanishlari, bir makon va zamonda katta bo'lishgani, bir xil yoki boshqa til sohibliligi, madaniyati kabi omillar ta'sir qilishi mumkin. Shu maqsadda paralingvistik vositalarni chet tilini o'qitishda va o'rganishda o'rni katta deb hisoblaymiz, chunki paralingvistik vositalar turli xalqlarda bir-biridan qisman yoki to'liq farq qilishi mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Алан Пиз. Язык телодвижений. – Санкт-Петербург, 1996.
2. Еникеев М.И. Общая и социальная психология – М.: Издательская группа Норма-Инфра. М,1999
3. Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974.

4. N.N.Ergasheva. "The role of paralinguistic means in education" EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 6 (11), 43-45
5. Matthews, Peter. "Concise Oxford Dictionary of Linguistics." Oxford University Press, 2007, Oxford.
6. Weitz, Shirley. "Nonverbal Communication." Oxford University Press, 1974, Oxford.

**Foydalanilgan internet saytlar:**

1. <https://dictionary.cambridge.org/ru/%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D1%80%D1%8C/%D0%B0%D0%BD%D0%B3%D0%BB%D0%B8%D0%B9%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9/paralinguistic>
2. <https://www.teachingenglish.org.uk/article/paralinguistics#:~:text=Paralinguistics%20are%20the%20aspects%20of,communication%20that%20is%20not%20words.>

**JOZEF ARCHIBALD KRONIN IJODINING SHAKLLANISH YO'LI**

Mirsadullayev Miravaz Mirmuslim o'g'li

Namangan Davlat Universiteti

Ingliz tili va adabiyoti kafedrası o'qıtuvchısı

***Annotatsiya:** Maqola shotland-realist yozuvchisi Jozef Archibald Kronin ijodiga bag'ishlanadi. Yozuvchining deyarli barcha asarlarida ko'zga tashlanadigan uchlik- biografik, kasbiy va diniy-axloqiy komponentlar uchraydi. Maqolada asosan uchinchi komponent- yozuvchining diniy-axloqiy qarashlari muhokama etiladi.*

***Kalit so'zlar:** realizm, xristian yozuvchi, avtobiografik asar, hikoyalar turkumi.*

**THE WAY OF FORMATION OF JOSEPH ARCHIBALD CRONIN'S CREATIVE WORK**

Mirsadullayev Miravaz Mirmuslim o'g'li

Namangan State University

department of English language and literature

teacher

***Annotation:** This article is based on the work of Scottish realist writer Joseph Archibald Cronin. Almost all of the author's works have three aspects of life: biographical, professional, and religious-ethical. The article mainly discusses the third component- the author's religious and moral views.*

***Key words:** realism, Christian writer, autobiographic novel, series of stories.*

**ПУТЬ СТАНОВЛЕНИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЖОЗЕФ АРЧИБАЛДА КРОНИНА**

Мирсадуллаев Мираваз Мирмуслим угли

Наманганский государственный университет

кафедра Английского языка и литературы

преподаватель

***Аннотация:** Статья основана на произведении шотландского писателя-реалиста Джозефа Арчибальда Кронина. Практически все работы автора имеют ярко выраженную триаду: биографический, профессиональный и религиозно-этический компоненты. В статье в основном обсуждается третий компонент – религиозно-нравственные взгляды автора.*

*Ключевые слова: реализм, христианский писатель, автобиографическое произведение, цикл рассказов.*

Archibald Jozef Kronin (1896-1981) – shotlandiyalik realist-yozuvchi, butun dunyoga o'zining ajoyib romanlari bilan juda yaxshi tanish. Asarlari dunyoning ko'plab tillariga tarjima qilingan va uning asarlari asosida ko'plab filmlar olingan. Shuningdek g'arb davlatlarida yozuvchini u tomonidan yaratilgan doktor Finli xaqidagi hikoyalar turkumi orqali ham yaxshi taniydilar. Yozuvchining o'z davridagi ulkan shuhrati albatta adabiyotshunos olimlar va tanqidchilarning nazaridan chetda qolmagan. Uning tarjimai holi bilan esa asosan Britaniyalik Deyl Salvak hamda Alan Davislar tadqiqot olib borganlar.

Afsuski, ushbu ajoyib yozuvchining birorta asari o'zbek tiliga tarjima qilinmagan va o'rganilmagan. Faqat sobiq sovet tarjimonlari tomonidan rus tiliga tarjima qilingan ma'lum bir asarlarinigina o'qishimiz mumkin. Yozuvchining asosiy tanqidchilari orasida N. Vaysmin alohida o'rin tutadi. U yozuvchi xaqida o'zining maqolalaridan birida “zamonaviy mavzularga oid muammoli romanlarning muallifi” deb ataydi. [1, b. 373] Ushbu maqolada Kronin merosini qayta ko'rib chiqish maqsad qilingan. Unga mashhurlik keltirgan asarlari (“Yulduzlar pastga qaraydi”, “Qo'rg'on”) bilan bir qatorda, yozuvchining axloqiy qarashlari jam bo'lgan asarlari: “Qirollik kalitlari” va “Ikki olam sarguzashtlari” haqida so'z yuritimiz.

Dastlab yozuvchining avotobiografik asari sanalagan “Ikki olam sarguzashtlari” haqida so'z yuritimiz. Asar nomidan savol tug'ilishi tabiiy: qaysi olamlarni yozuvchi nazarda tutgan? Bir qarashda hamma narsa oddiydek ko'rinadi. Kitob to'rt qismdan iborat. Birinchi qism yigitning talabalik davrini, tibbiyot universitetida o'qishini tasvirlashga bag'ishlangan. Ikkinchi va uchinchi qismlar esa tibbiyot amaliyotning boshlanishi va yosh shifokorning kasbiy rivojlanishiga bag'ishlanadi. Shifokor sog'lig'i sababli amaliyotni to'xtatishga va ishdan uzoqlashishga majbur. To'rtinchi qismda sobiq shifokorning yozuvchilik sohasiga o'tishi va bu sohada ma'lum bir yutuqlarga erishishi hikoya qilinadi. Shunday qilib kitob nomida keltirilgan ikki olam- bular birinchisi tibbiyot olami bo'lsa, ikkinchisi adabiy faoliyat olamidir. “Yozuvchining barcha o'quvchilari va tanqidchilari shunday xulosaga kelganlar”. [2, b. 188] Yozuvchining birinchi kasbi uning ijodiy faoliyatiga kuchli ta'sir ko'rsatadi: ko'plab asarlarining asosiy mavzusi tibbiyotgan bag'ishlanadi, va tabiiyki asosiy yoki ikkinchi darajali qahramonlar ham aynan shifokor kasbidagi insonlar bo'ladi. O'zi yaxshi bilgan sohada va uni eng ko'p qiynagan mavzularda ijod qilish- bu yozuvchining huquqidir. Ammo faqat uning kasbi ijodiga ta'sir etganmi? Agarda biz yozuvchining shaxsiy hayot yo'lini diqqat bilan o'rganib chiqsak, uning diniy-axloqiy qarashlari ham uning ijodiga ta'sir etmay qolmaganini ko'rishimiz mumkin. Mana shu jihatlariga ham e'tibor qaratish lozim.

Kroninning ko'plab asarlarida abadiy kurash: tashqi dunyoda va inson ichki olamidagi yaxshilik va yomonlik o'rtasidagi ziddiyat haqida so'z yuritiladi. Yozuvchi o'zining axloqiy pozitsiyasini aniq belgilab olgan: u uchun yaxshilik va yomonlik nisbiy tushunchalar emas. Postmodernism oqimi davom etayotgan bir paytda uning provaslav e'tiqodi uchun tanqid qilinganligiga qaramay, Kronin o'zining tanlagan realizm yo'nalishiga sodiq qoladi. O'zining barcha kitoblarida o'quvchilariga jiddiy uqtiradi: agarda inson ma'naviy, axloqiy tamoyillaridan o'zining moddiy foydasiga voz kechar ekan, u albatta axloqiy buzilishga uchraydi. Uning ijobiy qahramonlari doimo o'ziga ishongan, insoniyat xizmatiga doimo tayyor, va turli vasvasalar ta'siriga dosh beradilar. Bunday kamchiliklari bor bo'lgan, ammo kuchli axloqiy xususiyatga ega oddiy insonlardir. Xozir shunday xarakterlardan misollar keltiramiz.



Yozuvchining “Salibchining qabri” asaridagi bosh qahramon, rassom Stefan Desmond, ana shunday axloqiy xususiyatlarga ega qahramondir. Asarda qahramon professional jamoatchilik tomonidan tahqirlanadi va oddiy insonlar uning asarlarini tushunmay masxaralaydilar. Shunday bo’lsada, muvaffaqiyatga hamda moddiy farovonlikka erishish imkoniyatlaridan kechib bo’lsa ham, hatto oz hayotini xavf ostiga qo’yib, o’z e’tiqodiga sodiq qoladi. Yana shunday qahramonlarga biz “Yulduzlar pastga qaraydi” asaridagi shaxtyor Devid Fenvik va shaxta egasi Artur Barrasning o’g’lini kiritishimiz mumkin. Bulardan ayniqsa Artur alohida ajralib turadi: sog’lig’i zaif, yumshoq tabiatli ammo e’tiqodi o’ta mustahkam. Qo’liga qurol olishdan va odam o’ldirishdan bosh tortgani uchun ozodlikdan mahrum bo’lishini bilsa ham u o’z e’tiqodida qat’iy turadi. Qamoqxona uning sog’lig’iga putur yetkazadi, ammo ruhiga emas. Kroninga shuhrat keltirgan yana bir avtobiografik asari “Qo’rg’on”da, bosh qahramon Endryu Menson o’z amaliyotini, avvalambor, odamlarga yordam berish va ilmiy, kasbiy sohada rivojlanib, insoniyatga kasalliklarga qarshi kurashda yordam berish istagi bilan boshlaydi. Ammo, asta-sekin, moliyaviy jihatdan ustun bo’lgan hamkasblari ta’siri ostida, u ham katta daromad olishga intiladi va kambag’al bemorlarni davolashdan, ilm-fandan va amaliyot dan voz kechadi. Bundan buyon u faqat boylarni uzoq davom etadigan kasalliklardan davolab, ko’proq xaq to’lanadigan jamiyatda ishlashga o’tadi. Faqatgina bemorning o’limiga sabab bo’lgan jarrohlik amaliyoti va rafiqasining falokatli o’limi, qahramonning yo’qolib borayotgan shaxsiyatini, insoniylik axloqini qaytarib olishiga turtki bo’ladi. Asar qahramonning obrazi muallifning o’zidan olingan: Kronin ham ma’lum vaqt shon-shuhrat va boyluk orttirish vasvasasiga uchragan, ammo keyinchalik bularga qarshi o’zida kuch topa olgan.

Katta ehtimol bilan, Kronin tomonidan yaratilgan eng qiziqarli xarakter bu, “Qirollik kalitlari” asarining bosh qahramoni Frensiz ota Chisholmdir. Kitob sarlavhasi xristianlikning muqaddas kitobi Injildan olingan. Aynan shu romanda, yozuvchining diniy va axloqiy

qarashlari to'liq aks etgan. Aslida, Kroninning ijodida avtobiografik xususiyat doimo ajralib turadi va ushbu "Qirollik kalitlari" ham bundan mustasno emas. Yozuvchi va asar qahramoni kelib chiqishi orqali bir xil: ikkalasi ham katolikning kambag'al ammo baxtli nikohidan tug'ilishgan. Bolaligida Kronin diniy qarama-qarshiliklarga guvoh bo'ladi, va bu narsa keyinchalik uning ekumenik qarashlarining shakllanishiga sabab bo'ladi. Kronin o'z qahramonini qiyin taqdir bilan uchrashtiradi: bolaning ota-onasi katoliklar va protestantlar o'rtasidagi to'qnashuv natijasida halok bo'ladi. Yetim bolani uzoq qarindoshlar o'z tarbiyalariga oladilar. O'sib-ulg'aygan Frensis katolik ruhoniysiga aylanadi, keyinchalik xorijiy vakolatxonalar markazi uni Xitoyga "birinchi jasoratli vakil" sifatida yuboradi. [3, b. 187] Ruhoniyning hayoti sharafligini ammo qiyin sinovlarga to'la kechadi. Unga rasmiy lavozim berishmaydi, sababi uning yorqin shaxsiyati va o'ta individualligi cherkov vazirining "me'yor" lariga to'g'ri kelmaydi, buning o'rniga cherkov ishchilari orasida sarosimaga sabab bo'ladi. Misol tariqasida Frensis ota bilan monsignor Slit suhbatidan parcha keltiramiz:

-Ba'zi va'zlaringiz.... siz berayotgan maslahatlar...ba'zi dogmatik qarashlaringiz... u qo'lidagi marokash daftariga qaradi- xavfli ko'rinishga ega.

- Bunday bo'lishi mumkin emas!

-Yig'ilish qatnashchilariga qarab aytdingiz- "Osmon osmonda deb o'ylamang...ular shu yerda, sizning kaftingizda..... ular hamma yerda", dedi Slit sahifalarni ochib. Mana yana...bu yerda sizning Muqaddas hafta haqidagi aqlbovar qilmas so'zlaringiz – "Hamma daxriylar ham do'zaxga tushmaydi. Men u yerga duchor bo'lmagan bir kishini bilaman. Jahannam faqat Allohga qarshi turganlar uchundir".

Monsignor Slit oltin qirrali kitobini qat'iyat bilan yopdi.

-“Agar yumshoq qilib aytsak, siz qalblarni boshqarish qobiliyatingizni yo'qotgansiz”

-“Yo'q”...Ota Chisholm hayajon bilan gap boshladi, lekin keyin xotirjam davom etdi – “Men hech kimning ruhini boshqarishni xohlamayman”.

Slit yanada qizarib ketdi. U bu aqldan ozgan chol bilan diniy munozaraga kirishish niyati yo'q edi. [3, b. 16-17]

Keyinchalik, allaqachon amaliyotchi shifokor bo'lgan Kronin, mavhudlik, hayot tushunchalari darsliklar sahifalarida kelganidan ancha murakkab narsalar ekanligini anqlay boshlaydi. Va taniqli yozuvchi bo'lib mashhurlikka erishganidan so'ng, muallif o'ziga savol beradi: "Bularning barchasi nimaga arziydi?". U yana shunday yozadi: "Men hamma narsaga ega bo'lishimga qaramay, norozilik hissini boshdan kechirdim, maqsadlarim befoyda ekanligini tushunib yetdim. Bundan tashqari, men hayotimda kerak bo'lmagan narsalarga qanchalik ko'p e'tibor qaratganimni va zarur narsalarga esa oz ahamiyat berayotganimni angladim. Men shuningdek, o'z kuchimni dunyoviy behuda narsalarga sarfladim va ma'naviylikni unutib qo'ydim". [3, b. 233]

Bu yozuvchining hayotidagi keskin burilish nuqtasi, uning imonining shakllanishi va mustahkamlanishi edi. Oldin o'z asarlarida e'lon qilgan Kroninning diniy-axloqiy qarashlari endi yangi, aniqroq ovozga ega bo'lishi edi. Yozuvchining hayot va ijod yo'lini sarhisob qilganday uning qabr toshiga shunday yozilgan: "Qirollik kalitlari" ning muallifi. [2, b. 251]

Zamonaviy g'arb adabiyotshunosligi J. Kroninni xristian yozuvchis sifatida tasniflaydi. Taniqli yozuvchi va shoir Fozil Iskandar yozganidek, "barcha jiddiy rus va yevropa adabiyotlari Injilga bo'lgan izohdir". Buni Archibald Jozef Kronin butun dunyoda ko'plab kitobxonlar tomonidan

sevib o' qilgan va abadiy mavzular haqida so'z yuritadigan ushbu asari bilan, hamda bugungi kun uchun dolzarbligini yo'qotmagan boshqa barcha asarlari bilan tasdiqlaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Вайсман Н. И. А. Дж. Кронин – романист (эволюция творчества): Дис. ...канд. филол. наук / МПНИ 1966. 373.
2. Davies A. A. J. Cronin. The Man Who Created Dr Finley. L. : Alma Books, 2011.
3. КРОНИН, 2011, с. 197

#### **THE ROLE OF TEACHER PERSONALITY IN EFL**

*" A good teacher is like a candle – it consumes itself to light the way for others".*

Rashidova Feruza Rasulovna

A Teacher, Department of English Language and Literature

Namangan State University

e-mail: feruza.rashidova.uz@gmail.com

Sayfiddinova Nozima Akmal qizi

A Teacher, Department of English Language and Literature

Namangan State University

e-mail: nsayfuddinova@gmail.com

***Annotation.** This article focuses on the influence of teacher-student interpersonal engagements, namely teacher's personality and methodology on English Language Teaching student communication proficiency. The purpose of this study is to explore whether teacher's characteristics influence student's overall communication proficiency. The aims of this study were to delineate the characteristics of effective English teachers (ELT) in terms of subject matter knowledge, pedagogical knowledge, and socio affective skills.*

***Key words:** flexible approach, a caring attitude, a sense of humor, direct instruction, collaborative learning*

#### **РОЛЬ ЛИЧНОСТИ УЧИТЕЛЯ АНГЛИЙСКОМУ КАК ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ**

Рашидова Феруза Расуловна

Преподаватель кафедры Английского языка и литературы

Наманганский Государственный Университет

e-mail: feruza.rashidova.uz@gmail.com

Сайфиддинова Нозима Акмал кизи

Преподаватель кафедры Английского языка и литературы

Наманганский Государственный Университет

e-mail: nsayfuddinova@gmail.com

***Аннотация .** В этой статье основное внимание уделяется влиянию межличностного взаимодействия между учителем и учеником, а именно личности и методологии учителя, на коммуникативные навыки учеников при преподавании английского языка. Цель этого исследования - выяснить, влияют ли характеристики учителя на общение учащегося. Цели этого исследования состояли в том, чтобы очертить характеристики эффективных учителей*

английского языка (преподавание английского языка) с точки зрения знания предмета, педагогических знаний и социально-эмоциональных навыков.

**Ключевые слова:** гибкий подход, заботливое отношение, чувство юмора, прямое обучение, совместное обучение

## INGLIZ TILI DARSIDA INGLIZ TILI O'QITUVCHILARINING ROLI

Rashidova Feruza Rasulovna

Namangan Davlat Universiteti

Ingliz tili va adabiyoti kafedra o'qituvchisi

e-mail: feruza.rashidova.uz@gmail.com

Sayfiddinova Nozima Akmal qizi

Namangan Davlat Universiteti

Ingliz tili va adabiyoti kafedra o'qituvchisi

e-mail: feruza.rashidova.uz@gmail.com

Таржима назарияси фани дунёда иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўла бошлади. Мазкур фан бўйича жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзига хос мактабларга асос солинди. Жумладан, АҚШда Южин Найда, Францияда Жорж Мунен, Германияда Отто Каде, Австрияда Эрих Прунч, Болгарияда Анна Лилова, Словакияда С.Влахов ва С.Флорин ҳамда Дионаз Дюришин, Россияда Александр Фёдоров, Грузияда Гиви Гачечиладзе, Озарбайжонда Байрам Тоҳирбеков, Арманистонда Левон Мкртчян, Беларуссияда Копанев кабиларнинг мактаблари маълум. Ўзбекистонда эса бу масъулият Файбулла Саломов чекига тушди. У ўша пайтларда биринчилардан бўлиб “Таржима назариясига кириш” (1978) дарслигини яратди. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет) қошида илк бора “Таржима назарияси” кафедрасини ташкил этди. Олий таълим тизимида таржимашунослик ихтисослиги бўйича фан дастурини ишлаб чиқиб, таълим жараёнига тадбиқ қилди. У асос солган таржима мактабига хос ўзига хослик, аввало, *таржимага санъат сифатида қарашида* кўринади. Бу борада у шундай дейди:

“Таржиманинг санъат эканлигига 3та далил:

Биринчиси, таржиманинг тил соҳасидаги ижод эканлиги;

Иккинчи далил: агар бир асарни ўн киши ўтирса, уларнинг таржималари бир хил қолипдан чиққандай, бир-бирига айнан ўхшаб қолмайди; биланс жиддий фарқ қилади. Сабаби, ҳар бир таржимон – ижодкор. Бир-бирига ўхшамайдилар [1.18].

Учинчи далил шуки, айнаи бир асарни ўтирганда ҳосил бўлган бир қанча таржималар ижодкорлар мансуб бўлган мактаб, адабий анъаналар, ўтирилаётган аслиятнинг табиати, тор хусусиятлари билан бир-биридан яққол ажралиб туради [1.19].”

Файбулла Саломов таржима мактабининг яна бир муҳим жиҳати ҳар бир *аслият матнини ўгиришга нисбатан ихтисослашув тамойили* эди. У ўзининг мазкур ғоясини бадиий асарлар таржимаси мисолида кенг ва чуқур тарзда асослаб берди. Жумладан, Лев Толстой асарларига Мирзакалон Исмоилий, Антон Чехов ижодига Абдулла Қаҳҳор, Александр Пушкинга Ойбек, Уилям Шекспирга Мақсуд Шайхзода ва Жамол Камол, Чингиз Айтматовга Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров, Иоҳанн Гётега Эркин Воҳидов ва Пошали Усмон, Алегьери Дантега Абдулла Ориповларнинг оригинал ва таржимавий ижодлари услубий муштараклик касб этишини исботлаган ҳолда *таржимоннинг аслият муаллифи руҳига услубий калит топиш йўллари*ни кўрсатиб берди [3]. Бу эса ўз навбатида универсал таржимон, ҳар қандай асарни таржима қилавериш каби ноўрин урунишларга кескин зарба берди ва таржима санъати сифатини янада юқорироқ поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Файбулла Саломов асос солган таржима мактабининг яна бир муҳим қирраси унда таржимага нисбатан санъат сифатида қаралиши билан биргаликда, *бадиий таржима ҳам оригинал ижод, ватан адабиётининг муҳим ва ажралмас қисми эканлигини* асослаб берганлиги эди. Устоз ўзининг “Адабий анъанга ва бадиий таржима” [2] монографияси ва шу йилларда ҳимоя қилган докторлик диссертациясида ўзбек тилида Шекспир

асарларини таржима қилиш анъаналари таҳлили билан бадиий таржимада ҳам худди оригинал адабиётдаги каби ўзига хос анъана бўлиши мумкинлигини асослаб берганлиги эди. Бунда Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясининг Чўлпон, Шайхзода, Жамол Камол таржималари мисолида ўзбек бадиий таржимачилигида реалистик қайта яратишнинг пайдо бўлиши босқичлари, аслият ва таржима, оригинал ижод ва таржима, ватан адабиёти ва таржима адабиёти, таржима – адабий алоқа – адабий таъсир каби масалалар таҳлили асосида олдинга қўйилган мақсад ёритиб берилган. Бу борадаги Ғ.Саломов тадқиқотининг оригиналлиги шунда эдики, муаллиф таржимашуносликда илк бор бадиий таржима (Шекспир асарларининг ўзбекча таржималари) нинг пайдо бўлиши ва унинг таржима ўқувчисига, театр сахнасига, ҳаётга, истеъмолчига етиб бориш жараёни ҳам тадрижий, ҳам мавжуд анъаналар хусусиятлари билан боғланган ҳолда қиёсий-типология аснода тадқиқ қилиб берилди. Бу эса таржиманинг тил соҳасидаги ўзига хос оригинал ижод эканлигини исботлаб бериши билан биргаликда таржима тарихи, таржима танқиди муаммоларини ечишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг бетакрор жиҳатларидан яна бири жаҳон адабиётининг буюк асарларини қайта яратишда кўплаб *моҳир таржимонлар маҳоратининг* ўрганилганлигидир. Унинг “Таржима назарияси асослари” [4] номли монографиясида бу борадаги қарашлари ўз ифодасини топан. Хусусан, ўтган асрнинг 80-90 йилларида Огаҳий (Нажмиддин Комилов), Лев Пенковский (Комилжон Жўраев), Миртемир (Зухриддин Исомиддинов), Абдулла Қаҳҳор (Абсалом Умаров), Зулфия (Хуршида Маматова) кабилар унинг бевосита илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Ғайбулла Саломов таржима мактабининг кейинги ўзига хос хусусиятларидан бири *таржимага оригинал ижоднинг иккинчи умри сифатида қаралиши*дир. Бунга кўра, ўзбек таржимашунослигида илк бор жаҳон адабиётининг буюк сиймолари ижодини ўзбек тилига ўзгириш ва ўзбек адабиёти намуналарини таржима воситасида дунёга танитиш борасида тадқиқотлардир.

Муаллиф бу борада шундай деган эди:

*Буюк сўз усталарининг ижоди ҳар бир халқнинг миллий тимсоли ва гурурига айланиши баробарида, уларнинг асарлари оламшумул умуминсоний, байнамилал зоялар билан сугорилган бўлади* [1.27].

Бу борадаги тадқиқотларнинг яна бир муҳим томони бир асарнинг бир неча таржималари мисолида қиёсий типология аснода изланишлар олиб борилганлигидир. Натижада аслиятдан ўтирилган бир неча таржиманинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатлари ўрганилиши билан биргаликда таржимадаги ворисийлик масаласи ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Унинг 1982 йилда шогирди Нажмиддин Комилов билан ҳамкорликда ёзган “Дўстлик кўприклари” китобида шеърий таржима ўзига хосликлари тадқиқ қилиниб, қайта яратиш санъатидаги таржимавий методлари, аниқлик ва эркинлик масалалари тадқиқ қилинди. Хусусан, устознинг 1996 йилда Наманган ташрифи давомида “Жаҳонгашта Бобурнома” монографияси бу борадаги ишларни умулаштиришда муҳим рол ўйнади. Натижада Ғайбулла Саломовнинг бевосита илмий раҳбарлигида бу борада ҳам бир қатор докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Жумладан, “Бобурнома”нинг инглиз тилига таржималари борасида Н.Отажонов, Р.Каримов, М.Собиров, Д.Хошимова, французча таржималари бўйича С.Шукруллаева,



немисча таржималари бўйича Ғ.Хўжаевлар диссертация ёқладилар. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг немисча ва инглизча таржималари борасида З.Содиқов, Қ. Сидиқовлар диссертация ҳимоя қилган бўлсалар, Алишер Навоий асарларининг русча таржималари бўйича С.Олимов, К.Жўраевлар монографик тадқиқотлар яратдилар. Айни пайтда жаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан Гётенинг ўзбекча таржималари бўйича С.Жабборов, С.Салим, П.Усмон тадқиқотлар олиб борган бўлсалар, Шиллер ижоди бўйича Ў.Нурматов ўзининг номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бундан ташқари инглиз Жорж Байрон шеърятининг ўзбекча талқинлари борасида М.Бақоева муваффақиятли иш олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишга эришди. Шунингдек, Ғайбулла Саломов илмий раҳбарлигида Ҳамидулла Кароматовнинг буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур сиймосини таржима воситасида жаҳон адабиёти саҳнасида эътироқ этилишига оид “Христофор Марлонинг “Буюк Темур” асарининг сарчашмалари, аслияти ва ўзбекча таржимаси” номли номзодлик ҳамда “Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари” докторлик ишларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Ғайбулла Саломов таржима мактаби бутунги кунда ҳам ўз медаларини бермоқда. У ўзининг “Тил ва таржима” [5] йилда нашр эттирган монографиясида мамлакатимизда таржима ихтисослиги бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, таржимашунослик бўйича диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган Илмий кенгашлар ташкил қилиш борасида орзу қилган эди. Бутунги кунда унинг бу эзгу ниятлари амалга ошди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Бухоро давлат университетларида 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича филология фанлари докторб (DSc) ҳамда филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда мазкур соҳага оид ишларнинг барчасида ўзбек таржима мактабининг асосчиси Ғайбулла Саломов номини кўриб қувонасан киши. Устоз - шогирдлар – устозларнинг умри давомийлигидир” , - деб бежиз айтмаган экан.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Саломов Ғайбулла. Мен сув ичган дарёлар. – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1990 йил.
2. Саломов Ғайбулла. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1982 йил.
3. Саломов Ғайбулла. Таржима ташвишлари – Тошкент, 1993
4. Саломов Ғайбулла. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982 йил.
5. Саломов Ғайбулла. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966 йил.

## ТИЛ МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ САҚЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Саидова Мухаббат Шукруллаевна  
Фил.фан.ном., доц. Наманган давлат университети

**Аннотация:** Мақолада дунёнинг концептуал тасвири, тил ва инсон, ҳозирги замон миллатларининг ички олами жамият ҳамда олам тўғрисидаги тушунчаларини ифодаловчи восита сифатида талқин этилган. Шунингдек, лингвокультурология фанининг ривожланиши, тил маданий-тарихий маълумотларни сақлаш воситаси эканлиги, маданият ва тилнинг ўзаро муносабатлари масалалари атрофлича ёритилган.

**Калит сўзлар:** Маданий-миллий ўзига хослик, тил ва маданият, тил ва инсон, лингвокультурология, маданият концептлари, концептуал тасвир, шахс тили, маданият қадриятлари.

## ЯЗЫК КАК СРЕДСТВО ХРАНЕНИЯ КУЛЬТУРНО-ИСТОРИЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ.

Саидова Мухаббат Шукруллаевна  
канд.фил.наук, доц. Наманганский государственный университет

**Аннотация:** В статье освещена тема концептуальной картины мира, язык и человек, представления о мире и обществе в целом. А также анализируется истоки возникновения и пути развития науки лингвокультурологии, как средство хранения культурно- исторической информации, описывается взаимодействия языка и культуры.

**Ключевые слова:** Культурно-национальная специфика, язык и культура, лингвокультурология, концепты культуры, концептуальная картина, языковая личность, ценности культуры.

## LANGUAGE IS THE BEACON OF CULTURE

Saidova Mukhabbat Shukrullayevna,  
PhD, Associate professor, Namangan state University, Namangan,

**Brief abstract:** The article highlights the topic of the conceptual picture of the world, language and man, ideas about the world and society as a whole. It also analyzes the origins and development of the science of cultural linguistics as a means of storing cultural and historical information, describes the interaction of language and culture.

**Keywords:** Cultural and national specifics, language and culture, cultural linguistics, culture concepts, concepts picture, linguistic personality, cultural values

XXI асрда тилшуносликнинг тилни шунчаки алоқа қуроли ва тафаккур натижаси сифатида эмас, миллатнинг маданий очқичи сифатида тадқиқ этадиган соҳалари юзага келмоқда. Бу йўналишларнинг пайдо бўлишига

В.Гумбольдт, А.А.Потебня ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тамал топи қўйилган. Жумладан, В. Гумбольдт “Миллатим тилининг чегаралари менинг дунёқарашим чегараларини белгилайди”, - деб айтган эди.[1.40] Тил нафақат борлиқни

акс эттириш функциясини бажаради, шунингдек, инсон яшаётган борлиқ, муҳитни ҳам унинг онгига табдил қилиб беради. Айнан шу туфайли ҳам кейинги минг йилликда Ғарб фалсафаси тилдан фойдаланиш жараёнига асосланиб ривожланмоқда. Замонамизнинг етакчи мутафаккирларидан Н.В.Телия тилни “мавжудлик уйи” деб атаган. Шу туфайли ҳам тилшунослик ҳар қандай ижтимоий фанлар тизимида етакчи методологик мавқега эгаки, унинг ёрдамсиз маданиятни ўрганиш мумкин эмас. Мазкур ишда тилга нафақат ҳозирги замон миллатларининг ички олами, шунингдек, қадимги дунё одамларининг дунёқараши, жамият ҳамда олам тўғрисидаги тушунчаларини ифодаловчи восита сифатида талқин этилади. Аждодларнинг руҳий олами ва тушунчалари бутунги кунга қадар мақол, матал, иборалар, метафоралар- маданий белгилар орқали етиб келган.

Маълумки, инсон болалигидан бошлаб ўз миллатига хос тил ва тил орқали маданиятни ўрганиб боради. Шундагина у инсон ҳисобланади. Халқнинг нозик маданий белгилари унинг тилида акс этади. Тил инсоннинг ўзига хос ва ўзига мос атрибутларидан бўлиб, у орқали инсон ўзини ва оламни англайди. Масалан, бизга маълум бўлган *мухбир* сўзини Ҳиндистон ёки Покистонда “айғоқчи” маъносида тушунадилар.

Олам ҳақидаги ахборотларнинг катта қисми инсонга тил орқали етиб келади. Бундан келиб чиқадики, инсон тушунчалар оламида яшайди. Тушунча эса нарсани реал кўрсатмаслиги мумкин. Тушунчалар олами ақлий, руҳий ва ижтимоий эҳтиёж натижасида юзага келади. Бу оламга ахборот, табиийки, сўз орқали киради, ва инсоннинг жамиятдаги ютуқлари унинг сўздан қандай фойдалана олишига боғлиқ бўлиб қолади. Муваффақият сабаби нафақат нутқ маданияти, айниқса тилнинг сирли оламига кира олиш қобилияти билан алоқадордир.

Файласуфлар ҳаттоки бирор тушунчани ифодаловчи сўзни маъносини тўлиқ эгаллаган ҳолда моддий оламни ҳам бошқариш мумкинлигини даъво қиладилар.

Лингвокультурология тил ва маданият алоқадорлигини ўрганувчи фан бўлиб, унинг асосий мақсади – халқнинг ички олами ва маданиятини тил орқали кашф этишдир.

Нима учун айнан ибора, кўчим, тимсоллар оламига алоҳида эътибор берилади? Бунинг сабаби улар миллат тийнати (менталитети) ва маданияти ҳақидаги маълумотларнинг қимматли манбаидир. Улар мифлар, афсоналар, урф-одатларда ўзгармай сақланган бўлади.

XX аср лингвистикаси терминологик луғатига янги тушунча “Дунё тасвири” термини кириб келди. “Дунё тасвири” тушунчасини кириб келиши тилшунослик фанида янги бир саҳифани очиб берди. “Дунё тасвири” (Картина мира), бу инсонни дунёни билиш орқали юзага келадиган фаолиятининг маҳсулидир. “Дунё тасвири” тушунчасини торроқ маънода ҳам кўриб чиқиш мумкин, яъни бу алоҳида олинган фанларда йиғилган билимлар тизимининг йиғиндиси бўлиб, тарихнинг маълум бир босқичида шаклланади ва бир тарихий давр иккинчиси билан алмашини даврида ўзгариб бориб, мазкур фанлар предметини тўлиқ кўринишида юзага келади ва тўланади (“Дунёнинг биологик тасвири”, “Дунёнинг физик тасвири”, “Дунёнинг тил тасвири” в.б. тушунчаларининг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас. Бизни кўпроқ тилнинг дунёвий тасвири масаласи қизиқтиргани учун бу масалага алоҳида тўхтадик.

Замонавий тилшуносликда анъанавий равишда тилнинг дунёвий тасвири тушунчаси остида тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар йиғиндиси тушунилади.

Когнитив тилшунослиқдаги тадқиқотларда дунёнинг тил тасвири ва дунёнинг концептуал тасвири тушунчаларини фарқлаш лозимлиги қабул қилинган ва тилнинг бу тасвирлари бири-бирига мос кemasлиги ҳам тилшунослар томонидан эътироф этилган, шу билан бирга кейинги масала глобал ва кенг қамровли эканлиги ҳам алоҳида таъкидланган.

Дунёнинг концептуал тасвири маълум тарзда ташкил этилган концептлар йиғиндиси сифатида дунёнинг тил тасвирига нисбатан кенг қамровли ва бойроқ бўлиб, дунё ҳақидаги маълумотлар на фақат вербал, балки новербал ҳолатда ҳам қўлланади. Миллат тили концептуал дунёда “яшайди”. Тилдаги дунёнинг тил тасвири муҳим томонларини ўрганишда лингвокультурология вакиллари қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олади:

-дунёнинг тил тасвири тилда умуминсоний ва ўзига хос қисмларни ўз ичига олади

-дунёнинг тил тасвири тилда ҳуқуқий, диний, ахлоқий кодекслар, умум қабул қилинган соғлом фикрлаш, типик фольклор сюжетлар билан тегишли узаро бири бирига боғлиқ кўринишдаги баҳоловчи мушоҳадалар билан реконструкция қилинади

-дунёнинг тил тасвирида мазкур маданият учун янада муҳимроқ мушоҳадалар, қимматлироқ доминанталар мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндиси тилда қўлланилади ва сақланиб, маълум маданият типини ҳосил қилади

- дунёнинг тил тасвири битта тил маданияти доирасида бир кўринишда намоён бўлмайди, чунки турли ижтимоий гуруҳларда турлича қадриятлар ва маданиятлар бўлиши мумкин.

Таниқли ўзбек тилшунос олими А.Нурмонов “Тонгда ёруғлик шудринг томчиларида қандай акс этса, иборалар халқ дунёқарashi, ижтимоий тузум, ўз даври мафқурасини шундай акс эттиради”.[2, 31.] Тил сирлари инсониятнинг асосий сирларидан бири бўлиб қолади. Чунки ривоятларда Яратган инсонни “олим” деб атаб, фаришталарнинг унга бош эгишини буюрар экан, Одамнинг исмлар илмини билишини назарда тутган эди. Агар биз тил сирларини кашф эта олсак, кўплаб асрларнинг ва йўқолган билимларнинг хазинаси очилади. Бизнинг мақсадимиз – тил бирлиги ифодалайдиган маданият “бўёқ”ни кўра олишга ёрдам беришдир. Бу белги тил ички қурилишини ташқи шаклга боғлай олиш имконини беради. Мазкур илмий ёндашув (соҳа) чет эл тилшунослигида асрлар давомида тадқиқ этилаётган бўлса-да, тилни ўрганишда янги вазифалар қўймоқда, тилни тавсифлашнинг янги усуллари, тил бирликлари, тушунчалари ва қоидаларига янгича нуқтаи назарларни талаб қилмоқда.

Т. Кун муаллифлигидаги “Илмий инқилоблар структураси” асари (1962, русча таржимаси “Структура научных революций”, 1977) тадқиқотчилар олдида ёндашувга муаммолар қўйиш ва уларни ҳал қилиш мутаносиблиги модели сифатида қараш масаласини ташлади.[3,102.] Т. Кун бу йўналишга алоҳида илмий соҳа сифатида қарашни таклиф қилади. У маълум билимлар ва тадқиқот объектини (яъни тилни) тавсифловчи усулларга эга бўлиши керак. Маълумки, “тилшунослиқда (ва умуман ижтимоий фанларда) нуқтаи назарлар ўзаро алмашилиб иш кўрмайди, бироқ улар бир-бирининг устига қурилади ва бир масаланинг ичида ёнма-ён, қизиғи ўзаро дихотомияда (зидликда) мавжуд бўлади”. Анъанавий равишда фанда уч турли ёндашув бор: қиёсий-тарихий, систем-структур ва ниҳоят, антропоцентриқ. Қиёсий-тарихий усул тилшунослиқдаги илк илмий ёндашув ҳисобланади, ёхуд қиёсий-тарихий усул тилни тадқиқ этишнинг илк

маҳсус методи бўлган. XIX аср тилшунослик фани тўлалигича бу методга бўйсунтирилган эди. Систем-структур ёндашувда эса асосий эътибор предмет, нарса, номга, яъни сўзга қаратилган эди. Тилшунос олимларнинг фикрича, ҳатто учинчи минг йилликда ҳам тилни мазкур нуқтаи назардан ўрганиш мумкин экан.

Дарсликлар, илмий адабиётлар, академик грамматикалар, турли маълумотномалар шу оқимга мансуб. Мазкур йўналишдаги фундаментал тадқиқотлар нафақат ҳозирги кун, шунингдек, келасида ҳам ҳаттоки бошқа ёндашувга эга бўлган тилшунос тадқиқотчилар учун ҳам қимматли манба бўлиб қолади.

#### **Адабиётлар/ References**

1. Гумбольдт В. Язык и философия культуры.-М., 1985.
2. Нурмонов А. Лингвистик таълимотлар тарихи // Танланган асарлар. 2-жилд. 31-33-бетлар.
3. Кун Т. "Илмий инқилоблар структураси" асари. 1962. 4. Телия Н.В. Типы языковых значений. Связанное значение слов в языке.-М., 1981.
4. М. Саидова, У. Кузиев. Лингвокультурология. Наманган., 2018. 44-45 б.
5. Брагина А.А. Лексика языка и культура страны в лингвострановедческом аспекте - М., Рус. яз., 1981.
6. Верещагин Е.М. Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова - М., Рус. яз., 1980.
7. Леонтьев А.А. Национально-культурная специфика речевого поведения. - М., Наука, 1977.

### **СОЦИОЛИНГВИСТИК ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ШАКЛЛАНИШИ**

Анджон давлат университети

Р.Х. Собирова

**Аннотация:** Инсоннинг лисоний қобилияти жамият ичида шаклланади ва ривожланади. Шу жиҳатдан оламни англаш ҳамда нарса ва тушунчалар борасидаги тасаввурлардан келиб чиқиб мулоқотга киришиш жараёни, тилнинг мавжуд бўлишини ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда ўрганиш социолингвистика объектидир. Ушбу мақолада социолингвистика алоҳида фан сифатида талқин қилиниб, унинг инсоният ва жамият тараққиётидаги роли таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** социолингвистика, этносоциолингвистика, этнолингвистика, билингвизм, ижтимоий омил, ижтимоий мақом, антиномия, лексик бирлик.

### **ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ФОРМИРОВАНИЕ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИХ КОНЦЕПТОВ**

Анджонский Государственный Университет

Р.Х. Собирова

**Аннотация:** Языковая способность человека формируется и развивается в обществе. В этом отношении процесс познания и вступления в общение, исходя из представлений о вещах и понятиях, изучение существования языка в связи с социальной средой является объектом социолингвистики. В данной статье социолингвистика трактуется как отдельная наука и анализируется ее роль в развитии человечества и общества.

**Ключевые слова:** *социолингвистика, этносоциолингвистика, этнолингвистика, двуязычие, социальный фактор, социальный статус, антиномия, лексическая единица.*

## THEORETICAL FORMATION OF SOCIOLINGUISTIC CONCEPTS

Andijan State University

R.H. Sobirova

**Annotation:** *The linguistic ability of a person is formed and developed within a society. In this respect, the process of understanding the universe and entering into communication, proceeding from the imagination about things and concepts, the study of the existence of language in connection with the social environment is an object of sociolinguistic. In this article, sociolinguistics is interpreted as a separate science and is analyzed its role in the development of humanity and society.*

**Key words:** *Sociolinguistic, ethnosociolinguistic, ethnolinguistic, bilingualism, social factor, social status, antinomy, lexical unit.*

Тилшунослик илмида антропоцентрик йўналишнинг шаклланиши натижасида бошқа фанлар билан ҳамкорлик доираси кенгайиб, илгари мавжуд бўлган кўплаб лингвистик тушунчаларига қайтадан мурожаат қилиш, уларни янги ижтимоий, психологик методология ва методлар асосида баҳолаш зарурияти пайдо бўлди. Шу жараён билан боғлиқ равишда прагматингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика каби тилшунослик фани йўналишлари шаклланди.

Янгича тушунчаларнинг кириб келиши сўзловчи ва тингловчи нутқининг ўзига хос хусусияти, ўзаро муносабати, маълум шарт-шароит ва ижтимоий омилар таъсирининг аҳамиятини таҳлил қилиш заруриятини юзага келтирди. Тил бирликларининг нутқий воқеланиш муҳити ва вазияти, шахс билан муносабати томонига эътибор кучайиши натижасида тил ташувчиларининг социал хосланишига эътибор қаратила бошланди.

Маълумки, муайян бир тилда сўзлашувчи жамиятнинг социал гуруҳланиши турли мақомлар асосида таркиб топиб, ҳар қайси гуруҳнинг ўзига хос лингвистик белгилари мавжуддир. Тилнинг ана шу жиҳатларини тадқиқ қилиш эҳтиёжи социолингвистика бўлимининг шаклланишига олиб келди. Фаннинг асосий мақсади инсонларнинг тилдан фойдаланишларида ижтимоий муҳитнинг ўрни ва шу тил фаолият кўрсатаётган жамиятдаги ўзгаришлар тил тараққиётига нечоғлиқ таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборат. Шу боис тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ишлаш қонуниятлари борасида фикр юритилганда, инсоннинг пайдо бўлиши, жамият ривож, меҳнатнинг роли, инсон тафаккурининг иштироки тўғри хулоса чиқаришга асос бўлиши алоҳида таъкидланади”[1.6].

Ижтимоий нуқтаи назардан тилнинг яхлит бўлмаганлиги узоқ вақтдан тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Бу тўғрисида гувоҳлик берадиган биринчи ёзма қузатувлардан бири XVII асрнинг бошларига тўғри келади. Испаниядаги Саламанка университети ўқитувчиси Гонсало де Корреас тилнинг ижтимоий белгиларини аниқ кўрсатиб берди: “Шуни таъкидлаш керакки, бир тилда муайян ҳудудларда мавжуд бўлган лаҳжалардан ташқари қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг тил хусусиятлари ҳам

фарқланади. Ўз навбатида улар оддий одамлар, зиёлилар, мухташам жаноблар ва амалдорлар, олимлар, кексалар, аёллар ва хатто кичкина болалар тил хусусиятларига бўлинади” [2.9].

Тилшунослик ҳодисаларининг ижтимоий муҳит билан боғлиқлигини ҳисобга оладиган лингвистик тадқиқотлар асримиз бошларида Франция, Россия ва Чехия давлатларида интенсивлик билан олиб борилди. Америка Қўшма Штатларидагига қараганда бошқа илмий анъаналар ушбу мамлакатларда тилнинг ижтимоий институтлар ва жамият эволюцияси билан боғлиқлигини ўрганиш “соф” тилшуносликдан тубдан ажратиб бўлмайдиган вазиятга олиб келди. “Тил фақат инсоният жамиятида мумкин бўлганлиги сабабли, ақлий томондан ташқари унинг ижтимоий томонларини ҳам эътиборга олишимиз зарур.

Тил билан халқ ўртасидаги муносабатлар, тил фаолияти ва тараққиётида лингвистик ҳамда этник омилларнинг ўзаро таъсирини этнолингвистика ўрганади. Социолингвистиканинг нутқни ҳам лисоний, ҳам этник-этнографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этувчи тармоғи бу этносоциолингвистикадир. “Миллий ўзига хослик негизда этник пойдевор ётади. Бу бевосита тил ҳодисаларига ҳам хосдир. Модомики, тил миллий-маданий мажмуа экан, бу мажмуа тарихий шаклланиш ва ривожланиш тамойилларига мослиги билан характерланади. Тилнинг тарихий тараққиёт босқичлари маданий тараққиёт босқичлари билан уйғун кечади” [3.87-88].

Социолингвистика – бу тил, инсоният ва жамият билан чамбарчас бўлган, тилдан жамиятда фойдаланиш ҳамда у боғлиқ бўлган масалаларни ўрганувчи фандир. Социолингвистика – социология ва тилшуносликнинг бирлашиши натижасида пайдо бўлганлиги аниқ. Бироқ бу тан олишнинг ўзи саволга жавоб бермайди. Бу фанда қайси бири бирламчи – социология ёки тилшуносликми? Бунда ким иштирок этмоқда – профессионал социологлар ёки профессионал тилшунослар? Шу ерда “социолингвистика” атамасини биринчи бўлиб ишлатган олим социолог бўлганлигини эслаш жоиз.

Социолингвистлар социологлардан кўп усулларни, масалан, оммавий сўров, анкета, оғзаки сўров ва интервью олиш усулларини олишган. Улар бу усуллардан тилни ўрганишда фойдаланадилар, улар асосида лингвистик фактлар ва она тилида сўзлашувчилар билан ишлашнинг методологик усуллари ишлаб чиқилмоқда. Социолингвистиканинг фанлараро табиати кўплаб олимлар томонидан тан олинган. 1960 йилларда социолингвистика кенг тарқалган фанлараро ривожланиш сифатида шакллана бошлади. Ҳар бир тил маълум бир маданият акси бўлиб, чуқур маданий негизга эга. Социолингвистика – бу тилни ижтимоий ва маданий омиллар билан уйғунлашган ҳолда ўрганувчи фандир. У тил, маданият ва мулоқотнинг ижтимоий функциялари ўртасидаги муносабатни тадқиқот мақсади деб билади. Социолингвистика тилнинг мавжуд бўлишининг ижтимоий шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган бир тармоғидир. Ижтимоий шароит деганда биз тил амалда вужудга келадиган ташқи шароитлар мажмуини тушунамиз: 1) ушбу тилдан фойдаланадиган одамлар жамияти,

2) ушбу жамиятнинг ижтимоий тузилиши, 3) ижтимоий мақоми, 4) маданияти, 5) таълим даражаси, 6) яшаш жойи, 7) яшаш жойидаги фарқлар [4].

Мулоқот ҳолатига кўра инсонлар нутқидаги фарқларни кузатиш мумкин. Социолингвистика тилнинг табиати ва ижтимоий вазифаларини ўрганиш билан бирга у

тилшуносликнинг тилнинг яшаши ва ижтимоий тараққиёти шароитларини ўрганади. Бугунги кунда социолингвистик вазиятларни тадқиқ қилиш, кузатиш объектларининг конкретлиги билан турли экспериментлар ўтказиш орқали кузатиш, текшириш, аниқликлар киритиш имкониятининг мавжудлиги методологик аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон лисоний материалларини синхрон тадқиқ қилишда жуда аниқлик билан социолингвистик таҳлилининг предмети ва бирликларини аниқлаш, тадқиқот жараёнини аввалдан белгилаб олиш, уларни тасвирлаш моделларини ишлаб чиқиш, илгари сурилган концепция ва назарияларнинг тушунарлилик даражасини аниқлаш, уларга оид аниқ терминологик базани яратиш мумкин. Айнан ана шулар орқали бошқа, биздан анча узоқ бўлган даврлардаги тил тараққиётининг хронологик тасвирларини ўрганиш ва улардан диахронологик тадқиқотлар учун фойдаланиш мумкин.

Социология жамиятдаги турли ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқасини, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирни ҳамда кишиларнинг ижтимоий хатти-ҳаракати умумий қонуниятлари ва элементларини ўрганади. Социология хилма-хил илмий методлар ёрдамида мавжуд ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиб уларнинг ривожланиш тенденцияларини олдиндан кўра билиши билан идеал жамиятлар тўғрисидаги ҳаёлий назариялардан тубдан фарқ қилади. Социология ўз тадқиқотлари натижаларидан социал жараёнларни бошқаришда фойдаланади. Социология иш олиб боришига кўра фарқ қилади. Бу фарқ фалсафий характерда бўлиб, унда муайян синф манфаати ифодаланади. Синфий манфаат конкрет тадқиқот объекти ва методика танлашда, шунингдек социологиянинг шахс ва жамият ҳақидаги бошқа фанлар билан ўзаро муносабатига ҳам таъсир кўрсатади. Лингвистик эволюциянинг ижтимоий ҳолати ҳақидаги ғоя мутлақо янги эмас. Бу аксиомадан келиб чиқадики, ҳар қайси тил ижтимоий ҳодиса ҳисобланади ва агар шундай бўлса, табиийки, тилнинг ривожланиши мутлақо автоном бўлмайди. У қандайдир даражада жамиятнинг ривожланишига боғлиқ. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар тилдаги ўзгаришга қандай таъсир қилади, бу таъсир механизми нима?

Е.Д.Поливанов асарларида (1920 - йиллар) жамиятнинг тилга таъсири тўғридан тўғри рўй бермайди: ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар тил эволюцияси жараёнини тезлаштириши ёки сусайтириши мумкин, аммо унинг хусусиятига ва йўналишига таъсир этмайди деган фикр илгари сурилди. Йўналиш - бу тилнинг ички қонуниятлари билан белгиланади. 1960 йилларда Е.Д.Поливанов концепциясини ишлаб чиқишда М.В.Панов тил антиномиялари назариясини таклиф қилди - доимий равишда қарама- қарши бўлган тенденциялар, уларнинг кураши тил ривожланишининг ҳаракатлантирувчи омилдир. Антиномияларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: а) сўзловчи ва тингловчи антиномияси; б) тизим ва меъёр; в) мунтазамлик ва экспрессивлик[5].

Тил ривожланишининг ҳар бир босқичида антиномиялар бир-бирига зид бўлган тамойилларнинг фойдасига ҳал қилинади, бу эса янги қарама- қаршилиқларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва ҳоказо антиномияларни якуний ҳал қилиш имконсиз, бу – тил ўз тараққиётида тўхтади деган маънони англатади. Бутун тил тизимини қамраб олган антиномиялардан фарқли ўлароқ, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир кучи бир хил эмас. Турли хил лисоний аҳамиятга эга глобал даражалар тил тизимининг барча сатҳларида ишлайди, маълум даражада ривожланишни белгилайди. Глобал ижтимоий омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади: а) она тили доирасини ўзгартириш; б)



таълимни тарқатиш; в) одамларнинг ҳудудий ҳаракатлари – миграция; г) янги давлатчиликни яратиш; д) илм - фан ривож; е) йирик техник янгиликлар ва ихтиролар (масалан: матбаа, радио, телевидение, компьютерлаштириш)[4].

Ушбу омилларнинг ҳар бир инсон ҳаётига кириб, тилга таъсир этиши борасида баҳслашишга ҳожат йўқ.

Тил ҳодисаларидаги миллий-маданий яхлитлик ҳақида фикр юритар экан, тилшунос В.Г.Гак миллий ва маданий унсурларни фарқлаш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича, тилларни қиёслаш жараёнида миллий хусусиятлар очилади. Буни “фақат миллий хусусиятлар очилади” тарзида тушуниш ярамайди. Чунки тилларни қиёслаш жараёнида маданий хусусиятлар ҳам очилади. Демак, олимнинг фикрини миллий хусусиятларни аниқлаш учун тилларни қиёслаш омили етарли деган мазмунда тушуниш лозим деб ўйлаймиз. Бундан эса маданий хусусиятларни аниқлаш учун фақат тилларнинг қиёслаш етарли эмас, маданиятларни ҳам қиёслаш зарурлиги англашилади. Маданият тушунчаси тил тушунчасидан кенгроқ ва кўламдорроқ бўлгани сабабли маданий концептлар моҳияти миллий тил ва маданиятлар қиёси натижасида очилади[3.87-88].

Тўғри, масалан, миллий ҳодисалар табиий ва маданий кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Шундай миллий ҳодисалар мавжудки, улар кўпроқ бир халқ ҳаёти турмуш тарзи билан дахлдор бўлиб, миллий-жўғрофий аҳамиятга молик бўлади. Масалан, денгизбўйи халқлари учун миллий таомлар орасида балиқ маҳсулотлари кўпроқ аҳамиятга эга. Европа халқлари учун ўрмон ана шундай табиий миллий ҳодиса ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва турмуш тарзида полиз маҳсулотлари ана шундай миллий моҳиятга эга. Рус халқи учун қовуннинг нари борса бир-икки тури маълум бўлса, ўзбек халқи унинг 500 га яқин турини фарқлайди. Демак, айтиш мумкинки, маданиятдан ҳоли соф миллийлик маданий ёндашувдан ҳолилиги билан характерланади. Миллий ҳодисаларнинг тилдаги соф миллий ифодаларида ҳам шу ҳолат ўз аксини топади. Масаланинг муҳим томони шундаки, на мутлақ миллий, на мутлақ маданий ҳодисани топиш мумкин. Уларни ажратиш, ақлий йўл билан улар орасига чегара қўйиш мумкин, холос. Мисол сифатида кавуш сўзининг изоҳли луғатдаги талқинига эътибор қаратайлик:

**Кавуш** - оёқ кийими, бошмоқ. Чармдан тикилган ва, одатда, махси билан кийиладиган оёқ кийими. Отабек кавушини даҳлизга ечди-да, уй бўйига бир-икки қайта юрди ва энтиқиб нафас олди. (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”).

**Кавуши тўғри бўлмоқ** – Қувилмоқ, ҳайдалмоқ. Чорламаган жойга бориш учун сенинг қовушинг кўчада қолган эмас. (А.Қодирий. “Ўткан кунлар”).

**Кавушинг тўғри** - Жўнай бер, йўқол. Кавушини тўғрилаб қўймоқ. Бировни ҳайдаб юбормоқ, қувиб юбормоқ. Йўқол, кўзимга кўринма деб, шу заҳотиёқ кавушини тўғрилаб қўйиши мумкин. (А.Мухтор. “Туғилиш”).

**Кавушандоз** - Уйнинг оёқ кийими ечиб қўйиладиган махсус ери, даҳлиз. Домулло ғулдираб бир нави дуо қилди-да, кавушандозга тушиб калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди. (Ҳ.Ғуллом “Машғал”).

**Кавушдўз** - кавуш тикувчи, этиқдўз, кавуш тикадиган косиб. Калиш кавушдўз косибларнинг ва вофурушларнинг бозорини касод қилган эди. А.Қаҳҳор. “Кўшчинор чироқлари”).

**Кавушдўзлик** - Кавушдўз касби, кавушдўзлик қиммоқ. Бирор касб-ҳунар билан кулолчилик ёки кавушдўзлик билан машғул бўлувчилар ҳам анчагина. (Ойбек. “Навоий”).

**Кавушчан** - Яланг оёққа фақат кавушнинг ўзини кийган[6].

Инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган позицияларнинг ҳар бири маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий мақом деб аталади. Биз туғилган пайгимизда оладиган жинс, миллат, irq ва шу кабиларни социологлар аталган мақомлар дейишади. Кейинчалик маълум бир мақомга эга бўламиз ( катта аканинг ҳолати – оилада иккинчи ўғил туғилганида, катта ёшдаги мақом маълум бир ёшга етгандан кейин). Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириш орқали талаба мақоми, мусобақада ғолиб чиқиш орқали чемпионлик мақоми, никоҳ орқали эр-хотинлик мақоми – булар соғиб олинган деб номланади. Белгиланган ҳолатларнинг моҳияти шундаки, улар инсонга ўз хоҳиш-истакларига қўшимча равишда автоматик тарзда берилади ва қоида бўйича бутун умри давомида унга ҳамроҳ бўлади.

Шахснинг истак-хоҳишига кўра қўшимча равишда мақомлар ҳам бўлиши мумкин, масалан: ҳарбий шахс мақоми. Баъзи мақомлар олинган ва берилган хусусиятларни бирлаштиради: бир киши диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун кўп куч сарфлайди, натижада олинган даража ҳаёт учун қолади. Яна бир мисол - жинсий ҳолат: бу суд буйруғи билан белгиланади, лекин шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида олинади. Баъзи ҳолатлар вазиятга боғлиқ равишда қисқа муддатли характерга эга: трамвай йуловчиси, новвойхонада харидор, касаба уюшмаси йиғилишида ёки илмий конференцияда нутқ сўзлаган киши. Ушбу ҳолатлар аксариятининг аҳамияти уларнинг даврий янгилиниши билан мустаҳкамланади. Ижтимоий мавқе шахснинг жамиятдаги бошқа аъзолар билан муносабатини, унинг турли хил ижтимоий иерархияларга нисбатан доимий ёки вақтинча мавқеини белгилайди. Ҳар қандай мақом ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва тегишли норматив хатти-ҳаракатларни англатади. Талаба ҳолати дарсларда бўлиш, имтиҳонлар топшириш, амалиёт ўташ, университет кутубхоналаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқаларни билдиради. Ўқитувчи ҳолати тегишли интизомдаги компетенция, маълум педагогик маҳорат, илмий тадқиқот фаолияти, кафедра йиғилишларида қатнашиш ва бошқалар. У ёки бу ижтимоий мавқега эга бўлган кишидан бошқалар ушбу мақомга мос келадиган маълум бир хатти-ҳаракатни кутишади. Умумий қабул қилинган тахминларнинг бундай тўпламига ижтимоий роль дейилади, бир нечта роль битта мақомга мос келиши мумкин: масалан, талабалар, ҳамкасблар, кафедра мудир, университет маъмурияти ва техник ходимларнинг университет ўқитувчисига бўлган муносабатлари турлича.

Битта ҳолатга “боғланган” ролларга “роллар тўплами” дейилади. Ушбу жамият учун характерли бўлган кўплаб ролларда тилда махсус белгилар мавжуд: ота, турмаш ўртоғи, ўғил, синфдош, кўшни, ўқитувчи, харидор, мижоз, йиғилиш раиси ва бошқалар. Жамиятнинг барча катта ёшдаги аъзолари ушбу ролларнинг ҳар бирини ижро этишда инсоннинг хатти-ҳаракатларидан нимани кутиш кераклигини яхши билишади. Муайян ижтимоий ролнинг типик ижроси намоёнликлари стереотипларга қўшилади, роль ўйнаш ҳаракатларининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Стереотиплар тажриба, хулқ-атворни характерловчи роль белгиларининг тез-тез такрорланиши, гапириш, ҳаракат қилиш, кийиниш ва ҳоказолар асосида шаклланади. Тилда хатто у ёки бу

ижтимоий ролда бўлган одамнинг типик нутқий фаолияти ҳақидаги фикрларимизни акс эттирадиган турғун иборалар мавжуд: прокурордек оҳангда, бозордек шовқин, ўқитувчидек гапиради, хафа бўлган ўқувчи оҳанги каби.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хайруллаев Х.З. Умумий тилшунослик . Самарқанд, 2007. - Б. 6
2. Запорожец, М.Н. Социоллингвистика : электронное учеб. пособие / М.Н. Запорожец. – Тольятти: Изд-во ТГУ, 2014. – 1 электрон. опт. диск. С.9
3. Рустамов Д.А. Тил бирликларида миллий ва маданий компонентлар. Андижон, “Илмий хабарнома”, 2017/2. - Б 87-88
4. Лапина В.Е. Методика формирования социоллингвистической компетенции на материале аудиотекстов (английски йязуқ, йазуқовийвуз). дисс...канд.пед.наук. Москва, 2010 г. <https://www.disscat.com/content>
5. Харченкова Л. И. Этнокультурные и социоллингвистические факторы в обучении русскому языку как иностранному. дисс. док. пед. наук. [http: / www.dissertat.com.content](http://www.dissertat.com/content)
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 - жид. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006 й. – Б.339

**ТИЛ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕТОДИДА ЯНГИ СЎЗЛАРНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САБАБЛАРИ**

Исмоилова Феруза Ахматжоновна  
Фарғона политехника институти  
“Тилларни ўргатиш” кафедраси ўқитувчиси  
e-mail: f.ismoilova@ferpi.uz

**Аннотация:** Ушбу мақола тилшунослар учун қизиқ бўлган тил ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг муаммоларига бағишланган, чунки тилшунослик субъект сифатида шаклланган. Бу, хусусан, Фердинанд де Соссюр, Маҳмуд Қошғарий, У. Вайнрах, И.К. каби буюк олимларнинг лингвистик концепсиясида ўз ифодасини топган. Овчиннокова ва бошқалар қиёсий тарихий тилшуносликнинг ташаббускорлари ўзлаштирилган сўзларга икки хил ёндошишди: 1) кундалик ҳаётда ишлатиладиган турли хил нарсалар мавжуд, улар ҳаётга сингиб кетади. 2) буюк олимлар она тилида мавжуд бўлган баъзи сўзлар ўрнига бошқа тиллардан сўзларни ишлатишни нотўғри деб ҳисоблашади.

**Калит сўзлар:** Қарз олиш, тилшунослик, қиёсий-тарихий, ташаббускор, Форс, Араб, Форс-Тожиқ, хон, Турк, ижтимоий асос, қарз олиш, номувофиқлик ва этарлилик.

**ЯЗЫКОВОЕ СОБЫТИЕ - ВНУТРЕННИЕ И ВНЕШНИЕ ПРИЧИНЫ НОВЫХ СЛОВ В ИННОВАЦИОННОМ СПОСОБЕ ОБУЧЕНИЯ**

Исмоилова Феруза Ахматжоновна  
Ферганский политехнический институт  
Преподаватель кафедры Обучения языкам  
e-mail: f.ismoilova@ferpi.uz

**Аннотация:** Статъя посвящена проблемам во взаимоотношениях языка и общества, которые вызывают интерес у лингвистов, поскольку лингвистика сформировалась как предмет. Это, в частности, выразилось в лингвистической концепции таких великих ученых, как Фердинанд де Соссюр, Махмуд Кошгарий, У. Вайнрах, И.К. Овчинникова и др. Инициаторы сравнительно-исторического языкознания подошли к заимствованным словам двояко: 1) есть разные вещи, которые используются в повседневной жизни, они впитаны в жизнь. 2) великие ученые считают ошибочным использование слов из других языков вместо некоторых слов, имеющихся в родном языке.

**Ключевые слова:** заимствовать, лингвистика, сравнительно-исторический, инициатор, Персидский, Арабский, Персидско-Таджикский, Ханский, Турецкий, социальная база, заимствования, несоответствие и адекватность.

## LINGUISTIC EVENT- INTERNAL AND EXTERNAL REASONS OF NEW WORDS IN INNOVATIVE WAY OF TEACHING

Ismoilova Feruza Axmatjonovna

Fergana Polytechnic Institute

Department of Teaching Languages, teacher

e-mail: f.ismoilova@ferpi.uz

**Annotation:** The article is devoted to the problems in attitude between language and society make linguists interested since linguistics took shape as a subject. It, particularly, was expressed in linguistic conception of great scholars such as Ferdinand de Sossyur, Makhmud Koshg'ariy, U. Vaynrakh, I.K.Ovchinnokova, etc. The initiators of comparative-historical linguistics approached to borrowed words in two ways: 1) there are different things used on a daily basis, they have been absorbed to life. 2) the great scholars regard as a mistake usage of words from other languages instead of some words which are available in native language.

**Key words:** to borrow, linguistics, comparative-historical, an initiator, Persian, Arabic, Persian-Tajik, khanate, Turkish, social base, borrowings, inadequacy and adequacy.

Language is a social event, which develops together with society. So the problems in attitude between language and society make linguists interested since linguistics took shape as a subject. It, particularly, was expressed in linguistic conception of Ferdinand de Sossyur. In his opinion, language is "social base of ability in making speech", the system of linguistic signs as a social wealth for people who are native speaker in a certain language.

Language can not develop separated from other language, "each language, usually, consists of inclusion of various lexical factors".

The initiator of comparative-historical linguistics Makhmud Koshg'ariy approached to borrowed words in two ways:

1) There are different things used on a daily basis, they have been absorbed to life. If there is, no word to call them it is possible to get this kind of words from neighboring countries.

2) The great scholar regards as a mistake usage of words from other languages instead of some words, which are available in native language. In that case, we should not utilize some Arabic words like "scientist", "book", "woman" instead of some Turkish words such as (belgi, bitig, urag'ut) [5,6].

There are two main sources of enrichment vocabulary: the first and basic one is internal opportunities and the second one is borrowings. Inadequacy and adequacy of borrowings is related to the historical development of language. F.Abdullayev also confirmed that inadequacy or adequacy of borrowings is related to stylistic character of work and the features of genre.

The ways of borrowing words from other languages to another language might be different: direct and indirect, that is to say the first way is occurred immediately and the second one is occurred in favor of another language.

There are two reasons coming into language-borrowed words that is one of the sources in enrichment of vocabulary: internal and external reasons. Connections among countries, nations as well as languages are external cause, while expressing conceptions more clearly, expressing some words briefly and conceptions in accordance with nature of preference for short forms, and completing the polesymous event in words are internal cause [4,5].

Initially, although borrowed words were characterized as a neologism their strange elements disappeared because of obeying exceptive language rules.

The next step of lexical development in our language is related to independence period. Some reformation in each fields of society, international, cultural, economic, political connections open new ways certain changes of language, development of language. The most important thing is that it is increased to come into our language terms from different language. Learning world languages gets to know their national-cultural habits and borrowing of conception and word related their customs enriches the vocabulary of our language.

It is admitted that XXI century will be regarded as a century of information, technical development and great changes. Actually, news becomes common within a short time the needs for this kind of information in our community leads to the changes of lexical structure in each language to some extent. It is not expected that current neologisms come into our language easily and become common for people in usage.

The international dependence and proximity in modern technology does not allow us to express this kind of concepts which our own words. There are some kinds of words that meanings of them are noted (flesh, Coca-Cola). Nowadays modern technological words are becoming international words worldwide.

«Baburname» is a unique example of the memoir genre, which is great importance as a historical and artistic work in world literature as well. This work is an encyclopedic source that including of different areas of science. In this regard, the great memorial work is a unique source of giving valuable information to world scholars in all fields, exploring the history of Uzbek people's literary-cultural relations with other nations around the world and promoting their culture. The fact that «Baburname» was translated into 16 national languages. Defining of pragmatic and linguo-cultural aspects of «Baburname» and problems of adequate translation of descriptive means are considered one of the topical issues of translation studies.

At present studying and researching the manuscripts and translation of «Baburname» in literary process of world literature attracts the orientologists and specialists of translation studies all over the world. Scientific research of the issues like the content and ideological aspects of translations, its creative individual, individual method of the writer, his literay mastery enabled to define the peculiarities of developing literature and evaluate by world specialists of Babur studies. Researches are being carried out in the directions of pragmatic and linguo-cultural

peculiarities of the «Baburname» texts and working out the principles of translation of classical literature patterns [1,3].

Literature and spirituality become the issue of government policy level in wide-range reforms carried out in our country. In the time when interrelations between the countries of the world in various spheres is developing further, one of the criterion which defines the appearance of each nation is to study fiction and translation which is the main factor to increase one's knowledge about people's mode of life, spiritual values and spiritual state. In order to give an incentive to scientific research literature criticism and translation studies were defined as a priority direction in the State Programme on Strategy Actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan and it had additional possibilities to develop innovative activities and expand scientific investigation in those spheres. The mentioned strategic tasks require doing profound research in the field of translation studies as well.

Zahiriddin Muhammad Babur in his «Baburname» did not just depict the description of cities, towns, villages, details of events, fighting; he expressed them by the help of artistic descriptive means. By this he achieved comprehension of the fiction by a reader. Especially, the representatives of state government system – wazirs (ministers), beks, historical persons, writers, specialists in study of literature, musicians, horse-riders, artists and others' portraits, features of the character. He revived in animating the heroes in front of the reader by the efficient use of descriptive means [2,3].

Detailed information about six historical people was given in «Baburname». They are: Umarshaikh Mirza, Sultan Ahmad Mirza, Sultan Mahmud Mirza, Khisravshah, Boysunqur Mirza and Husain Bayqaro.

For example, underlined that Babur Sultan Ahmad Mirza was a tall, strong man. Along with it, he stressed that he used to grow chin beard and it gave an important look. The author used the epithet «танбал» to describe both of them (his father and Sultan Ahmad Mirza) and it has the following meaning in «Навоий асарлари луғати» (Dictionary of Navoi's Works) «ТАНБАЛ» – ф. 1. Ялқов, дангаса; 2. Маж. Семиз, лўппи», тавсифланган. To our opinion, the first meaning of the word «танбал» in the dictionary do not justify to be used for both of them. Because it was not probable that a high ranked skilled military person who was lazy-natured enthroned in the period when Babur lived. Apparently, these two people described with the epithet lazy by Babur were broad-shouldered, stout and strong.

By describing Sultan Mahmud's social and state governing activity briefly, Babur facilitated this hero's portrait being brighter and more detailed. For example: by saying «мажлис ва бахшиш ва шилон ва девони бисёр яхши эди. Барчаси қоида ва тузуки била эди» Babur gave rise to appear reader's imagination about a hero and it was enriched by one more important feature of his portrait. The word «бахшиш» interpreted as «бериш, эҳсон этиш, мурувват» in the explanatory. Babur expressed (Бобур «Султон Маҳмуд Мирзо мурувватли, қўли очик, дастурхони тўкин-сочин киши эди») «Sultan Mahmud Mirza was merciful, with open-hand and abundance of table» by a brief and realistically one capacious word «бахшиш». Foreign specialist in Babur studies U.Erskin also underlined this point: «If Babur speaks of a person, he used to describe his appearance, the way he wears clothes, taste and habits that by such real details we feel as if we saw him in real life and live together with him» [3, 5].

Along with this, Babur gives information but short about each hero. Zunnun Arghun's image is distinct among other amirs' images in «Baburname». «Мардона киши эди. Султон Абусаид Мирзо қошида эканликларида яхши қиличлар чопқондур». The fact that Zunnun Arghun was courageous and good at using a sword the author depicts it by the epithet «мардона киши».

In depicting wazirs' character Babur widely uses descriptive means such as epithet, simile and comparison. The very aspect facilitates the process of artistic perception of the reader. Izzat Sultan writes the following about it: «Descriptive means such as epithet, simile, metaphor, metonymy, hyperbole are also perform certain task in making literary works (fiction) complete from artistic point of view. By the help of such special means, writers manage to characterize some features of things and phenomena they describe precisely and briefly. In describing every event, a writer shows the quality of it in certain condition».

Ko'rinib turibdiki, har soatiga masofa 10 kmga oshib boryapti.

1-masala; Poyezd A shahardan B shaharga tomon 60km/soat tezlik bilan yo'l oldi.

U tezligini har soatda 5 km/soatga oshirib 4 soat yo'l yurgandan so'ng manzilga yetib bordi. A va B shaharlar orasidagi masofa qanchaga teng.

Ushbu masalani modellashtirish yo'li orqali tushintiramiz




Modellashtirish usulida berilgan berilgan masalalar bolalarning diqqatini o'ziga jalb etadi, qiziqishini orttiradi hamda masalani yechishga "majbur etadi".

Mavzuning maqsadi o'quvchi fizika fanini o'rganishdan oldin ya'ni, boshlang'ich sinfdayoq fizika haqida tasavvurga ega bo'ladi.


Masalaning qiyinchilik darajasini oshiramiz.

2-masala; A shahardan mototseklda 20km/soat bilan B shahar tomon harakatlanmoqda. B shahardan Matiz avtomobili 60km/soat tezlik bilan A shahar tomon bir vaqtda harakatini boshladi. Mototsiklchi tezligini har soatda 2km/soatga Matiz avtomobili esa 10km/soatga oshirib bordi. Harakar boshlangandan so'ng 3soat o'tgach oralaridagi masofa 75km qoldi. A va B shaharlar orasida masofa topilsin.



**Masala:** A shahardan Spark avtomobili 60km/soat tezlik bilan , B shahardan Damas avtomobili 50km/soat tezlik bilan bir biriga tomon harakatlana boshladi. Ikki shahar orasidagi masofa 300km. Ular tezligini har soatda 10km/soatga oshirib borgan bo'lsa, 2 soatdan so'ng ular orasidagi masofa nechaga teng?

Ushbu masalani modellashtirilgan ko'rinishi bilan tanishtiramiz;






Yechish; Spark --  $60+(60+10)=130$ ;  
 Damas--  $50+(50+10)=110$ ;  
 Spark+Damas --  $130+110=240$ ;  
 Jami masofa-(Spark+Damas)--  $300-240=60\text{km}$


Javob; 60km masofa qoladi.

Tekis sekinlashuvchan masalalarni ham shu usulda bersak o'quvchilarga tushinarli hamda qiziqarli bo'libgina qolmay mantiqiy fikr yuritish, mustaqil tasavvur qilish ko'nikmalari ham shakllanadi.

**Masala:** Ikki shahar orasidagi masofa 500km. Ikki shahardan bir biriga qarab ikki mashina yo'lga chiqdi. Birinchi mashinaning tezligi 80km/soat, ikkinchi mashinaning tezligi esa 70km/soat. Ular tezligini har soatda 5kmga pasaytirib borgan bo'lsa, 3 soatdan so'ng ular orasidagi masofa qanchaga teng.




Ushbu masalalarni savolini o'zgartirish ham juda oson kechadi. Bu o'qituvchidan vaqtining tejilishiga yordam beradi.masalan yuqoridagi masala modulidan bir belgining joyi o'zgartirilsa, masala mazmuni ham o'zgarib ketadi.



**7-rasm**

Chizmadan masalaning sharti o'zgartirigani ko'rinib turibdi. Ushbu chizma orqali ikki shahar orasidagi masofa nomalumligi ko'rsatilgan.

Chizmadan ko'rinib turibdiki ushbu chizmadan harakat qarama-qarshi ekanligi ko'rinib turibdi



?

### **8-rasm**

Ushbu modulga quydagicha masala tuzish mumkin bo'ladi;

A shahardan bir vaqtda qarama qarshi yo'nalishda ikki mashina yolga chiqdi. Birinchi mashinaning tezligi 80km/soat ikkinchi mashinaning tezligi 70km/soat. Ylar tezligini har soatda 5kmga oshirib borsa, bir soatdan keyin ular orasidagi masofa necha km ga teng bo'ladi? Ikki soatdan keyinchi...

Biz ushbu maqola orfqli o'quvchilarga boshlang'ich sinfligidayoq fizikaviy tasavvurlarni uyg'ota olshdir.

Fizik jismlar deb, tabiatda uchraydigan barcha jismlarga aytiladi. Masalan: quyosh, yulduzlar, sayyoralar, toshlar, idishdagi suv, xonadagi havo va h.k. Jismlar sistemasi deb, ayrim fi zik hodisalar xuddi bitta jismdagidek namoyon bo'ladigan jismlar to'plamiga aytiladi. Masalan, avtomobilning harakati. Bunda avtomobilning barcha qismlari vaqt davomida ma'lum yo'l o'tadi.[3.5]Shunday qilib, zamonaviy fizik materiya harakatining turli fizik shakllarini, ularning o'zaro bir-biriga aylanishi shuningdek, modda va maydon xossalarini o'rgatadi.

Fizika yunoncha "physis"-tabiat degan so'zdan olingan bo'lib,tabiatshunoslik degan ma'noni bildiradi.Fizika fanini (kitobini) birinchi bo'lib qadimda yunon mutafakkiri Aristotil (eramizdan avvalgi 384-322 yil) o'zining 8 tomli kitobida bayon etgan. Fizik hodisalar deb, moddani tashkil etgan zarralar o'zgarmay qolgan holda sodir bo'ladigan hodisalarga aytiladi. Masalan, toshning tushishi, g'ildirakning aylanishi, suvning qaynashi va muzlashi, ko'mir yonganda issiqlik chiqishi, lampochkadan yorug'lik chiqishi, radiodan ovoz chiqishi kabi jarayonlarda uni tashkil etgan zarralarning ichki tuzilishi o'zgarmay qoladi.

Texnika va tabiatdagi yangi-yangi hodisalarning kashf qilinishi va ularning amalda qo'llanilishi natijasida fizikadan fizik-ximya,astrofizika,geofizika,biofizika va hakoza shu kabi mustaqil fanlar ajralib chiqadi.

Asrimiz fizikasining katta yutuqlaridan biri-kosmosni o'rganish natijasida yuzaga kelgan kosmofizika fanidir.

Boshlang'ich ta'lim tizimida o'quvchi fizika fanini o'rganishdan oldin ya'ni, boshlang'ich sinflidayoq fizika fani haqida tasavvur hosil qilish mazmuni va mohiyatini asoslash orqali amaliyotga tadbiq etishga doir ilmiy-metodik tavsiyalar ishlab chiqish.

I-IV sinflarga matematikani o'rgatishning asosiy vazifasi bo'lgan ta'lim tarbiyaviy masalalarni hal qilishda ulardagi matematika kursi bo'yicha qanday darajadagi tayorgarligiga bog'liq. [4.8]

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori 07.05.2020 y. N PQ-4708 "Matematika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida Prezident qarori".
- 2.N.U. BEKMAYEVA, E. YANGABAYEVA, K. M. GIRFANOVA. MATEMATIKA .Umumiy o'rta talim maktabining 4-sinflari uchun darslik „O'QITUVCHI“ NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI TOSHKENT-2017
- 3.N.SH.TURDIYEV. FIZIKKA 6-sinflar uchun darslik. TOSHKENT-2017

4. M.E.JUMAYEV. Z.G'.TADJIYEVA .Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. "Fan va tehnologiya " TOSHKENT.

### **JISMONIY YUKLAMA BERISHDA O'QUVCHILAR ORGANIZMI XUSUSIYATLARINI INOBATGA OLISH IMKONIYATLARI**

Arabboyev Qahramon Tohirjonovich  
Qo'qon davlat pedagogika institute

*Annotatsiya* Ushbu maqolada umumta'lim maktablari jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida o'quvchilarning jismoniy, ruhiy funksional imkoniyatlarini hisobga olgan yuklama berish masalalari yoritilgan. Shuningdek, soha mutaxassislari ushbu muammo yuzasidan bildirilgan fikrlarini amaliyotga tatbiq etish natijalari tahlil qilingan.

*Kalitso'zlar:* jismoniy yuklama, yuklama me'yori, aerob imkoniyat, o'zlashtirish, mustahkamlash, takomillashtirish, fiziologikko'rsatkichlar.

### **OPPORTUNITIES TO TAKE INTO ACCOUNT THE CHARACTERISTICS OF THE ORGANISM OF STUDENTS WHEN GIVING A PHYSICAL LOAD**

Arabboyev Qahramon Tohirjonovich  
Kokand state pedagogical institute

*Annotation* Pupils' physical, mental, functional possibilities are illuminatiol at PI occupations in the public education and giving particle problems in that article. As such, ideas that speciality specialists are given and results putting into practice are analysed.

*Key words:* exercise stress, load dosing, aerobic opportunities, mastering, fixing, improvement, physiological indicators.

### **ВАРИАНТЫ УЧЕТА ОСОБЕННОСТЕЙ ОРГАНИЗМА УЧАЩИХСЯ ПРИ ФИЗИЧЕСКОЙ НАГРУЗКЕ**

Араббоев Кахрамон Тохиржонович  
Кокандский Государственный педагогический институт

*Аннотация* В данной статье освещены вопросы распределения нагрузок с учетом физических, психологических и функциональных возможностей учащихся общеобразовательных школ на занятиях физического воспитания. Авторы изучили и на практике опробовали методики ведущих специалистов в области физического воспитание и спорта и на этой основе дают рекомендации методического характера.

*Ключевые слова:* физическая нагрузка, дозирование нагрузки, аэробные возможности, освоение, закрепление, совершенствование, физиологические показатели.

Yurtimizda sog'lom avlodni kamol toptirish, ta'lim-tarbiya berishning asta-sekin muvaffaqiyatli amalga oshirilishi, jamiyatning rivojlanishida muhim ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy vazifalaridan biri bo'lib xizmat qiladi.

Davlatimizning jismoniy tarbiya va sportga bo'lgan e'tibori ham maqtovga loyiq. Jismoniy tarbiya va sportga davlat siyosati darajasida e'tibor berilishi jismoniy tarbiya va sport

hodimlari oldiga katta vazifalar qo'yib, jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish o'quvchilarning sog'lig'ini mustahkamlash, jismoniy tayyorgarligini oshirish, mehnat va Vatan mudofaasiga tayyorlash uchun katta xizmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" da belgilanishicha kadrlar tayyorlash sohasida davlat siyosati uzluksiz ta'lim tizimi orqali har tomonlama intellektual, ma'naviy va axloqiy barkamol shaxs –fuqoroni shakllantirishga yo'naltirilgan.

O'quvchi yoshlarning sog'lig'ini saqlash va mustahkamlash, ularning jismoniy kamolotga erishishida jismoniy tarbiyaga bo'lgan ehtiyojini shakllantirish o'quv muassasalarining ulug'vor vazifalaridir. Ularning individual jismoniy va funksional qobiliyatlariga mos holda optimal jismoniy yuklama bilan mas'ulotlarni tashkil etish zarurdir.

Olimlarimiz tomonidan olib borilgan ilmiy ishlar tahlili shuni ko'rsatadiki, jismoniy yuklamani me'yorlashda pedagogik va fiziologik tomonlar o'rtasida o'zaro bog'liqlik mavjud.

Jismoniy yuklama berish natijasida organizmda kechadigan o'zgarishlar barcha fiziologik tizimlarga ta'sir ko'rsatadi. Maktab yoshidagi bolalarning morfologik va funksional shakllanish dinamikasi murakkab va ko'p qirralidir.[1] Bolalar va o'smirlarning sog'lig'i bir qator omillar ta'siri natijasida shakllanadi. Bu ko'proq ijtimoiy iqtisodiy sharoitga bog'liq. Masalan ilm fan taraqqiy etgan sari yashash sharoitining, iqlimning o'garishi natijasida bolalar va o'smirlarda akseleratsiyaning vujudga kelishi, xususan, o'smirlarda bo'y uzunligining 10 sm.ga ortishi kabilar.

Soha mutaxassislarining fikricha, xalq sog'lig'i ilmiy asoslangan jismoniy tarbiya tizimi borasida bo'lib aholining hamma qatlamlarini o'z ichiga oladi; ilk bolalikdan boshlab jismoniy rivojlanishda va ish qobiliyatlarining takomillashishida pedagogik nazoratni talab qiladi. Xususan, jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyotiga oid adabiyotlarda jismoniy tarbiya tizimining olti bo'g'inga ajratilishida ham yuqoridagi fikrlar o'z isbotini topgan. [2,3]

Jismoniy tarbiya vositalarini tanlashda shug'ullanuvchilarning yoshi, jinsi va tayyorgarligini hisobga olish zarur. Xususan, Xalq ta'limi vazirligi tomonidan tasdiqlangan Davlat Ta'lim Standartlarida ham o'quvchilarning yoshi ortgan sari o'quv mezonlari va sinov ko'rsatkichlarining me'vori ham ortib boradi.

Olib borilgan amaliy ishlarimiz natijasida yuklamani chegaralash va ilmiy asoslashda tekshiriluvchining funksional imkoniyatlarini hisobga olgan holda quyidagi 3 holat bo'yicha yondashish mumkinligini ko'rdik.

1. Alohida fiziologik ko'rsatkichlar – yurak qon tomir urishi (YQTU), kislorod talabi, o'pka ventilyatsiyasini hisobga olgan holda jismoniy yuklamani me'yorlash. Ya'ni yuklamaning ichki ko'rsatkichlarini hisobga olish. Ko'plab jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyotiga oid adabiyotlarda YQTU jismoniy yuklamani boshqarishda optimal usul ekanligi ta'kidlangan.

2. Harakatni maksimal tezligiga bog'liq holda jismoniy yuklama shiddatini me'yorlash. Shiddat qancha yuqori bo'lsahajm shuncha past bo'ladi.

3. Organizmning maksimal energiya imkoniyatlaridan kelib chiqib yuklama shiddatini me'yorlash.

Ma'lumki, yengil ishlarda energiya sarfi tinch holatga nisbatan almashinuv darajasidan 3 barobar ko'p, og'ir ishlarda energiya sarfi asosiy almashinuv darajasidan 3-6 barobar oshadi.

Sekin harakat qilayotganda (siljish tezligi kam bo'lganda) kam energiya sarflanib, kislorodga bo'lgan ehtiyoj organizmning aerob imkoniyatlaridan kam bo'lib, iste'mol

qilinayotgan kislorod ehtiyojni to'la qoplaydi. Agar shug'ullanuvchi tezroq harakat qilsa, kritik tezlikka erishadi, bu vaqtda kislorodga bo'lgan ehtiyoj uning aerob imkoniyatiga teng bo'ladi. Kritik tezlikdan ham yuqori tezlik yuqori kritik tezlik deyiladi. Yuqori kritik zonasida energetik mexanizmlarning kam effektivligi tufayli kislorodga bo'lgan ehtiyoj harakat tezligiga qaraganda ancha tez o'sib boradi. Kislorodga bo'lgan ehtiyoj tahminan tezlik kubiga proporsional ortadi.

Shu bois yuklama hajmini aniqlashda har bir o'quvchining funksional imkoniyatidan kelib chiqish, o'quvchilar jismoniy ish qobiliyati o'rtasida farq borligini, hisobga olish lozim. Shu nuqtai nazardan shug'ullanuvchining maksimum aerob imkoniyatlaridan kelib chiqib yuklama hajmi aniqlanadi.

Olimlar tomonidan yengil atletikada rekord yugurishlarning davom etishi va tezligi o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni tekshirib 4ta quvvatdagi pog'onaga ajratadi.

1. Maksimal quvvatdagi pog'ona (mashq bajarish 20-30 soniya)
2. Submaksimal quvvatdagi pog'ona (20-30 soniyadan 3-5 daqiqagacha)
3. Katta quvvatdagi pog'ona (3-5 daqiqadan 30-40 daqiqagacha)
4. Sust quvvatdagi pog'ona (40 daqiqadan ko'p)

O'sib kelayotgan yosh organizmning rivojlanishi va takomillashishida jismoniy mashqlar muhim ahamiyatga ega. O'smirlilik yoshidagi yetarli jismoniy yuklama organizmdagi ko'p jarayonlarning rivojlanishini muvofiqlashtiradi.

Amaliy ishlar tahlilishuni ko'rsatadiki, o'smirlilik davri harakat sifatlarini uyg'un rivojlanishi uchun har tomonlama gormonik, morfofunktsional jihatdan qulay davrdir.

Olimlarning ta'kidlashicha, zamonaviy maktab o'quvchisi harakat komolotiga erishish uchun darslarda va sinfdan tashqari o'tiladigan mashg'ulotlarda ma'lum hajmda jismoniy yuklama bajarib, harakat faolligini oshirish lozim. Agarda minimal jismoniy yuklama bajarilmasa harakat va vegetativ tizimlarda sifatli takomillashish yuzaga kelmaydi.[4]

Zatsiorskiy [3] yuklamani me'yorlashda 5 ta asosiy tamoyillarni hisobga olishni tavsiya qiladi.

1. Mashqlarning davom etishi;
2. Shiddati;
3. Mashqlar oralig'ida dam olishning davom etishi;
4. Dam olish xarekteri (dam olish pauzasini boshqa faoliyatlar bilan to'ldirish )
5. Mashqlarni takrorlash soni.

Har xil biologik yoshdagi maktab o'quvchilari uchun yuklamani me'yorlash uslubiyoti zamonaviy sharoitda muhim amaliy ahamiyatga ega, va shu asosda ma'lumotlarni aniqlash, ishlab chiqish zarur, aks holda o'quvchilarning sog'lig'i yosh o'tish bilan yomonlashadi. M. J. Lamark fikricha, «tizimli va muntazam ravishda mashq qildirilgan organ asta-sekinlik bilan rivojlanadi, o'sadi, mashq qildirilmagani o'z qobiliyatini susaytiradi va xususiyatini yo'qotib boradi».[2]

Joriy yilning sentyabr-oktyabr oylarida pedagogik kuzatishimiz natijalari, maktab jismoniy-tarbiya darslarida maksimal yuklama har doim ham berilavermasligi, shuning uchun o'quvchilarni maxsus tayyorlov mashqlari orqali jadal maksimal natijalarga erishishga zaruriyat yo'qligi, biroq nazorat me'yorlari qabul qilinsa, trenirovka mashg'ulotlari uchun chigal yozish mashqlarini o'tkazish zarurligini ko'rsatadi. Chunki darslarda berilgan yuklama bilan nazorat mezonlari o'rtasida ancha farq bor. Masalan, amaliyot davomida 7-sinf qizlarida

4×10 m ga moksimon yugurishdan sinov olinganda o'rtacha hisobda natija 11,15 sek bo'lgan. Lekin DTS da eng kam ko'rsatkich uchun 11,5 sek natija kerak.

Maktab o'quvchilarida ham harakat sifatlarini rivojlantirishda ma'lum ketma-ketlikka rioya qilish lozim.

1. Alaktatli anaerobli (tezkor-kuch) keyin anaerobli mashqlar (umumiy chidamlilik mashqlari).

2. Alaktat anaerobli, aerobli mashqlar (umumiy chidamlilik mashqlari).

3. Anaerobli glikolitik (kichik hajmda), keyin aerob mashqlar qo'llaniladi.

Mashqlar boshqacha olib borilsa, ijobiy natijaga erishib bo'lmaydi.

Kuch va harakat tezkorligining rivojlanishi uchun yuqori jadallikdagi mashqlardan foydalanish to'g'risida ma'lumotlar bor. Lekin bolalar uchun organizmning ichki qismida bo'ladigan davomiy o'zgarishlarni yaratish maqsadga muvofiq. Ularning yuklamani yaxshi ko'tara olmasligi, yuqori ta'sirchanligi, sut kislotasining to'planib qolishi kuzatilgan. [1]

Jismoniy mashqlarni bajara olish bir tomondan, shug'ullanuvchilarning imkoniyatlariga bog'liq, ikkinchi tomondan ularning o'zlari uchun xos bo'lgan xususiyatlariga, biror bir mashqni bajarish paytida sodir bo'ladigan ob'ektiv qiyinchiliklarga bog'liq. Ana shu ikki omilning (imkoniyat va qiyinchilik) bir- biriga to'la muvofiq kelishi bajara olishning optimal me'yorini ifoda etadi.

Olimlar tomonidan jismoniy mashqlar tabaqalashtirilgan, xususan, jismoniy mashqlar bajarilganda ulardan biri mushak massasining hajmiga bog'liq ravishda tabaqalashtiriladi.

1. Lokal mashqlarni amalga oshirishda organizmdagi mushaklarning kamida 1/3 qismi ishtirok etadi. (Qo'l bilan bajariladigan dinamik va statik harakatlarning aniqligi)

2. Regional ish bajarilganda tana mushaklarining 30-50% ishga kirishadi (gavda, oyoq, qo'l, yuqori yelka bo'g'imlarida bajariladigan ishlar)

3. Global ish bajarilganda tanadagi 50% mushak massasi ishtirok etadi (faol yurish, yugurish v.b)

Mashqlar ketma-ket berilishi va ularning bir-biriga aloqadorligi organizmga 3xil ta'sir ko'rsatadi.

A) Ijobiy (siljishni kuchaytiradi)

B) Salbiy (siljishni pasaytiradi)

C) Neytral (siljishga kam ta'sir qiladi) [1]

Bu vaziyatlarda bajariladigan mashqlar ketma-ketligini noto'g'ri tanlash organizmga mutlaqo qarama-qarshi ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Organizmga yuklama berishning chegarasi jismoniy-tarbiya darslarida darsning tipiga qarab aniqlanadi. O'rgatish tipidagi darslarda nerv va muskul sistemasining uyg'unligiga e'tibor beramiz, bunday tipdagi darslarda vegetativ sistemaga ta'sir yuqori emas. Takomillashtirish va mustahkamlash tipidagi darslarda esa jismoniy yuklamani oshirish uchu sharoit yaratamiz.

Yuklamaning qanchalik darajada yuqoriligi organizmning tiklanish jarayonlarida o'z ifodasini topadi. Kichik va o'rta yuklamadan so'ng organizmda sodir bo'ladigan o'zgarishlar bir necha o'n daqiqa yoki soat davom etadi. Ko'p yuklamada 3-8 kun va undan ham uzoq davom etadigan o'zgarishlarga olib kelishi mumkin. Masalan kuch va tezkorlik sifatlariga berilgan yuklamalardan so'ng tiklanish jarayoni nisbatan qisqa, chidamlilik uchun berilgan

yuklamalardan so'ng esa nisbatan uzoqroq vaqt kerak bo'ladi. Bundan xulosa qilish mumkinki, ishning qancha davom etishiga bog'liq ravishda tiklanish jarayoni turli xil bo'ladi.

Ko'pchilik tadqiqotchilar organizmga beriladigan jismoniy yuklamaning ta'sirini baholashda YQTUning turli turkumlarini tavsiya qiladi. R.S Salomov va A.T Sodiqovlarning tavsiyasi 5 pog'onadan iborat bo'lib, ko'proq jismoniy-tarbiya darslarida qo'llaniladi.

1. Mashqlarni bajarish shiddati sust bo'lgan pog'ona (YQTU bir daqiqada 100-120 marta)
2. Mashqlarni bajarish shiddati kichik bo'lgan pog'ona (YQTU bir daqiqada 130-160 marta tahminan maksimaldan 50%)
3. Mashqlarni bajarish shiddati katta bo'lgan pog'ona (YQTU bir daqiqada 150-170 marta maksimaldan tahminan 70%)
4. Mashqlarni bajarish shiddati submaksimal bo'lgan pog'ona tahminan 80%)
5. Mashqlarni bajarish shiddati maksimal bo'lgan pog'ona maksimaldan 100% ni tashkil qiladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, o'z me'yorida berilgan yuklama bolalar organizmiga ijobiy ta'sir qiladi. Yuklama me'yorida berilganda bolalar va o'smirlarning yurak-qon tomir urishi tizimi ko'rsatkichlari har xil sport turlari mashg'ulotlarida ishonchli ravishda yaxshilanadi, organizmning barcha sistemalari faoliyati ham takomillashadi. Jismoniy tarbiya darslarining samaradorligi ham aynan shunda namoyon bo'ladi.

#### **Foydalaniladigan adabiyotlar ro'yxati:**

1. A.T. Sodiqov. 1-4 sinflarda jismoniy yuklamani me'yorlash. Dissertatsiya. Toshkent-1996.
2. A. Abdullayev. Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti. 1-jild. Farg'ona -2017.
3. A. Abdullayev. Sh Xonkeldiyev Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti. Toshkent-2005.
4. K.Azimov. K. Sobitov. Sport fiziologiyasi . Darslik. Toshkent-1993.

#### **BOLALARNI DASTURLASHGA BO'LGAN LAYOQATINI ANIQLASH**

Bahromova Muhayyo Mansurjon qizi

Namangan Davlat Universiteti, Informatika kafedrasida o'qituvchisi

Tel.:934954263

email: [muhayyo405@mail.ru](mailto:muhayyo405@mail.ru)

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada kelajak kasbi deya e'tirof etilayotgan, bugunning eng serdaromad sohalaridan biri bo'lgan dasturlash sohasiga bo'lgan qiziqishni bolalarda qanchalik erta aniqlanishi hamda rivojlanishiga e'tibor berilishi, ertaga shunchalik kuchli dasturchining paydo bo'lishiga olib kelishi haqida yoritilgan. Bolalarda dasturlashga bo'lgan qiziqishni aniqlashning samarali usullari ko'rib chiqilgan.*

***Kalit so'zlar:** Dastur, sinov, bola, tushuncha, dunyoqarash, ong, rivojlanish, layoqat, texnika, xotira.*

#### **ОПРЕДЕЛЕНИЕ СООТВЕТСТВИЯ ДЕТЯМ ДЛЯ ПРОГРАММИРОВАНИЯ**

Баҳромова Муҳайё Мансуржон қизи

Наманганского государственного университета,

Преподаватель кафедры информатики

Tel.:934954263

email: [muhayyo405@mail.ru](mailto:muhayyo405@mail.ru)

**Аннотация:** В этой статье обсуждается раннее выявление и развитие интереса к программированию, одной из самых прибыльных областей сегодняшнего дня, которая признана будущей профессией, ведущей к появлению такого сильного программиста завтра. Рассмотрены эффективные способы определения интереса детей к программированию.

**Ключевые слова:** программа, тест, ребенок, концепция, мировоззрение, разум, развитие, способности, техника, память.

## DETERMINATION OF CHILDREN'S APPROPRIATE FOR PROGRAMMING

Bahromova Muhayyo Mansurjon qizi

Namangan State University, Lecturer of computer science department

Tel.:934954263

email: [muhayyo405@mail.ru](mailto:muhayyo405@mail.ru)

**Annotation:** This article discusses the early detection and development of interest in programming, one of the most lucrative fields of today, which is recognized as the future profession, leading to the emergence of such a strong programmer tomorrow. Effective ways to determine children's interest in programming are considered.

**Keywords:** Program, test, child, concept, worldview, mind, development, ability, technique, memory.

**Kirish.** Insoniyat o'zligini anglabdiki, farzandini yoshligidan biror hunarga o'rgatish, uni biror kasbga qiziqtirishga katta e'tibor bergan. Ayniqsa, bu sharqona mentalitetga xos bo'lib, tarbiyaning muhim uzviy qismi deb bilingan. Ota-bobolarimiz tomonidan bolaning o'zini tutishi, jismoniy rivojlanishi, xarakteridan kelib chiqib uni u yoki bu kasbga yo'naltirilgan. Tobora taraqqiylashib borayotgan ayni zamonda esa, dasturlash sohasi kelajak kasbiga aylanib ulgurdi. Bolalarni dasurlashga bo'lgan qiziqishini o'z vaqtida aniqlab unga sayqal berish, yoki maqsadsiz bo'lib ko'ringanlarni bugunning eng serdaromad sohasi sifatida dasturlashga yo'naltirish hozirgi dolzarb masalalardan biridir. Chunki, O'zbekistonda IT (Informatsion texnologiyalar) sohasidagi mutaxassislariga ehtiyoj juda yuqori.

Dunyoda hammaning biror-bir ishga qobiliyati bor. Bir bola rasmni yaxshi chizsa, boshqasi yaxshi kuylaydi. Ko'pchilik ota-onalarni farzandlarining qobiliyati, unda rivojlantirish kerak bo'lgan xususiyat bor yoki yo'qligi qiziqtiradi. Odatda maktabga borgunga qadar bolaning nimalarni afzal ko'rishi shakllanib bo'ladi, ammo boshlang'ich sinflarda, hatto undan kattaroq yoshda ham bolaning qobiliyati yuzaga chiqishi mumkin. Kattalar ko'proq san'at sohasiga, chet tillarini o'rgatishga adabiyot va tasviriy san'at sohasidagi ijodiy qobiliyatga ahamiyat beradilar. Bolaning sinovlar o'tkazishga moyilligiga, tashkiliy va yetakchilik qobiliyatlariga kamdan-kam e'tibor beriladi. Ko'pincha bu sohadagi ijodkorlik kattalar tomonidan rag'batlantirilmaydi va bola sho'x, to'polonchi sifatida qabul qilinadi. Har bir bola iste'dodli bo'ladi, ularni esa qo'llab-quvvatlash va qobiliyatini rivojlantirish kerak. Ularning qobiliyatlari qaysi sohaga yo'nalganligini o'z vaqtida aniqlab, uni rivojlantirish ota-ona zimmasidagi muhim vazifalardan biri bo'lib hisoblanadi.

**asosiy qism.** Iqtidorli bolalar tengdoshlariga qaraganda aqliy qobiliyatlari yuqori va intellektual, jismoniy, ijodiy yoki boshqa qobiliyatlari bilan ajralib turadi. Ularni turli usullardan foydalangan holda diqqat bilan kuzatib aniqlash mumkin.



Fan-texnika hamda tibbiyot rivojlangan ayni zamonda bola qobiliyatini aniqlashning qator usullari bor. Masalan, bolaning barmoq izlari orqali. Olimlar uzoq yillar davomida olib borilgan ilmiy izlanishlari natijasida bolaning tug`ma qobiliyatini uning barmoq izlari orqali bilish mumkin degan xulosaga keldilar. Insonning genetik xususiyatlari, noyob biometrik ma`lumotlari ushbu izlarga yashiringan bo`lib, u chaqaloqda ona qornidagi rivojlanish davrida shakllanadi. U inson umri davomida o`zgarmaydi va boshqa birovda takrorlanmaydi. Umuman, inson terisi va barmoq izlarining shakllanishi uning asab tizimi bilan birgalikda bir kurtakdan rivojlanadi. Shuning uchun ham u insonning fiziologik hamda psixologik xususiyatlarining o`zaro bog`liqligini ko`rsatuvchi mustahkam genetik asos bo`la oladi. Bunda barmoq uchlaridagi chiziqlar o`ta muhim ahamiyat kasb etadi. E`tiborli tomoni shundaki, inson terisi hatto kuyib qolgan taqdirda ham teri sog`ayib, aynan eski chiziqlari holatida qayta tiklanadi. Shu sababli, insonning barmoqlaridagi chiziqlari kombinatsiyalaridan organizmning barcha tizimlari faoliyatining o`ziga xosliklari haqida xulosa qilsa bo`ladi. Shundan kelib chiqib 5-10 yoshli bolalarni genetik testdan o`tkazish foydalidir<sup>19</sup>.

Ota-onalar o`zlarining farzandlari imkoniyatlari haqida, ularni kuzatish orqali ham osonlikcha tasavvurga ega bo`lishlari mumkin. Buning uchun bolaga o`yinlar tanlovini taqdim etiladi. Bola qanday rol o`ynashni yaxshi ko`rishiga diqqat qilinadi. Bolaning ijodiy salohiyatini, uning hissiy va ruhiy holatini o`rganish uchun esa "Mavjud bo`lmagan hayvon" usulidan ham foydalanish mumkin. Shuningdek, bola bilan birgalikda faoliyat olib borish shubhasiz, ijodiy faollikni va iste`dodni rivojlantiradi.

Bolaning intellektual rivojlanish darajasini turli psixologik testlar yordamida ham aniqlash mumkin. Bunday testlar orasida eng samaralilaridan biri bu Wexler testidir. Wexler testi asosan tibbiyotda insonning ruhiy holatini aniqlash, uning natijasi bo`yicha davolash usulini tanlash uchun ishlatiladi. Biroq Wexler-5 versiyasi aynan bolaning iqtidorini aniqlashga qaratilgan.

Shuningdek, Gildfordning bolalar ijodiyoti sinovlari, 5 yoshdan oshgan bolalarda og`zaki ijodiy fikrlash va qobiliyatlarni baholash uchun mo`ljallangan sinovlar, S.Rimm tomonidan iste`dod va qiziqishlarni aniqlash uchun taklif qilingan sinov, T.Ruki tomonidan ijodiy yo`nalishni aniqlash uchun yaratilgan Pensilvaniya testi kabilar turli xil qobiliyatlarni ochib beradi. Psixologlar va o`qituvchilar boshqa testlar va so`rovnomalardan foydalanishlari yoki o`z usullarini yaratishlari ham mumkin.<sup>20</sup>

Iqtidorli bolalarning ajralib turadigan ba`zi xususiyatlari:

- Katta so`z boyligi. Ular juda yoshligidan gapira boshlaydi
- Barcha ma`lumotlarni tezda eslab qolish, ko`p savol berish
- Mustahkam xotira, mavjud bilimlardan foydalanish qulayligi
- Juda qiziquvchanlik, obyektlarga osongina uzoq vaqt diqqatni jamlash
- Keng dunyoqarash, dunyoda sodir bo`ladigan barcha narsalarga qiziqish
- Muammoni hal qilishga qiziqish, ko`pincha savoldan to`g`ridan-to`g`ri yechimga o`tiladi va oraliq bosqichlar e`tiborga olinmaydi
- G`ayrioddiy tasavvur

<sup>19</sup> <http://www.testolog.uz/newws/189>

<sup>20</sup> <https://ikid.uz/bola-qobiliyatini-aniqlash-testi/>

- O'qish qobiliyatining erta paydo bo'lishi
- Kuchli his-tuyg'u, o'ziga xos fikr, o'ziga xos hazil tuyg'uga ega bo'lish
- Odatiylikni yoqtirmaslik

Taqdim etilgan xususiyatlardan birining namoyon bo'lishi bolani qobiliyatli deb hisoblashga asos bo'lmaydi, ammo unga diqqat bilan qarashga majbur qiladi. Iqtidorli bolalarni to'g'ri tarbiyalash - ularning iqtidorini, ko'nikma va bilimlarini yanada oshirish imkoniyatini imkon qadar ko'proq ochib beradi. Ma'lumki, turli xil nazariyalarga muvofiq yaratilgan bir necha o'nlab ilmiy qobiliyatlar mavjud. Tushunchalarning xilma-xilligi turli iste'dodlarning tabiatlari ham murakkab ekanligini aks ettiradi. Bu esa, iste'dodning namoyon bo'lishi uchun barcha umumiy standartlar va rivojlanish strategiyasini ishlab chiqishning mumkin emasligidan dalolat beradi. Bolaning umumiy aqliy darajasi va maxsus qobiliyatlarining o'rtasidagi jiddiy tafovutlar tez-tez uchrab turadi. Psixologlar va o'qituvchilarning kuzatuvlariga ko'ra, iqtidorli bolalarni o'qitish va tarbiyalashda ularning qobiliyatlarini, shuningdek, ularning ijtimoiy moslashuvini har tomonlama rivojlantirish uchun imkoniyat berish muhimdir, chunki nostandart, o'ziga xosligi va tengdoshlaridan farqlari tufayli ular ko'pincha boshqalar bilan muloqotda jiddiy qiyinchiliklarga duch kelishadi.

Yuqoridagi usullar bolaning qobiliyati qaysi sohaga yo'nalganligini 70-80 foizga aniqlashga yordam beradi. Ular orasida dasturlashga layoqati bo'lgan bolalar alohida ajralib turadi. Ularning boshqarishga moyilligi, shuningdek natijasini ko'z-ko'z qilishni istamasligi e'tiborli jihatlardandir. Bo'lajak dasturchilarning turli IQ testi natijalari ham 90-100 foizga yaqin bo'ladi. Ularda matematika, xususan logikaga bo'lgan qiziqish tabiiy hisoblanadi. Ular barcha sohada tengdoshlaridan oldinda bo'ladi. Quyidagicha alohida rivojlanish xususiyatlariga ega:

- ✓ Materialni individual sur'atlarda o'zlashtirishi
- ✓ O'ziga xos va nostandart yechimlarni taklif qilishi
- ✓ Vazifalarni tengdoshlaridan ko'ra qiziqroq amalga oshirishi
- ✓ Noodatiy kun tartibiga moyilligi

Psixologlarning fikriga ko'ra iqtidorli bolalar yuqori o'qish qobiliyati hamda yaxshi baholarga ega bo'lishadi. Ular ko'pincha qiziquvchan, faol va o'zlarini qiziqtirgan har qanday savolga javob topa oladigan bolalar sifatida ajralib turadi. Faqat bu qiziqishga o'z vaqtida javob berib to'g'ri yo'naltirish kerak. Shu o'rinda, boladagi tug'ma qobiliyatlarning har biri ham ijobiy ma'no kasb etavermaydi. Ota-onalar shuni e'tiborsiz qoldirmasliklari kerakki, bolaning kelajagi uchun salbiy ta'sir ko'rsatuvchi qobiliyatlar ham mavjud. Bunday qobiliyatga ega bolalar o'zlarining tengdoshlariga qarshi noan'anaviy fikrlashlari va hayotiy vazifalarni g'ayrioddiy qo'llashlari bilan ajralib turishadi. Qobiliyat shu yo'sinda o'sib borsa, bunday odamlarni daho sifatida emas, balki isyonchi sifatida ko'rish mumkin. Va ko'pincha ular bu isyon uchun mahkum bo'lishadi. Ba'zida bunday rivojlanishga bola tomonidan berilgan savollarning doimiy javobsiz qolishi hamda e'tiborsiz qoldirilgan harakatlar olib keladi. Kichik bir yondashuv bilan qobiliyat bola uchun sovg'aga aylanishi mumkin. Va yoki aksincha, uning hayotiga xavf tug'dirishgacha olib keluvchi sabab ham o'zining qobiliyati bo'lishi mumkin. Ota-bobolarimiz tomonidan bejizga bola tarbiyasini nozik masala sifatida qaralmagan. Demak, urushqoq va to'polonchi bolani daho sifatida tarbiyalash mumkin edi. Lekin, hech qachon kech bo'lmaydi. Faqat yoshga qarab ta'lim va tarbiya berish metodi o'zgaradi xolos.

Hozirda, iqtidorli bolalarni aniqlash, o'qitish va qo'llab-quvvatlash ko'plab mamlakatlarda maxsus ishlab chiqilgan davlat dasturlari orqali amalga oshiriladi. Iqtidorli bola

har qanday oilada, uning a'zolarining maqomi va ijtimoiy mavqeyidan, moddiy va mulkiy boyligidan qat'iy nazar tug'ilishi mumkin.<sup>21</sup> Iqtidorli bolalar intensiv va doimiy pedagogik yordamning yetishmasligi tufayli yuqori yutuqlarni namoyish qila olmaydilar. Ular bosim, tazyiq, baqiriqlarga toqat qilmaydi va bu muammoga olib kelishi mumkin. Bunday bolada sabr-toqat, qat'iyatlilik va tirishqoqlikni tarbiyalash qiyin. Ular vaqt va makonni bemalol boshqarishlari, kengaytirilgan o'quv dasturiga muvofiq o'qishlari va o'qituvchidan individual g'amxo'rlik va e'tiborni his qilishlari kerak. Agar iqtidorli bolaga vazifani bajarishda shoshilmaslikni o'rgatib, biridan ikkinchisiga sakrash ta'qiqlansa, u hodisalar orasidagi bog'liqlik sirini yaxshi anglab yetadi va kashfiyotlarni amalda qo'llashga o'rganadi. Berilgan g'oya va takliflarni tahlil qilish, muammolarning mohiyatini chuqur o'rganish uchun asos hisoblanadi. Tabiiy qiziquvchanlik esa tahliliy va tanqidiy fikrlashni rivojlantirishga yordam beradi. Aynan shu qiziquvchanlikni mantiqiy idrok bilan izchil bog'lansa, bolaning dasturlashga bo'lgan moyilligi ortib boradi. Jarayon turli kompyuter o'yinlari orqali amalga oshirilsa yanada samaradorlikka erishish mumkin. Chunki, nafaqat bolalarning balki butun boshli insoniyatning zamonaviy texnologiyalar, axborot vositalariga bo'lgan qiziqishi yuksak. Ushbu yuksak qiziqishdan to'g'ri va oqilona foydalanish, asosan, ota-onalar shuningdek tarbiyachi, o'qituvchilar zimmasidadir.

**Xulosa.** Demak, bo'lajak dasturchilarni kimlarni orasidan izlash kerak? Ular kamdan-kam holatlarda o'rta qatlamda bo'lishadi. Ko'pincha yo o'ta aqlli, allaqachon ota-onasini faxrlantirishga ulgurgan bolalar. Yoki aksincha, eng urushqoq hamda bo'ysunmas, qoidalarni yoqtirmaydiganlar. Ularni to'g'ri tarbiyalash orqali kelajakda yaxshi mutaxassisga ega bo'lish mumkin. Bir narsa muhimki, bolani dasturlashga bo'lgan layoqatini imkon qadar erta aniqlash kerak. Zero, u so'nib ulgurmasin. Lekin, "Men farzandimni dasturchi bo'lishini xohlayman"-degan har qanday ota-ona maqsadiga erishishi mumkin. Faqat hammasi o'z harakatlariga bog'liq. Farzandga turli mantiqiy o'yinlarni taklif qilish orqali asta-sekin sohaga olib kiriladi. Ulardan eng sodda va dastlabkisi tana a'zolarining o'ng va chap qismlarini boshqarishda chalkashtirish. O'z tanasiga adashmay to'g'ri buyruq bergan bosh miya yarimsharlari asta-sekin rivojlana boshlaydi. Yoki narsa-buyumlar orasidan ortiqchasini aniqlash ham bolada mantiqiy fikrlashni hosil qiladi. Kimdir rangi bo'yicha ortiqchasini izlaydi, kimdir esa shakli, boshqasi ishlatilishiga qarab. Bu ularning dunyoqarashidan kelib chiqib jajji ongida akslanadi. Mantiqiy o'yinlar bolaning intellektini rivojlantirishga hissa qo'shadi, unga narsalarga turli tomonlardan qarashga, dunyoni qutidan tashqarida idrok etishga o'rgatadi. Shuni unutmaslik kerakki bolalar faqat to'g'ri topishni, rag'batni istaydi. Ularda qilgan xatosidan xulosa chiqarish hali shakllanmagan. Shuningdek, jarayonni o'yin tarzida olib borilishi o'zlashtirish samaradorligini bir necha barobarga orttirishi barchaga ma'lum. Agar bu kompyuter yoki mobil qurilma o'yini bo'lsa, unda bolani o'yinga jalb qilish emas, aksincha belgilangan vaqt tugaganida uni o'yindan chiqarib olish muammosi yuzaga chiqadi. Chunki o'sayotgan organizmga qurilma o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmasligi kerak. Demak, vaqtni hisobga olgan holda qulflanuvchi maxsus o'yinlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Magarshak Yu.B. Innovatsion shizofreniya//NG-Science.2009. S.11.

---

<sup>21</sup> Magarshak Yu.B. Innovatsion shizofreniya//NG-Science.2009. S.11.

2. <http://www.testolog.uz/news/189>
3. <https://ikid.uz/bola-qobiliyatini-aniqlash-testi/>

## **BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING BILISH FAOLIYATINI O'STIRISHDA GEOMETRIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISHNING O'RNI**

G'ofurova Mahfuza  
Farg'ona davlat universiteti o'qituvchisi

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'quvchilarning bilishga bo'lgan qiziqishlarini o'stirish, bilish faoliyatini rivojlantirish yo'llari va usullari geometrik masalalarga boglangan holda yoritilgan.*

***Kalitso'zlar:** bilishga bo'lgan qiziqish, o'quv faoliyati motivi, bilish faoliyatini rivojlantirish yo'llari.*

## **РОЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ В РАЗВИТИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

Гафурова Махфуза  
преподаватель Ферганского государственного университета

***Аннотация:** В статье определяются сущность познавательного интереса, дана характеристика основных этапов его развития, показана его взаимосвязь геометрии с учебными задачами, описаны способы и средства развития познавательного интереса.*

***Ключевые слова:** познавательный интерес, мотив учебной деятельности, источники развития познавательного интереса.*

## **THE ROLE OF GEOMETRIC IMAGINATION FORMATION IN THE CULTIVATION OF COGNITIVE ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOLCHILDREN**

Gafurova Mahfuza  
Teaching staff of Fergana State University

***Annotation:** The article defines the essence of cognitive interest, gives the characteristic of the main stages of its development, shows its relationship of geometry with educational tasks, describes the ways and means of developing cognitive interest.*

***Keywords:** cognitive interest, the motivations of educational activity, the sources of cognitive interests development.*

Hozirgi kunda boshlang'ich ta'limda o'quvchilarni bilishga bo'lgan qiziqishlarini o'stirish, yangi bilimlar olishga undash, yo'naltirish, qiziqtirish dolzarb pedagogik masaladir. O'quvchilarni bilish faoliyatini rivojlantirishga oid turli pedagogik yondoshuvlar, usullar zamonaviy pedagogikaning muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf matematika dasturi o'quvchilardan ta'lim jarayonining samarali metodlaridan optimal ravishda foydalanish, bayon qilinayotgan har bir nazariy va amaliy dastur materiallarini gnoseologik nuqtai nazardan asoslab tushintirish va ana shu tushintirish jarayonida o'quvchilarda bayon qilinayotgan mavzu materiallarini bilishga bo'lgan

qiziqishlarini yanada mukammalroq shakllantirishlarini taqazo etadi. Ma'lumki, bilish nazariyasi "jonli mushohadadan abstrakt tafakkurga va undan amaliyotga" degan g'oyani ilgari suradi. Har bir fan ob'ektiv borliqni o'z predmeti nuqtai nazaridan o'rganadi. Shu jumladan matematika fani ham ob'ektiv borliqdagi narsalarning fazoviy formalari va ular orasidagi miqdoriy munosabatlarni o'rganish jarayonida o'rganuvchi sub'ekt bilan o'rganiluvchi ob'ekt orasida shunday bir vaziyat hosil bo'ladi[1].


Geometriya buyumlarning boshqa hamma xossalarini e'tiborga olmay, faqat ularning fazoviy hossalari o'rganadi. Masalan, diametri 25 sm bo'lgan rezina koptok bilan cho'yandan quyilgan huddi shunday diametrlilik yadro bir-biridan og'irligi, rangi, o'zining qattiqligi kabi belgilari bilan farq qiladi. Biroq geometriyada o'sha koptok bilan yadroning bu hossalari e'tiborga olinmaydi, balki ularning fazoviy hossalari, ya'ni shakli va kattaligiga ko'ra bu ikki jismning har biri diametri 25 sm bo'lgan sharni tasvirlaydi[2].

Abstraktlashtirishni davom ettirib, geometrik sirt, geometrik chiziq, geometrik nuqta kabi tushinchalarini hosil qilamiz. Tabiatda o'lchamlari bo'lmagan nuqta yo'q, lekin o'lchamlari shu qadar kichik buyumlar borki, ularni ba'zi hollarda geometrik nuqta sifatida qabul qilish mumkin. Shu bilan birga geometrik chiziqlar va geometrik sirtlar ham mustaqil holda mavjud emas, ammo ularni geometriyada aniqlangan barcha xossalari fan va texnikada keng miqyosda tatbiq etiladi.

Hozirgi kunda matematika ta'limi sohasi bo'yicha davlat ta'lim standarti boshlabg'ich ta'limning har bir sinfi yakunida o'quvchilarning matematik tayyorgarligiga qo'yiladigan minimal talablar takibida geometrik bilimlar ham muhim o'rin tutadi. 3-sinf matematika darsligiga kiritilgan parallel va perpendikulyar to'g'ri chiziqlar, o'qqa nisbatan simmetrik figuralar, burchak simmetriyasi, fazoviy figura - konus va fazoviy figura - piramida shular jumlasidandir[3].


O'quvchilarga quyidagi nazorat savollari berilishi mumkin:




- a) Quidagi shakllarning nomlarini ayting
- b) Ular haqida nimalarni bilasiz?



O'quvchilarning geometriyaga oid bilimlarini mustahkamlash maqsadida yana o'tilgan mavzularga doir quyidagi jadvalda berilgan topshiriqlarni bajarishlarini kichik guruhlarda taklif qilish mumkin:

**1-jadval**  
**KONSEPTUAL JADVAL**

Geometrik figuralar modeli	Toifaga ajratib beruvchi belgilari	
	Nomi	Tashkil etuvchi elementlari
	uchburchak	3 ta tomoni va 3 ta uchi bor

	<p>To'g'ri to'rtburchak</p>	<p>4 ta tomoni va 4 ta uchi bor</p>
	<p>Parallelepiped</p>	<p>2 ta asosi va 4 ta yon yoqlari to'g'ri to'rtburchakdan iborat, 12 ta qirrasi va 8 ta uchi bor</p>
	<p>Kub</p>	<p>2 ta asosi va 4 ta yon yoqlari kvadratdan iborat, 12 ta qirrasi va 8 ta uchi bor</p>

O'quvchilar bilan suhbat o'tkaziladi:

a) rasmda qanday geometric figuralar tasvirlangan?

b) Kundalik hayotimizda tashqi ko'rinishi huddi shu shaklga o'hshash bo'lgan predmet va buyumlarga misollar keltiring.

Bunday geometric shakllarni o'rganish umuman olganda geometric bilimlar bizlarga nima uchun kerak?



Geometriya bir necha yuz yillar davomida yaratilgan. Eng qadimgi yodgorliklarda kub, parallelepiped, olti oyoqli prizma, silindr, konus va shar shakllari uchraydi. Vaviloniyaliklarning eng sevgan shakllari zinapoyali piramida bo'lgan. Juda katta rasadhonalar ham shu shaklda qurilgan. Shu uslubda qurilgan saroylar oddiyligi, ixchamligi, chiroyliligi bilan mashhur bo'lgan[4].

Misrlilar ham geometriyaning ko'p muammolarini hal qilganlar. Ularning eng ajoyib yutuqlaridan biri-asosi kvadrat bo'lgan kesik piramida hajmini aniqlashning birdan-bir to'g'ri usulini topishganligidir.




Ehromlar to'g'risidagi eng qiziq faktlarning biri ularning bunyod etilishiga tegishlidir – ikkita bahaybat tosh bo'laklari orasidan hatto odamning soch tolasi ham o'ta olmaydi.




**Mustahkamlashgadoirtopshiriqlarnikichikguruhlardabajariladi.**

**1-guruh**



1. Geometrik figuralarning nomlarini ayting.
2. Qaysi geometrik figura ortiqcha?
3. Piramidalarni tahlil qiling: nechta qirras, nechta asosi, nechta uchi, nechta yon yoqlari bor?


**2-guruh**



1. Geometrik figuralarning nomlarini ayting.
2. Qaysi geometrik figurani 4 ta uchi, 3 ta yon yoqlari, va bitta asosi bor?
3. 1 va 2 –figuralarni tahlil qiling: ular qanday farqlanadi nechta qirras, nechta asosi, nechta uchi, nechta yon yoqlari bor?


**3-guruh.**

1. Quyidagi shakllar qaysi geometrik figuraning yoyilmasi ekanligini ko'rsating.
2. Geometrik figuralarning nomlarini ayting.
3. Bu figuralarni tahlil qiling.



**4-guruh.**

Qanday xususiyatiga ko'ra ularni 2 guruhga ajratish mumkin?



Geometrik shakllarning kundalik hayotimizdagi o'rnini va ahamiyati haqidagi bilimlarni shu tarzda mustahkamlab borish mumkin. Bilish faolligini oshirish natijasida o'quvchilarda:

1. O'quv topshiriqlarni bajarishga tayyor turish
2. Mustaqil fikrlash qobiliyatini o'sishi
3. O'quvchilarni ijodiy qobiliyatlarini namoyon qilish kabi bir nechta ijobiy fazilatlarni shakllanishiga zamin yaratadi

Matematika fanini o'qitishda o'quvchilarni bilish faolligini oshirish orqali kompetensiyaviy yondashuv kasbiy, shaxsiy va jamiyatdagi kundalik hayotda uchraydigan holatlarda samarali harakat qilish imkoniyatini hosil qilish mumkin. Turli ko'rinishdagi malakalarni matematik tushunchalar, xossalari, shakllar, usullar va algoritmlar orqali berib borish lozimdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Jumayev M.E, Tadjiyeva Z.G'. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. (O'quv uchun darslik.) Toshkent. "Fan va texnologiya" 2005 yil.
2. Xalillayev A., Xudoynazarov E. boshlang'ich sinflarda masala yechishga o'rgatish metodikasi. (metodik qo'llanma), Urganch, 2010
3. S. Burhonov, O. Hudoyorov va boshqalar. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 3- sinfi uchun darslik «SHARQ» Toshkent – 2019
4. N. Abdurahmonova, L. O'rinboyeva. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 2- sinfi uchun darslik «Yangi yo'l Poligraf Serviz» Toshkent – 2018

#### **FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI BELGILOVCHI OMILLAR**

G'oibova Nargiza Ziyoxonovna, Qahharov Sobirjon Siddiqjonovich  
Namangan Muhandislik Texnologiya Instituti, "Fizika" kafedrasining assistenti, "Energetika"  
kafedrasining fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent  
[Tel:97255-92-88](tel:97255-92-88) e-mail: [goibova\\_nargiza82@mail.ru](mailto:goibova_nargiza82@mail.ru)

**Annotatsiya:** Maqolada fizika o'qitish samaradorligini oshirish yuzasidan ba'zi bir takliflar keltirilgan. Fizika yo'nalishida tahsil olayotgan bakalavrlarni sifatli kadr qilib tayyorlash zamon talabidir. Fizika o'qitish samaradorligining oshishi jamiyatning jadal rivojlanishiga olib keladi. Shuning uchun ham fizika fanining o'qitilishi va uning samaradorligini belgilovchi omillar bugungi hamma zamonda ham dolzarbligini yo'qotmaydi.

**Kalit so'zlar:** fizika o'qitish, ilmiy dunyoqarash, tanishish, reproduksiya, transformatsiya, fizika o'qituvchisining uslubiy tayyorgarligi



## **ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКИ**

Гоибовой Наргиза Зияхановна, Каххаров Собиржон Сиддикжанович

Наманганский Инженерно-Технический Институт

Ассистент кафедры “физика”, кандидат физико-математических наук, доцент кафедры  
“Энергетика”

[тел:97255-92-88](tel:97255-92-88) e-mail: [goibova\\_nargiza82@mail.ru](mailto:goibova_nargiza82@mail.ru)

***Аннотация:** В статье предлагаются некоторые предложения по повышению эффективности обучения физике. Подготовка бакалавров по физике качественными кадрами является современным требованием. Повышение эффективности преподавания физике ведёт к быстрому развитию общества. Поэтому преподавание физики и факторы, определяющие его эффективность, актуальны и сегодня.*

***Ключевые слова:** обучение физике, научное мировоззрение, знакомство, репродукция, трансформация, методическая подготовка учителя физики.*

## **FACTORS DEFINING THE EFFICIENCY OF PHYSICS TEACHING**

Goibova Nargiza Ziyakhanovna, Qakhkharov Sobirjon Siddikzhanovich

Namangan Engineering and Technical Institute

Assistant of the Department of Physics, Candidate of Physical and mathematical Sciences,

Associate Professor of the Department of energy

[Tel:97255-92-88](tel:97255-92-88) e-mail: [goibova\\_nargiza82@mail.ru](mailto:goibova_nargiza82@mail.ru)

***Summary:** The article offers some suggestions for increasing the effectiveness of teaching physics. It's a modern requirement to train bachelors in physics with quality personnel. Increasing the efficiency of teaching physics leads to the rapid development of society. Therefore, teaching physics and the factors that determine its effectiveness are still relevant today.*

***Key words:** Teaching physics, scientific worldview, sign board, reproduction, transformation, metodological training of a physics teacher.*

Biz mustaqillikning birinchi yillaridan boshlab ta'lim sohasidagi eski yondashuvlardan butunlay voz kechib, yangicha tamoyillarga, milliy qadriyat va an'alarimizga, jahon ilg'or tajribalariga asoslanib, hayotimizni yangilash, uzoq va davomli maqsadlarimizni amalga oshirish uchun ta'lim-tarbiya sohasiga ustuvor ahamiyat qaratib, bor kuch va imkoniyatlarimizni ta'lim yo'liga sarflayapmiz.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» va uning uzviy davomi bo'lgan ta'limni rivojlantirish dasturi bugungi kunda hayot sinovidan o'tib, o'z natijasini berayotgani, xalqaro jamoatchilik tomonidan e'tirof etilayotgani rost. Oldimizda turgan maqsadlarimizga erishishda yaratilgan barcha imkoniyatlar keng e'tirof etilyotgan bir paytda, biz, eng avvalo, yaratib berilayotgan sharoitlardan unumli foydalanayotgan muallim va murabbiylarning og'ir va mas'uliyatli mehnatining o'rni va ahamiyatini chuqur anglab, ularni munosib baholash barchamizning diqqat markazida turishini yaxshi tushunamiz. Davlat umummilliy dasturining asosiy maqsadi va vazifalaridan biri – ta'lim muassasalarini malakali o'qituvchilar bilan ta'minlash, ularning salohiyatini oshirish, o'qituvchilar tayyorlash tizimini takomillashtirishdir. Mazkur tamoyilga e'tibor qaratadigan bo'lsak o'qituvchilar uchun katta mas'uliyat, talablar, vazifalar va ishonch

mavjudligini ko'ramiz. Bu masalaga davlatimiz mustaqilligining dastlabki yillaridan boshlab jiddiy e'tibor berib kelinmoqda. "Maktab, ta'lim-tarbiya masalasi davlat va jamiyat nazoratida bo'lishi asosiy qonunimizda belgilab qo'yilgan. Shu bilan birga, bu keng jamoatchilik, butun xalqimizning ishtiroki va qo'llab-quvvatlashini talab qiladigan umumiy masaladir" (I.A.Karimov. yuksak manaviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008. 61-bet.). Yurtimizda boshlangan islohotlar jarayonini izchillik bilan davom ettirish va mantiqiy yakuniga yetkazish muammolarining asosiy yechimlaridan biri – malakali, fidoyi bakalavr darajasiga ega bo'lgan o'qituvchilarni tayyorlashdir. Bunda ularga quyidagi asosiy talablar qo'yiladi: bakalavr darajasidagi o'qituvchining o'z ishiga bo'lgan munosabatini tubdan o'zgartirish, ularda tashabbuskorlik-pedagogik faoliyatga bo'lgan ijodiy munosabatni shakllantirish shaxsiy javobgarligini oshirish; ularning o'z sohasida kompetentli, ya'ni o'z ishining ustasi bo'lishi, o'z sohasi bo'yicha bilimlarni har tomonlama chuqur bilishi zarurligi. Fizika fani o'quvchilarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirishda tayanch fan, fizika darslari esa uning vositasi hisoblanadi. O'quvchining dunyoqarashi, tabiat haqidagi tushunchalari fizika fani qonunlarini o'rganish jarayonida amalga oshirilsa, ikkinchidan, bu jarayonda ularga bilim va tarbiya berishda psixo-pedagogik asoslarni

hosil qilish davomida amalga oshiriladi. Dunyoqarashni shakllantirishda o'qituvchidan katta pedagogik mahorat talab qilinadi. Bunda dars o'tish jarayonida turli metodlardan, yangi innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo'llanish ko'zda tutilgan. Ta'lim berish tizimida qo'lga kiritiladigan natija va uning tarmoqlari turlicha sifat ko'rsatkichlariga ega bo'lishi mumkin. Ularni aniqlash, tahlil qilish va o'lchash uchun har xil kriteriyalar ishlab chiqilgan. O'quvchilarning bilish ko'nikmasining rivojlanishi bilan bog'liq holda V.P.Bespalko bilim xizmati natijasining to'rt darajasini aniqlagan va ularning ahamiyatini quyidagicha yoritib bergan:

I daraja – tanishish: o'quvchilar boshqa shunga o'xshash obyektlar qatorida ushbu obyektning anglashi, farqlashi, ularni o'zlashtirish qobiliyatlariga qarab farqlanadi. Tanishish darajasidagi o'zlashtirish ko'pincha o'rganish obyekti haqidagi umumiy qarashlar, fikirlash bo'lsa, suhbat turidagi javoblar «ha – yo'q», «yoki» bilan chegaralanadi.

II daraja – reproduksiya: bu darajada o'quvchilar o'rganish obyekti bilan bog'liq harakatlarni og'zaki bayon qilib berish imkoniyati darajasidagi asosiy tushunchalarni o'zlashtiradi, turli harakatlar va har xil tadbirlarni tahlil qiladi.

III daraja – to'liq o'zlashtirilgan bilim va ko'nikmalar: bunda o'quvchilarning xizmati ba'zi bir sinf ishlarini yechish uchun o'zlashtirilgan ma'lumotlarni amaliyotda qo'llanish va obyektiv yangi ma'lumotlarni egallash ko'nikmalariga ega bo'lishi.

IV daraja – transformatsiya: u o'quvchilarning egallagan bilim, ko'nikma va malakasini qo'llay bilish orqali turlicha qiyinchilikdagi vazifalarni yecha oladigan ma'lumotlarni egallashni ko'zda tutadi.

O'quv-tarbiya jarayonining yutug'i o'quvchilarning har bir darsga faol qatnashishi bo'lib hisoblanadi. Faollik bo'lsa o'quvchilar o'zlari qiziqib, darslarni qoldirmay, o'qituvchining aytganlarini tinglash, yangiliklar bilan tanishish, ma'lumotlarni eshitish va mavzularni o'z vaqtida tushunib borishga intiladi.

O'quvchilarda bunday xususiyatlarni hosil qilish uchun o'qituvchidan kuchli bilim, izlanish va katta mahorat talab qilinadi. Demak:

- har bir darsni rejalashtirishda uning didaktik maqsadlarini aniqlab olish;
  - mavzuga tegishli nazariy va amaliy tushunchalarni chuqur va har tarafdin o'rganib tayyorgarlik ko'rish, dars matni va uni bayon etishning ketma-ketligini tuzish;
  - ko'rgazmali qurollar, tajribalar, mashg'ulotlar, o'quv filmlaridan dars jarayonida o'rinli foydalanish;
  - darsga bog'liq tarqatma didaktik materiallarni tayyorlash;
  - mavzuning didaktik maqsadi, mazmuni, hajmi va fizika xonasining material-texnik ta'minlanishiga qarab dars usullarini tanlash.
- O'quvchilarning darsga qatnashishini yaxshilash uchun sinalgan usullarning biri:
- darsni muammoviy o'qitish usuli;
  - darsning nostandart formasi;
  - ilmiy izlanish usuli;
  - darslik ustida ishlash;
  - masalalar yechish;
  - tajriba va topshiriqlarni bajarish.

Ma'lumki oliy ta'lim tizimining dastlabki bosqichi bakalavriat hisoblanib, u yoki bu mutaxassisning uzluksiz ta'lim tizimining o'rta umumiy ta'lim va o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi (O'MKHT) o'quv muassasalarida muvaffaqiyatli dars berishlariga kafolat beradi. Jumladan, agar fizika o'qituvchisi sifatida qaraydigan bo'lsak, undan fizikaning umum nazariy, umum kasbiy va mutaxassislik fanlari siklida aks etgan talablarga to'laqonli javob berishi talab etiladi.

Fizika nafaqat fundamental, balki tajribali fan bo'lgani tufayli fizika o'qituvchisi ham mazkur sohalar yuzasidan iloji boricha keng qamrovli nazariy va amaliy ko'nikmalarga ega bo'lishi lozim. Demak, o'z-o'zidan ma'lumki, har qanday fizika o'qituvchisidan fizikaning zamonaviy yutiq va kashfiyotlaridan chuqur hamda mustahkam bilimga ega bo'lishi talab etiladi va ushbu jihat zaruriy shartlardan biri hisoblanadi. Ma'lumki jamiyat doim taraqqiyotda bo'lib, uning ko'p qirrali

jihatlaridan biri bo'lgan fan-texnika ham uzluksiz taraqqiy etib boradi. Bu degani, ta'limot uchun zarur hisoblangan ilmiy bilim hamda o'quv, bilishga doir ma'lumotlar hajmi ham tinimsiz holda ko'payib boradi. Belgilangan vaqt moboynda jadal suratlar bilan o'sib borayotgan ma'lumotlarni ta'lim jarayonida muvofiqlashgan holda mutanosib aks ettirish uslubiy muammo hisoblanib, uni amalda joriy etilishi uchun fizika o'qituvchisidan samarali uslubiy mahoratga ega bo'lish darajasini taqozo etadi. Yuqorida takidlaganimizdek, bakalavr darajasini olgan fizika o'qituvchisining mehnat faoliyati keng qamrovlidir.

Mexanikaning elementlari 6-sinfda boshlanadi. 7-sinfda esa, mexanika bo'limi fizika kursining tayanch bo'limi sifatida davom etadi. Uning o'rganilishi o'quvchilarning taxminan 13 yoshlarida boshlanadi. Ushbu bo'limni chuqurroq o'rganish esa, o'quvchilarning taxminan 16 yoshlarida davom etadi. Albatta, bunda akademik litsey (aniq fan yo'nalishi) o'quvchilari uchun asqotishi mumkin bo'ladi. O'qitishda foydalaniladigan zamonaviy pedagogik

texnologiya turlarining mazmun va mohiyati ham ana shunda, ya'ni o'quvchilarning yosh xususiyatlarida, deb hisoblash mumkin. Yuqorida ta'kidlab o'tilgan yana bir jihatga qaytamiz. U ham bo'lsa, o'quv bilish uchun zarur hisoblangan ma'lumotlar hajmi ortishi bilan yuzaga kelgan uslubiy muammoni muvaffaqiyatli (ijobiy) hal etilishi fizikadan mustaqil ta'limning jarayonini ilmiy asosda tashkil etilishi bilan bog'liq. Ushbu jihat ta'limning uzluksiz xarakterda bo'lishini yana bir bor tasdiqlaydi. Buyuk allomamiz Yusuf Xos Hojibning «Beshikdan qabrgacha bilim (olish kerak) izla» degan iborasini eslashning o'zi joiz deb hisoblasa bo'ladi. Bu kabi g'oyalar taniqli mutafakkirlarimiz tomonidan bir necha yuz yillar oldin ta'lim jarayonida katta muvaffaqiyat bilan foydalanib kelingan. Demak, nafaqat ma'lumotlar hajmining vaqt o'tishi bilan keskin ortishi va tez eskirib qolishi, balki komil inson bo'lishi uchun ham o'quvchi yoshlar butun hayoti davomida bilim olishlari, o'z bilimlarini mudom boyitib borishlari, ularni yangilab turishlari mustaqil ta'lim olish malaka va ko'nikmalari bilan belgilanadi. Fizika o'qitish uslubiyotining samarali bo'lishi nuqtayi nazaridan qaraydigan bo'lsak fizikani o'quvchiga qayta o'rgatish emas, balki o'rgatishni uzil - kesil nihoyasiga to'liq yetkazmaslikni, kelajakda uni yana davom etdirishni afzal ko'radi. Demak, fizika o'qituvchisining uslubiy tayyorgarligi va o'qitish uslubiyotining samaradorligida ushbu jihat ustuvor hisoblanadi. Globallashtan sharoitda o'rganiladigan o'quv uslubiy fanlarning o'zaro aloqadorligi (hamkorligi) o'ta zarur hisoblanadi. Bugungi kunda ayni bir fan doirasida istalgan bir voqea

yoki hodisani to'laqonli tushuntirib berish imkoniyati ko'p hollarda o'z kuchini yo'qotmoqda. Shu bois integrativ yondashuv zamonaviy ta'lim tizimida muhim rol o'ynamoqda. Tabiatshunoslik fanining yuzaga kelishi konsepsiyasi ham ushbu yondashuv bilan tushuntiriladi desak to'g'ri bo'ladi. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bakalavrlarning fizikadan chuqur va mustahkam bilimga ega bo'lishlari bilan birga ular fizika o'qitish metodikasining o'ziga xos jihatlari, ya'ni o'qitishda axborot hamda pedagogik texnologiyalardan foydalanishni rejalashtirish, bakalavrlarning o'quvchi yoshlar bilan ishlashi jarayonida ularning yetarli darajada bilim olishlariga qiziqish uyg'otish yo'llarini aniqlash, yoshlarga mustaqil bilim olishning samarali yo'llarini o'rgatish, shuningdek, fizik bilimlarni nazorat qilish va hisobga olish kabi ko'plab masalalar uslubiy tayyorgarlikda o'z aksini topishi lozim. Ushbu maqolada bakalavr darajasidagi fizika o'qituvchisining uslubiy tayyorgarligidagi o'ziga xosliklarning faqatgina ba'zi masalalariga e'tibor berildi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. A. G'aniyev "Fizika" 1,2,3-qismlar. T.:O'qituvchi 2008
2. N.Sadriddinov "Fizika o'qitish uslubi asoslari" O'quv qo'llanma-T.: O'zbekiston 2006
3. Jo'rayev M. "Fizika o'qitishda statistik g'oyalar" Metodik qo'llanma-T.: O'qituvchi, 1996
4. M.X.O'lmasova "Fizika" 3-qism. T.: O'qituvchi 2003
5. Yarmatov R.B. Bo'lajak o'qituvchilar shaxsining tarbiyasi va rivojida ma'naviy ma'rifiy ishlar samaradorligi darajasi haqida.// "Xalq ta'limi" jurnali". Toshkent, 2011. № 5. – B.84-87. (13.00.01. №17)
6. Sodiqova Sh.M., To'raxonov F. Fizikani o'qitishda pedagogic dasturiy vositalardan foydalanish metodikasi// Uslubiy qo'llanma. –Toshkent, TDTU, 2012. – 60 b.

## **BOLA TARBIYASIDA ISLOM MA'NAVIY-AXLOQIY O'GITLARINING IJTIMOY MAZMUNI.**

Jo'rayeva Nargiza jamolidinova Far DU. O'qituvchi

[Tel:+998934040074](tel:+998934040074)

**Annotatsiya:** Har bir bolaning ijtimoiylashtirish munosabati bilan Qur'onning hayot va inson mehnatiga nisbatan bo'lgan munosabati haqidagi g'oyalarining ahamiyati katta. Islomshunoslarning tadqiqotlarida islomning inson hayoti va mehnatga nisbatan munosabati borasida izlanishlar olib boriladi. Bu borada tarbiya tizimiga hadislarni qo'shish nihoyatda maqbul hisoblanadi. Chunki ularda payg'ambarning hayoti va faoliyatidan turli hikoyalar va uning axloqiy pandlari mavjud. Hadislarda islom asoslarining sharhlari berilgan, mehribonlik, muqaddas dargoh, tozalik, halol-harom, ayyorlik kabi tushunchalar ko'rib chiqiladi. Shuningdek, yaxshilik, yomonlik, axloq to'g'risida o'gitlar berilgan.

**Tayanch tushunchalar:** hadis, Qur'on, islom, din, axloq, yaxshilik, ilm, mehribonlik, muqaddas dargoh, tozalik, halol-harom, ayyorlik

**Annotatsiya:** Har bir bolaning ijtimoiylashtirish munosabati bilan Qur'onning hayot va inson mehnatiga nisbatan bo'lgan munosabati haqidagi g'oyalarining ahamiyati katta. Islomshunoslarning tadqiqotlarida islomning inson hayoti va mehnatga nisbatan munosabati borasida izlanishlar olib boriladi. Bu borada tarbiya tizimiga hadislarni qo'shish nihoyatda maqbul hisoblanadi. Chunki ularda payg'ambarning hayoti va faoliyatidan turli hikoyalar va uning axloqiy pandlari mavjud. Hadislarda islom asoslarining sharhlari berilgan, mehribonlik, muqaddas dargoh, tozalik, halol-harom, ayyorlik kabi tushunchalar ko'rib chiqiladi. Shuningdek, yaxshilik, yomonlik, axloq to'g'risida o'gitlar berilgan.

**Tayanch tushunchalar:** hadis, Qur'on, islom, din, axloq, yaxshilik, ilm, mehribonlik, muqaddas dargoh, tozalik, halol-harom, ayyorlik

**Аннотации:** Идеи Корана об отношении каждого ребенка к жизни и человеческому труду важны для социализации. Исследования исламских ученых ведутся об отношении ислама к жизни и труду человека. В этой связи настоятельно рекомендуется добавлять хадисы в систему образования. Потому что они содержат различные истории из жизни и деятельности Пророка и его нравственных учений. Хадисы объясняют основы ислама, такие как доброта, святость, чистота, халяль и харам, а также хитрость. Также есть наставления о добре, зле и нравственности

**Ключевые слова:** хадисы, Коран, ислам, религия, мораль, добро, знание, доброта, святость, чистота, честность, обман.

**Annotation:** Every child's ideas about the Qur'an's attitude towards life and human labor are important in relation to socialization. The research of Islamic scholars is conducted on the attitude of Islam towards human life and labor. It is highly recommended to add hadiths to the educational system in this regard. Because they contain various stories from the life and work of the Prophet and his moral teachings. The hadiths explain the fundamentals of Islam, such as kindness, sanctity, purity, halal and haram and cunning. There is also instruction on good, evil, and morality.

**Key words:** hadith, Qur'an, Islam, religion, morality, goodness, knowledge, kindness, sanctuary, purity, honesty, deceit

So'nggi paytlarda respublikamiz olimlari xalq pedagogikasining manbalari doirasini kengaytirishni taklif qilishmoqda.

At-Termiziy- eng yirik musulmon olimlaridan biri, 80 tadan ko'p islom tarixi, ta'limoti, so'fiylik nazariyasiga bag'ishlangan asarlar yozgan. Uning "SHamoyili Muhammadiya" (Muhammad hayoti) asari barcha diniy o'quv yurtlarida darslik hisoblanadi. Gap shundaki, aksariyat voqea-hodisalar islomning paydo bo'lish davriga tegishli bo'lsa, ularning katta qismi islomning keyingi rivoji bilan bog'liq. Hadislarning obro'si bilan islomda shakllanayotgan yangi tamoyillar, diniy, huquqiy, maishiy va ma'muriy amaliyotning barcha sohalari yoritilgan. Hadis shaklida islomga madaniy va g'oyaviy merosning ko'pgina turlari kirdi. Biroq hadislar Qur'on va islomdan tashqarida mavjud bo'lmaydi.

Islom monoteistik din, ya'ni uning mazmuni yagona xudo-Allahga iymon keltirishdir. Bu dinning asoschisi payg'ambar Muhammad s.a.v.(570-632). Musulmonlar o'limdan keyingi hayotga ishonishadi. Ularning muqaddas kitobi Qur'onidir.

Qur'on matni VII asrda yozilgan. Xalifa Usmon davrida Qur'on yagona kitob shakliga keltirilgan va uning boshqa barcha matnlari yo'q qilingan. Qur'on 114 suradan iborat. Oddiy musulmon Qur'onning murakkab suralarini faqatgina tafsirlar orqali tushunishi mumkin. Eng mashhur tafsirlar At-Tabariy, Zamahshariy, Baydoviy, Fahriddin, ar-Roziy, al-Qurtubiya tegishli. Natijada sunna-Qur'onni mazmunini tushunishini boshqarish yaratilgan. Sunna oila a'zolari, qabila a'zolari orasidagi munosabatlarini tartibga keltirgan, yozilmagan axloqiy qoidalar sifatida ham qo'llanilgan. Sunna hadis shakliga ega. Hadislarni yig'ish, ularni ajratishga ko'p olimlar o'z umrlarini bag'ishlaganlar. Islomga muvofiq Qur'on barcha musulmonlar bo'ysunishlari lozim bo'lgan muqaddas kitobdir.

Muhammad (s.a.v.) va sahobalarning hayotidagi hatto ahamiyatsiz oilaviy sunnalar ham ilohiylashtirilgan va insonlarning eng katta xohishi payg'ambarga o'xshashga harakat qilish bulgan. Bu o'xshashlik nafaqat milliy tamoyillarni qabul qilish balki marosimlar, odatlarni ham qamrab olgan. Qur'on aslida ijtimoiy-huquqiy qoidalar yig'indisi hisoblanadi. Qur'on nafaqat SHarqda balki Evropada

ham nihoyatda e'zozlanadi.

Tarbiyaviy vositaga ega bo'lgan Qur'on oyatlari muhim ahamiyatga ega. Ularda ota-ona va farzand o'rtasidagi munosabat haqida bolalarni tarbiyalayotgan ota-ona nimaga intilishi haqida, shuningdek ular etmoqchi bo'lgan maqsadlar ham aniq belgilab qo'yilgan.

Qur'on musulmonlar hayotining mazmuni va maqsadi haqidagi qarashlariga katta ta'sir ko'rsatgan va uning g'oyalari musulmon halqlarining madaniyatidan chuqur joy olganlar hamda xalq pedagogikasi manbalari-maqol, rivoyat, ertaklar va boshqalarga har tomonlama ta'sir ko'rsatgan.

O'sib kelayotgan avlodning tarbiyasi va ijtimoiy jarayonlarga moslashuvida bilim, unga munosabat masalasi doimiy muammo hisoblanadi. Bu muammo zamonaviy sharoitda yanada keskin ko'rinish kasb etmoqda. Bir tomondan iqtisodiy hayotda ro'y berayotgan jarayonlar shunga olib keldiki, bilimsiz odamlar katta pul topadigan bo'lishdi. Ularning topganlari bilan ziyolilarning maoshini tenglashtirib bo'lmaydi. Buning hammasi yoshlarda bilim olishga qiziqish pasayishiga sabab bo'ldi. Ularga bilim olish moddiy va ma'naviy muvaffaqiyat garovidir. Boshqa tomondan esa bozor munosabatlari va unga bog'liq bo'lgan texnikaning doimiy yangilanishi, korxonalar orasidagi raqobat, ishsizlik yoshlardan faqat chuqur bilimlar, balki ularning doimiy yangilanishini ham talab qiladi.

YOshlarning bilim olishida Qur'on tayanch bo'lishi mumkin. Ma'lumki, Qur'onda "ilm" so'zi 750 marta uchraydi. Agar Qur'on 780000 so'zdan iboratligini inobatga olsak, "ilm" so'zi muqaddas kitobning ma'lum qismini tashkil qilishi ma'lum bo'ladi.

Qur'on inson bilimlarini ikkiga ajratadi- diniy va dunyoviy. Diniy bilimlar-dunyo asoslarini, dunyo yaratilishini bilish. Bilimning bu turi inson etishishi mumkin bo'lgan eng oliy cho'qqidir. Bu masalaga qisqa to'xtalib o'tsak.

Qur'onda inson ega bo'lgan dunyoviy bilim haqidagi oyatlarni uchramiz. U badanning uch a'zosi-ko'z, quloq va yurak bilan qo'lga kiritildi.

Bilimning holatlaridan tashqari Qur'on uning rivojlanishining dialektik, dinamik jarayonini va inson tomonidan o'zlashtirilishini ham qayd etadi. Buning hammasi Muhammad s.a.v. bu fenomenga qanchalik e'tibor berganligidan dalolat beradi. Endi esa Qur'on qoidalari hadislarida o'z rivojini topishini ko'rib chiqamiz. F.Rouzental to'liq hajmda Imom Buxoriyning "as-Sahih" asarini tahlil qilib chiqqan va ularda bilim bilan bog'liq quyidagi g'oyalarni ko'rsatib o'tgan: bilim talab qilish jannatga yo'l ochadi; bilim faqatgina o'qish orqali qo'lga kiritiladi; inson rahbar bo'lishidan oldin bilimli bo'lishi kerak; ayollarni o'qitishga ruxsat berilgan; ilm va olimlarning yo'qolishi dunyoning oxiriga etganini bildiradi.

Mashhur hadislarida ham islom nuqtai nazaridan bilim va fanlar naqadar qadrlil ekanligini bildiruvchi g'oyalar uchraydi: to'lin oy qancha yulduzlardan ustun bo'lsa, olimlar mo'minlardan shunchalik ustundirlar: olimlar o'zlaridan keyin pul emas, bilim qoldiruvchi vorislardir.

Har bir bolaning ijtimoiylashtirish munosabati bilan Qur'onning hayot va inson mehnatiga nisbatan bo'lgan munosabati haqidagi g'oyalarining ahamiyati katta. Islomshunoslarning tadqiqotlarida islomning inson hayoti va mehnatga nisbatan munosabati borasida izlanishlar olib boriladi. Bu borada tarbiya tizimiga hadislarini qo'shish nihoyatda maqbul hisoblanadi. Chunki ularda payg'ambarning hayoti va faoliyatidan turli hikoyalar va uning axloqiy pandlari mavjud. Hadislarida islom asoslarining sharhlari berilgan, mehribonlik, muqaddas dargoh, tozalik, halol-harom, ayyorlik kabi tushunchalar ko'rib chiqiladi. SHuningdek, yaxshilik, yomonlik, axloq to'g'risida o'gitlar berilgan.

Hadislarning pedagogik tahlili ta'lim-tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan eng muhim mazmuniy yo'nalishlarini aniqlash imkonini berdi: "go'zal xulq sohibi" – u insonlarning bir-biriga ishonchini paydo qiladi; o'z xatolarining tan olinishi xalqning buyukligidan dalolat beradi; o'z fikrini bildirish – inson kuchining ifodasidir. O'z fikrini bildirmaslik esa shariat va sog'lom fikrlashga nisbatan norozilik alomati; o'z farzini tushunish va uni ixtiyoriy bajarish insonda yaxshi xislatlar paydo bo'lishiga olib keladi; insonning o'z Vatani, do'stlari, xalqi oldida majburiyatini bajarishi-inson tarbiyalanganligining ko'rsatkichi; hayotda vaqtning qadriga etish-insonning va jamiyatning rivojlanishining asosiy shartidir; sabr qilish baxtsizlik, etishmovchilik, kasalliklarni engishga yordam beruvchi xislatlar. Muvaffaqiyatga erishish uchun aqldan tashqari sabr ham talab qilinadi; insonni farishta darajasiga ko'taruvchi, bu - hislatdir. Undan mahrum bo'lgan kishida asl sevgi bo'lishi mumkin emas. Ichkilikbozlik, fahsh, zino-buning hammasi irodasizlikdir. Bunday insonlar atrofdagilarga, o'z xalqiga zarar keltiradi; chuqur fikr yuritish-insonning aqliy voyaga etganlik alomatidir; kim o'z o'tmishini yo'qotsa-uning kelajagi yo'qdir. Qariyalarning hikmatlarini unutmagan yosh avlod iymonni ham unutadi va shunda yovuzlik yaxshilik ustidan g'alaba qozonadi.

Demak, bola tarbiyasida islom ma'naviy-axloqiy o'g'itlarining ijtimoiy mazmuni sifatida Qur'on va hadislarining hayot va inson mehnatiga nisbatan bo'lgan munosabati haqidagi g'oyalarning ahamiyati katta.

#### **Foydalangan adabiyotlar:**

1. N. Egamberdiyeva. Ijtimoiy pedagogika. T. 2003-y 39
2. Mo'minov N.A. "Talim- tarbiyada milliy istiqlol g'oyasi" T. 2004-y 32
3. Ахлоқ-одобга оид ҳадислар. – Тошкент, 1990.

#### **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАСВИРИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

Авлиякулова Нафиса Музафаровна

Бухоро давлат университети

Санъатшунослик факултети

Тасвирий санъат ва муҳандислик

графикаси кафедраси ўқитувчиси

тел: +998973031400 gmail: [avliyakovanafisa@gmail.com](mailto:avliyakovanafisa@gmail.com)

*Аннотация:* Бўлажак ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ўқитиш усуллари, педагогик шарт-шароитларини яратишда тасвирий қобилиятларини ривожлантириш, бадиий дид, ижодий тасаввур, фазовий тафаккур, эстетик ҳис ва гўзалликни англаш, санъатга қизиқишга йўналтирилган технологияларнинг педагогик хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилган.

*Калит сўзлар:* тасаввур, тафаккур, гоё, кашфиёт, диалогик, индивидуал, эрудит.

#### **ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К ИЗОБРАЗИТЕЛЬНО-ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Авлиякулова Нафиса Музафаровна

Бухарский государственный университет

Факультет искусствоведения

Изобразительное искусство и инженерия

преподаватель кафедры графики

тел: +998973031400 gmail: [avliyakovanafisa@gmail.com](mailto:avliyakovanafisa@gmail.com)

*Аннотация:* Будущие педагоги попытались раскрыть педагогические особенности технологий, направленных на развитие педагогических приемов развития творческих способностей учащихся на уроках изобразительного искусства, развитие их изобразительных способностей в создании педагогических условий, художественного вкуса, творческого воображения, пространственного мышления, понимания эстетического восприятия и красоты, интереса к искусству.

*Ключевые слова:* воображение, рефлексия, идея, открытие, диалог, индивидуал, эрудит.



## PEDAGOGICAL CONDITIONS OF PREPARATION OF FUTURE TEACHERS FOR FINE AND CREATIVE ACTIVITIES

Avliyakulova Nafisa Muzafarovna

Bukhara State University

Faculty of art history

Fine arts and engineering

lecturer at the Department of Graphics

phone: +998973031400 gmail: [avliyakuovanafisa@gmail.com](mailto:avliyakuovanafisa@gmail.com)

***Annotation:** Future teachers tried to reveal the pedagogical features of technologies aimed at developing pedagogical methods of developing students' creative abilities in fine arts lessons, developing their visual abilities in creating pedagogical conditions, artistic taste, creative imagination, spatial thinking, understanding of aesthetic perception and beauty, interest in art.*

***Key words:** imagination, reflection, idea, discovery, dialogue, individual, erudite.*


Тасвирий санъат дарси-вақт ва мангулик тўқнашадиган, яхшилик ва ёмонлик, даҳолик ва сахийлик, севги ва нафрат уйғотадиган ажойиб дарс ҳисобланади. Ижод қилиш болаликнинг доимий ҳамроҳидир. Ижодий қобилиятларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши болани фақат қарашга емас, кўришга ўргатади, унинг фавқулодда, ривожланган шахсга айланишига ёрдам беради.

Бўлажак ўқитувчиларни тасвирий-ижодий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини яратишда тасвирий қобилиятларини ривожлантириш, бадий дид, ижодий тасаввур, фазовий тафаккур, эстетик ҳис ва гўзалликни англаш, санъатга қизиқиш ва муҳаббатни ортириш каби фаолиятлардан иборат.

Ҳар бир бўлажак ўқитувчи касбий шаклланиши учун унинг қандай бўлиши, қандай иш усуллари ва шаклларидан фойдаланишига боғлиқ. Бўлажак ўқитувчиларни тасвирий-ижодий фаолиятга тайёрлашда нафақат жамият талабларини инобатга олиш, балки ўқитувчининг таълим-тарбия даражаси ва маънавий-ахлоқий маданияти билан белгиланади.[1.83]

Шубҳасиз, тасвирий санъат назарияси ва амалиётини ўрганиш бадий шакл тилини юксак даражада билиш, бадий ифода воситаларини яратиш, шунингдек, асарларнинг бадий сифатларини тўлақонли идрок етишга фаол ҳисса қўшади.

Бўлажак ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун қуйидаги ўқитиш усулларидан фойдаланишлари мумкин:



*"Кашфиёт"* усули. Ижодий фаолият янги ғоя-кашфиётни юзага чиқаради.

*"Индивидуал"* усули. Жамоавий қидирув фаолияти ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантиради, мумкин бўлган барча нарсалардан тўғри ечим топишга ёрдам беради.

*"Чекловлар тизимида эркинлик"* усули. Бир томондан кенг имкониятдаги ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини доимо фаоллаштириш, иккинчи томондан еса уларни чеклашларга қатъий риоя қилишга ўргатиш зарур.


*"Диалогик"* усул. Ўқитувчи ва ўқувчи суҳбатдош.

*"Таққослаш"* усули. Ижодий фикрлашни фаоллаштириш усули бўлиб, дарсларда шу муаммонинг ечимларини намоёن этиш лозим.

*"Ижодий семинар"* усули. Семинар болалар ҳаёти, кадриятлари тажрибасини эгаллайдиган, ҳақиқатни кашф этадиган, ўз билимларини шакллантирадиган, кадриятлар, маданиятни шакллантирадиган бфҳс ва мунозарали таълим сифати, маданий, бадиий ва ижодий маконлар мажмуи вазифасини бажаради.

Бўлажак ўқитувчиларни тасвирий-ижодий фаолиятга тайёрлашнинг энг самарали воситаларидан бири ўқувчиларнинг ижодий ишлари, турли хилдаги ижодий кўргазмалар ташкил этиш ва танловларда иштирокини таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги кунда тасвирий-ижодий фаолиятни юксалтириш ва ижтимоий ижодий ишлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. [2.76]

Бўлажак ўқитувчиларни тасвирий-ижодий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги ностандарт ечимлар тақдим этилади:



*Дарслар-билимлар:* ўқувчилар янги билим ва кўникмаларини, турли хил атамалар, ишлаш методлари, кўргазмали ижодий саводхонлик каби билимлари билан тўлдирадilar.

*Эрудит- танловлар:* Дарслар давомида мусобақа ўйинлари шаклида сўров ўтказилиб, жами натижалар умумлаштирилади. Ушбу эрудитлар- танловлар ечимида назарий ва амалий билимлар ўрганилади. Ўйин, такрорлаш, еслаб қолиш, хатоларни излаб топиш, топшириқларни бажариш каби фаолиятлардан фойдаланиш мумкин.

*Дарс-тестлар:* дарс давомида тавсия етилган усуллардан тўғри жавобни танлаш талаб қилинади. Булар:

- а) дарс- саёҳат.
- б) панорама дарс.
- с) кўргазмали дарс- репортаж.
- д) дарс-викторина.

*Дарс-ўйин:* Ўйин-инсон маданиятининг ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади. Ушбу усул билим олувчини ривожлантиради, тарбиялайди ҳамда ижтимоийлаштиради. Ўйин ижодий салоҳиятини очиб беришга ёрдам беради, шунинг учун у таълим ва тарбиянинг ажралмас қисми ва иттифоқчисига айланади.

Тасвирий санъат дарсида турли шакл ва иш методларидан фойдаланиш болага ижодий жараёнда фаол иштирок етиш имконини беради.

Ҳар бир фан учун ўзаро боғлиқ компетенцияларнинг тўлиқ ва чекланган мажмуини қамраб олган ҳолда, ижодий устахоналарда амалий бадиий-ижодий фаолият жараёнида махсус фанларни ўзлаштириш керак. Ушбу жараён бўлажак ўқитувчиларни тасвирий-ижодий фаолиятга тайёрлашда ва келгуси касбий фаолиятга ижобий туртки бўлишига ёрдам беради.[3.273]

Талабаларнинг ижодий фаоллашуви ва ўз-ўзини англаши манбаи сифатида турли бадиий материаллар билан ишлаш ва унга қизиқиш уйғотишга ўргатиш инсоннинг ижодий салоҳиятини, идрокини, тасаввурини, мукамал фикрлашини ҳамда келажакда тасвирий санъат устозининг касбий ривожланишини намоён этиш учун мақбул шарт-шароитларни яратади.

Бадиий, технологик муаммоларнинг кўп қиррали комплекси жиддий назарий тайёргарликни ва кўп қиррали кўникма ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Оқув фаолияти, ғоядан тортиб материалга қадар яратишнинг асосий нуқталарини ўзлаштириш тизимни кўриш қобилиятини шакллантиради. Тасвирий-ижодий фаолият учун декоратив-амалий санъат асарларини яратишда техник ва бадиий воситалардан

Фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди. Буларнинг барчаси келажакда юксак даражадаги фаолиятда назарий билим ва амалий кўникмалар алоқасини амалга оширишга ёрдам беради

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси болаларда эстетик дидни ривожлантиришга, ижодий фаолиятни фаоллаштиришга ва аynи пайтда ижодий ғояни яратиш ва амалга ошириш учун етарли бўлган тасвирий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришга тайёр бўлиши керак. Буларнинг барчаси олий мактаб олдига ҳар томонлама такомиллаштириш бўйича янги жиддий вазифалар қўяди. Шу муносабат билан бутунги кунда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбга тайёрлаш соҳасида илмий изланишлар сезиларли даражада фаоллашди.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг касб-ҳунарга ўқитиш вазифаларининг мураккаблиги, биринчи навбатда, бу касбнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Яхши расом бўлиши мумкин, аммо амалиёт шуни кўрсатадики, бу муваффақиятли педагогик ва юксак даражадаги тасвирий-ижодий фаолият учун етарли эмас.

Келажакдаги мутахассисларни ишлаб чиқилган тизимли-мазмунли модел асосида касбий малакага эга бўлиш ва таълим жараёнига педагогик шарт-шароитларни жорий этиш талабаларни олий ўқув юртида таълим босқичида ўқувчиларнинг бадиий-ижодий фаолияти раҳбариятига тайёрлаш даражасини ошириш имконини беради.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришлар таълимнинг турли соҳаларидаги илмий асосларни таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ҳаётнинг қадриятлари ва стандартларини ўзгартиришга олиб келадиган технологияларнинг тез ўзгариши ҳолатида ёш авлоддан доимо ўзгариб бораётган шароитларда ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантириш керак.[4.6]

Ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиёт мактаб олдига юқори ижодий маданиятни тарбиялаш, таълим, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият соҳаларида янгиларини фаол қабул қилиш ва яратишга қодир бўлган вазифаларни қўяди.

Ахборот жамияти шароитида бўлажак ўқитувчи ривожланган ижодкорлик, фикрлаш, идрок этиш, тасаввур ва ижодий маданиятни талаб қилади. Шунинг учун ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда тасвирий санъатнинг ўрни сезиларли даражада ошади. Бадиий таълим соҳасида келажакдаги мутахассисларни тайёрлашнинг юқори сифатли даражасини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Айнштейн В. Преподаватель и студент: искусство общения // Высшее образование в России. – 2000. 83–90 стр.
2. Прищепа А.А, Майдибор О.Н. Науки об образовании: Международный научно-исследовательский журнал// Условия подготовки будущих художников-педагогов к педагогической и творческой деятельности. -2016. 76-77 стр.
3. Ф. Темиров, А. Махмудов. Истеъдодли ёшлар-фан технологиялар тараққиёти: маколалар тўплами // Тасвирий фаолият жараёнида ижодий қобилиятни ривожлантириш.-2008. 273-274 бет
4. Ж.Ҳасанбоев. Педагогика. Т."Фан" нашриёти. 2016

#### **Электрон ресурслар:**

1. <http://www.allbest.ru/>

2. <https://referat.bookap.info/work/916017/Podgotovka-budushhego-uchitelya-izobrazitelnogo>

### **ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИҚДА РАЎБАР АЁЛ ФАОЛИЯТИ МУАММОСИНИНГ ЎРНИНИ ЎРГАНИШ.**

Сатвалдиев Азизбек Аҳмаджонович  
Андижон машинасозлик институти  
«Гуманитар фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси  
Тел(93)784 07 00, E-mail:satvaldiyev@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонлик тадбиркор хотин-қизлар тимсолида гендер-менежмент ходисасининг бошқарув психологиясидаги янги йўналиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилган шароитда шахснинг ўз психологик жинси хусусиятларини англагани ҳолда атрофдагиларнинг яратувчилик меҳнатини мувофиқлаштириш, ўзидаги қобилиятга уларни ишонтириш ва ўзига нисбатан ҳайрихоҳлигини оширишга қаратилган муомала стратегиялари ҳақида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар:** Тадбиркорлик, гендер тенглик, гендер менежмент, кичик бизнес, кушма корхоналар, психологик хусусиятлар, раҳбар аёл.

### **ИЗУЧИТЬ РОЛЬ ПРОБЛЕМЫ ЖЕНСКОГО ЛИДЕРСТВА В ЧАСТНОМ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ.**

Сатвалдиев Азизжон Аҳмаджонович  
Старший преподаватель кафедры «Гуманитарных науки»  
Андижанского машиностроительного института  
Тел(93)784 07 00, E-mail:satvaldiyev@mail.ru

**Аннотация:** В этой статье появилось новое направление в психологии управления феноменом гендерного управления в образе узбекских женщин-предпринимателей, для координации творческого труда других людей, для убеждения их в своих способностях и повышения их самооценки. мнения о целевых стратегиях лечения.

**Ключевые слова:** Предпринимательство, гендерное равенство, гендерное управление, малый бизнес, совместные предприятия, психологические характеристики, женщина-лидер.

### **EXAMINE THE ROLE OF THE PROBLEM OF WOMEN'S LEADERSHIP IN PRIVATE ENTREPRENEURSHIP.**

Satvaldiev Azizjon Ahmadzhonovich  
Senior Lecturer of the Department of Humanities  
Andijan Machine Building Institute  
Tel (93)784 07 00, E-mail:satvaldiyev@mail.ru

**Resume:** This article introduces a new direction in the psychology of managing the phenomenon of gender management in the image of Uzbek women entrepreneurs, to coordinate the creative work of other people, to convince them of their abilities and increase their self-esteem. opinions on targeted treatment strategies.

**Key words:** *Entrepreneurship, gender equality, gender governance, small business, joint ventures, psychological characteristics, female leader.*

Мустақиллик йилларида юртимизда хусусий мулкчиликнинг барча шаклларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтиришга улкан имкониятлар эшиги очилди. Оилавий, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, қўшма корхоналар фаолиятларида эркаклар билан тепша-тенг хотин-қизлар ҳам самарали фаолият юритмоқдалар. Қонунлар устивор бўлган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда бандлиги масаласига алоҳида аҳамият берилгани боис уларнинг оиладаги ва ижтимоий фойдали меҳнатдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш имкониятлари, ўзига хос имтиёзлар кўпайди. Бу имкониятлар Асосий Қонунимиз бўлган Конституциямизда, Меҳнат ва Фуқаролик кодексларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ҳамда қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Психологик кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, охириги йилларда тадбиркорлик ва бизнес соҳасида фаолият юргизаётган хотин-қизларнинг онги ва дунёқарашларида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Уларнинг ҳўжалик фаолиятини юритиш, хусусий бизнесни бошқариш, қўшма корхоналар ишида менежер сифатида фаолият юритишга нисбатан ижтимоий установакалари намоён бўлмоқда, лекин бу каби ўзгаришларнинг гендер жиҳатлари махсус тадқиқот предметигига айланмаган.

Биз Ўзбекистонлик тадбиркор хотин-қизлар тимсолида гендер-менежмент ходисасининг бошқарув психологиясидаги янги йўналиш эканлигини, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилган шароитда шахснинг ўз психологик жинси хусусиятларини англагани ҳолда атрофдагиларнинг яратувчилик меҳнатини мувофиқлаштириш, ўзидаги қобилиятга уларни ишонтириш ва ўзига нисбатан ҳайрихошлигини оширишга қаратилган муомала стратегиялари қай тарзда намоён бўлишини, бундай бошқарув установакасининг раҳбарлик услублари билан қанчалик боғланишини тадқиқ этишимиз лозим бўлди.

Оилавий ҳамда хусусий тадбиркорликнинг гендер жиҳатларини ўрганиш муаммоси доирасида таҳлил этилаётган *инграциация* (Wayne et al., 1994) ҳодисаси бизнинг шарқона таълим ва тарбия кўрган хотин-қизлар муомала маданиятида мавжудлигини ҳам ўрганиш алоҳида илмий аҳамиятга моликдир. Бу ҳолатнинг моҳияти шундан иборатки, инсон бошқаларга ёқиш, уларда ижобий таассурот қолдириш, ҳамкорларга ўз фикр ва истакларини етказиш учун ўзини ёқимли, жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади ва бошқа шахсий фазилатлари билан уйғунликда шериги, ходими ёки шогирдининг меҳрига, симпатиясига, хаттоки, иношчига сазовор бўлади. Фанда айнан шу йўл билан ҳамкасблари ёки мулоқотдаги шерикларида ўзига нисбатан ижобий муносабатга сазовор бўлган шахсни инграциатор, инграциация объектини эса – мўлжал деб аталади. Амалиётда жамоанинг етакчиси ҳам, унга эргашганлар ҳам баъзан инграциатор ролида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ижтимоий психологик мақомини ўрганиш, улардаги гендер жиҳатлар

атрофидаги феноменлар доирасида шахсий хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда уларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш, иқтисодий жиҳатдан аёлларни рақобатбардош қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш, ишбилармон, тадбиркор, менежмент соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш, шу билан бирга оилавий мақомларини ҳам йўқотмасликка ўргатишда амалий аҳамиятга эгадир. Чунки ўзбекистонлик хотин-қизлар учун оила ва никоҳ масалалри ҳам ўта муҳим бўлиб, энг муваффақиятли тадбиркор аёл бир вақтнинг ўзида ҳам ташкилотчи-тадбиркор, ҳам суюкли рафиқа, меҳрли она ролларини қарама-қаршиликсиз муҷассам этишдан манфаатдорлир.

Иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда тадбиркорликда муваффақиятли фаолият кўрсатиш, раҳбар хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги профессионал салоҳиятларини миллий урф-одатлар, маҳаллий меҳнат удумларини инобатга олган ҳолда ошириш, улардаги менежерлик қобилиятини ўстириш, зарур билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари учун махсус таълим лойиҳалари – дастурларни ишлаб чиқиш шу куннинг муҳим вазифаларидандир. Чунки Ўзбекистонда хусусий бизнесга эга бўлишни истаган хотин-қизлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, шаҳарлик хотин-қизларнинг 71,6 фоизи ва қишлоқ аёлларининг 65,1 фоизида бошқарув соҳасида муваффақиятга эришишга интилишлар мавжуд.

Бугунги глобализация шароитида ҳар қандай фаолият турига инсонни мақсадли тайёрлаш лозимки, бу бир елкасида оила, рўзгор, маиший турмуш юкини, бир елкасида бошқарувчилик юкини кўтарган аёллар учун алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, сир эмаски, гендер бошқарувчилиги соҳасида асрлар давомида сақланиб келаётган стереотиплар мавжудки, уларга кўра, раҳбар аёл фаолиятининг самараси раҳбар эркакларникидан паст, раҳбар аёл ишда муваффақиятга эришса, албатта, у оиладаги ўрни ва нуфуздан айрилади каби. Шу каби бидъат – стереотипларга барҳам бериш, хотин-қизлар карьерасида психологик тўсиқлар ва қарама-қаршилиқларга йўл қўймаслик уларни ушбу соҳага профессионал психологик тайёрлашни, бошқарув соҳасидаги хотин-қизлар компетенциясини ошириш бўйича махсус курсларни ташкил этишни тақозо этади. Курслар учун эса махсус илмий-амалий тадқиқотларда синовдан ўтган дастурлар зарур.

Оилавий ҳамда хусусий тадбиркорликнинг гендер жиҳатларини ўрганиш муаммоси бир томондан, умуман лидерлик, хусусан хотин-қизлар лидерлиги – етакчилиги муаммоси билан чамбарчас боғланган бўлса, у иккинчи томондан, *гуманистик менежмент*, эркаклар бошқарувидан бироз бўлса-да фарқ қиладиган етакчилик услублари билан боғлиқдир. Рус тадқиқотчиси Елена Макушеванинг<sup>22</sup> таъкидлашича, аёл раҳбар кун сайин ўсиб боради, натижа керак бўлган тақдирда, у жуда катта сабр-қаноатни намоён эта олади. У ҳамиша ўзи билан ёнма-ён ишлаётганларга нисбатан эътиборлироқдир. Лекин шундай анъана мавжудки, ҳамиша аёлнинг раҳбар сифатидаги имкониятига тўла баҳо бериш учун уни эркак раҳбарлар билан қиёсланади.

Дунё глобализацияси шароитида, йирик машина ва усканалоарни бошқариш, информацион технологиялардан ўринли фойдаланиш шароитларида гуманистик

<sup>22</sup> Психология управления. Бизнес хрестоматия.- Екатеринбург, 2007 – (120 с.) С.34-35

менежментнинг алоҳида ўрни бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирилмоқда. Гуманистик менежментнинг моҳияти шундаки, бунда рационал бошқарув, аниқ фикр-хулослар стереотипларидан фойдаланишдан ички интуицияга ва унинг эгилувчанлигига таяниш кўпроқ аҳамият касб этади. Инсон томонидан яратилган жами моддий ва маънавий неъматлардан оқилона фойдаланиш ва унинг ишлаб чиқаришини бошқаришда яратувчанлик, ижобий янгиликча ёндашув, ҳар қандай бидъатлардан холи бўлиш олдинги қаторга чиқади. Кўплаб олимларнинг эътирофича, айнан шундай стереотиплардан холи бўлган, янги технолгияларни бошқаришнинг уддасидан чиқадиган ёшларни тарбиялаш зарур ва ҳозирги ёшларда аслида айнан шундай иқтидор мавжуд. Хотин-қизлар ҳам бу маънода самаралироқ фаолият юритишлари мумкин.

Элизабет Мишель-Альдер<sup>23</sup> фикрича, агар зарур қобилият ва кўникмаларга эга бўлса, аёл ҳар қандай компанияни самарали бошқариши мумкин. Муваффақиятли бошқарув учун ундан қуйидаги сифатлар талаб этилади:

“Ўзлигини намоён эта олиш, ўзининг имиджини шакллантири, бунинг учун: ўзига ишонч, ўзидаги фазилатларни муносиб намоён эта олиш, хулқда ҳам кийинишда ҳам ўзи учун қулай ва муваффақиятли стилга эга бўлиш лозимки, булар унинг ишчандик борасидаги компетенциясини, билимдонлигини таъминлайди.

Ўз мақсад муддаоларини аниқ, таъсирчан баён эта олиш қобилияти.

Ўз атрофига уни қўллаб-қувватлайдиган, ҳамфикрли бўлган, бизнесини йўлга қўйишда астойдил кўмак берувчи инсонларни тўплаб қобилияти.

Иш фаолият ҳамда шахсий манфаатларининг орасида энг устиворларини шакллантириш ва уни самарали фаолият ҳамда шахсий мақсадлар билан уйғунлантира олиш малакаси;

Фикримча, юқоридаги сифатлар эркак раҳбарга ҳам, аёл раҳбарга ҳам бирдек зарур”.

Бизнес соҳасида раҳбарлик қилаётган аёл ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш ёки хизматлар турини аҳамиятини ўзгаларга биддириш учун ўзаро музокаралар стратегиясини яхши ўзлаштириши, рақибларидаги стеретипларни ҳам ўрганиши лозим бўлади. Шу боис ҳам у бир қарашда иккиюзламачиликка ўхшаш мавқени муваффақиятли амалга ошириб, ўзидаги маҳсулотни фойдани кўзлаб ўткизишга ўрганади. Кўплаб эркак бизнесменлар билан ўтказилган музокаралар тажрибаси шуни кўрсатадики, аёлларча назокат ва латофат билан бошланган музокарага яна аёл-раҳбарнинг ўз ишини пухта билиши ва шеригидан нимани талаб қилаётганлигини аниқ баён эта олиш маҳорати қўшилса, эркаклар аёл киши билан тортишиб ўтиришни ўзларига лозим кўрмай, тезгина улар таклифини қабул қилар эканлар, лекин кейинги сафар бундай музокараларга албатта ўз қўлида ишлаётган аёни юборар эканлар. Бу ҳам гендер-менежментнинг муҳим жиҳати бўлиб, тадбиркорлик бошқарувида аёлларнинг ўз “имлоси” борлигини тасдиқлайди.

Ниҳоят, аёл раҳбар учун муҳим соҳа – бу **ички олам**. Эркакларга нисбатан хотин-қизларда ўз ташқи қиёфаси, кўриниши, хусни кабилар ғоят катта аҳамиятлидир. Аёл раҳбар авало уни руҳлантирувчи, ундаги аёллик жозибасини қувватлантравчи ички оламни шакллантириб олиши лозим. Бу ўринда аёлнинг ички маданияти, диди ва

<sup>23</sup> Мишель-Альдер Э. Стиль женского руководства. Лекция. Высшая коммерческая школа МВЭС.- М., 1991



уларни ҳаммаша узлуксиз равишда мукамалштириб бориши катта аҳамиятга эгадир. Бундай аёл учун кийган кийимининг матоси, уни ким тикканлиги ва қайердан харид қилинганлиги ҳам муҳимдир. Унинг ички оламини тўлдириучи жиҳат – унинг шаҳсининг қайси масканида, қандай таом ейиши билан ҳам белгиланади. Бундан ташқари, у ишлатадиган атирлар, уларнинг хиди ва у тинглайдиган куй ва оҳанглари ҳам ҳар сафар унга ўзгача ички қувват бериши лозим. Айни шу жиҳатларга эркак раҳбарлар деярли эътибор бермайдилар.

Албатта, эркак тадбиркор билан аёл тадбиркор раҳбарнинг талаблари даражасида ҳам ўзига хослик мавжуд. Масалан, кузатишлар шуни кўрсатадики, эркак раҳбар ишда муваффақиятга эришган сари, кўпроқ ва каттароқ бозорларни ишғол қилишни, кўрқмай янада йирик лойиҳаларни ютиб олишни ўйлайди. Аёл эса дастлабки режалари доирасида муваффақият қозонгач, шу ишининг муваффақиятини таъминлаш, шу замида давом этишини режалаштираверади. Яъни, кўплаб олимларнинг фикрича, эркакларнинг амбициялари олдида аёлларники анча паст ва камгариндир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Психология управления. Бизнес хрестоматия.- Екатеринбург, 2007 -(120 с.) С.34-35
2. Мишель-Альдер Э. Стиль женского руководства. Лекция. Высшая коммерческая школа МВЭС.- М., 1991

### **МОДЕЛИРОВАНИЕ ОБУЧЕНИЯ РОДНОМУ ЯЗЫКУ ПУТЁМ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ**

Нуриддин Киргизов

Наманганский Государственный университет

Алижон Хамроев

Бухарский Государственный университет,

доктор педагогических наук

***Аннотация.** В данной статье рассматривается процесс проектирования творческой деятельности учеников при обучении родному языку, с точки зрения применения творческого проектирования учителя взаимосвязаны и подчинены таким понятиям :учитель и учебник, учитель и учебные материалы, учитель и наглядные пособия, ученик и учебный материал, ученик и наглядные пособия, с точки зрения ведущего деятельность учителя, занимающегося проектированием при проведении уроков связь учитель и проект, учитель и привязанности ученика, ученик и учебные материалы. Проектную деятельность следует рассматривать как часть профессиональной компетентности учителя, которая представляет собой единство теоретической и практической подготовки для осуществления педагогической деятельности и характеризует профессиональное качество.*

***Ключевые слова:** проектное обучение, ученик, учебный материал, проектная деятельность, компетентность, педагогическая технология, моделирование, информация, система образования.*

## ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ ТАЪЛИМИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ АСОСИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ

Нуриддин Қирғизов  
Наманган давлат университети  
Алижон Хамроев  
Бухоро давлат университети  
Педагогика фанлар доктори

**Аннотация:** Мақолада бошлангич синф она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий фаолиятини лойихалаштириш билан боғлиқ муаммолар ёритилади. Лойихалаштириш фаолияти ўқитувчининг касбий компетентлигини таркибий қисми сифатида педагогик фаолиятни амалга оширишнинг назарий ва амалий тайёргарлигини яхлитлиги сифатида талқин қилиниб, унинг касбий сифатларини кўрсаткичи деб белгиланади. Лойихалаштириш орқали моделлаштириш малакаларини шакллантириш бўйича тавсиялар тақдим этилади.

**Калит сўзлар:** моделлаштириш, лойихавий таълим, ўқувчи, ўқитувчи, касбий компетентлик, педагогик технология, таълим тизими, касбий тайёргирлик, малакалар шакллантириш.

## MODELING OF RUSSIAN LANGUAGE LEARNING BY DESIGNING EDUCATION

Nuriddin Kirgizov  
Namangan state university  
Alijon Xamroyev  
Buxoro state university,  
doctor of pedagogical sciences

**Annotation:** The given article is about designing mother language tuition. From the user's point of view teachers creative designs are interconnected and subordinate to the concepts like: teacher and student, teacher and study materials, student and teaching aid from the designing leader teacher's point of view during the tuition there should be observed as a part of professional competence teacher's which is theoretical and practical preparation for pedagogical activity realization and characterizes professional.

**Key words:** designing learning student study material, designing activity competence, pedagogic technology modeling, information, educational system.

**Введение.** Сегодня каждый педагог или производственный рабочий должен знать набор информационных и коммуникационных технологий и технических систем. При этом педагог - активный участник производства, специалист по производству, в свою очередь, должен выступать в роли учителя. Сейчас важной задачей должно стать воспитание нашей молодежи на основе инновационных образовательных технологий на высоком уровне в образовательных учреждениях с современным оборудованием. Для этого каждый педагог должен работать над собой, не отставать от времени, досконально знать и внедрять инновационные технологии обучения в свою работу. В наши дни уроки старого традиционного стиля не удовлетворяют потребности нашей молодежи, они даже не хотят слушать такие уроки. Учитывая текущий процесс глобализации и

стремительный рост интеллектуального развития нашей молодежи, использование методов и технологий, требующих творческого подхода в методологии, остается актуальной проблемой сегодня. На всех этапах системы образования проводится самостоятельное обучение или независимое исследование. Но такие упражнения не соблюдаются по своим правилам, поэтому эти упражнения не дают ожидаемого результата. Фактически на таких занятиях учитель ставит перед учеником, учеником или слушателем конкретное задание на основе специальных схем, формул, математических уравнений с наглядными пособиями.

**Основная часть.** Общеизвестно, что основными отношениями в учебном процессе являются отношения между учителем и учеником. В творческом образовании эта связь играет центральную роль, меняя ее форму. Если в традиционном образовании взаимосвязаны учитель и учебник, учитель и учебные материалы, учитель и наглядные пособия, ученик и учебник, ученик и учебный материал, ученик и наглядные пособия и т.д., то в компьютерном образовании их форма немного меняется [1]. В целях проектирования творческой деятельности учеников при обучении родному языку, с точки зрения применяющего творческое проектирование учителя взаимосвязаны и подчинены таким понятиям: учитель и учебник, учитель и учебные материалы, учитель и наглядные пособия, ученик и учебник, ученик и учебный материал, ученик и наглядные пособия, с точки зрения ведущего деятельность учителя, занимающегося проектированием при проведении уроков связь учитель и проект, учитель и ученик, учитель и привязанности ученика, ученик и учебные материалы. [2]. В первую очередь остановимся на деятельности учителя, занимающегося проектированием. Естественно, от качества структурированного проекта зависит эффективность обучения. В структуре проектной деятельности есть два уровня активности: творческий характер проектирования, предполагающий создание новых знаний в виде проектов; индивидуальный характер проектирования, который отражает личность учителя в проекте, созданном на основе изучения опыта передовых педагогов. Проектную деятельность следует рассматривать как часть профессиональной компетентности учителя, которая представляет собой единство теоретической и практической подготовки для осуществления педагогической деятельности и характеризует профессиональное качество [3]. Теоретическая подготовка к проектной деятельности - это высокий уровень владения набором навыков и компетенций в проектировании. Муравьева Г.Е. считает, что проектирование - это умение предсказывать исход развития дидактического процесса; планирование реализации проекта; проектирование технологического процесса создания материальной базы; вводит вопросы моделирования для получения новой информации об объекте [4].

1. Фақат  $t$  - фойдаланувчининг ўзига маълум бўлган  $x_{ij}^t$  - махфий калигдан фойдаланиб  $d_t^{x_{ij}^t} \pmod p = g^{kx_{ij}^t} \pmod p = D_{ij}^{tk}$  - қийматлар ҳисобланиб,  $D_{m \times n}$  - матрица ҳосил қилинади.

2. Очик  $A_{n \times m}^t$  - калигга параметрли тескари бўлган матрица  $(A_{n \times m}^t)^{-1} = (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t D_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) \pmod p$  ҳисобланади.

3. Ушбу  $R = D_{m \times n}^{tk}$  қийматни алмаштириш амалини бажариб, дешифрлаш амалга оширилади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^t)^{-1} \circledast w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t D_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) = (A_{n \times m}^t + M'_{n \times m} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M'_{n \times m}) \\ &\pmod p = (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) + (A_{n \times m}^t + M'_{n \times m} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M'_{n \times m}) + \\ &(I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (A_{n \times m}^t + M'_{n \times m} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M'_{n \times m}) \pmod p = \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M'_{n \times m} + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M'_{n \times m} \pmod p \end{aligned}$$

Бу охирги тенглик ифодасидаги матрицаларнинг фақат диагонал элементларининг ҳаммаси ноль бўлмай, бошқа барча элементлари ноллардан иборат бўлса (бундай матрицалар коммутативлик хоссасига эга), у ҳолда матрицалар кўпайтмалари қатнашган ҳадларда улар ўринларини алмаштирилса ҳам тенглик ўзгармайди. Ана шундай матрицалар учун ушбу тенглик ўринли:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^t)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M'_{n \times m} + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M'_{n \times m} \\ &(\text{mod } p) = (-A_{n \times m}^t) (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{tk} A_{n \times m}^t) + A_{n \times m}^t + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M'_{n \times m} + (-A_{n \times m}^t) R_{m \times n}^{tk} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk})^{-1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk}) M_{n \times m} \text{ (mod } p) \\ &= -A_{n \times m}^t + A_{n \times m}^t + M'_{n \times m} + A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M'_{n \times m} - A_{n \times m}^t R_{m \times n}^{tk} M'_{n \times m} \text{ (mod } p) = M'_{n \times m}. \end{aligned}$$

Умуман олганда бу тенглик ифодаларида қатнашувчи матрицалар коммутативлик ҳосасига эга бўладиган қилиб танлаб олинса, юқорида келтирилган дешифрлаш жараёнини қулай амалга ошириш мумкин. Бу ерда

$$M'_{n \times m} = M_{n \times m} \parallel P_{n \times m} \text{ ва } P_{n \times m} = A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} \text{ (mod } p) = A_{n \times m}^j \otimes H = P$$

эканлигини ҳисобга олиб электрон рақамли имзонинг тўғрилигини аниқлаш жараёни қуйидагича давом этади:

4.  $j$  - фойдаланувчининг  $R_{m \times n}^j$  - очик калитига  $d_p = g^{k_1} \text{ mod } p$  кўпайтирилиб

$$R_{il}^{jk_1} = g^{x_i^{j+k_1}} \text{ mod } p = D_{il}^{jk_1} \text{ ҳисобланади, } D_{n \times m}^{jk_1} \text{ - матрица ҳосил қилинади.}$$

5. Очик  $A_{n \times m}^j$  - калитга параметрли тескари бўлган матрица

$$(A_{n \times m}^j)^{-1} = (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j D_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^{jk_1}) \text{ mod } p \text{ ҳисобланади.}$$

6. Ушбу  $R = D_{n \times m}^{jk_1}$  қийматни алмаштириш амалини бажариб, дешифрлаш амалга оширилади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^j)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j D_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) \otimes (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) \text{ (mod } p) \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) + (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (A_{n \times m}^j + H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m}) \text{ (mod } p) = \\ &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} \text{ (mod } p) \end{aligned}$$

Бу охириги тенглик ифодасидаги матрицаларнинг фақат диагонал элементларининг ҳаммаси ноль бўлмай, бошқа барча элементлари ноллардан иборат эканлигини (бундай матрицалар коммутативлик ҳосасига эгаллигини) ҳисобга олиб, матрицалар кўпайтмалари қатнашган ҳадларда улар ўринларини алмаштирилса ҳам тенглик ўзгармаслигидан фойдаланиб, ушбу тенгликка эга бўлинади:

$$\begin{aligned} (A_{n \times m}^j)^{-1} \otimes w_{n \times m} &= (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + \\ &+ (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} \\ &(\text{mod } p) = (-A_{n \times m}^j) (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (I_{m \times m} + R_{m \times n}^{jk_1} A_{n \times m}^j) + A_{n \times m}^j + (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} + \\ &+ (-A_{n \times m}^j) R_{m \times n}^{jk_1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1})^{-1} (I_{n \times n} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1}) H_{n \times m} \text{ (mod } p) = -A_{n \times m}^j + A_{n \times m}^j + \\ &+ H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} H_{n \times m} + A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} - A_{n \times m}^j R_{m \times n}^{jk_1} H_{n \times m} \text{ (mod } p) = H_{n \times m}. \end{aligned}$$

7.  $t$ -фойдаланувчининг  $C_{n \times m}$  - шифрланган маълумотни дешифрлаши натижасида ҳосил

бўлган  $M_1' = M_1 \parallel P_1$  кенгайтирилган ҳужжатнинг  $M_1$  қисми ҳешланади :  $H(M_1) =$

$$H(M_{1n \times m}) = H_1$$

8.  $H_1 = H(M_{1 \times m}) = H_{n \times m} = H$  бўлса, электрон хужжат бутун (ҳақиқий) ҳисобланади ҳамда унинг электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигидан манбаасининг ҳам ҳақиқийлиги келиб чиқади.

Таклиф этилган ЭРИ алгоритмида имзолувчининг махфий калитгидан ташқари имзолувчи томонидан ихтиёрий танланадиган параметрдан ҳам фойдаланилди. Шунинг учун бу ЭРИ алгоритми махсус ишлаб чиқилган (яратилган) рақамли имзони ҳисоблашни шакллантиришга ва уни текширишга асосланган ЭРИ алгоритмлари каби хоссаларга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алферов А. П., Зубов А. Ю., Кузьмин А. С., Черемушкин А. В. Основы криптографии: Учебное пособие, 2-е изд. –М.: Гелиос АРВ, 2002.-480 с.
2. Шнайер Б. Прикладная криптография. Протоколы, алгоритмы, исходные тексты на языке Си. –М.: издательство ТРИУМФ, 2003 - 816 с.
3. Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланилиши – Тошкент, “Ўзбекистон маркаси”, 2009 – 434 бет.
4. Хасанов П.Ф., Акбаров Д. Е., Ахмадалиев Ш. Ш. Параметрли алгебра амалларидан фойдаланиб мавжуд ҳисоблаш мураккабликлари асосида янги асимметрик алгоритмлар яратиш усуллари. //Инфокоммуникации: Сети-Технологии-Решения. -1(9)/2009. -с. 31-35.

#### **ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ ЎСТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

Жумабоев Наби Пардабоевич  
Гулистон давлат университети  
Тасвирий санъат ўқитувчиси

***Аннотация:** мақолада тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ўстиришнинг аҳамияти, қисқача тарихи ҳамда хориж тажрибаси тўғрисида сўз юритилган. Республикамизда айниқса хорижий мамлакатларда педогогик ва психологик фикрлар уммондаги мавжуд қарашларни ва тўпланган тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш катта назарий ва амалий аҳамият касб этиши айтиб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** тасвирий санъат, рангтасвир композицияси, замонавий технология, мустақил тафаккур, ижодий қобилият, устоз-шогирд, хориж тажрибаси.*

#### **НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ СТУДЕНТОВ В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ**

Жумабоев Наби Пардабоевич  
Гулистанский государственный университет  
Преподаватель художественного искусства

***Аннотация:** в статье освещены история, значение и опыт развития творческих способностей учащихся на уроках изобразительного искусства. Установлено, что изучение, анализ и обобщение существующих взглядов и накопленного опыта в океане педагогических и*

психологических мыслей, особенно в зарубежных странах, имеет большое теоретическое и практическое значение.

**Ключевые слова:** *изобразительное искусство, композиция, современные технологии, самостоятельное мышление, творческие способности, педагог-ученик, зарубежный опыт.*

## THE NEED TO DEVELOP STUDENTS' CREATIVE ABILITIES IN THE VISUAL ARTS

Jumaboev Nabi Pardaboevich  
Gulistan State university  
Art teacher

**Annotation:** *this article illustrated the importance of rising students' creative skills while in art lessons, the history of art and foreign experiences. According to the article it is crucial factor in theoretic and practical aspects to learn, analyse and generalise wide range of art experience in our Republic and in overseas, especially international pedagogical and psychological imaginations, ideas and outlooks play a vital role.*

**Key words:** *visual art, composition, modern technologies, independent thinking, creative abilities, teacher-student, foreign experience.*

Республикамизда мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактаблари таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда. Айниқса, тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда рангасвир композициясининг ўрни беқиёсдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари тасвирий санъат дарсларининг рангасвир композицияси машғулотларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаши асосида ижодий қобилияти тафаккури ва бадиий-эстетик диди шаклланади, ижтимоий тизимга онгли муносабати таркиб топишида кўмак бўлади [1:30]. Демак, тасвирий санъат дарслари мазмунини чуқур ўзлаштиришни мустақил тафаккурни шакллантириувчи омил деб қараймиз. Ушбу нуқтаи назардан тасвирий санъат дарсларининг ташкил этилиши нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириб қолмай, балки ижтимоий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга рангасвирнинг сир-асрорларини янада чуқурроқ эгаллашга хизмат қилади. Ўқувчиларига тасвирий санъат дарсларида ижодий қобилиятини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашда муҳим восита сифатида қаралади [2:20]. Ўқувчиларни ижодий қобилиятини ошириш масалалари юз йил давомида пайдо бўлган жараён эмас. У кишилиқ жамияти, аниқроғи уйғониш даврида пайдо бўлган бошланган десак тўғрироқ бўлади. Чунки жамият тараққиёти бевосита катталарнинг ўз тажриба ва билимларини ёш авлодга турли йўللар билан ўтказиш жараёнида рўй беради. Бу жараён ўша даврларда синф-дарс тизимида бўлмасада ҳар қалай кундалиқ турмушда амалга оширилиб келинган. У меҳнат, оила муносабатлари, ов, тарбия соҳаларида ёшларнинг ёши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлганлиги ҳаммага маълум. Болаларнинг ёши хусусиятларини ҳисобга олиб уларга хунар ўргатганлар, таълим ва тарбия мазмунини белгилаганлар. Таълим тарбияга бундай ёндашув қадимги Мисрда эрамиздан аввалги VI-V асрларда мавжуд бўлганлиги расмий маълумотлардан бизга маълум [3:3]. Тасвирий

санъатдан ўқувчиларни ижодий хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни ўқитиш жараёни тарихимизнинг барча даврларида мавжуд бўлган. Ҳатто узоқ қадимда ўқувчиларнинг бадиий ҳунарларни ўзлаштиришда уларнинг ижодий хусусиятларини ҳисобга олганлар. Қадимги Грецияда, сўнг бир қатор Европа давлатлари Уйғониш даврида ўқувчиларга ижодий таълим масаласи педогогларнинг алоҳида эътиборини тортди. Педогог-устозларнинг бадиий устахоналарида ўқувчи-шогирдга таълим-тарбия бериш аниқ белгиланган қонун-қоидалар асосида олиб борилган. Чунки у даврларда устознинг ёрдамчиси ва йўлдавомчиси шогирд бўлганлиги учун, ўқувчи шогирд устозининг бадиий асарларини яратишдаги техникаси услубини ўзига бевосита қабул қилган. Бу жараён шогирдларни жамоа бўлиб ўқитиш ва улар билан бирга ишлашда муҳим ҳисобланган.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари ўзларининг асарларини яратишда нафақат назарий ёритиб, балки ўқувчиларга индивидуал ёндошиб, биргаликда амалий тарзда ишлаганлар, бунда ўқувчи ўз кўзи билан асарнинг яратилиши босқичларини кузатган. Ўша даврнинг рассомлари ўзларининг илмий қўлёзмаларида таълим ва ижодий ёндашув принципларини қўллаш, унинг самараси ҳақида қисман ёритиб ўтганлар. Масалан, Ченнино Ченнини шундай ёзган: “Кўпчилик тасвирий санъатни устозсиз ўргандик десалар, сен уларга асло ишонма, мисол тариқасида шу китобчани ўқиб чиқ: кечаю-кундуз ўқиб ўргансанг ҳам, аммо устоз кўрмасанг, ўрганиб ўқиб бўлганингдан сўнг ҳам сен устозлар қаторидан жой ололмайсан” [4:76]. Юқорида устознинг келтирилган фикридан хулоса қилсак, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида жонли муносабат бўлиши керак, ўқитувчи-устоз тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларига амал қилиб, умумий берилган таълим жараёнида озроқ чекиниб ҳар бир ўқувчининг ижодий хусусиятларини ҳисобга олиб таълим жараёнини қуриш мумкин дейилган.

Ўқувчиларни ижодий қобилиятини ривожлантириш юзасидан хориж тажрибаси ҳақида фикр юритганда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан АҚШ ва Франция таълим тизимида тўпланган тажрибалар диққатга сазовордир. Бу мамлакатларнинг замонавий таълим тизимида интерфаол таълимнинг амалиётга жорий этилиши XX асрнинг бошларига тўғри келади. Таълимнинг бу тури АҚШ таълим тизимида энг универсал воситалардан ҳисобланади, ундан барча синф ҳамда мактабларда барча фанларни ўқитишда фойдаланилган. Шунингдек, у 5-синфдан дарс ва дарсдан ташқари таълим жараёнида кенг жорий этилган. АҚШда ижодий қобилиятини ривожлантиришга доир дастлабки уринишлар С.Вашбурн томонидан ишлаб чиқилган ва кўпроқ у ижодий таълимга қаратилган эди. Мазкур лойиҳага кўра ўқувчилар куннинг биринчи ярмида ўқитувчи томонидан белгилаб берилган кўрсатмалар асосида мустақил ишларни бажарганлар. Бунда ўқувчиларнинг тошшириқларни қанча вақтда ва қандай тезликда бажаришга алоҳида эътибор берилган. Куннинг иккинчи ярмида эса мустақил ишлар ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига қараб махсус гуруҳларга бўлиб олиб борилган [5:40]. Франция умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш бўйича ўзига хос ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат педогог олимларининг фикрларига қараганда бундай таълим турининг Францияда тараққий топишига асосий ўқув материалларининг кўпчилик ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаётганлиги ҳисобланар экан. Таниқли Француз педагоги Р.Доттрэнс томонидан ишлаб чиқилган дастурларда ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, уларнинг иш тезлиги, ритми, чарчоққа бардошлилиги, чидамлилиги, қизиқишлари



ҳисобга олиниб ўқитишга алоҳида эътибор берилган. Айрим ҳолларда топшириқларнинг ўқувчиларнинг ўзларига танлашларига ҳам имкон берилади. Лойиҳа муаллифи ўқувчиларнинг ижодий ишларига раҳбарлик қилишни икки йўлини синовдан ўтказган. Улардан бири, минимум дастурни амалга оширишга қаратилган бўлса, иккинчиси қобилиятли болаларни билимларини бойитиш, уларни мураккаб ва ижодий топшириқлар орқали ривожлантиришни назарда тутди. Булардан ташқари, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳам дастурлар яратилган бўлиб, улар болалар билимларидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилади. Франция таълим тизимида ижодий таълимга замонавий педогогиканинг муҳим тармоқларидан, деб қаралади. Бу тизимда таълим машғулотларини фронтал ва гуруҳли шакллари билан қўшиб олиб боришнинг афзалликлари қайд қилинади [6:85]. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда тўпланган мазкур илғор тажрибалар республикамиз мактабларида жорий этилса, катта самара бериши, шубҳасиздир. Уларни амалиётга жорий этиш учун мактабларда тегишли шарт-шароитлар яратилиши, техника воситалари билан жиҳозлаш ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Ижтимоий, дидактик, психологик ва методик аҳамиятга эга вазифани амалга оширишда, биринчи галда Республикамизда айниқса хорижий мамлакатларда педогогик ва психологик фикрлар уммонидаги мавжуд қарашларни ва тўпланган тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. Республикамиз таълим соҳаси ташкилотчилари, методистлари, ўқитувчилари ҳамда олимларининг бу борада олиб бораётган ишлари халқ таълимининг янги сифат босқичига олиб чиқишга самарали таъсир кўрсатади [7:15]. Шу борада ўқитиш муаммолари юзасидан республикамиз педагог-олимларининг сайи-ҳаракатларида намён бўлади. Бу борада Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педогогика фанлари илмий тадқиқот институтида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ижодий фаоллигини ривожлантиришга доир олиб борилаётган тадқиқотлар диққатга сазовордир [8:103]. Таъсирий санъат фани бўйича ўқувчиларни ўқитиш, унинг республикамиз таълим тизимида мос келадиган дастлабки уринишларнинг илмий-назарий асосларини илк куртаклари ишлаб чиқилди. Хусусан профессор Р.Ҳасановнинг тасвирий санъат дарсларида ва синфдан ташқари машғулотларида ўқувчиларни ижодий фаоллигини ошириш бўйича республикамиз матбуот ва рўзномаларда мақолаларининг чоп этилиши, бу мақолаларда ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган бўлсада хали бу етарли даражада чуқурроқ ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунда замонавий педагогик технологияларнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланиб уни назарий асослари ва амалиётда кенг қўллаш заруриятини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- жаҳондаги фан, техника ва маъданиятнинг тез ривожланиб бориши ва уни таълим мазмунини кенгайтириб ва чуқурлаштириб юбораётганлиги;
- мамлакатимизда таълим соҳасида давлат таълим стандартларини яратилиши;
- замонавий педагогик технологиялар бўйича кўп йилдан буён хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар ва улардан мамлакатимизда таълим муассасаларида фойдаланиш [9:60].

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни ижодий қобилиятини ўстиришда рангасвир композициясининг мазмун-моҳияти катта имкониятларга эга. Ижодий қобилиятни ўстириш асосида ўқувчиларда тасвирий санъатдан билим, кўникма ва малакалари муҳим мезонлардан бўлиб ҳисобланади. Ўқувчиларда ижодий қобилиятларини ўстириш тасвирий санъат дарслари жараёнига яхлит ва тизимли ёндашувни талаб этади. Бу борада тасвирий санъатдан технологик ёндашув, янги педагогик технологиялардан, бадиий таълимнинг энг илғор тажрибаларидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Усмонов. Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш (тасвирий санъат дарсларида) – Т.: Ўқитувчи. 1987 й.
2. О.Худоёрова. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатдан дарс самарадорлигини оширишнинг баъзи масалалари. –Т.: Ўқитувчи. 1995 й.
3. Р.Ҳасанов. Табақалаштирилган таълим: муаммо ва ечим. “Маърифат” газетаси. 2003 й. 15-ноябрь.
4. Ченнино Ченнини. Трактат о живописи. –М.: 1933 г.
5. С.Washburne, S.Marland. Winnetka: The history and significance of an educational experiment Englewood ditts. 1963 у.
6. R.Dottrens. L'enseignement indiviendhalisse. – Paris.: 1986 у.
7. Р.Ҳасанов, Б.Орипов. Тасвирий санъат. Бошланғич синфларда “Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат”. –Н.: 2000 й.
8. Р.Ҳасанов. Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари. –Т.: Ўқитувчи. 1983 й.
9. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепсияси. –Т.: 1995 й.

#### **ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЁЗИШ ТЕХНИКАСИ ВА ЁЗМА НУТҚНИ ЎРГАТИШ.**

Ишонкулов Шерзод Усмонович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Тел:91 2144216 e-mail: [sherzod.usmonovich@mail.ru](mailto:sherzod.usmonovich@mail.ru)

***Аннотация:** Ушбу мақолада ўқитувчилар учун талабаларга инглиз тилида ёзиш техникаси ва ёзма нутқни ўргатишга оид кўрсатмалар, интер-фаол ўқитиш усуллари ва улар ҳақида тушунчаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган. Мавзуга оид тадқиқотлар таҳлил қилинган ва илмий асосланган.*

***Калит сўзлар:** продуктив нутқ, кодлаш, ёзув техникаси, ёзув механизми, товуш ва ҳарф, ёзма нутқ;*

#### **ОБУЧЕНИЕ ПИСЬМЕННЫМ ТЕХНИКАМ И ПИСЬМЕННОЙ РЕЧИ НА АНГЛИЙСКОМ.**

Ишанкулов Шерзод Усмонович

Каршинский инженерно-экономический институт,

Преподаватель кафедры иностранных языков

Тел .: 91 2144216 e-mail: [sherzod.usmonovich@mail.ru](mailto:sherzod.usmonovich@mail.ru)

**Аннотация:** Аннотация: Эта статья объясняет учителям методы обучения студентов письму и разговорной речи на английском языке, научное значение интерактивных методов обучения и концепций о них. Исследования по теме были проанализированы и научно обоснованы.

**Ключевые слова:** продуктивная речь, кодирование, техника письма, механизм письма, звук и буква, письменная речь;

## TEACHING OF WRITING TECHNIQUES AND WRITTEN SPEECH IN ENGLISH.

Ishankulov Sherzod Usmonovich

Karshi Engineering and Economics Institute,

Lecturer at the Department of Foreign Languages

Tel.: 91 2144216 e-mail: [sherzod.usmonovich@mail.ru](mailto:sherzod.usmonovich@mail.ru)

**Annotation:** Abstract: This article explains to teachers the methods of teaching students to write and speak in English, the scientific value of interactive teaching methods and concepts about them. Research on the topic has been analyzed and scientifically substantiated.

**Keywords:** productive speech, coding, writing technique, writing mechanism, sound and letter, written speech;

Замонавий таълимни ташкил этишда қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни тарбияланувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, тарбияланувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар тамонидан эгаллаган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш тарбиячидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Ёзиш ва ёзма нутқ продуктив нутқ фаолиятининг тури бўлиб, ёзишга ўргатиш чет тили алфавитидаги товушларнинг график тимсолларини ўзлаштиришни, ҳарфларни товушларга, сўзларга, гапларга айлантириб, уларни имло жиҳатдан тўғри ёзишни ва улар ёрдамида фикрни ёзма баён қилишни кўзда тутати. Шундай қилиб, ёзишга ўргатишда товуш, ҳарф, буғин сингари фоне-тик бирликларни, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац, матн сингари лексик бирликларни ўзлаштириш, ўқиш ва ёзиш, ёзма ахборот тайёрлашга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш тушунилади.

Ёзув бошқа нутқ фаолиятларини шакллантиришда, ривожлантиришда воситачилик қилади. Ёзув орқали ўзганинг фикрини ёзиб олаш, ўқитганимиз-ни ёзсак, хогирамизда яхши сақланади, гапириш учун маълумот тўплаймиз, гапиришимиз осон бўлади. Ёзувни ўргатиш орқали ўқишни ҳам ўрганамиз.

Психологларнинг кўрсатишича, ҳар қандай тилда ахборотни ёзма равишда кодлаш анча қийин фаолият саналади. Ёзма ахборотни ҳосил қилишда ёзув механизми биринчидан овозли ахборотни шакллантиришдаги элементлардан, иккинчидан эса товуш кодини ёзув кодига айлантиришдан иборатдир. [1]

Бу жараёндаги биринчи элемент турли хил ва мураккаб фаолият ҳисоб-ланади; у ёзиладиган (айтиладиган) гапнинг грамматик-семантик томонларини режалаштиришни, гапни грамматик жиҳатдан реаллаштириш ва сўзларни танлашни; айтиладиган ёки ёзиладиган гап компонентларини фонетик жиҳатдан режалаштиришни, товушларни танлашни ва гапни тайёр ҳосил қилиб чиқариш-ни ўз ичига олади. Бу фаолият ёзувда, фикрларни баён қилишда овозли ахборот элементларининг ассоциацияланиши билан тўлдирилади. Агар биз матндан кўчириш ва тинглаб идрок қилганимизни ёзиш билан машғул бўлсак, унда ахборотни ҳосил қилиш эмас, балки уни тинглаб тушуниш ёки ўқиш ёрдамида қабул қилинган нутқ маъсулини билиб олиш биринчи даражали элемент бўлади.

Шундай қилиб, ёзувдан муомалада фойдаланишнинг барча ҳолларида икки босқични кўрсатиш мумкин:

- ❖ кодлаш ёки кодни очиш, бунинг натижасида товуш кодида огоҳлантириш содир бўлади
- ❖ график код ёрдамида кодлаш.

Огоҳлантириш жараёнидаги ички гапириш ёзма ахборотнинг мураккаб-лиги ва инсон томонидан у ёки бу тилни ўзлаштирилганлигига қараб, турлича бўлиши мумкин. Ёзма ахборотларни шакллантириш жараёнида амалга ошири-ладиган фаолиятнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ёзув ҳамма вақт иккиламчи кодлаш характериға эға. Бу фикр нутқ фаолиятининг ана шу тури бўйича олиб борилган кўп тадқиқотларда баён қилинади. Бироқ баъзи муаллифлар график код маълум мустақилликка эға ва уни товуш кодига нисбатан иккиламчи нарса сифатида тушуниш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтади. Жумладан, чет тилида-ги ички нутқда рўй берадиган огоҳлантириш Э. П. Шубиннинг фикрича ёзувни амалга оширишнинг зарур шарти эмас, балки у она тилида вужудға келган одат-дир. Бу фикр унчалик тўғри бўлмаса керак, чунки психологлар М. А. Зимняя, А. А. Леонтьев ва бошқаларнинг таъкидлашича, киши қайси тилда сўзламасин, нутқ ҳосил қилувчи аппарат яғонадир. [2]

Ёзувнинг шаклланишини икки босқичи (кодлаш ва кодни очиш ҳаша ёзув белгилар ёрдамида кодлаш), шунингдек, фикрни ёзма равишда баён қилишда оғзаки қайтариш ёзувнинг оғзаки нутқ ва ўқиш билан боғлиқлигини исботлайди ва уни чет тилини ўргатишдаги муҳим воситаға айлантиради.

Ёзув қийинчиликлари ёзув техникаси, фикрни ёзма баён қилиш бўйича бўлиши мумкин. Иккаласида ҳам экстралингвистик ва лингвистик қийинчилик-лар бўлади. Экстралингвистик қийинчиликлар қуйидагилар:

- ❖ Талабаларни ёзишға тайёргарлиги.
- ❖ Ёзув ўтказилаётган вазиятни тайёрлиги.
- ❖ Ёзиш учун воситаларнинг мавжудлиги (дафтар, ручка, китоб).
- ❖ Ўқитувчининг ёзишни, айниқса, ёзма ишларни ўтказиш методикаси.
- ❖ Машқ, ёзма ишларни талабанинг билимиға мос ҳолда тузилганлиги.
- ❖ Лингвистик қийинчиликлар.
- ❖ Ҳарфларни босма ёзмачасини тўғри ёза билишлик.
- ❖ Ҳарф бирикмаларини тўғри ёза билишлик.
- ❖ Сўзларни хатосиз ёзиш, уларни маъносини билиш.
- ❖ Сўзлар орқали грамматика нуқтаи назаридан гаплар туза билишлик.

❖ Ёзувни ўргатиш мазмуни ва механизми

Ёзувни ўргатишни ўз мазмуни бор. Ёзувни ўргатишнинг мазмуни деганда ёзув бўйича нималарни ўргатиш ва улар билан нима қилиш тушунилади. Ёзувни ўргатганда ҳарф, ҳарф бирикмалари орқали сўзлар, гаплар тузиш, фикрни ёзма баён қилиш ўргатилади.

Тилшунослар ҳарф, ҳарф бирикмаларни ёзишни графика деб, сўзларни хатосиз, имлосини тўғри ёзишни — орфография, тиниш-белгиларни тўғри қўйишни — пунктуация, ҳуснихатни — каллиграфия деб атайдилар.

Шу нуқтаи назардан, ёзув мазмунига графика, орфография, пунктуация ва улар орқали фикрни ёзма баён қилиш киради. Буларни соддалаштириб, иккига ажратишимиз мумкин. Графика, орфография, пунктуацияни ўргатишни ёзув техникасига киритишимиз мумкин, иккинчисига фикрни ёзма баён қилиш киради. Демак, ёзувни ўргатиш мазмуни ёзув техникасидан ва фикрни ёзма баён қилишдан иборат. [3]

Ёзув механизмлари: Механизмлар деганда ёзув нималар орқали амалга ошири тушунилади. Машҳур психолог Н. И. Жинкиннинг гувоҳлик беришича, ёзув механизми икки босқичдан

1) ҳарфлардан сўз ясаш

2) сўз ва сўз бирикмаларидан ёзма ахборотлар тузишдан ташкил топади.

Маълумки, ёзув механизми биринчи босқичнинг асосида малака даража-сита етказилиши керак бўлган ёзув ва имлони эгаллаш, иккинчи босқич замини-да эса фикрларни маълум ёзув коди ёрдамида ифодалаш, яъни нутқ кўникмаси-ни эгаллаш ётади.

Ўқитувчи мана шу механизмларни ёзув мазмунини ўргата олса, талабалар ёзувни амалда қўлай оладилар. Методикада ёзишга ва фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш алоҳида босқичлар сифатида ўргатилади. Ёзишга ўргатиш мураккаб психофизиологик жараён бўлиб, унда нутқ анализаторларининг барчаси иштирок этади ва ҳарфлардан сўз, сўзлардан сўз бирикмалари ва гаплар ясаб ёзишга, ўқишга, тушунишга ва ўрганилган материални мустаҳкамлашда асосий восита вазифасини бажаради. Гапириш механизмлари ёзувда ҳам ишти-рок этади. Ёзувда маъно, товуш тимсоллари график тимсоллар (ҳарфлар) билан ўзаро боғланади, яъни гапиришда амал қилинадиган маъно ва товуш тимсолига ҳарфий тимсол ҳам қўшилади. График тимсол ўқиш ва ёзишда ўзлаштирилади бориб, ёзма нутқ анализаторлари назоратига ўтади.

Ёзишга ва ёзма нутққа ўргатиш нутқ фаолиятининг гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқиб тушунишга ўргатиш турлари билан ана шу жиҳатлари билан боғлиқдир. Шу сабабли нутқ фаолиятига ўргатишда дастлаб гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқишга ва ниҳоят ёзма нутққа ўргатилади.

Ёзиш техникасига ўргатиш товушларнинг талаффузи ва уларнинг график тимсолларини тўғри ёзиш, ҳуснихат ва имлони ўзлаштиришга қаратилади. Ёзиш техникасига ўргатишда ўқитувчи ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг талаффуз ва ёзилиш қоидаларини тушунтиради, кўрсатади, ёздирди, ўқиб беради ва муста-қил ўқитириб ёздирди. Ёзув техникасига ўргатиш чет тили ва ўзбек тилидаги товуш - ҳарф системасидаги мувофиқликлар ва фарқлар асосида ташкил қилинади. Товуш - ҳарф муносабатларини ўргатишда товушни идрок этиш, кўриш тасавури ва ундан сўнг ёзув ҳаракати содир бўлади. Бунда она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Чет

тили ва ўзбек тиллари лотин графикасидаги алфавитга асосланган бўлсада, товуш ва ҳарфлар миқдори мос келмаслиги, ҳарфларнинг турли ҳолатларда турлича ўқилиши, бир неча ҳарф бир товушни ифодалаш, айрим ҳарфларнинг ўқилмаслик каби ёзишга ўрга-тишга халал берадиган номувофиқларга эга. Бундай қийинчиликларни олдини олиш учун махсус машқлар бажарилади. Товуш - ҳарф муносабатларидаги қийинчиликларнинг даражаларига қараб уларни ёзувда ва ўқишда ўзлаштириш тартиби белгиланади.

Масалан, товуш ва ҳарф мувофиқ келса, эшитув-товуш идроки, кўрув тасавури ва ёзиш орқали графика осон ўзлаштирилишига эришилади. Бир товуш бир неча ҳарфлар орқали ифодаланса ёки бир ҳарф ҳолатига кўра бир неча товушларни ифодаласа, улар товуш-ҳарф, ёки буғин таҳлили орқали ўзлаштирилади. Ҳарфларнинг алфавитдаги номи ва ўрнини ўрганилиши сўзлар-ни оғзаки ҳарфлаб айтиш ва ёзиш машқларини бажаришга ёрдам беради. Ёзма нутққа ўргатиш (фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш) талабаларнинг ўзлаштира-ган тил материали асосида ташкил қилинади. Ёзма нутққа ўргатиш тил материалини пухта ўзлаштириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини такомиллаштириш, талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини текшириш ва баҳолаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. [4]

Талабаларнинг тил тажрибалари ҳисобга олиниб чет тилида хуснихат ўргатилади. Бу ўринда ҳам она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Қийин ўзлаштириладиган ҳарфлар синф доқасига ва талабалар дафтарла-рига ёзиб кўрсатилади. Имлони ўргатиш оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларни ва гапларни ёзишга ўргатишнинг орфографик минимумини ташкил қилади. Имлони ўзлаштиришда талабаларнинг кўриш ва эслаб қолиш қобилиятларини ривожлантирувчи ёзма машқлардан фойдаланилади.

Ёзишга ўргатувчи машқлар. Ҳар қандай товуш ва унинг ёзилишини ўргатиш унинг график тимсолини (ҳарфни) кўрсатиш, уни талаффуз қилиш ва ёзиш машқлари орқали ўргатилади.

Ёзишга ўргатувчи машқлар методик адабиётларда қуйидагича тасниф қилинади: [5]

- ❖ Товуш- ҳарф таҳлили машқлари;
- ❖ Кўчириш машқлари;
- ❖ Эшитиб ёзиш (имло диктантлар) машқлари;
- ❖ Эркин ва ижодий ёзма ишлар (фикрни ёзма ифодалаш);
- ❖ Чинаккам ёзув машқлари (хат, мақола, воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш);
- ❖ Ёзишга ўргатувчи ўйин машқлари (кроссворд, чайнворд, топилшмоқлар);
- ❖ Ҳикоя (матн) режасини ёзиш;
- ❖ Ўқилган матнга аннотация ёзиш машқлари.

Бундай машқлар ёзишга (имлога) ўргатувчи, ёзма нутққа ўргатувчи, фикр-ни ёзма баён қилишга ўргатувчи машқлар сифатида талқин қилинади.

Ёзишга (имлога) ўргатувчи машқлар:

- Муайян товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш;
- Матндан муайян товуш-ҳарф муносабатларини ифодаловчи сўзларни топиб кўчириш;
- Матндан ўқилмайдиган ҳарфлар мавжуд сўзларни топиб ёзиш, ёки тагига чизиш;

- Матндан ҳарф бирикмали сўзларни топиб кўчириш;
- Муайян товушни ўз ичига олган сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзиш;
- Эшитилган сўзлардан қирқма алфавитдан фойдаланиб сўзлар ясаш;
- Ёд олинган материални мустақил ёзиш.
- Беш минутлик диктантлар ва ўзаро текширув машқлари;
- Нуқталар ўрнига керакли ҳарф ва ҳарф бирикмалари қўйиб кўчириш машқлари;
- Сўз тартибини ўзгартириб саволга жавоб ёзиш машқлари;
- Матннинг шахс ва замонларини ўзгартириб кўчириб ёзиш машқлари;

Ёзишга ўргатишда уйга бериладиган ёзма машқлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ўрганилган материални хотирлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради. Фикр-ни ёзма баён қилишга (ёзма нутққа) ўргатувчи машқлар.

Ёзма нутққа ўргатувчи машқлар баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат ёзиш каби шаклларда ташкил қилинади. Аввал тингланган, ўқилган, ёд олинган жумлалар ёки матнни ёзма баён қилиш бундай машқларнинг асосини ташкил қилади.

Ёзма нутққа ўргатишда чет эллик дўстга почта ёки интернет орқали хат ёзиш амалиёти кенг қўлланилади. Хат оғзаки нутқ жараёнида ўзлаштирилган мавзулар доирасида ёзма фикр баёни бўлиб, талабалар намунага қараб лексик бирликларни танлайдилар, ўзи, мактаби, оиласи, шаҳри (қишлоғи), ватани ҳақида хат ёзиб, уни тўғри расмийлаштиришга ўрганадилар. Бу ўринда ёзувга хос муомила сўзлар, табриклар, миннатдорчилик билдириш, хат якуни, унинг ёзилган куни, манзилгоҳни ёзиш сингари жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Ёзма нутққа ўргатишда ҳар бир синфда талабаларнинг кўникма ва малака-ларининг шаклланиш даражасига қараб ёзишга, ёзма нутқни ўстиришга йўнал-тирилган машқларнинг хусусий тартиби белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. С.Саидалиев. Чет тили уқитиш методикаси курсидан лекциялар туплами. Андижон. 1996
2. Ў. Ҳошимов, И. Ёқубов, Инглиз тили ўқитиш методикаси. «Шарқ» нашриёти, Тошкент – 2003
3. Ў. Ҳошимов, И. Ёқубов, Инглиз тили ўқитиш методикаси. «Шарқ» нашриёти, Тошкент – 200
4. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Ташкент. 1996
5. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Ташкент. 1996

## **MALAKALI RAHBAR KADRLAR SHAKLLANTIRISHDAGI PSIXOLOGIK YONDOSHUVLAR.**

Sirojiddinova Firuza Xosilbekovna  
Andijon mashinasozlik instituti "Gumanitar fanlar"  
kafedrasida stajyor- tadqiqotchisi  
tel (93)694 20 06, E-mail: srojiddinova@mail.ru

***Annotasiya:** ushbu maqolada rahbar psixologiyasi bilan yaqindan tanishuv, boshqaruv psixologiyasi, rahbar faoliyati korxonaga ta'siri, jamiyat taraqqiyoti davomida inson ruhiyatini o'rganish va boshqarish, xodimlarni boshqarish, rahbar kadrlar tayyorlash dolzarbligi va malakali rahbar kadrlartizimini muvaffaqiyatli shakllantirish haqida fikrlar bildirilgan.*

***Kalit so'zlar:** rahbar psixologiyasi, axborot kommunikasiya texnologiyasi, chaqqon, uddaburon, harakatchan, iste'dodli, samaradorlik, rahbar kadrlar.*

## **ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ФОРМИРОВАНИЮ КВАЛИФИЦИРОВАННОГО ЛИДЕРСТВА.**

Сирожиддинова Фируза Хосилбековна  
Стажер-исследователь кафедры «Гуманитарных науки»  
Андижанского машиностроительного института  
Тел(93)694 20 06, E-mail: srojiddinova@mail.ru

***Аннотация:** В данной статье представлены идеи о тесном знакомстве с психологией руководителя, психологии управления, влиянии руководящей деятельности на предприятие, изучении и управлении психикой человека в процессе развития общества, актуальности управления персоналом, подготовке руководящих кадров и успешном формировании системы квалифицированных руководящих кадров.*

***Ключевые слова:** психология руководителя, информационно-коммуникационные технологии, мотивированный, трудолюбивый, талантливый, эффективный, руководящий персонал.*

## **PSYCHOLOGICAL APPROACHES TO THE FORMATION OF QUALIFIED LEADERSHIP.**

Sirozhiddinova Firuza Khosilbekovna  
Trainee-researcher of the Department of "Humanities"  
Andijan Machine Building Institute  
Tel (93)694 20 06, E-mail: srojiddinova@mail.ru

***Annotation:** In this article, a closer acquaintance with the psychology of the leader, the psychology of management, the impact of managerial activities on the enterprise, the study and management of the human psyche during the development of society, the management of personnel, the relevance of the training of management personnel and the successful formation of qualified personnel managers are expressed.*

***Key words:** leader psychology, Information Communication Technology, enthusiastic, enterprising, action-oriented, talented, effective, leader personnel.*



Mustaqillik sharoitida biz o'zlashtirishimiz zarur bo'lgan sohalardan biri rahbar psixologiyasidir. Chunki o'zbek xalqi o'z haqiqiy mustaqil davlatiga ega bo'ladi. Jahon sahniga chiqib, o'z movqeini mustahkamladi.

O'zbekistonda rahbar psixologiyasi va jamoa o'rtasidagi psixologik munosabatlar haqida anchagina kitoblar, to'plamlar, risolalar va maqolalar yozilgan bo'lsada etarli deb bo'lmaydi, albatta. O'zbekiston psixologiya fani tarixi va faoliyati tamoyillarining shakllanishidagi kamchiliklarining asosiy sabablaridan biri, bizning ongimizda muammolarni o'rtaga tashlashdagi juratsizlik, ongimizdagi hadiksirashdir. Holbuki, psixologiya hayotning o'zidir va uni keng tushunchalar orqali inson ongida aks ettiradi. Boshqa fanlar, jumladan, biologiya, tarix, geografiya, tilshunoslik, kimyo va boshqalar, ijtimoiy boylikning ma'lum jihatlari, xossa va hususiyatlari, tamoyil va qonunlarini o'rgansa psixologiya borliq, tabiat, jamiyat va inson ongining qonunlari va hususiyatlarini butunligicha o'rganish imkonini beradi. Rahbar psixologiyasini o'rganishga ham ijtimoiy psixologiya ana shu umumtamoyillar nuqtai nazaridan qaraydi.

Mamlakatimiz psixologlari zamon talablariga to'la javob bera oladigan, chuqur ilmiy tadqiqot namunalari namoyish qila oladigan, ilg'or g'oyalarni ishlab chiqariladigan rahbar psixologiyasiga zo'r qiziqish bilan qaramoqdalar. Rahbar psixologiyasining predmeti, tadqiqotlar qamrovining kengligi, to'plangan empiric dalillarning boyligi, ularning rang-barangligi, taxsinga sazovorligi, tatbiqiy xususiyatiga ega ekanligi, antogenez asosiy bosqichlarining bir davrining o'zida o'rganilishi har qanday ilmiy izlanuvchini hayratga soladi. Ana shu sababdan keying yillarda O'zbekiston psixologlari ham rahbar psixologiyasi bilan yaqindan tanishish extiyojini his qilmoqdalar, chunki boy tajribalar bilan tanishmasdan turib, bugungi kun talabiga mos ilmiy nazariyalar ishlab chiqarish mumkin emas. Shuning uchun ham O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim tog'risida"gi qonunda va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da, shuningdek, milliy dasturning ikkinchi sifat bosqichida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar rivojlangan demokratik davlatlar darajasida yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beradigan yuqori malakali rahbar kadrlar tayyorlash, ta'lim muassasalarini maxsus tayyorlangan malakali pedagog kadrlar bilan to'ldirish, ularni moddiy texnika va axborot bazalarini mustaxkamlash, o'quv jarayonini ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan ta'minlash kabi hayotiy muammolar ko'ndalang qilib qo'yilgan.<sup>1</sup>

Fan, axborot kommunikasiya texnologiyalari va ishlab chiqarishning rivojlanishi respublikamizda rahbar kadrlar tayyorlashning dolzarbligini yanada oshirmoqda.

Boshqaruvda tajriba, konikma, mahorat, bilim, aql va idrokning roli katta. Ammo eng avvalo, boshqaruv bu- san'at, ochiqroq aytganda ijoddir. Raxbarga ham huddi san'atkor uchun zarur bolganidek, talant va iste'dod lozim. Har kimdan san'atkor chiqmaganidek, istagan odamdan ham yaxshi rahbar chiqavermaydi.

Rahbar o'z qobiliyati, iste'dodini ishga solib izlanadi, shu maqsadda hayoti, odamlarni chuqur o'rganadi. Natijada to'plangan bilimlari, tajribalarini boshqaruvning umumiy qonuniyatlari asosida shakllantirib, o'z boshqaruv usullarini shakllantirishda, mutlaqo erkin shaxsdir, ammo unung rahbarlik usuli ijobiy natija berishi kerak.

Rahbar faoliyatining samaradorligi rahbar shaxsining tafakkuri, aql idrokiga ham bog'liq bo'ladi. Tafakkur rahbarga keng va chuqur fikrlay olish, yaxshi yomondan, foydani zarardan, muhimni nomuhimdan bexato ajrata olish imkoniyatini beradi. Bu hammaga ham nasib qilavermaydigan yuksak fazilat bo'lib, agar raxbarda ular shakllangan bo'lsa, unday rahbar

boshqaruvning sir-asrorlarini qiynalmasdan egallan oladi, o'z jamoasi o'rtasida obro' va ishonch qozona oladi.

Har qanday rahbar keng va chuqur fikrlay olish bilan birga, chaqqon va uddaburon, harakatchan va shijoatli bo'lishi ham kerak. Shuning uchun rahbarlik faoliyatini tafakkur va harakat birligi deb atadik. Fikrlash va harakat bir vaqtning o'zida ro'y beradi, boshliq o'zi o'ylashi, o'zi mantiqiy hulosaga kelishi va ularni amalga oshirishga kirishishi kerak.<sup>25</sup>

Rahbardagi o'ziga hos talabchanlik, mehribonlik hamda mas'uliyat jamoa azolarida ham javobgarlik hissining shakllanishiga sababchi bo'ladi. Malakali rahbar kadrlar tizimini muvaffaqiyatli shakllantirish uchun ijtimoiy psixologiya va raxbarlar psixologiyasi, boshqaruv psixologiyasi kabi fanlarni yaxshi bilish zarur. Keyingi yillarda xalq xo'jaligini malakali raxbar kadrlar bilan ta'minlash va mustahkamlash sohasida ko'pgina tashkiliy ishlar qilindi va bu ish hali ham davom ettirilmoqda.

Har qanday davr va tizimda tutgan rejalarimiz, qabul qilgan qaror va qonunlarimizning ro'yobga chiqishi, taraqqiyotimiz odimlari, qo'yingki, kishilar kayfiyatiga bog'liq barcha hayotiy masalalarni ahvoli u yoki bu sohada kim raxbar bo'lib ishlayotganligiga, rahbarlik faoliyatiga bog'liqdir.

Rahbarni tanlash, ularni joy-joyiga qoyish hozirgi kunda eng dolzarb masala. Chunki biz ancha murakkab davrda yashamoqdamiz. Zero dunyodagi notinchliklar, nizolar, vayronagarchiliklar va davlatlar o'rtasida urushlar kelib chiqishi, begunoh kishilarning qoni to'kilishi, xalqning ahvoli nochor bo'lib qolishiga tarixda ko'p hollarda sotqin, vijdonsiz rahbarlar, millatchi guruxbozlar sababchi bo'lganligini insoniyat hech qachon unutmasligi kerak. Hullas, insoniyat sivilizatsiyasining hamma davrlarida malakali rahbarlar va mutaxassislar barcha muammolarni hal qilishda muhim o'rin tutadi va shunday bo'lib qolaveradi.

Shunday ekan, masalaning psixologik echimini oydinlashtirish uchun keng mushohada qilib ko'rishga to'g'ri keladi. Ya'ni, haqiqiy rahbar jamoada ruhiy ko'tarinki kayfiyat bilan ish boshlamog'i lozim, odamlarga ma'naviy yaqin bo'lmog'i zarur. U hamisha jamoa a'zolarining quvonch va tashvishlarini his eta olishi kerak. Hayotining ko'pgina unitilmas lahzalari jamoa muhitida tarbiyalanadi, shakllanadi. Shu tarzda rahbarning eng yaxshi tashkilotchilik, tadbirkorlik fazilatlarini mukammallashib boradi.

Jamoa hayotida yuz beradigan muhim voqealar va hodisalar shu jamoani boshqaradigan rahbar faoliyati bilan bog'liq bo'ladi. Jamoa va rahbar uyg'unligi shaxs hamda korxonalar manfaatlarining shunchaki mos kelishi emas. Bunday psixologik uyg'unlik rahbarning ma'lum kishilar guruhiga hech ikkilanmay "singib ketishi" yoki shu guruhdagi kishilarning rahbarga ko'r-ko'rona bo'ysunishi natijasida yuzaga kelmaydi. Har bir rahbar faoliyati davomida jamoa hayotiga baholi qudrat o'z hissasini qo'shib borsa va undan o'zi uchun ham biror yangilik topa olsagina zamini mustahkam jamoa vujudga keladi. Demak rahbar shaxslarning ma'naviy dunyosi qanchalik yuqori bo'lsa, jamoa hayoti mazmunan shunchalik boy, qiziqarli bo'ladi. Zamonaviy muossasada eng avvalo, ma'naviy -psixologik yakdillik, hamjihatlik, manfaat va intilishlar birligi vujudga kelgan bo'lishi lozim. Ba'zan bu birlik unchalik mustahkam bo'lmasligi ham mumkin. Bordi-yu jamoada tarqoqlik, o'rinsiz tortishuv yuz berib, bu mojaro uzoq vaqt davom etsa, bunday muossasa o'z barqarorligini yo'qotadi va oqibatda inqirozga

<sup>25</sup> Kadrlar tayyorlash milliy dasturi Toshkent 1997yil 28-avgust 36-38 bet

ytuz tutadi. Agar rahbar jamoa oldidagi mas'uliyatini to'liq his etsa-yu, biroq o'ziga bogliq bo'lmagan sabablarga ko'ra endi uni boshqara olmaydigan psixologik sharoitga duch kelsa, unda rahbar o'z lavozimidan voz kechgani ma'qul. Tashkilotchi xodimlarning psixologik faoliyatini o'rganish shuni ko'rsatadiki, rahbar rahbarlik faoliyatining mahorat cho'qqisini egallamaguncha unda taqlid qilib ishlash uslubi ancha ushtun bo'ladi. Vaqt o'tishi bilan u, albatta, o'zining mustaqil boshqarish uslubini topib oladi.

Ma'lumki, boshqaruv jarayoni uchun ijrochilar (ishchilar, xodimlar)ning psixologik xususiyatlari va ularning o'ziga xosligi muhim ahamiyatga ega. Xuddi shu boisdan jamoa, gurux va ularning a'zolari yuzasidan muayyan darajadagi psixologik ma'lumotga ega bo'lish, faoliyat va muomilani tashkil qilish, muloqotga kirishish masalalarini e'tiborga olish boshqaruv jarayonini maqsadga muvofiq amalga oshirishni ta'minlaydi.

Rahbarning psixologik savodxonligi har qaysi alohida xususiyatli vaziyat, holat, ziddiyat, shaxs qarshiligi, munosabat, muammo echimiga oqilona, odilona va omilkorlik bilan individual yoki differensial yondashish amaliyotga tatbiq etishga keng ko'lamli imkoniyat, puxta shart-sharoit, shaxsiy uslub vujudga kelishiga asos yaratadi. Binobarin, rahbar insoslarning individual-tipologik xususiyatlari bo'yicha psixologik bilimlar bilan qanoat xosil qilmasdan, balki social psixologik holatlar, qonuniyatlar, hodisalar rivoji, ularni keltirib chiqaruvchi omillar, harakatlanuvchi mexanizmlar, ijtimoiy muammolarni echimi, bu jarayonda qat'iy qaror qabul qilish va uning bajarilish bosqichlari to'g'risidagi ma'lumotlar bilan qurollanish lozim. Aks holda jamoa, guruh singari mikrostrukturalarni, tuzilmalarni boshqarishda, psixologik muhitni barqarorlashtirishda, shaxslararo munosabatlarni to'g'ri tashkil qilishda, ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishda kishilar o'rtasidagi o'zaro ta'sir, ta'sirlanish, taassurot, o'zaro tushunish, hamdardlik kabi murakkab kechinmalar kuchi, davomiyligini anglab etishda nuqson va kamchiliklarga yo'l qo'yiladi.

Boshqaruv vazifalarini bajarishning tarkib topgan eng ma'qul ko'rinishlari va uslublarini tahlil qilish, ishning samaradorligini pasaytiruvchi sabablarni batafsil aniqlash zarur. Bunda boshqaruv ma'muriyatining ish vaqtidan qanday foydalanilayotganligini, ularning mehnati qay tarzda tartibga solinayotganligini, ayrim xodimlarga yuklatilgan ish hajmi, komp'yuter, axborot kommunikasiyalar va telekommunikasiya vositalaridan foydalanish va mehnat sharoitini yaxshilash hamda boshqaruvchi xodimlar malakasini oshirish yuzasidan qanday ishlar qilinayotganligini sinchiklab o'rganish zarur.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" Toshkent-1997yil 36-38 bet.
2. Boymurodov. N. Rahbar psixologiyasi.-Toshkent "Yangi asr avlodi", 2016.

**УДК: 111.1:160.1**

**МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ ФАОЛИЯТИДА ДИАЛОГ ВА УНИНГ НУТҚ  
ОДОБИГА ДОИР ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ахмедова Иродахон Шохитбековна  
Андижон давлат университети таянч докторанти

*Аннотация:* Мақолада диалогнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил этиши, ҳақиқатни англашнинг воситаси сифатидаги моҳияти, унинг маънавият тарғиботчиси фаолиятидаги ўрни, ижтимоий маконда юз бераётган турли жараёнларни тушуниш ва тушинтириш омили эканлиги тадқиқ қилинган.

*Таянч сўзлар:* диалог, суҳбат, маънавият, тарғибот, маънавият тарғиботчиси, суҳбат, диалог техникаси, ижтимоий жараёнлар, тушуниш, тушинтириш.

**ДИАЛОГ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОПАГАНДИСТА ДУХОВНОСТИ И ЕГО  
ОСОБЕННОСТИ В РЕЧЕВОМ ЭТИКЕТЕ**

Ахмедова Иродахон Шохитбековна  
базовый докторант Андижанского государственного университета

*Аннотация:* В статье рассматривается сущность диалога как средства организации взаимовыгодного сотрудничества, постижения истины, его роль в деятельности пропагандиста духовности, фактор понимания и осмысления различных процессов, происходящих в социальном пространстве.

*Ключевые слова:* диалог, беседа, духовность, пропаганда, пропагандист духовности, беседа, техника диалога, социальные процессы, понимание, объяснение.

**DIALOGUE IN THE ACTIVITIES OF THE SPIRITUALITY PROMOTER AND ITS  
FEATURES IN SPEECH ETIQUETTE**

Akhmedova Irodaxon Shaxitbekovna  
basic doctoral student of Andijan state University

*Annotation:* The article considers the essence of dialogue as a means of organizing mutually beneficial cooperation, understanding the truth, its role in the activities of the propagandist of spirituality, a factor of understanding and comprehension of various processes occurring in the social space.

*Keywords:* dialogue, conversation, spirituality, propaganda, propagandist of spirituality, conversation, dialogue technique, social processes, understanding, explanation.

XXI асрда тарихий тажриба шундан далолат берадики, у ёки бу давалатнинг, миллатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, унинг келажаги мазкур миллатга хавф солаётган таҳдидни англаб етиш салоҳияти ва қобилияти даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу эса жамиятнинг энг зиёли қатлами сифатида маънавият тарғиботчилари олдида улкан вазифаларни кўймоқда. Айнан улар ўзларининг маънавий-маърифий фаолияти, тарғибот-ташвиқот ишларида жамиятимиз барқарорлигига таҳдид солиб турган омилларни аҳоли, айниқса ёшлар олдида фош қилиш ишларини амалга оширадилар. Бу эса улардан тарғибот ишларини олиб бориш жараёнида юксак нутқ маҳорати, нутқ ва суҳбат одоби каби фазилатларни ўзлаштиришларини тақозо қилади.

Мазкур жараёнда диалог ва унга қўйиладиган талабларни пухта ўзлаштириш маънавий тарғиботчиси фаолиятининг муваффақиятини таъминловчи омиллардан биридир.

Диалог ижтимоий билишда (суҳбат, сўзлашув) муҳим рол ўйнайди. Маълумки, диалог қадим замонлардаёқ муаммоларни диалектика ёрдамида баён этиш учун фойдаланилувчи адабий шакл сифатида машҳур бўлган (Сукрот ва Платон уни олий шакл даражасига кўтарган). Диалог ҳақида сўз юритганда Николай Кузанский асарларини, Галилейнинг «Дунёнинг икки бош тизими – Птолемей ва Коперник тизимлари ҳақида диалог» асарини, диалог мазмунни яратиш усули ҳисобланувчи Уйғониш даврининг гуманистик маданиятини ва Гадамернинг «савол-жавоб методи»ни эсга олмаслик мумкин эмас.

Юнончадан таржимада диалог икки ёки бир неча шахс ўртасидаги суҳбат, улар ўртасидаги ёзма тарзда қайд этилиши мумкин бўлган оғзаки мулоқот шакли деган маънони англатади. Диалог мураккаб, ранг-баранг мазмунга бой ва тушуниш билан узвий боғлиқ ўзаро алоқа шаклидир. Диалогда инсоннинг икки табиий интилиши: айтиш ва ўзини эшитишларига эришиш, шунингдек тушуниш ва тушунилишга интилиш рўёбга чиқади[1].

Хусайн Воиз Кошифий диалог олиб бориш жараёнида иштирокчилар тушуниш ва тушунтириш жараёнида амал қилиши лозим бўлган қоидаларни қуйидагича кўрсатиб ўтади. «Билгики, одамизоднинг шарифи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул. Шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиш керак; Биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапирётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммати-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди»[2]. Демак, диалогнинг мазмунли ва маъноли чиқиши учун бевосита иштирокчилар бир-бирларини ҳурмат қилишлари талаб этилади. Бугунги кун учун айнан мана шу ўзаро ҳурматнинг йўқолиб кетаётганлиги жамиятимизда китоб ўқиш маданиятининг йўқолганининг ифодасидир.

Дарҳақиқат ўрта асрларда мунозараларни олиб бориш қобилияти юқори бўлганлиги учун, ўша даврнинг олим фузалолари баъзан бир неча кунлар давомида баҳслашган, бу фикр эгаларининг билим даражаларини аниқлаш имконияти сифатида амал қилган. Бундай мунозараларга университет талабалари алоҳида тайёргарлик кўрган ва оддий амалий машғулотлар доимий машқ ва матнларни такрорлашдан иборат бўлган. Матн «ўзгарувчан» хусусиятга эга, яъни, сюжет замирида ётган воқеалар динамик тарзда бир-бирини алмаштиради[3]. Бунга ўқувчи билан доимий диалог олиб бориш ва узлуксиз тарзда маъно ҳамда мазмунни яратиш орқали эришилади. Масалан, Германия университетларида кўшимча машғулотлар ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги суҳбат шаклида амалга ошган, унда ўқитувчи ўқувчига саволлар бериб ўқувчини унга жавоб беришга

мажбур қилган. Албатта бу жараён ундаги билимларни саёз томонларини аниқлаш мақсадида ташкил этилган. Бундай оммавий мунозаралар ҳар ҳафтада ўтказилган.

Диалогнинг ижтимоий-маданий муносабатлардаги, маънавий тарғиботчилари фаолиятидаги аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, бунда биз аввало баҳс санъатига ҳам эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Айни шу маънода немис олими Швигалл диалогни амалга ошириш учун билиш зарур бўлган тўрт усулини келтириб ўтади.

А) Коммуникатив алмашиниш жараёнининг иштирокчиси сифатида энг камида икки шахсни кўрсатиш мумкин.

Б) Бу шахслар «ўзаро таъсирлашув» жараёнида бўлиши, яъни уларнинг қарашлари бир-бирига қаратилиши кўзда тутилади.

В) Бу алмашинув жараёнида диалог вазифасини ўзаро нутқ жараёнидаги алоҳида бир белгилар тизими бажаради.

Г) Нотиқ ва тингловчи вазифалари навбатма-навбат бир иштирокчидан иккинчисига ўтиб туради[4].

Маънавий тарғибот жараёнида диалог иштирокчилари ҳеч нарса йўқотмайди, балки ғоялар алмашинувида маълумотларда аниқланади ва янги билим эвазига маънавий ўсиш намоён бўлади. Диалог қанчалик мазмундор бўлса, унинг иштирокчилари ҳам шунчалик теран фикрга эга бўлади. Уларнинг ижодий қобилияти динамик тарзда ривожланиб боради, ҳатти-ҳаракатлари натижасида олам янги маъноли қолипга тушади. Диалог иштирокчилари ғояларнинг ўзаро бири - бирига зид келиш ҳолатларида ҳам улар ўзларининг руҳий ва интеллектуал хусусиятларини сақлаб қоладилар. Диалог бу энг арзон ва тезкор ахборот алмашинув шаклидир.

Ҳозирги даврда диалог иштирокчилари муаммоли вазиятларда ечимини топиши имкониятини берувчи диалог шакллари ҳам мурожат қилади. Масалан, замонавий маърузада диалогнинг турли-туман кўринишларининг умумлаштирилиши яхлит хулоса чиқаришга кенг имконият яратади.

Инсон нутқ маданиятини ифода этишда унинг функциясида диалогизмнинг илдизлари яширинган бўлади. Нутқ орқали бир одам бошқасини нафақат ахборот билан таъминлайди балки, маданий алоқа тизимини шакллантиради. Ахборот узатиш нутқнинг муҳим бўлмаган бу кўриниши халос. Б.Ф.Поршнев фикрига кўра нутқнинг асосий вазифаси бу унинг ҳукмронлик қилиш, бўйсундириш ёки қаршилик қилишидир[5]. Айнан шунинг учун ҳам нутқни якуний хулосага асосланган қуруқ ва ҳиссиз омиларга таянган яхлитлик шаклида кўришимиз ҳам мумкин. У тасдиқ ёки инкор этиш ва бошқа турдаги фикр билдириш, иккиланиш ва савол ҳолатида ҳам учраши мумкин.

Диалогнинг натижасини унинг шакллари кўзланган мақсадга эришиши билан изоҳлашимиз мумкин. Буйруқ ва дўқ пўписаларга асосланган оммавий маърузаларни ўзида жамлаган ғояларни тушуниш ва ўзлаштириш соддалик бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, оддий ахборот алмашиниш ҳам натижасиз ҳисобланади. Бу ҳолатга қарама - қарши равишда идоравий, ишончли диалог қизиқарлилиги, қимматга эга бўлиши билан иштирокчиларга юқори даражада ижобий натижаларга эга бўлиш имконини беради.

Диалог жараёнида бир шахснинг фикри, унинг мулоқот мавзуси бўйича сиёсий, ахлоқий ва бошқа жиҳатлар асосида тингловчи томонидан баҳоланишга боғлиқ. Янги

фикр ва ҳиссиётни изоҳлаш, барча диалог иштирокчиларининг ҳамфикрлиги, мулоқот жараёни ҳар доим ҳамкорликнинг ифодасидир. Диалог олиб бориладиган вазиятлар табиатан турли хил бўлади. У ёки бу вазиятга қараб, инсон диалог иштирокчисининг фикрларини маъқуллаши, тўлдириши ёки шубҳаланиб уларни инкор қилиши мумкин. Бундай вазиятда диалог иштирокчиларини «муносабатларни ойдинлаштириш» тақозо қилинади.

Нотиқ ва тингловчи диалоглари - баъзи бир саволлар юзасидан тушунарли шаклга келтирилган тартибланган ва ижтимоий-маданий омилни ривожлантиришга йўналтирилган муносабат шаклидир. Шакли ва вазифаси жиҳатидан у маъруза, ҳисобот, хабар беришга яқин тушунчадир. Диалог кенг миқёсда тарқалишига кўра сўров шаклида намоён бўлади, мисол учун диалог анкета, интервью каби ижтимоий сўров кўринишида бўлиши мумкин. Диалог сўроқ ўтказилаётган шахсдан баъзи бир ахборотларни олиш имконини беради.

Сухбат ва мунозара диалогнинг янада кенг тарқалган шаклидир. Сухбат жараёнида иштирокчилар, баъзи нарсаларни муҳокама қилиш билан биргаликда ўзаро фикр алмашадилар ҳамда сухбат мавзуси юзасидан янги маълумотларга эга бўладилар. Аммо бундай фикр алмашиш усулининг фойдали жиҳатлари чегараланган бўлиб, иштирокчилар аввало бир – бирларининг эҳтиёжларини қондирувчи тушунчалардан фойдаланадилар холос. Бундай баҳс мунозарада турли қарашлар, фикрлар тўқнашуви содир бўлади, иштирокчилар ўз дунёқарашига таянган ҳолда ўз фикрини маъқуллайди, бошқа томоннинг фикрларини танқид қилади.

Умуман олганда, диалог – зарурий вербал муносабат тури, шаклан у кўп қиррали, тушуниш ва тушунтириш жиҳати универсалдир. Диалогнинг тузилиши ҳақида немис мантиқшунослари П.Лоренцен ва К.Лоренцлар томонидан илгари сурилган «модел тузулиши» ғояси концептуал аҳамиятга эгадир. Ушбу усул асосида биз диалогнинг қуйидаги формал шартларини билиш имкониятига эга бўламиз;

диалогда сўз «юритиш» жараёни иштирокчилар томонидан навбатма – навбат амалга оширилади;

диалог ким ғалаба қозонгани ҳамда ким ютқазганини билдирувчи тугалланган натижа билан якунланади;

диалог иштирокчилари унинг тузилишига таъсир ўтказа олувчи воситалар ва муҳокама қоидаларида кўрсатилган имкониятлардан фойдаланадилар;

диалог иккинчи томонни ўзаро мулоқот қилишга мажбур қилувчи жараён билан бошланади[6];

Бизнинг фикримизча, юқоридаги усул диалог жараёни моҳиятини бирмунча қолишга солади ва осонлаштиради. У кўп миқдордаги фикрлар мажмуи ва жамоавий мулоқотни эътиборга олмайди. Қисқа қилиб айтганда турли хилдаги диалог вазиятлари савол-жавоблар умумлашмасидир. Зеро, диалогнинг ўзи ва унинг натижаси, унинг омадли ёки омадсиз якунланишига аввало берилаётган жавобларнинг тартибли ёки тартибсиз, маъноли ёки мазмунсиз тузилганлигига боғлиқ.

Маънавият тарғиботчиси диалогни амалга ошириш учун унинг иштирокчиларининг дастлабки маълумотлари, шунингдек иштирокчилар билимларидаги тенгсизлиги ҳақида маълумотларга ойдинлик киритиб олиши лозим. Ҳар бир янги ибора ҳамсуҳбат учун ҳам янги маълумот ҳисобланади.

Ҳар бир диалог маълум бир фикрлар тузилмасидан ташкил топади:

- а) савол - жавоб;
- б) ибора - розилик ёки норозиликни ифодалаш;
- в) таъкид – розилик ёки гумон;
- г) маълумот – савол;
- д) илтимос- уни бажариш ёки бажармасликка тайёргарлик.

Диалог таркибининг таҳлили унинг асосий бўлаги савол ва жавобнинг ўзаро алоқасидан бошланади.

Маънавият тарғиботчиси томонидан диалог олиб боришнинг асосий шартларидан бири суҳбат иштирокчилар ўртасида мулоқот қилишга хоҳиш ва эҳтиёжнинг бўлишидир. Инсонларни тил бирлаштириши мумкин, уларнинг суҳбатлари учун умумий мавзу бўлиши ҳам мумкин, аммо суҳбатнинг юзага келишига иштирокчиларнинг шахсий хусусиятлари тўсқинлик қилиши мумкин. Суҳбатга одатда шахсий хусусиятлари яққол намоён бўлган, истарали инсонлар танланади.

Унумли суҳбат бу рақобат эмас балки, ҳамкорликда бўлиб, у чиройли ва уйғун рақсга ўхшайди. Суҳбатдаги ҳамкорлик ҳақиқатга интилиш, фикрлаш қобилиятига эга бўлишдан ташқари унинг иштирокчиларидан хулқи хушмуомалалик қоидаларига мос келишини талаб қилади.

Диалог нутқий алоқа воситасининг бирламчи, табиий шакли ҳисобланади. Шунинг учун у нутқнинг шакли сифатида оғзаки нутқда кенг тарқалган. Аммо у илмий, публицистик ва расмий идоравий услубда ҳам кўрсатилган.

Нутқий алоқа воситаси сифатида диалог ўз-ўзидан пайдо бўладиган нутқ сифатида намоён бўлади. Диалог нутқининг таркибий тузилиши содда гаплар, фикрларнинг қисқалиги билан ифодаланади. Айни пайтда қуйидагилар ҳам диалогнинг хоссалари бўлиши мумкин.

- а) суҳбат ўтаётган муҳит ва диалог иштирокчиларининг ўзаро муносабатига боғлиқ –вазият.
- б) фикрнинг олдинги фикрга боғлиқлигини ифодаловчи –контекстуаллик.
- в) суҳбатдошлар учун вазиятнинг умумий руҳи - жамоа руҳи.
- г) фикр нутқи ва нутқи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар - ташқи таъсир.
- д) беихтиёр, олдиндан ўйлаб кўрилмаган ҳолда ташкил этилган –уюшқоқсизлик.

Диалог учун аввало унинг иштирокчиларининг маълумотлилиқ даражаси, иккинчидан улар билимларидаги минимал фарқни билиш зарур. Акс ҳолда диалог иштирокчилари суҳбат мавзуси юзасидан бир бирларига янги маълумот бермайдилар, натижада диалог мазмунли, унумли бўлмайди.

Тараққиётнинг мегацивилизация босқичида «инсон омили»га бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Дунё, шунингдек Ўзбекистонда бу ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларда яққол кўзга ташланмоқда. 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номланганлиги ва махсус давлат дастури асосида изчил фаолият ташкил этилганлигида намоён бўлди.

Ижтимоий муносабатларни диалог орқали тушуниш бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар моҳиятини теранроқ англаш, истиқболни кўриш, халқимиз менталитетини тушуниш ва уни давр талабларига мувофиқлаштириш учун зарурдир. Таҳлиллар асосида биз диалогнинг шаклланиши тарихини ўрганиш, асосида



диалог – инсон мавжудлигини ифодаловчи хосса, унда билим асосий меъзон ҳисобланади деган хулосага келдик.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шермухамедова Н.А. Тушунуш ва тушунтириш// Илмий тадқиқот методологияси. - Тошкент: Фан ва технология, 2014. -439 б.
22. Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний. Тошкент. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2011. -71 б.
23. Холбеков М.Н. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами. – Тошкент: «Мумтоз сўз» нашриёти, 2013. Б-373.
24. Schwitalla J. Kommunikative Stilistik zweier sozialer Welten in Mannheim-Vogelstang. Berlin, -New York: de Gruyter, 1995.-558 s.
25. Поршнев Б. Ф. О начале человеческой истории (проблемы палеопсихологии) / Науч. ред. О. Т. Вите. - Санкт-Петербург: Алетея, 2007. — 720 с.
26. Lorenz K. Dialogspiele als semantische Grundlage von Logikkalkülen//Archiv für Math. Logik und Grundlagenforschung.1968. 11,32-55, 73-100 pp.;

**5-6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА МАНТИҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Комилжон Кодиров, Фар.ДУ доценти  
Азизбек Нишонбоев, Фар.ДУ катта ўқитувчиси  
Хайитгул Кодирова, Олтиариқ ХТБ 4-ИДУМ ўқитувчиси

***Annotatsiya:** Ушбу мақолада 5-6-синф ўқувчиларининг мантиқий компетентликсини шакллантириш мезонлари ва математикани ўқитиш жараёнида уни шакллантиришнинг дидактик шартлари ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** компетентлик, интелектуал, мантиқ, методология, дидактика, педагогик-психологик.*

**ФОРМИРОВАНИЕ ЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ МАТЕМАТИКИ УЧАЩИХСЯ 5-6-Х КЛАССОВ**

***Аннотация:** В данной статье исследуются критерии развития логической компетенции у учащихся 5-6 классов и дидактические условия их формирования при обучении математике.*

***Ключевые слова:** компетентность, интеллект, логика, методология, дидактика, педагогическая и психологическая*

**FORMATION OF LOGICAL COMPETENCE IN THE PROCESS OF TEACHING MATHEMATIC TO 5-6-TH GRADE STUDENTS**

***Annotation:** This article explores the criteria for the development of logical competence in students in grades 5-6 and the didactic conditions for their formation in teaching mathematics.*

***Key words:** competence, intelligence, logic, methodology, didactics, pedagogical and psychological*

XXI асрнинг бошлари, авваламбор, билим ва янги технологияларга асосланган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили бўлган ва жамиятнинг бутун ҳаёт тарзини белгилайдиган технологик тараққиётнинг мисли кўрилмаган даражада қурилган жамиятига ўтиш даврини белгилади. Замонавий жамиятда рўй бераётган глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар одамдан дунёқарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятларини, тобора ўсиб бораётган ахборот оқимини англаш қобилиятини, янги технологияларни ўзлаштириш, мустақил равишда қарор қабул қилиш ва ижтимоий ҳаётнинг доимий ўзгариб турадиган ижтимоий шароитларига тез мослашишни талаб қилади [1].

Умумий таълимнинг билим олиш тизимини ўзлаштиришга анъанавий йўналиши замонавий ижтимоий буюртма талабларига жавоб бермайди, бу эса жамиятнинг мустақил, фаол ва масъулиятли аъзоларини тарбиялашни талаб қилади, улар ижтимоий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик қилишга қодир. Таълим натижаси сифатида билим ва кўникмалар зарур, аммо ахборот жамиятида муваффақият қозониш учун этарли эмас. Бутунги кунда мактаб ўқувчиларининг мустақил фаолиятини кучайтириш, шахсий фазилатлари ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, тез ўзгарувчан дунёда янги билимларни мустақил равишда ўзлаштириш қобилияти, олинган билимларни амалда ҳаётий муаммоларни ҳал қилишда қўллаш қобилиятини кучайтириш объектив заруратга айланиб бормоқда. Мактаб нафақат мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини қайта тиклаши, балки эркин, танқидий фикрлайдиган, ўз қобилиятларини англайдиган ва ривожлантирадиган, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган ва ўзини англай оладиган шахсни шакллантириш учун шароит яратиши керак.

Компетентликка асосланган ёндошув мактаб битирувчиларининг ҳаётида ва кейинги касбий тайёргарлигида бевосита талаб қилинадиган умумий ва махсус кўникмаларни актуаллаштиради, умумий таълимнинг мақсади ва мазмунини янгилас, унинг ўқув, амалий ва амалий йўналишини кучайтиришга йўналтирилган. Компетентликка асосланган ёндашув ўқувчиларни нафақат билим ва кўникмаларни, балки тажриба, шунингдек, қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган. Бу талабаларнинг асосий ваколатларини шакллантиришни ўз ичига олади. Бутунги кунда ривожланган мантиқий фикрлаш мактаб ўқувчисининг таълимдаги муваффақиятининг энг муҳим шарти сифатида эмас, балки унинг рағбатлантирувчи фаолиятини шакллантириш учун асос, реал ҳаётда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш қобилияти ва фаолиятини баҳолаш қобилияти сифатида қаралади. Шахснинг қадрият йўналишини шакллантиришда, унинг барқарорлигини, маълум бир хатти-ҳаракат ва фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлайдиган, шахснинг мотивациясини тартибга солувчи ва унинг тузилишининг энг муҳим элементи бўлган мантиқий фикрлашнинг роли жуда катта [2]. Математик ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги 5-6-синф ўқувчилари компетентликка асосланган ёндашув нуқтаи - назаридан мантиқий тайёргарликнинг янги сифатига эришиш учун зарур бўлган мантиқий саводхонлик ва мантиқий фикрлашни шакллантирмайдилар.

Математика ёрдамида мантиқий фикрлашни ривожлантириш учун, маълум тушунчалар ва мантиқ қонуниятларини билиш зарур.

Тадқиқот гипотезаси: Агар умумий ўрта мактабнинг 5-6-синфларида ўқувчиларга математикани ўқитиш жараёнида барча усуллар математик тайёргарлик мақсадларига ва 5-6-синф ўқувчиларининг мантиқий компетентлигининг тузилишига мос келадиган махсус методдан фойдаланилса, болани ўрганиш предмети сифатида йўналтирилган таълим фаолиятини таъминлашга қаратилган бўлса, унда бу амалга оширилади. 5-6-синф ўқувчиларининг мантиқий компетентлиги шакллантиришга ҳисса қўшади, хусусан:

- мантиқий саводхонлик, яъни мантиқий фикрлашни ривожлантириш учун зарур асосни ташкил этадиган тушунча ва қонунларнинг маълум бир мажмуасига эга бўлиш;
- ўқув фаолияти ва ҳаётда мантиқий саводхонлик, мантиқий фикрлашни қўллаш қўникмаларини шакллантириш;
- мантиқий саводхонликка ва унинг асосида олиб бориладиган ўз ўқув ва мактабдан ташқари машғулотлар тажрибасига қиймат-шахсий муносабат.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун ва тадқиқот гипотезасига мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:

1. Математикани ўқитиш жараёнида 5-6-синф ўқувчиларида мантиқий компетентликни шакллантиришнинг назарий ва амалий шартларини аниқлаш.
2. 5-6 синф ўқувчиларининг мантиқий компетентлигининг таркибини фан ва фан ваколатларининг таркибий қисми сифатида аниқлаш.
3. 5-6 синф ўқувчиларининг мантиқий компетентликни шакллантириш мезонларини ишлаб чиқинг ва уни самарали шакллантириш учун дидактик шартларни аниқланг.
4. 5-6-синф ўқувчиларида математикани ўқитиш жараёнида мантиқий компетентликни шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш ва экспериментал ишда унинг самарадорлигини текшириш зарур.

Вазифаларни эчишда қуйидаги тадқиқот усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ:

- тадқиқот мавзуси бўйича психологик-педагогик, методик адабиётлар, мактаб стандартлари, математикадан дастурлар ва дарсликлар таҳлили;
- Илгари сурилган тадқиқотлар ва 5-синф ўқувчиларида математикани ўқитиш жараёнида мантиқий компетентликни шакллантириш методологиясини амалий ҳулосалар асосида тузатиш билан илгари суриш;
- иш фаолиятини таҳлил қилиш; педагогик кузатишлар, анкеталар, ўқувчилар ва математика ўқитувчилари билан суҳбатлар;
- педагогик тажриба ва унинг натижаларини математик статистика усуллари билан қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг предмети ва мақсадлари аниқланади, гипотеза илгари сурилади, педагогик эксперимент дастури ишлаб чиқилади. Мантиқий компетентликни шакллантиришнинг дидактик шартлари аниқланди; Тадқиқотнинг биринчи босқичи натижаларини умумлаштириш ва тизимлаштириш. Психологик-педагогик фан маълумотлари асосида 5-6-синф ўқувчиларида математикани ўқитиш жараёнида мантиқий компетентликни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда ўқитишнинг мақсади, мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари мавжуд [3].

Мантиқий компетентликни шакллантириш мезонлари мантиқий компетентлик тузилишининг ҳар бир таркибий қисмини шакллантириш мезонлари сифатида ишлаб чиқилган. Ўқувчиларда мантиқий компетентлик таркибий қисмларининг ҳар бир

таркибий қисмини шакллантиришни психологик-педагогик диагностика усуллари экспериментал ишда махсус техникаларни қўллаш самарадорлигини кузатиш учун белгиланади [4].

Тадқиқотнинг илмий янгилigi шундан иборатки, математикани ўрганиш жараёнида умумтаълим мактабларининг 5-6-синф ўқувчиларида мантиқий компетентликни шакллантириш учун методология ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, 5-6-синф ўқувчиларининг мантиқий компетентлигининг тузилиши ва уни шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилган ва 5-6-синфларда ўқувчиларнинг мантиқий компетентлигини шакллантириш учун дидактик шарт-шароитлар математикани ўқитиш жараёнида аниқланган, бу ўқувчиларнинг мантиқий компетентлигини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш учун илмий шароит яратиши мумкин. бошқа ёш гуруҳлари, шунингдек талабаларга математикани ўқитиш жараёнида бошқа фан қобилиятлари.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Фарғона шаҳар халқ таълимига қарашли умуумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчилари учун математикани ўқитиш жараёнида 5-6-синф ўқувчиларида мантиқий компетентликни шакллантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва нашр этилган; курсларнинг тематик модули ишлаб чиқилиб, вилоят мактабларида мантиқий компетентликни шакллантириш методологиясини амалга ошириш бўйича педагогик фаоллик шакллантирилди.

5-6-синф ўқувчиларида математикани ўқитиш жараёнида мантиқий компетентликни шакллантириш учун қуйидаги дидактик шарт-шароитларни яратиш зарур:

а) математиканинг мазмунига мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун зарур бўлган расмий ва математик мантиқ элементларининг 5-6 синфларини киритиш;

б) математикани ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти мақсадларини, уларни ушбу жараёнда боланинг шахсий фазилатларини ривожлантиришга йўналтиришни аниқлаштириш;

с) фаолиятга қўшилиш, ўқув фаолияти учун ички мотивларни шакллантириш, ўқувчилар фаолиятида муаммоли ўқув вазиятларини яратиш; талабаларнинг ўз фаолияти бўйича тажрибасини шакллантириш;

д) ўқувчиларда мантиқий саводхонликка ва унга асосланган ўз фаолияти тажрибасига қийматга асосланган муносабатни шакллантиришга ёрдам берадиган ўқитишнинг махсус усуллари ва шаклларида фойдаланиш зарур.

Математикани ўқитиш жараёнида 5-6-синф ўқувчиларида мантиқий компетентлигини шакллантиришга ёрдам берадиган дидактик шартларни амалга ошириш учун қуйидаги принциплар асосида ишлаб чиқилган махсус техникадан фойдаланиш зарур:

а) 5-6-синф ўқувчиларини математик тайёргарлиги мақсадларига мувофиқлиги;

б) 5-6-синф ўқувчиларининг мантиқий ваколатлари таркибига мувофиқлиги;

с) ўқувчиларучун яратилган қулайликлар;

д) ўқувчиларнинг билим ва билим фаолияти устидан ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи баҳолашни такомиллаштириш;

э) баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш ва таъминлаш зарур.

### Адабиётлар

1. Варламова Т.П. Формирование логической компетентности в процессе обучения математике– Красноярск, 2006 г. – 195 с.
2. Дахин А.И. Компетенция и компетентность: сколько их у российского школьника? // Народное образование.2004. №4. 137–143.
3. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования // Высшее образование. 2005. №4..
4. Кречко Д. «Образование», «воспитание» и «обучение» с позиций компетентностного подхода // Высшее образование 2007. №9.

### ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДАГИ КАСБИЙ ДЕФОРМАЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдусамиев Дилмурод Абдугани ўгли  
Наманган давлат университети ўқитувчиси  
Тел: 94152-58-68 e-mail: abdusamiyev1993@bk.ru

*Аннотация:* Бу мақолада, ўқитувчининг касбий деформация турларини таснифи, ҳар қандай касбда касбий деформацияларнинг моҳиятини белгилайдиган меҳнат объекти таҳлили келтирилган.

*Калит сўзлар:* деформация, ҳиссий куйиш синдрози, классификация, касбий деформация, интерактив фаолият.

### ОСОБЕННОСТИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕФОРМАЦИИ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Абдусамиев Дилмурод Абдугани угли  
Преподаватель Наманганского государственного университета  
Тел: 94152-58-68 e-mail: abdusamiyev1993@bk.ru

*Аннотация:* В статье представлена классификация видов профессиональных деформаций учителя, анализ предмета труда, определяющий характер профессиональных деформаций в любой профессии.

*Ключевые слова:* деформация, синдром эмоционального выгорания, классификация, профессиональная деформация, интерактивная деятельность.

### FEATURES OF PROFESSIONAL DEFORMATION IN PEDAGOGICAL ACTIVITY

Abdusamiyev Dilmurod Abdug'ani o'g'li  
Lecturer at Namangan State University  
Tel: 94152-58-68 e-mail: abdusamiyev1993@bk.ru

*Annotation:* This article presents the classification of types of occupational deformations of the teacher, the analysis of the object of labor, which determines the nature of occupational deformations in any profession.

*Keywords:* deformation, emotional burnout syndrome, classification, occupational deformation, interactive activity

Ўқитувчилик касби – бу шахс ва танасини ўзгаришига олиб келадиган омиллардан бири. Ўқитувчи шахсининг касбий деформациялари ривожланишига репродуктив таълим ва авторитар позицияси ҳам туртки бўлади. Ушбу деформацияларнинг асосан ўқитувчининг консерватизми, кадр-қиммати, одатда характер хусусиятларига таъсир кўрсатади. Кўплаб ўқитувчиларнинг нутқи ўқитиш услуги билан ажралиб туради. Таълим шароитида фойдали бўлишига қарамай, шахсий муносабатлар соҳасига ҳар доим ҳам мос келмайди. Авторитаризм кўплаб ўқитувчиларга хос хусусиятдир, чунки у ўқувчилар жамоасини бошқариши керак. Ўқувчилар гуруҳини “назоратда ушлаб туриш” зарурати ўқитувчининг феъл-атворида ҳаддан ташқари ҳокимият ва турғунликни, ўқувчиларга ва атрофдагиларга “мен” қиёфасини синдириш одатини шакллантиради, бу эса бошқа туйғуларни бостиришга, ўқувчилар ва умуман одамлар устидан ҳокимиятни бошқаришга одатлантиради.

Шунингдек, ҳар қандай таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилар таркиби ўқувчиларга (оғзаки) таъсир ўтказиш шакллари ва эркалар хулқ-атвори шакллари билан деярли боғлиқ бўлган эркак (тарихий равишда шаклланган) таълим ва тарбия тизимини ўзлаштирган ва тарғиб қилувчи аёллардан ташкил топганлиги ҳам педагогик деформацияни осонлаштиради. Эркак тили ва хулқ-атвор андазаларидан фойдаланиш аёл ўқитувчиларнинг аёллик хусусиятларини йўқолишига олиб келади, бу эса ўқитувчиларнинг ўзига ҳам, ўқувчиларнинг жинсий ўзини ўзи идентификациясига ҳам салбий таъсир қилади.

Ўқитувчилар ўртасида шахслараро низоларнинг юқори даражаси, шунингдек, бошқаларнинг юқори ижтимоий кутишларини қондириш зарурати, касбнинг стресслилиги, касбий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган жисмоний кучларнинг ҳаддан ташқари зўриқиши билан боғлиқ. Ўқитувчиларнинг хизмат муддати ва ёшининг ошиши билан ўқув юкламасининг ошиши, чарчоқнинг тўпланиши, ташвишланишнинг кучайиши, кайфиятнинг пасайиши, вегетатив қон-томир касалликлари ва хатти-ҳаракатларнинг бузилиши муқаррар равишда юзага келади. Ушбу ҳолатлар сурункали чарчоқ синдроми ва чарчоқ синдромининг психологик - педагогик ҳодисаси асосида ётади.

Э.А.Климов "касб" тушунчасига тўхталиб, “касб – бу инсоннинг тақдири, турмуш тарзи, тафаккур услуги ва дунёқараш стереотиплари ва инсоннинг ижтимоий тури”, деб таъкидлайди. [1.305]

Педагогик фаолият турли хил касб турлари катта бўлган соҳага тегишли – бу ўқитувчилар ва кўшимча таълим ўқитувчилари ва логопедлар, мураббийлар ва бошқалар. Ҳозирги кунга қадар ўқитувчининг касби ақлий ҳиссий куйиш синдромининг ривожланишига мойиллиги билан боғлиқ энг кўп ўрганилган. Айни пайтда, ушбу турдаги фаолиятнинг бошқа вакиллари ишининг субъект-ташкилий таркибининг ўзига хослиги синдромнинг ўзи шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хослигини кўрсатади. [2.336]

Ўқитувчи – бу “ижтимоий”, “коммуникатив” ёки “ёрдам берадиган” турдаги касбларга тегишли бўлган махсус педагогик касб. Иш куни давомида ўқитувчи кутилмаган ва стрессли ҳолатлар билан мунтазам равишда учпашиб туради, бу кўпинча ундан нафақат педагогик саводхонликни, балки психологик онгни, бадий, дипломатик

ва ташкилий истеъдодни, ҳиссий мувозанатни сақлаш қобилиятини ҳам талаб қилади.[3.45-51]

Ҳозирги босқичда ўқитувчининг касбий фаолиятининг хусусиятларини таҳлил қилиш, бизни анча барқарорлаштирувчи меҳнат шароитлари мавжудлиги тўғрисида гапиришимизга имкон беради:

- муассаса обрўсининг пасайиши, ишни режалаштириш ва ташкил этишда аниқлик йўқлиги;

- касбий зиддиятларнинг мавжудлиги ва ҳар доим ҳам профессионал фаолиятнинг қулай психологик муҳитининг мавжуд эмаслиги;

- бошқарув услубининг хусусиятлари (ҳаддан ташқари авторитар ўқитувчининг мустақиллигини, қарор қабул қилишда мазмунли бўлишини чеклайди; либерал бошқарув услуби, аксинча, хавотирнинг намоён бўлишига, ташаббуснинг пасайишига олиб келади);

- ота-оналар томонидан талабларнинг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши ва ўқитувчининг зарурий билимлари йўқлиги сабабли ўзларининг педагогик амалиётида бир қатор муаммоларни ҳал қила олмаслик. Масалан, бутунги кунда “махсус” таълим эҳтиёжларига эга ўқувчилар сонининг кўпайиб бормоқда.[4.47-51]

Ўқитувчининг олдига қўйилган мақсадларидан бири ( ўқувчиларнинг муваффақиятли ижтимоийлашуви учун шарт-шароитлар яратиш, таълим мазмунини шакллантириш, ёш норматив ривожланиш моделларини ҳисобга олган ҳолда) турли тоифадаги ўқувчилар учун ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бирок, амалда, бу ўқитувчининг “махсус” болага ҳамроҳлик қилиш соҳасида махсус билимлари етишмаслиги туфайли кўпинча қийинчиликларга учрайди. Бу ҳолат иш сифатининг пасайишига, ўқитувчининг касбий кадр-қимматининг ўзгаришига ва ота-оналарнинг норозилигининг табиий равишда ошишига олиб келади. Ўқитувчининг кучли психо-эмоционал стресс ҳолатида узоқ вақт туриши стресс билан ўзаро таъсир ўтказишнинг ўзаро таъсирлашиш шаклларини ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин, бунда вазиятни етарли даражада енгишга имкон берадиган фаол ҳаракатлар ўрнига ўқитувчи ноқулай шароитларга юқори даражада мослашишни намойиш этади, бу кўпинча кўлаб психологик ҳимоя воситаларидан фойдаланиш билан бирга келади.[5.101]

Тадқиқотчилар (Э.Ф.Зеер, А.К.Маркова)нинг фикрига кўра касбий деформацияларни ривожланиш йўлларида бири, касбий фаолият режимида ривожланиб, йиллар давомида “эксплуатируются” қилинадиган ва номақбул бўлганлар тоифасига кирадиган касб учун зарур бўлган баъзи бир профессионал аҳамиятга эга фазилатларни кескинлаштиришдир. Ўқитувчилик касбида, касбий муаммоларни ҳал қилиш ҳар доим ўқитувчини профессионал мулоқотнинг турли вазиятларига қўшилишини назарда тутади. Касбий фаолиятнинг муваффақиятли бўлишини таъминлаш, касбий деформациялар пайдо бўлиши даражасида педагогик коммуникация қобилиятларининг ҳаддан ташқари ривожланиши суҳбатдошнинг нутқийлиги ва эътиборсизлиги (бу ҳолда алоқа катта, асоссиз, касбий фаолият режими ва профессионал муҳитдан ташқарида бўлади); технологик жиҳатдан тўғри диалогларни қуришга ҳаддан ташқари эътибор, охир оқибат мулоқотни нутқ маркалари тўпламига айлантириб, мулоқотни зудлик ва очиқликдан маҳрум қилиши мумкин. Бундан ташқари,

педагогик амалиёт режимида педагогик мулоқот баъзи хусусиятларга эга: догматизм, нутқнинг ибратли услуби, унинг характери боланинг тушунчаси даражасига қадар соддалаштирилган. Ўқитувчиларга хос бўлган ва педагогик амалиётда кенг тарқалган маълумотларни соддалаштиришга бўлган доимий интилиш аста-секин ўқитувчининг идрокини торайишига, профессионал вазиятларни, шунингдек, мутахассис ҳаётида юзага келадиган воқеаларни содда тарзда баҳолашга интилишинига олиб келиши мумкин. [6.122]

Доминантлик – ўқувчилар муаммоларини ҳал қилиш, ўқувчилар жамоасини бошқариш зарурати билан боғлиқ бўлган яна бир профессионал аниқланган хусусият. Гуруҳлардаги ўқувчилар сонининг кўпайиши, ўқитувчидан ўзаро муносабатларни ўрнатиш соҳасида юқори малакали бўлишини талаб қилади. Ўқитувчи бошқарув соҳасида маълум билимларга эга эмаслиги, ўқувчилар жамоасини бошқаришни кўпинча таъсирчанроқ усуллари қўлашга мойил бўлади. Бу ўқувчилар ва атрофдаги катталарда “ҳаддан ташқари ҳокимият”, “ўзага хос образни юклаш истаги” каби таасротларни шаклланишига олиб келади.[7.415]

Ўқитувчининг касбий деформация турларини таснифлаш, айниқса, ҳар қандай касбда касбий деформацияларнинг моҳиятини белгилайдиган меҳнат объекти таҳлилидир. Энг умумий шаклда ўқитувчи меҳнатининг объекти – бу ўқувчи, унинг феъл-атвори, дунёқариши, одатлари, психофизиологияси ва анатомиясининг хусусиятлари. Ўқувчининг намоён бўлишини доимий равишда тузатиб, ўқитувчи маълум вақт давомида бошқаларнинг мантиғида яшайди, бу эса касбий деформацияларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Шунини тахмин қилиш мумкинки, меҳнат предметига йўналтирилганлиги ўқитувчининг ўқувчилар билан иш олиб бориши. Ўқувчиларнинг жавоб турларининг ўзига хос хусусиятларига мослашиб, ўз хатти-ҳаракатларини соддалаштиришга, оғзаки ва оғзаки бўлмаган нутқнинг одоб-ахлоқини ўзгартиришга мажбул қилади. [8.152]

Ўқитувчи шахсининг касбий деформациясига унинг касбий деформациясининг хусусиятларини очиб берадиган шахсий фаоллик, ижодийлик ва интерактивлик даражаларини акс эттирадиган жиҳатларини ифодалаймиз.

- шахсий даражада ўқитувчининг касбий деформацияси талабаларга нисбатан авторитаризмнинг ривожланиб бориши билан боғлиқ бўлиб, унинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: бошқарув функцияларини қатъий марказлаштириш, ўқитувчининг қўлида барча кучларни жамлаш, талабаларнинг ташаббусини бостириш, уларнинг биргаликдаги фаолиятининг энг муҳим масалаларини ҳал қилишига тўсқинлик қилиш, устунлик буйруқлари ва уларга нисбатан қарши таъсирларни амалга оширганлиги учун турли хил жазо турлари;

- касбий фаолиятга нисбатан қатъийлик фаолият давомида намоён бўлади ва ўқитувчининг атрофдаги ҳақиқат ҳақидаги ғояларни унинг ўзгаришларига мос равишда ўзгартира олмаслиги, унинг таъсирчан кўринишларининг тузилишини ўзгартира олмаслиги, замонавий иш шароитларига мос келмайдиган ортиқча баҳоланган ғоялар ва мақсадларни шакллантириш тенденциясида ифодаланади ва ҳаёт эгоцентризмда ва ўз-ўзини ҳурмат қилишда, мафаатларнинг торлигида, қайсарликда, бир хил фикрлар ва хис-туйғуларга берилиб кетишда;



- интерактив даражада намоён бўладиган танқидий бўлмаган, ҳамкорлик ва алоқада ўзини ва касбий фаолиятини етарли даражада баҳолашга имкон бермайдиган ижтимоий стереотишлар мавжудлигидан иборат.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Э.А.Климов Психология профессионального самоопределения/ Э.А.Климов // М.: Академия, 2004. – 304с.
2. Лукьянова В.В. Современные проблемы исследования синдрома выгорания у специалистов коммуникативных профессий: коллективная монография / под ред. В.В. Лукьянова, Н.Е. Водопьяновой, В.Е. Орла, С.А. Подсадного, Л.Н. Юрьевой, С.А. Игумнова; Курск. гос. ун- – Курск, 2008. – 336 с.
3. Скрипкина Т.П. Доверие в структуре профессиональной компетентности учителя / Скрипкина Т. П // Российский психологический журнал. – 2013. – Т. 5. – № 1. – С. 45–51.
4. Монгуш О.О. Эмоциональное выгорание в профессиональной деятельности педагогов дошкольного образовательного учреждения// Актуальные вопросы современной педагогики: материалы VII Междунар. науч. конф. (г. Самара, август 2015 г.). – Самара. – Издательство АСГАРД.– 2015. –С. 47–51.
5. Громкова М.Т. Психология и педагогика профессиональной деятельности / М.Т. Громкова // М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2003. – 415 с.
6. Логинова А.В. Профессиональная деформация личности педагога и пути ее преодоления / А. В. Логинова // Молодой ученый. –2015. – №11. – С. 150–152.
7. Орёл В.Е. Феномен «выгорания» в зарубежной психологии: эмпирические исследования и перспективы/ В.Е Орёл // Психологический журнал. – 2001. – Т. 22. – № 1. – С. 90–101.
8. Бабич О.И. Профилактика синдрома профессионального выгорания педагогов. Диагностика, тренинги, упражнения / О.И. Бабич. М.: Изд- во «Учитель», 2014. 122 с.

#### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНФОРМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Полвонов Алимйрзо Қутбиддин ўғли

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Фарғона филиали Компьютер тизимлари  
кафедраси ассистент ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада информатиканинг фалсафий муаммолари, уларни гуруҳлаш, илмий ахборот, олий таълим тизими талабаларига илмий билишни шакллантириш, илмий билишни шакллантириш воситалари, информатикани фалсафий ўрганиш имкониятлари ёритиб берилган.

*Таянч сўз ва тушунчалар:* информатика, фалсафа, информатиканинг фалсафий муаммолари, ахборот, илмий ахборот, илмий билиш, илмий билишни шакллантириш воситалари, информатикани фалсафий ўрганиш.

#### **ФИЛОСОФСКО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНФОРМАТИКИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Полвонов Алимйрзо Қутбиддин ўғли

Ассистент кафедры компьютерных систем Ферганского филиала ТИТУ имени Мухаммеда аль-Хорезми

***Аннотация:** В статье рассматриваются философские проблемы информатики, их группирование, научная информация, формирование научного познания студентов системы высшего образования, инструменты формирования научного познания, возможности философского изучения информатики.*

***Ключевые слова и понятия:** информатика, философия, философские проблемы информатики, информация, научная информация, научное познание, средства формирования научного познания, философские подходы к изучению информатики.*

## **PHILOSOPHICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF TEACHING COMPUTER SCIENCE IN HIGHER EDUCATION SYSTEM**

Polvonov Alimirzo Qutbiddin ugli

Assistant Teacher of the Department of computer systems of TITU Fergana branch named after Muhammad al-Khwarizmi

***Annotation:** In the article, the philosophical problems of computer science, those grouping, scientific information, the formation of scientific knowledge of the students of higher education, the tools of the formation scientific knowledge and the possibilities of philosophical study of computer science are considered.*

***Keywords:** informatics, philosophy, philosophical problems of informatics, information, scientific information, scientific cognition, facilities of forming of scientific cognition, philosophical approaches to the informatics study.*

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим соҳасини ривожлантириш бутунги кун учун долзарб, юртимизнинг эртанги ҳаётини белгилаб берувчи устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифалар республикамиз миқёсида ишлаб чиқилган қонун ва фармойишларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир IV йўналиш, 4.4-бандига кўра таълим ва фан соҳасини ривожлантириш кўзда тутилади. Унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш белгилаб берилган[1].

Бу эса ўз навбатида олий ўқув муассасаларидаги таълим берувчи ўқитувчилар олдига катта масъулият юклайди. Бунга кўра талабаларни ўзлаштираётган фанлар бўйича етарли даражада ўқитиш, билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш натижасида, уларни касбий тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Талабаларнинг касбга доир етарлича билимларга эга бўлишлари, келажакда ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари мамлакатимиз эртанги кунини белгилашга замин яратади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитиш жараёнида талабаларга фалсафий мушоҳада юритишни ўргатиш,

информатиканинг жамиятни ривожланишидаги ўрни, ижтимоий муҳитда ва касбий фаолиятидаги аҳамиятини тушуниб етишларига эришишимиз лозим.

Информатика фани бошқа фанларга қараганда янги бўлиб, унинг амалиётда татбиқ этилиши инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти йўналишини ўзгартирмоқда. Инсон жамиятда фаол субъект бўлгани учун жамиятни ахборотлаштиришнинг турли йўналишларини ҳисобга олиб, таҳлил қилган ҳолда, информатикани инсонга таъсир қилиш оқибатларини ўрганиш зарур.

Кибернетика асосчиси Н.Винер, «агар асосий масалаларни кўриб чиқишда инсон омилига эътибор бермасдан, ҳар қандай жойда электрон машиналардан фойдаланишни талаб қилсак ва дунёда инсонларга муносиб ўрин бермасак, биз ҳалок бўламиз», деб ёзган эди[2].

А.И.Ракитов физиканинг фалсафий муаммолари ва физика фалсафаси тўғрисида илмий изланишлар олиб бориб, физиканинг фалсафий муаммоларини икки қисмга ажратишни таклиф қилади. Биринчи қисмга: фалсафий терминларга асосланган, физиканинг у ёки бу йўналишига боғлиқ бўлган фалсафий муаммолар. Иккинчи қисмга: физика фалсафаси муаммоларини ўзида намоён қилувчи, табиатнинг ўзини эмас, уни ўрганишдаги жисмоний фаолият билан боғлиқ бўлган муаммолар ва билимлар тизимини киритади[3].

Бундай ёндашув информатика фалсафасига ҳам тўлақонли мос келиб, информатика фалсафасининг икки гуруҳ муаммоларининг шакллантирилишига олиб келади: биринчиси, информатика нуқтаи назаридан шакллантирилган фалсафий муаммолар, иккинчиси эса, информатикани ўрганиш объекти бўйича муаммолар тизими.

**I. Информатика нуқтаи назаридан шакллантирилган фалсафий муаммолар** ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: 1) информатиканинг долзарб муаммолари; 2) информатиканинг фалсафий муаммолари; 3) информатиканинг ахборий-фалсафий муаммолари.

1. Информатиканинг долзарб муаммоларига биз лойиҳалаштирилган расмий ахборотлар, дастурлаш тилларини яратиш, ахборот тузилмалари, ахборот ўлчов бирликлари ва уларнинг шарҳлари, шунингдек, ахборотли моделлаштиришларни киритишимиз мумкин.

2. Информатика фанининг фалсафий муаммолари таркибига эса фалсафий характерга эга саволлар: «информатика нима?», «ахборот нима?», «информатиканинг бошқа объектлар ва фанлар билан ўзаро муносабати, алоқаси қандай?», «билимларни эгаллаш ва идрок этиш жараёнида информатика фанининг ўрни қанақа?», «информатиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати қандай?» ва бошқа шунга ўхшаш саволларга жавоб беришни ўз ичига олади.

3. Информатиканинг ахборий-фалсафий муаммолари эса информатика фани атамалари билан боғлиқ бўлган фалсафий атамалар, шунингдек, фалсафий категориялар таркибига кирувчи атамалар ва ахборот абстрактлари, тузилмаларини ифодаловчи саволларни ифодалайди.

Талабаларга информатикадан таълим бериш жараёнида фан бўйича керакли тушунчаларни бериб, уларнинг билиш хусусиятлари ошириб борилади. Чунки таълим беришда фанни тушуниш, билиш ва янги билимларни шакллантириш фалсафий

жараёнлар ҳисобланади. Талабаларда фан доирасида билим бериш янги ахборотларни ўргатиш, ақлий билиш ҳиссини шакллантиради.

IX-X асрларда Фаробий тахаллуси билан яшаб ижод этган юртдошимиз Абу Наср Муҳаммад Ибн Узлоғ Тархон билиш жараёнини икки босқич – ақлий билиш ва ҳиссий билишдан иборат бўлишини айтиб, улар ўзаро боғлиқ ва бирининг бошқасисиз вужудга келмаслигини алоҳида таъкидлайди. Билишнинг мазкур босқичлари ахборотсиз шаклланмайди ва демак, ахборот билишнинг асосини ташкил этувчи элемент ҳисобланади.

Фаробий «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билиш жараёни чексизлиги, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, сифатлардан моҳиятга қараб боришини ва бунинг асосида асосида илмнинг борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини таъкидлайди[4].

Яна бир юртдошимиз Хоразмий билим олишда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан амалда фойдаланишига катта эътибор берган[5].

**II. Информатикани ўрганиш объекти бўйича муаммоларга:** ахборот, ахборот жараёнлари, алгоритм, алгоритм бажарувчиси, компьютер, шунингдек, аппарат, дастурий таъминот ва бошқаларни ўрганишлар киради.

Ҳаммамизга маълумки, *информатика* - бу компьютер технологиялари ёрдамида ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, узатиш усуллари ва қарор қабул қилиш имконини берувчи фандир.

*Ахборот* деганда, барча сезги аъзоларимиз орқали борлиқнинг онгимиздаги акси ёки таъсирини, боғлиқлик даражасини тушунамиз.

Билиш бевосита билим олиш жараёнида вужудга келиб, асосан илмий билиш ёки илмий ахборотларнинг ўрганилиши тушунилади.

А.И.Михайлов, А.И.Черный, Р.С.Гиляревский каби олимлар «Илмий ахборот» атамасини қуйидагича таърифлашади. *Илмий ахборот* - бу объектив оламнинг қонунларини тўғри акс эттирувчи ва ижтимоий-тарихий амалиётда қўлланиладиган, идрок жараёнида олинган мантиқий маълумотдир[6].

Бундан келиб чиқиб айтамикки, биринчидан, «илмий ахборот» идрок қилиш жараёнида инсон томонидан олинади, амалий фаолиятда қўлланилиб, у илмнинг асоси ҳисобланади. Иккинчидан, «илмий ахборот» бу мавҳум мантиқий фикрлаш ёрдамида инсоннинг ҳиссиёти томонидан етказиб бериладиган, ахборотни қайта ишлаш орқали шаклланидиган, мантиқий маълумот ҳисобланади. Учинчидан, етарлича объектив дунёни акс эттиради, тўртинчидан, ижтимоий-тарихий амалиётда қўлланилиши керак.

Ахборотлар илмий бўлиши учун маълумотлар ўртасида узвий алоқа ўрнатилган бўлиши керак. Мамлакатимизнинг турли нуқталаридаги табиий об-ҳаво маълумотларининг йиғиндиси «илмий ахборот» бўла олмайди. Чунки у учинчи шартни қаноатлантирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талабалар томонидан информатика фанидан ўрганилиши лозим бўлган билимлар илмий билишга асосланиб, бу «*маълумот* → *ахборот* → *билим* → *илмий билиш*» кетма-кетлигида содир бўлади.

Олий таълим тизимида асосий объект талаба ҳисобланади. Таълим беришнинг асосий вазифаси эса ўрганилаётган фан, информатикага оид зарур *маълумотларни, аҳо-*

ротларни ўқитувчи томонидан тақдим этиш, талабалар томонидан уни ўрганиб, тушуниб, керак бўлганда ёдлаб олиш натижасида билимга айлантириш ва уни амалиётда қўллаш орқали илмий билишни шакллантиришдир. Бу жараён информатика ўқитувчилари томонидан ҳар бир мавзунини ўргатишда амалга оширилади.

Буни бир мавзу мисолида кўриб ўтсак:

Олий таълимнинг иқтисодий йўналишлари талабаларига «Ахбороткоммуникация технологиялар» фанининг «Интернетда интерактив хизматлар» мавзусини ўқитиш жараёнида ўқитувчи талабаларни мавзуга мос маълумотлар билан таништиради. Улар: иқтисодий тизимлар, интерактивлик, иқтисодий тизимларда интерактив хизмат турлари, интерактив хизматлардан фойдаланишнинг аҳамияти, интерактив хизмат кўрсатувчи портал (Ягона интерактив давлат хизматлари, Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари, Банк хизматлари ва бошқ.)лар, порталлардан касбий фаолиятда фойдаланиш ҳақидаги маълумотлардир.

Ўқитувчи талабаларга мавзунини ўргатиш жараёнида берилган маълумотлар интернет тармоғи, компьютер, проектор ва электрон доскалардан фойдаланган ҳолда экранга туширилиб, тушинтириб борилади. Яъни: электрон рақамли имзо ёрдамида тегишли порталнинг жисмоний ёки юридик шахсларнинг кабинетига кириш, иқтисодий ҳисоботларни тайёрлаш, жўнатиш, топширилган ҳисоботлар натижаларини билиш, мақсадли тўловларни амалга ошириш, давлат органларига турли муражаатлар қилиб, уларга жавоблар олиш, иқтисодий соҳасига оид янгиликларни билиб бориш ва шу кабилар талабаларга ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиб етказиб берилади. Ушбу жараёнда ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар аниқ далилларга асосланиб ахборотларга айлантирилади.

Дарс жараёнида юқоридаги тартибда мавзу ўргатилиб, амалий ва лаборатория машғулотлари жараёнида талабанинг ўзи томонидан интернетнинг интерактив хизматлар порталига кириб турли вазифаларни бажариши ва бажариш кетма-кетлигини ўрганиши натижасида ахборотлар билимга айлантирилади.

Талабаларнинг дарс жараёнида ўрганган билимлари асосида интерактив хизматларга боғлиқ бўлган вазифаларни бажариши, бирор муаммога дуч келганда, ўқув адабиётлардан ва интернетнинг қидирув тизимларидан фойдаланиб муаммони ечиши, олинган билимларни илмий билишга айланишини таъминлайди. Бундай тартибда мавзуларнинг кетма-кет талабалар томонидан ўрганилиши ва амалий жараёнга қўлланилиши уларда илмий билишнинг ривожланишига олиб келади.

Талабаларга билимларни бериб, илмий билишни шакллантириш воситалари сифатида дарсликлар, электрон таълим ресурслари, қўлланмалар, маълумотлар базаси, таълимий видеофильмлар, моделлар, мавзуга йўналтирилиб, лаборатория амалиётида ишлаб чиқилган ишланмалар ва услубий қўлланмалардан фойдаланилади.

Информатика фани ўқитувчилари билим бериш жараёнида, маъруза матнлари, ахборот ва методик ёрдам кўрсатиш учун электрон таълим ресурслари, намоёниш воситаларини тайёрлаб, уни таълим жараёнида қўллашлари, шунингдек, талабалар билимини назорат қилишда автоматлаштирилган тест дастурларидан фойдаланишлари мумкин.

Информатика фанидан ўрганиладиган билим мавжуд билимлар асосида ўзлаштирилади ёки мавжуд билимларга асосланади. Бунинг учун ўрганилаётган

мавзулар шундай мантикий жойлаштирилиши керакки, ўзлаштириладиган билим аввал ўзлаштирилган билимларга асосланиши керак.

Информатика ўқитувчиси томонидан билим беришни барча соҳаларда тезлаштириш, айти пайтда долзарб, илмий-таълимий йўналиш ҳисобланади. Буларнинг барчаси фан ва таълимда компьютер технологиясининг қўлланилиши ва бунинг натижасида таълим бериш тизимининг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Бутунги кунда информатика фалсафаси ва информатика фанининг фалсафий муаммоларини кенг қамровли ўргатиб бориш, талабаларни информатика фанини чуқур ўрганишга ва уни келгуси касбий фаолиятларида қўллашларига олиб келади. Шу билан бирга табиат ва жамиятда ахборотнинг асосий хусусиятлари, ахборот алмашинув жараёнларининг қонунийлиги, шунингдек, техникавий, биологик ва ижтимоий тизимларда ушбу жараёнларни ташкил қилиш усуларини информатикадан ўрганиш зарур. Шундай қилиб, информатика бутунги кунда компьютер, ахбороткоммуникация технологиялари, тизимлардаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари, уларнинг технологик муаммолари, касбий фаолиятда қўлланилишини ўрганибгина қолмай, инсоният жамиятида жонли ва жонсиз табиатдаги ахборот жараёнларининг ўрганилишига олиб келади.

Информатикани фалсафий ёндашувлар асосида ўргатиш, барча соҳалар каби ахборот тизимларида, жонсиз табиатда содир бўладиган жараёнлардаги ахборотларнинг намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш, фан соҳалари (физика, математика, кимё, биология, психология ва ҳ.к.) олимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш натижасида турли табиат муҳитидаги ахборотларни тадқиқ қилувчи олимлар учун умумий қонунарни аниқлашга имкон беради. Бу жараёнлар инсонларга техник ва ижтимоий тизимларда ҳам ахборот жараёнларини янада самарали ташкил этишни таъминлайди. Барча фанлар каби информатикани фалсафий муаммолар асосида ўрганиш талабаларда ўз онги фаолияти асосида ахборот тизимларининг муҳим жараёнларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий билиш, турли қарорлар қабул қилиб, мақбул хулосалар чиқариш имкониятларини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, шиддат билан ривожланаётган мамлакатимизда бутунги кунда ўқитувчи учун талабаларни фалсафий фикрлаш, мушоҳада юритишга ўргатиш долзарб вазифа ҳисобланади. Лекин бу фақатгина ўқитувчига боғлиқ бўлмасдан, талабалардан ҳам фаолликни талаб этади.

Информатика дарс жараёнида ўргатиладиган мавзулар «*маълумот → ахборот → билим → илмий билиш*» даражасида бўлиб, ўқитишда фалсафий мушоҳада ютиришга эришиш учун:

*ўқитувчи* қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- мавзу мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, ўргатиладиган асосий тушунчаларни ажратиб олиш;
- асосий тушунчаларга мос мазмунни талабаларга ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланиб етказиб бериш;
- амалий ва лаборатория машғулотларида мавзуларга мос топшириқлар бериш;
- талабалар томонидан мавзунинг ўрганилишини назорат қилиш;
- мавзунини ўзлаштира олмаган талабалар билан қайта ишлаш.

Талабаларнинг вазибалари куйидагилардан иборат:

- ўқитувчи томонидан бериладиган маълумот ва ахборотларни ўрганиш;
- назарий ўрганилганларни амалий ва лаборатория машғулотида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиб бажариш;
- топшириқларни бажариш жараёнида дуч келган муаммоларни таҳлил қилиш ва ечишга интилиш;
- дуч келган муаммоларни ечиш учун ўқув адабиётлари, интернет сайтларидан фойдаланиш ва шахсий қарорлар қабул қилиш;
- бажарилган топшириқлар ҳақида ҳисоботлар ёзиб, шахсий хулосаларга келиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Научное познание и информатика. - <https://www.e-reading.club/chapter.php/103872/30/Shevchuk>
3. Кулагин В.П. Философия информатики. Научная статья. - <https://cyberleninka.ru/article/n/filosofiya-informatiki>
4. Амриддинова Д. Фалсафа (этика, эстетика, мантик) фанидан маърузалар матни. Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2014.
5. Зиёмухаммедов Б. Педагогика. - Т.: «Турон-иқбол», 2016.
6. Чурсин Н. Наука о научной информации. - <http://n-t.ru/ri/ch/pi03.htm>

#### **ЎҚУВЧИЛАРНИ НОСТАНДАРТ МАТЕМАТИК МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШГА ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

(PhD) Содиқов Улуғбек Жўраевич

Ўзбекистон миллий университети доценти

[sodiqov.7377@mail.ru](mailto:sodiqov.7377@mail.ru)

Тел: 93-594 07 82

*Аннотация:* Ушбу мақолада ўқувчиларни математикадан ностандарт масалаларни ечишга ўргатишнинг методик тамойиллари ёритилган. Ҳар бир тамойилга амал қилишдаги кўрсатмалар ва тавсиялар ҳамда амалий масалалар келтирилган.

*Калит сўзлар:* ностандарт масала, математикани ўқитиш, масалавий ёндашув, методик тамойил, масалалар тизими.

#### **МЕТОДИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ИЗУЧЕННЫЕ УЧАЩИХСЯ ПО РЕШЕНИЮ МАТЕМАТИЧЕСКОГО НОСТАНДАРТНЫХ ЗАДАЧ**

(PhD) Содиқов Улуғбек Жўраевич

Доцент Национального университета Узбекистана

[sodiqov.7377@mail.ru](mailto:sodiqov.7377@mail.ru)

**Аннотация:** В статье описаны методические принципы обучения школьников решению нестандартных задач по математике. Существуют руководящие принципы и рекомендации по применению каждого принципа, а также практические вопросы.

**Ключевые слова:** нестандартная проблема, обучение математике, проблемный подход, методический принцип, система задач.

## METHODOLOGICAL PRINCIPLES STUDIED BY STUDENTS FOR SOLVING MATHEMATICAL NONSTANDARD PROBLEMS

(PhD) Sodikov Ulugbek Jurayevich

Associate Professor of National University of Uzbekistan

[sodiqov\\_7377@mail.ru](mailto:sodiqov_7377@mail.ru)

**Annotation:** The article describes the methodological principles of teaching schoolchildren to solve non-standard problems in mathematics. There are guidelines and recommendations for the application of each principle, as well as practical questions.

**Key words:** non-standard problem, teaching mathematics, problem approach, methodological principle, system of tasks.

Ҳар қандай ностандарт масалани ечишнинг универсал усули мавжуд эмас, чунки ностандарт масалалар маълум даражада такрорланмасдир. Шундай бўлса-да, юртимиз ва хорижда фаолият юритаётган кўпгина илғор ўқитувчиларнинг ўқувчиларда математик қобилиятни ривожлантириш, уларни ностандарт масалаларни ечишнинг баъзи методик усулларига ўргатиш борасидаги тажрибалари муаян хулосалар яратишга имкон беради.

Юртимиз ва хорижда чоп этилаётган адабиётларда ўқувчиларни ностандарт масалаларни ечиш кўникмасига ўргатишнинг методик принциплари яхшигина ёритилган. Бу борада, айниқса, Н.Ғанихўжаевнинг “Олимпиада масалаларини ечиш” [3], Д.Пойанинг “Математическое открытие” [1] китоби, Л.М.Фридманнинг “Математика и правдоподобные рассуждения” [2] асарлари мақтовга сазовордир. Бу асарларнинг аксарияти ўқувчиларга мўлжалланган бўлишига қарамай, улардан ўқитувчилар ҳам ўқувчиларни ностандарт масалаларни ечишга ўргатишда унумли фойдаланиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларни масала ечишга ўргатишда (шу жумладан, ностандарт масалаларни ҳам) уларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиш зарур. Табиийки, масала қизиқарли ва мазмуни бўлган тақдирдагина ўқувчида масалани ечишга иштиёқ пайдо бўлади. Шу боис, ўқитувчи олдида турган муҳим вазифалардан бири – ўқувчида у ёки бу масалани ечишга иштиёқ туғдиришдир. Бунинг учун ўқитувчи масалаларни танлашда унинг қизиқарли ва жозибали бўлишига эътибор бериши зарур. Агарда танланган масалалар мазмуни ўқувчиларнинг кундалик ҳаётидан, уларга таниш бўлган табиий шароитдаги воқеа ва ҳодисалардан иборат бўлса, уларда масала ечишга бўлган қизиқиши янада кучли бўлиши, муқаррар.

Математика ўқитиш жараёнини масалавий ёндашувлар асосида ташкил қилиш учун масалалар тизимини тайёрлаш энг долзарб муаммолардан бири саналади. Бу муаммо бўйича қатор илмий-педагогик изланишлар мавжуд. Бу ерда [4], [6] ларнинг илмий изланишларини назарда тутаямиз.



Математика ўқитиш жараёнини масалавий ёндашувлар асосида ташкил қилиш учун мақсадга йўналтирилган масалалар тизимини тайёрлаш зарур бўлади. Биз қуйида масалалар тизимини тайёрлаш учун зарур бўладиган методик **тамойилларни** келтирмоқчимиз:

1. *Масалалар тизимининг ўқув материали мазмунига мослик тамойили.*

Бажариладиган масалалар тизими ўқув материали мазмунига қанча яқин бўлса, у шунча самарали бўлади. Бунда ўқитувчи ўқув масаласини ўқув материали мазмунига тенглиги талабидан келиб чиқиб, ўқувчилар фаолиятини бошқаради. Бу тамойил ўқув материали мазмунини тўлиқ ўзлаштириш мантиғига риоя қилиш йўли билан амалга оширилади.

2. *Масалалар тизимининг ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши ва реал ўқув имкониятларига мослик тамойили.*

Бу тамойил ўқувчиларнинг ўқув – билув фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш талабларини амалга оширишга мўлжалланган. Шунинг учун ўқувчиларнинг математикани ўрганишга қизиқишларини ошириш, мустақил ижод қилиш лаёқатини ўстириш, масалаларнинг ўқувчининг реал ўқиш имкониятларига маслаштириш талаблари асосида ўтказилади.

3. *Масалалар тизимининг таълим жараёни босқичларига ва мазмунига адекватлик (айнан мослик) тамойили.*

Бу тамойилга кўра масалалар тизимининг таълим жараёни босқичларига боғлиқлиги ҳисобга олинади. Олдинги масалаларни мақсадга мувофиқ ҳал қилиш кейингиларини бажариш учун тайёргарлик босқичини ўтайди. Демак, ўқув масалалар тизими дарс типлари ва уларнинг босқичлари билан ҳам узвий боғланган.

4. *Масалалар тизимининг бир-бирига боғлиқлик тамойили.*

Бу тамойил, мутахассисларнинг ёзишча, методик ҳодисаларнинг информатик хусусиятлари билан алоқадор.

5. *Масалаларнинг бир-бирини тўлдириш тамойили.*

Бу тамойилга риоя қилиш йўли орқали ўқувчилар ўзлаштиришининг давомийлиги амалга оширилади. Шу билан бирга, бу тамойил масалалар тизимини осонлиги ва қийинчилигини, соддалиги ва мураккаблигини бошқариш мўлжали саналади. Бу ерда масалалар тизимининг соддалиги ва мураккаблиги объектив ҳодиса сифатида тушунализ. Агар масалалар тизимининг соддалиги ва мураккаблиги объектив бўлса, уларнинг осонлиги ва қийинлиги субъектив ҳодисадир.

Шундай қилиб, масалалар тизимининг бир-бирини тўлдириш тамойили математикани ўқитишда қийинчиликларни бартараф этиш омилига айлана боради.

6. *Масалалар тизимининг мажмуавийлик (комплекслик) тамойили.*

Бу тамойил ўқувчилар ўзлаштиришининг системалиги ғоясига асосланган бўлиб, масалалар тўпламига қўйиладиган педагогик талаблардан келиб чиқиб амалга оширилади. Масалалар тизимининг мажмуасида ўқувчиларнинг ижодий ва ижодий бўлмаган ишларига мос келадиган, дарс турлари ва босқичлари билан узвий боғланган, синф жамосининг ва ҳар бир ўқувчининг билиш эҳтиёжларини таъминлайдиган, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш талабларига жавоб бера оладиган, масалалар тизимининг барча турлари ва типлари мавжуд бўлиши керак[5].

Ўқитувчи эса ўз навбатида ана шундай қизиқарли масалаларни тезда илғай олиши ва ўринли қўллаши жуда муҳимдир. Фикримиз тасдиғи сифатида, баъзи мисолларни келтирамиз.

1.  $(5 + \sqrt{26})^{1000}$  сонини чексиз ўнли каср кўринишида ёзганда вергулдан кейинги 1000-хонадаги рақамни топинг?

Ечиш:  $(5 + \sqrt{26})^n = A_n + B_n \sqrt{26}$  бўлсин. Бу ерда  $A_n, B_n \in \mathbb{Z}$ . У ҳолда  $(5 - \sqrt{26})^n = A_n - B_n \sqrt{26}$  кўринишида бўлади. Демак,  $(5 + \sqrt{26})^n + (5 - \sqrt{26})^n = 2A_n$  яъни  $(5 + \sqrt{26})^n$  сони  $2A_n$  сонидан  $(5 - \sqrt{26})^n$  га фарқ қилади. Бошқа томондан  $\left| (5 - \sqrt{26})^n \right| = \frac{1}{(5 + \sqrt{26})^n} < \frac{1}{10^n}$  тенгсизлик

ўринли. Биз  $n = 1000$  ҳолатини қарашимиз етарли.  $(5 + \sqrt{26})^{1000} = 2A_{1000} - (5 - \sqrt{26})^{1000}$  тенгликни баҳолаймиз.  $(5 - \sqrt{26})^{1000}$  сонининг чексиз ўнли каср кўринишида ёзсак вергулдан кейинги 1000-хонасигача 0 туради, ками билан 1001-хонасидан бошлаб бошқа рақамлар қатнашади.  $2A_n$  сони бутун сон бўлганлиги учун вергулдан кейинги ихтиёрий рақамини 0 деб ҳисоблаймиз. Бу иккита сон айирмасини ҳисоблаш натижасида айирманинг 1000-хонасида 9 рақами ҳосил бўлишини кўрамиз.

2. Ихтиёрий  $n$  натурал сон учун  $1 + \frac{1}{2} + \frac{1}{3} + \dots + \frac{1}{n}$  йиғинди бутун сон бўла олмаслигини исботланг.

Ечиш:  $A$  сони  $1 + \frac{1}{2} + \frac{1}{3} + \dots + \frac{1}{n}$  йиғинди учун энг кичик умумий махраж бўлсин.  $A$  сони  $2^k$  га бўлинсин, лекин  $2^{k+1}$  га бўлинмасин. У ҳолда  $n \geq 2^k$  бажарилиши лозим. Акс ҳолда  $A$  энг кичик бўлмайди.  $A = 2^k \cdot B$  десак,  $B$  тоқ сон бўлади.  $1 + \frac{1}{2} + \frac{1}{3} + \dots + \frac{1}{n} = \frac{B}{2^k B} + \frac{A}{A} + \frac{2^{k-1} B}{A} + \dots + \frac{C}{A}$  бу ерда  $C = \frac{A}{n}$ . Биламизки  $\frac{1}{2^k}$  касрдан ташқари барча касрларни умумий махражга келтиришда 2 га кўпайтиришга мажбурмиз. Демак, йиғиндининг суратида ҳосил бўлган қўшилувчилардан фақат  $B$  тоқ, қолган барчаси жуфт. Бу ҳолда касрнинг сурати тоқ махражи эса жуфт. Демак бу каср бутун сон бўла олмайди. Исботланди!

Бундай масалалардан фойдаланиш ўқувчиларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилиб, эгалланган билимлар, тажрибалар ва шахсий сифатлари уларда масалаларни ечиш ғояларини шаклланишига, ўз хатти-ҳаракатларини прогнозлаш, назорат қилиш ва фаолиятларини танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Пойа Д. Как решить задачу. – Львов: Квантор, 1991. – 216 с.
2. Фридман Л.М., Турецкий Е.Н. Как научиться решать задачи ... <https://www.twirpx.com/file>. Пособие содержит большое число различных заданий для ... 19 июл. 2015 г. - Книга для учащихся старших классов средней школы. 3-е изд. ... М.: Просвещение, - 130 с.

3. Ганихўжаев Н.Ф. “Ностандарт масалалар ва стандарт муаммоси ҳақида” Физика, математика ва информатика (илмий-услубий журнал) Т., 2002й. 1(3) 78-81 б.
4. Гайбуллаев Н.Р., Дыреченко И. Развитие математических способностей учащихся . Издательство «Укитувчи» 1987 г.-145с.
5. Содиков У.Ж. Принципы разработки системы творческих задач при обучении математике. I-Международная научно-практическая конференция. Наманганский ГУ., МК-1, II часть, 64-69 с., 15 июня 2018 г.
6. Гафарова Е. А. Задачный подход в решении проблемы формирования творческих умений старшеклассников при изучении компьютерных информационных технологий // известия РГПУ им. А.И.Герцена.-2006.-№ 23.-Т.5.- С.116-119.

### **МОТИВЫ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ**

Казакбаева Саодат Иномджоновна

Наманганский инженерно-технологический институт

кандидат педагогических наук, доцент

Тел: 90 214-30-46 e-mail:[skazakbayeva1@gmail.com](mailto:skazakbayeva1@gmail.com)

***Аннотация:** в данной статье рассматриваются различные точки зрения на теоретическое разделение мотивов на виды, а также современная классификация учебной мотивации и компоненты психологической структуры учебной деятельности.*

***Ключевые слова:** учебная деятельность, мотив, виды мотивов, органические мотивы, материальные мотивы, социальные мотивы, духовные мотивы, на альтруистические и эгоистические мотивы, познавательный интерес, компонент психологической структуры деятельности.*

### **OTIVLARNI ZAMONIY SHARTLARDA O'RGANISH**

Kazakbaeva Saodat Inomjhonovna

Namangan muhandislik texnologik instituti

pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Tel: 90 214-30-46 e-mail:[skazakbayeva1@gmail.com](mailto:skazakbayeva1@gmail.com)

***Annotatsiya:** Ushbu maqola motivlarni turlarga nazariy ajratish bo'yicha turli xil qarashlarni, shuningdek, ta'lim motivatsiyasining zamonaviy tasnifi va ta'lim faoliyati psixologik tuzilishining tarkibiy qismlarini o'rganib chiqadi.*

***Kalit so'zlar:** o'quv faoliyati, motivi, turtki turlari, organik motivlar, moddiy motivlar, ijtimoiy motivlar, ma'naviy motivlar, altruistik va egoistik motivlar uchun, kognitiv qiziqish, faoliyatning psixologik tuzilishi.*

### **LEARNING MOTIVES IN MODERN CONDITIONS**

Kazakbaeva Saodat Inomdzhonovna

Namangan Engineering Technological Institute

candidate of pedagogical sciences, associate professor

Tel: 90 214-30-46 e-mail: [skazakbayeva1@gmail.com](mailto:skazakbayeva1@gmail.com)

**Annotation:** *this article discusses various points of view on the theoretical division of motives into types, as well as the modern classification of educational motivation and components of the psychological structure of educational activities.*

**Keyword:** *educational activity, motive, types of motives, organic motives, material motives, social motives, spiritual motives, altruistic and egoistic motives, cognitive interest, component of the psychological structure of activity.*

Учебная деятельность активизируется при определенных условиях. Условия создаются мотивами. Учебная деятельность имеет множество мотивов или, как принято говорить, поли мотивирована. Социологический опрос абитуриентов трех наманганских вузов (2019-2020 гг) – показал, что мотивов поступления в вуз в общей сложности более десятка (у разных абитуриентов разные мотивы, у кого какой-нибудь один, а у кого и несколько). Не перечисляя их все, назовем наиболее часто встречающиеся (оставим в стороне такие редкие, но своеобразные: «Шел мимо и зашел, показать забавным, что столько желающих учиться. Думаю, а почему бы мне не попробовать», «Учиться легче, чем работать», «Чтобы не ходить без дела», «У нас в семье все имеют высшее образование» и т. п., который не являются сознательной мотивацией поступления авторов этих ответов в вуз именно по данной специальности). Среди подлинно учебных мотивов можно выбрать такие: «Хочу приобрести престижную специальность», «Меня интересует научная работа, которой хочу себя посвятить в будущем», «Я был лучшим учеником по математике, но едва ли буду учителем, а математиком буду», «Некоторые учились хуже меня, а поступили в прошлом году в разные вузы, а почему я должна от них отстать?», «Мне нравится специальность, которую дают здесь» и т. п. естественно, во время учебы мотивы изменятся, вместо одних мотивов возникнут другие.

Все возможные мотивы теоретически можно разделить на виды по разным основаниям.

Так, существует деление мотивов на органические (они направлены на удовлетворение естественных потребностей организма в пище, тепле и т. д. и на создание условий для этого), функциональные (удовлетворяются различными культурными формами активности, например, играми, спортом и др), материальные (создание и добывание материальных средств существования и развития человека, как, например, предметов домашнего обихода, различных вещей, инструментов и т. д.), социальные (направляют деятельность на занятие человеком определенного места в обществе, получение признания и уважения со стороны других людей, главным образом, через отношение к общественно полезному труду) и духовные (они лежат в основе деятельности, направленной на самосовершенствование человека в духовно – нравственном и интеллектуальном плане, как, например, учебно – познавательные мотивы и др.). Такое деление мотивов (оно приводится в учебнике «Психология», кн. I, автор Немов Р. С., с. 127 – 128) является достаточно условным, так как между выделенными разновидностями мотивов нет четкой границы, они как бы переходят друг в друга, размываются. Но, главное, они мало что дают для понимания психологической их природы, а для изучения психологии учебной деятельности вовсе ничего не дают. Это деление мотивов на некие разновидности не более чем абстрактно – теоретическое допущение, которое может быть принято, как один из возможных подходов к

теоретическому анализу проблемы. Но, к сожалению, в учебнике не раскрывается научное содержание каждого из выделенных разновидностей мотива, поэтому многое

здесь не понятно. Например, чем отличается функциональный мотив с его «культурных форм активности»? К учебной деятельности такое деление не применимо, так как оно произведено, как говорят в логике, по другому основанию.

Существует деление мотивов на альтруистические и эгоистические, на ближайшие и отдаленные, общие и частные, на общественно значимые и узко - личностные и т.д., и т. п. Различают еще осознаваемые и неосознаваемые (влечения) мотивы, понимаемые и реально действующие мотивы, которые присутствуют в любой деятельности, в том числе, конечно, и учебной. В частности, А. Н. Леонтьев, проводя такое различие мотивов, приводит пример как раз из школьной жизни, т. е. из учебной деятельности: ученик понимает, что хорошая учеба нужно ему для того, чтобы стать в последующем грамотным и квалифицированным работником, полезным обществу, родине и т. п., но реально руководствуется другим мотивом, допустим, получить двойку. Первое – это понимаемый мотив, а второе – реально действующий.

Однако более конкретную классификацию именно учебной мотивации (правда, рабочую классификацию) для П. Я. Гальперин. По его мнению, реально действуют в учебной деятельности три типа мотивации: «деловая», «соревновательная» (обе внешние по отношению к процессу учения) и собственно познавательная мотивация, внутренне относящаяся к учебной деятельности – познавательный интерес. Данное деление мотивов на три типа наиболее удобно для анализа мотивов учебной деятельности, и мы подробно рассмотрим их ниже.

В целом же о мотивации учебной деятельности можно сказать однозначно следующее: она побуждает учащегося к активной деятельности, так как выражает какую – то из его потребностей, направляет активность субъекта в соответствующую этой потребности сторону, так что без нее учебная деятельность невозможна. Вопрос в другом – какой из мотивов лучше, но об этом позже.

Второй важнейший компонент учебной деятельности – это цель ее. Она ставится субъектом учебной деятельности перед самим собой в соответствии с реально действующим мотивом, служит его удовлетворению, ибо мотив, каким бы он ни был, является потребностью индивида, удовлетворяемой им в деятельности и через посредство деятельности. А цель как раз направляет деятельность туда, где может быть получен результат, удовлетворяющий эту потребность, этот мотив. Иначе говоря, цель деятельности, учебной в том числе, есть ничто иное, как идеально представленный в голове субъекта будущий конечный результат.

Поэтому цель формулируется мысленно до начала деятельности, иногда четко и ясно, а иногда аморфно и неопределенно, в зависимости от реально действующего мотива, от того, насколько органично деятельности. Понятно, что если мотивом является познавательный интерес, то цель будет поставлена обучаемым четко и ясно, ибо он знает, чего хочет добиться. А если мотив лежит вне сферы собственно учебного процесса (деловой или соревновательный), то не будет и ясности. А значит не будет и добросовестного учения, сколько – либо скрупулезного самостоятельного изучения научной литературы для «пользы дела», ради успешной будущей профессиональной деятельности.

Третий компонент психологической структуры деятельности составляют средства, с помощью которых достигается ее цель. Применительно к учебной деятельности в роли средств могут выступать методы, способы, приемы учебных действий, как диктуемые организаторами обучения (например, рекомендации, содержащиеся в методических указаниях органа образования), так и найденные самим обучаемым и удобные для него (например, метод совместной подставки к экзаменам двух студентов, который представляется обоим более эффективным, чем подготовка в одиночку). К числу средств учебной деятельности студентов относятся самые разнообразные способы и приемы усвоения знаний, начиная от банальной зубрежки и кончая глубоким мыслительным анализом теоретических положений в их сопоставлении с жизненными реалиями. К ним относятся, естественно, и всякие технические средства обучения (от микроскопа до компьютера).

С точки зрения психологии, важно отметить, что средства могут быть «хорошими» или «плохими» не сами по себе, а в зависимости от того, какую цель в обучении ставят перед студентом «сверху» или сам студент ставит перед собой в своей индивидуальной учебной деятельности и в какой мере данное средство позволяет успешно ее достичь. Короче говоря, все средства хороши, если они (каждое в отдельности или объединенные в какую – то разумную систему) обеспечивают достижение цели учения быстрее и качественнее.

И, наконец, четвертый составной элемент психологической структуры учебной деятельности – конечный результат учения. Этот результат, если весь процесс учения был построен в соответствии с логико – психологическими требованиями, будет приближаться к заранее поставленной цели. Именно приближаться, так как полное его соответствие с целью означало бы стопроцентную эффективность учебного процесса, чего в принципе быть не может, и никогда ни в какой деятельности не бывает. Движение процесса от цели к результату всегда сопровождается определенными потерями, а вопрос лишь в том, насколько велики эти потери: если они малы, то эффективность выше (результат лучше), и наоборот. В учебной деятельности происходит то же самое. Учащиеся, в данном случае студенты, получая научную (учебную) информацию на лекциях, семинарах, практических и лабораторных занятиях, во время практики и самостоятельного чтения литературы, далеко не всю ее сохраняют в памяти, значительную ее часть теряют. Если человек даже запомнил, что – то и не понимая, то это тоже потеря, ибо такое знание никому не нужно. Значит, непонимание – главная потеря. Так ее необходимо устранить. Эту проблему следует исследовать.

### **Литература**

1. Бабанский Ю.К. Оптимизация учебно-воспитательного процесса. Методические основы / Ю.К. Бабанский. - Москва: Педагогика, 2008. - 193 с.
2. Бережнова Л.Н. Этнопедагогика: учеб. пособие для студ. Высш. Учеб. заведений / Л.Н. Бережнова, И.Л. Набок, В.И. Щеглов. - М.: Издат. центр «Академия», 2007. - 240 с.
3. Божович Л.И. Проблемы формирования личности / Л.И. Божович. - Санкт-Петербург: Питер, 2007. - 400 с.
4. Бондаревский В.Б. Воспитание интереса к знаниям и потребности к самообразованию

- / В.Б. Бондаревский. - Москва: Просвещение, 2005. - 513 с.
5. Выготский Л.С. Педагогическая психология /Л.С. Выготский. - Москва: АСТ, Астрель, Хранитель, 2008. - 672 с.
  6. Гальперин П.Я. Введение в психологию: Учебное пособие для вузов / П.Я. Гальперин. - Москва: Книжный дом «Университет», 1999. -332 с.
  7. Гордон Л.А. Психология и педагогика интереса / Л.А. Гордон // Радянська школа. - 2000. - №11. - С. 33-41.
  8. Леонтьев, А.Н. Лекции по общей психологии [Текст] / А.Н. Леонтьев. - М.: Смысл, 2001. - 512 с.
  9. Лернер И.Я. Процесс обучения и его закономерности /И.Я. Лернер. - Москва: Просвещение, 2007. - 86 с.
  10. Лукьянова М. Учебная мотивация как показатель качества образования / М. Лукьянова // Народное образование. - 2001. - №8. -С. 16-20
  11. Маркова А.К. и др. Формирование мотивации учения: Книга для учителя / А.К. Маркова. - Москва: Просвещение, 2007. - 323 с.
  12. Немов Р.С. Психология. кн. I. – Москва. 2008. – 286 с.
  13. Огородников И.Т. Основные проблемы и методика изучения эффективности урока по основам наук в школе / И.Т. Огородников. - Москва: МГПИ, 2005. - 32 с.
  14. Педагогика / Под ред. П.И. Пидкасистого. - Москва: Педагогическое общество России, 2005. - 640 с.
  15. Педагогические проблемы формирования познавательных интересов учащихся / Под ред. Г.И. Шукиной. - Москва: Педагогика, 2007. - 208 с.
  16. Педагогический энциклопедический словарь / Под ред. Б.М. Бим-Бад. - Москва: Большая Российская Энциклопедия, 2013- 528 с.
  17. Петровский А.В. Мотивация как проявление потребностей личности / А.В. Петровский // Общая психология. - 2010. - №7. - С. 101-117
  18. Шукина Г.И. Методика диагностики познавательной активности учащихся / Г.И. Шукина, Е.В. Коротаева, А.К. Маркова. - Москва: Наука, 2013. - 45 с.

**БЎЛАЖАК МЕНЕДЖЕРЛАРНИ БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ СИФАТЛАРИ**

Умарова Гулчехра Шавкатовна,  
Катта ўқитувчи (НамМКИ)  
Tel:+ +998 91 3439943

*Аннотация* Бўлажак менежерларни бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг муҳим сифатларини шакллантиришда аввало АКТнинг имкониятини билиш; иқтисоднинг рақамли менежменти асосларидан хабардорлик, талаба менежментнинг оптимал рақамли моделини танлаш қобилияти, турли воситалар асосида педагогик креативликни намоён қилиш малакасига эга бўлиш; ижтимоий-маданий мослик; рақамли бошқарув, мақсадли, инновацион ва тизимли ёндашувлар; яхлитлик; ижтимоий характерга эғалик; коммуникатив мулоқот; халқаро менежмент тажрибаси; шахсий масъуллияти бўлиши керак.

*Таянч сўзлар:* ижтимоий, иқтисодий, маданий мослик, мақсадли, инновацион ва тизимли ёндашувлар, муҳим сифатлар, халқаро менежмент тажрибаси; шахсий масъуллият .

**Annotation** *First of all, to know the potential of ICT in the formation of important qualities of the development of management culture of future managers; awareness of the basics of digital management of the economy, the ability to choose the optimal digital model of student management, the ability to demonstrate pedagogical creativity through various means; socio-cultural compatibility; digital management, targeted, innovative and systematic approaches; integrity; social character; communicative communication; international management experience; be personally responsible.*

**Keywords:** *social, economic, cultural compatibility, purposeful, innovative and systematic approaches, important qualities, international management experience; personal responsibility.*

**Аннотация** *Прежде всего, знать потенциал ИКТ в формировании важных качеств развития управленческой культуры будущих менеджеров; знание основ цифрового управления экономикой, умение выбирать оптимальную цифровую модель управления студентами, умение различными способами демонстрировать педагогическое творчество; социокультурная совместимость; цифровое управление, целевые, инновационные и систематические подходы; целостность; социальный характер; коммуникативное общение; международный опыт управления; нести личную ответственность.*

**Ключевые слова:** *социальная, экономическая, культурная совместимость, целенаправленный, инновационный и системный подходы, важные качества, международный опыт управления; личная ответственность.*

Жамият ривожининг бутунги кундаги босқичи бевосита, технологияларнинг такомиллашуви билан характерланади. Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказмоқда. Айниқса, ахборот узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологиялар ривожланиб, кучайиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар ҳамда компьютер технологиясидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда ва улар такомиллашмоқда.

Республикамизда таълим мазмунини янгилаш ҳамда таълим жараёнлари самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар бутун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги (2019 йил 27 август) Қарорида(1) белгиланган вазифаларни амалга оширишда ривожланиш босқичида бошқарув жамиятга хос бўлган ички хусусият сифатида намоён бўлмоқда. Бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотини алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Мазкур жараёнларни амалга оширишда бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантиришда инновацион ёндашув тамойилларининг устуворлигини таъминлашни тақозо этмоқда. Бинобарин, инновацион ёндашув менеджерни жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришларга мослашган ҳолда ривожланиши, таълим сифатининг ошиши, малакали, кучли рақобатга бардошли кадрлар бўлиб етишиши самарадорли ҳисобланади.



Бутунги кунда иқтисодий жиҳатдан етакчилик қилаётган давлатларда таълим менежментида ҳам самарадор, оптимал бошқарувни амалга оширишни таъминлайдиган бой халқаро тажриба тўпланган. Булажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантиришда уларни ана шу халқаро тажриба моҳияти билан таништириш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Раҳбарликнинг асосий моҳияти – ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиш билан белгиланади. Бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг раҳбар кадрларидан мунозарали вазиятларда қарор қабул қилишда яқуний хулосани айтиш, ҳолатдан келиб чиқиб, самарадорликка эришишда масъулиятни ўз зиммасига олиш кабиларнинг талаб қилиниши табиийдир. менеджернинг шахсий масъуллиги вазиятни тўғри баҳолаш, мураккаб жараёнларга мослашиш, ички ҳамда ташқи омилларни инобатга олиш, ходимлар ҳамда ўзининг шахсий имконияти, шунингдек, вақт, меҳнат ҳамда моддий ашёлар бўйича мавжуд ресурслар ҳисобига асосланиши лозим.

Бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантиришнинг муҳим сифатларини шакллантиришда аввало АКТнинг имкониятини билиш; иқтисоднинг рақамли менежменти асосларидан хабардорлик, талаба менежментнинг оптимал рақамли моделини танлаш қобилияти, турли воситалар асосида педагогик креативликни намоён қилиш малакасига эга бўлиш; ижтимоий-маданий мослик; рақамли бошқарув, мақсадли, инновацион ва тизимли ёндашувлар; яхлитлик; ижтимоий характерга эгалик; онлайн ва интерфаол мулоқот; халқаро менежмент тажрибаси; шахсий масъуллияти бўлишикерак.(2)

Бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантириш бўйича бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирларини белгилаш, зарур шарт-шароитларни ҳосил қилиш. Бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга доир шахсий ривожланиш талабларини амалиётга татбиқ этиш. Вақти-вақти билан бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга доир амалиётга татбиқ этилиш ҳолатини таҳлил қилиб бориш, зарур ўринларда давр талаблари, давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда уни янги, илғор ғоялар билан бойитиши. Аниқ белгиланган муддатларда бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишни амалиётга татбиқ этиш юзасидан шахсий фаолиятни ўз-ўзини баҳолаш, жамоа томонидан баҳолаш ва махсус экспертизадан ўтказиш йўли билан яқуний баҳоланишига эришиш. Англанидек, бўлажак менеджерларни шахсий ривожланиш дастурига эга бўлиши бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Дарҳақиқат, менежментдаги самарадорлик кўплаб омиллар таъсирида таъминланади. Бироқ, субъектив омил бўлган – раҳбар кадрнинг ўз-ўзини ривожлантириши улар орасида энг муҳими саналади. Бинобарин, мавжуд объектив ҳамда субъектив омиллардан мақсадли, ўринли фойдаланиш раҳбар кадрнинг бошқарув маҳорати, иш тажрибаси ҳамда ходимларга бўлган ёндашувига боғлиқ.

Бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини ривожлантириш учун унга тавсия сифатида : фаолиятда барча энг оддий ҳолатларни ҳисобга олиш лаёқатига эга бўлмаслик; ўзаро ўрин алмашишга тайёр бўлмаслик; ўз билимидан ишда фойдаланиш эмас, балки ходимларни билим олишлари учун мукофатлаш; ижрочиларнинг рақобатчи бўлишларидан қўрқиш; тасаввурининг бой бўлмаслиги; худбинлик; ўзини тута олмаслик;

сўзида турмаслик; бошқаришда сохта обрў-эътибор, нуфузга эга бўлиш; турли ном ва мартабаларни пеш қилиш каби хусусиятлар раҳбар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ва кўп ҳолатларда йўл қўйиладиган хатоларнинг олди олинади.(3)

Бўлажак менеджерларни бошқарув маданиятини муаммоларини ўрганар эканмиз, бу жараёнда самарадорликка эришиш шартларидан бири сифатида раҳбарлик услубини такомиллаштиришни эътироф этади. айти ўринда: кадр-қимматларни белгилаб бериш ва шахсий мақсадларни ишлаб чиқиш; шахсий ривожланиш босқичларини ва жорий фаолиятни режалаштириш; эришилган натижаларни мунтазам таҳлил қилиш; коммуникатив қобилиятлар (эшитиш, ўқиш, гапириш, ёзиш кабилар)ни ривожлантириш; кишиларни тушунишни ўрганиш, кузатувчанликни ривожлантириш; ҳар куни фикрлашга вақт топиш, фикрларни мунтазам ёзиб бориш; бошқа соҳа кишилари билан мулоқотни кенгайтириш; асосий масалага эътиборни қаратишни ўрганиш; дадил, саботли ва матонатли бўлиш; мунтазам имкониятларни излаш ва ташаббус кўрсатиш кабиларни раҳбарлик услубини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги (2019 йил 27 август) Қарори.
2. Ахмедов Д.Н. Инновацион лойиҳаларни бошқариш муаммолари  
[//https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-loyi-alar-ni-bosh-arish-muammolari](https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-loyi-alar-ni-bosh-arish-muammolari).
3. Тўхтабоев А. Маъмурий менежмент / Ўқув қўлл. С.С.Фулломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2003. – 171 б

## PEDAGOG XODIMLAR UCHUN SHAXSDA MILLIY XUSUSIYATLARNI RIVOJLANTIRISH YUZASIDAN KO'RSATMALAR<sup>26</sup>

Nishanova Z.T.– TDPU professori, psixologiya fanlari doktori

*Annotatsiya.* Maqolada turli ta'lim tizimida faoliyat olib boradigan pedagoglar uchun shaxsda milliy xususiyatlarni rivojlantirish yuzasidan ko'rsatmalar keltirilgan. Shuningdek, maktabgacha tarbiya muassasalari tarbiyachilari, umumta'lim maktablari o'qituvchilari, oliy o'quv yurti professor-o'qituvchilari uchun psixologik tavsiyalar bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** shaxs, milliy xususiyat, pedagog, tarbiyachi, o'qituvchi.

*Аннотация.* В статье даются рекомендации по развитию национальных качеств в личности у педагогов, работающих в разных системах образования. А также описаны психологические рекомендации для воспитателей дошкольных учреждений, учителей средних школ, преподавателей вузов.

**Ключевые слова:** личность, национальность, учитель, воспитатель, педагог.

*Annotation.* The article gives recommendations on the development of national qualities in the personality of teachers working in different educational systems. It also describes psychological recommendations for teachers of preschool institutions, secondary school teachers, university teachers.

**Key words:** personality, nationality, teacher, educator, teacher.

Bola maktabga qadam bosar ekan, u o'zi uchun o'zgacha muhit, o'zga shart-sharoit, o'zgacha talablar qurshovida qoladi. Bu jarayonda unga yordamga keluvchi, qiyinchiliklar jarayonida uni qo'llab-quvvatlovchi, yangi muhitga bo'lgan adaptatsiyasi, ya'ni moslashuvida unga dalda bo'luvchi shaxs o'qituvchidir. Nafaqat maktab ta'limida, balki o'rta maxsus bilim yurtlarida, oliy o'quv yurtlarida ham, qo'yinki biror hunar egallashda ham ustoz-murabbiyga murojaat etiladi. Ustozga nisbatan hurmat hissini namoyon etish xalqimizga xos bo'lgan milliy xususiyatlardan biridir. To'g'ri, boshqa millat va xalq vakillari tomonidan ham muallim, o'qituvchi juda qadrlanadi, ammo millatimizga, sharq xalqlariga xos bo'lgan bir jihat borki, buni o'zga xalqlarda uchratish qiyin. Bu ustoz-shogird an'anasi, shogirdning ustoziga yuksak ehtirom ko'rsatishidir.

Ajdodlarimiz farzand tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifani ado etishda ham murabbiylarlarining o'rmini his qilgan holda, farzandlarini ilmi, solih insonlarga shogirdlikka berganlar. Mana shunday mas'uliyatni his qilgan holda o'qituvchilar o'quvchilarda milliy xususiyatlarni rivojlantirishda quyidagi tavsiyalarni inobatga olsalar maqsadga muvofiq bo'lardi:

1. *O'quvchilar oldidagi mavqeyingizdan unumli foydalaning.* Kichik maktab yoshida o'qituvchi mavqei bola uchun birinchi o'ringa chiqadi. Bu imkoniyatdan o'qituvchi unumli

---

<sup>26</sup> Maqola PZ – 20170923121 raqamli “SHaxs tarbiyasida milliy xususiyatlarni tadqiq etishning metodologik asoslarini takomillashtirish” nomli amaliy loyiha doirasida tayyorlangan.

foydalanib, ta'lim jarayonining o'zidayoq bolada milliy xususiyatlarni shakllantirish va rivojlantirishga harakat qilishi mumkin.

2. *O'quvchilarga milliy tilni mukammal o'rgatishga harakat qiling.* Etnosning tafakkur tarzi va mental xususiyatlari tilda aks etar ekan, o'zbek millatiga xos etnopsixologik xususiyatlarni o'rganish va bu kabi ma'lumotlar bilan o'quvchilarni qurollantirish milliy xususiyatlarni rivojlantirishdagi muhim omillardan biridir. Erta davrdanoq bolaning xorijiy tillarni o'rganishi tahsinga sazovor jarayon, ayniqsa, hozirgi globallashuv jarayonida jahon miqyosida ham raqobatbardosh bo'lgan avlodni tarbiyalash o'ta muhim ahamiyatga ega. Ammo bunday ko'p tillarni egallash o'z ona tilini, o'zligini unutish hisobiga bo'lmasligi lozim. Aksincha, bola ongida dastavval o'z ona tilining puxta va mukammal negizini hosil qilish va shundan so'nggina xorijiy tillarni o'rgatishga kirishish lozim. Bu jarayonda albatta oilaning, maktab mutasaddilarining o'z vazifalari mavjud. Bunda, ayniqsa, o'zga tillarda tahsil oluvchu bolarda milliy tilni o'zlashtirish sifatiga e'tiborni kuchaytirish lozim, toki ular ham boshqa tillarni o'rganish hisobidan o'z ona tilini o'zlashtirishda oqsoqlikka yo'l qo'ymas.

3. *O'quvchilarni buyuk ajdodlarimizning ma'naviy merosi, yozgan asarlari bilan yaqindan tanishtiring.* Yosh avlodni tarbiyalashda ma'naviy merosning ahamiyatini alohida ta'kidlab o'tish joiz. Shaxsning o'zligini anglashida milliy, badiiy-estetik ongni rivojlantirish katta rol o'ynaydi. Markaziy Osiyo xalqlari bu borada ham katta an'analarga, tajribaga ega. Milliy ma'naviyatimizning buyuk siymolari sifatida tan olingan bir qancha Sharq mutafakkirlari yosh avlodni komil inson sifatida voyaga yetkazish uchun boy madaniy va ma'naviy meros qoldirganlar. Ko'p asrlar davomida yozib kelingan badiiy asarlar xalqimiz ma'naviy hayotining tarkibiy qismini hosil qilib ezgulik, go'zallikka shaydolik, insonparvarlik, vatanparvarlik kabi yuksak fazilatlarni shakllantirishga yordam beradi. Sharq allomalarining sharqona tarbiyaga oid qarashlari, etnopsixologiyaga oid ma'lumotlari o'quvchilarda o'z millati, xalqi haqida to'liqroq ma'lumotga ega bo'lishi uchun ham muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

4. *O'quvchilarga tarixiy misollar bilan o'rnak keltiring.* Bolada milliy xususiyatlarni rivojlantirish uchun avvalo unga o'rnak ko'rsatish, ajdodlarimiz tarixidan misollar keltirish ijobiy natijalar berishi shubhasiz. Ma'lumki, ikkinchi jahon urushi yillarida millatimiz o'g'lonlari jang maydonida mardanovor kurashib o'z xalqiga fidoiyliklarini ko'rsatish bilan birga o'zbek ayollari ham sadoqatning yuksak ko'rinishlarini namoyon etganlar. Ma'lumotlarga qaraganda, ikkinchi jahon urushi yillarida O'zbekistonga ko'plab sanoat korxonalari evakuatsiya qilingan. Ushbu korxonalarni joylashtirish, ularda ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish va mahsulotlarni tayyorlab chiqarishda xotin-qizlar fidokorona mehnat qilganlar. Mavjud sanoat korxonalarining asosiy ishchi kuchi xotin-qizlar bo'lib hisoblangan. O'zbekiston front uchun xom-ashyo yetkazib beruvchi hududga aylantirilganda ham front orqasidagi asosiy ish xotin-qizlar zimmasiga tushgan. Shuningdek, minglab ayollar urush tufayli mehribon ota-onalaridan ayrilib qolgan bolalarni ham o'z tarbiyasiga olishga shoshilganlar. Qisqa vaqt ichida respublikaga 78 ta bolalar uyi ko'chib kelib, unda 10 mingga yaqin bolalar tarbiyalangan. Ana shu bolalarni joylashtirish, ularni tarbiya qilishda ham xotin-qizlar jonbozlik ko'rsatganlar. O'zbekiston xotin-qizlari orasida yetim qolgan bolalarni o'z tarbiyasiga olish harakati keng avj olgan. Shu bilan birga, turmush qurib oq bir kun ham yashashga ulgurmay erini urushga kuzatgan va boshqa turmush qurmay bir umr o'zini bevadek tutgan ayollarning sadoqatini so'z bilan ta'riflab bo'lmaydi.

Bu kabi tariximizda bo'lib o'tgan voqea-hodisalar, ajdodlarimiz namoyon etgan yuksak sadoqat ko'rinishlari bilan kelajak avlodlarni tanishtirib borish ularda ham ana shunday yuksak axloqiy sifatlarning tarkib topishiga turtki bo'ladi. Toki bolalar xorijiy qo'shiqchi, futbolist yoki kinoaktyorlarni emas balki o'z e'tiqodi, irodasi, sabr-matonati va ilmi bilan dunyoni lol qoldirgan ajdodlarimizdan o'rnak olishsin, shunday insonlarning avlodlari ekanliklaridan faxrlanishsin.

5. *So'zlashuv va badiiy adabiyotdagi milliy timsollar mazmunini ochib bering.* So'zlarni timsol deb biladigan bo'lsak, ushbu timsollar ortidagi mazmunni tilni yaxshi tushungandagina anglashimiz mumkin. O'xshatish va metaforik hikoyalar asosida yozilgan asarlar, ulardagi sodda timsollarda quyuq ma'noni ifodalay olish imkoniyati shu xalq va millatga xos tafakkur tarzini, fikrlashdagi aniqlikni ifoda etadi. Turg'un o'xshatishlar o'zbek tilining o'ziga xosligi, xalq milliy tasavvurlari va an'alarining betakror timsoli, ta'sirli nutq imkoniyatlariga kuch beradigan tunganmas manba, avlodlar o'rtasidagi obrazlar vorisiyligini ta'minlashga xizmat qiladigan g'oyat muhim vosita sifatida juda katta etnopsixologik, lingvomadaniy qimmatga egadir. Sharq allomalari tomonidan yozib qoldirilgan ko'pgina asarlarda ham metafora va o'xshatishlardan keng foydalanilganligi, ichki mohiyatida chuqur ma'no yotuvchi sodda ko'rinishli hikoyalarning keltirilishi har qanday o'quvchi uchun o'z bilim va salohiyatidan kelib chiqqan holda mazmunni anglay olishiga yordam beradi. Shuningdek, timsollarni o'zlashtirish bolalarda etnik ijtimoiylashuvning mustahkam asosini yaratishga xizmat qiladi. Shunday ekan, oilada, maktab dasturlarida, o'quv adabiyotlarida milliy timsollarni yoritish bola ong osti sohasini milliy o'zlikni anglash, o'z etnosining madaniyati va psixik tuzilmasi mazmuni bilan boyishiga yordam beradi.

6. *Xalq og'zaki ijodi namunalaridan ta'lim va tarbiya jaroyonida keng foydalaning.* O'quvchilarga to'g'ridan-to'g'ri bilim berishga qaratilgan jiddiy ma'ruzalar o'rniga hikoya, ertak, maqol, rivoyat, doston, she'r, qo'shiqlar o'zlari endi-endi tanishayotgan hayotning badiiy timsoli sifatida tez ta'sir ko'rsatadi. Qolaversa, bu yoshdagi o'quvchilarga ertak, qo'shiq, topishmoq, tez aytish, maqol, pand-nasihati kabi badiiy asarlarda tasvirlangan voqelik bolalarning emotsional sohasiga ta'sir etib, his-tuyg'u orqali idrok etishga olib keladi. Ma'lumotni qabul qilishda kognitiv va emotsional sohaning bir vaqtdagi ishtiroki qabul qilingan informatsiyaning xotirada mustahkam saqlanishiga sabab bo'ladi.

Maktabgacha va umumiy o'rta ta'lim pedagoglari o'quvchilarda milliy xususiyatlarni rivojlantirish maqsadida olib boriladigan korreksion ishlarda quyidagi holatlarni inobatga olishlari maqsadga muvofiq sanaladi:

- maktabgacha va kichik maktab yosh davrida olib boriladigan korreksion ishlar mobaynida boladan o'z-o'zini yuqori darajada ixtiyoriy boshqarish talab etilmasligi kerak;

- bolalardagi irodaviy va hissiy zo'riqishni oldini olish maqsadida korreksion tadbirlar ularda o'yin tariqasida o'tkazilishi maqsadga muvofiq.

-axloqqa doir suhbatlar mazmuniy jihatdan tegishli yoshdagilarga tushunarli bo'lishi lozim. Mavhum va abstrakt tushunchalar, murakkab mulohazalar bilan toliqtirib qo'yishga yo'l qo'yib bo'lmaydi;

-bunday suhbatlarni nihoyatda tez-tez o'tkazib turmaslik darkor. Agar suhbatlar ma'lum sabablar bilan, mamlakat yoki jamoa hayotidagi biror voqeaga to'g'rilab o'tkazilsa, samarali natija beradi;

-suhbatni yorqin, yaxshilab tanlab olingan aniq misollar, hayotiy voqealar yoki adabiy asarlardagi ma'lumotlar hamda kuzatishlarni tahlil qilishdan boshlab, umumlashtirish hamda xulosalar chiqarish bilan yakunlash tavsiya etiladi;

-o'quvchilarning ongiga singdiriladigan qoidalarning yaxshilab asoslab berilishi, isbotlangan bo'lishi muhim ahamiyatga ega. Bu hamma narsani tushunib olishga va buning oqibatida dadil qabul qilishga, uning asoslanganligiga ishonch hosil qilishga, oqilona isbotlarga rozi bo'lishga qodir bo'lgan o'smirlar va katta yoshdagi o'quvchilar bilan suhbat o'tkazish paytida juda muhimdir;

-emotsional tarzda keltirilgan, yorqin va ta'sirchan obrazga oqilona tayanish (nafis san'atdan, adabiyot asarlaridan foydalanish, kinofilmlar yoki teatr asarlariga jamoa bo'lib borish yoxud ularni jamoa bo'lib eslash) zarur;

-bolada jonli ravishda fikr almashish istagini uyg'otib, axloq masalalari ustida o'ylab ko'rishga undovchi topshiriq, vaziyatlar berish lozim;

- tayyor haqiqatni zo'rlab qabul qildirmasdan, axloq haqidagi xulosalarni chiqarishga imkon berish kerak;

-bolalarda chuqur va ta'sirchan emotsiyalarni uyg'otishga intilish lozim. Bunda o'qituvchi suhbatni befarq va shavq-zavqsiz emas, balki emotsional tarzda jonli qilib o'tkazganidagina erishish mumkin.

-o'rta va katta maktabgacha yoshdagi bolalar o'yinlari, o'yinchoqlari, yasagan buyumlari milliy urf-odatlar, an'analarga asoslanishi kerak, bu ularda milliy tuyg'uning aks etishiga, shuningdek, hamkorlikdagi faoliyatga qodirlik, tashkilotchilik va muloqotchanlik, ijtimoiy rol talabiga bo'ysunish kabi ijtimoiy psixologik xususiyatlari rivojlanishiga, milliy qadriyatlarining o'zlashtirilishiga yordam beradi;

Oliy ta'lim tizimi pedagoglariga esa talaba yoshlarda milliy xususiyatlarni rivojlantirish uchun olib boradigan sa'y-harakatlari jarayonida inobatga olishlari lozim bo'lgan quyidagi tavsiyalar beriladi:

- oliy o'quv yurti mashg'ulotlari paytida bilim va tarbiya uyg'unligiga erishish, pedagoglar va jamoatchilik tomonidan yoshlarning internet tizimidagi muloqotlari mazmunini jiddiy nazoratga olish, ularni vayronkor g'oyalarni targ'ib etuvchi xorijiy saytlar ta'siridan himoya qilish;

- oliy o'quv yurti talabalari va boshqa yosh vakillari ishtirokida adabiyot, san'at, fan va madaniyat sohalarida o'tkazilayotgan ma'rifiy tadbirlarni kuchaytirish;

- milliylik va milliy ma'naiy qadriyatlar uyg'unligi mavzusida olimlar, yozuvchi va shoirlar bilan ijodiy uchrashuvlarni doimiy va rejali tartibda o'tkazish hamda bu uchrashuvlarni ommaviy shakldan ko'ra guruh tarzida tashkil etish;

- ta'lim muassasalarida ulug' ajdodlar merosini chuqur o'rganish uchun o'quvchi va talabalar tomonidan o'zlashtirishlari zarur bo'lgan badiiy, ilmiy va ma'rifiy tarbiyaviy adabiyotlar minimumini shakllantirish maqsadga muvofiqdir.

### **Adabiyotlar**

1. Alimbayeva Sh., Quدراتova L. Iqtisodiy tarbiyada milliy usullarning mohiyati // Sog'lom avlod uchun. – T., 2019, № 11, B.15-16.
2. Nishanova Z.T., Alimbaeva Sh.T., Umurzoqov D.X. O'quvchilarda milliy xususiyatlarni tadqiq etishning ilmiy-uslubiy asoslari. –T.: Adabiyot uchqunlari, 2018. –125 b.

3. Nishanova Z. T., Baykunosova G. Yu., Atabaeva N. B., Jorakulova D. Z. National features which are necessary to be developed in a person // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192. P.4117-4134.
4. G'oziyev E., Tursunov L. Milliy an'analar va marosimlarning ta'lim tarbiyaviy ahamiyati // Kasb hunar ta'limi. – T., 2011. № 4.

## **АХБОРОТ –ЎСМИР ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТАЪСИР ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Сулейманова. Т. Г.

Андижон давлат унисерситети умумий психология кафедраси катта ўқитувчиси п.ф.н.

*Мақолада ахборотнинг ўсмирлар шахси шаклланишининг муҳим ижтимоий психологик аҳамияти ёритилган. Ахборотнинг ўсмир шахси шаклланишида манипулятив психологик таъсир воситалари кўрсатиб ўтилган. Ўсмирларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришда таълим- тарбия олдида турган асосий вазифалар қайд этилган. Ахборот психологик хавфсизлигини таъминловчи асосий вазифалар келтириб ўтилган. Шунингдек ўсмирларда китобхонлик шахс хусусиятларини юксалтиришнинг ижтимоий психологик зарурати алоҳида таъкидланган*

***Калит сўзлар:** манипуляция ахборот, ахборот психологик хавфсизлик, ўсмир, интернет, телевидение, миллий қадриятлар, миллий гоё,*

*В статье подчеркивается важное социально-психологическое значение информации в формировании личности подростков. Показаны способы манипулятивного психологического воздействия на формирование личности подростка. Отмечены основные задачи обучения в формировании культуры потребления информации у подростков. Обозначены основные задачи обеспечения психологической безопасности информации у подростков, подчеркнута социально-психологическая необходимость совершенствования книгочтения в подростковом возрасте .*

***Ключевые слова:** манипуляция, информация, информационная психологическая безопасность, подросток, интернет, телевидение, национальные ценности, национальная идея,*

***Abstract:** The article emphasizes the important socio-psychological importance of information in the formation of the personality of adolescents. The methods of manipulative psychological influence on the formation of the personality of a teenager are shown. The main tasks of teaching in the formation of a culture of information consumption among adolescents are noted. The main tasks of ensuring the psychological safety of information in adolescents are outlined, the socio-psychological necessity of improving the personality of readers when reading is emphasized.*

***Key words:** manipulation, information, information psychological security, teenager, Internet, television, national values, national idea,*

Инсон ҳаёти давомида турли жабхалардаги воқеликка ва ходисаларда иштирок этади. Уларга нисбатан муносабатлари эҳтиёж ва мотивлари шаклланади.

Ахборот – бирон воқеа ҳақидаги батафсил хабар, маълумот. [ 5 -7 б].

Айрим вазиятларда ушбу маълумотлардан инсон маълум бир ижтимоий психологик таъсир олса, бошқалари унга салбий таъсир этади.

Замонвавий жамиятда инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, шахс хусусиятларини шаклланишида ахборот коммуникация технологияларининг ахамияти тобора ортиб бормоқдалиги сир эмас .

Инсоннинг ўзи атрофидаги бўлиб ўтаётган воқеа ходисалар жараёнида ўзаро ҳамкорлик асосида олиган билимларнинг асосий манбаи ҳам ахборот дир.

Биз ахборотни қабул қиламиз,хаётий тажриба билим малака кўникмалар,эҳтиёжлар, қизиқишлар асосида таҳлил қилишимиз асосида ўз муносабатларимизни шакллантираемиз

Бироқ атрофимиздаги барча ахборот манбаълари ҳар доим ҳам биз учун фақат ижобий таъсир хусусиятига эга эмас. Ёлғон, нотўғри ахборотлар ёки манипулятив таъсир хусусиятига эга бўлган ахборотлар шахснинг ижтимоий тараққётига таҳдид солади

Ахборот манипуляциси (чалғитиш) нафақат инсондаги ижтимоий психологик жабхаларига,балки жамиятга ҳам жиддий таҳдид омилларида биридик [ 9 -75 б].

Замонавий тараққиётда интернет тезкор ахборот олишнинг асосий манбаъаси бўлиб қолмоқда. Бироқ ахборот барча инсонларга айнан бир хил таъсир ўтказмайди.

Агар катта ёшдагиларда ўзларининг маълум бир турмуш тажрибаси . билимлари асосида нотўғри ахборотга нисбатан психологик химоя механизмлари шаклланган бўлса. Ўсмир ёшлар шахсида айнан шу хусусиятлар етишмаслиги, ахборот орқали бериладиган салбий таъсирларга нисбатан етарли даражада химояланманлиги, бу масалага психолог ва педагоголар ота-оналар томонидан жиддий тарбиявий ёндошув зарурлигини англаатади.

Инсоният ўз тараққиётида жуда кўплаб таҳдид ва хавфларни бошдан кечирган: таббий офатлар,жахон урушлари, хозирги пайтда кенг тарқалган юқимли касалликлар.

Ахборот таҳдид шуниси билан хавфли- ки, ҳеч қандай куч ишлатмасдан катта маблағ сарфламасдан бутун бир мамлакатлар, халқлар учун жуда катта хавф туғдириши мумкин .

Махсус адабиётларда ахборот хавфсизлиги кенгроқ тушунча сифатида қуйидагича қўлланилади: ахборот хавфсизлиги - бу шахс, жамият ва давлатни уюшган ахборот оқими шаклида ишлайдиган ва жамоат ва индивидуал онгни бузишга қаратилган махсус турдаги таҳдид таъсиридан ишончли ва ҳар томонлама химоя қилинадиган ижтимоий холат [ 5 -11 б].

Тор маънода ахборот хавфсизлиги –бу ахборотни ўзини ва уни қабул қилиш ва узатиш манбаъларини химоя қилиш тушунилади .

Бу борада ҳар қандай ахборотнинг узатилиши маълум бир аниқ мақсадга эга эканлигини ёдда тутиш зарур замонваий жамиятда ҳеч қандай ахборот маълум бир мақсадсиз пайдо бўлмайди.

Шахс - бу шахснинг ижтимоий мохиятга бўлган ижтимоий муносабатлар объекти ва субъектидир. [10 -80 б].

Ахборот психологик хавфсизлик деганда шахсда турли негатив таъсирлардан химоя қилишга йўналтирилган ижтимоий психологик усул воситалар тушунилади.



Маълум бир маънода шахнинг турли даражадаги ахборот тахдидларидан химоя қилиш давлат ва жамият ахамиятига молик бўлган масалалардан бири бўлиб, долзарб ахамият касб этиб бормоқда.

Ахборот психологик хавфсизлик шахнинг ижтимоий субъект сифатида яхлитлигини, психологик саломатлигининг химояланганлигини таъминловчи турли вазиятларда салбий ахборот таъсирига қарши етарли хулқ атвор ҳаракатлар ва шахсий ривожланиш имкониятларини фаоллаштиришдир. [5 -176].

Ахборот психологик хавфсизликни таъминлаш аввало ахборот объектини таъсир хусусиятлари ва кўламини шартларини аниқлаштириш асосида ижтимоий хавф даражасини пасайтириш, шахнинг психологик химоя механизмларини фаоллаштиришга эришиш имконини беради. [9 -66].

Ўсмирлар учун салбий таъсир этувчи ахборот манбъаларига видеоўйинлар, зўронлик, тажаввузкорликни намоён этилиши, порнографик ва шавқатсизликни, нартокотик моддаларни истеъмол қилиш, ўз жонига қасд қилиш, диний экстремизм, тарғиб қилувчи сайтлар ҳам жуда хатта хавф омилига айланиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари ўсмир шахс хусусиятларининг эмоционал когнитив ва хулқий жабхалари шаклланишига бевосита ва билвосита таъсир хусусиятларига эгадир.

Нима учун ўсмирлар ўз вақтларининг ўртоқлари билан мулоқот қилишда эмас балки интернет да ўтиришни афзад кўрадилар? [9 -356].

Биринчи сабаб ўсмирларда бўш вақтнинг кўплиги

Ўсмир бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли тўғарақлар спорт секциялар қатнашига мотивация уйғотиш зарур. Бу борада ота- она билан яқиндан эмоционал яқин бўлган ҳамкорликнинг ўрнатилиши зарурдир. Тўғри айрим субъектив, объектив вазиятлар тўсқинлик қилиши мумкин: тўғарақларнинг айримлари тўлов асосида фаолият юритадилар оиланинг моддий имкониятлари етарли эмас, ота- онанинг ўсмирни тўғарақка аъзо қилиш учун вақтлари етарли эмас, тўғарақлар ўсмир қизиқишларига мутаносиб маслиги, ва х-зо.

Бу вазиятларда фарзандларини кўчада эмас, уйда телевизор кўриши ёки инетернетда ўтириши ота- оналарни маълум бир маънода хотиржам қилади. Ўсмирларни қандай ахборот билан қизиқаётганлиги ота- онанинг эътиборидан четда қолади.

Иккинчидан: ўсмир учун мактабнинг иккинчи даражадаги ахамият касб этиб бораётганлиги ўқитувчи ва ота- онанинг ўзаро ҳамкорлигининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги антижасидир.

Ота- онанинг иш вақти мактабдаги ўқитувчининг иш вақти билан бир пайтда бўлганлиги учун учрашиш учун вақт топа олмайдилар.

Тўғри мобил телефонлардаги телеграммлар орқали маълум бир даражада бу омил компенсация қилинмоқда, лекин телеграммдаги мулоқот шахсий эмоционал мулоқотнинг ўрнини тўлақонли эгаллай олмайди

Учинчидан мактабдаги ўқув фанлари сарасига ахборотни тахлил қилиш. қайта ишлаш, муносабатини билдириш масаласи хали етарли даражада эътиборга эга эмаслигида. [9 -11 б].

Интернет – бу турфа ахборот манбаъларини ўзида мужассам этган ( турли хужжатлар матн лар,аудио ва видео маълумотларни акс эттирган бутун дунё ахборот тармоғидир.

Бироқ бу маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ўсмир шахсига хаётий тажриба билим малака кўникмаларнинг етарли даражада шакламаганлиги туфайли турли таъсир хусусаиятларига эга бўлиб ўсмир онгига қийинчиликларсиз турли эътиқодни ,дунёқарашни шакллантириш имконига эга.

Айрим вазиятларда ўсмирларнинг ота-оналари, тенгдошлари, ўқитувчиларига атрофидаги ижтимоий муҳитга нисбатан салбий муносабатларни шакллантириш имконига ҳам эга.

Айниқса экстремизм,тажаввузкорлик,миллатчилик, ахлоқий бузуқлик каби шахс хусусиятларини шаклланишида жамиятга жуда катта хавф солувучи ахборотлар педагог ва психологлар, ота- оналарнинг алоҳида эътиборга эга бўлишларини талаб қилади.

Таъкидлаш жоиз-ки, кўрсатиб ўтилган мазмундаги сайтлар блоглар махсус ташкилотлар томонидан мақсадли тарзда молиялаштирилади

Турли ахборот коммуникация воситалари орқали тарғиб этилаётган оммавий маданият, ўсмирлар шахсининг чуқур интеллектуал даражасига эга бўлган қадриятларни йўқ қилади. Ушбу ҳолат миллий этнопсихологик қадриятларимизга зид келган вазиятларда ўсмир шахсида салбий ижтимоий шахс хусусиятларини шаклланишга олиб келиши мумкин.

XXI аср ахборот коммуникация технологиялари тараққиёти даври бўлиб ,замонавий ўсмирлар дунёқарашни қадриятлар тизими эҳтиёж ва мотивацион жабхаларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий психологик таъсир хусусиятларига эгаллиги билан аҳамиятлидир

Ўсмирларнинг турли ахборот манбаъларига мурожаат қилиш имкониятларининг мавжудлиги турфа телевизион каналлар, интернет сайтларига, мобил алоқа воситалари орқали ҳам кириш имкониятининг мавжудлиги, ушбу ёш давридаги қизиқишларига мос бўлган турли маълумотларни мустақил тарзда олиш имконияти беради.

Бироқ ушбу даврга хос бўлган яна бир омил хаётий тажриба ва мантиқий фикрлаш қобилиятлари хали етарли даражада шакламаганлиги , айрим ҳолларда ногўри ҳулоса чиқариш натижасида ноадекват ҳулқий кўринишларни намоён бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Албатта ахборот коммуникация технологиялари сўзсиз ўсмир ақлий ижтимоий ривожланишининг муҳим саналади.

Телевидение интернет матбуот орқали берилаётган турли мавзудаги ривожлантирувчи фойдали даструлар ўсмир ёшлармизни интеллектуал салоҳиятини ортиши, турли соҳалар буйича билим малака кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

Ўсмирларни фақат ривожлантирувчи психологик таъсирга эга бўлган ахборот манбаъларига йўналтириб, салбий манбаъларни таъқиқлаш мумкин ми? деган савол педагоглар ота- оналар учун долзарб аҳамият касб этади.

Ахборотнинг чегара билмаслиги, тезкорлиги, янгилиги ўзига хос жозиблага эгаллиги бу омилни инкор қилади.

Аксинча таъқиқланган ахборот янада кучли ўсмирда кучлироқ таъсирга эга бўлиши мумкин. [ 8 -19 б].

Андижон шаҳрининг мактабларнинг бирида ота-оналар мактаб директориға фарзандларининг дарсдарни қолдириш сабаби мактаб атрофида жойлашган интернет клубнинг салбий таъсири натижаси эканлигидан шикоят қиладилар. Мактаб директори ички ишлар нозири билан биргаликда ушбу интернет клубини епилишга эришадилар.

Бироқ кутилган натижага эришиш имкони бўлмади.

Мактабдаги давомат бирмунча яхшиланган бўлсада ,ўсмирлар мактабдан узоқроқда жойлашган интернет клубига қатнашни давом эттиришди.

Бу борада ўсмирларда мантиқий фикрлаш кўникмаларини шаклланиши хаётининг қанча вақтини интернет телевизор қаршисида ўтказётганлиги , бу вақтдан унинг учун қандай ахамиятли эғалиги борасида фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ахборот истемоли маданиятини шакллантириш бўйича психопрофилактик коррекцион тадбирлар олиб борилди.

Телевидение оммавий ахборот воситалари ичида ахамиятлилик даражаси бўйича етакчи ўринлардан бирини эғаллаб келмоқда.

Тадқиқотчилар фикрича ўсмирлар телевидение қаршисида қанча кўп вақтни ўтказсалар уларда мантиқий фикрлаш кўникмаларини шаклланиши шунча орқада қолиши аниқланган . [ 12 -51 б].

Кўп холларда ўсмирларда турли тоифадги хаётий вазиятларда телевидение орқали берилаётган хулқий кўришларни тайёр шаблонли ечимларни қабул қилишга мойиллик шаклланади.

Хаётдаги турли вазиятларга бир ечимнинг мавжуд эмаслиги тўрисидаги фикрлар, улардаги ёш хусусиятларига кўра тўлиқ шаклланмаганлиги натижасидир.

Ушбу борада мантиқий фикрлаш кўникмаларини шаклланишида китоб ўқиш даражаси замонавий ўсмир пасайиб кетаётганлиги сир эмас .

Қатор ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўсмирларнинг кўп холларда бўш вақтларини китоб ўқишдан кўра телесериаллар фильмлар томоша қилишни афзал кўришлари аниқланган. [ 8 -51 б].

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ёшларимизнинг китоб ўқимай қўйгани жуда ачинарли ҳол. Фарзандларимизни китобга ошно қилиш муаммоси, авваламбор, адабиёт ўқитишда сифат жиҳатидан янгилаиш бўлишини тақозо қилмоқда. Ўқувчиларда китобга муҳаббат ўқилган китобнинг сир-асрорини билгандан кейингина шаклланади. Адабий таълим ўқувчи ёшларнинг фикринигина эмас, балки уларнинг туйғуларини, қалбини, ҳиссиётлар оламини ҳам шакллантиришга аҳд қилган таълим жараёнидир. [ 2 - 5 б].

Ўсмир бадий асардан маънавий лаззат олса, ўзининг завқини келтирган тасвирий унсурларни пайқай билсагина китобхонга айланади.. Эзгу ишлар, эзгу қаҳрамонлардан ибрат олиш, яхшиларнинг яхшилиги, ёмонларнинг ёмонлиги асоси ва омилларини аниқлаш асарларни ўрганишда етакчилик қилишга, қаҳрамонларнинг характерли томонлари, хатти-ҳаракати, гапсўзлари таҳлил қилинишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириб ўтамыз:

1. Ахборот глобаллашуви жараёнида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ҳар бир давлатнинг стратегик манфаатлари билан ҳамоҳанг бўлган устувор вазифалар сирасига киради

2. Бугунги ахборот асрида дунёда текин нарса ёки холис хизматнинг ўзи йўқ. Шундай экан ўсмир ёшлар онгида ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш таълим тарбия олдига турган долзарб вазифалардан биридир.

3. Ўсмир ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бой ва буюк тарихга эга аجدодларнинг ворислари эканини англаб етадиган инсонлар этиб тарбиялаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказишда ахборот технологияларининг ўрни ва ролини ошириш

4. Таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир педагог ёшларнинг мустақил фикрлашлари учун шароит яратиши лозим, акс холда унинг онги тайёр шаблонлар, стереотиплар асосида ёт ғояларга эргашиб кетиши хавфи мавжуд

5. Дарсларни ташкил этишнинг ноанъанавий усулларига кенг йўл очиш, ўқувчилар билан интерактив мулоқотини ташкил этиш, истиқболли мақсадлар қўйиш ва уларга эргашишда мустақил фикрлашга ёрдам бериш.

6. Мактаблар, лицей ва коллежларда миллий қадриятлар урф одатлар, миллий истиқлол ғоялари масалаларига эътиборни кучайтириш лозим.

### **Адабиётлар**

1. Болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр этиш тизимини янада такомиллаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 й., 09/18/335/1160-сон)
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2018.1-жилд. –529-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2018.1-жилд. – 530-бет.
4. Бахриев К. “Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асослари” Т. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2001й. 2-китоб
5. Очқ ахборот тизимларида ахборот психологик хавфсизлик. Маърузалар тўплами Т 2007
6. Рихтер. А Г «Правовые основы журналистики» Хрестоматия. Институт проблем инф-ного права
7. Каримова В М Ижтимоий психология Т Ўқитувчи 2008й.
8. Харрис Дж. Психология массовых коммуникаций. -М.: 2001.
9. Ярочкин В.И. “Информационная безопасность” М.2003
10. Ғозиев Э. Ғ. Онтогенез психологияси Т. Университет 2011

## **ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТАКТИКАСИ**

Нишонов Махмуджон Собирович  
Наманган давлат университети  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Тел: +99894 277-23-90

Туманов Уктамжон Фазлиддин ўғли  
Наманган давлат университети  
стажёр-ўқитувчи  
Тел: +99894 551-78-78

*Аннотация; Ушбу мақолада оиланинг жамиятдаги ўрни, оилавий тарбия, болаларни оилада тарбиялашнинг ўзига хос усул, воситалари, механизмлар ва тактикалари: мустахкамлаш, идентификация, тарбия тизими, васийлик, тарбиявий вазифа, тарбиянинг мезони оиланинг тарбиявий салоҳияти ёритилган.*

*Калит сўзлар; Оила, тарбия, механизм, тактика, мустахкамлаш, идентификация, васийлик, тарбиявий салоҳият.*

## **МЕХАНИЗМЫ И ТАКТИКИ ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ**

Нишанов Махмуджон обирович  
Наманганский государственный университет  
кандидат педагогических наук, доцент

Тел: +99894 277-23-90

Туманов Уктамжон Фазлиддинович  
Наманганский государственный университет  
стажёр-преподаватель  
Тел: +99894 551-78-78

*Аннотация; Данная статья раскрывает понятие; механизмы и тактики семейного воспитания, особенности, использования механизмов и тактик домашнего воспитания.*

*Ключевые слова; Семья, воспитание, механизм, тактика, совершенствовать, идентификация, опекунов, потенциал воспитания.*

## **MECHANISM AND TACTICS OF CHILD CARING IN THE FAMILY**

Nishanov Maxmudjon Sobirovich  
Namangan State University  
candidate of pedagogical sciences

Tel: +99894 277-23-90

Tumanov Uktamjon Fazliddinovich  
Namangan State University  
the teacher of pedagogical chair  
Tel: +99894 551-78-78

**Annotation;** *This article discusses the role of family in society, child upbringing, specific methods, tools, mechanism and tactics of upbringing children in the family; identification, upbringing systems, guardianship, educational role, educational criteria of the family.*

**Keywords;** *Family, upbringing, mechanism, tactics, strengthening, identification, guardianship, educational competence.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оила ва никоҳ» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда оила тарбияси давлат сиёсатининг устувор омилларида бири эканлиги кўрсатилган.

Оила жамиятнинг бир бўлаги, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оилавий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам. У тарбия ишида ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Педагогикада болаларни оилада тарбиялашнинг ўзига хос усул, воситалари, механизм ва тактикаси мавжуд.

Мустаҳкамлаш-болада катталар тўғри деб ҳисоблайдиган хулқ-атворни рағбатлантириш ва жамиятда қабул қилинган ахлоқ-одоб меъёрлари, қоидаларни бузганлиги учун жазолаш орқали ота-оналар бола онгига амал қилиш натижасида кейинчалик бола учун одатий ва ички эҳтиёжга айланадиган маълум ижобий хулқ-атвор меъёрлар тизимини сингдирадilar.

Идентификация-бола ота-онасига тақлид қилади, уларга ўхшашга ҳаракат қилади.

Оила тарбияси ўз характерига кўра бошқа ҳар қандай тарбиядан мураккабдир. Унинг асосий омили ота-онанинг болаларга мухаббати ва бунга жавобан болаларнинг ота-онасига меҳру оқибат ҳиссидир. Бола, айниқса илк ёшларида бошқа ҳар қандай таъсирлардан кўпроқ оиланинг таъсири остида бўлади. Оила болани аста-секин ижтимоий ҳаётга ўргатиш ҳамда унинг дунёқараши ва тажрибасини кенгайтириш вазифасини бажаради.

Тушунтириш-бола ички дунёсини билиш, унинг муаммоларини хал қилишга ҳаракат қилиш орқали бола онгига мулоқот, ўзини англашни шакллантириш.

Бу механизмлар болани ижтимоийлашув йўллари кўрсатади, лекин бола ота-онасини салбий томонларини ҳам ўзлаштириши мумкин.

“Бола ота-онанинг ойнаси” Бу шундай, шу билан бирга бундай ҳам эмас. Чунки бола тарбияланувчи, шу билан бирга тарбиячи ҳам. Болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш керак.

Тарбия тизими тарбия мақсадига мос бўлиши керак. Бунда ота-оналар ҳамжихатлиги, тарбия стратегияси ва тактикасига мос бўлиши керак. А.В.Петровский оила тарбиясининг 4 та тактикасини ажратиб кўрсатади:

Диктат-буюраман, амр қиламан, авторитар, қаттиққўл, ягоналик ҳиссини туйётган, фарзанд фикри ва қизиқишлари билан ҳисоблашмаслик, унга таалуқли масала хал

қилинаётганда овоз бериш ҳуқуқи йўқ. Болага таъсир қилишда буйруқ, зўрлик, амрини ўтказиш устунлик қилади.

Ота-онанинг бундай тактикасига бола; иккиюзламачилик, ёлғончилик, қўполлик, дағаллик, кўрслик, жирканчлик, нафрат билан жавоб қайтаради, ўзини химоя қилади. Шу билан бирга бола диктатни объекти эмас, субъекти ҳам бўлиши мумкин. Бу бола узоқ муддат, мунтазам касал бўлса, касаллик болани махрум қилган нарсаларни ўрнини тўлдириш учун ота-она фарзанди айтганларини мухайё қилишдади.

Васийлик. Васийлик диктатликка якин. Васийлик болани қийинчиликлардан эҳтиёт қилиш, унга ғамхўрлик қилишни назарда тутаяди. Бунда болани фаол шахс қилиб тарбиялаш иккинчи ўринга тушиб қолади, болада ташаббус, фаоллик, асосийси унинг эҳтиёжларини қондириш ва қийинчиликлардан муҳофаза қилиш.

Аралашмаслик. Фарзанд ва катталарнинг алохидалиликка асосланган ҳаёт тарзлари ана шу пойдеворга асосланган: майли мустақил, эркин, бамайлихотир вояга етсин. Бу типдаги ўзаро муносабат ота-она ва оиладаги ёши катта тарбиячиларнинг пассивлигига асосланган, яъни бола ҳаётига аралашилмайди, тинчликни ёқтиришдади, ўзларини ҳам фарзандларини ҳам қийнашмайди натижада яна бир нафар худбинни тарбиялашади.

Хамкорлик-оилавий тарбия тактикасининг тўртинчи кўриниши. Айнан хамкорлик шароитида боладаги шахсиятпарастлик (индивидуализм) енгиб ўтилади. Бундай оила, оила азоларининг ўзаро муносабатларнинг хамкорликдаги фаолияти мазмуни, ижтимоий аҳамиятли алоқа, ўз олдиларига қўйган мақсадлари, улар эгаллашга интилаётган ахлоқий қадриятлар йўналиши билан янги сифат ва юқори ривожланиш даражасидаги гуруҳга айланади. Хамкорлик бу педагог билан ўқувчи хамкорлиги, эмпатия алоқаси ўқувчини ҳаётига кириш, тушуниш, фаол ёрдам бериш, биргаликда қайғуриш, хамдардлик, хайрихоҳлик, шавқатлилик, бунда бефарқликка, худбинлик ва ўзибўларчилиликка жой қолмайди. Оиладаги хамкорлик қирраларидан бири бу оиладаги адолатга риоя қилиш, маъсулиятни хис қилиш, биргаликдаги фаолиятда тенг ҳаракат қилиш, муваффақият ва қийинчиликларни биргаликда баҳам кўриш.

Болаларни илк ёшлик давридаги сезгирлиги тарбияси ва таълимига боғлиқ. Агар бола атрофдагиларга кулиб қараса демак у хамма кутган ёқтирган фарзанд.

Оилавий тарбияни ота-оналарни оиладаги педагогик фаолияти деб қараш керак.

Оиланинг асосий вазифаларидан бири бу тарбиявий вазифа. Лекин оилавий тарбия амалиёти шуни кўрсатадики бу вазифа сифатли бажарилмаяпти, чунки баъзилар бола тарбиялашни билишмайди, бошқалари хохлашмайди, учинчилари касаллиги туфайли тарбиячилик вазифасини бошқара олмайди, тўртинчи гуруҳ ота-оналар эса оиланинг тарбиявий вазифаларига унчалик эътибор беришмайди.

Хар бир оиланинг тарбиявий салоҳияти хар хил қайсидир оилада кўп, кимдадир озроқ. Бу эса оилавий тарбиянинг натижавий сифатини белгилаб беради.

Тарбиявий салоҳият тушунчаси илмий адабиётдаги янги тушунча. “Салоҳият” тушунчаси аниқ, конкрет жамиятга нисбатан ишлатилади: иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, техник, илмий салоҳият бўлиши мумкин.

Оилага нисбатан хам оиланинг умумий салоҳияти ва алоҳида иқтисодий, маданий, ахлоқий, репродуктив, хамда тарбиявий салоҳият ҳақида гапириш мумкин.

Оиланинг тарбиявий салохияти-ота-оналарнинг болага нисбатан хиссий муносабатлари, болани ижобий ва салбий қабул қилишлари, шунингдек бола билан ўзаро хатти-харакатларини мувофиқлаштириш.

Тарбия хар қандай жамият учун хамиша долзарб вазифа хисобланади.

Оила-иқтисодий, ижтимоий, экологик, демографик, хатто энг шахсий муаммолар бирикадиган, ўзаро кесишадиган нуқта бўлиб хисобланади.

Оилани мустахкамлаш, унинг турмуш даражасини ошириш, оила аъзоларининг соғлигини сақлаш хозирги вақтда Президентимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг энг мухим томонини ташкил этади.

Мамлакатимизда инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўзланган маррани забт этишда тарбиянинг хусусан оилавий тарбиянинг роли ва ахамияти катта.

Ўзбекистонда 7 миллиондан кўпроқ оила истиқомат қилади.

Шарқда азалдан инсон тарбияси жамиятнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Республикаimizдаги барча ўзгаришларнинг мохияти Олий бир мақсадга-яъни комил инсон тарбиясига қаратилган.

Ёшлар эртанинг тарихини яратувчилардир. Оилавий томондан олсақ, улар ҳам эртами-индин ота-она бўладилар, фарзанд тарбияси билан шуғулланадилар. Бизнинг фарзандларимиз-бизнинг келажагимиздир.

Европа халқларида тарбиянинг мезони нафосат, шарқ халқларида эса, асосан ахлоқ-одобдир. Тарбиянинг ҳамма жихатлари шу мезонлар асосида мақсадга йўлантирилади. Нафосат ва ахлоқ-одоб мохиятан ўзаро боғлиқ бўлсада нафосат кўпроқ ташқи кўринишда зохир бўлиб, ахлоқ-одоб эса асосан мулоқот жараёнида кўзга ташланади.

Ёшларни тўғри тарбиялашнинг асосий омили-оила обрусини сақлаш, ота-оналар наъмунасининг кучайтиришдир.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг мухим, хал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни хар томонлама асраб-авайлаш зарур.

Шу боис, мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия тизимини ислох қилиш, миллий маърифат тармоғини вужудга келтиришга киришиди.

“Оила-бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва рухиятига мос бўлган мухим хаётий қадриятлардан биридир” [1.253].

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шакланган қиёфасини йўқотмади. “Аmmo шўролар тузуми даврида маорифга, маданиятга мафкуравий ёндашув хукм сурди. Асрлардан буён авлодларимиз томонидан авайлаб-асраб келинган халқимиз турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб, қон-қонига сингиб кетган хақиқий халқчил урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарнинг тарбиявий таъсири камситилиб, Оврўпа ва Россия оила, тарбия модели тарғиб қилинди”[3.5]. Таълим-тарбия миллий замондан узоқлаштиришга харакат қилинди, бизга маорифнинг ғарбона усулларини тақдим қилиш оиладаги миллий тарбияга ҳам салбий таъсир қилди. Яъни ижтимоий тарбияга кўпроқ ахамият берилиб, оилавий тарбия унинг соясида қолдирилди.



“Кўп йиллик илмий қузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70% ини беш ёшгача бўлган даврда олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги мухит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради”[2.33].

Оила-хаёт мазмуни, мақсади ҳақида таасурот берадигон биринчи жамоа, оилада кадриятлар, одам ўзини қаерда, қачон қандай тутиши ҳақида тушунча берилади. Оиланинг тарбиявий имкониятлари турли бўлганлиги учун оилада тарбиявий салоҳият компонентларини ўз ичига олган “Тарбиявий салоҳият” тушунчаси ишлатилади.

Оиланинг тарбиявий салоҳияти уч компонент орқали аниқланади:

- Рухий чиқишимлилик;
- Ахлоқий йўналганлик;
- Ота-оналарнинг педагогик маданияти.

Агар оилада юқоридаги компонентлар мавжуд бўлса ва етарли яхши даражада ифодаланса, конкрет оиланинг юқори тарбиявий салоҳияти ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ота-оналар фақат оила олдида эмас, жамият, давлат, келажак авлод олдида ҳам жавобгар эканликларини англашлари керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари” -Т.:“Ўзбекистон”, 1997.
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” –Т.: “Маънавият”, 2008.
3. М.Холматова “Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси” –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
4. J.Hasanboev, Pedagogika. O'quv qo'llanma.. – Toshkent: “Fan”, 2006.
5. Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Хайдаров М, Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан ивоҳли луғат. – Т.: Фан ва технология, 2008.
6. Ibragimov X.I., Abdullayeva Sh.A. Pedagogika nazariyasi. - Т.: “Fan va texnologiyalar” nashriyoti, 2008.
7. Ҳошимов К., С.Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 2010.
8. Бектагирова.Г.Ф “Семейная педагогика” Казань-2014
9. Мухсиева.Ш “Оила педагогикаси” Тошкент, Ўқитувчи, 2018

## **МУЗЕЙНАЯ ПЕДАГОГИКА: ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ**

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич,

доктор педагогических наук, профессор

Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами

Ташкент, Узбекистан

*Аннотация.* Под образовательной деятельностью музея понимается педагогически организованный процесс интерпретации и трансляции историко-культурного потенциала его собрания, направленный на формирование личности через вхождение в культуру и постижение ее смыслов и ценностей. В образовательной деятельности музея выделяют следующие направления, тесно связанные с музейной педагогикой: информирование, обучение, развитие творчества, общение, рекреация. Одной из перспективных форм музейно-педагогической деятельности является виртуальная экскурсия. Экскурсия - самая основная и одна из эффективных форм музейно-педагогической деятельности. Виртуальная экскурсия открывает новые возможности и перспективы в образовательном процессе.

**Ключевые слова:** музей, музейно-педагогическая деятельность, культура, музейная педагогика, формы, экскурсия, музейный праздник, историческая игра.

## **МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИ: ТАЪЛИМИЙ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич,

Педагогика фанлари доктори, профессор

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тошкент Ўзбекистон

*Аннотация.* Музейнинг таълимий фаолияти сифатида маданиятга киришиш ва унинг маъно ва қадриятларини англаш орқали шахсни шакллантиришга қаратилган музей экспонатларидаги тарихий-маданий салоҳиятни талқин қилиш ва кўрсатишнинг педагогик жиҳатдан ташиқил этилган жараёни тушунилади. Музейнинг таълимий фаолиятида музей педагогикаси билан чамбарчас боғлиқ қуйидаги йўналишлар мавжуд: ахборот бериш, ўқитиш, ижодкорликни ривожлантириш, мулоқот, қайта тиклаш. Виртуал экскурсия (саёҳат) музейшунослик-педагогик фаолиятнинг истиқболли шаклларида биридир. Экскурсия — музейшунослик-педагогик фаолиятнинг энг асосий ва самарали шаклларида биридир. Виртуал экскурсия (саёҳат) таълим жараёнида янги имкониятлар ва истиқболларни очиб беради.

**Таянч сўзлар:** музей, музей-педагогик фаолият, маданият, музей педагогикаси, шакл, экскурсия, музей байрами, тарихий ўйин.

## **MUSEUM PEDAGOGY: EDUCATIONAL ESSENCE AND CONTENT**

Khodzhaev Begzod Khudoyberdievich,

Doctor of Pedagogy, Professor

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Tashkent, Uzbekistan

*Annotation.* The educational activities of the museum are understood as a pedagogically organized process of interpreting and translating the historical and cultural potential of its collection,

*which is aimed at forming a personality through entering the culture and comprehending its meanings and values. In the educational activities of the museum, the following areas are distinguished that are closely related to museum pedagogy: informing, educating, developing the creativity, communication, recreation. One of the worth-while forms of museum and pedagogical activities is a virtual excursion. The excursion is the most basic and one of the most effective forms of museum and pedagogical activities. A virtual excursion opens up new opportunities and perspectives in the educational process.*

***Key words:** museum, museum pedagogical activities, culture, museum pedagogy, forms, excursion, museum holiday, historical game.*

Ушедший XX век характеризуется громадными революционными сдвигами, происходящими на глазах не одного поколения. Перемены начала XXI века диктуют необходимость поиска новых подходов к осмыслению главных проблем культуры и образования, в основе которых лежит духовно-нравственное творчество человечества. Изучение сложных взаимосвязей человека и культуры осуществляется с привлечением опыта различных научных дисциплин, а в школьной практике - учебных предметов. В современной ситуации важен не столько рациональный, сколько культурологический аспект в едином педагогическом процессе, который создаёт условия для творческого самоопределения личности.

Поэтому, во многих школах уже существуют школьные музеи. Ещё большее количество школ создают или хотят создать их в целях содействия гражданскому, патриотическому воспитанию школьников, формирования у них исторического мышления, музейной культуры, развития исследовательских и творческих начал, в целях приобщения учащихся к диалогу культур со старшими поколениями. Старшее поколение - родители, бабушки, дедушки, знаменитые и известные земляки - ученые, военные, деятели культуры и искусства и др. - оставили след в истории своей большой или малой родины. Поэтому так важно вести диалог с ушедшими поколениями, порой виртуальное общение с ними.

Обращение к ценностям, накопленным и свято хранимым человечеством в мировой культуре, предполагает включение индивида в культурно-историческое пространство, что создаёт почву для осознания им себя как субъекта культуры. Особая роль в этом принадлежит музею, который выводит индивида за границы социума, цивилизации в мир культуры. В этой связи для образования представляют интерес социокультурные функции музея.

Музейная педагогика, как одно из направлений деятельности музея, становится всё более привычной в практике духовно-нравственного, гражданско-патриотического, историко-краеведческого воспитания личности в едином образовательном процессе. Стремление к гуманитарному обновлению образования, ориентированному на сотрудничество музея и школы, на создание любительских школьных тематических музеев - суть новой образовательной парадигмы XXI века.

Развитие современного музея как коммуникационной системы в конце XX - начале XXI в. привело к введению в музейную практику значительного количества как новых музейно-педагогических форм, так и модернизированных традиционных форм. Такое разнообразие форм музейно-педагогической деятельности вполне соответствует современным требованиям развития инновационных музейных технологий, нацеленных

на повышение роли аудитории в музейно-педагогическом процессе, когда посетитель музея становится "главным лицом", вступающим в диалог и отстаивающим свое мнение в музейной экспозиции. В связи с этим главной проблемой становится организация музейно-коммуникационного взаимодействия, позволяющего влиять на формирование музейной культуры посетителя. Особая роль в этом процессе отводится выбору и применению наиболее эффективных форм музейно-педагогической деятельности.

Зарождение музейной педагогики связано с именем А. Лихтварка. Своей практической деятельностью он немало способствовал распространению просветительской работы в области искусства, ибо был убежден в том, что музей, как и школа, является местом обучения. Воплощая на посту директора Гамбургского художественного музея Кунстхалле лозунг "Искусство - в жизнь", А. Лихтварк всей своей многогранной деятельностью стремился избавить музей от рутинности[16;24].

Большую роль в разработке обозначенной проблемы сыграла книга Г. Фройденталь "Музей - Народное образование - Школа" (1931). В ней автор утверждал, что сперва необходимо уяснить сущность различия между музеем и школами и границы их возможностей, и лишь после этого - планировать совместную работу.

Развивая опыт А. Лихтварка, Г. Фройденталь впервые в истории музейной образовательной деятельности сформулировал и предложил педагогическую методику организации школьных занятий в музее, в которой предусматривались этапы их подготовки, проведения и закрепления.

Большой вклад в развитие музейной педагогики внес А. Бакушинский. Рассматривая работу в музее как педагогический процесс А. Бакушинский исходил из строгого соблюдения возрастной специфики зрителя, в котором видел не "объект воздействия", а прежде всего партнера. Резко выступая против иллюстративного подхода к рассмотрению произведения искусства, он утверждал необходимость акта сопереживания в процессе восприятия, считая, что если художественное произведение является символом, который выражает творческое действие художника, то подобное творческое действие оно должно пробудить и у зрителя[16;35].

А. Бакушинский считал, что основная задача методики художественного воспитания - раскрыть непосредственную связь между искусством и зрителем через переживание произведения как художественного организма, наделенного комплексом формальных средств (цвет, форма, композиция), требующих своего прочтения.

Современная музейная педагогика еще недостаточно уделяет внимания такому перспективному направлению как рекреация. Оно связано с организацией свободного времени в пространстве музея в соответствии с желаниями и ожиданиями музейной аудитории, удовлетворением потребности в отдыхе в музейной среде. Специфика музея (здание, в котором он расположен, архитектурно-художественное решение экспозиций, состав коллекций, окружающая среда) в значительной мере усиливает эмоциональное воздействие форм проведения свободного времени. Большая часть рекреационных форм рассчитана на поливозрастную аудиторию (ярмарка, карнавал, бал, концерт, праздник и т.д.), однако существуют и специально разработанные формы отдыха и развлечения для определенных категорий посетителей (игровая комната для дошкольников, елка в музее для младших школьников, чаепитие для людей пожилого возраста и пр.). Чаще всего данные формы имеют комплексный характер, то есть могут включать в себя элементы

других форм.

Формы музейно-педагогической работы являются неотъемлемой составляющей музейной педагогики как учебной дисциплины. Однако в последнее время фиксируется некоторая неопределенность понятийного аппарата музейной педагогики, многочисленные разночтения в попытках идентификации форм музейно-педагогической деятельности.

В классификации музейно-педагогических форм, предложенной музееведом О. А. Ботяковой, выделены два класса: класс элементарных (базовых, простых) форм и класс комплексных форм. К элементарным формам она отнесла экскурсию, лекцию, консультацию, музейное занятие, музейный урок, спектакль, концерт, дефиле (демонстрация моделей одежды), бал, мастер-класс[19;145]. При этом критериями разделения элементарных форм на два типа послужили функции: образовательно-воспитательная и рекреационная. Так, производными от образовательно-воспитательной функции стали лекция, консультация, музейный урок и музейное занятие, а производными от рекреационной функции названы экскурсия, спектакль, концерт, дефиле, бал и мастер-класс.

Сложившаяся на сегодняшний день ситуация в музейной педагогике позволяет произвести классификацию современных форм музейно-педагогической деятельности, в основе которой лежит критерий использования музейного предмета или музейной экспозиции. Вводимый критерий является чрезвычайно важным при определении музейной формы деятельности и способствует более четкому разграничению музейного или немuseumного содержания данной формы работы. Использование вышеназванного критерия позволило разделить музейно-педагогические формы на следующие: 1) базовые формы; 2) синтетические формы; 3) немuseumные формы; 4) формы организации аудитории при музее.

Базовые формы – это исторически сложившиеся формы: лекция, экскурсия и консультация, в которых музейный предмет или музейная экспозиция являются неотъемлемой частью музейно-педагогического процесса[20;86].

Основной формой музейно-педагогической работы является **экскурсия**. Экскурсия представляет собой тип ролевого общения, т.к. каждый участник диалога действует в пределах регламента: определенный стиль поведения задан и ролью экскурсовода, и ролью экскурсанта. И, как правило, роли эти выполняются, "играются" охотно. Но одновременно с тем, что экскурсия строится по определенному сценарию, она представляет собой тип прямого общения. Экскурсовод общается со своей аудиторией непосредственно и имеет возможность корректировать свои действия, учитывая реакцию аудитории. Это умение - чрезвычайно важный показатель мастерства экскурсовода.

Музейные экскурсии разнообразны, но вместе с тем легко поддаются классификации. Они делятся:

◎ по профилю - на исторические, литературные, искусствоведческие, естественно - научные и пр., в чем находит выражение связь с профильной дисциплиной музея; в зависимости от места проведения - по экспозиции, фондохранилищу, по территории. Встречаются комплексные экскурсии, в которых сочетается показ экспозиции и других частей музея, например, заповедной зоны;

◎ по широте охвата;

© по целевой направленности: культурно-образовательные (общеобразовательные) экскурсии и учебные, непосредственно связанные с программами различных учебных заведений;

© по составу экскурсантов: экскурсии для детской или взрослой аудитории, для местных жителей или туристов, для групп однородных или разнородных по составу (например, для родителей с детьми)[20;88].

Музейная педагогика сегодня как никогда востребована всеми музеями, которые почти "повсеместно активизировали работу с детьми, стали создавать для них интерактивные мероприятия и экскурсии, музейно-педагогические программы". В многочисленных статьях, монографиях, диссертационных исследованиях, на семинарах и конференциях ведутся дискуссии по наиболее важным проблемам музейно-педагогического дела, которые свидетельствуют о том, что музейный мир учиться решать вновь возникающие, а не прошлые задачи. В процессе их решения рождаются новые уникальные технологии и методы музейного дела, новые формы экспонирования и способы работы с разными аудиториями[21].

Бошқариш ва таълим беришда замонавий технологиялардан	Бошқариш ва ўқув жараёнини ташкил қилишда замонавий технологиялардан фойдаланилади.

фойдаланишга ўтилмоқда.		
<b>Молиявий таъминот</b>		
Контракт асосида ўқиётган талабаларга банклардан кредит бериш тизими ривожланмоқда.	Талабаларнинг ўқиш даври учун кредитлаш тизими самарали ишлайди.	
<b>Модулли таълим технологияси</b>		
Модулли-кредит таълим технологияси бўйича тажрибалар ўтказилмоқда.	Модулли-кредит тизимидан самарали фойдаланилади ва у дунёда тан олинган	

### **Кредит-модуль технологиясининг моҳияти:**

Модулли таълимда педагог талабанинг тинглаш жараёнини назорат қилади, бошқаради, ташкил қилади, маслаҳат беради. Бундай ёндошув замонавий талаб тизимида жавоб беради. Модулли ёндашув эришилган натижалар устидан доимий назоратга асосланган бўлиб, бу асосда модулли-кредит тизими юзага келган.

Кредит (ёки кредит бирлиги ёки синов бирлиги)- ўқув режада белгиланган (ва иш ҳажми билан аниқланувчи) ихтиёрий ўқув фаолиятининг ўлчовидир.

Ўқув фаолиятлари: назарий таълим; малакавий амалиёт; давлат аттестациялари; битирув малакавий иши ва бошқалар.

Кредит технологиясида ўқув фаолияти анъанавий ўқув соатлари ўрнига алмашади. Яъни Ўзбекистон олий таълим бакалавриатида ўқув режани бажариш учун 4 йилда 7200 академик соатни (мустақил иш билан) бажариш эмас, балки талаба томонидан 240 кредитни ( иш ҳажмининг 30 соати 1 кредит) эгаллаши талаб этилади [6,81б.]. Дунё тажрибаларига асосланган ҳолда ва улар билан бир хилликни таъминлаш мақсадида аудитория соатларини ва талабалар мустақил ишларини алоҳида-алоҳида кўрилмасдан ўқув фаолиятининг иш ҳажмини ҳисобга олувчи ягона кредит-модуль тизими киритилади.

У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- билимнинг бирор тугалланган модули бўйича аудитория машғулотлари;
- фаннинг қатор масалалари ва муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими;
- талабаларнинг мустақил иши;
- талабалар томонидан барча материалларни ўрганиш жараёнини рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Кредит талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш учун асосий восита ҳисобланади. У талабаларни интизомли бўлишга, ўқитувчиларни эса юқори методика билан дарс беришга йўналтиради.

Ҳозирги вақтда Европа кредит-модуль тизими дунёда тан олинган ва амалда қўлланиётган тизимдир.

Таълимда кредит деган тушунча замонавий ғарбий таълим тизимида фойдаланиб, билимни баҳолашни белгилайди. Кредит ёки синов бирлиги бирор бир таълим модулини тинглаган талабанинг эгаллаган билимига оладиган минимал “кредит” бирлиги ҳисобланади.

Талабаларнинг йиллик ўқув ишлари ҳажми қатор Европа мамлакатларида 1400-1680 соатни, ўқув йили 34-40 ҳафтани, йиллик иш ҳажми 60 синов бирлигини ташкил

қилади. Тўрт йиллик бакалаврлардан 5600-6720 соатда максимал 240 кредитни тўплаш талаб қилинади [10,с.3].

**Талабалар билимини баҳолаш тизими**

1-жадвал

Европа мамлакатларининг қатор ОТМ ларида баҳолаш тизими			100 баллик тизимда баҳолаш	Баҳо мезони
Харфий белгиси	Баҳо	Сондаги қиймати		
A	Аъло	5	91-100	Умумлаштиради ва баҳолайди
B	Жуда яхши	4.5	81-90	Таҳлил қилади
C	Яхши	4	71-80	Қўллайди
D	Қониқарли	3.5	61-70	Тушунади
E	Етарли: курс бўйича минимал талаб бажарилган.	3	51-60	Билади
F <sub>Y</sub>	Етарли эмас: қўшимча ишлаш талаб этилади.	2.5	41-50	Ёмон билади
F	Қониқарсиз: талайгина ишлаш талаб этилади.	2	≤40	Умуман билмайди

Агар талаба бирор фан бўйича семестрни “5” баҳога яқунласа 3.5 кредит (синов бирлиги) тўплайди, десак:  $5 \cdot 0,7 = 3,5$  синов бирлиги (бу ерда 0.7-коэффициент).

Синов бирлиги 3.5 бўлган курс учун баҳо ва синов бирлиги ўртасидаги муносабат 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Харфий белги	A	B	C	D	E	F <sub>Y</sub>	F
Баҳо	5	4.5	4	3.5	3	2.5	2
Кредит (синов бирлиги)	3.5	3.15	2.8	2.45	2.1	1.75	1.4

Агар талабанинг ушбу фандан семестр давомида йиғган кредити 2.1 дан кам бўлса, унга етказиш учун деканат 1 марта рухсат беради. Россияда қабул қилинган тартибга кўра “3” баҳо олган талаба ушбу фандан кредитга эга бўлмайди, лекин дипломида бу фанга “қониқарли” ёзуви қўйилади [1, с. 28]. Бошланғич даврда ушбу тартибни Ўзбекистонда ҳам қўллаш мумкин.

Биринчи, иккинчи оралиқ баҳолашлар ва якуний баҳолаш ҳам “5” баллик тизимда амалга оширилади.

Б<sub>A</sub>-амалий машғулот, Б<sub>L</sub>- лаборатория машғулоғи, Б<sub>O1</sub> ва Б<sub>O2</sub>- биринчи ва иккинчи оралиқ назорат ва Б<sub>Я</sub>- якуний назорат баҳоларининг ўртачалаштирилишидан якуний баҳо аниқланади:



$$B = \frac{B_A + B_L + B_{O1} + B_{O2} + B_n}{5}$$

Натижавий кредит (синов бирлиги) эса 2-жадвал асосида топилади.

Кредит тизимида талабалар билимини баҳолаш 1-жадвалда кўрсатилган 7 даражада амалга оширилади.

Ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказишда қуйидаги ишларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Бакалаврият таълим йўналишлари фанларининг умумий сонини 40-42 тага келтириш.
2. Барча ўқув йилларининг ҳар бирига тўғри келадиган кредит (синов бирлиги) ни Европанинг кредит тизимига мослаштириш (60X4=240 кредит).
3. Давлат таълим стандартларида йилнинг минимал меъёрий давомийлигини 40 ҳафта қилиб белгилаш, унда талабанинг ҳафталик аудитория ўқув юкламаси 30 соат, ўртача умумий ўқув иши 45 соат бўлади. Кўришиб турибдики, бунда йиллик умумий ўқув юклама 1800 соатни, тўрт йиллик бакалавр дастурининг иш ҳажми эса 7200 соатни ташкил қилади. Бунда 30 академик соат иш ҳажми 1 кредит (синов бирлиги) га тўғри келади (1800:30=60 кредит X4 йил= 240 кредит), у ECTS талабларига жавоб беради.
4. Талимнинг кредит-модуль тизими асосида ДТС ларини ва наъмунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш. Унда ҳафта бўйича ўқув жараёни жадвалига мустақил иш ҳафталарини ҳам киритиш.
5. Барча фанларнинг наъмунавий дастурларини кредит-модуль ва академик соатлар асосида ишлаб чиқиш.
6. Талабаларнинг кредит (синов бирлиги) ни тўплашга қаратилган Низомни ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб яратиш.
7. Талабаларнинг семестр давомида тегишли фан бўйича кредит (синов бирлик) ларини тўплаш тартибини ишлаб чиқиш.
8. Европа ОТМ лари тажрибалари асосида бошқа меъёрий ҳужжатларни ҳам тайёрлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Александров И., Афанасьева А., Сагитова Э., Строкина В. Балльно-рейтинговая система оценки качества обучения в системе зачетных единиц. “Высшее образование в России”, 2007, №7, стр. 28.
2. Болонский процесс- Википедия <https://ru.wikipedia.org>, wiki.
3. Грибнев Л. Болонский процесс в России: проверка на доверие? “Высшее образование в России”, 2007., №1, стр. 44-51.
4. Дадамирзаев М.Ф. Кредит-модуль тизимига ўтишнинг айрим масалалари. “Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали”, Наманган-2019 й, №4, 200-204 бет.
5. Имамов Э.З., Файзиев А.З, Шегай С. Под редакцией академика Гулямова С.С. “К вопросу о внедрении кредитной технологии обучения студентов”. Сборник материалов. Ташкент, 2003 г. 27 стр.

6. Кенжабоев Ш.Ш., Дадамирзаев Ф. Болоня декларацияси ва Европа таълим тизимига ўтиш муаммолари. Олий таълим ислохотлари: югуқлар, муаммолар, ечимлар. Республика илмий-амалий анжумани, 2019 йил 25-26 октябрь, Тошкент-2019, 81 бет.
7. Лазарев Г., Мартыненко О. Региональный университет: пути интеграции в рамках Болонского процесса. "Высшее образование в России" 2005, №10, стр. 14.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Тошкент ш. 2019 й. 8-октябрь., <https://lex.uz>, 4 боб.
9. Процесс интеграции национальных систем образования. Лиссабонский и Болонский процессы. <https://studopedia.ru>
10. Сазонов Б., Максимов А., Караваева Е., Зачетные единицы в ГОС нового поколения. "Высшее образование в России" 2006 г. №10. стр. 3-15.

### **IMPROVING SPEAKING SKILLS OF LEARNERS AT KINDERGARTEN**

Eshboeva Durдона Alisher qizi  
International Islamic Academy of Uzbekistan  
Teacher

Tel: +9989998767374, e-mail: [eshboyevadurdona@gmail.com](mailto:eshboyevadurdona@gmail.com)

***Annotation.** Learning foreign language is one of the important acquisitions of a child in preschool years. Since speech is not given to a person from birth, it takes time for the child to start talking. And adults must make a lot of effort so that the child's speech develops correctly and in a timely manner. Children learn their native language by imitating the spoken language of others. Experts say that recently the level of speech development has noticeably decreased. Children talk less because they watch and listen more. The TV-audio video system is forced to act as consumers of the imposed information, and not as interlocutors. The child spends little time in the company of adults (more and more at the computer, at the TV or with his toys), rarely listens to stories and fairy tales from the lips of mom and dad, and systematic developmental classes for mastering speech are generally a rarity. So it turns out that a lot of problems arise with the child's speech by the time he enters school.*

***Key words:** English, preschool education, methods, games, speaking.*

### **УЛУЧШЕНИЕ РАЗГОВОРНЫХ НАВЫКОВ ВОСПИТАННИКОВ ДЕТСКИХ САДОВ**

Эшбоева Дурдона Алишер кизи  
Международная Исламская Академия Узбекистана  
Преподаватель

Tel: +9989998767374, e-mail: [eshboyevadurdona@gmail.com](mailto:eshboyevadurdona@gmail.com)

***Аннотация.** Владение иностранным языком - одно из важных приобретений ребенка в дошкольном детстве. Именно приобретения, ведь речь не дается человеку от рождения. Чтобы ребенок начал говорить, нужно время. И взрослым необходимо приложить немало усилий, чтобы речь ребенка развивалась правильно и своевременно. Дети изучают свой родной язык, подражая разговорной речи других людей. Специалисты утверждают, что в последнее время заметно снизился уровень речевого развития. Дети меньше говорят, потому что они больше*

смотрят и слушают. ТВ-аудио-видео система вынуждена действовать как потребители навязываемой информации, а не как собеседники. Ребенок мало времени проводит в компании взрослых (все больше за компьютером, у телевизора или со своими игрушками), редко слушает рассказы и сказки из уст мамы и папы, а также систематические развивающие занятия по овладению речью. вообще редкость. Получается, что к моменту поступления в школу с речью у ребенка возникает много проблем.

**Ключевые слова:** Английский язык, дошкольное учреждение, методы, видео, веселые занятия, игры.

## **MAKTABGACHA TA'LIMDA TARBIYALANUVCHILARNING NUTQ QOBILIYATLARINI OSHIRISH**

Eshboyeva Durdona Alisher qizi  
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi  
O'qituvchi

Tel: +9989998767374, e-mail: [eshboyevadurdona@gmail.com](mailto:eshboyevadurdona@gmail.com)

**Annotatsiya.** *Chet tilini o'zlashtirish - bu maktabgacha yoshdagi bolaning muhim egallashlaridan biridir. Nutq insonga tug'ilishidan berilmagani uchun, bola gapira boshlashi uchun vaqt kerak. Bolaning nutqi to'g'ri va o'z vaqtida rivojlanishi uchun kattalar ko'p harakat qilishlari kerak. Bolalar o'z ona tilini boshqalarning og'zaki nutqiga taqlid qilish orqali o'rganadilar. Mutaxassislarining ta'kidlashicha, so'nggi paytlarda nutqni rivojlantirish darajasi sezilarli darajada pasaygan. Bolalar kamroq gapirishadi, chunki ular ko'proq ko'rishadi va tinglashadi. Televizion-audio video tizim suhbatdosh sifatida emas, balki o'rnatilgan axborotni iste'molchisi sifatida harakat qilishga majbur. Bola kattalar davrasida kam vaqt o'tkazadi (tobora ko'proq kompyuterda, televizorda yoki o'yinchoqlari bilan), kamdan-kam hollarda onam va otamning lablaridan hikoyalar va ertaklarni tinglaydi va nutqni o'zlashtirish uchun tizimli rivojlanish darslari umuman nodir. Shunday qilib, bolani maktabga kirguncha nutqida juda ko'p muammolar paydo bo'ladi.*

**Kalit so'zlar:** *ingliz tili, maktabgacha ta'lim, uslublar, o'yinlar, so'zlashuv.*

From the very beginning of training, it is necessary to develop a certain style of working with children in English, to introduce a kind of rituals that correspond to the most typical situations of communication. Such rituals: (greetings, goodbye, short exercise, use of courtesy formulas accepted in English) allow children to be set up for communication in a foreign language, facilitate the transition to English, show children that the lesson has begun, it is over, that now a certain stage of the lesson is going.

The most important condition for the success of training is the activation of the speech-thinking activity of children and their involvement in foreign language communication. It is necessary to constantly change the order of speech actions (order of questions, addresses, names of objects, etc.) so that children react to the meaning of the word, and do not memorize the sound sequence mechanically. When repeating games, it is imperative that different children be the leaders, active participants, so that at least once all the children perform the speech action provided for by the learning task. To prevent fatigue, loss of interest in children, the teacher should conduct games with elements of movement every 5-7 minutes of the lesson, with commands in English. In the first classes in English, the native language takes a large place.

Organization of classes, encouragements, explanations of games are carried out in their native language. As you learn English, the need to use your native language decreases. The mother tongue can be used in English classes as a test of the child's understanding of speech. To do this, you can use the game "Translator", known for any age of children. [1]

In the process of teaching children English, the following teaching methods can be used: choral repetition after the teacher, individual repetition, choral and individual singing, recitation of poetry, organizing games with elements of competition, alternating active and calm games, drawing. And it is obligatory to hold holidays in English once or twice a year, so that children can show their knowledge and skills to their parents, to each other, so that the level of motivation in studying this subject increases.

When teaching English, special attention should be paid to the formulation of pronunciation. The psychophysical characteristics of babies enable them to imitate the most complex sounds of the English language. At the same time, when teaching pronunciation, it is necessary to use not only imitation, but, as necessary, also the method of showing and explaining. The explanation of the articulation must be understandable and have a playful moment. Children who are poor at certain sounds should be encouraged to participate more often in exercise games for these sounds. To develop the correct pronunciation and intonation, choral types of work should be widely used, although this does not exclude individual work with each child. Counters and tongue twisters are good exercises for strengthening your pronunciation. [4, 9]

Taking into account the age and individual characteristics of children, it is necessary to use a sufficient amount of study time for additional, individual work of each child.

Proceeding from the fact that preschool children have developed mainly figurative memory, it is necessary to enter the words of the English language by means of visual semantization. For these purposes, for classes, you should select bright and colorful toys, pictures, use the objects of the child's environment. When choosing a picture, it is necessary to pay attention to its expressiveness, so that the object that is introduced into the speech of children is the most prominent, does not get lost in a large number of other images in the picture. [2]

A comprehensive solution to the practical, educational, educational and developmental tasks of teaching preschoolers the English language is possible only under the condition of not only influencing the child's consciousness, but also penetrating into his emotional sphere.

When learning a poem or song, the child easily memorizes rhymed text containing a large number of new words and sentences. Rhyming text is a useful phonetic exercise as well as a material for memorizing words. But words are included in the child's active stock, as well as in grammatical constructions, special exercises and games with words outside the context of the poem are needed.

The preschool period is the period when the child is interested in the sound culture of the word. Reading rhymes, the child listens to the sounds of speech, evaluates their consonance. In rhyming, the word acquires a special character, it sounds clearer, attracts attention.

Rhyming as a learned block creates a feeling of confidence in a child, conducting choral work on rhyming helps to consolidate a group of children. The importance of rhyme in the

development of expressiveness and emotionality of speech is enormous. The influence of the English language on the sound culture of speech of the native language. [8]

It is important to avoid mixing English and Russian pronunciation in the child's language, therefore, in case of serious speech impairments in the child, you should postpone the study of the second language.

The developing environment in English in groups should be organized in such a way that children have the opportunity to independently apply their competence indicators of development in practical activities in English. The availability of modern games and toys contributes to the organization of creative, mobile, dynamic, sports, etc. games. To make learning English a pleasure, you need to pay special attention to: the design of a subject-developing environment in English in a group, the quality of visual aids, pictures, slides, i.e. all methodical tools. All this should cause aesthetic motivation for a foreign language and contribute to the development of children, ensuring a state of comfort. [1, 3]

The world of the English language is full of new, unexplored roads. The child learns him with his hands, eyes and hearing. If a child feels, then he knows. Creativity is the channel through which the inner life of a child's soul can be revealed and realized in the material. The task of the teacher is to create all the necessary conditions for this. Subject developing environment in English in a group is an important component of teaching English to children in kindergarten. It contributes to the development of a creative personality, forms the image of the child's world.

A developing environment is a system of conditions that ensures the full development of a child's activity and his personality. To ensure the truly creative development of the child, the unity of the developing objective environment and meaningful communication between adults and children is necessary. It is built with the goal of providing children with as many opportunities as possible for purposeful and varied activities. The necessary level of information content of the environment at different stages of the child's personality development is ensured by: a variety of topics, enrichment of the functional properties of its elements, complexity and variety of materials. The developmental function of the environment requires a combination of unusual components for its full implementation. [5, 10]

An important requirement for the subject environment is variability. Thanks to the originality of the materials, the artistic and imaginative solution, the mobility of its components, it acquires its own color and shape. The objective environment as a whole and its fragments are always needed as a field of children's activity, as a system of material objects of a child's activity, which functionally simulates the content of the development of his spiritual and physical appearance. In it, the child acts, applying the knowledge he already has, so it should be inexhaustible, informative, satisfying the child's need for novelty, transformation and self-affirmation. [6, 7]

The subject-developing environment in English in a group is a small foreign country. In a group setting, you need to convey the spirit of the country of the target language. Such an approach will not only increase the motivation of children and their parents to study, but will also contribute to moral and emotional development. Subject and plot pictures, paintings depicting landmarks, didactic games and posters will not be superfluous. The subject-developing environment in English in the group plays an important role in the process of mastering a foreign language by children and the development of their creative potential. This

is a small window to an English-speaking country. Therefore, the more effort is invested in its design, the easier it will be for children to tune in to learning English.

#### **Reference:**

1. ARIPOVA, K. ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК: ТЕРМИНЛАРИНИНГ МЕТОДИК ЛУГАТЛАРДАГИ ТАЪРИФИ. УЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУЗ.
2. Asrorov Ilgor Fayzi Ogli (2020). DEFINING LEARNING DISORDERS AND LEARNING DISABLED CHILDREN (CHILDREN WHO HAVE PROBLEMS LEARNING). Наука и образование сегодня, (3 (50)), 71-73.
3. Eshboeva, D. (2019). CHARACTERISTICS OF TEACHER'S PROBLEM-SOLVING SKILLS. In Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования (pp. 196-199).
4. Eshboeva, D. (2019). DEVELOPMENT OF THE PROBLEM-SOLVING SKILLS OF THE FUTURE EL TEACHERS. In ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ (pp. 170-173).
5. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF THE MATERIALS DEVELOPMENT TO THE IMPLEMENTATION OF THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training, 7-13.
6. Khasanova, D. (2019). It is time to change the subject matter of English at vocational college EPRA International Journal of Multidiscipline Research Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal India, 5(12) 48-51
7. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research, 48-52.
8. Muminova, D. (2020). Comparison of words related bread making process in English and Uzbek languages. ERPA International Journal of RESEARCH AND DEVELOPMENT(IJRD), 5(3), 677-679
9. Ulmasbaeva, M. A. (2020). THE EFFECTIVENESS OF USING TECHNOLOGIES IN TEACHING AND LEARNING FOREIGN LANGUAGES. In ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 176-177).
10. Шамсематова, Б. Р. (2020). ПРАГМАТИЧЕСКИЙ И КОГНИТИВНЫЙ ПОДХОДЫ К ОПИСАНИЮ ДИСКУРСА. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (1), 136-138.

## THE BASICS OF TEACHING PHONETICS OF ENGLISH AT PRIMARY SCHOOL

Khasanova Dilbar Karimdjanoyna

International Islamic Academy of Uzbekistan

Teacher

Tel: +998909487822, e-mail: [d.xasanova@iiu.uz](mailto:d.xasanova@iiu.uz)

***Annotation.** At the initial stage of training, it is necessary to lay the foundation for good pronunciation, which involves correct intonation, adherence to pauses, knowledge of the peculiarities of the stress of words in a sentence, as well as correct articulation. This is necessary for the normal functioning of the oral speech of learners.*

***Key words:** phonetics, primary school, teaching methods, education, speech.*

## ОСНОВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ФОНЕТИКИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

Хасанова Дилбар Каримджановна

Международная Исламская Академия Узбекистана

Преподаватель

Tel: +998909487822, e-mail: [d.xasanova@iiu.uz](mailto:d.xasanova@iiu.uz)

***Аннотация.** На начальном этапе обучения необходимо заложить фундамент хорошего произношения, которое предполагает правильную интонацию, соблюдение пауз, знание особенностей ударения слов в предложении, а также правильную артикуляцию. Это необходимо для нормального функционирования устной речи учащихся.*

***Ключевые слова:** фонетика, начальная школа, методика обучения, воспитание, речь.*

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA INGLIZ TILI FONETIKASINI O'QITISH ASOSLARI

Xasanova Dilbar Karimdjanoyna

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

O'qituvchi

Tel: +998909487822, e-mail: [d.xasanova@iiu.uz](mailto:d.xasanova@iiu.uz)

***Annotatsiya.** Til o'rgatishning dastlabki bosqichidayoq to'g'ri talaffuz uchun poydevor qo'yish juda muhim, bu to'g'ri intonatsiya, pauzalarga rioya qilish, gapdagi so'zlarning urg'usining o'ziga xos xususiyatlarini bilish, shuningdek to'g'ri talaffuzni o'z ichiga oladi. Bu o'rganuvchilarning og'zaki nutqining normal ishlashi uchun zarurdir.*

***Kalit so'zlar:** fonetika, boshlang'ich maktab, o'qitish metodikasi, ta'lim, nutq.*

A well-developed pronunciation side of the students' utterance prepares them for the implementation of speaking as a type of speech activity. Knowledge of phonetic skills will allow students to pronounce all English sounds normatively; learn the differential signs of sounds. Phonetic skills will help schoolchildren to master the rhythm of an English phrase, logical stress of significant words, stress of service words. Errors in pronunciation interfere with the implementation of the main goal of the language – communication and mutual understanding.

The creation of the auditory-pronunciation base of the target language is possible due to the potential abilities of the human ear and the mobility of the organs of articulation. In this case, one should take into account the unequal data of students: some have good auditory and articulatory sensitivity, while others have good auditory sensitivity combined with poor articulation.

There are many ways to help students develop good pronunciation. One of these methods is special exercises. These include: reading Uzbek words, phrases or proverbs, sayings and poems with an English style.

Reading Uzbek words, phrases, poems with an English "accent" is especially effective during classroom activities, when the teacher can control such moments as the absence of protruding lips when pronouncing the vowels [o] [y], as well as the absence of softening of consonants in English.

Games are another way of setting the correct pronunciation. Play is a specially organized activity that requires exertion of emotional and mental strength. The learning capabilities of games have been known for a long time. Many eminent educators have paid attention to the effectiveness of using games in the learning process. The mental abilities of the child are manifested in the game. He discusses how you can solve this or that problem. One of the types of games in teaching a foreign language are phonetic games that contribute to the formation of speech skills. Phonetic games are of two types: those that are aimed at preventing errors, and those that are aimed at correcting errors. The difficulty in working with games lies in the fact that all, even the most complex sounds and sound combinations are encountered from the very first lessons, so the language material cannot be simplified in any way, that the material worked out in the classroom does not immediately turn into spontaneous speech.

The methodology distinguishes between imitative and analytical-imitative methods of acquaintance with new phonetic material.

The imitative method is when the emphasis is not on the conscious assimilation of the peculiarities of articulation, but on the auditory perception of speech and its imitation. The analytical-imitative approach combines various methods of creating new sound images: description and articulation, and imitation. In the course of the implementation of the rules-instructions given by the teacher, students master the concept of an alveoli, interdental sound, aspiration.

With the modern approach adopted in most educational institutions, the analytical-imitative method is used for explanation and training.

At the initial stage of training, exercises are used to develop auditory-pronunciation skills. They are of two types:

1. Exercises for active listening and recognition of sounds and phones, aimed at the development of phonetic hearing and the establishment of differential features of the studied phonemes and intones. These exercises can be performed by ear and using graphic support, with the teacher's voice or with a tape recorder. For example:

- listen to a series of sounds / words, raise your hand / signal card or clap your hands when you hear a sound;
- listen to sentences, raise your hand when you hear an interrogative (narrative) sentence;
- listen to the sentence and note the stressed words / number of syntagmas, etc.



2. Exercises for reproduction, aimed at actively pronouncing (imitating) sounds, syllables, phrases, sentences following a model - a teacher or a speaker - in chorus and individually. Exercises can be playful.

Scientists propose a method of using Uzbek words, sayings, and poems to pronounce them with the English way. In order to relieve monotony in the training process, you can ask students to pronounce words or sentences with different intonation, voice strength, rate of speech.

Pronunciation of phonetically complex lexical units by syllables is very effective, starting with the last word. In addition to the fact that the word pronounced from the end ceases to psychologically seem complex, the desired intonation effect is achieved: when pronouncing a word or phrase from the end to the beginning, the correct intonation pattern is preserved.

It is also useful to use reading poems using different intonation shades to develop strong pronunciation skills. As experience shows, the pronunciation skill cannot remain unchanged, therefore it is important not only to maintain the formed skills, but also to continue to improve them at the middle and senior stages of training.

An effective means of mastering phonetic material is memorizing tongue twisters, rhymes, dialogues, excerpts from prose. We would like to tell you about one of these means - rhymes, since they are what we will use to form pronunciation in children.

The phonetic aspect of teaching children English is difficult for younger schoolchildren to master. How to explain to students the articulation of English sounds? How to make the learning process interesting and as close as possible to real communication? How to teach children the correct pronunciation from an early age? Practice has shown that children perfectly imitate the teacher's speech, therefore, teachers in isolation worked out those sounds of the English language, which have no analogies in Uzbek: [ŋ], [ə], [θ], [w].

Tongue twisters, poems, dialogues are fertile material used in teaching. It can be used in all classes, teaching the art of allegory, illustrating your thought. Their use in the practice of teaching English will undoubtedly contribute to a better mastery of this subject, expanding knowledge of the language, lexical stock and features of its functioning.

The formation of pronunciation skills from the first lessons should take place in the conditions of real communication or simulate these conditions as accurately as possible. In other words, learners should "not prepare for speech as required by oral introductory courses, but start learning right away." Rhymes will help to create a real environment in the lesson, to introduce an element of the game into the process of mastering the sound side of a foreign language speech. In addition, they (rhymes) are firmly remembered. Their memorization is facilitated by different consonances, rhymes and rhythms.

Rhymes can be used when introducing a new phonetic material and during its repetition, as well as during phonetic exercises. At the initial stage, rhymes can be used to process the sound side of speech. The lesson usually begins with phonetic exercises, where rhymes are very often included. They serve as a kind of recreation for children. Rhyming helps to establish the pronunciation of certain difficult consonants, especially those that are absent in Russian. Instead of individual words and phrases containing one or another sound, you can offer the class specially selected rhymes. Then, during two or three lessons, the rhyme is repeated, the pronunciation of the sound is corrected. This type of work can be included in the lesson at

different stages, it serves as a kind of relaxation for students. Rhymes are selected depending on which sound is being processed.

So, teaching phonetics in English lessons at school is an integral and important factor in the development of competent oral speech. The phonetics of the English language should contribute to the formation and development of speech skills and abilities in speech activity.

#### **Reference:**

14. Abdullaeva, Barno & Pulatova, Laziza & Ulmasbaeva, Malika & Azimova, Gulnara & Kenjaeva, Mukhayyo. (2020). Designing Materials for Teaching Adult Learners. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 24. 794-799. 10.37200/IJPR/V24SP1/PR201219.
15. АРИПОВА, К. ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИК: ТЕРМИНЛАРИНИГ МЕТОДИК ЛУГАТЛАРДАГИ ТАЪРИФИ. УЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУУЗ.
16. Ikanova, L. (2019). Бошланғич синф ўқувчиларида она тилидаги матнларни ўқиб тушуниш кўникмаларини шакллантириш. Сўз санъати халқаро журнали, 145-157.
17. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. Modern trends in linguistics: problem and solutions, 25-26.
18. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. EPRAInternational Journal of Multidisciplinary Research, 48-52.
19. Muminova, D.A. (2019). Peculiarities of intercultural competence in teaching foreign languages. Religacion - Revista de Ciencias Sociales Y Humanidades, 4(19), 696-699
20. Qizi, Eshboeva Durdon Alisher. "IMPROVEMENT OF PROBLEM SOLVING SKILLS OF ENGLISH TEACHERS THROUGH CASE STUDY." Наука и образование сегодня 12 (47) (2019).
21. Ulmasbaeva, M. A. (2020). THE EFFECTIVENESS OF USING TECHNOLOGIES IN TEACHING AND LEARNING FOREIGN LANGUAGES. In ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 176-177).
22. Ulmasbaeva, Malika. (2019). THE EFFECT OF THE CRITICAL PERIOD FOR ACQUIRING THE SECOND LANGUAGE. Nauka v sovremennom mire. 39. 185-193. 10.31618/2524-0935-2019-39-6-185-193.
23. Муминова, Д.А. (2019). Повышение учебной активности студентов в процессе изучения иностранного языка средствами информационно-коммуникационных технологий. FarDU ILMİY XABARLAR, 2, 291-295

## КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЛАЖАК МУТАХАССИСДА КАРТОГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ВОСИТАСИ

Зухуров Йигитали Тоғаевич

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, “Геодезия, кадастр ва ердан  
фойдаланиш” кафедраси катта ўқитувчиси [zukhurov@mali.ru](mailto:zukhurov@mali.ru)

**Аннотация.** Ушбу мақолада касбий йўналтирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланиб бўлажак мутахассисларда картографик компетентликни шакллантириш ҳақида фикр юритилган. Талабаларда картографик компетентликни шакллантиришга имкон берувчи “Картография” ва “Геодезия” каби умумкасбий фанларни касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари асосида ўқитишга мўлжалланган.

**Калит сўзлар:** картографик компетентлик, технологик ёндошув, касбий йўналтирилган ўқитиш технологияси, талабалар билимини баҳолаш тизими.

## ТЕХНОЛОГИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ КАК СРЕДСТВА ФОРМИРОВАНИЯ КАРТОГРАФИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ

Зухуров Йигитали Тоғаевич

Каршинский инженерно-экономический институт, старший преподаватель кафедры  
геодезии, кадастра и землепользования [zukhurov@mali.ru](mailto:zukhurov@mali.ru)

**Аннотация.** В статье рассматривается формирование картографической компетенции будущих специалистов с использованием профессионально направленных технологий обучения. Он предназначен для преподавания общеобразовательных предметов, таких как «Картография» и «Геодезия», на основе профессионально направленных технологий обучения, позволяющих сформировать у студентов картографические компетенции.

**Ключевые слова:** картографическая компетентность, технологический подход, профессионально направленная технология обучения, система оценки знаний студентов.

## TECHNOLOGIES OF PROFESSIONAL TRAINING AS A MEANS OF FORMING THE CARTOGRAPHIC COMPETENCE OF FUTURE SPECIALISTS

Zukhurov Yigitali Togaevich

Karshi Engineering and Economics Institute, Senior Lecturer of the Department of Geodesy,  
Cadastre and Land Use [zukhurov@mali.ru](mailto:zukhurov@mali.ru)

**Annotation.** This article discusses the development of cartographic competence in future professionals using professionally oriented learning technology. It is designed to teach general subjects such as “Cartography” and “Geodesy” on the basis of professionally oriented teaching technologies, which allow students to develop cartographic competence.

**Keywords:** cartographic competence, technological approach, professionally oriented teaching technology, student knowledge assessment system.

Олий таълим муассасаларида талабалар касбий тайёргарлиги самарадорлигини баҳолашда компетентли ёндашув энг истиқболли бўлиб ҳисобланади ва унга мувофиқ талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятга тайёрлигини баҳолаш мезонлари бўлиб компетентлик ва унинг таркибига кирувчи компетенциялар ҳисобланади.

Техника йўналиши олий таълим муассасари “5311500 - Геодезия, картография ва кадастр (қурилиш)” таълим йўналиши талабаларининг картографик компетентлиги уларнинг бу картография ва геодезия соҳасига оид билим, кўникма ва малакалар тизими, шунингдек билим, кўникма ва малакаларни бўлажак касбий фаолиятда қўллашни таъминловчи касбий аҳамиятли қобилиятлар мажмуаси. Ушбу таълим йўналиши талабаларининг бўлажак фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, уларнинг аниқ фаолият турларига тайёр бўлишига қараб картография соҳасига оид билим, кўникма ва малакаларини гуруҳлар бўйича аниқлаштирамиз (1-жадвал)

1-жадвал

<b>Фаолият кўринишлари</b>	<b>Зарурий билим, кўникма ва малакалар</b>
1. Турли хил мурак-каблик даражасидаги картографик ишланмалар	Карта тилини билиш (ҳодисаларни тасвирлаш усуллари, одатий белгилар тизими, умумлаштириш техникаси), картографик проекцияларнинг моҳияти ва турлари, картографик ишланмалар яратиш тузиш ва лойиҳалаш усуллари, яратиш технологияси, техник чизмалар.
2. Картографик ишланмалардан амалий фойдаланиш	Геотасвирларнинг асосий турларининг таркиби ва ўзига хос хусусиятларини билиш; энг муҳим объектларнинг жойлашуви, нисбий ўлчови, шакли ҳақида маълумот; замонавий картографик фанларга мўлжал ола билиш.
3. Картани таҳлил қилиш, картографик манбалар бўйича тавсифларни тузиш	Картани таҳлил қилиш схемасини, харита тилини билиш; картометрия ва математик статистика воситалари ёрдамида харита таҳлилини ўтказиш ва геотасвирлардан керакли маълумотларни олиш қобилияти.
4. Карталарда ҳар хил ўлчовларни бажариш	Картометрик ишларнинг назарий асосларини билиш, карталарда ўлчовларни бажариш қобилияти: турли хил конфигурациялар чизиқлари узунлиги, майдонлар, ҳажмлар, бурчаклар, географик ва тўртбурчакли координаталар, баландликлар, қияликлар; картометрия усуллари эгаллаш.
5. Жойларнинг топогра-фик суръатларини олиш	Жойнинг суръатларининг назарий асослари, геодезик асбоблар ва уларнинг ишлаш тамойиллари, улар билан ишлашни билиш; ҳудуднинг геодезик ўлчовлари ва дала тадқиқотларини ўтказиш

Талабаларда шаклландиган картография ва топография соҳасига оид касбий аҳамиятли қобилиятларга қуйидагиларни киритиш мумкин: географик фазовий тафаккурни ривожлантириш; картографик моделлаштириш ва картанинг образли-график тилини билиш билан боғлиқ ҳолда интеллектуал ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш; махсус “картографик” дунёқарашни шакллантириш; картография соҳасига оид дунёқараш муаммоларини, тадқиқотчилик ва ижодий вазифаларни ҳал қилишга қобилиятлилик; картография бўйича тадқиқотчилик ишларини ва меҳнатни ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш.

Талабаларда картографик компетентлик шаклланишнинг педагогик жараёни қуйидаги “технологик” кўрсаткичлар билан асосланади:

- “Картография”, “Картографик чизмачилик”, “Геодезия” каби умумқасбий фанлари бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларининг олдиндан белгиланган даражаларда ифодаланган педагогик жараёнининг кафолатланган натижавийлиги. Бу олий таълим давлат таълим стандарти ва малака талабларини бажаришга қаратилган педагогик жараёни ташкил этишнинг муайян босқичи ҳамда мантигини англатади;

- талабаларда картографик компетентликни шакллантиришга мақсадли йўналтирилганликни шакллантириш;

- ўқув жараёнида ўқитишнинг стандарт шакллари, усуллари, воситалари ва процедураларидан фойдаланишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзаро шартлашиганлигида намоён бўладиган тизимлилик ҳамда яхлитлик;

- битирувчиларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлайдиган ўқув ва методик ишларнинг жорий ва истиқболдаги вазифаларини ҳал қилишда фойдаланиладиган ўқув фаолиятининг янги рационал шакллари, усуллари, воситалари ва процедураларини излаш ҳамда амалга ошириш нуқтаи назаридан қараладиган динамизм.

Буларнинг барчаси эса, ўз навбатида бўлажак мутахассисни касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик жараёнини етарлича тўлиқ тавсифлайди.

Таълим технологияси - бу: ушбу жараёнинг барча элементларининг барча босқичларида ўзаро таъсирни тизимли ташкил этиш; асосий операцияларни белгилайдиган ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш; жараён иштирокчиларининг параметрлари ва хусусиятларини аниқ белгилаш; жараён иштирокчиларининг функциялари ва ҳаракатларини белгилаш; белгиланган ўқув мақсадларига эришиш кафолатидир.

Қайд этилганлар эса, ўз навбатида, ўқишга технологик ёндашувнинг моҳияти қуйидагилар иборатдан эканлигини таъкидлашга имкон беради: лойиҳани педагогик амалиётда такрор ишлаб чиқиш орқали билан ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалашда; қўйилган дидактик мақсадларга эришиш сифатини объектив назорат қилиш имкониятини таъминлайдиган махсус ташкил этилган мақсадли таълимда; ўқитиш технологиясининг тузилмавий ва мажмуавий яхлитлигида, яъни бошқаларига таъсир кўрсатадиган таркибий қисмлардан бирига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмаслигида; ўқитиш технологиясининг барча элементларининг аниқ ва доимий алоқалари асосида белгиладиган оптимал усуллар, шакллар ва воситаларни танлашда; ўқув жараёнини ўз вақтида ва самарали тартибга солишга имкон берадиган тезкор алоқа имкониятларининг мавжудлигида [1].

Технологияни жорий этиш замонавий олий таълимнинг методик парадигмасини ўзгартиришни талаб қилади. Биринчи навбатда, бу мақсад устуворликларини ўзгартириш билан боғлиқ. Олий таълим муассасаларида картография ва геодезия каби умумқасбий фанларни ўқитиш учун касбий йўналтирилган ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талабаларда картографик компетентликни шакллантириш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Картография ва геодезия фанлари асосан 1, 2 курсларда ўрганилаётганлиги сабабли касбий йўналтирилган ўқитиш технологиясининг асосий вазифаларидан бири талабаларни олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнига мослаштиришдир.

Биринчи курсга қабул қилинган талабалар таълимнинг янги мазмуни, шакллари ва усуллари, қатъий талаблар, ўқув материаллари ҳажмининг кескин ўсиши, бошқача иш тартиби, ўқитувчилар жамоаси ва бошқалар билан бир қаторда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганишда маълум бир қийинчиликларга ҳам дуч келмоқда. Ушбу қийинчиликларнинг асосий сабаби биринчи навбатда, қўйи курсларда талабаларнинг олий таълимдаги муҳитга мослаша олмасликлари билан боғлиқ.

Қўйи курс талабаларини олий таълим муассасаларида таълим олиш учун мослаштириш - бу уларни олий таълимнинг ўқув жараёнига мослаштириш жараёни: янги тузилма (янги шакллар, ўқув фаолиятининг усуллари); картография ва бошқа умумкасбий фанларни ўқитилишига янги ижтимоий муҳит- олий таълим муассасаси ўқув жамоаси (талабалар гуруҳи, ўқитувчилар таркиби). Бу даврда бўлажак касбий фаолиятнинг умуммаданий асоси, талабаларнинг ўқишга бўлган муносабати шакллантирилади.

Талабаларнинг картографик компетентлигини шакллантириш жараёнини бошқариш тизими қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1) ўқув мақсадларини аниқлаш босқичи - ўқув мақсадлари ва вазифаларини аниқлашни таъминлайди;

2) ўқув материалининг таркибини танлаш ва тизимлаштириш босқичи.

Ушбу босқичнинг таркибий элементлари- бу картография ва геодезиянинг асосий бўлимлари бўйича мос билимлар, тегишли кўникмалар ва амалий малакалардир; 3) ўқитиш методлари, шакллари ва воситаларини танлаш ва асослаш; 4) назорат ва баҳолаш босқичи. Бу босқич ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги алоқага бўлган эҳтиёж билан боғлиқ бўлиб, педагогик жараённинг ривожланишини вақти-вақти билан текшириш, унинг натижаларини баҳолаш, талабаларда картографик компетентлик шаклланишини мониторинг қилиш орқали амалга оширилади.

“Картография” ва “Геодезия” фанлари мазмунини олий таълим давлат таълим стандарти асосида қўйидаги мезонларга мувофиқ танланди: ўқитиш мазмунида ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш масаласини яхлит акс эттириш; мазмуннинг юқори даражада илмий ва амалий аҳамияти; мазмун мураккаблигининг таълим берувчининг ҳақиқий таълимий имкониятларига мослиги; мазмунининг ушбу фанларни ўрганишга ажратилган вақт миқдорига мослиги; мазмуннинг олий таълим муассасасининг мавжуд моддий-техник базасига мувофиқлиги.

Ўқув материални тузилмалаштириш эса тизимли ёндашув асосида амалга оширилади.

“Картография” ва “Геодезия” фанларининг тузилмавий-мантиқий схемаси тузилди. Талабаларнинг идрок этиш ва эслаб қолиш каналларининг имкониятларига мувофиқ ўқув материаллари тегишли бўлимлар, модулар, мавзулар ва ўқув машғулотларига тақсимланди, бу талабаларнинг турли босқичларда ўқув ишларига ортиқча юкланишига йўл қўймайди.

Талаб қилинган даражага кўра, ўқув материални ўзлаштиришнинг учта даражаси аниқланди: 1) объектлар ва жараёнларни таниб олиш (билим-танишув); 2) мустақил

равншда такрорлаш ва илгари ўрганилган ахборотни қўллаш орқали репродуктив ҳаракатлар (билим нусха); 3) продуктив ҳаракатлар (билим, кўникма) моделлаштирилган фаолият.

Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш учун тест топшириқлари тизими яратилган.

Картография ва геодезия умумқасбий фанларни ўқитиш контекстли ёндашувга асосланади. Уни қўллашнинг юқори самарадорлиги ўқув жараёнида коммуникатив вазиятларни яратишда намоён бўлади. Барча турдаги коммуникатив ҳолатлар (фронтал, жамоавий ва гуруҳли) ўқув жараёнини касбий йўналтирилган ўқитиш технологияси доирасида фаоллаштиришга имкон беради.

Касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларнинг муҳим томонларидан бири талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими ҳисобланади. Бу олий таълим ўқув режасига мос келадиган асосий ўқув дастурига мувофиқ барча турдаги таълим фаолияти натижаларини мажмуавий комплекс баҳолашга асосланган талабаларни тайёрлаш сифатини индивидуал баҳолаш тизими ҳисобланади.

Касбга йўналтирилган ўқитиш технологияси доирасида “Картография” ва “Геодезия” умумқасбий фанлар бўйича талабалар билимини назорат қилишнинг тегишли тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизимни жорий этиш, бир томондан, талабанинг индивидуал қобилиятларини кенг миқёсда намоён этишга, бошқа томондан эса, ўқитишнинг рақобатдошлигини оширишга, шунингдек, нафақат назоратнинг бир марталик натижаларини, балки семестр давомида ишлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашларни объективлаштиришга имкон беради. Бу эса ўз навбатида, талабаларга балл-рейтинг тизимида мезон-баҳолаш ашарати ёрдамида ўз-ўзини ташхислаш қилиш имкониятини беради.

Касбий йўналтирилган ўқитиш технологияларидан билимларни баҳолаш учун балл-рейтинг тизимидан фойдаланиш натижасида талабалар ишида ритм ва изчиллик кучаяди; таълимнинг ўзини ўзи ташкил этиш даражаси дарсларга тайёргарлик жараёнида талабаларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги ривожланиши билан тавсифланади. Бу ўқитувчилар ва талабалар фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштиришга, картография ва геодезияни ўрганишга бўлган уларнинг қизиқишни оширишга олиб келади, талабанинг мустақил ишлаш ва мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Виленский М.Я., Образцов П.И., Уман А.И. *Технология профессионально ориентированного обучения в высшей школе: Учебное пособие.* –Орел: ГОУ ВПО “ОГУ”, 2008. – 270 с.
2. Зимняя И.А. *Педагогическая психология. Изд. второе, доп., испр. и перераб.* – М.: Логос, 2001. – 384 с.
3. <http://www.dictionary.fio.ru>

## ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИ

Адилов Бобуржон Бахридин ўғли

Жиззах Политехника Институту, таянч докторанти *adilov@mail.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўқитишнинг замонавий усуллари ўқитувчиларга мослашувчан ва кучли математик воситани тақдим этиши, ўқитувчи ва талабага долзарб педагогик муаммоларнинг тубдан янги эчимларини топишига имкон бериши, бу эса техникаолий таълим муассасаларида математиканинг мазмуни ва ўқитилишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** интерактивлик, коммуникация, ахборот, мультимедиа, технология.

## СПОСОБ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ КОММУНИКАЦИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ МАТЕМАТИКИ В ВУЗах

Адилов Бобуржон Бахридин угли

Джизакский политехнический институт, базовый докторант *adilov@mail.ru*

**Аннотация.** В этой статье утверждается, что современные методы обучения предоставляют учителям гибкий и мощный математический инструмент, позволяющий учителям и учащимся находить радикально новые решения текущих педагогических проблем, которые могут оказать существенное влияние на содержание и преподавание математики в высших учебных заведениях.

**Ключевые слова:** интерактивность, общение, информация, мультимедиа, технологии.

## METHOD OF USING INFORMATION COMMUNICATIONS IN TEACHING MATHEMATICS IN UNIVERSITIES

Adilov Boburjon Bakhridin coals

Jizzakh Polytechnic Institute, basic doctoral student *adilov@mail.ru*

**Annotation.** This article argues that modern teaching methods provide teachers with a flexible and powerful mathematical tool that allows teachers and students to find radical new solutions to current pedagogical problems that can have a significant impact on the content and teaching of mathematics in higher education.

**Keywords:** interactivity, communication, information, multimedia, technology.

Замонавий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири бу талабанинг касбий ва шахсий ривожланишига йўналтирилган ва таълимни фундаментализация ва инсонпарварлаштиришни таъминлайдиган тегишли технологияларни яратишдир.

Бугунги кунда таълим технологияларини уларнинг асосида талабалар томонидан нафақат маълум билимларни ўзлаштиришни таъминлайдиган, балки уларнинг касбий ва шахсий ўсишига ёрдам берадиган ўқув жараёнини қуриш нуктаи назаридан ёндашиш зарур. Белгиланган талабларга жавоб берадиган бундай технологияларга ахборот технологияларини ўқитиш киради.



"Ахборот технологиялари" атамаси "ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар" маъносини англатади В.М. Глушков [1]. Бинобарин, ушбу концепция ахборотни қайта ишлаш усуллари ва воситаларини, турли хил ахборот технологияларининг тўпламини ўз ичига олади. Ахборотлаштириш муаммоларига оид мавжуд адабиётларда "ахборот технологиялари" тушунчаси таърифида ҳанузгача номувофиқликлар мавжуд. Қоида тариқасида, турли муаллифлар унинг моҳиятини турлича талқин қиладилар.

И.Г. Захарова таълимнинг ахборот технологияларини "ахборот билан ишлаш учун махсус усуллар, дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланадиган педагогик технология" деб талқин қилади, ахборот технологияларини ўқитиш талабаларга компютер ёрдамида маълумотларни тайёрлаш ва узатиш жараёнидир, деб ҳисоблайди [2].

Техника олий таълим муассасаларида математика (олий математика, амалий математика, математика I,II) фанларини ўқитишда таълимнинг ахборот технологиялари таълим мазмунини тўлдириш ва ўзгартириш, якуний натижага қаратилган ахборот маҳсулотларини, воситаларини, технологияларини таълим ва тарбия жараёнига жорий этиш асосида педагогик жараёнларни ўзгартириш билан бирга олиб бориладиган дидактик жараён тушунилади - олий таълим муассасаситалабаларинизамонавий ахборот жамиятида мослашишга қодир бўлган,ўз соҳасининг йетук мутахассиси сифатида шакллантиришдан иборат.

Ўқув жараёнида компютернинг имкониятлари ўқув дастурий таъминот ёки педагогик дастур деб номланган компютер дастурлари тўплами ёрдамида амалга оширилади. Ўқитувчилар таркибининг ягона таснифи ҳозирда мавжуд эмас, аммо кўпинча уларнинг малакаси учун педагогик йўналиш олинади, яънипрофессор-ўқитувчилар таркибини жорий қилишни асослайдиган маълум дидактик функциялардан фойдаланиш. Бундай ҳолда, қуйидаги турлар ажратилади:

1. Талабага билимларни узатувчи ва уларни ўзлаштириш даражасини таъминлайдиган таълим дастурлари.

2. Билимларни, амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилган симулятор дастурлари, шунингдек тингловчиларнинг ўз-ўзини тайёрлашлари учун тавсия этилади.

3. Талаба томонидан назарий материалларнинг ўзлаштирилишини бошқариш учун мўлжалланган назорат дастурлари.

4. Таърифий характердаги ўқув материалининг айрим элементларини, шунингдек, янги ўқув материални тушунтиришда баъзи жараёнлар ва ҳодисаларни визуализация қилиш учун зарур бўлган намоёиш дастурлари .

5. Ахборотни махсус ташкил этилган сақлашдан (маълумотлар банки) керакли маълумотларни чиқарадиган ахборот-маълумот дастурлари.

6. Монитор экранда мураккаб ёки ҳақиқатан ҳам мумкин бўлмаган жараёнлар ва ҳодисаларни визуал равишда кўпайтириш ва тақлид қилишга имкон берувчи симуляция ва моделлаштириш дастурлари. Бундай дастурлардан фойдаланиш талабаларга турли хил мавҳум тушунчаларни осонроқ қабул қилишларига имкон беради.

Техника олий таълим муассасасида математикани ўқитиш учун баъзи бир истиқболли ахборот-коммуникация воситаларини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

*1-Жадвал*

Т/Р	Ахборот-коммуникация таъминоти номи	Мумкин бўлган шакллар ахборот-коммуникация таъминоти учун қўлланмалар
1	Компютерни ўқитиш ва бошқариш дастурлари (электрон дарсликлар, тест тизимлари, симуляторлар)	Маърузалар, амалий машқлар, жорий ва якуний назорат
2	Эксперт тизимлари	Синф ва синфдан ташқари Иш
3	Электрон кутубхоналар	Мустақил иш
4	Телекоммуникация воситалари (электрон почта, конференциялар) ва тизимли мультимедиа	Конференцияларда иштирок этиш, очик наشريётда материалларни чоп этиш

Электрон дарслик - бу ўқув курсининг асосий илмий мазмунини акс эттирадиган, назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган, ҳар хил таълим фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган мураккаб дастурий таъминот тизими. Анъанавий маърузалар ёки тушунтиришлар шаклида берилган назарий материаллар электрон дарслик билан тўлдирилиши мумкин.

Электрон маълумотномада ўқув материаллари мавжуд бўлиб, улар материалга қўшимча бўлиб, математикафанида ишлатиладиган атамалар рўйхатини акс эттиради. Рўйхатнинг ҳар бир бирлиги гиперактивдир - уни фаоллаштириш сизга атама, концепция ва бошқаларнинг талқинига ўтишга имкон беради.

Эксперт тизимлари.

Интеллектуал мутахассисларни тайёрлаш тизимлари ўқув функцияларини амалга оширади ва маълумотлар базалари ва билим базалари, экспертларни тайёрлаш тизимлари ва сунъий интеллект тизимларидан фойдаланишга асосланган.

Талабаларга математик фанларни ўқитишда электрон жадваллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин, бу миқдорий маълумотларни тақдим этиш, намоёни қилиш ва ҳисоблаш учун қулай восита ҳисобланади. Электрон жадвалларнинг мақсади ҳар хил: қийматларни аниқлаш ва формулаларни ёзишдан математик боғлиқликларни ёки ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни моделлаштиришгача. Математик мавзуларни ўрганишда MS Excel дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: графикларни ўзгартириш; қаторнинг йиғиндисини ҳисоблаш; функциялар жадвалини тузиш; номаълумларни кетма-кет йўқ қилиш усули билан чизиқли тенгламалар тизимини эчиш ва ҳк [4,6].

Компьютер телекоммуникацияси - бу глобал компьютер тармоқлари ва ақлли компьютер тизимларидан фойдаланадиган ахборот-коммуникация таъминотининг ривожланаётган шакли.

Биз олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабаларнинг интернетдаги таълим фаолиятининг барча турлари асосан қуйидагиларга камаяди:

1) мавзуга оид материалларни йиғиш, ўқув ишларига ҳамроҳ бўладиган маълумотлар базасидан, маълумот тизимларидан ва бошқалардан керакли маълумотларни қидириш ;

2) электрон почта, чатлар, форумлар, видеоконференциялар орқали алоқа қилиш;

3) ўзларининг ишланмаларини яратилган тематик веб-саҳифалар ва сайтларда нашр этиш .

Компютер тармоғи масофавий кириш воситаси бўлган ва интернетнинг ўқув жараёнида фойдали бўлган қуйидаги хусусиятларини ўз ичига олган электрон почта билан ишлашга имкон беради.

- узатишган ёки қабул қилинган маълумотни жўнатувчи ва қабул қилувчининг компютерларида сақлаш ва тузиш қобилияти;
- хизмат кўрсатувчи компютернинг электрон почта хабарларини этказиб беришни кузатиш қобилияти.

Техника олий таълим муассасаларида математикани ўқитишда компютер телекоммуникациялари қуйидагиларни таъминлайди:

- Интернет орқали турли хил маълумот манбаларига чексиз кириш;
- турли хил қўшма телекоммуникация лойиҳаларини, шу жумладан халқаро, видеоконференцияларни ўтказиш, ушбу курснинг исталган иштирокчиси, ўқитувчи, маслаҳатчилар ва бошқалар билан фикр алмашиш;
- масофавий ижод усуллари (жамоавий ўқув лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари, ишбилармонлик ўйинлари, виртуал экскурсиялар ва бошқалар) амалга ошириш.

Ахборот-коммуникация таъминоти соҳасида янги истиқболли йўналиш медиа-таълим жадал ривожланмоқда. Ушбу технологиянинг ўзига хос хусусиятларини санаб ўтаемиз:

- турли хил ишлов бериш воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳар хил турдаги маълумотларни (матн, товуш, телевизион ва видео маълумот, нутқ ва мусиқа) бирлаштириш қобилияти;
- интерактивлик, яъни мултимедиа маҳсулотларини истеъмолчиси қайта тикланадиган қисмларни онгли равишда танлаш билан бирга идрок этиш жараёнида фаол иштирок этади.

Математика фанини ўқитишда ўқитувчимултимедиа тизимларидан фойдаланишда ахборотни эмоционал идрок этиш даражасини оширадиган, мустақил равишда маълумотларни қайта ишлаш фаолиятининг турли шакллари амалга ошириш қобилиятини шакллантиришга имкон берадиган таълимнинг фаол усуллари ва шакллари амалга оширади. Ўқитувчи талабага индивидуал ёрдам кўрсатишга, маълумотларни муҳокама қилишга, талабаларда мавзу бўйича билимларнинг тўлиқ ва чуқур мазмунини ривожлантиришга эътиборини қаратиши мумкин.

Замонавий мултимедиа воситалари турли хил ахборот муҳитини яратишга имкон беради. Мултимедиа дастуридан фойдаланганда талаба турли хил шаклларда маълумот билан таъминланади: товуш, тасвир, гиперматн, видео [3, 4].

Юқоридагиларни умумлаштириб айтишимиз мумкинки, математикани ўқитиш учун ахборот-коммуникация таъминотидан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради:

- 1) ахборот-коммуникация таъминоти воситаларининг барча турларидан фойдаланиш асосида ҳар хил турдаги таълим фаолиятини ташкил этиш имконияти орқали тингловчиларнинг мустақил фаолияти кўламини кенгайтириш ;

2) талабани сунъий интеллект тизимларининг имкониятларини амалга ошириш орқали ўқув материални ўзлаштириш ёки муайян синф муаммоларини ҳал қилиш стратегияси билан жиҳозлаш ;

3) ахборот маданиятини шакллантириш, замонавий ахборот жамиятида бўлажак ҳаёт учун замонавий ахборот-коммуникация таъминотивоситаларига эга бўлган олий таълим муассасалари бигирувчисини тайёрлаш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Глушков В.М. Основы безбумажной информатики [Текст] – М. Наука, 1987. – 552с.
2. Захаров И.Г. Информационные технологии в образовании [Текст]– М. Академия, 2005. – 192с.
3. Хамидов Ж.А. Использование мультимедийных технологий в профессиональном образовании. / Среднее профессиональное образование, 68-69 11 2011.
4. Namidov J.A. Main Components of information Culture in Professional Teacher education in Informatization of Society // Eastern European Scientific Journal.-Germany, 2016. №1. –P.102- 105. (13.00.00. №1)
5. Адиллов Б.Б. Техника олий таълим муассасаларида замонавий ўқитишнинг шакллари ва усуллари. / НамДУ илмий ахборотномаси 12-сон, 442-445 2020й.
6. Najmiddinova Yo. R. Conditions of Forming Professional Abilities and Skills on Competence Approach among Colleges Students // Eastern European Scientific Journal. - Germany, 2018. -№4. - P.196-199.
7. Нажмиддинова Ё.Р. Запрограммированная вспомогательная компьютерная система – как информационно-образовательная среда в обучении инженеров-техников // ЎзМУ Хабарлари, 2019.№1/2.- 131-134 стр.

#### **Инглиз тили иқтисодий дискурси терминларининг тарихий тараққиёт босқичлари.**

Сайфутдинова Мафтун

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

мустақил изланувиси

maftuna\_90\_08@mail.ru

***Annotation:** If we analyze and carefully study any terminological system of current time, we will see that its growth or decline is associated with time and space. In this sense, the formation, formation and development of English economic terminology has its own path of development, a genetic basis. In this article, we provide factual - analytical information about the historical and genetic roots of English economic terms.*

***Key words:** economic discourse, economic terminology, tax, linguistic pragmatics, text analysis, periodic analysis.*

***Аннотация:** Если мы проанализируем и внимательно изучим любую терминологическую систему нашего времени, мы увидим, что ее рост или упадок связан со временем и пространством. В этом смысле формирование, становление и развитие английской экономической терминологии имеет свой путь развития, генетическую основу. В этой статье мы предоставляем фактически-аналитическую информацию об исторических и генетических корнях английских экономических терминов.*

**Ключевые слова:** *экономический дискурс, экономическая терминология, налог, лингвопрагматика, анализ текста, периодический анализ.*

**Аннотация:** *Замонамизнинг ҳар қандай терминологик тизимни кенгроқ таҳлил этиб ва синчиклаб татқиқ этадиган бўлсак, унинг ўсиши ёки қулаши замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу маънода, инглиз тили иқтисод терминологиясининг таркиб топиши, шаклланиши ва ривожланиши ўз тараққиёт йўли, генетик асосларига эга. Биз мазкур мақолада инглиз тили иқтисод терминларининг тарихий-генетик илдизлари ҳақида фактик-аналитик маълумотларни келтирамиз.*

**Калит сўзлар:** *иқтисодий дискурс, иқтисодий терминология, солиқ, лингвопрагматика, матн тахлили, даврий анализ.*

Британия ҳудудида мавжуд иқтисодиёт ҳақидаги маълумотлар илк бор, милoddан аввал 54 -55 йилларда Рим Императори Юлий Цезарнинг оролга дипломатик ташрифи давомида қайд этилган солномаларда баён этилган. Айнан шу ташрифдан сўнг Британия ва Рим империяси ўртасида савдо алоқалари тараққий этди, бироқ ижтимоий, иқтисодий муносабатлар кўпга чўзилмади. Милодий 40 йилгача Британия ороли Рим империяси томонидан босиб олинади. Инглизларнинг солиқ, ўлпон, ҳукумат ва давлатнинг иқтисодий тизими тўлалигича римликлар қўлига ўтиб кетади. Айнан мана шу давр тарихда "Темир аср" номи остида ёзилди.<sup>27</sup> Империя томонидан қилинган талон-тарожликлар, янги ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидалар Британия оролидаги вазиятни бутунлай салбий томонга ўзгартириб юборди. Оролнинг туб аҳолиси ҳолатни тиклаш учун кўп йиллар давомида кураш олиб боришди. Натижада, милодий 338- 410 йилларда империя қўмондони Магнус Максимус сўнги аскарларини орол ҳудудидан олиб чиқиб кетди. Қилинган ислоҳотлар натижасида инглиз тили таркибида римликлар тилидан ўзлашган бир қанча иқтисодга оид лексик бирликлар билан бойилган. Масалан: *publicani* - лесемаси қадимги Рим империяси давридаги солиқ йиғувчи; *tributum (soli)* - ўз ерига эга деҳқонлар, мулкдорлар учун таъсис этилган ер солиғи; *contract* -лексемаси *contractus, contrahere* – бирлаштириш, рози бўлмоқ, ким биландир шартнома тузмоқ феъллари, *con* – билан, бирга префикси ва *trahere* – олмоқ, чўзмоқ (узайтормоқ), қизиқтирмоқ феъли асосида ҳосил бўлган, кейинчалик бир гуруҳ терминларнинг ясалиши учун ядро вазифасини ўтаган (1. жадвал). Бу каби терминларнинг вужудга келиши негизида мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ногўфри талқин қилишнинг олдини олиш учун шартларни ёзма кўринишдаги гувоҳликни акс эттириш зарурати туфайли амалга оширилган бўлиб, нафақат Рим империяси балки, Хитой, Ҳиндистон каби улкан тарихга эга мамлакатлар давридан то ҳозирги кунгача дунё амалиётида тобора кенг тарқалган.

1. Жадвал

**Contract лексемаси орқали вужудга келувчи иқтисодий терминлар**

№	Инглиз тили	Ўзбек тили
1	<i>awarded</i>	<i>тузилган шартнома</i>

<sup>27</sup> Dio Cassius, Roman History 49.38, 53.22, 53.25/// Millar, Fergus (1964). *Study of Cassius Dio*. Oxford University Press. p. 250. ISBN 0-19-814336-2

2	<b>C O N T R A C T</b>	<i>bond</i>	<i>шартнома кафолати</i>
3		<i>buyer</i>	<i>шартнома харидори</i>
4		<i>by deed</i>	<i>муҳр билан тасдиқланган битим</i>
5		<i>debt</i>	<i>шартномавий қарз</i>
6		<i>default</i>	<i>шартнома мажбуриятларини бажармаганлик</i>
7		<i>for delivery</i>	<i>Ўтказиб бериш шартномаси</i>
8		<i>for purchase</i>	<i>харид қилиш шартномаси</i>
9		<i>guarantee</i>	<i>шартнома кафолати</i>
10		<i>holder</i>	<i>шартнома эгаси, шартномачи</i>
11		<i>liability</i>	<i>шартнома мажбурияти</i>
12		<i>agency</i>	<i>вакиллик шартномаси</i>
13		<i>terms</i>	<i>шартнома шартлари</i>
14		<i>of deposit</i>	<i>депозитга ўтказиш ҳақидаги битим</i>

Таъкидлаш жоизки, ўрта асрлар даврида инглиз тили таркибида француз, лотин ва инглиз тилига оид молия-иқтисод терминлари яхлит ҳолда қўлланилган. Даврларнинг ўзига хослиги, замонларнинг ва ҳукмдорларнинг ўзгариб туриши мазкур терминларнинг турли шаклда қўлланилишига ҳам таъсир кўрсатган. Мамлакат ҳудудида мавжуд анъана ва урф-одатлар асосида қирол саройи ва сарой ҳузуридаги муассасаларни номлаш ҳамда таърифлаш учун лотин терминларидан фойдаланилган. Масалан: Айнан юқоридаги анъаналарга мувофиқ қироллик оиласининг биринчи туғилган ўғил фарзанди валиаҳд ҳисобланган ва қирол вафотидан сўнг тахт ва меросга энг яқин келган номзод бўлган, ушбу бирлик *primogeniture* деб номланиб, *туғилиш ҳуқуқи* (ўзбек тили муқобил варианты сифатида) маъносини беради. Мазкур лексик бирликнинг тарихига назар ташласак, лотинча *primogenitus* сўздан олинган инглиз тилида “*first-born*” яни *илк фарзанд*, *тўнғич* маъноларини беради; яна бир мисол *councilor* терминидир, қирол саройидаги *маслаҳатчи* мақоми ҳисобланган, лотин тилидаги *consiliarius* сўздан олинган. Бундан ташқари, ушбу лексик бирлик инглиз ва ўзбек тилларидаги *consul* – *консул* (элчи), *consultant* – *консультант* (*маслаҳатчи*, *ёрдамчи*) сўзларининг лексемасидир. Ҳозирги кунда Бирлашган Қироллик қонунларида *primogeniture*, *councilor* қирол оиласида қонунан белгиланган расмий мақомлар сифатида қайд этилади.

Рим империясидан сўнг Британия ҳудудида янги давр бошланди. Британ жамиятининг саноат иқтисодиётига бўлган даврига назар ташласак, Европа ҳудудидаги барча халқлар каби қишлоқ хўжалиги иқтисодига боғланиб қолган эди. Дастлаб феодаллардан солиқларни йиғиш орқали давлат ғазнаси шаклланиб, йиллар давомида бу тизим ривожланиб боради. Буюк Британия ҳудудида қишлоқ хўжалигининг катта ерлари, муайян ер майдонига эга кўчмас мулклар қонуний ҳужжатга эга бўлиб, *менор* - “*manor*” - деб аталган. Мазкур ерлар қироллик амалдорлари ёки маҳаллий Лордлар томонидан бошқарилган. Бу каби жойларнинг асосий ишчи кучи *писант* - “*peasant*” лар деб аталган. *Peasant* атамасини ўзбек тилига таржима қилинса, “*деҳқон*, *хунарманд*, *чорвадор*, *боғбон*” каби сўзларга тўғри келади. Писантларнинг иқтисодни барқарорлаштирувчи асосий фаолияти қуйидагилар эди: маҳаллий ҳосил, чорва, нон маҳсулотлари, пишлоқ ва сут маҳсулотлари, вино, пиво, иш қуроли, кийим кечак тўқиш, уй қуриш ва уй жиҳозлари ясаш каби ишлар билан банд бўлишган. Бундан ташқари, ўша даврларда оддий халқ орасида ҳам турли иқтисодий амалларни бажарувчи лавозимлар мавжуд эди. Жумладан, *hayward* - атамаси (*hege-weard* лексемасидан олинган) маъноси;

экинлар етиштиришни бошқарган масъул лавозим; *pinder* - экинларни қаровсиз ҳайвонлардан сақлаган масъул. Ушбу жараёнлар Буюк Британиянинг илк ўрта асрларида ички иқтисоднинг асосий бўғини бўлган.

Милодий IX асрга келиб тижорат ва савдо жуда кенг тарқалди. Хатто кичик шаҳарларнинг ҳам ўз муайян товарларга эга бозори ва атторлик дўконлари вужудга келган. Бозор, ярмарка ва савдо расталари *large estate owners* - йирик мулк эгалари, *town councils* - шаҳар кенгашлари ёки черков ва монастырлар томонидан назорат қилинган. Айнан шу даврдан бошлаб савдо билан шуғулланиш учун кунлик ёки ҳафталик савдо рухсатномалари берилди бошланган. Бу лексик бирлик ёзма нутқда *licence, licens, lisenсe, lissens, licanсe* яни *лицензия* кўринишида бўлиб, маъноси- *расмий авторизация, расмий рухсат, рухсатнома, имтиёз* каби тушунчаларни англатган ва мамлакат миқёсида кеенг қўлланган.<sup>28</sup>

Инглиз тили иқтисод терминологиясига доир ўзгаришлар XI асрда Норманд истилоси давридан то XIX—XX аср бошларигача давом этади. Мазкур даврларда иқтисоднинг асосий бўғини бўлган солиқ ислохотлари ҳам мамлакат равнақи учун муҳим омил бўлган. Буюк Британияда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар давлат томонидан жорий қилинган қонунлар асосида пул ва унинг ўрнини босувчи турли муқобил товар-маҳсулотлар кўринишида ундирилган. Масалан: 1203 йилда Қирол Жон ташаббуси билан юнг экспорт солиғи (**tax on wool**) таъсис этилган бўлса, 1275 йилда мамлакатнинг навбатдаги раҳбари Қирол Эдуард I томонидан вино солиғи (**taxes on wine**) жорий этилган.<sup>29</sup>

Милодий II ва IX асрларга келиб инглизлар Британия орол худудидан ташқарисидаги қўшнилари билан ташқи иқтисодий муносабатлар ўрнатилди. Ҳамкорлик натижасида денгиз йўли орқали бошқа қитъаларга йўл очилди. Тарихчи олим Марк Картврайт (Mark Cartwright) бу жараённи қуйидагича баён этади.

**Матн** (ҳолати)дан: *Into the 9th century CE, a clearer picture of international trade begins to emerge. The Italian city-states, under the nominal rulership of the Byzantine Empire, began to take over the trade networks of the Mediterranean, particularly Venice and Amalfi who would later be joined by Pisa and Genoa and suitable ports in southern Italy. Goods traded between the Arab world and Europe included slaves, spices, perfumes, gold, jewels, leather goods, animal skins, and luxury textiles, especially silk.... The trade connections across the Mediterranean are evidenced in descriptions of European ports in the works of Arab geographers...*<sup>30</sup>

**Таржимаси:** Милодий IX асрга келиб, халқаро савдонинг аниқ тасвири пайдо бўла бошлайди. Византия империясининг номинал ҳукмронлиги остида бўлган Италия шаҳар худудлари Ўрта ер денгизи савдо тармоқларини эгаллашади, хусусан, Венеция ва Амальфини,

<sup>28</sup> John Oswald., A Dictionary of Etymology of the English Language, and of English Synonymes and Paronyms, p.20., 2019

<sup>29</sup> Richard Doernberg., **International Taxation in a Nutshell**, p132., 2015

<sup>30</sup> **Dick Howard**, **The Primacy of the Political: A History of Political Thought from the Greeks to the French and American**, p.210., 2010.

кейинчали уларга Пиза, Генуя ва Жанубий Италияга тегишли портлар қўшилади. Араб дунёси ва Европа ўртасидаги савдо моллари қуйидагиларни ўз ичига олган эди: қуллар, зираворлар, парфумерия, олтин, заргарлик буюмлари, чарм маҳсулотлари, ҳайвон териси, қимматбаҳо газлама, айниқса ипак матолар... Ўрта ер денгизи бўйлаб ўрнатилган савдо муносабатлари Араб географлари қўл ёзмаларида қайд этилган Европа портлари билан далилланади...

Натижада, бошқа тиллардан инглиз тили луғат таркибига катта ўзлашмалар оқими кириб келади. Масалан, *tariff* (тариф) иқтисодий тушунчаси инглиз тилига арабча тариф (хабарнома) сўзидан воситачи тил – француз тили орқали кириб келган. Ўрта асрларда Ўрта ер денгизи бўйларида “тариф” сўзи савдогарлар кемаларида тузиладиган, ортिलाётган юкларнинг тасдиқланган рўyxатини, сотиладиган товарнинг миқдори ва қиймати кўрсатилган ўзига хос жадвални англатган.

Ташқи ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланиб давлат иқтисоди ривожланиши ортида Қиролликда иқтисоднинг янги соҳалари пайдо бўла бошлади. Шундай соҳалардан бири бу *ломбардлик* “*lombard*” соҳасидир. Бу соҳа италиялик савдогарлар томонидан амалга оширилган бўлиб, айнан, мамлакатнинг шимолий қисмидаги Ломбардия (*Lombardy*) шаҳри номи билан юритилган. Соҳа вакиллари яни *ломбардлар*нинг фаолияти - муайян қийматга эга қимматбаҳо буюмни гаров сифатида қўйиб эвазига аниқ қийматга эга нақд пул беришдан иборат эди. Ломбардлик соҳаси ва соҳа вакиллари даст аввал қироллик ҳудудида қадр топмаган, черковлар ва диний идоралар томонидан оммавий тақиққа учраган. Мазкур соҳа ривожланиш нуқтаси 1338 йида қирол Эдуард III Францияга қарши уруш учун пул йиғиш давомида қироллик хонадонига тегишли марваридларини, айнан, ломбардларга гаровга қўйиши билан бошланди. Кейинчалик 1415 йида қирол Генрих V ҳам худди шундай йўл тутган. Соҳа вакилларининг расмий фаолияти Генрих VII билан тузилган шартнома орқали бошланади.<sup>31</sup> Ломбардлик соҳасига оид илк лексик бирликлар вақт ўтиши билан соҳа терминологиясининг ўзгармас қисмига айланди. Масалан: ўрта асрлар соҳа амалиётида қўлланган италянча *gaggio* лексик бирлиги фонетик ўзгаришлар натижасида эндиликда *gage* – гаров (муайян қарз кафолати эвазига қолдирилган қимматбаҳо буюм, мулк) маъносида истеъфода қилинмоқда. Ҳозирги кунга келиб иқтисоднинг мазкур соҳаси дунёнинг деярли барча ҳудудларида аниқ кўрсатилган низомлар асосида фаолият олиб боради.

Англияда савдонинг ривожланиши ортида равнақ топган яна бир соҳа бу банк тизими эди. Ушбу соҳа гарчи Европа ҳудудида аввалроқ тарқалган бўлсада, Британия оролида *ломбардлик* соҳасидан кейин тараққий этди. Шунини айтиш лозимки, кўпчилик олимлар банк ва банк иши терминларининг ватани Англия деган фикрни илгари суришди, улар биржа ва молия билан боғлиқ тушунчалар ва жараёнлар айнан инглиззабон халқлар жамиятида илк бор ўз аксини топган деб ҳисоблайди. Инглиз тилидаги банк терминлари умумий, энциклопедик, этимологик ва махсус терминологик луғатларда рўyxатга олинган ва баён қилинган. Бироқ Британия иқтисод соҳани тарихий ва илмий манбалар асосида татқиқ этганимизда, дастлабки банк иши асосчилари араб миллати вакиллари бўлганлиги далилланди. Бундан ташқари араблардан сўнг Европа қитъасидаги банк тизими Яҳудий миллатига мансуб сармоядорлар қўлида бўлган.

<sup>31</sup> *Gregg, Samuel "How Medieval Monks Changed the Face of Banking". American Banker., 2016.*



Қироллик худудига илк банк XIII асрда Лондоннинг Ломбард (Lombard Street) кўчасида иш бошлаган. Ўрта асрларда банкирлар томонидан замонавий иқтисоднинг муҳим бўлган молиявий воситалари яратилди. Бунинг натижасида соҳа лексикаси сезиларли даражада янги лексик бирликларга эга бўлди. Масалан: *money - box - пул қути* атамаси; *stucc* бирлиги ҳозирда *stock - акция*, яни мулквий ҳуқуқларни белгиланган шаклда ифодаловчи, акциядорлик жамияти чиқарган қимматли, даромад келтирувчи қозғоз; *share - улуш* яни муайян молиявий қийматга эга ҳисса; *billa, bille* лексик бирликларининг ҳозирги шакли *bill* бўлиб, ушбу бирлик *ҳисоб* - мижознинг банк тасарруфидаги (маҳфий) молиявий ҳолати; *eschangier* атамасинг айна кўриниши *exchange* бу термин иқтисод соҳасида *айрибошлаш* яни маълум қийматга эга пулни шу қийматга эга бошқаси билан алмаштириш; *letters of credit* – *аккредитивлар*, банк муассасаларининг чет эл банклари ҳисоб рақамидаги маблағлар.


Соҳага доир илмий манбаларни тадқиқ этганимизда, инглиз тили таркибидаги иқтисодга оид терминлар шаклланишида кескин бурилиш ясовчи даврий нуқталар эътиборимизни тортди. Хусусан, Буюк Британияда соҳа терминларининг вужудга келишида 1500-1750 йиллар жуда ҳам самарали бўлган. Бу даврда айрим манбаларда қишлоқ хўжалик иқтисодиёт инқилоби деб ҳам аталади. Бунинг сабаби сифатида, айнан, шу даврда қишлоқ хўжалиги соҳасига ёндош бўлиб, оролнинг ижтимоий ҳаётига саноат ва енгил саноат соҳалари ҳам кириб кела бошлади. Жумладан, 1712 йилда Т.Нюкомен томонидан буғ машинасини яратиши тоғ кон саноатида қўллаш учун руҳсат берилди. 1733 йилда Ж.Кай тўқмачилик соҳаси учун авто штатльни ихтиро қилди.<sup>32</sup> [Britanicaencyclopedia.com](http://Britanicaencyclopedia.com) маълумотларига кўра, иқтисод соҳаси тараққий этиши, замонавийлашув (модернизациялашув)и айнан шу даврлардан бошланган (2. жадвал). Британияда соҳага оид терминлар ўша давргача мавжуд бўлган, бироқ ўша вақтдан бошлаб соҳа терминологияси сатҳи кенгая бошлаган ва янги янги кашфиётлар бу жараённи ҳозиргача давом этишига сабаб бўлмоқда.

2. жадвал

<sup>32</sup> Morris, Charles R. Morris; illustrations by J.E. (2012). The dawn of innovation the first American Industrial Revolution (1st ed.). New York: PublicAffairs. p. 42. ISBN 978-1-61039-049-1.

## Total economic output in England since 1270, England

Output is adjusted for inflation and measured in British Pounds in 2013 prices



Янги соҳаларнинг тараққий этиб бориши, мамлакат ҳудудида янги қонун ва лойиҳа ишлаб чиқилишига, асосан, иқтисоднинг барқарорлашувига олиб келди. Шундай мисоллардан бири сифатида 1798 йил декабрь ойидан бошлаб, фаолиятининг асосий қисмини молия ишлари бўйича маслаҳатчи сифатида олиб борган бош вазир, Уилям Пит томонидан **income tax** – *даромад солиги* тақлиф қилинган бўлиб, у асосан наполеончилар уруши учун тайёрланадиган қурол-аслаҳалар ва бошқа ўқотар қуроллар учун солинган.<sup>33</sup> Мазкур даромад солиғи 1802 йилда Франциянинг шимолий қисмида жойлашган Амьен шаҳрининг тинчлигини сақлаш сулҳини тузиш вақтида Генри Аддингтон томонидан бекор қилинган бўлса-да, ҳозирги кунга келиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан, жамғарма маблағларидан, сармоя ҳамда нафақалардан ундирилади. XIX асрнинг боши ва унинг иккинчи ярмигача иқтисодиёт соҳаси янада янги давр бошланди. Бунинг асосий сабаби шуки, соҳа тараққиёти самараси ўлароқ унинг таркибий қисмига техник мосламаларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Биламизки, ўша давр янги фан – техника тараққиёти даври бўлган, кўплаб турли техник мосламаларни мазкур соҳа истеъмолида қўллана бошлаган. Шунинг учун ҳам, янги терминлар техник мосламаларни ифодаловчи лексемалардан шаклланди. Масалан, “ticker” (тикер) сўзи Нью-Йорк биржасида бўлаётган келишувлар ҳақида маълумот берувчи механизмни англатади. Шу сўз билан бир қаторда, “teleregister” сўзи фонд биржаларида битимларни кўрсатаётган экранни номлаш учун қўллана бошланди. Соҳанинг техника билан боғланиши натижасида инглиз тили таркибида икки лексик бирликдан ташкил топган иқтисодиёт терминлари вужудга кела бошлади. Уларнинг қўлланилишининг асосий сабаби, сўзловчи ифода этаётган объект тингловчи учун аниқ, муайян бўлиши билан истеъфода этилган. Масалан; *tape abbreviation* – биржада кодлаш

<sup>33</sup> Hague, William (2005). William Pitt the Younger. HarperPerennial. ISBN 978-0-00-714720-5

аппаратнинг тасмасида кодли белги; *tape prices* – тикернинг тасмасида қимматли қоғозларнинг акс эттирилган нархлари.<sup>34</sup>

XX асрда, иккинчи иккинчи жаҳон урушидан сўнг компютер технологияси яратилди. Бутун дунё бўйлаб, ҳар бир соҳага унинг вазифаларини тақлиф этилиши кўпчилик мутахассисларга ёқимсиз бўлди, бироқ компютердан фойдаланиш орқали фаолият олиб бораётган барча соҳалар, хусусан, иқтисод соҳасининг ҳам тармоқлари кенгайди ва янги савдонинг усуллари юзага кела бошлади. Мутлоқа янги лексик бирликларнинг вужудга келишига муҳим омил бўлди. Жумладан, биржанинг янги тури – Computer Exchange (компютер биржаси). Биржанинг бу турида иш юритиш учун алоҳида бино талаб қилмасди, балки, барча келишувлар ва битимлар компютер орқали тузиларди. Инглиз тил таркибида айнан шу даврдан бошлаб тўрт компонентли соҳа терминлари шакллана бошлади ва турли объект ва жараёнлар номланди:

-*cash earnings per share* – акцияга нисбатан пул даромади;

-*exchange equalization account* – валютани стабиллаш, мувофиқлаштириш биржаси;

-*International Standard Identification Number* – халқаро акциянинг идентификация рақами.

Кўп компонентли терминларнинг нутқда қўлланишини енгилаштириш орқали сўз ясалишининг *акронимия* усулидан кенг фойдаланилди. Натижада, инглиз тили тил ва нутқ бирликлари луғат таркибида қуйидаги аббревиатуралар пайдо бўлди:

-*AIMF* – *Average Indexed Monthly Earnings* – Ойлик киримнинг ўртача кўрсаткичи;

-*IMC* – *International Marketing Centre* – Халқаро маркетинг маркази;

-*IRA* – *Individual Retirement Account* – Шахсий нафақа ҳисоби (А.Н.)

Буюк Британия ва унинг таркибидаги инглиз забон ҳудудларда вужуд келган лексик бирликлар шунинг англатадики, иқтисодиётга оид бирликларнинг тараққиёт босқичлари давр ва ундаги тузум билан чамбарчас боғлиқлиги кузатилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Dio Cassius, Roman History 49.38, 53.22, 53.25/// Millar, Fergus (1964). *Study of Cassius Dio*. Oxford University Press. p. 250. ISBN 0-19-814336-2
2. John Oswald., A Dictionary of Etymology of the English Language, and of English Synonymes and Paronymes, p.20., 2019
3. Richard Doernberg., **International Taxation in a Nutshell**, p132., 2015
4. [Dick Howard](#), The Primacy of the Political: A History of Political Thought from the Greeks to the French and American, p.210., 2010.
5. Gregg, Samuel "How Medieval Monks Changed the Face of Banking". *American Banker.*, 2016.
6. Morris, Charles R. Morris; illustrations by J.E. (2012). The dawn of innovation the first American Industrial Revolution (1st ed.). New York: PublicAffairs. p. 42. ISBN 978-1-61039-049-1.
7. Hague, William (2005). William Pitt the Younger. HarperPerennial. ISBN 978-0-00-714720-5

<sup>34</sup> Сидоренко Ю.Н. Пути формирования английской биржевой терминологии. // Автореф. дисс.канд.филол.наук. –Омск, 2005. с. 25

8. Сидоренко Ю.Н. Пути формирования английской биржевой терминологии. // Автореф. дисс.канд.филол.наук. –Омск, 2005. с. 25

## **OPTIMAL CONDITIONS FOR THE IMPLEMENTATION OF THE PRINCIPLE OF INDIVIDUALISATION**

UzSWLU senior teacher  
Alikulova Diana Maratovna

**Annotation:** *The article is aimed to reveal the peculiarities of individual and differentiated teaching in the frame of a single group. It defines such notions like “individualization” and “differentiation” considering the similarities and differences of these approaches. The article describes the techniques of grouping students to implement the “individual learner” approach and provides information on organizing assignments to implicate those techniques.*

**Key words:** *Individualization, differentiation, individual learner, external and internal differentiation, learners’ individual characteristics, grouping.*

**Аннотация:** *Статья направлена на выявление особенностей индивидуального и дифференцированного обучения в рамках единой группы. Он определяет такие понятия, как «индивидуализация» и «дифференциация», учитывая сходства и различия этих подходов. В статье описываются методы группирования студентов для реализации подхода «индивидуальный учащийся» и предоставляется информация об организации заданий для применения этих методов.*

**Ключевые слова:** *индивидуализация, дифференциация, индивидуальный обучающийся, внешняя и внутренняя дифференциация, индивидуальные особенности обучающихся, группировка.*

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada bir guruh doirasida individual va differentsial o'qitishning o'ziga xos xususiyatlarini ochib berishga qaratilgan. Ushbu yondashuvlarning o'xshash va farqli jihatlarini hisobga olgan holda “individualizatsiya” va “farqlash” kabi tushunchalarni belgilaydi. Maqolada “individual o'quvchi” yondashuvini amalga oshirish uchun talabalarni guruhlash metodikasi tasvirlangan va ushbu metodlarga taalluqli bo'lgan topshiriqlarni tashkil qilish to'g'risida ma'lumot berilgan.*

**Kalit so'zlar:** *Indivallashtirish, farqlash, individual o'quvchi, tashqi va ichki farqlash, o'quvchilarning individual xususiyatlari, guruhlash.*

Today, teaching, together with foreign languages, is aimed toward the typical student, that's to mention the teaching is planned taking under consideration student' age, necessities of the sphere the learners have chosen and therefore the course of study of the academic institution. In practice, no stress is placed on the individual characteristics of the individual student, on the peculiarities of the perception of the material, the speed of its assimilation, the level of development of a learner, his motives and interests. All of this can be the foundation reason behind the actual fact that weak students don't maintain with the typical pace of class work, and strong students lose interest within the subject and even realize themselves lagging

behind. Therefore, the subject of individualized and differentiated teaching of a foreign language in higher academic establishments is relevant.

This topic is sufficiently studied, however in view of the complexity of applying these technologies in practice, it continues to attract the attention of teachers. Several Soviet, Russian and foreign researchers, such as A.A. Kirsanov, A.G. Russkikh, I.E. Unt, I.M. Cheredov and others, have worked and continue to work on its development: a huge range of monographs are written, dissertations and articles, practical guidelines. But still, individualization and differentiation of teaching is a difficult way to increase interest in a particular subject and teaching generally. Based on this, a scientific drawback arises: what has to be done in order for individualization and differentiation to lead to positive learning outcomes? Many educators confuse the two ideas of "individualization" and "differentiation". To begin with, let's attempt to perceive how these concepts are understood by researchers addressing this problem.

"Individualization of learning is the organization of the educational process, which takes into account the individual characteristics of students; allows you to create conditions for the realization of the potential of each student".

"Differentiation is a form of organizing the educational activities of schoolchildren, which takes into account their inclinations, interests, and manifested abilities."

Unt I.E., one of the researchers of this problem, the definitions of which were taken by us as the basis of this work, distinguishes between the concepts of "individualization" and "differentiation" as follows:

"Individualization is taking into account in the learning process the individual characteristics of students in all its forms and methods, regardless of what features and to what extent are taken into account."

"Differentiation - taking into account the individual characteristics of students in the form when students are grouped on the basis of any particularities for separate learning; usually training in this case occurs according to several different curricula and programs.<sup>35</sup> "

Thus, the compilers of the "Pedagogical Encyclopedia" and I. E. Unt have the same understanding of individualization and regard it as taking into account individual characteristics in the learning process. But they consider the differentiation of teaching in different ways: I. E. Unt emphasizes the grouping of students on the basis of any of their characteristics for separate training, and the "Pedagogical Encyclopedia" - on taking into account the interests, individual characteristics of students without dividing students into groups.

And now we will consider in more detail what these concepts represent and how they are understood by various researchers and educators dealing with this problem.

G.K. Selevko, for example, in his monograph "Modern educational technologies" defines individualization as the organization of the educational process, in which the choice of methods, techniques, pace of learning is determined by the individual characteristics of students<sup>36</sup>. Individualization here does not at all imply the obligatory consideration of the characteristics of each student, most often researchers such as A. A. Budarny, A. A. Kirsanov, E.

---

<sup>35</sup> Unt I.E. (1990). Individualisation and differentiation of teaching. Moscow, Russia.

<sup>36</sup> Selevko G.K. (1998). Modern educational technologies. Moscow, Russia.

S. Rabunsky limit themselves to taking into account groups of students that are similar in any set of qualities. Kirsanov, for example, considers the individualization of educational work as "a system of educational and didactic means corresponding to the goals of the activity and the real cognitive capabilities of the class team, individual students and groups of students, allowing to ensure the student's educational activity at the level of his potential, taking into account the learning goals."<sup>37</sup>

According to I.M. Osmolovskaya, differentiation is a way of organizing the educational process, which takes into account the individual typological characteristics of the individual (abilities, interests, inclinations, features of intellectual activity), on the basis of which students can be united into groups.

Under the conditions of differentiation, groups of students are singled out and the educational process is not just different, but corresponding to certain characteristics of students. In the process of organizing educational activities, the individual characteristics of students are taken into account in order to make the learning process for them more effective and more comfortable.

As practice shows, two main organizational forms of differentiation are currently used:

1. External differentiation, the main indicators of which are the division of students by age, interests, academic performance, etc. Forms of external differentiation can be special schools and classes with a certain bias, electives of interest for high school students, equalization classes.

2. Internal differentiation or intra-class is when within each class, students are divided into smaller groups according to various criteria, for example, according to the degree of progress in learning or according to the characteristics of a combination of similar individual psychological qualities.

In the educational process, individualization of learning and a differentiated form of work with students are the basis for the implementation of the principle of an individual approach.

Thus, the similarity of the studied phenomena lies in the fact that the learning process is aimed at the personality of the student, at his individual cognitive, psychological characteristics, and the main difference is that, when individualizing, the teacher's impact is directed at each specific student, and when differentiating, at groups of students, formed according to any characteristics.

The learning process at the institute is subject to certain laws, the knowledge of which helps to find effective ways and methods of teaching, to properly organize the educational process.

These patterns include the unevenness of the assimilation of knowledge, skills and abilities by students of the same class, i.e. individualization of educational work. These are the techniques and methods that a teacher uses in a lesson in a regular classroom in a mass school.

However, it should be noted that individualization of learning is not an end in itself. It should take place in every lesson. The need and nature of it depend on the level of preparedness of the students in this class, the degree of difficulty of the educational material

---

<sup>37</sup> Kirsanov, A. A. (1982). Individualization of educational activities as a pedagogical problem. Kazan, Russia.

and the stage of studying each topic. It should also not be forgotten that the student's mental state in the lesson also has a great influence on him: a feeling of interest, attraction, concentration, mental stress, surprise, bewilderment, distraction, boredom, etc. The ability to evoke and activate the mental states we want also requires an individual approach to students. An individual approach should represent a whole system of personality education.

An individual approach is needed for all students in a class (or group): for a poorly performing, undisciplined student, and for students with a high level of development of abilities. However, the essence of this approach is not in adapting the content of education to the peculiarities of the preparation and development of individual students. The main goal of individualization of teaching is to prevent the appearance of gaps in the knowledge of students, to ensure the maximum productive work of each of them, to more fully mobilize their abilities, inclinations and interests.

